

Ўзбек
халқ
ОҒЗАКИ
ПОЭТИК
иҷоди

Ўзбек
халқ
ОҒЗАКИ
ПОЭТИК
ижоди

2/2 УКЛ
Р 18
09
АБОНИМЕНТ
ГАИС

Х. РАЗЗОҚОВ,
Т. МИРЗАЕВ, О. СОБИРОВ,
К. ИМОМОВ

*

Университетларнинг ва педагогика
институтларининг филология факуль-
тетлари студентлари учун қўлланма

*

ЎзССР Маориф
министрлиги
тасдиқлаган

*

ТОШКЕНТ,
«ЎҚИТУВЧИ», 1980

Молумла Қадирӣ номидаги
Тошкент давлат маданият ин-ти
асосий кутубхонаси
Тартиб № 23213
Фундаментальная библиотека
Таш ГИК им. А. Кадыри
Инв. №

Махсус редактор
филология фанлари кандидаты
ФАНИ ЖАХОНГИРОВ



На узбекском языке

РАЗЗАКОВ ХАШИМДЖАН,
МИРЗАЕВ ТУРА, САВИРОВ АХУНДЖАН,
ИМАМОВ КАМИЛЬ

УЗБЕКСКОЕ НАРОДНОЕ
ПОЭТИЧЕСКОЕ ТВОРЧЕСТВО

Пособие для студентов филологических факультетов
университетов и педагогических институтов

Ташкент, «Ўқитувчи», 1980

Редактор С. Матчонов
Рассом В. Ф. Ворохов
Вадий редактор П. А. Бродский
Тех. редактор Т. Грушников
Керректор И. Нуришев

АБОНИМЕНТ

Таш ГИК

ИБ № 1079

Теришига берилди 24. 04.1979 и. Государственная книжная выставка открылась 2. 04. 1980 й. Р-14229.
Формат 84×108½. Тип қозғози № 3, «Обыкновенно новая» гарн. Кегль 10, 8
шпонция. Юқори босма усулида босилиши. Шартли б. л. 18,9+0,21 рангли
форза. Нашр. л. 21,8+0,39 рангли форза. Тиражи 20000. Зак 2241. Баҳо
си 1 с. 10 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент Навоий кӯчаси, 30. Шартнома № 15-78.
Узбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари дав
лат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси
нинг полиграфия комбинати. Тошкент шаҳри. Навоий кӯчаси, 30. 1980 й.

Полиграфкомбинат, Ташкентского полиграфического производственного
объединения «Матбуот» Государственного комитета УзССР по делам из-
дательств, полиграфии и книжной торговли г. Ташкент. ул. Навои, 30.

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1980.

60602 69
P 353 (04) — 79 117-79 4604000000

АВТОРЛАРДАН

Олий ўқув юртлари учун «Ўзбек халқ оғзаки поэтик
ижоди» курси бўйича ўқув қўлланмасининг юзага келиши
биринчи тажрибадир. Уни яратишда авторлар колективи
узбек фольклорнослиги қўлга киритган ютуқлар би-
лан бирга, қардош халқлар, хусусан, илғор рус фолькло-
ристика фанининг бой тажрибаларига, унинг назарий ва
методологик хуносаларига суюндила.

Шу кунгача нашр қилиб келинаётган традицион
фольклор намуналари, асосан совет даврида ёзиб олинган.
Улардан қўпчилигининг яратилиши жуда қадимги давр-
парга бориб тақалса-да, бизнинг кунимиизгacha жуда кўн-
згаришларга учраган ҳолда етиб келган. Бу ҳол улар-
нинг маълум бир давлардаги ҳолатини белгилашта мон-
тиқ қиласди. Шу сабабли авторлар колективи тради-
цион фольклор намуналарини, асосан феодализм даври
расида қараб чиқдилар. Шунингдек, материалларнинг
ниҳоятда оз тўпланганлиги ва кам ўрганилганлиги сабаб-
ли урғодат ва мавсум-маросим фольклорининг айрим
турлари, турли примлар, афсунгарлик билан боғлиқ мате-
риаллар, оғзаки прозанинг баъзи хиллари, ишчи фольк-
лори кабилар китобда махсус бобларда берилмади.

Қўлланманинг «Кириш», «Қадимги давр фольклори»,
«Маколлар», «Эртаклар», «Афсона ва ривоятлар» боблари
филология фанлари кандидати К. Имомов; «Фольклоршу-
нослик», «Феодализм даври ўзбек фольклори», «Фольк-
лор жанрлари», «Достонлар» боблари ва «Терма» қисми
филология фанлари кандидати Т. Мирзаев; «Топишмоқ-
лар», «Оғзаки драма», «Аския», «Болалар фольклори»

боблари филология фанлари доктори X. Рассоқов; «Құшиқлар», «Латифа ва лофлар», «XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ўзбек фольклори», «Совет даври ўзбек халқ поэтик ижоди», «Адабиёт ва фольклор» боблари филология фанлари кандидати О. Собиров томонидан ёзилди. «Библиография»ни Т. Мираев тузган. «Кадимги давр фольклори», «Мақоллар», «Эртаклар», «Топишмоқлар» ва «Асқия» бобларини ёзишда марҳум фольклорист М. Афзалов материалларидан фойдаланилди.

Құллапмани яратишида ўзбек совет фольклористикасигиннег асосчиси X. Т. Зарифов, Беруний помидаги ЎзССР Давлат мукофотининг лауреатлари М. Алавия ва З. Ҳусаинова, филология фанлари докторлари М. Сайдов ва Ж. Қобулниёзов, санъатшунослик доктори М. Қодировларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга әга бўлди. Авторлар колективи китобнинг майдонга келишида фойдали маслаҳатлари билан катта ёрдам берган барча уртоқларга самимий миннатдорчиллик билдирадилар.

КИРИШ

Халқ оғзаки поэтик ижоди. Халқ оғзаки поэтик ижоди — меҳнаткаш омма ижоди, халқ бадий фаолиятининг таркиби қисми, халқ санъатининг бошқа турларидан (музыка, театр, рақс, ўйин, тасвирий ва амалий санъат ҳамда бошқалардан) ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб турадиган оғзаки сўз санъатидир. Ҳар бир халқнинг асрлар идеалини акс эттирган бой оғзаки сўз санъати бўлганидек, ўзбек халқиңинг ҳам оғзаки адабиёти дурданалари мавжуд. Меҳнаткаш омма томонидан оғзаки яратилиб, халқнинг талантли вакиллари ижросида сайқал топиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бадий асалар ўзбек халқ поэтик ижодини ташкил этади.

Оғзаки сўз санъати «фольклор» ёки «халқ оғзаки поэтик ижоди» («халқ поэтик ижоди», «халқ оғзаки ижоди») терминлари билан ифодалапади. «Фольклор» термини биринчи марта XIX аср тадқиқотчиси Вильям Томс томонидан 1846 йилда қўлланган бўлиб, у икки сўздан иборат: «folk» — халқ, «lore» — билим, донолик, донишмандлик, яъни «халқ билими», «халқ донолиги», «халқ донишмандлиги» демакдир. «Фольклор» — халқаро термин. Лекин у турли мамлакатларда турлича маънода қўлланади. Масалан, Англия ва АҚШда халқ бадий фаолиятининг барча тури (поэтик ижод, музыка, рақс, ўйин, театр, тасвирий ва амалий санъат), шунингдек, ирим-сирим, ишопч-эътиқод ва урғ-одатлар шу термин билан аталади. Совет фапида эса унинг қўлланиш доираси конкретлашиб бормоқда. «Фольклор» деганда, асосан халқ поэтик ижоди тушунилади. Халқ санъатининг бошқа турлари, масалан, музыка учун «музыка фольклори» термини қўлланилади.

Ўзбек фольклориупослигига «фольклор», «узбек фольклори» терминларини биринчи марта Ҳоди Зариф киритди (1932, 1935). У олар ўқув юртлари учун тузилган биринчи хрестоматия китобларини «Ўзбек фольклори» деб атади (1939, 1941). Унгача «Эл адабиёти», «Оғзаки адабиёт», «Ўзбекларда оғзаки адабиёт» каби атамалар ишлатиларди. Бу атамалар обьектни аниқ ифодаламаслиги туғайли истеммолдан чиқиб кетди ва ҳозирги кунда «Ўзбек фольклори», «Ўзбек ҳалқ оғзаки поэтик ижоди» терминлари фанда мустаҳкам ўрианиб қолди.

Фольклор асарларида музика, рақс, театр санъати элементлери қўшилиб кетади, шу сабабдан фольклор синкретик санъат дейилади. Айни вақтда фольклор асарлари санъатнинг бошқа турларидан ўзига хос томонлари билан фарқ қиласди. Фольклорда сўз, куй ва ижро бирлиги доимо сақланади. Ҳалқ оғзаки ижоди узоқ даврлардан бери тарихнинг йўлдоши, ушинг чинакам акс садоси бўлиб келган. У тарихий воқеаларни ҳалқ оммасининг тушунчаси нуқтаи назаридан, меҳнаткаш ҳалқ позициясидан келиб чиқиб, бадиий формаларда баҳолайди. Ҳалқ ижодини ўрганувчи, текширувчи фан фольклоршунослик деб юритилади. Бундан ташқари, фольклор асарлари билан бир қаинча фашлар шуғулланади: тарихчилар тарихий воқеаларнинг ҳалқ оғзаки ижодида қапдай акс этганини ўрганади; этнографларни ҳалқнинг урғ-одатлари қизиқтиради; санъатшунослар эса фольклордаги музика, рақс, уйин, хореография ва бошқаларни ўрганадилар; тилшунослар ҳалқ ижоди тилининг лаҳжа ва диалектлари билан, адабиётшунослар фольклор асарларининг ёзув адабиёти билан муносабатларини текширадилар.

В. И. Ленин рус ҳалқ әртакларини ўқиб туриб: «Чинакам ҳалқ ижоди» деган эди¹. Бу доно мулоҳаза ҳалқ ижодининг ижтимоий табиатини белгилайди. Чунки марксизм-ленинизм классиклари тарихнинг яратувчиси ҳам, сўз санъатини жуда қадим замонларда, меҳнат процессида яратганлар ҳам меҳнат кишилари — меҳнаткаш ҳалқ деб таълим берадилар. «Бу санъатнинг пайдо булишига сабаб бўлган нарса кишиларнинг меҳнат тажрибасини оғзаки шаклларда ташкил қилишга бўлган интилишларидирки, булар байталар, мақоллар, маталлар, қадим замон-

¹ В. Й. Бонч-Бруевич. Ленин об устном народном творчестве. В кн. «Воспоминания О Ленине», М., 1965, стр. 389.

ларнинг меҳнатга доир шиорлари шаклида хотирада осонгина ва маҳкам ўрнашиб қолган»¹.

Жамиятнинг ривожланниши, ўсиши билан ҳалқ тушунчаси ҳам ўзгариб борди. Ҳусусан, синфлар пайдо бўлганидан кейин жамият кишилари ҳўжайинлар ва қулларга, эксплуататорлар ва эксплуатация қилинувчиликларга бўлинди. Ҳўжайинлик даъво қилғанлар меҳнат кишиларини доимо итоатда тутишга ҳаракат қилиб, ҳалқ пжодига диний-мистик, қўрқинч ва даҳшатли воқеаларни, гояларни киритишга уриниб келдилар. Аксинча, меҳнаткаш сипф вакиллари — дехқонлар, косиблар, чупонлар — инсоннинг табиат устидан ғалаба қозонажаклигини, ҳар қандай ёвуз кучни енгисхга қодир эканлигини намойиш қиласидиган мифлар, эртаклар яратдилар.

Фольклор асарлари меҳнаткаш ҳалқнинг ҳаётини акс эттиради, ҳалқнинг олам ҳақидаги тушунчаларини, унинг диди-завқини, ижтимоий-тарихий, сиёсий, фалсафий ва бадиий-эстетик қарашларини ўзида мужассамлаштиради. Бу нарса фольклор асарлари мазмуни ва гоясининг чукур ҳалқчиллигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам М. Горький: «Меҳнаткаш ҳалқнинг бутун ҳаётий, ижтимоий-тарихий тажрибаси мақоллар ва маталларда намунали ифодаланган»², — деган эди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси гача бўлган фольклор ҳалқнинг оғир, машаққатли турмуши билан бирга, ёрқин келажак, баҳтли ҳаёт ҳақидаги орзуларини ҳам акс эттириб келган. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин фольклорни «ҳалқ орзу ва умидларининг ифодаси» сифатида жуда юқори баҳолаган эди.

Фольклордаги ҳалқчилликнинг асосини упинг прогрессив моҳияти ташкил қиласди. Тарихий-ижтимоий воқеалар фольклор асарларида ҳалқнинг муносабатлари нуқтаи назаридан баҳоланади. Бу ҳақда М. Горький шундай деган эди: «Фольклор энг қадим замонлардан бошлаб ўзига хос равишда ҳамма вақт тарихга ҳамроҳ булиб келади. Фольклор Людовик XI ва Иван Грознийнинг фаолиятини ўзича баҳолайди. Упинг бу фикри монахларнинг феодаллар билан уруши ҳалқ ҳаётида қандай каро-

¹ М. Горький. Адабиёт ҳақида, Ўздавнапр, Тошкент, 1962, 337-бет.

² М. Горький. Адабиёт ҳақида, Ўздавнапр, Тошкент, 1962, 98-бет.

мат курсатғанлиги масаласи билан қизиққан кишилар томонидан ёзилған баҳолардан кескин фарқ қилиб туради»¹.

Кези келганды шуни ҳам айтиш керакки, ҳамма фольклор асарлари ҳам гоявий үхшаш бұлавермайдилар, эски фольклорнинг ҳаммаси ҳам прогрессив әмас. Ўтмишда халқ орасыда баъзи парсаларга сифиниш, подшоҳга ишопниш, бұлған ишни тақдирдан қўриш ва шу сингари ҳукмрон синфлар томонидан қўллаб-қувватланған гоялар, диний ақидалар яшаб келган. Бундай гоялар ифодаланған асарларда қолоқ фикрлар талқин қилинади, халқ руҳи, кайғияти нотуғри кўрсатилади. Демак, халқ орасыда яшаб келган ҳамма асарлар ҳам халқники бўлавермайди. Бинобарин, баъзи бир диний-хурофий қўшиқлар, подшони мақтаган ашулалар, қуллик ва йўқчиликка қўнишга даъват этган мақолларнинг дунёга келишига сабаб меҳнаткаш халқнинг асрлар давомида ёппасига саводсиз бўлгани, уларга маърифат ва маданият эшикларининг беркитиб қўйилгани эди. Фақат Улут Октябрь социалистик революциясигина халқларга сиёсий ва маданий эркинликлар берди, меҳнат аҳли ижодининг гуллаши учун барча иқтисодий, ижтимоий шароитларни яратиб берди. Фольклорни ўрганишда булярни ҳисобга олиш керак, албатта. Бироқ фольклорда ўз изини қолдирған халққа ёт гоявий қатламлар, тарихан чекланишлар ҳақиқий оғзаки ижод асарларининг гоявий моҳиятини, унинг том маънода демократик характерда эканлигини, бутун моҳияти билан чипакам халқ санъети булиб келганигини асло инкор қўлламайди.

Коллективлик, оғзакилик, аиъанавийлик, ўзгарувчаплик, вариантлилик кабилар фольклорнинг асосий хусусиятларидан булиб, у ўзига хос ижтимоий моҳият ва бадиий системага эга.

Фольклор — коллектив ижод. Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди меҳнаткаш халқ томонидан асрлар давомида яратилиб, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга, устоздан шогирдга ўтиб келған коллектив ижод маҳсулидир. Чунки фольклор асарлари бир кишининг онгли фаолияти натижасида яратилмай, балки бутун бир коллективнинг ижодий тақрибаси асосида вужудга келади.

¹ М. Горький. Адабиёт ҳакида, Ўздавнашр, Тошкент, 1962, 277- бет.

Маълумки, қадим замонларда ilk бор юзага келган фольклор асарлари коллектив томонидан ижод қилинган ва ижро этилган. Кейинчалик эса талантли кишилар томонидан яратилди. Улар ўз ижодида қабила ва уруг одатлари, хоҳишлари, эътиқодлари, табиат билан бўлган муносабатлари ҳамда дунёқарашларини ҳикоя қилдилар. Қабила ва уруг аъзоларига маъқул тушган бу асарлар оғиздан-оғизга ўтиб коллектив ижодига айланган. Демак, коллектив — ижодкор, айни пайтда ижрочи ҳамдир. Ижодкор ва ижрочи асар яратишида ўргангап тажрибага ва анъаналарга суюнади, ижро давомида ўзидан бирор деталь қўшади ва уни шароитга мослаштиради. Коллектив томонидан яратилган асарлар шу тариқа такомиллашиб, халқ мулкига айланади. Демак, фольклор асарларида коллектив ижод тушунчаси ҳеч маҳал индивидуал ижод ролини инкор этмайди. Зотан, халқ қуйчиси (достончи, эртақчи, қўшиқчи, латифагўй, аскиячи ва бопқалар) коллектив томонидан яратилган асарларни механик тарзда бошдан охиригача сўзма-сўз ёд айтмайди, балки унга ижодий муносабатда бўлиб, ўзидан нимадир қўшади, бойитиб боради. Шунинг учун ҳам у куйлаётган асарни ҳамиша «халқники» деб тан олган.

Якка ижод қанчалик талантли бўлмасин, у муайян ижодий анъаналар доирасидан четга чиқмай, қадимдан давом этиб келган коллектив ижоднинг анъаналарига бўйсунган. Шунга қарамасдан, индивидуал ижод, коллектив ижод сингари, халқ ҳаёти ва униш турли томонларини тўғри, аниқ, бадиий жиҳатдан мукаммал ифода этиши, халқ диди ва талабига мос туша олиши шарт. Шундагина узоқ яшайди. Демак, ижрочи ва ижодкор коллективнинг ёрдамчи автори сифатида майдонта чиқиб, халқ қўшиқлари, эртақ ва достонларини куйлаш давомида уни силлиқлаб, гоявий-бадиий жиҳатдан мукаммалаштира боради.

Фольклор — оғзаки ижод. Халқ поэтик ижоди ёзув пайдо бўлмасдан кўп замонлар илгари юзага келгап. Унинг яратилиши ва тарқалиши жонли оғзаки анъана билан боғлиқдир. Оғзакилик хусусияти уни халқ санъатининг бошқа турларидан (масалан, музика, рақс, ўймаркорлик) ажратиб туради. Фольклор асарларининг узоқ асрлар давомида оғзаки яратилиши ва оғзаки ижро этилиши унинг шакл ва мазмунига таъсир этмасдан қолмас эди. Маълумки, айрим тарихий фактларнинг тўлиқ эсда

қолмаслиги, замон тақозоси билан унтутилиши натижасида уларнинг асардан тушиб қолиши ёки ўзгарши, қоришириб талқип этилиши мумкин. Шунинг учун ҳам тарихий воқеа ва ҳодисалар фольклорда айнап акс эта бермайди. Баъзи эса достоинларда мавжуд бўлган шеърий парчаларнинг унтутилиши мазкур жанрни әртак шаклига келтириб ҳам қўйиши мумкин. Ёки аксинча, әртакнинг достонга айланishi ҳам эҳтимолдан холи эмас. Фольклор асарларида юз бериши мумкин бўлган бундай ҳодиса унинг гоявий-бадиий, эстетик қимматини камайтирумайди. Чунки ҳар бир фольклор асарида, у қайси форма ва жанрда бўлмасиц, ижодкор ҳалиғининг воқееликка бўлган актив муносабати ифодаланади. Шунинг учун ҳам фольклор асарлари гоявий-бадиий жиҳатдан пухта ишланади.

Анъанавийлик. Анъана — колектив ижод маҳсулӣ. У ўзининг тарихий манбалярига эга. Фольклор асарларининг дастлабки намуналари ибтидоий жамиятда яратилган. Нисбатан барқарор бўлган ибтидоий турмуш шартшароитлари шундай урғ-одатлар ва дунёқарашларнинг ишъикоси сифатида юзага келган фольклор асарларининг сюjetи, образ ва мотивларида ҳам муайян барқарорликни ҳосил қилган. Фольклор асарларининг оғзаки яратилиши ва оғзаки ижро этилиши уларнинг ўзгармас, барқарор шакллари — анъаналарни юзага келтирган. Масалан, қаҳрамонлик типидаги әртак ва достонлар ўртисида жанр эътибори билан маълум даражада тафовут мавжуд бўлса ҳам, бадиий услуб анъанавий шаклга эга. Ҳар иккисида ҳам композиция анъанавий бошлама, сюjet баёпи ва тугалланмадан иборат бўлиб, образлар контраст тарзда ифодаланади. Бош қаҳрамон ва воқеалар муболага шаклида тасвирланади. Асар текстлари нисбатан тургун ҳолатда сақланади. Бинобарин, асосий сюжетлар, образлар системаси ва бадиий тасвир воситалари анъанага айланади ҳамда оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиш жараённида қисман ўзгаради, баъзи бир деталлар қўшилади. Бироқ асосий манба анъана бўлиб қолаверади.

Маълумки, тарихий тараққиёт натижасида баъзи бир асарлар дастлабки шаклини ўзgartириши, ҳатто сўниб, истеъмолдан чициши мумкин. Масалан, совет даврига келиб, 20—30-йилларда достон яратиш секин-аста сўна бошлаган бўлса, қўшиқ, мақол, оғзаки ҳикоя яратиш, асқия айтиш давом этмоқда. Бу даврда янги қўшиқлар

вужудга келиб, уларда поэтик элементлар ўзгача тус олган. «Октябрь», «Ленин солган йўл», «Шўро», «Қизил» каби қўшиқ ва термаларда доимий эпитетлар ҳам қўлланган. Баъзи бир жанрларнинг поэтик системаси тараққиёт давомида ҳатто жиддий ўзгаришларга учрапи мумкин. Бундай хусусият совет даврида яратилган янги достонларда кўринади. Кекса баҳшилар томонидан тўқилган янги достонлар заминида, асосан эпик анъаналар, яъни анъанавий мотивлар, ситуациялар, тайёр қолипга айланган ўринлар сақланди. Бироқ эски, анъанавий достонларда идеал қаҳрамон гайри табиий куч ёрдамида галаба қилиб орзу-умидига етган бўлса, янги достонларда совет тузумига суюнган ҳолда ва унинг бевосита ёрдами билан ғалабага эришади.

Янги достонлар конфликти ҳам анъанавий достон конфликтидан фарқ қиласди. Анъанавий достонларда конфликт якка шахс манфаатидан келиб чиқса, янги достонларда омма манфаати нуқтаи назаридан яратилади. Унинг тузилиши ва ечими ҳам реал, ҳаётйлиги билан ажралиб туради.

Демак, фольклор асарларига анъанавийлик билан бир қаторда ижодий ўзгарувчанлик ҳам хосдир. У ҳар гал куйлаған ёки ижро этилганда нималардир ўзгаради, нималардир қўшилади, янги эпизодлар яратилади. Бироқ бу ўзгаришларнинг барчаси пухта ва мустаҳкам анъаналар доирасида бўлади. Анъанавийлик фольклорнинг сўзсанъати сифатида жонли оғзаки ижрода яшаши ва тарқалишининг бош факторларидан биридир.

Вариантлилик. Фольклор асарларининг даврдан даврга, ижродан-ижрога ўтишида юзага келган ўзгаришлар вариантларда акс этади. Фольклор асарларининг кўп вариантларда, бир неча нусхаларда тарқалиши вариантлилик ҳисобланади. Вариантлар муайян асарнинг бирбирини инкор этмайдиган, жонли оғзаки анъанада мустақил яшай оладиган турли-туман текстлариdir. Масалан, «Алномиш» достони ўттизга яқин вариантда ёзib олинган. Халқ орасида эса бундан ҳам кўп вариантларда тарқалган. Вариантлар, асосан ҳаётий шарт-шароитлар натижасида юзага келади. Достончи ёки әртакчи асар куйланаётган давр, шароит ва аудиторияга қараб ижро этиб юрган достон ёки әртагига ўзгаришлар киритади. Масалан, катталарга айтилган бир әртак болаларга бошқача қилиб айтилади. Шу тарзда ўша әртак ўзгара боради.

Ниҳоят, эртак варианлари вужудга келади. Демак, ҳар бир фольклор асарининг яратилган вақти, тарқалиши ва яшаш шароитлари жуда мураккаб. У ижтимоий ва иқтисодий мұхит, тингловчилар аудиторияси, ижодкор ва ижрочи маҳорати билан боғлиқ бўлади. Вариантлилик халқ ижодининг тарқалиш доираси ва халқчиллигини белгилайди. Вариантлар мустақил аҳамиятга эга бўлган поэтик факт сифатида ижтимоий ва бадиий тафаккуринг ривожлашиш жараёнини ўрганишда алоҳида қиммат касб этади.

Фольклорнинг ижтимоий мөҳияти. Фольклор асарлари ўзининг ҳаётйлиги, ижтимоий табийати, гоявий мөҳияти ҳамда ўзига хос бадиий хусусиятлари билан ажralиб туради. Халқнинг меҳнати, урф-одати, турмуш шароити, орзу-истаги, кураш ва галабалари унинг темаси ва гоявий мазмунидаги акс этади. Ҳатто фантастик уйдирмалар асос бўлган асарларда ҳам воқеа-ҳодисалар халқ тушунчалари ва дунёқараши билан узвий боғланган. Фольклор асарларининг халқчиллик хусусияти уларнинг ҳаётйлиги ва қайси бир дунёқарашни ҳимоя қилиши билан белгиланади. Бу хусусият, асосан фольклор асарларида мавжуд бош гоянинг прогрессив мөҳиятидан келиб чиқади. Том маънодаги халқ санъати доимо меҳнаткаш эл манфаати, орзу-истаги ва интилишларига мос тушади. Бундай асарларда халқ ўзининг енгилмас куч-құдратига бўлган ишончини бадиий формада ифодалайди. Шунинг учун бу хил асарлар эл орасида севиб куйланган, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб, бизгача етиб келган. Фольклор асарларининг синфиийлик характери унинг халқчиллик хусусияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Фольклор асарлари ўзига хос бадиий системага ҳам эга. Айниқса эртак ва достонларда мавжуд сюжет ва композиция, ҳикоя қилиш услугини характерли бўлиб, ҳар иккни жанрга хос сюжет воқеалари доимо бошламадан, бошланиб, тугаллап билан якунланади. Бундай хусусият ёзма адабиётда учрамайди. Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишда доимий, барқарор моментлар, воқеаларнинг уч марта тақорлапиши каби композиция элементлари мавжуд. Қаҳрамонлар характерини очишда психологик тасвир ниҳоятда кам.

Фольклорнинг ўз ижодий методи мавжуд. Уни шартли равишда романтизм типидаги ижодий метод дейиш мумкин. Чунки фольклор асарларида фантастика, бадиий уйдирмалар, ҳаётий асос билан йўғрилган хаёлий воқеа

ва ҳодисалар ҳаётни тасвирлашнинг ўзига хос услуби сифатида намоён бўлади.

Халқ оғзаки поэтик ижодининг ижтимоий қиммати маърифий, гоявий-тарбиявий ва эстетик аҳамияти билан белгиланади. Унинг маърифий аҳамияти шундаки, у халқнинг тарихи, урф-одати, маишати, дунёқараши, ижтимоий муносабати, орзу-умидлари ҳақида кенг билим беради. Фольклор — коммунистик тарбия воситаидан биридир.

Фольклор — сўз санъатининг бошлангичи, юксак маҳоратли бадиий система. Унда халқнинг бадиий диди, воқееликка нисбатан халқона эстетик муносабат ифодаланган. Халқ оғзаки ижодининг ҳар бир намунаси асрлар давомида кўплаб талантли халқ ижодчилари томонидан ниҳоятда пардоzlантган, юксак санъат намунаси даражасига кўтарилган. Демак, эстетик сезгиларимиз ривожида, гўзалликни, бадиий сўз қадри ва қимматини, она тилимиз бойликларини ҳис қилишимизда фольклорнинг роли бекиёсdir. Бугина эмас, фольклор профессионал санъат турлари — адабиёт, театр, музика, кино ва бошқаларнинг тараққиётida ҳам муҳим роль ўйнади ва ўйнамоқда.

Марксизм-ленинизм марксизм-ленинизм назарияси асосчиликлари халқ оғзаки ижоди ҳақида ҳодисаларни ўрганиш методи, санъатга, жумладан, халқ оғзаки ижодини ўрганиш масалаларига доир қимматли мулоҳазалари фольклор ва, умуман, фольклоршунослик учун жуда муҳим методологияк аҳамият касб этади. Пролетариатнинг улуғ доҳийлари Маркс, Энгельс ва Ленин инсоният пайдо бўлган даврлардан бошлаб, жамиятнинг моддий ва маънавий ўсишини, тараққиёт қонуқларини ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиб, санъатнинг, адабиётнинг, халқ оғзаки бадиий ижодиётининг кишилик тарихидаги, жамият тараққиётидаги тутган ўрни ҳамда вазиғасини аниқ кўрсатиб бердилар. Улар санъатнинг келиб чиқишпини кишиларнинг меҳнат фаолиятлари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш гоят муҳим масалалардан бири деб ҳисобладилар.

Санъат асарлари дастлабки туғилиш даврлариданоқ жамиятнинг амалий манфаатларига бўйсундирилган эди. Масалан, қўшиқ меҳнат процессида ритмик регулятор вазиғасини ўтаган. Кейинчалик санъатда бадиий жиҳат-

лар ривож топди, санъат эстетик функциялар касб эта бошлади. Дастребки санъат асарлари табиат ва жамият, воқеа ва ҳодисаларни эндигина ривожлана бошлаган фантазия ёрдамида онгсиз бадиийлаштирипдан иборат бўлди. Кейинчалик, жамият тараққий этгани сари санъатнинг воқеликни онгли равишда бадиий ўзлаштириш хусусияти кучайиб борди.

Карл Маркс тарихнинг нотекис тараққий қилиши ва санъат масалаларига тўхталиб, жамиятнинг нисбатан қуий босқичларида юксак бадииятга эга бўлган асарларнинг юзага келиши мумкинлиги қонунчиликни кашф этди. «Санъатга келсак, шу нарса маълумки,— деб ёзади К. Маркс,— унинг муайян даврларда гуллаб-яшнаши жамиятнинг умумий ривожига, демак, жамият тузилишининг скелети бўлган моддий негизининг ривожига ҳам ҳеч бир мувофиқ келмайди. Масалан, грекларни ёки Шекспирни ҳозирги ҳалқлар билан солиштирасак, худди шуни кўрамиз. Санъатнинг баъзи бир шакллари тўғрисида, масалан, эпос тўғрисида, ҳатто шундай бир фикр қабул қилинганки, бу фикрга кўра жаҳон тарихида бутун бир даврни ташкил этувчи бу шакллар ўзларининг классик қиёфаларида бадиий ижод пайдо бўлғандан бўён таракор яратилиши мумкин эмас; шу тариқа, санъат соҳасида унинг маълум аҳамиятга эга бўлган баъзи шакллари санъат тараққиётининг қуий босқичларидагина вужудга келиши мумкин экан»¹.

Санъатнинг ривожланиши шу санъат мансуб бўлган, уни яратган ҳалқнинг ривожланиш тарихи, унинг хусусиятлари эса жамиятнинг ижтимоий формациялари характеристери билан белгиланади. Бироқ бу бевосита ҳосил бўлавермайди, балки санъат ҳодисалари билан жамият ҳодисаларининг ўзаро мураккаб муносабатларидан келиб чиқади. Санъат асарига тарихий-диалектик ёндашиб кепрак. Бир ҳалқнинг мифологияси иккичи бир ҳалқ санъатига замин бўлолмайди. Ҳар қандай мифология ҳам табиат кучларини хаёлда енгади, ўзига бўйсундиради.

Карл Маркс инсоннинг яратувчилик қобилиятига юксак баҳо беради, дунёдаги энг юксак асарларни кишилар фантазия ёрдамида яратганлигини, у асарларда жамият тараққиётининг ҳамма воқеа ва ҳодисалари — тари-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Санъат тўғрисида, иккى томлик, I том, «Узбекистон» нашриёти, Тошкент, 1975, 128-бет.

хий, ижтимоий муносабатлар, одамларнинг турмуш кечириш йўсуни, дунёқарашлари, орзу-тилаклари бадиий образлар орқали ифодаланганлигини таъкидлайди: «Инсониятнинг тараққиётига жуда кўп таъсир кўрсатган бу энг улуғ заковат — хаёлот одамзодга қудратли таъсир кўрсатиб, энди оғзаки адабиётни: мифлар, афсоналар, ривоятларни яратади»¹.

Фридрих Энгельс «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» китобида фольклор маълумотларидан кенг фойдаланган. Унинг фикрича, ҳалқ әртаклари, афсона ва ривоятлар, эпик асарлар жамият ва оиласнинг тараққий топиши манзараларини, у ёки бу ҳалқнинг тарихини аниқроқ, равшанроқ тасаввур қилишда, синфиий курашлар, ҳалқларнинг озодлик ва ҳақ-хуқуқларини талаб қилиб, эксплуататорларга, феодалларга, капиталистларга қарши олиб борган курашларни моҳият эътибори билан кенг ҳалқ оммасига тушунтиришда энг ишонарли манба бўлиб хизмат қилган.

Карл Маркс ҳалқнинг революцион қўшиқларини ишчилар синфининг кураш шиори деб атади: «Аввало сиз тўқувчилар қўшиғини, шу мардонавор куращ шиорини эсга олинг, бунда ўтоқ, фабрика, округ лоақал тилга ҳам олиммайди, лекин бунда пролетариат дарҳол тоят аниқ қилиб, кескин, бетакаллуғлик билан қатъий равишида ўзининг хусусий мулқорлар жамиятига қарши туришини ҳаммага маълум қиласди. Силезия қўзғолони ҳудди француз ва инглиз ишчи қўзғолонлари тамомлаган нарсадан, ҳудди пролетариатнинг моҳиятини билишдан бошланади»².

Марксизм назариясини янги шароитда янада ривожлантирган Владимир Ильич Ленин жамият тарихини, тараққиёт қонунларини чуқур ўрганиб чиқиб, меҳнаткаш ҳалқнинг ролига юксак баҳо берди, унинг ижодий кучи, яратувчилик қудратига ишонди. Ленин меҳнаткаш ҳалқ оммасининг — ишчилар ва деҳқонларнинг турмуш шароитларини, ҳаёт кечиришини, уларнинг дунёқараши ва тилак-орзуларини чуқур ўрганганди эди. Улуғ доҳий меҳнаткаш ҳалқнинг бой оғзаки бадиий ижодиётини жуда яхши билар, улардан илмий асарларида, нутқларида жуда ўринли ва моҳирлик билан фойдаланар эди. Унга айниқ-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Санъат тўғрисида, I том, «Узбекистон» нашриёти, Тошкент, 1975, 260-бет.
² Уша асар, 540-бет.

Тошкент давлат маданият интихобхонаси
2-2241 Тартиб № 23213
Фундаментальная библиотека
Ташкент ГИК им. А. Каюмова

са, инқилобий халқ қўшиқлари ёқарди. Зоро, «Марсель-еза», «Интернационал», «Варшавянка» сингари қўшиқларнинг пролетар инқилоби, коммуна гояларини бутун жаҳонга ёйғанлигини мамлуният билан таъкидлагани бежиз эмас. Доҳийнинг халқ ижоди ҳақидаги фикрлари фольклоршунослар учун бебаҳо дастуриламал ҳисобланади.

В. Н. Добровольскийнинг «Смоленск этнографик тўплами»ни, Н. Е. Ончуковнинг «Шимолий рус эртаклари»ни ўқиб чиққан Владимир Ильич уларни ҳақиқий халқ ижоди деб баҳолади, бу материалларни асос қилиб халқнинг тилак ва орзулари тўғрисида жуда яхши текшириш асари ёзиш мумкинлигини таъкидлади, улар халқ психологиясини ўрганишда жуда ҳам бой тарихий материал эканлигини кўрсатди¹.

В. И. Ленин халқ мақолларидан ўз ўрнида ва жуда усталик билан фойдаланаарди. У В. И. Даъъ тўплаган рус халқ мақоллари китобини доимо ўз иш столи ёнида тутар, унга тез-тез мурожаат этар эди. Ихчам, мўъжаз, ўткир, фикри теран халқ мақоллари уни ҳайратлантиради.

В. И. Лениннинг бир қанча асарлари, мақолалари бевосита мақоллар билан аталади: «Оз бўлсин-у, соз бўлсин!», «Мушук бекорга офтобга чиқмайди», «Темирни қизигида бос» ва бошқалар. В. И. Ленин афористик иборалар, мақол ва маталларнинг илғор, демократик гоялар билан тўлиб-тошганлигини, улардан ўз ўрнида фойдаланиш ишчилар синфиининг инқилобий ишида катта манфаат келтиришини айтар эди: «Шу хил учирин сўзлар ҳам бўладики, бундай сўзлар гоят мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини жуда аниқ ифодалаб беради»².

В. И. Ленин халқ бадиий ижодига, адабий меросга воқеиликнинг синфиий моҳиятини тушуниб ёндашмоқ кераклигини уқтириб шундай деган эди: «Ҳар бир миллий маданиятда, гарчи ривожланмаган бўлса-да, демократик ва социалистик маданият элементлари бор, чунки ҳар бир миллиатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи омма бор, бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва социалистик идеологияни туғдиради»³.

¹ Қаранг: В. Д. Бонч-Бруевич. В. И. Ленин об устном народном творчестве журн., «Советская этнография», 1954, № 4.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 25-том, «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1976, 157-бет

³ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 24-том, «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1976, 139-бет.

Доҳийнинг бу қимматли фикрлари халқ оғзаки ижоди-ни ўрганишда, ундаги чинақам меҳнаткаш халқ ижоди-ни танлаб иш кўришда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Улуг Октябрь социалистик революцияси Ватанимиздаги барча халқлар оғзаки бадиий ижодиётининг гуллаб-яшнаши учун ҳамма имкониятларни яратиб берди. Узоқ тарихга ва бой адабий-маданий меросга эга бўлган ўзбек халқи ҳам, СССР даги барча озод, тенг ҳуқуқли миллатлар ва халқлар оиласида Ленин партияси гояларидан, социалистик революция қуёшидан баҳраманд бўлди. Шу сабабдан ҳам халқ ижодчилари — шоирлар, баҳшилар санъатимизнинг барча соҳалари вакиллари қаторида, зўр кўтарилик руҳ билан янги совет замонамизни, эркин ва озод турмушни, халқимизнинг ўз баҳт-сақдатини яратиш йўлида олиб бораётган ижодий меҳнатини куйлашга киришдилар. Айни вақтда халқимизнинг узоқ вақтлар давомида яратиб келган эртаклари, достонлари, мақол ва қўшиқларини мумкин қадар тўлароқ тиклашга, уларни коммунистик тарбия ишига хизмат қилидиришга фаол киришдилар. В. И. Лениннинг халқ адабий ва маданий меросига муносабат масаласидаги таълимоти халқ ижодини тўплаш ва ўрганиш ишларини кенг кўламда авжодиришда асос бўлди.



Халқ оғзаки бадий ижодини ўрганувчи фан фольклоршунослик ёки фольклористика деб юритилади. Фольклоршунослик турли даврларда ва турли мамлакатларда гоҳ этнография, гоҳ адабиётшунослик ва музикашунослик, гоҳ маданият тарихи, гоҳ антропологиянинг ва ҳатто социологиянинг бир қисми каби қаралиб келинган. Бизнинг мамлакатимизда эса халқ оғзаки бадий ижоди ҳақидаги мустақил ва маҳсус фан сифатида ривожланди. Шу билан бирга, фольклоршунослик текшириш предметининг куламий ва хилма-хиллиги жиҳатидан адабиётшунослик ва музикашунослик, этнография ва антропология каби фанлар билан узвий боғлиқдир.

Фольклорни ўрганиш тарихи унга нисбатан фақат илмий мақсадларда ёндашибланликини кузатиш билангина чекланмайди, балки инсоният тафаккури тараққиётида унга турлича муносабатда бўлган илм-фақ ва маданият арбобларишинг адабий қизиқишлигини ҳам ҳисобга олишини тақоғо этади. Шу маънода фольклоршунослик асослари қадимги дунё эстетик тафаккурига бориб тақалади. Қадимти дунё сайёҳлари ва тарихчиларининг афсона ва ривоятлар, турли урғ-одат ва маросимлар ҳақидаги қайдлари, ёзувчи ва бастакорларнинг фольклор тўғрисидаги илм Фиқрлари фольклоршунослик учун муҳимдир. Фольклорни ёзib олишидаги биринчи тажрибалар XI асрдан бошлаб кўзга ташланади (Маҳмуд Кошгарийнинг «Девону луготит турк» асаридаги фольклор материаллари). Айни пайтда ёзувчилар томонидан халқ эртаклари,

миғлар, афсона ва ривоятларини қайта ишлаш жараёни ҳам бошланади.

Европада фольклорга нисбатан илмий қизиқишининг кучайиши XVIII ва XIX асрнинг бошларида халқ ижоди материалларини тўплаш ва нашр этишининг интенсив ривожланиши уни чипакамига ўрганишни бошлаб берди. Натижада Европада ва Россия фольклоршунослигига турли йўналишлар, мактаблар юзага келди. Шундай мактаблардан бири фольклористикадаги мифологик мактабдир. Бу мактаб вакиллари барча фольклор жанрларининг юзага келишини қадимий мифларга боғлаб, унинг ижтимоий аҳамиятини инкор этдилар. Мифологларга қарши маърифатпарварлар жiddий кураш олиб бордилар. Улар фольклорнинг демократик ва синкетик характерини, ундаги умуминсоний ва миллий хусусиятлар бирлигини, феодализм даврида тарихан чекланганлигини курсатдилар. Маърифатпарварларнинг гоялари рус революцион демократларининг материалистик эстетикага асосланган фольклористик қарашларида янада ривожлантирилди.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб фольклорни илмий принциплар асосида тўплаш ва нашр этишининг янада кучайиши фольклоршуносликада янги йўналишни юзага келтирди. Сайёр сюжетлар деб помланган бу назария тарафдорлари ўхшаш сюжет, мотив ва образлардаги мураккаб жараёнларни ҳисобга олмай, уларнинг бир халқдан иккича халққа утишини бир ёқлама талқин қилдилар. Антропологик мактаб тарафдорлари эса ўхшаш ҳодисаларни турли миллат ва ирқларнинг биологик ўхшашлиги, психологик қонунларнинг умумийлигига билан изоҳламоқчи бўлдилар. Ижтимоий ҳодисаларни бундай биологик қонунлар асосида тушунтиришга уриниш ҳозирги замон буржуя фольклоршунослигига турли-туман оқимларни (Фрейдизм, неомифологизм ва бошалар) юзага келтирди.

Фольклор асарларини «социологик паспортлаштириш» нинг кучайиши туғайли буржуя фольклоршунослигига тарихий мактаб ташкил топди. Фольклорни халқ тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганишда бу мактаб вакиллари бир қанча ютуқларга ёришган бўлсалар-да, баъзи принципиал масалаларда жiddий хатоликларга йўл қўйдилар. Жумладан, фольклорни аристократия синфи яратади ва унинг келиб чиқиши диний-мистик қарашлар билан боғлиқ дебган назария бу мактаб вакилларининг энг реакцион қарашидир.

Фольклор асарлари сюжетларининг тарихий-географик тарқалиш чегараларини белгилаш, уларни классификация қилиш, системалаштириш ва каталоглаштиришда фин мактаби вакиллари яхши ютуқларга эришдилар. Бу мактабининг ижобий жиҳатлари совет фольклористлари томонидан муваффақиятли равишда давом эттирилди.

Умумап, буржуа фольклоршунослиги халқ ижодини тұпласп, нашр этиши ва системалаштиришда жиғдий муваффақиятларни құлға киритган бұлса-да, уни чинакамига диалектика-материалистик асосда үрганишта эриша олмади. Бұндай үрганиш К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларыда бошлаб берилди. П. Лафарг, Г. Плеханов, М. Горький, К. Цеткин, А. В. Луначарский ва бошқалар фольклорни марксистик асосда үрганишта катта ҳисса құшдылар. Совет фольклоршунослиги марксистик методологияни пухта үзгаштириш ійүлдеги курашлар жараёнида шаклланди. М. У. Аvezov, М. К. Азадовский, А. М. Астахова, П. Г. Богатирев, В. М. Жирмунский, Х. Т. Зарифов, С. Ф. Ольденбург, В. Я. Пропп, Б. М. ва Ю. М. Соколовлар, В. И. Чичеров кабиларпинг илмий тадқиқотлари совет фольклоршунослигининг шаклланиши ва тараққетіда катта ақамиятта эга бўлди.

Совет фольклоршунослиги фольклорни халқ оммасынинг муайян ижтимоий-иқтисодий шароитда юзага келган ижоди, тарихий үсіш ва үзгаришда бұлган сүз сапъатиппинг оғзаки формаси сифатида үрганиш билан турли хилдаги доктрина, вульгар-социологик, нигилистик қарашларга кескин зарба берди. Марксизм-ленинизм методологиясига асосланған совет фольклоршунослиги халқ ижоди тарихи ва пазариясиппинг актуал проблемаларини ишлаб чиқмоқда. Халқимиз оғзаки бадий ижодини үрганишда янги-янги ютуқларга эришаётган үзбек фольклоршунослиги умумсовет фольклористикасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Улуг Октябрь социалистик революциясининг мөваси ҳисобланған үзбек фольклористикаси үзининг шаклланиши ва тараққиеті давомида жуда мураккаб тарихий йүлдип босиб үтди. Чунки унинг олдида илмий йұналишни белгилаш, халқ оғзаки бадий ижодини тұпласп ва үрганишп мустаҳкам асосини ишлаб чиқищдан иборат жуда масъулнамалы вазиға турада. Үзбек совет фольклористларининг кейинги 60 йил давомпдаги тұпловчилик фаолиятлари, қидириш-изланишлари, олиб борган тадқи-

қотлари туфайли бу вазиға муваффақиятли равишда баражирилди.

Бу айтилғандардан Улуг Октябрь социалистик революциясигача үзбек фольклори билан ҳеч ким шүгүлланмаган, унга иисбатан қизиқиши бұлмагаң, деган маъно чиқмайди, албатта. Маҳмуд Кошғарий йиққан меҳнат, урғ-одат, мавсум-маросим құшиқлари, ағсона ва ривоятлар, мақол ва маталлар, уларнинг мазмуни, құлланиш үрни ҳақидағи маълумотлар, Абулқосим Маҳмуд Замахшарийнинг мақол ва маталларнинг бадий хусусиятлари ҳақидағи мұлоҳазалари, Алишер Навоий, Гиёсиддин Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, Дарвиш Али Чангий, Восифий асарларидаги мавжуд қайд ва изоҳлар фольклористика тарихи учун мұхым ақамиятта эга. Фольклористика тарихи халқ ижодига фақат илмий мақсадлар билан ёндашилғанлықпен үрганиш билангина чекланмайди, балки фольклорни турлича тушунған ва ундан үз асарларыда фойдаланған ёзма адабиёт намояндаларининг халқ ижодига қизиқишлиарини (тарихий-бадий асарлардаги фольклоризмни) текширишни ҳам үз ичига олади. Шу маънода фольклористика тарихини жуда қадимдан бошлаш керак бўлади. Аммо Үрта Осиёнинг Россияга қўшилганига қадар, үзбек фольклори бўйича маҳсус иш ё бирор тұпламни уратмаймиз.

Үзбек фольклоридан айрим намуналарни ёзиб олувчиilar, текширучиilar ва нашр этувчиilar үтган асрнинг иккиги ярмида ва XX аср бошларыда яшаган рус ориенталистлари, сайёхлари, әлчилари, чор маъмуриятининг расмий шахслари ҳисобланади. Уларнинг хотира ва асарларыда үзбек халқининг майшати, урғ-одати, оғзаки ижоди бўйича мұхым қайдлар мавжуд: халқ үйинлари, масхарabolар, қизиқчилар, сайиллар ҳақида үз таассуратлари баён қилинған; баъзи оғзаки драмаларнинг, айрим әртакларнинг тағсилотлари қайд этилган. Жумладан, А. А. Кушакевич «Фарҳод ва Ширин», Н. Ляпунова «Ширин қиз» ағсопаларини, А. Васильев «Хирситдин полвон», «Шаҳзода Назар Мұхаммад ва малика Назар биби», А. Н. Самойлович «Аннамурод бобо», «Эрни эр қылған хотин» әртакларини нашр эттирганлар. А. Ф. Эйхгорн бир қанча халқ күйларини ёзиб олган.

Үзбек халқ әртаклари, тошишмоқлари, мақол ва маталлари ҳамда оғзаки театр материалларини тұпласп ва нашр этишда, айниңса, миссионер Н. П. Остроумовнинг

хизматлари катта булди. У аслида миссионерлик мақсадларини кўзда тутиб иш юритган бўлса-да, оқибати объектив равишда ўзбек фольклорини ўрганишда муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Н. П. Остроумов бир неча марта ўзбек халқ артакларини нашр этди, топишмоқлар тўпламини тузди, ўзбек халқ театри, этнографиясига оид бир қанча материалларни эълон қилди. У ўз тўпламларини сўз боши ва изоҳлар билан таъмиллагап. Н. П. Остроумов ишларида фольклористика талаблари нуқтаи назаридан қараганда, муҳим камчиликлар бўлса-да, совет даврида тўпланган оғзаки ижод асарлари билан қиёсий ўрганиш учун яхши натижалар беради, хусусан, оғзаки адабиёт намуналарининг тарқалиши, яшаши ва вариантлашувига доир назарий масалаларни ёритишида катта аҳамият касб этади.

Яратилиш эътибори билан узоқ замонларга бориб тақалувчи анъанавий ўзбек достонлари халқ орасида анча кенг тарқалган бўлишига қарамасдан, ўтган асрнинг иккинчи ярмигача фанга «номаълум» бўлиб келди. Фақат 60—70-йилларга келиб, ўзбек достонлари ҳақида айrim маълумотлар қайд этила бошланди. Чунончи, ориенталист А. Л. Кун самарқандлик Абдураҳмон Мустажиров орқали машҳур «Гўрўғли» туркуми достонларидан айrim парчалар ёздириб олади. Шунингдек, Н. П. Остроумов архивида ҳам «Гўрўғли» ва бошқа достонлардан маҳаллий қишилар томонидан кучирилган кичик-кичик парчалар учрайди. Е. Ф. Каъль уз кундалигида 1890 йилнинг октябррида Термиз яқинидаги Солиҳобод қишлоғида ўзбек Қўнғирот уруғининг айлии аймогига мансуб Омонназардан достон тинглаганини, у уч соатга яқин тўхтовсиз кўйлаганини ёзди. Лекин у қайси достонни тинглаганигини аниқ кўрсатмаганидек, ўзи эшитган достоннинг мазмунини ҳам матбуотда эълон қилмаган эди. Е. Ф. Каълининг кундалигида ўша атрофдаги баъзи жойлар билан боялиқ бўлган айrim ривоятлар ҳақида қайдлар борки, уларнинг ўзи илгарироқ эшитган достонга алоқадор эканлиги ёзилган. Бу маълумотларни синчилаб ўрганган ўзбек совет фольклоришунослигипинг асосчиси Ҳоди Зариф Е. Ф. Каълининг Омонназардан эшитган достони «Алпомиш» эканлиги апиғлади¹.

¹ Х. Т. Зарифов. К изучению узбекского народного эпоса. Сб. «Вопросы изучения эпоса народов СССР», М., Изд-во АН СССР, 1958, стр. 101.

XIX асрда айrim ишқибозлар, баъзан баҳшилар ташаббуси билан ҳалқ достонларининг айrim қўл ёзма нусхалари юзага кела бошлиди. Хоразмда баҳшилар эпик асарларни, асосан ана шундай қўл ёзмалар асосида ижро этганлар. Натижада «Гўрўғли», «Юсуф ва Аҳмад», «Тоҳир ва Зуҳра», «Тулумбий» («Эдега») каби асарларнинг янги версиялари пайдо бўлди. Номаълум шахслар томонидан тузилган бу асарлар нусха кўчириш орқали ва XIX асрнинг II ярмидан бошлаб типографик ва литографик йўл билан кенг тарқалди. Масалан, «Гўрўғли» туркумининг бош қисмидан бўлган ва Авазга бағишиланган бир неча достон 1875 йилда Петропавловка деган татар қишлоғидан бўлган Мулла Ҳасан Мирбобо ўғли томонидан кўчирилган ва 1880 йилда Қозонда «Ҳикояти Гўрўғли султон» номи билан нашр этилган эди. Шундан кейин яна бир неча марта Қозонда, 1915—1917 йилларда Тошкент ва Қоғонда нашр этилди. Таржима қилиш ёки ҳалқ достонлари асосида қайта ишлап натижасида юзага келган бундай асарлар қаторида «Чор дарвеш», «Рустами Достон», «Тоҳир ва Зуҳра», «Ошиқ Гариф ва Шоҳсанам», «Саибар», «Бўзуглон», «Баҳром ва Гуландом», «Дилором», «Хурилиқ ва Ҳамро», «Гулфараҳ», «Буз йигит», «Алдариқуса» ва бошиқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Лекин бу нашрлар ўша давр рус ва Европа фани нуқтаи назаридан қараганда ҳам анича наст савияда бўлиб, фольклоришунослик талабларидан жуда йироқ эди. Замонавий фан (В. В. Радлов, Ч. Валиханов, А. А. Диваев ва бошқалар) қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ ҳалиқларининг эпосини ўрганишда бирмунча ютуқларни қўлга киритган бўлсада, ўзбек ҳалиқининг эпик ижодиёти эътибордан четда эди. Бу ҳол Улуғ Октябрь социалистик революциясигача ўзбек эпосининг бутун бойлиги ва ортикаллиги билан фанда маълум бўлмай қолишига сабаб бўлди. Натижада фақат Ғарбда эмас, ҳатто рус фанида ҳам ўзбек ҳалиқи қадимий эпосининг жонлиқ традицияси сақланиб қолмаган, шаҳар маданияти ва классик поэзия уни сиқиб чиқарган деган потуғри тасаввур юзага келган эди. Шунинг учун ҳам қадимий ва бой ўзбек ҳалқ эпосининг аниқланиши совет фанининг муҳим ютуғидир.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан кейин ўзбек ҳалқ ижодини илмий асосда тўшлап ва ўрганиш ишлари қизғин бошлиди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ, ўзбек бадиий ва музика

фольклорини тўплаш, ундан фойдаланиш ишлари Туркестон Совет республикаси Халқ маориф комиссариати Илмий бўлими (Илмий кенгац, Давлат илмий кенгаши)га юклатилди. Натижада 1918 йилда «Маориф» журналининг 1-сонида ўзбек халқ ижодини тўплаш учун қисқача қўлланма босилиб чиқди. Унда ўзбек фольклорининг барча жанрларига оид материалларни тўплаб, редакцияга юбориш сўралган. Фольклор асарларига катта эътибор бериш кераклиги, ҳар бир асарни айтувчи оғзидан айнан ёзib олиш, қисқартираслик, ўзгартирмаслик ҳақида тавсиялар берилган.

Йигирмагчىйилларда Ўзбекистонда халқ ижодини тўплаш, ўрганиш ишлари жиддий бошланиб кетди. Бу иш дастлаб Туркестон Маориф комиссариати Давлат илмий кепгашининг Ўзбек билим ҳайъатида марказлаштирилди. Бу ҳайъатининг раиси М. Ю. Элбек, аъзоси Ф. О. Юнусов, шунингдек, Театр-этнографик билим ҳайъатининг раиси Фулом Зафарий, Музика-этнографик билим ҳайъатининг раиси В. А. Успенский кабилар фольклорининг турли жанрларига оид қизиқ материаллар тўпладилар.

Ўзбек билим ҳайъатининг топшириғи билан Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд областларида илмий командировкада бўлган Фози Олим Юнусов 1922 йилнинг ёзида бу ерларда яшовчи ўзбеклардан эртаклар, қўшиқлар, мақоллар, топишмоқлар, жуда кўп диалектологик ва этнографик материаллар тўплади; Фозил Йўлдош ўғли ва Ҳамроқул бахшидан ўзбек эпосшупослиги тарихида биринчи марта «Алномиш» достонининг бир қисмини ёзив олди. У ўз экспедицияси натижаси ўлароқ, «Ўзбекларда эл таниш иши» номида мақола ёзиб, уни «Туркестон» газетасида (1922 йил, 18 декабрь) бостириди. Мақолада ўзбек эпосиппиг энг юксак памуналари: «Алномиш», «Гўрўғли», «Юсуф—Аҳмад» кабилар ҳақида илк бор фикр юритилди. Тадқиқотчи «Алномиш» достонини машхур «Одиссея» ва «Илиада»га қиёслаб ўрганади. Ф. О. Юнусов ўзи ёзив олган «Алномиш» достонидан айрим парчаларни «Билим ўчори» журналида (1923 йил, № 2—3, 37—59-бетлар) кичик бир муқаддима билап напрэтди.

Шунингдек, 1921—1922 йилларда Фулом Зафарийпинг Фарғона водийсига командировкаси, М. Ю. Элбекпинг Тошкент область Бўstonлиқ районига сафари анча самарали бўлди. Улар турли қўшиқлар, лапарлар, оғзаки

драма асарларини ёзив олишди, қўғирчоқбоз ва қизиқчилар ҳақида маълумотлар тўплашиди.

Ўзбек билим ҳайъати тўплаган материалларнинг бир қисми 1925 йилда «Ашулалар» номи остида босилиб чиқди. Шунингдек, 1923 йилда Хоразм ўзбекларидан йигилган беш юз олтмиш тўрт мақол ва матални ўз ичига олган тўплам Бекжон Раҳмонов томонидан нашр этилди. Умуман олганда, Ўзбек билим ҳайъати тўпланган материалларнинг жуда оз қисми эълон қилинган ва бизгача етиб келган. Лекин дадил айтиши мумкинки, ўзбек фольклорининг айрим жанрлари бўйича баъзи материаллар, жумладан, ажойиб қаҳрамонлик эпоси «Алномиш»нинг маълум қисмлари ва у ҳақдаги мулоҳазаларнинг майдонга чиқиши маданий ҳаётимизда муҳим воқеа ҳисобланади. Бу ҳаракатлар илмий ва адабий жамоатчилик дикъатини ўзбек халқи фольклори, тили ва этнографиясини чипакамига ўрганиш ишида олга қўйилган қадам бўлди. Шунга қарамай, йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмугача ўзбек фольклористикаси изланиш босқичини ўз босқидан кечираётган бўлиб, ҳали фан сифатида батамом шакллапмаган, том маънодаги илмий йўналишга эга бўлмаган эди.

Шундай қилиб, Улуг Октябрь социалистик революциясидан кейин ўзбек халқи ижодини тўплаш ва ўрганишдаги дастлабки давр (1917—1925 йиллар) ўзбек совет фольклористикасининг шакллапишидаги маълум бир босқич сифатида қаралмоги керак. Бу босқич марксча-ленинча методологияни, ўни давр шарқшунослиги ва ўлкашунослиги эришган ютуқларни қути билан ўзлаштиришга интилиш, жадал материал жамлаш, халқ ҳаёти ва майший турмушининг барча томонларига кириб боришга уриниш, умуман, «эл таниш иши» билан характерланади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилгандан кейин ўзбек халқ ижодини барча жанрлар бўйича йигиш, ўрганиш ишларига алоҳида эътибор берилди. Шу мақсадда Ўзбекистон ССР Халқ Маориф комиссариати илмий маркази ҳузурида ўзбекларни ўрганиш комитети ташкил этилди. Комитет ўз фаолиятини F. O. Юнусов раислигида 1925 йилнинг иккинчи ярмидан бошлади. Бунда РКП(б) Марказий Комитетининг «Партияниң бадиий адабиёт соҳасидаги сиёсати тўғрисида»ги 1925 йил 18 июнь резолюцияси жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Партия маддий меросга, адабиёт ва санъат хо-

димларига, шу жумладан, халқ шоирларига эҳтиёткорлик ва самимилик билан муносабатда бўлиш, уларнинг ижодий ўсишига яқиндан кўмаклашин лозимлигини алоҳида таъкидлади. Партияниг оталарча ғамхўрлик билан баён қилинган бу кўрсатмаси илмий ва адабий жамоатчилик олдига халқимизнинг моддий ва маънавий маданияти, шу жумладан, бой фольклорини асосли равишда ўрганиш, унинг хазинадорларини — талантли шоир, баҳши ва ижодчиларини қадрлаш, маддий мероснинг прогрессив томонларини гуркираб ривожланайтган совет маданияти, адабиёти ва санъати тараққиётига хизмат қилдириш каби кечиктириб бўлмас вазифаларни қўйди. Партия резолюцияси шаклланиб келаётган ўзбек фольклористикасининг ўз вазифаларини белгилашпа, конкрет йўналишини аниқлашида методологик асос бўлди. Партия резолюцияси самараси ўлароқ 1926 йилда «Маориф ва ўқитувчи» журналида «Ўзбек эл адабиётига тегишлик маълумотларни тўплагувчиларга қўллапма» босилиб чиқди. Фози Олим Юнусовнинг айrim мақолалари («Алла түгрисида бир неча сўз», «Эл адабиёти ва инқиlob», «Оғиз адабиётида синфий туйғулар» ва бошқалар) эълон қилинди. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадкул Жонмуород ўғли Пўлкан каби талантли халқ санъаткорлари аниқланди. 1925 йилдан ўзбек халқи тарихида биринчи марта традицион ва янги достонларнинг тўлиқ текстини етакчи халқ шоирлари оғзидан бевосита ёзиб олиш ишлари қизғин бошланиб кетди. Қисқа бир даврда «Алпомиш», «Ёдгор», «Шайбонийхон», «Юсуф билан Аҳмад», «Алибек билан Болибек», «Рустам», «Гўрўғлиниг туғилиши», «Юнус пари», «Мисқол пари», «Гулпор пари», «Авазхон», «Ҳасанхон», «Далли», «Равшап», «Ўртоқ Ленин», «Очилдов», «Ҳасан батрак» каби йирик асарлар ёзиб олинди. Бундай катта миқёсдаги ҳайратомуз эпик маҳсулотнинг аниқланиши ва қаламга олиниши ўзбек халқи отзаки ижодининг фавқулодда бойлигини намойиш қилди. 1926 йилдан бери деярли ҳар иили Ўзбекистоннинг турли жойларига фольклор тўплаш учун илмий экспедициялар уюштирилиб келинмоқда. Бу экспедицияларга дастлаб Ўзбекистон ССР Халқ Маориф комиссариати илмий марказининг ўзбекларни ўрганиш комитети, кейинроқ Ўзбек Давлат илмий текшириш институтининг Этнография, фольклор ва археология буйича илмий текшириш кабиети (ҳозирги Ўзбекистон ССР Фанлар ака-

демияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлими) бошчилик қилди ва қилмоқда. Фольклор экспедициялари Е. Д. Поливанов, А. К. Боровков, Г. О. Юнусов, Л. П. Потапов, В. А. Успенский, Н. Н. Миронов, Е. Е. Романовская, Ҳоди Зариф каби атоқли олимлар раҳбарлигига республиканинг турли жойларида иш олиб борди. Натижада Ўзбекистонда жуда бой фольклор архиви вужудга келди ва у кундан-кунга бойиб бормоқда.

Ўзбек совет фольклоршунослиги ўзининг илк тонгидәёқ жиҳдий ютуқларни қўлга киритди. Ёш ўзбек фольклоршунослари халқ санъаткорларига ижодчи сифатида қараб оригинал кузатишлар олиб бордилар, эпик асарни тўғридан-тўғри у куйланайтган жой, шароит ва куйчининг ўзи билан боғлиқ равишда ўрганиш кераклиги ғоясини илгари сурдилар. Бу, халқ ижодий қувватини баҳолашда тебранишлар булиб турган бир пайтда, яъни 20-йилларнинг иккинчи ярмида жуда катта методик ва методологик аҳамиятга эга эди! Халқ ижодига бундай методологик тўғри ёндашиш Ҳоди Зариф (1905—1972) ништада халқ баҳшилари ҳақидаги мақолларида яққол кўзга ташланади.

20-йилларнинг охирига келиб халқ санъатининг турли томонларини текширувчи тадқиқотлар юзага кела бошлади. Бундай ишлар қаторига А. К. Боровковнинг дорбозлар ҳақидаги, М. Ф. Гавриловнинг ўзбек қўғирчоқ театри тўғрисидаги китобларини кўрсатиб ўтиш зарур. А. К. Боровков ўз китобида дорбозлар санъати билан таништиради, томопаларниг танаффус пайтларида чиқувчи масҳарабозлар турмуши, фаолияти ҳақида фикр юритади. М. Ф. Гаврилов эса ўзбек қўғирчоқ театри хусусиятлари, қўғирчоқларни тайёрлап каби бир қанча масалаларни ёритди, қўғирчоқ театрининг асосий пъесалари—



ҲОДИ ЗАРИФОВ (1905—1972)

«Саркардалар» ва «Качал Полвон» текстини рус ва узбек тилларида нашр этди.

Ўзбек совет фольклоршунослигининг шаклланиши даврига хос характерли хусусиятлардан яна бири фольклор текстологиясининг ишланишига эътибор берилишидир. Халқ ижодини тўплаш, ўрганиш билан бир қаторда уни нашр этиш — халқда қайта тақдим қилиш ҳам зарур. Бунда Гози Олим Эргаш Жуманбулбул ўглидан ёзиб олган «Алла» термасини, Ҳоди Зариф Фозил Йўлдош ўглидан ёзиб олган «Октябрни қутлайман» шеърини ва Пўлкан айтган «Шайбонийхон» достонини нашр этиб, ижобий намуна курсатдилар. Бу нашрлар биринчи марта эълон қилиниши ҳамда пухта илмий асосга эга бўлганлиги билан ажralиб туради.

Шундай қилиб, 20-йилларнинг иккинчи ярмида ўзбек фольклоршунослиги ўзининг илмий йўналишига эга бўлиб, унинг асоси яратилган эди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий ташкилотларни қайта тузиш ҳақида» 1932 йил 23 апрелда чиқарғаш қарори ҳам адабий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Ташкилий комитетлар тузилиб, СССР Ёзувчилар союзи биринчи съездига тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди. Бунда фольклор масалаларига, хусусан, СССР халқларининг совет даври ижодини ўрганишга муҳим эътибор берилди. Газета ва журнallарда съезд олдидан фольклор масалалари ва материалларига бутун-бутун саҳифалар бағишланди. Бу ўринда «Литература Средней Азии» (1933—1934 йиллар) газетасининг фаолиятини алоҳида таъкидлаш керак. Газета «Фольклорга эътибор берайлик» номли редакцион мақола бериб, бу масалага жамоатчилик диққатини жалб этди. Унда фольклоршунос Ҳоди Зарифнинг «Оғзаки адабиёт ҳақида бъзи мулоҳазалар», шоир Ҳасан Пўлатнинг «Фольклорни кабинетдан топа олмайсан» каби мақолалари босилиб чиқди.

Совет адабиётининг асосчиси Максим Горькийнинг СССР Ёзувчилари биринчи съездидан қилган докладида фольклорнинг чуқур халқчиллиги, юксак ғоявийлиги ва бадиийлиги ҳар томонлама исбот қилинди, уни яратувчиларнинг стук таланти таъкидланди. Устознинг даъвати ва съезд чақириғи Иттифоқдаги ҳар бир илгор фольклоршунос учун зарур йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилди. Съезд материаллари ва ҳаётимизнинг ўзи кун тартибига

қўйган масалалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи «Фольклор тўплап тұғрисида ёш авторларга хат» («Совет адабиёти» журнали, 1935, № 7—8) эълон қилди. Талантли фольклоршунос Ҳоди Зарифнинг «Оғзаки адабиётда Ленин», «Ўзбекистонда совет фольклори», адабиётшунос Отажон Ҳошимнинг «Ўзбек фольклори тұғрисида», «Октябрдан бурунги фольклор» каби мақолалари босилиб чиқди.

Ўзбек фольклоршунослигида 30-йилларнинг биринчи ярми, асосан совет даври фольклорига алоҳида эътибор бериш уни ўрганиш билан характерланадики, бунинг чуқур маъноси бор. Бундай вазифа мамлакатимизда социализм қуришнинг умумий манфаатларидан келиб чиққан эди. Мамлакатимиз ҳаётида рўй бергап буюк ижтимоий-сиёсий воқеалар натижасида «оғзаки шеърий ижодда ҳам катта бир инқилоб тугилди», деб ёзган Ҳоди Зариф ўз тадқиқотларида фольклордаги мана шу сифат ўзгарышларини моҳирлик билан анализ қилиб берди. В. И. Ленин, Коммунистик партия, Октябрь революцияси, Гражданлар уруши, хотин-қизлар озодлиги, ер-сув ислоҳоти, социализм қуриш учун кураш, қисқаси, совет воқелиигига бағишланган фольклор асарлари анализи мисолида халқ оғзаки ижоди совет даврида тараққиётнинг ўзига хос янги босқичларига кўтарилилганини дадил исбот қилди. Унинг ишларида совет фольклорининг традицион фольклордан фарқли ва ўхшаш жиҳатлари биринчи марта тўғри қўйилди ва имкоиният доирасида ҳал этилди.

²Халқимизнинг совет даври оғзаки бадиий ижоди бўйича атоғли олим олиб борган тадқиқотларнинг якуни сифатида 1935 йилда (сўз боши, изоҳлар, лугат билан таъминланган) «Ўзбек совет фольклоридан намуналар» («Мардикор» достонидан олинган парчаларни Шариф Ражабий тайёрлаган) китоби майдонга келдики, унда совет даврида халқ достончилари томонидан яратилган бир қатор эпик асарлар («Ўтроқ Лепип», «Мардикор», «Кооператив ўғрилари», «Амир қочди», «Жиззах қўзғолони», ва бошқалар), жуда кўп қўшиқлар, ашуалар, термалар биринчи марта эълон қилинди. Шунингдек, совет даврида яратилган фольклор асарлари системалаштирилди, классификация қилипди, улар ҳақидаги дастлабки илмий қараш баён этилди. Бу ҳол фольклоршуносликнинг ўша давр тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга эди. Туплам

иilk бор илмий-диалектологик транскрипция билан нашр қилинганилиги жиҳатидан ҳам характерлидир.

1935 йилда Миёнбузрук Солиҳовнинг «Ўзбек театри тарихи учун материаллар» ва «Октябргача бўлган ўзбек оғзаки адабиёти (фольклор)» деган икки китоби нашр этилади. Биринчи китобда автор халқ театрининг характери, моҳияти, турлари ҳақида фикр юритади; қизиқчиларнинг драматик ўйинларини «халқ сахна ўйинлари орасида энг характерлиси ва бир даража тугаллангани, унда ҳамма аҳамият қиёғага, ҳаракатга ва сўзга берилади», деб тўғри баҳолайди. Китобга «Саркардалар» пьесасини илова қиласди. Иккинчи асарида эса инқилобгacha яратилган фольклор асарларидан намуналар, жумладан, «Алномиш» достонидан (Берди бахши варианти) парчалар эълон қиласди. Олимнинг ҳар иккала китоби фольклор асарларини нашр этиш нуқтаи назаридан ва айrim мuloҳазалари билан фольклоршунослик тарихида маълум қимматга эга. Лекин автор ўз асарларида бъязи камчиликларга ҳам йўл қўйган. Чунки бу даврда ўзбек фольклоршунослиги жиддий ютуқларни қўлга киритган бўлса-да, унинг тараққиёт ўйлига вульгар социологизм у ё бу даражада ғов бўлмоқда эди. Шунинг натижасида у «Алномиш» достонининг ғоявий, тарбиявий ва тарихий аҳамиятини инкор этишга уринди. М. Солиҳов ўзининг хато қарашлари билан эпосни аристократия синфи яратади, деган сохта назарияга әргашиб, «Алномиш» достонини афсонавий ва диний қарашларни ўз ичига олган феодализм унсурлари ижодига мансуб деб баҳолади.

Халқ оғзаки ижодига берилган эътибор натижасида олий ўқув юртларининг филология факультетларида ўзбек фольклорини мустақил бир курс сифатида ўқитилиш даражасига кўтарилиши бу соҳадаги қўлланма ва хрестоматияларга бўлган эҳтиёжни яна ҳам кучайтириб юборди.

Шу сабабли олий ўқув юртлари учун «Ўзбек фольклори» (1-китоб, 1939) ва «Октябрь социалистик революциясидан кейинги ўзбек фольклори» (2-китоб, 1941) хрестоматиялари нашр этилди. Ҳар иккала хрестоматия жуда катта изланишлар, муҳим илмий хуносаларнинг натижаси үлароқ, юзага келди. Унда фольклорга бир курс сифатида умумий қараш акс этганки, бунга барча намуналарни чуқур мушоҳада этиш, уларни илмий асосда анализ қилиш орқали эришилди.

30-йилларнинг иккинчи ярмида ўзбек фольклоршунослигига Мансур Афзалов, Шарифа Абдуллаева, Юсуф Султоновлар кириб келишди. Гафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Мақсад Шайхзода, Шокир Сулаймон, Шариф Ризо ва бошқа ёзувчилар фольклор билан шуғуландилар.

Мансур Афзалов (1910—1973) атоқли ўзбек халқ шоири Ислом Назар ўғли билан узоқ ийлар давомида иш олиб борди, унинг репертуарини, ижодини қуент билан ўрганди. Уз тадқиқотлари натижасиши дастлаб «Ислом шоир Назар ўғли» мақоласида («Гулистон» журнали, 1939, № 11) эълон қиласди. Шоирнинг «Орзигул» достонини ёзив олиб, уни 1941 йилда нашр этиди. М. Афзалов, Б. Каримов билан биргаликда ёзган «Ўзбек фольклори» мақоласида («15 йил ичидаги ўзбек совет адабиёти» тўплами, 1939, 129—144-бетлар) совет даври ўзбек фольклорини бирипчи марта атрофлича текширган Ҳоди Зариф изидан бориб, унинг ўн беш йиллик тараққиётига якун ясади.

Бу йилларда фольклоршунос Буюк Каримов (1906—1945) ҳам ўзбек халқ эртаклари устида самарали тадқиқотлар олиб борди. У 1939 йилда «Ўзбек халқ эртаклари»ни нашр этирди. Сўз бошида тадқиқотчининг ўзбек халқ эртакчилари ва эртакчилик ҳақидаги ажойиб кузатишлари ўрин олганки, улар ўз вақтида ўзбек фольклоршунослиги учун катта аҳамиятга эга булди. Автор гарчи мунозарали бўлса-да, эртакларни бир қадар классификация қилиб, томатик равишда анилиш этиди. Мазкур китоб эртаклар бўйича яратилган биринчи йирик тўпламдир.

30-йилларнинг иккитчи ярмида фольклорнинг деярли барча жанрларига эътибор кучайди. Шариф Ризо ўзбек халқ латифаларини тўплашга киришди ва сўз боши ёзив, 1941 йилда 240 та латифани олтига китобча холида нашр этирди. У «Халқ санъаткорлари» мақоласида («Гулистон» журнали, 1940, № 4) биринчи бўлиб қизиқчилар



МАНСУР АФЗАЛОВ
(1910—1973)

билин асиячиларни бир-биридан фарқлади, улар санъатига характеристика берди. Кўқондаги бир групга асиячи ва қизиқчиларнинг ижодий биографияларини ёритди.

1936 йилда Ўзбекистон ССР Санъатшунослик институти томонидан халқ театрини ўрганиш, ва айниқса, оғзаки драмани ёзиб олиш бўйича бошланган иш бу соҳада катта бурилиш бўлди. Институтнинг илмий ходими А. Л. Троицкая раҳбарлигидаги 1936—1941 йиллар орасида Фаргона водийсига бир неча бор экспедиция ўюштирилди. Санъатшунослик институти ва Санъат ишлари бошқармаси томонидан 1940 йилда халқ актёrlаришинг Тошкентда чақирилган ва зўр муваффақият билан ўтган республика кўриги ҳам драма тўпловчиларга кенг имкон яратиб берди. Шундай қилиб, 1936—1941 йиллар мобайнида турли варианtlарда 80 дан ошиқ фольклор комедияси, ўнлаб юмористик ҳикоялар ёзиб олинди.

Ўзбек фольклоршунослиги тараққиётининг Улуғ Ватан урушигача бўлгаг давридаги характерли хусусиятларидан яна бири 30-йилларнинг охирига келиб, эпос масалаларига жиддий эътибор берилишидир. Хусусан, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг 1939 йилда бўлган II съездидаги фольклор масаласининг алоҳида қўйилиши бунга эътиборни янада кучайтируди. Натижада Ҳамид Олимжон, Мақсад Шайхзода, Ҳоди Зариф, Шокир Сулаймон, Буюк Каримов, Мансур Афзалов, Юсуф Султонов ва бошқалар «Алномиш», «Ширин билан Шакар», «Орзигул», «Муродхон», «Рустамхон», «Гўрўғлиниң туғилиши», «Балогардон», «Қундуз билан Юлдуз», «Малика айёр», «Равшан» каби ўзбек эпосининг энг яхши намуналарини нашр этириб, ўқувчилар ҳукмiga ҳавола қилишиб.

Немис-фашист босқинчиларининг Ватанимизга хиёнаткорона ҳужуми туфайли урушинг дастлабки кунлариданоқ Иттифоқимизининг гарбий районларидан Ўтра Осиё республикаларига қатор илмий муассасалар, атоқли олимлар, совет адабиётининг иирик намояндлари, таржимонлар эвакуация қилинди. Жумладан, академик В. В. Струве, В. Ф. Шишмарев, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари В. М. Жирмунский, Е. Э. Бертельс, А. К. Боровков, А. Ю. Якубовский, С. П. Толстов, профессорлардан К. В. Тревер, Б. С. Мейлах, Д. Д. Благой, Н. Л. Бродский, Н. К. Пиксанов, К. Л. Зелинский каби атоқли олимлар, Л. М. Пенъковский, С. И. Липкин, В. Державин сингари ўзбек эпосининг ажойиб таржимон-

лари Тошкентда яшадилар. Атоқли рус олимларининг республикамизда яшапи ва узаро илмий-ижодий ҳамкорлик қилиши ўзбек филологияси, жумладан, ўзбек совет фольклоршунослиги тараққиётida муҳим роль ўйнади.

Бу даврда фольклоршуносликнинг характерли хусусияти мамлакат мудофааси ва чет эл босқинчиларига қарши кураш акс этган асарларни кенг пропаганда қилиш, совет жангчиларини ватанпарварлик ва қаҳрамонлик руҳида тарбиялашда улардан фойдаланиш ҳисобланади. Шундай қонуний эҳтиёж натижасида «Далли», «Хушкелди», «Зулғизар билан Авазхон», «Чамбил мудофааси», «Чамбил қамали» достонлари, «Гўрўғли» туркуми достонларидаги баъзи бир жанг манзараларини уз ичита олган «Мардлар майдони», «Гўрўғли», «Тўлак ботир» тўпламлари босилиб чиқди. Кекса халқ шоирлари Фозил Йўлдош ўғли ва Ислом Назар ўғлинишг ватанпарварлик ва қаҳрамонликка ундовчи термалари нашр этилди. Уларда совет жангчиларини қаҳрамон, мард бўлишга, она юртни ҳимоя қилишга чақириқ руҳи яққол сезилади.

Ўзбек халқи ижодини тўплаш ва ўрганишда жиддий ютуқлар қўлга киритилган бўлса-да, ҳали 40-йилларнинг бошларигача бу муваффақиятларни умумлаштирувчи монографик тадқиқотлар йўқ эди. Шу вақтгача қилинган ишлар ўзбек эпосини бутун борлиги ва мураккаблиги билан умумлаштиришга шароит яратган ва бундай назарий асарга эҳтиёж катта эди. Ўзбек халқ достонларининг купчилиги ўша даврда ҳали қўл ёзма ҳолида эканлиги хисобга олиса, бундай ишга зарурат янада кучлилиги равшаш бўлади. Шундай умумлаштирувчи тадқиқот — «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китоби В. М. Жирмунский ва Ҳ. Т. Зарифовнинг ҳамкорлиги натижасида Улуғ Ватан уруши йилларида юзага келди¹.

. Китобнинг биринчи бобида ўзбек халқ достончилари ва бахшилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Бунда ўзбек фольклоршунослари томонидан тўплланган бой фактик материал таҳлил этилиб, жонли жараён, традиция ва мактаб, қўйчининг индивидуал маҳорати борасида эътиборли хуносаларга келинадики, булар назарий ва қиёсий-тарихий нуқтаи назардан катта қизиқиш касб этади.

¹ Асар 1947 йилда Москвада рус тилида нашр этилди.

Аасарпинг иккинчи бобида эпик репертуар таҳлил қилинади. Ўзбек халқ достонлари жанр хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолдаги классификациясига кўра, қаҳрамонлик, романик, жангнома, тарихий мазмундаги ва ёзма манбага эга бўлган достонларга бўлинади. Муаллифлар ҳар бир турга кирувчи достонларнинг жанр хусусиятлари ва уларнинг намуналарини тўғри таҳлил этганлар.

«Ўзбек эносининг умумий характеристикаси» деб номланган учипчи бобда халқ достонларининг гоявий мазмуни, образлари, поэтик стили атрофлича таҳлил қилинди, уларнинг яратилиш даври ҳақида қимматли мулоҳазалар илгари сурилди. Китобнинг сўнгги бобларида кейинги даврларда яратилган янги достонлар ва ўзбек халқ шоирларининг замонавий темалардаги аасарлари таҳлили ҳамда ўзбек халқ эпосини ўрганишдаги галдаги вазифалар ёритилди.

«Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китоби билан халқимизнинг фавқулодда бой оғзаки поэтик ижоди оламга танилди. 1958 йилда Германия Демократик Республикасида ушбу аасар муфассал баёнининг немис тилида босилиб чиқиши юқоридаги фикрни яна бир бор тасдиқлайди. Аасарда ўзбек халқ достонлари мисолида ҳал қилинган масалалар жаҳон эпосининг, жумладан, СССР халқлари эпик ижодиётининг назарий проблемаларини ишлаб чиқишига кенг йўл очиб беради. Бу ноёб тадқиқотнинг яратилиши билан ўзбек фольклоршунослиги янада юқори поғонага кутарилди, халқ достонларини ўрганишда янги этап бошланди¹.

Урушдан кейинги йилларда фольклоршуносликда батзи бир ютуқлар қўлга киритилди. М. Афзалов Улуг Ватан уруши даври фольклори ҳақида, Бекмурод бахши, Шеробод достончилари тўғрисида мақолаларини эълон қилди; «Фарҳод ва Ширин» достонининг халқ варианти» номли тадқиқотини яратди. Ходи Зарифнинг «Ўзбек фольклорида 1916 йилги миллий озодлик қўзғолонининг акс этиши», «Эргаш Жуманбулбул ўғли — атоқли халқ шоири», «Кунтуғмиш» достони ҳақида», «Фозил Йўлдош ўғли» каби мақолалари босилиб чиқди. У ўзбек халқ мақолларини,

¹ Бу аасарда қўйилган батзи проблемалар академик В. М. Жирмунскийнинг айрим аасарларида кейинчалик янада ривожлантирилди. Ықаралг: В. М. Жирмунский. Сказание об Алпамыше и богатырская сказка, М., ИВЛ, 1960; его же, Народный героический эпос, М.—Л., ГИХЛ, 1962.

Фозил Йўлдош ўғлининг танланган аасарларини ҳам сўз боши ва изоҳлар билан нашр этди. Рус тилида Мақсад Шайхзода сўз бошиси билан «Алпомиши» достони, «Ўзбекистонда халқ поэзияси» тўплами босилиб чиқди. М. Афзалов тузган «Ўзбек фольклоридан ўқув материаллари» ўз ўқувчилари қўлига бориб тегди. Фольклор аасарлари тўплам ва антологияларга киритилди.

50-йилларда эпосни ҳар жиҳатдан ўрганиш ва тўплап ишлари қизитиб юборилди. Ҳоди Зариф, М. Афзалов, М. Алавия, З. Ҳусаиновалар тайёрлаган «Ўзбек совет фольклоридан намуналар» тўплами босилиб чиқди. «Ойсулув», «Равшан», «Малика айёр», «Кунтуғмиш», «Ёдгор», «Орзигул», «Ширин билан Шакар», «Рустамхон», «Интизор», «Муродхон» каби эпик аасарлар ҳамда «Ўзбек халқ достонлари» икки томлигининг нашр этилиши эса жуда катта сиёсий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбек фольклоршунослиги эришган ютуқлар, партия XX съезди яратган ижодий мухит 1956 йил 20—25 сентябрда Тошкентда «Алпомиши» эпоси муҳокамасига бағишланиб ўtkazilgan регионал кенгашнинг муваффақиятли якунланишига замин ҳозирлади. Кенгашда «Алпомиши» достонининг гоявий мазмуни, халқчиллиги борасида қимматли фикрлар баён этилди, бу улкан эпоснинг қозоқ, қорақалпоқ, татар, бошқирд, олтой, тоҷик, версиялари устида жиддий муҳокамалар юритилди. «Алпомиши» достони муҳокамасига бағишланган регионал кенгаш жуда катта назарий ва практик аҳамиятга эга бўлди. СССР халқлари, хусусан, Ўрта Осиё, Қозогистон ва Волга бўйи халқлари эпосини ўрганишда янги этапни бошлаб берди. Кенгашда ва унинг кейинчалик нашр этилган материалларида эпостга нигилистик муносабатда бўлиш, уни вульгар социологик—ғайри илмий нуқтаи назардан текширишга хотима берилди.

Кенгашдан кейин ўзбек фольклорини тўплаш, нашр этиш ва ўрганишда, хусусан, эпос масалаларини текширишда жиддий ишлар қилинди. Жумладан, «Алпомиши» достонининг Фозил шоир варианти 1957, 1958 йилларда қайта нашр этилди. Унинг рус тилидаги таржимаси В. М. Жирмунскийнинг сўз бошиси билан Москвада босилиб чиқди. Шунингдек, «Ўзбек халқ шоирларининг совет даври ижоди» (1958) тўплами нашр этилди. «Ўзбек шеърияти антологияси»нинг биринчи томи (1961) фольклор материалларига бағишланди. В. М. Жирмунскийнинг



МУЗАЙЕВА АЛАВИЯ
(1909 йилда туғилған)

«Алпомиши» достони устида бир печа йиллар давомида олиб борган илмий-тадқиқот ишларининг синтези сифатида майдонга келган «Алпомиши» ҳақидаги ривоят ва қаҳрамонлик әртаги» номли китобида (1960) туркй халқларнинг күпчилигида күйлапиб келган «Алпомиши» эпосига доир барча материаллар қиёсий-тарихий-генетик метод асосида илмий умумлаштирилди, достонинг тарқалиши ва генезисига доир чуқур назарий хуносалар чиқарилди.

50- йилларнинг охирларидан фольклорнинг айрим жаңарлариши, унинг намояндалари ижодини, баъзи давр-

ларни монографик усулда тадқиқ қиливчи айрим тадқиқотлар юзага келди. Жумладан, Музайяна Алавиянинг «Ўзбек халқ қўшиқлари» (1959) асарида фольклорнинг энг кўп тарқалган, энг оммавий, энг қадими, жанговар жаңарларидан бири — қўшиқ таҳлил қилинди. Асарга халқ қўшиқларининг кattагина қисмининг илова қилиниши ҳам алоҳида таҳсинга сазовордир.

Ўзбек совет фольклорининг йигирманчи йиллардаги тараққиёт этапларини системали равишда ёритувчи асар—Ж. Қобулииёзовнинг (1919—1974) «Совет даврида ўзбек халқ поэтик ижоди» (1959) китоби ҳам шу даврга мансуб бўлиб, текпиралиётган фольклор асарлари тематик принципи асосида таҳлил доирасига киритилади ва ҳар бирига, хусусан, эпик асарларга конкрет баҳо берилади. Шунингдек, Л. А. Перепелицинининг «Ўзбек халқ қўғирчоқ театри» асарида (1959) қўғирчоқ театрининг турлари, техникаси, қўғирчоқбозларнинг қобилияти ва жарочилик маҳорати каби масалалар ёритилди.

60—70- йилларда ўзбек фольклорини илмий-назарий ўрганиши соҳасида жуда катта ишлар қилинди. Бу даврга келиб халқ оғзаки ижодийнинг поэтика масалаларини тадқиқ қилиш бириичи плага чиқа бошлади. Бунда партия-

мизнинг XXIII—XXV съездларининг кўрсатмалари, КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий тақиҷи-чилик ҳақида»ги (1975) қарори катта роль ўйнади. Чунки фольклоршунослик фани ҳам меҳнаткашларда коммунистик дунёқарашни шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлган оғзаки адабиёт намуналарини ўрганиш орқали «совет ватаппарвариши, интернационалистни тарбиялаш» (Л. И. Брежнев) ишига улкан ҳисса қўшади.

Сўнгги йилларда ўзбек фольклоршунослири йирик-йирик проблемаларга қўй ура бошладилар. Жуда катта маданий бойлигимиз бўлган халқ достонларини ўрганиши дикқат марказида бўлди. Бу соҳада эпосда халқ эстетик идеалининг акс этиши, достонлар поэтикаси ва тарихий асослари, вариантилийк ва версия масалалари каби қатор проблемалар таҳлил этилди. Айниқса, Ҳ. Т. Зарифовнинг «Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари» (1976), «Халқ ижодини нашрта тайёрлар принциплари» (1978) каби китоблари фан тараққиётида муҳим ўрин тутади. Тадқиқотчининг ҳақоний таъкидлашича, эпосда сақлашиб қолган қадими эътиқод ва тушунчалар, от, тую, бўри, қуш культигининг изларини мавжуд тарихий ва этнографик фактлар билан қиёсий ўрганиш, достонларнинг тасвирий воситалари буйича текширишлар олиб бориш уларнинг тарихий асосларини очища мухим аҳамиятга эга.

Ўзбек эпосининг жонкуяр тадқиқотчиси академик В. М. Жирмунский «Танлангап асарлар»ининг нашр этила бошланishi ва унил дастлабки томи туркй халқлар қаҳрамонлик эпосига бағишлилганлиги халқ достонларини ўрганишда алоҳида бир босқични ташкил этади¹. Туркй халқ эпосининг ўрганилишини таҳлил этувчи библиографик мақола билан бошланган бу монументал китобга олимнинг «Манас», «Алпомиши», «Эдега» достонлари ҳақидаги кузатишлари, «Тарихий маббалар асосида нўгой баҳодирлари тўғрисидаги эпик ривоятлар», «Ўғуз қаҳрамонлик эпоси» ва «Китоби дада Қўрқуд» каби тадқиқотлари, «Ўрта Осиё халқ бахшилари», «Туркй халқ шеъри ҳақида» сингари мақолалари киритилган. Буларнинг бир қисми биринчи марта эълон қилинганлигини ҳисобга олсан, китобнинг аҳамияти янада ошади.

¹ В. М. Жирмунский. Тюркский героический эпос, Избранные труды, Л., «Наука», 1974.

Москвалик олима Н. В. Кидайш-Покровская Ҳоди Зариф билан ҳамкорликда «Рустамхон» достони устида самарали филологик ва текстологик тадқиқотлар олиб борди. Натижада олима «Рустамхон» достонининг (Фозил Йўлдош ўғли варианти) русча ва ўзбекча текстини ақадемик нашрга тайёрлади, уни тадқиқот ва изоҳлар билан таъминлади. Китоб 1972 йилда «СССР ҳалқлари эпоси» сериясида Москвада пашр этилди. Бу — ўзбек эпосининг биринчи ақадемик нашридир. Шунингдек, М. Саидов, М. Муродов, Б. Саримсоқов; А. Қаҳҳоров, О. Мадаев қабиларининг эпосга доир тадқиқотлари эълон қилинди, қирқда яқин ҳалқ достони алоҳида-алоҳида китоб ҳолида пашр этилди.

Достон ижрочилари ва ижодкорлари ҳақида мәтериалларни кенг текшириш турли даврларда яратилган ҳалқ оғзаки ижоди асарларининг яшаш формалари ва мөҳиятини тушунишда жуда катта ёрдам беради. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш керакки, замонамизнинг буюк достончиси, улкан ҳалқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғлининг (1972), атоқли баҳшилар — Фозил Йўлдош ўғли, Ислом Назар ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлканларининг (1975) юз йиллигининг кенг нишонланниши ҳалқ ижодкорлари асарларини ўрганишда янги этапни бошлаб берди.

Ўзбек фольклорининг иккинчи эпик тури — эртаклар ҳақида мәтериалларни кенг текшириш турли даврларда яратилган ҳалқ эртаклари ҳақида» китобидир (1964). Бу монография авторининг ўзбек ҳалқ эртаклари бўйича бир неча йиллар давомида олиб борган кузатишлари натижаси сифатида юзага келди. Автор дастлаб ўзбек ҳалқ эртакларининг ўрганилиши, терминлари ҳақида фикр юритади, ҳалқ эртакларининг маълум бир классификациясини беришга урипади. Олим ҳайвонлар ҳақида эртакларни таҳлил қиласа, бой этнографик адабиёт асосида уларда қадимги кишиларининг табиат ҳодисалари ва айrim ҳайвонларга нисбатан тотемистик ҳамда анимистик қарашлари ифодаланганигини кўрсата олган. Бу билан айrim эртаклар бир замонлар кишиларининг баъзи ҳайвонларга ётиқод қилганларни, уларни тотем сифатида муқаддас туттапликлари натижасида юзага келганлигини кўрсатади. Муаллиф сеҳрли-фантастик эртаклар таҳлили орқали улардаги образлар билан реал ҳаёт ҳодисалари ўртасидаги алоқа, реаллик билан идеаллик ва ҳаёт билан

фантазиянинг ўзаро муносабати каби масалалар ҳақида баҳс этади. Китобнинг «Ўзбек ҳалқ эртакларининг ўзига хос баъзи бир хусусиятлари ҳақида»ги бобида муаллифнинг ўзбек ҳалқ эртаклари ва эртакчилари ҳақидағи узоқ йиллик кузатишлари, тўплаган материаллари ўз ифодасини топган, эртакларининг бадий ва стилистик хусусиятлари борасида баъзи бир фикрлар ўртага ташланган. Лекин муаллиф ўзбек ҳалқ эртакларини, асосан тематик нуқтаи назардан классификация қиласи ва таҳлил этади.

Фольклоршунос К. Имомовнинг «Ўзбек сатирик эртаклари» (1974) монографиясида бу тур эртакларининг жанр хусусиятлари, уларда анъанавий синов мотиви ва комик қаҳрамон, социал мотив ва конфликт, сатирик эртакларининг бадий хусусиятлари ва таҳлири, эртак ва достон муносабатлари каби муҳим масалалар ёритилган. F. Жалоловнинг «Ўзбек ҳалқ эртаклари поэтикаси» (1976) монографиясида эса, сеҳрли-фантастик эртакларининг генезиси ва морфологияси масалалари таҳлил қилинади. Ҳар иккала монография эртакшуносликда сўнгги йилларда қўлга киритилган жиддий ютуқлардир. Шу билан бирга, эртакларни пашр этишга ҳам алоҳида эътибор берилди. М. Афзалов, З. Ҳусаинова, Х. Расуловлар тайёrlаган «Ўзбек ҳалқ эртаклари»нинг икки томлиги рус ва ўзбек тилларида икки марта пашр этилди. «Кенжак ботир», «Бури билан тулки», «Олмос ботир», «Чалпак ёққан кун», «Қари наъматак» каби бир қашча тўпламлар босилиб чиқди.

Шуни айтиш керакки, оғзаки паср поэтикаси масалалари кейинги йилларга қадар жиддий ўрганилмай келарди. Б. Саримсоқовнинг «Ўзбек адабиётида сажъ» (1978) монографияси бу йўлдаги дадил қадамдир. Монографияда автор паср турлари, сажъ ва эпик шеър, сажъ ва қоғия, ўзбек адабиётида сажънинг пайдо бўлиши, эртакларда ва достонлар насрода сажънинг характеристи ва хусусиятлари каби масалаларни атрофлича ёритади.

Ҳалқ қўшиқларини ўрганишда М. Алавиянинг «Ўзбек ҳалқ маросим қўшиқлари» (1974) монографияси алоҳида ўринда туради. Автор маросим қўшиқларини бой этнографик материал — ҳалқимишининг Октябрь инқилобигача кечирган турмуши, урф-одатлари, расм-русларни, улум ва иримлари билан боғлиқ ҳолда текширади. Олима ҳалқ қўшиқларининг тарихий илдизи ва асосий хусусиятларини ўрганиш орқали уни биринчи марта класси-

фикация қилди ва тўй маросими қўшиқларини алоҳида бобда маҳсус тадқиқ этди. Шунингдек, К. Очиловнинг меҳнат қўшиқлари, С. Рўзимбоевнинг Хоразмда тарқалган совет даври қўшиқлари ҳақидаги тадқиқотлари яратилди. Ж. Қобулиниёзов эса «Хоразм халқ қўшиқлари» тўпламишини (1965) сўз боши ва изоҳлар билан нашр эттириди. «Мадҳия», «Светоч», «Сўнмас қуёш» каби қўшиқ тўпламлари босилиб чиқди.

Кейинги йилларда ўзбек фольклорини социологик-тарихий ва фалсафий-педагогик нуқтаи назардан текширувчи айrim асарлар юзага кела бошлади. Ф. Шоюсовнинг «Ўзбек халқ оғзаки ижодида ижтимоий-сиёсий гоялар» (1965), З. Миртурсуновнинг «Ўзбек халқ оғзаки ижодида халқ педагогикаси» (1974), А. Акбаровнинг «Халқ оғзаки ижодида материалистик мушоҳада ва диалектика элементлари» (1977), С. Алимовнинг «Ўзбек фольклори эстетикаси», Т. Турдиевнинг «Ёш авлодни тарбиялашда халқ оғзаки ижодининг роли» каби асарлари шулар жумласидандир. Фольклоршунос Е. Жўраев эса «Ўзбек халқ ижодида атеистик қарашлар», «Ислом, хотин-қизлар, фольклор», «Қуръоннинг мусулмон бўлмаган халқларга муносабати» каби китобчаларидан кейин «Ўзбек халқ ижодида динга қарши мотивлар» (1965) монографиясини яратди. Китобда меҳнаткаш омманинг қуръон ва шариат ақидалари ҳамда дин арбобларига бўлган салбий муносабати ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари аспектида таҳлил қилинган. У ёки бу масалага ислом таълимотининг қараши ва унга қарара-қарши үлароқ, ўзбек халқ поэтик ижоди асарларини параллел келтириб, фольклордаги атеистик мотивлар қараб чиқилади ва тегишли хуносага келинади.

Кейинги йилларга қадар «майдада жанрлар» деб аталувчи топишмоқ, мақол ва маталлар ҳақида йирикроқ илмий асар йўқ эди. Бундай ишга З. Ҳусаинова киришди. У дастлаб ўзбек топишмоқлари тўпламишини сўз боши билан нашр эттириди (1961). 1966 йилда шу жанр устида олиб боргани кузатишларининг натижаларини монографик усулда этилон қилди. Унинг топишмоқлар ҳақидаги монографияси ўзбек фольклоршунослигиининг сўнгти йилларда эриниган катта ютуғидир. Минглаб топишмоқларни текстологик ўрганиши натижасида юзага келган бу тадқиқотда ўзбек халқ топишмоқлари ниҳоятда бой ва гўзал эканлиги илмий асослаб берилди. Монографияда топиш-

моқ жанрининг асосий хусусиятлари, терминлари, турлари, уларнинг келиб чиқиши, конкрет маънолари, ўзига хос бадиияти, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маърифий ҳамда эстетик аҳамияти чуқур таҳлил этилган. Унда совет даврида яратилган янги топишмоқларнинг илмий таҳлилига ҳам маълум ўрин берилиши асарнинг қимматини янада оширган.

Сўнгти йилларда қўлга киритилган ютуқлардан яна бири шунда бўлдики, кам ўрганилган ва ёки деярли қўл урилмаган жанрлар бўйича ҳам катта-кичик тадқиқотлар яратилди. Жўмладан, М. Қодировнинг «Ўзбек халқ оғзаки драмаси» (1963) монографияси худди шундай асарлардан бўлиб, автор унда ўзбек халқ театрининг характеристи, турлари, халқ актёрларининг маҳорати, шунингдек, «сарой театри»нинг қиёфаси, гоявий йўналиши, масхарабозлар репертуарлари ва драмаси каби актуал масалаларни Самарқанд, Бухоро ва Сурхондарё областларидан тўплаган материаллари асосида чуқур анализ қилиб бера олди. Тадқиқотчининг ўрни-ўрни билан Фарғона ва Хоразм облассы материалларига мурожаат қилиши, халқ оғзаки драмасини қиёсий ўрганишга ҳаракат қилиши ибратлий. Монографияда халқ оғзаки драмаларининг сатирик ва юмористик томонлари, уларнинг гоявий-тематик хусусиятлари, образлар системаси хусусида қимматли мулоҳазалар билдирилган. М. Қодировнинг «Масхарабоз ва қизиқчилар санъати» (1971) монографияси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Унда автор XVIII аср охири, XX аср бошларидаги уч халқ театри — Бухоро, Хоразм, Фарғона анъанавий театрининг локал фарқ ва белгиларини ёритади. Фарғона қизиқчилари ва масхарабозлари санъатини кенг кўламда таҳлил этади. Олимнинг «Ўзбек театри анъаналари» монографиясида (1976) эса анъанавий ўзбек театри ва унинг ўзбек совет театри шаклланишидаги роли текширилади. Асар ўзбек халқ театри, унинг турлари ва анъаналарини мукаммал тадқиқига бағишиланган фундаментал ишлардандир.

Фольклор асарларида ҳажвий йўналиш муҳим ўрин тутади. Уларнинг бундай характеристи томонларини текшириш эса фольклорнинг ижтимоий моҳиятини янада яқолроқ очади. Шу жиҳатдан Ҳ. Раззоқовнинг Фарғона водийси материаллари асосида яратган «Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор» монографияси (1965) характеристидир. Асарда сатира ва юмор тушунчаси, унинг

фольклор асарларида ўзига хос равишда намоён булиши, комик вазият ва ҳолат, комик қаҳрамон яратиш восита-лари ҳақида эътиборли мулоҳазалар илгари сурилган.

Ўзбек музика фольклори ҳам ўзининг хилма-хиялиги ва бойлиги билан ажралиб туради. Уни ўрганишга 50-йилларнинг иккинчи ярмидан жиддий киришилди. Илгари тайёрланган ишлар эълон қилинди¹. Ю. Ражабий, И. Акбаров, К. Алимбоева, М. Аҳмедов кабилар тўпловчилик ва поталаштириш ишларини бошлаб юбордилар. Айниқса, Ф. Кароматовнинг фаолияти самарали бўлди. Унинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида икки мингдан ортиқ чолғу куйлари тўплапди ва поталаштирилди. Бўларнинг асосий қисми унинг қатор тадқиқотларида² умумлаштирилди.

Адабиёт ва фольклорнинг ўзаро муносабатлари проблемасини ўрганиш ўзбек фольклоршунослигига, асосан 60-йиллардан бошланди. Бунда у ёки бу ижодкорнинг фольклорга муносабати масалаларини текшириш асосий ўринда туради. О. Собировнинг «Яшин ва фольклор» (1973), «Сарчашма адаб ижодида» (1975), «Ойбек ижодида фольклор» (1975), Ф. Жалоловнинг «Ҳамза поэзияси ва ҳалқ оғзаки ижоди» (1975) рисолалари; М. Афзалов, М. Қодиров, С. Мамажонов, Ф. Мўминов, М. Ҳакимов мақолалари; С. Асқаровнинг «20-йиллар ўзбек совет поэзиясида фольклор анъаналари» (1968); М. Маъмуронвнинг «30-йиллар ўзбек совет поэзиясида фольклор анъаналари» (1973); А. Жўрахоповнинг «Ўзбек демократик адабиёти ва фольклор» (1977); К. Қодировнинг «М. Шайхзода поэзиясида фольклор анъаналари» (1973); А. Солиевнинг «Комил Яшиннинг фольклордан фойдаланишдаги маҳорати» (1973); Т. Абдуқулловнинг «30-йиллар болалар поэмалари ва фольклор» (1977) каби тадқиқотлари шу масалага бағишланганлар.

Бу борада Н. Маллаевнинг «Алишер Навоий ва ҳалқ ижодиёти» монографияси (1974) катта ўрин тутади. Асарда Алишер Навоийнинг фольклорга муносабати,

¹ Е. Е. Романовская. Статьи и доклады. Записи музыкального фольклора, Ташкент, ГИХЛ, 1957; Музыкальная фольклористика в Узбекистане, Август Эйхгорн. Музыкально-этнографические материалы, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1963.

² Ф. Кароматов. Узбекская народная инструментальная музыка, Ташкент, ГИХЛ, 1955, его же, Узбекская домбровая музыка, Ташкент, ГИХЛ, 1962; упин, Ўзбек музикаси совет даврида, Ташкент, ЎзКИИ МК наприёти, 1967.

Алишер Навоий ва мифология, «Ҳамса» қаҳрамонларининг фольклордаги замини, Навоий достонларининг ҳалқ варианatlари, ҳалқ оғзаки ижодида Алишер Навоий обра-зи каби масалалар атрофлича ёритилган.

Оғзаки ва ёзма адабиёт муносабатларини ўрганишда муҳим нуқталардан бири фольклор ва адабиёт заминида юзага келган қиссалар («Ҳалқ китоблари»ни) тадқиқ этишдир. Бу муҳим масала ҳамон текширувчилар диққатидан четда қолмоқда. Шу нуқтаи назардан В. Абдуллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигидаги мулоҳазалари, Р. Мажидовнинг «Хуршед ва Маликаи Дилором», Х. Оқбулаевнинг «Тоҳир ва Зухра» қиссалари материаллари асосидаги кузатишлари диққатга сазовордир.

Ўзбек ҳалқ оғзаки ижодида болалар фольклори муҳим ўрин тутади. Аммо кейинти ўрганилмай келинар эди. Бу хайрли ишга Ф. Жаҳонгиров қўл урди ва «Ўзбек болалар фольклори» (1974) монографиясини яратди. Монографияда болалар фольклорининг ўзига хос хусусиятлари ва турлари, тез айтишлар ва тошишмоқлар, болалар қўшиқлари ва эртаклари, ўйин фольклори атрофлича таҳлил қилинади.

Юқорида совет даври фольклорини ўрганиш доимо ўзбек фольклоршунослигининг диққат марказида турганилиги алоҳида таъкидланган эди. Чиндан ҳам Ҳ. Т. Зарифов, М. Афзалов, М. Алавия қаби иирик фольклоршуносалар бунга алоҳида диққат қилганлар. Кейинги пайтларда бу сафга Т. Фозибоев, О. Собиров, Ж. Қобулниёзов Т. Очиловлар қўшилди. Айниқса, совет даври фольклори тула очеркининг яратилиши бу соҳадаги жиддий ютуқдир. Ж. Қобулниёзов «Ўзбек совет фольклорининг ривожланиш йуллари» (1969) китобида 20—30-йиллар фольклори тараққиётининг асосий хусусиятларини таҳлил этади. Айрим жанрлар ривожи, анъанавий фольклорининг совет давридаги ўрни масалаларига алоҳида диққат қиласида ва зарур хуласалар чиқаради. О. Собиров эса «Ўзбек совет фольклори очерки» (1971) асарида Ўлуғ Ватан уруши ва урущдан кейинги давр ҳалқ поэтик ижоди намуналари асосида фольклорнинг ҳалқ хаётидаги ўрни масалаларини ёритади, ҳалқ ижодининг профессионал санъат томон яқинлашув жарабёнини кузатади. Бу ўйларда ўзбек фольклорида В. И. Ленин ва Коммунистик партия темасининг акс этишини ўрганишга алоҳида эътибор берилди.

Е. Жураевнинг кўп йиллик изланишлари самараси бўлган монографияси (1979) шундай тадқиқотлардандир. Шундай қилиб, 60—70-йилларда ўзбек фольклоршунослигининг текшириш обьектлари янада кенгайди, илмий ишларнинг сифати анча яхшиланди; ҳалқ ижоди ҳақидаги фан партиямиз қўйған кундалик талаблардан келиб чиқиб катта муваффақиятларни қўлга киритди.

Ўзбек фольклоршунослиги тараққиётидаги характерли хусусиятлардан бири шундаки, 60-йилларнинг иккинчи ярмига келиб йирик фундаментал ишларни амалга оширишга киришилди. Бу нарса фольклор асарларини нашр этишда ҳам, уни илмий тадқиқ қилишда ҳам яққол кўрињади. Айниқса, 1964 йилдан бошлаб, 45 томга мўлжалланган «Ўзбек ҳалқ ижоди» асарларини нашр этишга киришиш мухим воқеа бўлди. Қисқа муддатда кўп томлик усилдаги ишлар тугалланди ва улар бирин-кетин босилиб чиқа бошлиди. Ҳозиргача «Интизор», «Дастагул», «Муродхон», «Гулихиромон», «Орзигул», «Тоҳир ва Зухра», «Ҳасанхон», «Латифалар», «Олтин олма», «Сув қизи», «Гулпари», «Ойжамол», «Гўрўғлиниг туғилиши», «Гулшанбог», «Гулнор пари», «Равшан», «Далли», «Аския», «Гулёр», «Оқ олма, кизил олма» каби йигирмадан ортиқ асар китобхон қўлига етиб борди. Шунингдек, кўп томлик асосида рус тилида «Ўзбекское народное творчество» серияси билан 10 томга мўлжалланган асарлар мажмуаси нашр этилмоқда. Шундан ҳозиргача «Алпамыш», «Луковая царевна», «Мурадхан», «Волшебный рубин», «Горе проходит, песня остаётся» каби китоблар босмадан чиқди.

Фольклор асарларини, хусусан, эпосни нашр этишдаги япа бир йирик иш — Эргаш Жуманбулбўл ўғли айтган достони ва термалардан ташкил топган беш томликнинг ва рус тилидаги уч томликнинг юзага келишидир¹. Бу кулиёт Эргаш шоир асарларининг энг муқаммалидир ва Совет Итифоқида бир бахши репертуари асосида нашр этилган энг катта тўпламлардан ҳисобланади. Унинг изоҳ ва лугатлар билан таъминланиши илмий қимматини янада оширган.

¹ Қаранг: Булбул таропалари, I—V томлар, нашрга тайёрловчи Ҳоди Зариф, мастьул муҳаррир Тўра Мирзаев, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1971—1973; Песни Бульбуля, составители Х. Т. Зарифов и Т. Мирзаев, Ташкент, 1974, 1977.

Халқимиз оғзаки ижодини ўрганишдаги катта ишлардан бири «Ўзбек ҳалқ ижоди бўйича тадқиқотлар» сериясининг юзага келиши ва унинг дастлабки китобларининг нашр этилишидир. Бу сериядаги биринчи китоб — «Ўзбек ҳалқ ижоди» 1967 йилда ўзбек совет фольклоршунослигининг асосчиси Ҳ. Т. Зарифов туғилган куннинг 60 йиллигига бағишилаб чиқарилди. Авторлар колективи томонидан яратилган бу асарда фольклорнинг кам ўрганилган назарий проблемалар қараб чиқиленди, айрим жанрлар хусусиятлари ва тараққиёти кузатилиди, оғзаки ва ёзма адабиёт муносабатига доир батъзи мулоҳазалар олға сурилди, ўзбек ҳалқ поэтик ижоди намуналарининг поэтик тили бўйича қимматли хуласалар чиқарилди.

Бу сериядаги «Ўзбек совет фольклори масалалари» (1970) номли кейинги китоб совет даври ўзбек фольклорининг конкрет проблемаларига бағишиланди. Унда ҳалқ ижоди ривожида В. И. Лепин таълимоти ва Коммунистик партия доно сиёсатининг аҳамияти, совет даврида айрим жанрлар тараққиёти хусусиятлари, традиция ва новаторлик, ёзма адабиёт ва фольклор муносабати каби қатор масалалар тадқиқ қилинган. «Эргаш шоир ва унинг достончилиқда тутган ўрни» (1971), «Фозил шоир» (1973), «Пўлкан шоир» (1976), «Ислом шоир ва унинг ҳалқ поэзиясида тутган ўрни» (1978) китобларида эса атоқли достончиларнинг ҳаёти, ижоди ва репертуарининг асосий хусусиятлари ёритилган. Бунда фольклорда ижодкорлик ва пижрочилик проблемасига алоҳида эътибор берилган. Мазкур серияга кирган китоблар фольклорни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ишини янада юқори савияга кўтарили. Фольклор асарларининг жанрлараро муносабатларини ва тараққиёт этапларини ўрганиш, этнографик фольклор бўйича тадқиқотлар олиб бориш, ўзбек фольклорининг тарихи ва назариясида яратиш юзасидан жиддий ишлар қилиш ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалалардир.

Ўзбек совет фольклоршунослигининг тараққиёт йўлига пазар ташлар эканмиз, қўз ўнгимизда ривожланишининг мураккаб босқичларидан ўтиб, қисқа бир даврда катта ютуқларни қўлга киритган фаннинг янги соҳаси намоён бўлади. Ўзбек фольклоршуносларининг жуда катта тўпловчилик ва текширувчилик фаолиятлари, қидириш-изланишлари, фанда марксча-ленинча партиявийлик учун курашлари самарали бўлди. Ўзбекистонда ўзининг оригинал

текшириш хусусиятларига эга бўлган марксистик фольклоршунослик мактаби юзага келди ва муҳим ютуқларни қўлга киритди. Ўзбек халқ оғзаки адабиёти ҳақидаги фан ва унинг асосчиси Ҳоди Зариф мактаби тор кабинетда туриб ўйлаб чиқарилган, ҳаётдан батамом узилиб қолган «назарий» схемалар асосида иш кўрмади, балки жонли оғзаки жараёндан узоқда илмий текшириш ишлари олиб бориша қарши қурашди, яъни фольклорни ижро этилаётган, яратилаётган ерда, янги тарихий шароитда юз берган ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда меҳнаткаш омманинг ҳаёти, турмуши билан боғлиқ равишда ўрганиш лозимлигини методологик жиҳатдан асослаб берди.

Ўзбек олимлари фольклорни, хусусан, эпик асарларни унинг ижрочи ва ижодкорлари билан боғлиқ ҳолда ўрганишнинг методик жиҳатларини ишлаб чиқдилар, баҳшининг (куйчининг) ижодкорлик шахсига алоҳпда эътибор бериб, оригинал кузатишлар олиб бордилар. Шунинг учун ҳам эпик асарининг тарқалиши ва яшаш шароитлари, қўйчи ва унинг тингловчилари, традиция ва импровизация, устоз ва шогирд, достончилик мактаблари, версия ва вариация, маълум ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг конкрет асарга таъсири каби масалаларни ёритишда жиддий ютуқларни қўлга киритдилар. Ўзигача жуда кам қўйилган ёки бутунилай эътибордан четда бўлган масалаларни ишлаб чиқишдаги ютуқлари ва ўзига хослиги унинг илмий жамоатчилик томонидан мактаб сифатида тан олинишига сабаб бўлди.

Фольклор материалларини кенг кўламда олиб, уни биринчи даражали масалалар атрофига жалб этиш, ўта синчковлик ва чуқур илмийлик, таҳлил этилаётган обьект-ти тарих, археология, этнография, моддий маданият, тасвирий санъат намуналари билан кенг планда қиёсий ўргашиб, шунингдек, бир томондан, версия ва вариантлар-аро, иккичи томондан, генетик қардош ва қардош бўлмагал халқлар ижодиётига чоғиштириш, шу тариқа унинг қадимий илдизлари ва асосларини очишга ийтилиш бу илмий мактабнинг, бундай текшириш йўлининг характеристли хусусиятларидандир. Бу йўл унинг асосчисининг ҳам, бу мактабда таълим олганларнинг ҳам жуда катта изланишилари патижасида шаклланди ва ривожланди. Ўзбек фольклоршунослиги ана шу йўлдан дадил олга бормоқда.

ҚАДИМГИ ДАВР ФОЛЬКЛОРИ

Сўз санъатининг дастлабки намуналари инсоният нутқи пайдо бўлиши билан юзага кела бошлади. Унинг ташкил топишида ўша давр шарт-шароити, одамларнинг меҳнат ва турмуш тажрибалари, дунёқараш ва тушунчалари ҳал қилувчи роль ўйнаган. Энг аввал оғзаки насрый турнинг дастлабки намуналари вужудга келган. Улар ниҳоятда содда бўлиб, турли хилдаги ундов-хитоблар ва воқеалар баёнидан иборат бўлган. Меҳнат жараёни ҳамда онгнинг ривожланиши воқеа ва ҳодисалар талқинида оддий баёндан образли тасвирлашга олиб келди. Содда ва тақорорий жумлалар бадиий тил воситалари билан бойий бошлаган. Оддий сўз ўрнини кўчма маъполи сўз, сифатлаш, муболаға ва ўҳшатишининг илк намуналари эгаллай борган. Шундай қилиб, дунёни бадиий ва эстетик дид билан фаҳмлай олиш, бадиий сўз тажрибаларининг тараққиёти фольклорнинг дастлабки жанрларини юзага келтирди. Энг аввал қичик-қичик нақл ва миғлар, меҳнатни енгиллаштирувчи, руҳан тетик қилувчи, хаёл оғушига олиб кирувчи эртак ва афсоналар яратилди, меҳнат жараёнини ифодаловчи қўшиқларинишг намуналари пайдо бўлди.

Демак, энг қадимги фольклор намуналари ёзув юзага келмасдан анча олдин пайдо бўлган ва ёзма адабиётнинг ташкил топишига муҳим ҳисса қўшган. Қадимий фольклор намуналари асл ҳолида, тўла равишида бизгача етиб келмаган. У оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб ижодий ишланган. Ҳар бир материал турли хил ижтимоий

қатламлар таъсирида ўзгариб, шакл ва мазмунида янги янги маълумотлар юзага келган. Ниҳоят, бизнинг қулимиизга етиб келган, яъни совет даврида ёзиб олинган гоявий-эстетик жиҳатдан янгиланган анъанавий фольклор намуналарида, асосан феодализм шарт-шароитлари ўз ифодасини топган. Уларда қадимий мотивлар, турли қарашлар излари сақлаинган. Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги фольклор намуналари баъзи тарихий ёдгорликлар, илмий асар ва ёдномалардагина сақланиб қолган. Энг қадимги фольклор асарлари мифлар, жангнома типидаги афсоналар, қаҳрамонлик ва паҳлавонлик эпослари, қўшиқ ва маколлардан ташкил топган.

Ибтидоий тасаввурлар — анимизм ва тотемизм. Туркий халқлар фольклори билан урф-одатларида излари сақланиб қолган анимистик ва тотемистик қарашлар қадимий тасаввурлар системасини ташкил этади. Маълумки, ибтидоий инсон ўзига номаълум бўлиб қўринган табиат кучларидан талвасага тушар экап, айни пайтда уларни ёнтишга ҳаракат қилган. Бунинг уддасидан чиқа олмай, иложкисиз қолиш табиатга сифиниш, потабий қўринган ҳодисаларга топиниш, уларни култ даражасига кўтаришга олиб келган. Бу ҳол табиат ва жамият ҳодисаларига қарашда ғайри илмий (ибтидоий инсон назарида ҳақиқий) анимистик ва тотемистик тасаввурларни туғдирган.

Ибтидоий одам табиат ҳақидаги тасаввурида ўзини табиат кучлари ва ҳодисалари билан айна бир нарса деб ҳисоблади, жонсиз нарсаларга жонли деб қарайди. Бу хилдаги ибтидоий тушунчалар комплекси анимизм номини олган. Унинг ёрқин намунаси эртакларнинг қадимий мотивларида ўз ифодасини топган. «Оқ билакхон» эртагида йигитнинг тошга айланиб қолиши, «Очил, очил, қамишлар»да қизнинг қамиш орасига кириб кетиши, «Ёрилтош»да тошнинг ёрилиш мўъжизаси, қизни бағрига олиб яна ёспилиши, «Ялмогиз кампир» эртагида одамларнинг тошга айланиб ётиши, «Қилич ботир»да эса қаҳрамоннинг жони қиличида эканлиги кабилар ана шу анимистик тушунчалар патижасидир.

«Ёрил, ёрил, тошлар-ай», «Очил, очил, қамишлар», «Сангил сонол тош, сен менга йўлдош», «Сим-сим, оч эшигигинги» каби илтижо қилиб ёлворишлар уша нарсада жон бор деган тушунчанинг образли ифодасидир. Яқин кунларгача тўй ва бошқа маросимларда гулхан ёкиш, унинг атрофида айлапиш, қуёш, ой тутилганда қозон,

челак, жом кабиларни чалиш ҳоллари мавжуд эдики, бу, уша йўқолиб бораётган қадимий тасаввурларнинг изларидир.

Тотемизм одамнинг кўпинча бир ҳайвон ёки ўсимлик, баъзан жонсиз нарса ёки табиат ҳодисалари билан алоқаси борлиги ҳақидаги ишонч-эътиқоддан келиб чиқкан. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек уруғларининг ота-боболари қуёш, сув, оловга топинганлар, кейинчалик эса от, ҳўқиз, илон, бўри, ит ва бошқа ҳайвонларга эътиқод қўйганлар. Бўрини бало, оғатлардан сақловчи, ҳимоя қилувчи куч, уруг, кабиларнинг аждодлари деб билганлар. Шу тариқа тотемлар юзага келган. Тотем — у ёки бу урганинг эътиқод қўйган ҳимоячисидир. Тотемлар билан боғлиқ бўлган бир қанча афсоналар ҳам мавжудки, уларда кўпроқ от ва бўри культи ҳикоя қилинган.

Бўри қадимги ўзбек уруғлари орасида тотем ҳисобланған. Қадимий манбаларда келтирилган турк афсоналарида бўри турк урганинг аждоди сифатида намоён бўлади. Афсонада тасвирланишича, қадимги турклар она бўридан ва душман томонидан қирилган уруг ичидан тирик қолган ўн ёшли ўғил боладан тарқалган. Бу болани она бўри қўл-оёқлари қирқилган ҳолда топиб олган ва уни гўшт бериб боққап. Шундан сўнг тоғларнинг бирига кириб кетган ва у ерда ўнта бола түққан. Уларнинг ҳар бири турк уруғларининг асосчилари бўлган. Хатто Ашина исмли турк уруғларининг бирида бўри калласи тасвирангандан байроқ ҳам бўлган¹. Ибтидоий кишилар оғир ва аянчли турмушни яхшилашга интилганда ҳам бўрига ёлворган ва сигинган.

Бўри билан боғлиқ бўлган эътиқод янги туғилган болани саломат сақлаш, яхши ҳаёт кечириш, қўй ва қорамол подаларини эҳтиётлаш, дехқончилик экинларини ёвуз куч таъсиридан сақлаб қолишдан иборат бўлган. Бўри тотемига алоқадор баъзи эртак («Чўлоқ бўри», «Бўри қиз», «Бўри») ва афсоналар ҳозирги кунга қадар халқ орасида яшаб келган.

От культи қадимги кишиларнинг турмуш-тириқчилиги билан бевосита боғлиқ бўлиб, отларни иш ҳайвони сифатида хўжаликда фойдаланиш, хонакилаштириш давомида

¹ Н. Я. Бичурин. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Том I, М.-Л., 1950.

юзага келган. Археология қазилмаларида аниқланған ярми от, ярми одам сифат ишланған расмлар, ҳали-ҳалигача әкин майдонлари, полизларда отнинг калла сүягининг қўриқчи сифатида қўйилиши ва бошқалар ибтидоий инсон опгида мавжуд бўлган от культи ҳақидаги эътиқоднинг тимсоли ҳисобланади. Қадимги Бактриядаги Зариасп, Хоразмдаги Ҳазорасп сингари географик жой номлари аслида от культига алоқадор бўлган уруғ номлари билан болганади. Ўзбек ҳалқ достонларида Гирот, Бойчибор, Жийронқуш, Мажнунқўк қаби эпик от образларининг гоят катта ўрин тутиши ҳам бежиз эмас. Демак, табиат ва ҳаёт ҳақида юзага келган ибтидоий тушунча ва эътиқодлар анимистик ва тотемистик қарашларни вужудга келтирди. Бу қарашлар ўз навбатида илк бор тўқилган әртак ва афсоналарнинг мотив ва сюжетларини ташкил этди.

Қадимги мифлар. Порлоқ келажакни орзу қилиб, унга умид кўзи билан боққан узоқ ўтмишдаги авлод-аждодларимиз кишиларнинг қудратли ривожини олдиндан сезиб, уларнинг қобилиятини идеаллаштиргап мифологик образларни яратган. Ана шу мифологик образларнинг илк бор намуналари қўхна миф, афсоналарда нақл этилди. Қадимги давр фольклор намуналари ичida мифологик тасаввурлар асосида яратилган афсоналар ва мифлар алоҳида ўрин тутади.

Миф гречка сўз бўлиб, худолар ва паҳлавонлар ҳақидаги тўқима афсонадир. Мифология ибтидоий инсоннинг табиатни билишга интилишининг натижаси ҳисобланади. Дарҳақиқат, инсоннинг табиатга қарши курашдаги оқизлиги уни помаълум куринган ҳодисаларга жавоб топишга, қандайдир тушунча ва тасаввурлар яратишга мажбур этган. Бўрон, зилзила, сув тошқини; сел каби гайри табиий кўрилган кучлар даҳшатидан талвасага тушган инсон ёвуз кучларга қарши кураша оловчи ҳомий излаган. Ниҳоят, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги мифологик тасаввурлар найдо бўлган.

Олам ҳақидаги ибтидоий тасаввурлар ана шу тарзда юзага келган бўлиб, у ўз навбатида осмонӣ, ой, қуёш ҳамда турли хил ҳайвонлар ҳақидаги худоларни, гайри табиий тасвирилангаи паҳлавонлар ҳақидаги мифларни ҳосил қилди. Мазкур мифлар кишиларга руҳий куч, тетиқлик ва осойишталик баҳи этган, ниҳоят, инсониятни ғалабага чорлаган. «Қадимги әртаклар, афсона, мифларнинг

асосий ғояси қадимги даврлардаги меҳнат кишиларининг юкини енгиллаптиришга, ишнинг унумини оширишларига, тўрт оёқли ва икки оёқли душманларга қарши қуролланишларига ҳамда сўз кучи—«аврас», «афсан» йўли билан табиатнинг кишиларга хатарли бўлган ҳодисаларига таъсир этишларига қаратилган¹. Кўринадики, миф зўр куч ва қудрат, осойишта яшаш ҳамда ёвуз куч устидан ғалаба қила олиш ҳақидаги орзу-умиднинг инъикосидир. «Кишилар яхшилик, баҳт-саодат, қуёш нури ва иссиқликни ёмонлик, баҳтсизлик, зулмат ва даҳшатли совуққа қарама-қарши қўйиб, баҳт ўлкаси ва баҳтсизлик ўлкаси деган мифларни яратганлар. Гўё табиатда улуғ ва фойдали кучлар — қуёш ва сув абадий бўлган ўлка ҳамда оғат келтирувчи кучлар — зулмат ва кулфат абадий бўлган ўлка бор эмиш. Кўпчилик мифологик образлар мана шу икки ўлка ва улар ўртасидаги кураш фонида гавдаланади»².

«Авесто»да икки яратувчи куч — яхшилик ва ёмонлик Ахурамазда ва Аҳриман қиёфасида намоён бўлади. Мазкур китоб ғоясига кўра, табиат ва жамиятдаги ҳодисаларнинг барчаси икки яратувчининг ўзаро курашидан келиб чиқсан.

Ахурамазда яхшилик, ёруғлик, ободонлик ва эзгу кучларнинг худосидир. Унга қарашли нарсалар инсон турмушини яхшилашга ва хизмат қилишга қаратилган. У ўз ёрдамчилари орқали олов, чорва, металл, ер-сув ва ўсимликлар дунёсини бошқаради.

Анgra Манью (Аҳриман) барча ёвузлик ва ёмонликни бошқаради. У Ахурамаздага қарши чиқади ва ўзига қарашли девлар ёрдамида одамларга азоб-уқубат, машақкат, кулфат келтиради. Аҳриман зўр куч ва қудратга эга бўлса-да, бироқ Ахурамазда каби ҳар нарсага қодир ва қобил эмас, шу сабабли ёмонлик кучлари яхшилик олдида доимо мағлубиятга учрайди. Ёруғлик маибаи қуёш деб кўрсатилади. Қуёш нури ишонга ҳаёт бағишлийди. Олов эса қуёшнинг бир парчасидир. Шунинг учун ҳам инсон оловни муқаддас ҳисоблаб, оташкадаларда сақлар эди. Бундай оташкадалар Хоразмда, Жонбос қалъада топилган.

¹ М. Горький. Адабиёт ҳақида, Ўздавиашр, Тошкент, 1962, 265-бет.

² Н. М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи, «Ўқитувчи», Тошкент, 1976, 42-бет.

Демак, узбеклар орасида қуёшга — оловга эътиқод қўйиб, унга топиниш жуда қадимдан давом этиб келган. Митра — қуёш ва ёргулук худоси, Нохит — ободонлик ва фаронлик худоси, Хумо — бахт, толе ва давлат худоси, Анахита ва Хубби (Фаргонада Эр Хубби) — сув худоси, Мирриҳ — уруш ва ғалаба худоси, яхшилик ва эзгулик эса Каюмарс, Йима (Жамшид), Гершасп каби мифологик образларда мужассамлашган. Ёмонлик кучлари эса аждар, дев, жип каби салбий мифлар орқали тасвирланган. Қўрамизки, илк бор юзага келган бадиий образлар ибтидоий инсон орзуларининг паҳадар ҳаётий әканлигидан далолат беради. Бу диний персонажларпинг ҳар бири «Авесто»га кирмасдан олдин ҳам мададкор руҳ ёки ёвуз куч сифатида халиқ ўртасида мавжуд бўлган.

Маълум бўладики, «ҳар қандай мифология ҳам табиат кучларини ҳаёлда ва ҳаёл ёрдами билан енгади, ўзига бўйсундиради ва шакллантиради; демак, мана шу табиат кучлари устидан ҳақиқатда ҳукмронлик қилиш бошланиши билан мифология ҳам тамом бўлади»¹.

Ардвисура Анахита ҳақида миф. «Авесто»да Анахита забардаст, хушқомат, камарини баланд болгаган, тўғри сўз, марҳаматли гўзал қиз сифатида намоён бўлади. У кишиларга куч-қудрат баҳш этувчи, сувнинг мўл бўлишини таъминловчи маъбуда. «Худо ибтидоий кишилар тасаввурда мавхум тушунча, ҳаёлий мавжудот эмас, балки у ёки бу меҳнат қуроли билан қуролланган реал сиймо эди»².

«Авесто»да шуҳрат топган қаҳрамонларнинг ёвузлик тимсолига (Ажи Даҳок, дев ва сеҳгарлар) қарши қўйилган қисмлар бор. Уларда тасвирланишича, ёвузликка қарши чиққан паҳлавон жанг олдидан ғалаба қозонишни сураб, муқаддас ҳомийга сиғинади, илтижо қиласи: «О, марҳаматли, забардаст Ардвисура Анахита, менга мадад бер, уч оғиз ва уч бошли, олти кўз ва минг хил кучлар султони, баҳайбат Ажи Даҳок устидан ғолиб чиқай». Шундай экан, бу мотив эртак ва достонлардаги қаҳрамоннинг аждар билан жанг қилиш эпизодини эслатади. Демак, ана шу жанг мотиви мазкур китоб яратилмасдан бурун ҳам халиқ оғзида мавжуд бўлган. Китоб автори За-

¹ К. Маркос ва Ф. Энгельс. Санъат түғрисида, I том, «Ўзбекистон», Тошкент, 1975, 129-бет.

² М. Горький. Адабиёт ҳақида, Ўздавнашр, Тошкент, 1962, 266-бет.

ратуштра ана шу мотив шуҳратидан фойдаланган ва уни ўз гояси учун хизмат қилдирган. Анахита, асосан сув ва ҳосилдорлик маъбудаси бўлган. Анбарона эса Анахитанинг кейинги вариантидир.

Каюмарс ва Жамшид ҳақида мифлар. Каюмарс ҳақида миф қадимги Ўрта Осиё ҳалқлари орасида кенг тарқалган. Унинг турли хил вариантларини қадимий ёзма манбалардан «Авесто», «Тарихи Табарий» ҳамда Абу Райҳон Берунийнинг «Ўтмиш асрлардан қолган ёдгорликлар» номли китобида, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида кўриш мумкин. Каюмарс «Авесто»да, асосан Гайа Маретан, баъзи ўринда эса Гайа Мартан¹ деб юритилди. «Ғиёсул лугат»да эса Каюмарс Гавомард деб кўрсатилади. Археолог С. П. Толстовнинг фикрича, «Гавомарднинг маъноси инсон-буқа. У Амударё буйида яшаган. Буйи дарёнинг убети билан бу бетига етган. Гавомард — Каюмарс Хоразмда яшаган»².

Ушбу мифнинг Беруний асаридаги баёнига кўра, Ахриманинг ёмон қилмишларидан худо ҳайратда қолади. Унинг пешанасидан тер чиқади. Терни артиб ташлагапда, тер донасидан Каюмарс туғилади. Худо Каюмарсни Ахриман ёнига жўнатади. Каюмарс Ахриман ёнига етиб келиб, унинг елкасига миниб олади ва шу ҳолда дунёни айлана бошлайди. Ниҳоят, Ахриман бир ҳийла билан Каюмарсни елкасидан улоқтириб ташлайди ва унинг устига миниб олиб еяжатини айтади. Сени қайси томонингдан еяй, деб сўрайди Ахриман. Оёқ томонидан, деб жавоб беради Каюмарс, токи дунё гузаллигидан узоқроқ баҳра олиб турайин. Аммо Каюмарс Ахриманинг у айтигап гапнинг тескарисини қилишини билар эди. Ахриман Каюмарсни боши томонидан ея бошлайди. Белига етганда Каюмарснинг уруғонидан икки дона ерга тушади. Улардан ўсимлик ўсиб чиқади. Ўша ўсимликлардан бир угил, бир қиз (Мешни ва Мешона) пайдо бўлади³.

Мифда Каюмарс ерда пайдо бўлган биринчи одам сифатида таърифланган. Каюмарс яхшилик ва эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси ҳақидаги ибтидоий ишончнинг образли ифодасидир.

¹ И. С. Брагинский. Из истории таджикской народной поэзии, М., 1956, стр. 121.

² С. П. Толстой. Қадимги Хоразм маданийтини излаб, ЎзФА наприёти, Тошкент, 1964, 87-бет.

³ Узбек адабиёт тарихи, 1-том, Тошкент, 1977, 26-бет.

Жамшид ҳақидаги миф намуналари ҳам Каюмарс ҳақидаги мифлар сингари Эрон ва Ўрта Осиё ҳалқлари орасида кенг тарқалган. У пажоткор қаҳрамон, яхшиликнинг символик образи. «Авесто»да ҳикоя қилинишича, у адолатли подшо бўлган. Ўша пайтда юртда қаҳратон совуқ ҳам, жазирама иссиқ ҳам йўқ эди. Ҳатто касаллик ва ўлим ҳам йўқола боради. Жамшидинг ери ҳар хил моллар ва одамларга тўла бўлган. Йима ер юзини уч баробар кенгайтиради. Чорвани ва турли-туман қушларни кўпайтиради. Бироқ унинг минг йиллик подшолик давридан кейин қаҳратон қишиш бошланиб, кишиларга оғат келтиради, яйлов, ўтлоқларни сув босади. Шунда Жамшид одамларни қутқаради. Катта тўсиқ-тўғон қуриб, кишиларнинг мол-мулкини сув тошқинидан сақъаб қолади, ариқлар очади. Бу афсона Жамшид номи билан «Шоҳнома» ва Алишер Навоийнинг «Тарихи мулки Ажам» асарларидан ўрин олган. Бундан ташқари, Табарий, Беруний асарларида мазкур мифологик образ ҳақида муфассал маълумотлар келтирилган. Октябрь инқилобигача ҳалқ ўртасида «Қиссаи Жамшид»ниң оғзаки ва қўл ёзма варианatlари кенг тарқалган эди. Кўрамизки, миф ва мифологик образлар кўхна дунё қатламида муқаддас саналиб, ҳалқнинг маънавий мададкорига айланган ва ҳалқ ўртасида оғиздан-оғизга ўтиб, қайта-қайта айтилган. Мифологик образларнинг маълум шаклга кирган намуналари кейинчалик эртак ва достонларда ривожланди, қарор топди ва меҳнаткаш ҳалқнинг идеал паҳлавонларига айланди.

«Авесто»да тасвирлапган худомар, паҳлавонлар тўғрисидаги афсона ва мифларнинг ўзбек фольклорида варианtlари мавжуд. «Одами Од» ҳикояси шу жиҳатдан характерлидир. Ҳикоя ибтидоий жамиятда яратилган мифнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Унда инсоннинг зўр қуч-қудратга эга бўлиш ҳақидаги орзу-умидлари ўз ифодасини топган. Миғда уша қадимий мазмун ва тоя излари сақланган. Энг муҳими, мифларда ҳикоя қилинган бош қаҳрамон, паҳлавон-титанлар ҳалқ манфаатини кўзлаб ҳаракат қиласди.

Мифнинг қисқача мазмуни қуйидагича: «Ўтган замонда Нуҳ пайгамбар бўйи булатга етадиган бир дурадгор устаси чайкириб, кема ясад беришни сўрабди. Бу одамнинг номи Одами Од экан. У ниҳоятда баланд бўйли, кучли бўлиб, дарё ва денгизда балиқни ушлаб, қуёш иссиғига тутиб пишириб, сб кета берар экан. Одами Од Нуҳ пай-

ғамбарни елкасига миндириб тоққа олиб чиқибди. Қаерда баланд дараҳт бўлса, кема учун кесмоқчи бўлибди. Тогда тўртта катта чинор бор экан. У чинорларни томир-помири билан суғуриб олиб, ўз елкасига ортиб, устига Нуҳ пайгамбарни ўтқазиб, денгиз бўйига равона бўлибди. Одами Однинг қорни ҳеч овқатга тўймас экан. Нонуштасига бир ҳовуз сувга ион тўғраб ер экан. Одами Од кемани битирибди. Ҳамма одамларни кемага солиб, денгизга тушиб, ўзи кемани торта кетипти¹.

Ҳикояда Одами Од одамлар аждоди биринчи одам сифатида намоён бўлган. Мазкур нақлда қадимги инсон дунёқараси ўз ифодасини топган. Од сўзи тожик ва форс тилида улкан одам маъносини билдиради. Бинобарин, мифологик образ қадимий уруғлардан бирининг ҳимоячиси, ҳомийси бўлган булиши керак. Од пақлда умумхалқ манфаатини кўзлаб иш тутади. Ниҳоятда улкан ва гайри табиий кучга эга. Демак, мазкур миф дидактик мазмун қасб этган. «Эр Хубби» мифи ҳам характер хусусияти ва функциясига кўра «Одами Од» билан типологик ўхшашликка эга.

«Эр Хубби» билан bogлиқ бўлган мифлар Хоразм ва Фарғонада кенг тарқалган. Эр Хубби Одами Од сингари сув муаккили, марҳаматли қаҳрамон сифатида намоён бўлади. «Фаридун ва ҳатто Жамшид подполик қилмасдан кўп вакълар илгари бу дарёда бир йигит яшаган. Бу йигит дарёнинг ҳокими бўлган. Унинг исми Хубби бўлган. Хубби балиқ билан овқатланган, у бир қўли билан балиқ тутиб оларкан-да, уни қуёшга узатар экан, балиқ шу ондаёқ қоврилар экан. У етти юз йил давомида Амударёда яшаган ва бу вакът ичида ҳеч қандай ёбуз жин дарёга яқинлаша олмаган ва ҳатто у вақтда чивинлар ҳам бўлмаган. Жамшид тахтга ўтирган вақтдан бошлаб, Хубби дом-дараксиз гойиб бўлган.. Минг йил давомида Хуббининг онаси аза тутган ва у билан бирга дарё, саҳро, тог ва қоялар йиглаган, одамлар, қушлар ва ҳайвонлар йиглаган, осмонда фаришталар, ер остида девлар йиглаган. Хубби тириқ, у қиёматгача яшайди. Хубби нажот берур.. Мана, қандай куч бу дарёга ҳомийлик қиласди»².

¹ С. П. Толстов. Ўзбекистоннинг қадимти маданияти, Тошкент, 1944, 8-бет.

² Я. Гуломов. Хоразмнинг сугорилиш тарихи, ЎзФА пашриёти, Тошкент, 1959, 61-бет.

Ҳар икки миф сюжети ҳам оддий ва равон. Уларда ибтидоий хаёлот ҳукмронлик қиласи. Мифологик образлар талқини содда, мазмуннада социал зиддият сезилмайды, бироқ қадимий ҳаёт тажрибалари сақланган. Хоразмда Хуббиниёз, Хубби күли, Бухоро воҳасида Хўжа Хуббон қудуғи, Шоҳимардонда Кўли Хуббон (гўзаллар чўмиладиган кўл) номлари шу қадимий мифология билан боғланган. Одамлар Амударёни кечиб ўтганда, сув тўлқинлари, турли оғатларга учраганинида сув худоси Хуббига сифи-ниб «Хубби, Хубби, ё Хубби!» деб ёлвориб, увдан мадад тилаганлар¹. Қўрамизки, Одами Од ва Эр Хубби қабила ва уруғ руҳи, куч-қудрати, орзу-умиди, интилишларини ифодалайди. Бу ҳар икки образнинг ҳаракати ва муносабатларида кўринади.

Мазкур мифлар ўз вақтида маълум идеологик функцияни бажарган, яъни одамлар ўртасида аждодларга то-пиниш, уни муқаддас билишга чақириш ва ниҳоят, унинг ёрдамига ишонтириши ташвиқ этган.

Қадимги қаҳрамонлик эпоси. Халқ оғзида вужудга келиб, авлоддан-авлодга кўчиб юрган мифологик образлар қаҳрамонлик типидаги эртак ва достон қаҳрамонларининг шакллапишида асосий замин вазифасини ўтади. Бундай қаҳрамонлар мифологик образ сингари табиат ёвузиликла-рига эмас, балки ижтимоий тузум ярамасликлари, зулм ва зўрликка нисбатан қарши чиқади. Унинг мазмуни ижти-моий ғоялар таъсирида чуқурлашди ва ўтиклишди. Хул-лас, дастлабки вақтда табиатнинг сирли кучларини ифодалаб, кейинчалик ижтимоий хусусият касб этган ва тарихий кучларнинг намояндасига айланган фантастик образлар ривожланиб, ватанпарварлик ва қаҳрамонликни мадҳ этувчи образлар даражасига етди. Ана шундай образлар Тўмарис, Широқ, Зарина, Рустам ва Сиёвуш каби эпик қаҳрамонлар мисолида шаклланди.

Жангнома типидаги эпик асарлар, асосан тарихий во-ќса ва ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда юзага келган. «Тўмарис», «Широқ» сингари афсоналар жангнома типидаги қадимги эпос намуналаридир.

«Тўмарис» афсонаси. «Тўмарис» — қадимги жанговар аёллар ҳақида тўқилган афсона. Бу афсонанинг қисқача мазмуни Геродотнинг (484—425) «Тарих» асарида көлтирилган. Афсонада Эрон шоҳи Кир билан массагетлар қа-

биласи ўртасида юз берган жант воқеалари тасвирланади. Унинг қисқача мазмуни қўйидаги:

Каспий денгизидан шарқ томонга қараб давомсиз текислик чўзилган. Унинг катта қисмини массагетлар эгаллаган. Аҳмопийлар подшоси Кир ана шу массагетларга қарши уруш қилишни хоҳлаб қолади. Шу вақтда массагетларни аёл киши — Тўмарис бошқарар эди. Кир уни ўзига хотин қилиб олмоқчи эканини айтиб, элчи юборади. Тўмарис унинг шум ниятини билиб, элчиларни рад этади. Шундан кейин Кир Аракс дарёсига қараб юради ва дарё устига кўпирлик қура бошлиди. Буни кўрган Тўмарис қуийдаги хабарни юборади: «Биз биламизки, сенг тицчликни хоҳламайсан, башарти айтган маслаҳатимизга кирмасанг, массагетлар билан тўқнашишни истасанг, кўпирлик ясайман деб овора бўлиб ўтирма. Бизга айтсанг, биз сенга халақит бермай, дарёдан уч куплиқ йўлга кўчиб кетамиз, бемалол дарёдан ўтасан, сунг юзма-юз урушамиз. Борди-ю, сен биз билан дарёпинг ўзинг турган қирғоғида урушмоқчи бўлсанг, уни айт, бунга ҳам биз рози, фақат номардлик қилмай!»

Тўмарис курашга шайланади. Кир эса ҳийла-найранг ўлига ўтади. У Тўмариснинг ўғли Спарганиз бошлиқ бир гуруҳ массагетларни маст қилиб асир олади. Тўмарис газаб билан: «Эй, қонхўр Кир! Қилган ишинг билан мақтамай қўя қол! Сен менинг ўғлимни юзма-юз жангда енганинг йўқ, уни маккорлик билан шароб ичириб қўлга туширидинг... Энди менинг насиҳатимга кир, ўғлимни менга топшириб, зиён-заҳматсиз келган ерингга қайтиб кет... Агар сўзимга кирмасанг, массагетлар таңгриси Қуёш номи билан қасамёд қиласанки, мен сендай очкўз юҳони қон билан суғораман! — дейди.

Кир бу сўзларга аҳамият бермади. Тўмариснинг ўзига келиб, воқеани билади ва Кирдан қулини кишандан озод қилишни сўрайди. Қўли бушатилгач, ўзини-ӯзи ногуд этади.

Тўмарис Кирга қарши отланади. Қўшинлар ўртасида оғир жанг бошланади. Рақиблар олдин бир-бирига ёй отишади, кейин найзабозлик ва қиличбоэлик қилишади. Узоқ давом этган жангда массагетлар ғалаба қиласидилар, Аҳмопийлар қўшинининг кўп қисми қирилади. Кирнинг ўзи ҳам ҳалок бўлади. Тўмарис бир мешни инсон қони билан тўлдиради ва Кир калласини қонли мешга тиқиб, шундай дейди: «Сен маккорлик билан мени ўғлимдан

¹ Уша асар, 31—33-бетлар.

жудо қилиб, қайғуга солдинг. Мен ўз онтимга амал қилиб, сени қонга тўйдираман»¹.

Тўмарис матриархат жамиятида ташкил топиб шакланган қаҳрамон аёллар — амазонкалар таъсирида яратилган. Тўмарис афсонада тўғри сўз, инсонпарвар ва адодатли, доно ва тадбиркор аёл бўлиб гавдаланади. Унинг қиёғасида мустаҳкам ирода, жасурлик ва жанговарлик каби хусусиятлар ўз ифодасини тонган. Қабила мустақиллигини ҳимоя қилиш асар темасини, босқинчилик сиёсатини қоралаш эса тоявий мазмунини ташкил этади. «Тўмарис» афсонасининг ягона варианти «Ойсулув» достонидир.

«Широқ» афсонаси. «Широқ» афсонасининг юзага келишида Эрон шоҳи Доро билан Шак қабилалари ўртасида юз берган тарихий жанглар асос бўлган. Бу афсонанинг қисқа мазмуни юонот тарихчиси Полиэннинг «Ҳарбий ҳийалар» номли китобида келтирилган. Афсонада ватанпарварлик ва халқпарварлик, тинчлик ва озодликни севиш каби тушунчалар улуғланиб, босқинчилик, зулм ва зўрлик каби сиёсат қоралапади. Афсонанинг қисқа мазмуни қўйидагича:

Доро Шак қабиласига қарши юриш қиласди. Шак ҳукмдорлари Саксфар, Омарг, Оамирис ҳарбий ҳолатни ўзаро муҳокама қилишаётган пайтда уларнинг олдига Широқ номли отбоқар келади. Агар болалари ва набираларининг тириклиги таъминланса, Доро қўшинларига қарши бориб, уни енгипшини айтади. Шак ҳукмдорлари ваъда беришади. Широқ шу заҳоти ёнидан пичоғини олиб қулоқ-бурнини қирқиб, танасини жароҳатлади ва Шак ҳукмдорлари майиб қилган кишидай, шикоят қилиб Доро олдига келади. Мангу олов ва муқаддас сувни шафе келтириб онт ичади. Доро Широқнинг ҳолатини кўриб, унинг сўзига ишонади. Широқ Доро қўшинини «кучиб кетган» шакларнинг олдига олиб чиқадиган яқин йўлга бошлайди. Бу йўл етти кун давом этиши керак. Шунинг учун етти кунга етарли сув ва овқат олишини айтади. Широқ қўшин билан етти кун йўл юради ва уларни сувсиз қумли саҳро ўртасига олиб киради. Душманнинг очлик ва сувсизликдан ҳалок булиши муқаррар. Еттинчи куни ҳам шаклардан дарак тополмаган қўшин бошлиги Раносбат алданганини сезади ва йўл бошловчиidan алдаш сабабини сўраганди.

¹ Древные авторы о Средней Азии, Ташкент, 1940, стр. 31—32.

да у: «Мен енгдим, ёлғиз ўзим бутун бошли қўшинни енгдим! Жонажон қабилам шаклар ва она тупроғим бошига ҳелган балони даф қилиб, босқинчи Доро лашкарини ҳалокатга олиб келдим. Тўрт томоннинг ҳар қайсиси етти кунлик йўл, истаган тарафингизга кетаверинг. Барибир, барчангизни очлик ва ташналиқ емириб нобуд қиласди. Менинг қоним эса шу ерга тўкилади!» — деб чапак ҷалиб, қаҳ-қаҳ уриб қулади. Раносбат Широқни чопиб ташлайди...¹

Кўрамизки, афсона мардлик ва жасоратни мадҳ этади. Ҳар икки афсона сложетида ҳам қадимий эпос анъаналари кўзга ташланади. Айниқса, қаҳрамонни маст қилиб асир олиш ҳамда унинг жанговарлик хусусиятини нақл этувчи мотивлар анъанавий достонларга хос хусусиятдир. Бу мотивлар, эпос жанрининг қадимий эканини тасдиқлайди.

Рустам ҳақида қаҳрамонлик эпоси. Рустам билан боғлиқ бўлган қаҳрамонлик эпослари қадимдан мавжуд бўлиб, Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистонда кенг тарқалган. Рустам бир достонда («Бахман-Яшта»²) араб босқинчила-рига қарши курашувчи қаҳрамон образи, иккинчисида («Шаҳриҳон Эрон»³) эса шаҳарлар бунёд этган паҳлавон сифатида намоён бўлади. Суғдлар эпоси парчаларида ҳам Рустам дев устидан ғалаба қилган қаҳрамон ҳолатида тасвиранади. «Шундай қилиб, Рустам девларни қувиб шаҳар дарвозасигача боради. Кўп девлар ҳалок бўлади, қолгаплари шаҳар ичига кириб дарвозани бекитиб оладилар. Рустам улуғ ғалаба билан қайтади. У утлоқ яйловда тўхтайди. Отини утлаш учун қўяди, ўзи эса уйқуга кетади. Рустамдан енгилган сои-саноқсиз девлар жангни давом эттириш учун тайёргарлик кўриб, дарвозани очиб йўлга тушадилар. Улар от-араваларга, фил, чучқа, тулки, ит ва илонларга миниб йўлга тушадилар. Бир қанчаси шиёда, бир қанчаси калхатдай учиб келар эди. Буни қўрган Раҳш ўтли нафаси билан Рустамни уйғотади. Рустам уйғонади ва қоплон терисидан қилинган кийимини кияди ва отидан сўрайди: ...ҳазратим, девлар, ўтлоқдадур.. Раҳш маъқуллади. Рустам Раҳшга миниб девларга тапланди.

¹ Древние авторы о Средней Азии, Ташкент, 1940, стр. 34—35.

² И. С. Брагинский. Из истории таджикской народной поэзии. Душанбе, 1956, стр. 130.

³ Уша асар, 134-бет.

Разабланиб шердай ҳамла қилди. Девлар тумтарақай қоча бошлади...»¹

Маълум бўладики, Рустам ҳалқ мададкори, бинобарин, идеал қаҳрамон. У ҳалқ орзу қилган беқиёс кучнинг рамзий ифодаси. Рустам қудратли қиёғага эга бўлиб, түғрилик ва адолатпарварлик каби хусусиятлар соҳиби бўлган паҳлавоц, элат ва ҳалқ манфаатининг ҳимоячиси. Келтирилган парчаларда мавжуд дев, аждар ва бошқа ҳәэлий персонажлар ёмонликнинг тимсоли, Рустам ва Рахш эса яхшиликнинг образли ифодаси сифатида ҳикоя қилинади. Демак, Рустам ҳақидаги афсоналар қадимий дуалистик тушунчалар заминида пайдо бўлган ва ривожланган. У кейинчалик ёзиб олингап «Рустам», «Рустам Зол ўғли» ва «Паҳлавон Рустам» каби эртакларнинг ғоявий мундарижасини ташкил қиласди. Шунингдек, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида ҳам асосий қаҳрамонлардан бири сифатида талқин этилган.

Мифларда ҳикоя қилинган ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмоцлик ўртасидаги кураш ўзбек фольклори материалларида кейинчалик қайта ишлапди ҳамда эзгулик ва қабоҳат, тўғрилик ва эгрилик, адолат ва ҳақсизлик ўртасидаги курапига айланди. Улар синфиий жамиятда ҳалқнинг ижтимоий муносабатлари билан уйғуналашиб кетди.

Қадимий қўшиқлар. Қадимги Ўрта Осиё ҳалқларига оид қўшиқ ва термаларнинг намуналари Маҳмуд Қошгариининг «Девону луготот турк» асарида сақланиб қолган. Девонда келтирилган ҳалқ қўшиқларидан парчалар ҳам илмий, ҳам таълимий аҳамият касб этади. Дидақтик маъно ташийдиган қўшиқларнинг баъзи бир намуналари ўзбек ҳалқ достонларида мавжуд анъанавий мотив — ота насиҳатларига ўхшаб кетади.

Боғмас жаҳон совуқ сўз,
Шилқим, юзсиз, баҳилга.
Еқимли бўл, хушхулқ бўл,
Колсин номинг куп йилга².

Кўпчилик тўртликларда мардлик ва қаҳрамонлик, душманга газаб, галабага ишонч туйғулари улугланиб, ҳасислик ва юзсизлик каби иллатлар қораланади. Девондаги

қўшиқларни асосан овчилик, чорвачилик, мавсум-маросим ва қаҳрамонлик қўшиқлари ташкил этади.

Меҳнат қўшиқлари туркий ҳалиqlарнинг маънавий ва меҳнат фаолиятининг самаралари сифатида юзага келган. Маълумки, қадимий авлодларимиз чорвачилик, овчилик ва деҳқончилик билан шугулланган. Бинобарин, ҳалқ қўшиқлари ана шу хил меҳнат процесслари давомида яратилган. Шунинг учун ҳам улар кўпроқ меҳнат жараёнини ҳикоя қилиш билан бирга овчи, деҳқон, чорвадор ёки боғбоннинг яхши ҳаёт, тинчлик ва осуда турмуш ҳақидаги орзу-умидлари, истак-ҳоҳишлиари ва қайфиятларини акс эттиради.

Девонда овчилик билан боғлиқ бўлган қўшиқлар кўпчиликни ташкил этади. Уларда ов қилишнинг дастлабки намуналари — ит ва қуш ёрдамида ўқ-ёй билан ов қилиш тажрибалари мадҳ этилади:

Ов қушларин-ушлашиб,
Тулки, тўнғиз тишлатиб,
Итларимиз ишлатиб,
Хунар билан гердайдик.

Маълумки, дастлабки қўшиқлар эстетик завқ бериш мақсадида эмас, балки табиатга таъсир кўрсатиш учун яратилган ва айтилган. Чунки ибтидоий тушунчага кўра, ҳаётнинг гўзаллиги, касал бўлмаслик, ҳосилдорлик, яхши ов, оиласи турмуш ва хўжаликда муваффақият, табиатга маълум таъсир кўрсатишдан келиб чиқади. Бундай қўшиқлар тарихий тараққиёт жараёнida ўзгариб, мавжуд ибтидоий тушунчалар ўрнини янги, ҳаётий-реалистик тушунчалар эгаллаган. Девондаги қўшиқларда ҳалқнинг ҳаёт тажрибалари, баҳор, ёз, қиши фасллари, сув тошқини, уйланиш, қаҳрамоннинг жанг майдонида ҳалок булиши билан боғлиқ бўлган руҳий кечинмалари акс этган.

Мавсум билан боғлиқ бўлган қўшиқларда одамларга хос хусусиятларни жонивор ва табиат ҳодисаларига боғлаш — антропоморфизм элементлари кўринади. Аниқроғи, тайри табиий қўринган қиши ва ёз фасли одамга ўхшатилган. Бинобарин, уларда ҳам жон, яхши ва ёмон хусусиятлар бор деб тушунилган, дуалистик тушунча сингдирилган. Шунинг учун ҳам қиши мавсумида ҳалқнинг маъюслик ва зорланиши, ёз мавсуми талқинида эса шодлик ва хушнудлик қайфиятлари сезилиб туради. Ана шу тушунча билан боғлиқ бўлган қўшиқларда қиши ва ёз жонлантири-

¹ Ўша асар, 130-бет.

² Қўшиқлар профессор Азиз Қаюмовнинг «Қадимият обидалари» китоби асосида берилди.

лади, бир-бирига контраст қўйилади, улар тасвирида яхши-ёмон хусусиятлар таъкидланади. Тортишув шаклида келган қўшиқларда қиши ўз афзаллигини мақтайди:

Қиши ёз билан тортишур,
Эр от менда ортишур,
Касалликлар қайтишур,
Куч-кувватга тұларлар.

Үрни билан қиши ёз камчиликларини очади:

Сенда барча ёмоплар,
Чинин, пашша, илонлар,
Думи гажак чайналар
Хамла қилиб югуршур.

Тортишувда ёз ҳам қиши камчиликларини таъкидлаб, ўз фазилатларини мақтайди:

Сендан саъвалар кетар,
Менда қалдирғоч тинар,
Булбуллар сайраб құнар,
Нару мода учрапшур.

Қўрамизки, қиши ва ёз шутқида ҳақиқат бор. Умума мазкур қўшиқларда хаёлий дүпёкарап билан бир қатода, ҳаёт ва инсон улуғланади. Баҳор келиши шодлик сини олади ва наврўз байрами билан уланиб кетади. Ёнинг афзаллиги, хуштаъблик ва хурсандчилик, жүшқи ҳаёт лавҳалари қўшиқларда аниқ тасвирланган.

«Девону луготит турк»да жангномалардан дарак би- рувчи қўшиқлар ҳам мавжуд. Уларда баҳодир, мард майдон йигитларнинг қаҳрамонопликлари тасвирлапад. Халқ ичидан чиққан паҳлавонлар улуғланиб, бекиёс күнудрати таърифланади:

Газаб билан боқишур,
Кек оловин ёқишурур,
Соқол тутиб тортишур,
Қўкси аро ўт ёнар.

Баъзи тўртликларда эса жанг манзаралари, шиддатли ҳужум, алплар тўқнапшуви, қиличбозлик ва найзабслерлар тасвирланади:

Алп йигитлар олишдилар,
Қинғир кўзла боқишдилар,

Ўқ-найзалар сўқишидилар,
Қилич қинга аранг сиғди.

Шундай қилиб, девонда келтирилган қўшиқларда табиат ва жамият билан боғлиқ бўлган ибтидоий тушунчалар билан бир қаторда, одамийлик, меҳнатсеварлик, мардлик ва қаҳрамонликлар маъқулланиб, қўрқоқлик ва тажрибасизлик қораланади.

Хуллас, ибтидоий дунёқарашиб мөхнат билан боғлиқ ҳолда вужудга келгап энг қадимги фольклор намуналари аввало, идеологик вазифани бажарган, кейинчалик эса таълимиy аҳамият қасб этиб эстетик дидни ривож тонтиришда муҳим роль ўйнаган. Ибтидоий жамият шароитида яратилган илк фольклор асарлари япги-янги афсона, ривоят, эртак ва достонларнинг юзага келишида асосий замин бўлиши билан бирга, қадимги инсон ҳаёти, урғодати, маданияти, тасаввур ва тушунчаларини атрофлича ифодалаган обидалар бўлганлиги билан ҳам қимматлидир.

ФЕОДАЛИЗМ ДАВРИ ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИ

Ўрта Осиёда феодализм узоқ даврни (VI—XX аср бошлари) ўз ичига олади. Бу ижтимоий-иқтисодий формацияни хөдийд мураккаб бўлиб, унда феодал муносабатлар билан патриархал-уругчилик муносабатларининг, ўтроқ деҳқончилик билан кўчмалчилик ҳаёти тартибларининг узоқ даврлар ёнма-ён яшаб келганлиги кузга ташланади. Ўзбек ҳалқининг бой ва ранг-баранг оғзаки ижодиёти намуналарига назар ташлар эканмиз, уларда ана шу мураккаб иқтисодий уклад муносабатлари, феодализм шароитидаги ижтимоий-сийёй жараёнлар, қадими тасаввур ва қарашларнинг излари ўз ифодасини топганинг гувоҳи бўламиз. Чунки ижтимоий тараққиётга узвий боғлиқ бўлган фольклор асарлари ўзларининг специфик хусусиятларига кўра, ҳалқ ҳаётидаги тарихий ўзгаришлар билан ўзгара борган, уларда бир неча даврлар ўз изини қолдирган.

Фольклор асарларига хос бундай ўзгарувчанлик ва кўп қатламлилик уларнинг кўпина намуналарини айrim олинган даврлар билан боғлаб текширишни қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам у ёки бу жанрларнинг муайян даврдаги ҳолати ва тараққиётни ҳақидаги мулоҳазалар кўнгнича ҳолларда тахминий бўлади, албатта Ҳозирча мавқуд текширишларга суюниб туриб, шуни айтиш мумкини, энг қадимги даврларда кўпчилик ҳалқларда мифлар, ургу, қабилалар ҳақидаги ривоятлар, айтимлар, урғодат, меҳнат, мавсум ва маросим қўшиқлари кенг тарқалган. Синфсиз жамиятдан синфий жамиятга ўтиш даврла-

рида эса эртаклар, эпоснинг архаик формалари юзага келган. Илк феодал давлатларнинг шаклланиш даврида қаҳрамонлик достонлари яратилган, кейинроқ эпик, лирик ва тарихий қўшиқлар, оғзаки драма пайдо бўлди.

Кейинги вақтлардагина ёзб олинган фольклорнинг анъанавий намуналари, асосан феодализм даврининг маҳсулидир. Чунки қадими фольклор намуналари бизгача етиб келмаган. Ҳозирча қадими деб таҳмин қилинганлари ҳам феодализм даври ҳалқ дунёқараши руҳида қайта ишланган. Шундай бўлса-да, фольклор асарларининг айрим намуналарини, баъзи жанрларнинг кейинги тараққиётни ва ҳолатини муайян даврлар билан bogлаб ўрганиш мумкин. Масалан, ўзбек достончилигининг қадими кўришилари, уни авлоддан-авлодга ўтказиб келган бир печа авлод ҳалқ бахшилари ва уларнинг репертуарлари ҳақида ёзма маълумотлар дэярли сақланиб қолмаган. Баъзи бир хабар характеридаги маълумотлар гагина әгамиз. Масалан, Амир Темур ўз сафарларини бахшиларга достон қилиб куйлашин тошириган, Тўхтамишон саройида Камолзода ва Жаҳон Мирзо каби жировлар бўлган, Ҳалқ достонлари формасига яқин ёзилган «Або Муслим» китоби XII асрда яратилган¹ ва ҳоказо.

Оғзаки маълумотлар эса бизни XVII асрдагача етаклайди. Эргаш Жуманбулбул ўғлиниг бешинчи отаси Ёдгор бахши XVII асрнинг иккичи ярми ва XVIII асрнинг бошларида яшаган²: Эргаш шоирнинг еттига ота-бобоси достончи ўтганлигини ҳисобга олсан, яна илгарироқ даврга, айтайлик, XVI асрнинг охирларига назар ташлаш мумкин. Худди шунингдек бошқа достончилар ёки достончик мактабларига доир маълумотлар ҳам XVIII асрнинг бошларигача етиб боради. Бизга маълум жуда оз миқдордаги ёзма маълумотларга, шунингдек, бахшилар ва жонли оғзаки жараёнга доир совет даврида тупланган бой фольклор материалларига тарихий-типологик нуқтаи назардан ёндашисак, қадимдан давом этиб келаётган ўзбек достончилиги XVI аср бошларидан муайян сифатий янгиланиш босқичини бошлаган ва интенсив стадиал ривожланишда тараққий қилган, деган хуносага келиш мумкин. Буни

¹ Қаранг: Ҳоди Зариф. Ажойиб достон. Фозил шоир, Ўзбек ҳалқ ижоди бўйича тадқиқотлар, 3-китоб, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1973, 46-бет.

² Ҳоди Зариф. «Қўргон» достончиларининг шажараси, «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1970, 5-сон, 41-бет.

ўзбек халқининг жуда мураккаб этпогенетик тараққиёти, VI—VIII асрлардан XVI асргача давом этган миграцияси, яъни туркий қабилалар ва уруғларнинг олдинма-кейин Ўрта Осиё территорииясига кўчib келиши, жойлашиши ҳамда ерли, туркий бўлмаган ўтроқ элатлар билан аралашп кетиш жараёнлари ҳам тасдиқлади.

XVII ва XVIII асрлар давомида достончилик тараққиётида жуда жиддий кўтарилиш бўлди. XIX аср унинг энг гуллаган даври бўлиб, санъатнинг бу тури ижро ва ижод жиҳатидан меҳнаткашлар оммаси орасида кенг ёйилди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, анъанавий достонлардан айримларининг яратилиши XIX асрнинг бошлирагача давом этди. Бироқ кейинги даврда яратилган анъанавий достонларда воқеаларни ўтмишга—халқ тасаввуридаги идеал замон—«эпик даврга» боғлаб тасвириш давом эта берди. Бу эса халқ эпик ижодиётаги муҳим қонуниятлардан бири эди. Ўша давр ўзбек бахшилари ўтмишнинг бой оғзаки бадиий ижоди мероси билан қуролланиб, унинг воқеалари ва бадиий приёмларидан самарали фойдаланганлари ҳолда ижод этардилар.

Халқ достонларида марказлашган фаровон ўлка ва ватап мустақиллиги, чет эл босқинчиларига қарши кураш гояси муҳим ўрин тутади. «Чамбил қамали», «Райҳон араб», «Бектош араб» каби достонларда араб босқинчиларига қарши кураш тасвирилангандек кўринса-да, бундан шу достонлар араблар Ўрта Осиёга ҳужум қилган даврларда яратилган, демак, араблар истилоси даврининг тарихий ёдгорлиги экан, деб қараш тўғри бўлмайди. Бундай асарлар турли замонларда турлича иқтисодий-ижтимоий формацияларни утиб, ҳар бир даврда шу даврниң талаблари нуқтаи назаридан, асосан қайтадан баҳолалиб, замои ва даврлар оша ўзгара-ўзгара бизгача етиб келган. Натижада бундай асарларда узоқ тарихий воқеалар умумий бир фон бўлиб хизмат этган, достонлардаги «араб», «қалмоқ», «қизилбош» каби атамалар бирор уруг, қабила ёки халқнинг айни номдаги конкрет вакиллари эмас, балки ижобий кучларига, прогрессив кишиларига қарши турган душманларга, умумал, чет эл босқинчиларига айланган. Бу эса эпосининг умумлаштириш қонуниятларидан келиб чиққан. Марказлашган давлат гояси, ватап, эл-юрт осойишталанига ва мустақиллиги учун чет эл босқинчиларига қарши кураш узоқ давом этган феодализм шароитида, турли уруг ва элатларнинг ягона халқ бўлиб шаклланиш

даврида ғоят муҳим ижобий ҳодиса әдикӣ, бу гоялар ўзбек эпосининг қон-қонига сингиб кетган дейиш мумкин.

Худди шунингдек, мӯғул босқинчиларининг хуружларини, уларга қарши маҳаллий халқларнинг курашларини акс эттирган асарлар ҳам апчагина бўлган. Бироқ мӯғул истилочиларига қарши халқ нафратини ифодалаган «Бўжиги келди, Бўжи келди, Чингиз билан Жўжи келди» матали ва яратилиши шу даврга нисбат берилган «Гулдурсун» афсонаси ҳамда шу номли достондан бўлак деярли ҳеч нарса сақланиб қолмаган. Холбуки, маҳаллий халқлар мӯғул босқинчиларига қарши узоқ вақт кураш олиб боргаплар. Бу курашларнинг халқ оғзаки ижодида ҳам акс этипни турган гап. Бироқ бундай асарлар турли сабабларга кўра ўйқолиб кетган. Мӯғул истилочиларига нисбатан халқ мупосабати эса рамзий ифодаларда, умуман, чет эл босқинчиларига нисбатан халқ пафрати баёнида, афсонавий ва мифологик салбий образлар тасвирида сақланиб қолган.

Феодализм даври ўзбек фольклорида айрим тарихий воқеалар ва шахслар номи билан бөвлантган достонлар, афсона ва латифалар кўп учрайди. Масалан, «Тулумбий» (XV аср), «Шайбопийхон», «Ойчинор» (XVI аср), «Тўлғоной» (XIX аср) каби бир қанча достонлар борки, улар яратилган даврларида анча кейин ёзиб олинган, демак, бир қанча ўзгаришларга учраган бўлишларига қарамай, маълум даражада ўз даври воқеаларини акс эттирадилар. Бу асарларнинг тарихий воқеаларни акс эттириш ва ҳужжатийлик даражаси бир хил эмас. Шунингдек, машхур тарихий сиймолар Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Улугбек, Машраб номлари билан bogliq bўlgan kўplab афсона ва ривоятлар, Амир Темур ва Маҳмуд Фазнавий тўгрисида латифалар яратилди. Феодализмнинг сўнгги босқичларида фольклордаги антифеодал, антиклерикал мотивлар япада кучайди.

Феодализминг сўнгги босқичларида, хусусан, XIX аср бошларида халқ орасида ёзма адабиёт намуналари кенг тарқала бошлади. Айрим шахслар томонидан ўзбек фольклори асарлариши ёзма адабиётга яқин руҳда қайта ишлаш ёки аксипча ёзма адабиёт намуналарини «фольклорлаштириш» жараёни кучайди. Бунинг натижасида турли характер ва мазмундаги қиссалар («халқ китоблари») юзага келди. Ҳатто айрим бахшилар ижодий фа-

ииятида, масалан, Қўргон достончилари репертуарида ёзма адабиёт унсурлари кўрина бошлади.

Бу даврда халқ ижодчиларининг муайян жанрларда професионаллашуви кучайиб достончи, эртакчи, қўшиқчи, асқиябоз, масҳарабозлар ажralиб чиқа бошлади. Бу эса фольклорниң эстетик жиҳатдан мустакиллашувида, унинг мифология ва ибтидоий ирим-сирим ҳамда маросимлардан ажralиб чиқишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Феодализм даври ўзбек фольклорида халқ ижоди таракқиётининг илгариги босқичларида майдонга келган айрим жанрлар, хусусан, мавсум-маросим қўшиқлари-баъзи ўзгаришлар билан узоқ вақт сақланиб қолди, эртаклар билан тоғишмоқларда эса бирмунча ўзгаришлар рўй берди: уларнинг тотемистик қарашлар билан bogланиши анча сусайиб, кўпроқ аллегорик характер касб эта бошлади. Бир қатор янги жанрлар (лирик ва тарихий қўшиқлар, латифа ва лоғлар, асқия ва оғзаки драма) пайдо бўлди.

Шундай қилиб, феодализм даврида ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг деярли ҳамма жанрларида кўплаб асарлар яратилди. Бу асарлар халқимиз маданий ҳаётидаги улкан кўтарилишлар, муҳим тарихий воқеалар билан маҳкам боғлиқ. Халқимиз босиб ўтган тарихий йўл, унинг бошидан кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар фольклорниң сермаҳсул бўлишига муҳим замон бўлди.

ФОЛЬКЛОР ЖАНРЛАРИ

Бадиий адабиётда бўлганидек, фольклор асарлари ҳам тузилиши ва гоявий-бадиий хусусиятларга кўра, ўзаро ўхшаш ҳамда фарқли томонларга эга бўлиб, муайян группаларни ташкил этадилар. Бундай фарқли ва ўхшаш томонларни кўрсатиш учун фанда адабий турлар ва жанрлар терминлари қўлланилади. Адабий тур ва жанрлар ҳаётни бадиий тасвирлаш шакли сифатида тарихсан шаклланган бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши, тараққиёти, ўрин алмашини ва инқирози адабиёт ва фольклор тарихда етакчи жараёп ҳисобланади.

Адабиётда тур (род) ниҳоятда кенг тушунча бўлиб, ўз ичига турли жанрларни қамраб олади. Қадимги грек философи Аристотель (384—322), пемис олим Гегель (1770—1831) ва улуғ рус революцион демократи В. Г. Белинский (1811—1848) лар адабиётни уч турга бўлиб кўрсатадилар. Булар: эпос, лирика ва драма. Эпос воқееликни сюжетли, ҳикоявий формада акс эттирса, лирика инсоннинг воқееликдан олган таассуротларини, ички ҳисбаяжонларини тасвирлайди. Драма эса персонажлар нутқи ва ҳаракати орқали ҳаёт картиналарини чизади.

Бундай бўлишишни муайян истиснолар билан фольклорда ҳам қўллаш мумкин. Гал шуидаки, фольклор жанрларининг айримлари турли урф-одат ва маросимлар билан боғлиқ бўлса, баъзилари куйлаш учун мўлжалланган бўлади. Бинобарин, унинг айрим намуналарини юқоридаги уч турниңг биттасига ҳам киритиш мумкин эмас. Мана шу ҳолатларни ҳисобга олиб, ўзбек фольклори жанрлари-

ни қўйидагича классификация қилиш мумкин. Ўзбек фольклори асарлари, аввало икки катта группага бўлипади: 1. Урф-одат ва мавсум-маросимлар билан боғлиқ асарлар. 2. Турли урф-одат ва маросимлар билан боғлиқ бўлмаган фольклор жапрлари. Биринчи группага: а) меҳнат қўшиқлари (хўш-майда, турей-турей, чурей-чурей, ҳўш-ҳўш ва бошқалар); б) мавсум қўшиқлари; в) маросим қўшиқлари (туғилиш, тўй, аза ва бошқалар); г) олқиши, афсуз ва қаргишлар; д) айтимлар киради. Иккинчи группа эпик (достон, эртак, афсола, ривоят, лоф, латифа), лирик (қўшиқ, ашула, терма), драматик (аския, оғзаки драма) ва кичик (мақол, топишмоқ) жанрларни ўз ичига олади. Ҳар бир жаңр ўз наъбатида яна ички турларга бўлинади. Масалан, эртакларни ҳайвонлар ҳақидаги, сехрли-фантастик, ҳаётий-манишӣ ва ҳажвий турларга бўлиш мумкин.

Ўзбек фольклорининг турли жанрлари ҳар хил ижодкорлар фаолияти билан маҳкам боғлиқ. Айрим жаңрлар (масалан, топишмоқ, мақол) оммавий характерга эга бўлса, бошқаларнинг (масалан, достон; оғзаки драма) ижроси муайян профессионал тайёргарликни талаб қилган. Бу нарса ҳалқ поэтик ижоди намуналарини яратиш, ижро этиш ва тарқатишида узига хос профессионал ижодкорлик мавжудлигини курсатади. Ўзбек фольклорида ҳалқ ижодкорларининг профессионаллашуви ниҳоятда ривожланган. Бахшилар (достончилар), эртакчилар, асқиябозлар, қизиқчилар, дорбозлар ижрочилиги ривожланган профессионал санъат бўлиб, уни эгаллаш учун бўлгуси ижодкор махсус тайёргарлик қўриши, муайян устоздап таълим олиши зарур.

Фольклор жанрлари ғоявий-тематик ва бадиий хусусиятлари билангина эмас, балки ижро усуслари жиҳатидан ҳам (масалан, якка ижрочилик, колектив ижрочилик, сосли ва сөзсиз; музика асблорининг тури ва сони) бир-бирларидан фарқ қиласидилар. Уларнинг бири (масалан, қўшиқ) кўйлаш учун, иккичиси (масалан, эртак) айтиб бериш, ҳикоя қилиш учун, яна бири (масалан, достон) ҳам кўйлаш, ҳам айтиб бериш учун, бошқаси (масалан, лапар) ҳам кўйлаш, ҳам ўйнаш учун, тагип бошқа бири (масалан, оғзаки драма) кўрсатиш, намойиш қилиш учун мўлжалланган бўлади. Фольклор жанрлари орасидаги бундай кескин дифференциация уларнинг жуда катта ғоявий-эстетик вазифаларни бажариш билан бирга,

муҳим ижтимоий-манишӣ функцияни адо этишини ҳам тақозо қиласиди. Масалан, ўзбек ҳалқ оғзаки ижодининг ҳўп-майда, ҳўш-ҳўш, турей-турей каби туркум намуналари меҳнат жараёплари билан боғлиқ бўлса, ёр-ёр, ўлан, лапар, келин салом, ўйқлов, бадик, ё рамазон, сус хотин кабилар турли маросимлар, урф-одат, ирим-сириллар билан алоқадордир.

Фольклор жанрлари бир-бирларидан қанчалик фарқ қиласин, улар тарихан таркиб топган яхлит системадир. Фольклор жанрлари, барча тип асарлар бу яхлит система-да мураккаб ўзаро алоқада бўлиб, бир-бирларини бойитадилар. Жанрларнинг бундай яхлит системасининг шаклларини ва мавжудлиги фольклор тараққиётининг асосий қонуншитларидан биридир. Ўзбек фольклорининг жанр системаси ҳам бой ва хилма-хилдир: Бу жанрлар ўзининг кўп асрлик тараққиёти давомида ўзбек ҳалқи ҳаётини ҳар томонлама акс эттириш орқали яхлит бир системага айланган экан, унда бошқа ҳалқлар поэтик ижодида мавжуд, яъни умумфольклор жанрлари (масалан, эртак, топишмоқ, мақол каби) билан бирга унинг ўзига хос жанрлари ҳам бор. Масалан, асқия, лоф кабилар ўзбек фольклори учун характерли бўлса, қорақалпоқлардаги тўлғов, қозоқлардаги айтиш бизда мавжуд әмас. Шунингдек, ўзбек фольклорида баллада ва тарихий қўшиқлар жанри ниҳоятда кам ривожланган. Айрим асарлардагина бундай жанрларнинг баъзи элементлари учрайди. Бир қанча ҳалқлардаги бир-бирига ўхшаш жанрлар ҳам характерига кўра ўзаро фарқ қиласидилар. Бу нарса ҳар бир ҳалқнинг тарихи, урф-одати, машшати, орзу-умидлари, дунёқараси, ижтимоий муносабатлари ва турмуш тарзининг ифодаси бўлган фольклорининг ўзига хослиги билан изоҳланади. Шу нуқтаи пазардан ўзбек фольклори ва унинг жанрларига яхлит ёарап экамиз, унда бутун бир ҳалқнинг тақдиди, шу ҳалқ мансуб Ватаннинг гўзалларни тасвириланганлигига, типчлик ва фаровонлик учун кураш, Ватан тупроғини кўз қорачигидек асрар ғоялари, бу йўлда мардлик кўрсатган қаҳрамонлар кўйланганилиги қаноат ҳосил қиласимиз.



Құшиқлар



Асосан мустақил түртликлардан ташкил топған, тугал фикрни бадиий ифодаловчи, әл орасыда кең тарқалған ва күйланған халқ шеъри намуналарига құшиқ дейилади. Құшиқ термини кең маңнода бұлиб, халқ шеърияты, лирик құшиқлар, халқ лирикаси, ашулалар деган умумий номлар остида юритилиб келинади. Шу билан бирга, унинг конкрет намуналарининг үз номлари бор. Масалан, «Ёр-ёр», «Ұлан», «Лапар», «Лирик терма», «Алла», «Байтазал», «Келин салом», «Хуш келибсиз», «Йиғи» ва бопша-лар. Құшиқларни ижро этувчилар құшиқчи, гүянда, ашулакаш (ашулачи), лапарчи, ұланчи деб помланади. Құшиқларда ҳам колективлик, оғзакиilik, вариантилиック, анонимлик каби хусусиятларни құрамағыз. Улар, асосан, бармоқ вазнида яратылған бұлиб, баъзан арузда түқілгандары ҳам учрайди. Халқ құшиқлари учун мусиқийлик, равонлиқ, күйлашға (шірочиликта күпчилик ёки яқа) мослық хосдид.

Құшиқларда айрим шахснинг ҳис-ҳаяжони, түйғулари, фикр-мулоҳазалари ифодаланса ҳам, уларда мәхнаткаш омманиң ички рухий кечинмалари, тирикчилиги, яшаш учун кураши, ижтимоий муносабатлары ва түшүнчалары, дүнәқарашиб ақс эттирилади. Бу фикр ва қарашлар чүкүр умумлашмалық хусусиятiga әга бұлғанидан оғиздан-оғиз-га күчіб, сайқал тоғади. Бундай құшиқларны мәхнаткаш омма тарихининг солномаси, ҳаётининг йүлдоши деб билиш мүмкін. Құшиқлар турлы жойларда турлича, күпчилик ҳолларда созсиз, баъзан дуттор, дүмбира, доира ва бопша халқ өнімдері асабблари билан хилема-хил оқанғда күйланади. Бу жиҳатдан халқ құшиқлари музика фольклори, халқ үйинлари, рақс санъати билан ҳам узвий бояшып кетади.

Узоқ үтмишда синкретик сапъятнинг намунаси бұлған құшиқлар ушы яратувчилар ва ижро этувчиларшың мәхнат фаолияти — овчилик, чорвачилик, деҳқончилик, ҳұннарманчылық шылдары, халқ амалий санъати — күлолчилик, үймакорлық ва бопша санъатлар билан бевосита

алоқада бұлиб, айни тоқда мәхнаткаш омманиң қадимий урғ-одатлари, хилема-хил маросимлари ва әътиқодлари негизида яшаб келган.

Халқ руҳини чүкүр ва әрқин ифодалаган құшиқларнинг ижтимоий мөхияти ҳақида марксист тарихчи П. Ләфарг шундай дейді: «Халқ құшиқлари ... халқ құнглидаги қайғу-ҳасрат ва шодникларининг йүлдоши, уннинг билем қомуси, уннинг диний ва фалсафа китобидир; құшиқ бир хазина-диркі ... халқшынг құнгли үз имонини, үзининг оила тарихини, үз миллати тарихини бу хазинаға топшириб құяды»¹. Шундай қилиб, инсон ҳаётини құшиқсиз тасаввур этиб бұлмайды. Құшиқлар фақат түйда ва азадагина әмас, балки инсоннинг табиат ва жамиятнинг ёвузы кучларига қарши курашида үнга ҳамроҳдир. Уларда халқ құдратининг битмас-тұғанмаслиги күйланади, дов юрақ, үлім билмас, ёвқур, баҳодир, жапговар курашчи, вағодор-опиқ, мәхнатсевар, тажрибали инсон образлари гавдала-пади.

Құшиқ термини бириңчи марта, XI асрда ёзилған, ил-мий адабиётларнинг бізгача етиб келган әнг қадимийсі ҳисобланған Маҳмуд Кошгариининг «Девону луготит түрк» асарыда қошүр шаклида берилған бұлиб, бу сұзининг изохи шеър, қасида деб құрсатилған². Шунингдек, «құшиқ» сұзини Юсуф Хос Ҳожибнинг «Құтадғұ билиг» асарыда, XII асрда ёзилған Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддиматул-адаб» луғатида ҳам худди шу маңноларда учратамыз. Хусусан, Алишер Навоийнинг «Мезонул-авон» ва Заҳириддин Бобирининг «Рисолан аруз» асарларыда құшиқ сүзи суруд, аёлғу, лаҳн, турки тарона, ашупта, ұлаи, чипга (чинка) номи билан ҳам тарқалған, улар құшиқшыннан турли жанрларини аташ учун құллапайлғапи баёп қилинади.

Ўзбек халқ құшиқлари шу даражада күп ва хилмалықтар, уннинг барча намуналары ҳали тұла равиша үрганилиши керак. Қуйида уларни мавеум-маросим ва урғодат құшиқлари, мәхнат құшиқлари, лирик құшиқлар ва термалар каби түрт гурухға бүліп, ҳар бир гурух таҳлили давомида уларнинг ички турларипи күриб үтамиз.

¹ П. Ләфарг. Очерки по истории культуры, М., 1928, стр. 53.

² Маҳмуд Кошгари. Девону луготит түрк, Тошкент, 1960, I том, 357- бет.

I МЕХНАТ ҚҰШИҚЛАРИ

Мехнат құшиқлари халқ шеъриятининг эң аввалги турларидан бири бўлиб, уларнинг яратилиши ва ижро этилиши кишиларнинг меҳнат жараёни билан бевосита боғлиқdir. Дехқонлар, ҳунармандлар ишлаб туриб қўшиқ айтганлар. Қўшиқ кишилар меҳнатини енгиллатган, айрим сўзлари, ундов, идолари кўпчиликнинг баравар ҳаракат қилишини уюштирган. Шу сабабдан қўшиқдаги сўзлар, вазн, қоғия ихчам, аниқ бўлган. Айрим сўзлар вақт-вақти билан такорланиб, ҳайқириқ, чақириқ, шикоят ёки мамнунликни билдирувчи идолар алоҳида оҳангда айтилиб турилган.

Сийфий жамиятда қўшиқлар ижтимоий мазмун касб эта бошлади: эркисиз меҳнат, шафқатсиз эксплуатация, меҳнатга тұла ҳақ тұламаслик, кишилар устидан кулиш, тахқирлаш сингари мотивлар меҳнат қўшиқларида акс эта бошлади. Шунга қарамай, уларда меҳнатни енгиллаштиришга қаратилган құтаринки рух, халқ ижодига хос оптимизм, хушчақчақ кайфият доимо устунылк қилиб келди.

Мехнат қўшиқлари мазмунан дехқончилик, bog va bog-chalik, chorvachiлик, ovchilik, ҳунармандчилик va boşqa kасбларга хос хусусиятларни акс эттиради. Мехнат турлari хилма-хил бўлганидек, меҳнат қўшиқлари ҳам тури-тумандир. Дехқончилик билан боғлиқ қўшиқларга қўшчи, ўрим, хирмон янчиш, ёргичоқ қўшиқлари киради.

Қўшчи қўшиғи. Қаҳратон қишдан бола-чақаси билан толиқиб чиққан дехқон баҳор келиши билан ер ҳайдашга киришади. Табиат жонланган, хушҳаво, бироқ унинг хўкизи ишга ярамайди — ўлгудай оч, мадори қуриган. Дехқон илк баҳордаги ночор аҳволни хўкпз тилидан шундай тасвирлайди:

Шохларим қулоч-қулоч,
Йўқ мадорим, қорним оч,
Тепамда қўнган қалдирғоч,
Мен қайтиб қўшга ярайман.

Қўшчи қўшиқлари ёлғиз қўшчининг ўзи томонидан баланд овоз билал, баъзан хиргойи қилиб ижро этилади. Уларда дехқонининг ҳәти, ши ҳайвонига муносабати тасвирланган.

Ўрим қўшиғи. Ўроқ ва ўроқчилар гурухи томонидан ўрим пайтида айтиладиган ўрим қўшиқларида дехқоннинг умиди рӯёбга чиқаётгани, құтаринки рух билан ишга киришаётгани баёп этилади. Дехқоннинг юрагида кучгайрат жўш уради. У ғаллапи тезроқ ўриб, ғарам қилиш ниятида:

Ўрогим олмос,
Ўришдан қолмас,
Сира ҳам томмас,
Ўрмасам бўлмас.

Ўроқчи қўшиғида нақарот ўрнида келадиган қўйидаги түртлик дехқон тилидан такорланиб, түқлик, маъмурчиликнинг қадр-қиммати, меҳнаткаш инсон улуғлиги таъкидланади, ҳалол меҳнатнинг унумидан гам-ғусса, муҳтожлик, қашшоқлик унтилганда бўлади:

Ғужмоқи бугдой,
Донгинаңг тўқ-ай.
Туп бўл, ўрайлик,
Хўшда кўрайлик.

Ўроқчи қўшиғининг яна бир муҳим томони — унда ҳар қандай бойликтининг манбай меҳнат туғайли әкани айтилади:

Ўрогим, чаққон,
Сен менга ёққан,
Қўлгинам чаққон,
Меҳнат-да боққан.

Ўроқчи қўшиқларига мөхнат жараёнига билвосита алоқаси бўлган қўшиқлар ҳам киради. Масалан, дехқонлар арпа, бугдой ўраётганда, ҳашар қилишганда ёки бойнинг бугдойзорларида ёллашиб ишлаганда, ўроқчилар орасига бир ашулачини ўтқазиб қўйишган. У лирик достонлардан парчаларни баланд овоз билан айтиб турган. Шундай асарлардан бири «Ёзи билап Зебо» достонидир. Севги ва садоқатдан баҳс этувчи, бошдан-охир қиз билан йигитнинг савол-жавобидан ташкил тонган, ҳазил-мутойибадан иборат бу лирик халқ достони тингловчиларни ғоят завқлантира, саратондаги оғир қўл меҳнатини енгиллаштиришда маънавий озиқ берар эди.

Бунда «Ёзи билап Зебо» достони тұла ижро этилмаган, балки ундағы лирик парчалар куйланган. Достондан

олинган парчаларни куйловчиларни ёзичи, ёзигүй дейилгани. Ёзигүйлар ўрим майдони ўртасида ўтириб, баланд овозда созсиз куйлайдилар, нақаротларига ўроқчилар жўр бўлиб турди.

Хўп-майда. Хирмон янчиш вақтида дехқонлар томонидан айтиладиган қўшиқлар ҳўп-майда ёки майдагул деб юритилади. Хўп-майда баланд овоз билан чўзив айтилади. Уларда дехқоннинг ҳосилни йиғиштириш, рўзгортирикчиликни таъминлашга интилиши, ҳўқизнинг — ишчи ҳайвоннинг дехқон ҳаётида ғоят катта ўрин тутиши унга бўлган муҳаббатини тасвирланаш билан қурсатилади: шунинг учун ҳўп-майда қўшиқларида ҳўқизнинг тавсифи, унинг туёғидан шохигача бўлган тасвири берилади:

Айри-айри туёққа, майда-ё, майда,
Айри наҳал ярашар, майда-ё, майда,
Жилвираган қулоққа, майда-ё, майда,
Тилла сирға ярашар, майда-ё, майда.

«Кўзларинг ёнган чироқ», «кўзларинг бор ойнадай», «шохларинг бор чамбарак» каби жонлаптирилган тасвирларнинг дехқон тилидан айтилишида ажиб ҳикмат бор, иш ҳайвони унинг мададкори, суюнган тоги; тириклиги, рўзгорининг бутлиги, очлиги ва тўқлиги — бари шунга боғлиқ. Ҳайвоннинг таъриф-тавсиғ этилишида бир томондан, дехқоннинг қувноқ руҳий ҳолати, меҳнат қилиш иштиёқи, иккинчи томондан, хирмон янчиш ритми, иш жараёни акс этади. Хирмон қўшиқлари қўп айтилганидан сўзлари қўйма, пишиқ, куий ширали бўлади.

Хўп-майда қўшиқлари социал мотивлари билан ажрабиб турди. Одатда «ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» бўладиган текинхўрлар — оқсоқоллар, бойлар, солиқчилар, судхўрлар, мулла-эшопларнинг айни донни сомондан айриш вақтида хирмон устига келиб камбағал дехқоннинг шўрини қуриганилиги, бор ҳосилни талаб олиб кетганлигига нисбатан халқнинг газаб-пафрати чексиз бўлади:

Қора-қора қарғалар, майда-ё, майда,
Иўрни курса йўргалар, майда-ё, майда,
Ўйинг куйгур дарғалар, майда-ё, майда,
Хирмонни курса йўргалар, майда-ё, майда.

Майда қылғин уватиб, майда-ё, майда,
Сенсаи менинг қувватим, майда-ё, майда,
Келаёттир эшонлар, майда-ё, майда,
Дасториши чуватиб, майда-ё, майда.

Хўп-майда қўшиқларини ижро этишда кўпинча «ҳей, майда, ҳей», «майда-ё, майда», «ҳа, ҳўп, ҳайда-ё, ҳайда» сингари нидолар ҳар мисра охирида ёки икки мисрадан сўнг қайтарилиб туради. Баъзан тўртликлардан кейин шундай нидоли сатрлар нақарот қилиб айтилади. Булас тўртликларни бир-бирига бояглашда муҳим роль ўйнайди. Қўшиқда учрайдиган «сакраб-сакраб ҳайдагин», «йўртиб-йўртиб ҳайдагин» сатрларида иш ҳайвонининг илдам юриши, хирмонни тезроқ янчиши дехқоннинг севинч туйгулари билан қўшилиб, руҳий кўтаринкилик ҳосил қиласиди. Хирмон қўшиқларида умид ва хурсандлик бағишловчи сатрлар кўп. Негаки, дехқон оғир — машақкатли кунларнинг орқада қолганини кўриб турибди. Шундай пайтда дехқон ўз хирмонига барака тилайди. Афсонавий Бобо дехқони хирмонига чорлайди:

Майда-майда морисин, майда-ё, майда,
Дон сомондан арисин, майда-ё, майда,
Айни саҳар бўлганда, майда-ё, майда,
Бобо дехқон дорисин, майда-ё, майда.

Ергичноқ қўшиқлари. Ергичноқ деб аталган қўл тегирмонини куни бўйи айлантириш машақкатли меҳнат. Бугдой, арпа, жўхори, тариқни ун қила туриб айтиладиган қўшиқ меҳнат киписига ҳамроҳ. Оғир тошнинг ғўлдираб, бир жойда айланиб туриши оҳангидага тўқилган қўшиқлар ҳам вазмин, ҳам чўзив айтилдиган бўлади:

Ергичноқ торта-торта толди қўлим,
Икки тош орасида қолди қўлим.

Ергичноқ қўшиқларида меҳнат унумининг пастлигидан нолиш мотивлари маъюслик билан баён этилади:

Ергичноқ ялпоққина,
Ун қилар опоққина.
Ергичноқ хир-хир этар,
Муштдаккина хамир этар.

Чўл-даштларда, қир-адирларда яшаган чорвадор, дехқон халқимиз, хусусан, мазлум хотин-қизлар қўл тегирмонида ишлаб туриб, муҳтоҷликда яшаши, кун кечиришининг оғирлиги ҳақида мунгли қўшиқлар тўқиган. Ергичноқ қўшиқларида ҳам меҳнат аҳлиниң дард-ҳасратлари, тақдирдан, феодаллар зулми азобларидан кучли норозилик кайфиятлари баён этилади.

Чорвачиллик билан боғлиқ құшиқлар ичида согим құшиқлары кеңт тарқалған.

Согим құшиғи. Сигир, құй, әчки, бия, туяларни согиша әркалаш **охандила** айтиладиган құшиқларни согим құшиқлары дейилади. Сигир согиши билан боғлиқ құшиқлар — «хұш-хұш» ёки «хұшым» дейилади. Улар ҳам бушдан-оёқ говмиси сигирга мурожаат шаклида түқилған бұлиб, сутли сигир меңнат ахли рұзгорини тұқин қиласынан хазина деб ардоқланади, согиши пайтида силаб-сийпаб айтилған құшиқ говмиси ийдиди:

Саралаб едінг үтингіп, ҳұш-хұш,
Ийіб бергін сутингни, ҳұш-хұш.
Олмазор булоқ үтинг бор, ҳұш-хұш,
Оқар булоқ сутинг бор, ҳұш-хұш,
Тура қолгин, жонивор,
Ия қолгин, жонивор...

Сигир согишида айтиладиган құшиқларда тақрорланадиган «хұш-хұш» сұзлари, «отли молим, ҳұш-хұш», «зотли молим, ҳұш-хұш» сатрлари алоқида урғу билан айтилади. Сигир соғувчи құшиқ айтиш билан бир вақтда молнинг бопшими, ён-верини силаб-сийпаб құяды:

Ола сигир ол дейди,
Иссіқ жойға сол дейди.
Ола сигир сутипи
Асал билан бол дейди.
Говмиси молим, ҳұш-хұш,
Тұрттоворид тирқираб,
Әмчакларинг сирқираб,
Сен келибсан айни түш,
Говмиси молим, ҳұш-хұш.

Құйларни согиши ва құзиларни әмдиришда айтиладиган құшиқларни «турей-турей құшиқлари» ёки «фурр-хайпүй» дейилади. Уларда одатдагидек совлиққа мурожаат қилиш асосией үрин тутади. Құшиқларда чорвадорлар ҳаёті құйларни бүрилардан омон сақтайдиган итлардан тортиб, құй боқувчиларнинг рухий олами, ям-яшил даалалар тасвиригача она құйларни әркалаш йўли билан берилади. Тұртлапларнинг ҳар бир сатрида «турей-турей» ёки «турей-турей», «пуфей-пуфей» сұзлари құшиб айтилади. Бу эса уни маълум оҳангда чўзиб айтишга имкот беради:

Болантги ол, жонивор, турей-турей,
Сен болангни олмасаң, турей-турей,

Ола итни ечарман, турей-турей.
Оғингин тұшарман, турей-турей,
Ола итни құшарман, турей-турей.

Тогда олқар үтинг бор, турей-турей,
Әмчагингда сутинг бор, турей-турей,
Ол болангни, жонивор, турей-турей,
Ола буйпоқ итинг бор, турей-турей.

Тул (құзилатиши) даврида баъзан құзилар бир-бирига аралашып, ҳид уради. Шунда совлиқ қузини олмайди. Шу ҳолат құшиқларда акс этган. Җұпон тушунчасича, гүё шу құшиқпи айтса, құй құзисини олар әмиш.

Болалилар бозорда, турей-турей,
Боласизлар мозорда, турей-турей.
Ол болангни, жонивор, турей-турей,
Сол меҳрингни, жонивор, турей-турей.

Кейинги иккى сатр құпинча нақарот үрнида ҳар бир тұртликдан кейин айтилади. Баъзан нақарот шаклида бир сатрнинг ўзи «ол болангни, жонивор, турей-турей» ёки «турей-турей»нинг ўзи тақрорланади.

Әчкиларни согиши ва улоқларни әмзишида айтиладиган құшиқларни «чурей-чурей» ёки «чириялар» дейилади. Улар «турей-турей»ларга нисбатан құзібрөз айтилади. Баъзан әчки соғувчи құшиқсиз «чурей-чурей»ни қайтакайта айтиб туриш билан кифояланади. Соғувчи аёлнинг құшиғида ҳам әчкига мурожаат этиш усули қайтарилади:

Молда билинар қашқаңг-а, чурей-чурей,
Борми бундан бошқаңг-а, чурей-чурей.
Ана ерда ётганинда, чурей-чурей,
Енингда уйнар жон болаңг-а, чурей-чурей.

Умуман, сигир, бия, тая, құй, әчки соғиши құшиқлари аёллар ва құпонлар томонидан түқилған бұлиб, улар меңнатини акс эттиради. Құшиқларда иппопининг ҳайвонот оламиға муҳаббати, у билан бұлғап мұрасабати құрсатылади: аёл ўз фарзаплариниң әркалагандай мұлойшын сұзлайды, құшиқ куйлайды, мол ҳам шунга ўрганған, бинобарин, мол пайдирилади, яхши согилади, сути мүл бұлади. Согим құшиқлары ичида тая соққан аёлга бағишиланғанлары ҳам бор. Ләрек оҳангдаги бу құшиқда қизниш тая ёки бия соғишидаги хатты-харакати, иш упуми, қимиз ичини баҳа... жаңынан шынынған унга муҳаббат изхор әменишті бүлтән тасвириланади:

Туя соққан вақтингда,
Ий дебмидинг, Тұлғонай.
Иккى құлилғ бир-бирига
Тей дебмидинг, Тұлғонай...
Қозон-қозоң қимизни
Ич дебмидинг, Тұлғонай.

Бу қүшиқда мол соғувчи қызининг чаққонлитини, айни өткінда упинг севги ёшидаги барқамол қиёфасини тасаввур этиш мүмкін.

Хунарманчылық қүшиқлари. Ўзбек халқ қүшиқлари орасида ҳунарманчылық қүшиқлари - аңчагина салмоқли ўрин әгаллайды. Бундай қүшиқларда ҳунарманад ёки косибнинг узоқ тарихий шароитлардаги мөддий ва маънавий ҳаёти, ички руҳий қайғияти ибтидои иш қуроллари туғайли туғилған мөхнат машаққати билан қўшилиб тасвирланади:

Бўз тўқийиз қирогини ўхшатиб,
Моки отаман дастиганин қақшатиб,
Бозордаги шойиллардан яхши этиб,
Нафисдан ухшаган бўзим яхшиди.

Аёллар тилидан айтилган бундай қүшиқлар чарх ийришда («Чархим тапоб ташлайди»), олача, гилам тўқишида, сўзана, палак, дўши тикишда ва шунга ухшаган иш-ҳаракат жараённида яратилган ва тилдан-тилга ўтиб кўйланган.

Бўзчи айтган қүшиқда жафоли, упумсиз мөхнат бўзчилик ҳунарнинг ғоят оғирлиги, бунинг устига тўқиган бўзм сотилмай, бозори касод бўлиб, оиласидан муҳтоҗлик аримаганлиги сингари мотивлар равшан кўриниш туради. Халқда «бўзчи белбоқча ёлчимас» деган мақол беҳуда бўлмаган. Ҳақиқатда бўзчи бор-йўғини бозорга олиб чиққап, бир парча нонга алмаштирган. Ана шу ҳаётий деталлар, косибнинг руҳидаги қўрқув, ғамгинлик, шикоят мотивлари орқали берилади:

Дукон уйга кирсан танам қақшайди,
Совуқларда ўлмай қолсан яхшийди,
Қариси тилладап кетса яхшийди,
Шундай менинг бўзим арzon кетарми.

Мөхнат жараённиң әж-эттирадиан-чип-аневий лағтинг узига хос хусусияти шундан иборатки, бажариладиган мөхнат ритми қўшиқ оҳангни билан ички болгиларидан

лика әга, мөхнат ритми қўшиқ оҳангни белгилайди. Косибнинг келини ёки қизи чархда иш йигира туриб, қўл харакати ритмiga мувофиқ оҳангда куйлаганда, унинг ёшлиги, ички завқи, шу топда ишдан қўра ўйинга майли кўпроқ экани сезилиб туради:

Чархим ғув-ғув этади,
Марғилонга этади;
Марғилонянинг қизлари
Аччиқ олма экади,
Аччиқ олма пишибди...

Қўшиқнинг барча сатрларидаги бўғинлар $2+2+3$ шаклида группалашади, куйланышда ҳам ўзгача — шўхчапг оҳангдорлик касб этади. Шунингдек, иш йигиравчининг чеварлиги, ўз санъаткорлиги билан ҳақли суратда фахрланиши — тўқувчилик гурури таққослаш йўли билан очиб берилади:

Элак ичида кепак,
Менинг ишгинам ипак,
Менинг иппидай қилиб
Эшолмайди ўргимчак.

Бу каби қўшиқларда халқ оммасининг ҳалол мөхнат қилиб яшами, тириклик учун кураши, мөхнатга буюк мухаббати упинг азалий одати эканлиги чуқур ҳаётий фактларда кўрсатилади.

Бўзчи дастгоҳининг ҳар бир зарурий қисми ҳақида фикр юритилиши ва уларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлигишипг қўшиқка солиниши тасодифий әмас. «Ўтгин, қора моким энди» сатришинг бандларда нақарот шаклида тақрорланиши мөхнат ритмiga ҳамоҳанг бўлиб, ишловчишинг руҳий кутаринкилигини бадиий ифодалашга хизмат қиласи. Бўзчи қўшиқларида мөхнат шароитининг оғирлиги, зах, қоронғи дуқонда ишланиши тасвирланади.

Бўзчи ўз мөхнатининг самарасини куриб қувонади, қапоат ҳосил қиласи. Бу устанинг маҳорати, дастгоҳни эпчиллик билап ишлата билиш натижасидир. Қўшиқдаги түқ қоғиялар, саккиз бўғинли сатрларнинг узаро мағтиқий боғланиши мөхнат жараённиң енгил тасаввур этишга имкон берган:

Гуладин илтари дастгоҳ,
Пошнуртларни урдим пастга,
Сиринг айтма ёру дустга,
Ўтгин, қора моким энди.

Гаргара ундан ююри
Синачұп унинг нұкари,
Хай-хай устамнинг дуқони,
Ўтгин, қора моким энди.

Хунармандчилик құшиқларыда синфий қарама-қаршилар, меңнат аҳлиниң моддий қийинчиликлари, турмуш кечиришнинг оғирлити тасвирида ижтимоий ҳәётдати тенгсизлик сабабларини очық-равшан тушуниб олиш мүмкін. Меңнат құшиқларыда күп кечириш тарзи ҳамда касб ва хунарнинг ҳамма хиллари үз тасвирини тоғған. Кашта ва түн тикишдан бошлаб, гүзәл гиламлар түқишигача, бұз түқишидан то ановай палаклар тикишгача, жонон шиёладап тұзғаллиқда товус патларини йүлдә қолдирған раңго-раңг атлас-кимхобларгача — ҳаммаси меңнат кишининші қоропғи, зах ишхонасида, унинг қадоқлы құли, кечани күндүзга улаган жағоли меңнати билан бунёдга келған. Шұларнинг ҳаммасига бағищланған қаттами-кичинми құшиқлар бор. Меңнат кишиси үзларнинг құвноқ ва ҳазии, ички маңнавий тұзғаллигити намоён қылған сатрлардан, қуйлардан баҳраманд бұлғанлар. Меңнат құшиқлары улар меңнатини енгіллаштыған, самарали қылған, овутган ва ёргу келажакка умид үйготған.

МАВСУМ-МАРОСИМ ВА УРФ-ОДАТ ҚҰШИҚЛАРИ

Инсоннинг яшаш ва ҳәёт кечириш тарзи, йилнинг түрт фасли, меңнат ойлари, байрамлар, урф-одатлар, маросимлар, мавсумий ши-харакатлар билан боғлиқ радиша жуда күп құшиқлар яратылған. Маросимлар, одатлар, турли-тумап бұлғаннан, буларға бағищланған құшиқлар ҳам хилма-хилдир: бойчечакнинг очишлиши, янги йил — наврұзнинг келиши, баҳор ёмғири, лайлак келиши, әқинларнинг пишиши, хирмон құвончи, донларни құшылдардан сақлаш сингари воқеаларға құшиқ бағищланған. Құшиқлар халқнинг оила байрамларини, маросимларини безаб келған. Мавсум ва маросим байрамларыда кишилар үйин-кулғи қылған, дам олишган, янги меңнат фаялониятига илхомланғылар.

Киши ҳәтида биринчи құшиқ, бу, меҳрибон она алласы, албатта.

Алла. Болаларни ухлатиш вақтида оналар томонидан күйлаңған құшиқлар алла деб аталади. Үтмиш алла құшиқларыда заҳматқаш, муштипар, әзилған мазлум шарқ опаси образи гавдалапади. Унинг бетиним хатти-харакати, бемипнат меңнати туғайлигина мурғак гүдак үлғаяди, вояга етади. Ошанинг меҳри дарё, дейдилар. Аллаларда оналарға хос багри кептік, қуёшдай меҳрибонлик майин,

дил қаъридал сизиб чиққан ёқимли күйларда тарапади. Уларда әзгу орзу-ҳаваслар, умидбахш яхши нияттар, она-пинг бола келажаги ҳақидаги орзу-үйлары чиройли тасвирий бүёқларда күйланади. Алла нақаротларыда бешик ёки беланчакда ётған боланинг номи құшиб айтилади, құшиқни опанинг үзи, чолғусиз пәнро қиласы. Болани тинчитиши учун түқилған аллаларда үтмишдаги мураккаб ижтимоий ҳәётнинг тенгсизликлари, мاشаққатлари мүш菲қ опанинг изтиробли кечинмалари орқали акс эттирилади. Онанинг маңнавий дүнёси, унинг ҳәётта муносабати, умидсизлик полалари, баъзан нафрати, газаби, норозилик кайфиятлари содда сұз, майин күйларда бадий ифодасиди. Онанинг үз фарзандига бұлған меҳри-муҳаббати чекисиз бўлиб, рамзий маңнода унинг ҳәётта бұлған сўнмас муҳаббатидир. Она учун фарзанд ҳамма нарсадан улуғ, қадрли, ширин, азиз; шунинг учун уни дарёларнинг тубидан топиб олган гавҳарим, дея ардоқлайди, сүяди.

Она үзининг бахти қоралигидан, тенгсиз никоҳи, қашшоқ ҳәтидан иолиса ҳамки, фарзандининг яхши одам бўлиб етишувига умид болгайди. Бу — опанинг гүзәл инсоний хислатларни, оликаноб фазилатларни фарзанди қнёфасида кўриши ниятидан келиб чиққан:

Сенга қўйдим яхши от, алла,
Яхши ниятдир мурод алла.
Юрту элга суюнсанг, алла
Сенга бўлгуси қанот, алла.

Она үз фарзанди — жигар порасининг келажакда бахти-саодатли бўлишини орзу қиласынан, унинг соғлом, паҳлавон, арслон билакли бўлиб үсишини истайди:

Қули арслон билаклим,
Ботир, коплон юраклим,
Яхши-ёмон кунимда
Менга жуда кераклим.
Алла, болам, алла-яй,
Жоним, болам, алла-яй.

Лекин муштипар она үзининг бахтсизлиги устига фарзандининг хўрлик билан үсаёттанини кўриб, ох уради: дүпё тұла дон эмиш, лекин унинг боласи оч, дарёларда сув тұла, аммо унинг боласи сувга ташпа... бу сатрларнинг мазмунни чуқур:

Дунё тұла дон әди,
Оч-паҳорим, болам, алла,
Дарё тұла сув әди,
Ташнаң зорим, болам, алла.

Аллаларнинг күйловчиси ҳам, яратувчиси ҳам оналар. Үтмиш замон аллаларида жағоқаш мазлума онанинг маъюс, мунгли овози эшишилади. У құшиқ айтиб юрагини бүшатади, боласига тасалли беради, аммо дардлари оламга сигмайды.

Аллалар, асосан тұртликлардан иборат булиб, ҳар тұртлик сұнгыда иккі сатр бир хилда тақрорланади:

Ұзинг гавәдар донадай,
Тұртиб әмған танаңдай,
Құлымда чүрчиб үйнәсанг,
Құлда сұқсур-сұпадай.
Алла, болам, алла-ә.
Жоним, болам, алла-ә.

Улар бошдан-оёқ майип, әрқалатувчи ва ухлатувчи, күпинча бир хил күйіда ижро этилади ва охирги алла-ә сүзи, албатта, чүзіб тақрорлапади.

Шупдай қилиб, аллаларда меҳрибон оналаримизнинг мураккаб руҳий олами, терән ҳис-ҳаяжопи, әзгу орзу-пиятлари ифодаланыб келган. Шу важдан аллалар құнғил маҳзанининг муқаддас мулки — жағохирлари сифатида яшаб келади. Алла құшиқларининг мазмуни, күйи опа руҳий ҳолатидан келиб чиқади — құшиқ яратылған давр руҳи аллада акс этади. Бизнинг замонамызда оналар ҳаёт-га муҳаббат, баҳтли тұрмуш, норлоқ истиқболни куйлаб янғы мазмұндагы аллалар айтмоқдалар.

Ё, рамазон. Тұрти үрғ-одатлар, маросим ва примлар билан бөглиқ бир қаңча құшиқлар яратылғанки, бунга «Ё, рамазон», «Барот келди», «Сафар қочди», «Бадик», «Бука-бұқавой», «Сұс хотин», «Войчечак» кабиларни күрсатып мумкин. Шулардан «Ё, рамазон» эски йил календаридаги рамазон ойла болаларнинг (илгариги замонларда катталарининг ҳам) ҳовлима-ҳовли юриб айтадиган құшиқлари әди. Сиртдан қарагапда, «Ё, рамазон» диший мазмұндагы құшиқларға үхшаса-да, уларда хонадон әгасига фарзанд құрғын ҳақида истаклар, уларнинг сахий buquerqueнің әки баҳильтігі қаби мотивлар устунлик қыладилар. «Ё, рамазон» құшиғы ижро этилғанда, уннинг тили равоцлиги, сігім юмор билап күпчилик булиб айттыншы

кузга ташланади. Аммо болаларнинг үйма-үй юриб бирор нарса сұрапи эса үтмишшінг эскілік изләридір. Ҳозирғи құнларда ижро этилмаганлығы туғайли бу құшиқлар истеъмолдан чиқып бормоқда.

Сұс хотин. Қурғоқчылар мұрасабати билан ёмғир чакпариш маросимида айтпладиган «Сұс хотин», «Талаби борон» («Ёмғир талаб») құшиқлари турлы примлар қадимдан қолған анимистик түшүнчалар билан бөгләнгән. Бунга қура иккита тәкін бир-бирига қўндалаңг бөғлаб, аёллар кийими кийдирилади, бошига рўмом үралади. Осмондан ёғин тилайдиган бу «Сұс хотин» тасвирини — қўғирчоқни аёллар юқори қутарып олиб, үйма-үй юришади, ҳаммалари биргалашып құшиқ айтишади. Хонадон әгалари «Сұс хотин» құшиғиши айтиб келгап кишиларга чеңакларда сув олиб чиқып сенишган, ион, дои қаби турли нарсалар бериб уларни «рози» қилишган. Қурғоқчылар, сув танқис бўлган даврларда дала-даштларда яшаган деҳқонлар табнатга илтижо қилиб, мўл ҳосил бўлишини орзу қилган. Бу парса құшиқда ўз ифодасини топған. «Сұс хотин» құшиғидаги тақрорий сатрлар ёдлаш ва барада айтиш учун қуладайдир. Құшиқда мурожаат, хитоб оҳанглари ҳалқимизнинг сув ҳақидағы қадимий орзу-армонларини ўзига хос йўсида ифодалаган.

Сұс хотин — султон хотин,
Кўланиси майдон хотин,
Сұс хотин — сувсиз хотин,
Кўйлаклари бўз хотин.

Хосиллар мўл бўлсин, сув хотин,
Деҳқонпинг уйп түлсин, сув хотин,
Каззобпинг уйи қўйсин, сув хотин,
Сув хотин — сувсиз хотин.

Хавони ёғдиргин, сув хотин,
Бугдойни булдиргин, сув хотин,
Элни тўйдиргин, сув хотин,
Сув хотин — султон хотин.

Бундай құшиқлар ҳалқ орасыда «Сув хотин», «Сұз хотин», «Сұс хотин», «Чайла қазақ» номлари билан юргитлади.

«Сұс хотин» маросими Үрта Осиё ҳалқларининг ҳам зардыштым — оташарастлик дінігә хос ҳосилдорлик маъбуласи Нохит (Анахита)га специши булиб, матрпархат даврига оид жуда ибтидоӣ одатларда ҳисобланади.]

Түй құшиқлары

Түй — жуда қадым замонлардан бері кишилар ҳәтида мұхым воқеа бўлиб келган. Халқнинг маънавий бойлиги түй-томушларда памоён бўлади. Түй маросимлари — уйланыш тўйи, хатпа тўйи, ёш тўйи, бешик тўйи сингари хилма-хил бўлганидек, уининг қўшиқлари ҳам турли-тумандир. Қуйинда, асосан никоҳ тўйларида айтиладиган қўшиқлар ҳақидагина фикр юритамиз. Бундай қўшиқларда йигит-кизнинг баҳтини тилаш, уларнинг яхши келажагини орзу қилиш, мұхабbat тароналари куйланади.

«Ёр-ёр»лар. Қиз узатар кечасида айтиладиган қўшиқлардан бирш «ёр-ёр»лардир. «Ёр-ёр» қўшиқлари мусиқийлиги, маълум чўзиқ оҳангда қўпчилик бўлиб куйлапиши, пақаротлари билан ажралиб турди. Улар чуқур психологиям, лирик кечигмаларга гоятда бой; «ёр-ёр» қўшиқлари мазмунини, асосан қиз ўстирган опа билап отанинг таърифи, орзулари, узатилаётган қизнинг мадхияси — гўзалиги, чеварлиги, қизга турмуш ҳақида пасиҳатлар, униб усипши, серфарзанд бўлиши ҳақидаги тилаклар ташкил қиласди. Қўшиқларда катта умидлар билан уз қизини вояга етказган, лекин шафқатсиз феодализм даври қонунлари туфайли эрки, хуқуқи поймол бўлган, орзулари ушалмаган бечора, муштипар онанинг ғамгис, мунгли нолалар, этишмовчилик, камчиликлар билан не ҳасратда узатган қизнинг эртаги тақдирни изтиробга солади:

Токчадаги қайчпни
Зап босибди, ёр-ёр,
Келин ойим онасипи
Гам босибди, ёр-ёр.

Узоққа қиз берганинг
Ранги сарпқ, ёр-ёр,
Кўзларидан ёш оқар
Мисли ариқ, ёр-ёр.

«Ёр-ёр»ларга хос бўлган бадиий параллелизм фикрни образли ифодалашниң кенг қўллападиган усули бўлиб, унда қиёс қилиш асосий ўрни тутади. Халқимизда «Томчи томипп тешади, занг — темирни» дегап мақол бор. Ғам эса писон умрини кемиради. Қўшиқдаги занг босган қайчи тимсоми қиз узатиб роҳатини кўролмаган, қаддини ғам юни ётган онанинг ташвишлари ниҳоясиз эканини образли, таъсираш ифодалаш имконини тугдиргаган. «Ёр-ёр»ларда позик юмор, баъзан сатирик элементлар кипояли кулгига сабаб бўлади. Бундай қўшиқни куёвнинг уйига қиз узатиб борган хотилар — янгалар айтадилар. Уларнинг келин туиди тўйини қиздириш учун атайлаб айтган

кулгили «ёр-ёр»ларида куёв томони ҳазиломуз ташқид қилинади. Бундан қудалар хафа бўлмайдилар. Аммо шу «ёр-ёр» қўшиқлари баҳонаси билан мазлум шарқ хотин-қизлари мавжуд тузумга, тенгсиз никоҳ қопунларига, эрларининг хотил устига хотил олишларига, оналарнинг ҳуқуқларини оёқ ости қилган бойлар, руҳонийлар, феодалларга қарши ўзларнинг порозилик нидоларини баралла изҳор қиласди. Сатирик ва юмористик мотивлар акс этган «ёр-ёр» қўшиқларида ўз севганига этиша олмаган баҳтесиз қизнинг тилидан айтилган аччиқ-аччиқ кипоя, пичинг устунлик қиласди. Бундай қўшиқларда «ошиқ» нинг қуримсиз қиёфаси, унинг қарпи чол эканлиги характерли деталлар орқали очиб ташланади:

Қозиқдаги пустиннинг
Енги йиртиқ, ёр-ёр,
Куёв поччам янгасининг
Лаби тириқ, ёр-ёр.

Хай-ҳай улан, ҳай улан,
Бир бөг ноҳол, ёр-ёр,
Куёв поччам сўрасангиз,
Пахмоқ соқол, ёр-ёр.

Қўшиқ эшитувчиларда кучли кулги уйготади. Бу кулги тагида ҳаёт ҳақиқати ётгалигини билиш қийип эмас. Юмористик мазмундаги «ёр-ёр»ларда синамаган жойга келин, танимаган йигитга хотил бўлиб тушган қизнинг оғир руҳий кечинмалари, эртаги кунда дардига даво тополмай иложисиз, кўмакчисиз қолиши, лекин булага чидаш кераклиги олдиндан айтиб қўйилади. Ана шундай жиҳдий фикрлардан кейин куёвни енгил ташқид этиши баҳонаси билан гап кулгига йўйиб юборилади:

Ҳай-ҳай улан, жон ўлан,
Ола мушук, ёр-ёр,
Куёв поччам сўрасангиз,
Оғзи қийшиқ, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, ҳай ўлан,
Дўнгалакми, ёр-ёр,
Куёв поччам сўзламайди,
Гўнгалакми, ёр-ёр!

Бундай тўртликларни баъзан айтuvчилар тараф-тараф туришиб, диалог шаклида павбатма-павбат куйлаши ҳам мумкин.

«Ёр-ёр» республикамизнинг ҳамма ерида ҳам кенг тарқалган ва, асосан, аёллар ижро этишади. Айрим жойлардагина унинг эркаклар томопидан ҳам айтилиши кузатилган.

Ланаар. Никоҳ тўйларида қизнинг уйида кечқурун утказиладиган «Қиз оқшоми», «Қизлар мажлиси», «Қиз

оши», «Лапар кечаси» деб аталадиган базмларда лапар айтилади. Қызлар билан йигитлар тарафма-тараф туриб, ошиқона газал-байтлар айтишганда, худди сұз билан тортишмачоқ үйнагандай булади. Бу базмда қызлар ва йигитлар томонидан икки киши сал олдинга чиқиб лапар айтишади. Одатда, түйга атаб қызниң отаси икки-уч жуфт қавуш олиб қуяди. Лапар айтывчи шулардан бир пойини үшләр туриб лапар бошлайды ва қызлар тұдасидағи лапарчи қызға узатади. Улар ҳам үз навбатида лапар билан жавоб беріб, ҳалиги бир пой қавушни рұпарадаги лапарчи йигитта олиб келиб беради. Шу тариқа янгидап-янги лапарчилар ўртага тушаверади.

Лапар билан қыз ва йигитлар бир-бирларига муҳаббат изхөр этиб, танишып да ахди-паймон қилишган. Үз юрак дардларини музикасиз маълум оҳангда ашула қилембай айтишган. Борди-ю лапар айтаётган йигит билан қыз бир-бирипи ёқтириб қолса, лапар айтиб туриб бир-бирларига совға берипшган. Масалан, йигитлар күпинча қавуш билан бирга танга, сум берсалар, қызлар қийиқча, даструмой, атири, совуи ва шу каби нарсаларни қавұшниң ичиға солиб қайтаришган.

Қыз базмидан күпдан бери айтилиб келинган лапарлар тақрор айтилар ва янгилари ҳам ижод қилинарди. Одатта күра, базмдан аввал зиёфат берилади, машъала өқилади, сүнг үйин бошлапади, кейин лапарга үтилади.

Лапар Томкент атроғи районларыда, Жанубий Қозогистон үзбеклари орасида кең тарқалған. Лапарни күп билүвчиларни лапарчи дегаплар. Айрим түйларға маҳсус лапарчилар ҳам қақырған.

Лапарларда күпинча қазыл-мутойиба, пицинг, қочириқ, рамз, шама қилиш, нөз-карапша, араз, зарда, тенгсизликдан, шум тақдирдан зорланиш, алам, изтироб, қувонч, хушчақтақлик, ғоят ғұзал, тераи, мураккаб рухий кечинмалар, хис-хаяжонлар серзавқ мусиқий сатрларда ифодаланған. Улар халқ шеъриятининг нақадар нағосатта бой эканынған күрсатып туради. Лапарларда ҳәёли, андишали, самимий, вағодор, ақл ва фаросатда ягона, қалби меҳр билан тұлған иффатли ёр образы гавдаланади. Ошиқ йигит эса камтарини, садоқатли, күнгли очиқ, лекин айрилиқдан дили күйған, сабрли, севимлисига муносиб бұлишга интилған, муҳаббатин ардоқлаган, юксак ахлоқлы, одобли, ўт юракли чиннакам инсон бўлиб кўринади. Лапарларниң муҳим томони шундаки, уларда инсон руҳининг турлича

төвланишлари, ғұзал фазилатлар, яхши фикрлар бадий ранго-ранг бўёқларда таъсиручан, образли қилиб берилади:

Қошингнинг қорасига қотгин мани,
Ошиқлик бозорида сотгин мани,
Ошиқлик бозорида олмасалар,
Кипригингни уқ қилиб отгин мани.

Кузам олиб сувга чиқсам, ох урадир бир йигит,
Кузам қуйиб қулоқ солсам, ердан айрилған йигит.
Ердан айрилған йигитнинг ёри мен бұлсаммиқан,
Құллага қирғый беріб, күкспәда жон берсаммиқан.

Қоида бўйича ланарни ҳам, ўланни ҳам йигит (йигит — куёв томон) бошлайды. Бу парса лапарда ҳам үз ифодасини топган:

Аввал бошлаб айтганда қыз бошламас,
Қыз бошлаган ланарни эл хушламас.
Айтмайин деб бир хиёл қилембай эдим,
Еру журам қуймади, энди бұлмас.

Лапарда ҳар икки томондан бошқарувчилар булади. Лапар айтиш тартибини бузған, одобсизлик қылған кишилар четлаштирилади. Жавоб қайтара олмаган томонни уялтириш учун түқилған юмористик лапарлар ҳам мавжуд:

Тегирмонга буғдой солдим, кам экапиң билмадим,
Шу кишига лапар солдим, гүнг эканиң билмадим.
У томдан бу томга сакрайди малла мушук,
Менға лапар топмаганинг оғзи қийшиқ.

Демак, лапарлар ҳам, асосан тұртликлардан ташкил топиб, воқеабапдилги, диалог шаклида икки томон бўлиб ижро этилипши билан харakterланади. Бу жиҳатдан улар ўланга ұхшаса-да, ғоявий-бадий хусусиятлари, тасвири объектлари, унда куйланған ҳаёт тарзи, образли фикр юритиш даражаси билан бир-биридан ажралиб туради.

Ўлан. Никоҳ түйлари, баъзан байрам күнлари, айрим йигинларда, асосан чолғусиз, айтиладиган ўланлар күпроқ чорвадорлар, деҳқонлар орасида тарқалған. Ўланларда чўпон йигит билан чўпон қыз севги дардларидан баҳс этиб, сұзамоллиқда, чечанлиқда, одамийликда бир-бирларини синағандай булади, мусобақадош томонлар бир-бир-

ларига совғалар беради. Үланлар күпинча 11 бүгисли тұртликлардан уюшған бўлиб, одатда биринчі, тұртнинчи сатрлар, баъзан тұрт сатр үзаро қофияланиб келади. Масалан, йигит шундай үлан айтади:

Үйна туриб деганда, үйна туриб,
Ұртапаман-куяман сени қўриб,
Ұртанганда-куйганда сени қўриб,
Эрмаклайсан, куласан лабинг буриб.

Үланларда бу тартиб ҳамиша сақланмайды. Қўйидаги қиз үланнда мұхаббатни иисониңг энг подир фазилати, муқаддас хислати деб қадрлагани ифодаланади:

Қўлимда бир узугим ғумдона бос,
Ошиқ бўлсанғ оёғинг мардона бос!
Ошиқлик қиз-йигитниң иши экаи,
Ошиқликка тенг келмас зару олмос.

Қурама тоглари атрофларида үланинг биринчи сатри иккى сўздан ташкил топған бўлади. Бундай үланларда ҳам шу иккى сўзга иккинчи ва тұртнинчи сатрлар қофиялана-ди. Биринчи сатр чўзиб айтилади. Үланларда йигит-қиз-ниңг бир-бирини енгис мақсадида ҳазил-мутойибага йул қўйилади. Бу — ёшлиқ шўхликлари; тенг-тенги билан то-шиғанидан күнгли бир олам севинч билан тұлғапларининг тароналаридир.

Йигит. Солим согни,
Айтаман сенга үланин сўлқилдогни,
Кетма-кет сени енгиси пима эмлиш,
Қолмаса йўлда тушиб тилмап жатни.

Қиз. Рўмолимининг учиди сени марваридим,
Сенинг бундай юрганинг менинг дардим,
Менсиз сенинг бир бошини дардли бошдири,
Икков етсак муродга қолмас дардим.

Қўринадикк, үланларниң шакли турлича бўлади. Қўшиқларга хос вариантиллик үланда ҳам бор. Үланлар бошлама бандлардан бошланиб, маълум тартиб бўйича давом этади.

Демак, үланлар куйланғанда мантиқий изчиликка амал қилинади; ҳарифдошлар бир-бирларини енгисга ҳаракат қиладилар.

Қиз. Булбулларнинг қўнгани гул бўлади,
Оламдаги бор сўзни тиъл билади,
Тараф бўлиб айтмоқда кепсиз ака,
Охунлигинг бу ерда ким билади.

Йигит. Үлан айтсам, барчани кулдираман,
Жийрончани меҳмонга мидираман,
Қизиц-қизиц үландан айт, охун қиз,
Охуплигим шу ерда билдираман.

Қиз. Кийган тўнинг ярашган бўйгинангга,
Мен билмадим не сўз бор үйгинангга,
Бирда-иккита тўйда айтмасанг,
Индамасдан бориб ёт уйгинангга.

Йигит. Қўйим ёйиб бораман ўтдаш-ўтга,
Жабдуқ солса ярашар тўриқ отга,
Икковингдал бирнигин лойиқ кўрса,
Ўтқиздириб қўярман салтапатга.

Үланларда қочириқ, севги ҳарорати, ёшлиқ шўхликлари ғоят самимий, оптимистик рух билан йўғрилган ҳолда тараннум қилинади. Давраларда үлан айта билиш ўзи-ча бир салоҳият, ижрочилик санъетини эгаллашни талаб этади. Үланлар ёшлиарни бадиий-эстетик дидли, хуш қилиқли, камтарин, очиқ қўнгилли, дўстга садоқат руҳида тарбиялашда, айниқса, катта аҳамиятга эгадир.

Келин салом. Келинчакни куёвнинг яқин қариндош-рууглари билан ташнишириш маросимидан келин салом ёки беточар қўшиқлари айтилади. Анъанага кўра, кайвони (дастурхончи) келинин тушадиган уйга дарвозадаи олиб киришдан бошлаб айтиди. Уй эгалари, тўйга келганилар эса «алик салом» деб жавоб қайтарадилар. Бухоро ва Са-марқанд областларида апъанавий «саломнома»лар ўқиляди. «Келин салом»да кайвони куёвга, қайната, қайнана ҳамда тогалари, аммалари, холаларига салом бергандা, таъриф-тавсифлар орасида ҳазилимамо гапларни қўшиб-чатиб юборади. «Келин салом»га қатнашган аёллар бундан роҳатлапиб куладилар. Ташниди ҳазил ҳам, кулги ҳам беғубор, бупдан ҳеч ким хафа бўлмайди. Аслида «келин салом»да айтиладиган қўшиқлар аввалдан ижод қилинган эса-да, кайвони тишидан гёё япги келинининг қа-риндошлари табиатига мос тушадиган қилиб, ҳозиргина ижод қилингандай туюлади. Қўнг ерларда «келин салом» уч сатрдан, Фаргона водийсида тұртликлардан ташкил топади. Асосан, аввалги икки сатр үзаро қофиядошдир.

Кайвони. Бог орқасидан йўл берган,
Ҳамёнидан пул берган
Қайнатасига салом.

Аёллар. Алик салом.

Кайвони. Сув кечтани эринган,
Ўғил тугиб керилган,
Қайшанасига салом.

Аёллар. Алик салом.

Кайвони. Ариқдаги зулукдай,
Қоши-кўзи пиликдай,
Қоқиб қўйган иликдай,
Овснинга салом.

Аёллар. Алик салом.

Кайвони ҳазиломуз келин саломларни бирваракай тўқиб, одамларни кулдириб айтаверади. Берилётган характеристика номи тилга олинган кишини тұла тасаввур этишга ёрдам беради:

Томга босган бўйрадай,
Юришлари тўрадай,
Хўёв йигитта салом.

Гўзадаги печакдай,
Қайрилмачоқ гажакдай,
Очилиган гул-чечакдай,
Қайнэгачисига салом.

Айрим ерларда келинга қариндош бўлмиш кишиларнинг, шунингдек, тўйда астойдил хизмат қилганларнинг номлари бирма-бир аталади:

Боқувдан чиқдан отдек,
Икки бети бапотдек,
Ҳабибуллога салом.

Яна халқ орасида кўёв томонидан келин томонга атаб, шунингдек, келинникига кўёв навкарлари билан келгандарида қиз томонидан айтиладиган «хуш келибсиз», шунингдек, «Тўй муборак» қўшиқлари ҳам бўлиб, улар ҳозир ҳам кенг тарқалган.

Йиги-йўқловлар Қадрдан кишининг вафоти муносабати билан аёллар томонидан йиғлаб айтиладиган аза, йиги, йўқлов, айтим, бўзлов қўшиқларида марҳумнинг энг яхши сифатлари йўқланади, шафқатеиз ўлим туфайли бошга тушган мусибат, жудолик

дарди ғам-алам билан изҳор этилади. Йиғиларни бошловчилари (айтиб-айтиб йиғловчи) бўлади. Буларни гўянда ёки йигичи дейилади. Ҳар бир тўртликдан сўнг аёллар бир оҳангда «ув» тортадилар. Азали уйларда бошловчилар аввалдан айтилиб келинган йиғиларни такрорлайдилар, баъзан янги йиги қўшиқларини ҳам тўқийдилар. Фалакдан шикоят қилиш, ота ёки онасидан ажралиб қолган ғариб етимларнинг аҳволидан полиш мотивлари, марҳумнинг ҳаётдан кетиши туфайли зор-зор йиғлаб, қон ютган она-нинг изтироб тұла аламлари тасвиранади. Ота, она, ака, укага алоҳида-алоҳида йиги берилади. Масалан, фарзанд ўлганда, она шундай йиглайди:

Қор ёғмаган учак йўқ,
Доғланмаган юрак йўқ,
Айвоннинг ўрасиё,
Болаларимнинг сараси.

Боққинамнинг боғбони
Үйгинамнинг султони.
Тахти равоним, болам,
Мулки жаҳоним, болам.

«Йиги-йўқлов»лар рамзий тасвирий воситаларга бой бўлиб, уларда ғамтузоридан айрилган кишининг қўйиб, ўртаниб айтган қўшиқлари тингловчи кўнглини ғоят қаттиқ ларзага солади, ҳаяжонлантиради. Марҳумнинг тарьиф-тавсифи дилларни вайрон қиласи. Ота, она вафот этса, «вой, отам», «вой, онам», эр ё хотин вафот этса, «вой, тўрам», «вой, уйим» деб йиги берадилар:

Дод, ўлимнинг дастидан, вой отам,
Фарёд ўлимнинг дастидан, вой отам,
Баланд тоғлар паст бўлдими, вой отам,
Ўлганинг рост бўлдими, вой отам.
Шамол келмай, ўчди чирогим, вой отам,
Куз келмай, хазон бўлди боғим, вой отам.

Экса битмас майдоним, вой тўрам,
Чақирсан келмас меҳмоним, вой тўрам.
От кутармас полвоним, вой тўрам,
Хонамдаги султоним, вой тўрам,
Қорайган тонгнинг тумани, вой тўрам,
Қақшатди ўлим ёмони, вой тўрам.

Шунингдек, онаизор ўлими ҳам ниҳоятда қайғулидир. Она фарзандларига ўз ҳаётида мислсиз наф келтириди, оқ сут бериб катта қилди, яхши кишилар қаторига қўшди, қанча заҳматлар чекиб улғайтиди, ҳатто шамолнираво кўрмай, эзгу тилаклар билан эркалади, ўстириди. Улуғ зот — она вафоти туфайли мотамсаро фарзандларнинг йигиси меҳр-оқибат ва садоқат туйгулари билан лиммо-лимдир:

Тут ёғоңдай мевали, онам,
Қайрагочдай сояли, онам.
Мевасидан еганим, онам,
Соясида ётганим, онам.
Аёзли күп айланган, онам,
Булутли күп буралган, онам.
Бұш белларимни болаган, онам,
Абгор юрагимни овлаган, онам.
Яхши күнимдә салтанатли, онам.
Емон күнимдә ҳимоятли, онам.

«Йиги-йўқлов»лар, айтим, марсиялар совет даврида ҳам яратилди. Совет ҳокимиятининг ашаддий душманлари билан курашда мардонавор ҳалок бұлган Абдулла Набиев каби қаҳрамонлар ҳақидаги марсиялар инқилобий рух билан сугорилған. Бундан ташқари, Улуг Ватан урушыда ҳалок бұлған фарзандтарға бағищланған йигиларда ҳам халқнинг урушга қарши исәни ифодаланған.

Езма адабиётда йиғи ғазалларини марсия дейилиб, жуда қадим замонлардан бери яратилиб келған.

ЛИРИК ҚҰШИҚЛАР

Халқнинг энг яхши орзуларини ифодалаган, юксак инсоний фазилатларни бой ва чуқур руҳий кечинмаларда акс эттирган, якка ҳолда ва колектив бұлғын, маълум күй билан ижро қилинадиган қушиқларга лирик құшиқлар деб айтилади. Тематик жиҳатдан ранг-баранг бұлған лирик құшиқларда объектив воқелиндеги муайян ҳодисалар инсон қалбіда туғедирған түйғу ва ҳислар кенг ёритилади.

Ишқ-муҳабbat мавзуудаги лирик құшиқлар мазмундорлығи, мусиқилендірілген, дилге яқынлығы билан алоқида ажралып туради. Уларда ҳаңызғы севгини улуғлаш, қадрига етиш, маңнавий ва ахлоқиң соғылған, вафо ва садоқатнинг қиммати табиий ва самимият билан тасвирланади.

Халқнинг лирик құшиқларында хос хусусият шуки, уларда меҳнаткаш халққа хос камтаринлик, поклик, күнгилларнинг бегуборлығы, самимиilik равшан акс этади. Уларда севимли, андишали, ҳаёли, оқида ёр образы узиннинг бир олам севинчлари, ноз-карапшалары билан гавдаланади. Құшиқларда пок қызың қалб ҳарорати барқ урип туради. Ёр дил дардини севгилисига издөр этганды унинг нүтқида ажойиб бир ҳиссиёт, интизорлық, муштоқлық, фидоиийлик, меҳр, вафо кечинмалары мароқлы ифодаланади. Қизнинг күз ўнгыда беқасам тұнлар кийиб бепарво

юрувчи йигит гавдаланади. Қызы ишқ үтида куяди, ёнағи, баязан унинг бераҳмлигидан нолийди:

Беқасам тұнлар кийиб,
Мүнча мени қүйдірасан.
Хар замонда бир қараб,
Ұлмай туриб ұлдірасан.

Бундай құшиқлар үзининг дилраболиги, ёқимли оҳанги, тұқ қоғиялари, образлизиги, тасвирий усул ва воси-таларнинг хилма-хиллиги билан инсон руҳий дүнёсини акс эттиради. Яратылғаниң күп вақт үтган бұлишига қаралмай, айрым құшиқлар кишиларға ҳали-ҳали чексиз завқ бағишлиғы. Бунинг сири — халқ құшиқларыда меҳнаткаш омма руҳининг тұла ифодаланғанлығыда, ҳаёт құзгуси бұлғанлығыда, тасвирланған образларнинг умумлашмалық күчидә, күй билан құшиқ текстининг ниҳоятда мос ва узвий бирлигидә, фикрининг бадиий бақувват, сайқал топған құйма сатрларда берилшида деб билиш керак. Меҳнат ахли ғурбатлы ҳаётнинг азоб-уқубатларини бир нағасга унуган ҳолда «Наманған олмасы» құшиғини тинглейді. Құшиқдаги қызы шира-шарбатта тұла Наманғаннинг қайсы бир мевазор боғыда ўз ёрини зориқиб кутаётібди. Нөзли ёр үзининг соғынч ҳисларини ажиб бир ҳаёба ибо билан шұх қуйлаб турибиди:

Наманғаннинг олмасы ҳил-хил пипиби-ё,
Таманноси билан ерга тушибиди.
Бориб айтинг үшал жонона ёрга.
Менинг ишқим унға ёмон тушибиди...
Қошимга ұсмалар қўйсам келарми,
Қуымга сурмалар қўйсам келарми?
Яли-яли-яли, ялло демасман-а,
Ялинганинг билан-о ённингга бормасман.

Машхұр «Танавор» құшиғыда эса, ишқ үтида ўртандын арз-додини әшитасиз. Унинг нотавон, әркисиз, тутқунликдеги шум тақдирі тингловчини ғоят ачинтиради, ларзага солади. Чунки қызнинг дардчил қуйида, фарёд чекишида замоннинг бевағолигидан шикоят, ҳижрон, айрилиқ дардига даво тополмай, қуйиб күл бұлған шурлапқы қызнинг бутун вужудини оғир ғам тоши әзіб ётгани ўз ифодасини тонади. Мунгли, майин күй дил яраларини аламли тирнагандай бұлади:

Қора сочим ўсіб қошимга түшди, дүст ёр,
Не савдодар менинг бопшымга түшди, дүст ёр,
Бориб айтинг үшал бевағо ёрга, дүст ёр,
Танамдан үт чиқиб, бағрим туташди, дүст ёр.

Үтмишда яратилган құшиқларда тақдирдан шикоят, умидсизлик, тушкунлик охангларининг эшитилиши табиий бир ҳол. Негаки, ҳоким синғнинг беҳад зулми, зўравонлиги, диий ақидалар ҳукмрон бўлиб турган бир замонда меҳнаткаш инсон қадри тупроқ билан тенг ёди.

Фикрии савол-жавоб йўли билан тимсолий шаклда ифодалаган «Гул ўйин» деб номланган құшиқда севишган икки юракнинг бир-бирига арзи ҳол айтиши табиат гўзаллиги тасвири орқали берилади. Бунда ошиқ-маъшуқларга хос шўхлик, қувноқлик, назокат, севишганларнинг бир-бирига бўлган меҳр ва садоқати, ақл-заковати, ҳам-фирлилик акс этади. Йигит тоғ капитари бўлиб, ўз ёрини — сой чумчуқларини қувлаб юргандай бўлса, «Ёр, анда на қилгайсан?» деб савол қўяди. Бунга жавобац қиз: «борди-ю мен лочин бўлиб сени чангала олиб қочсан, сен нима қила олар эдинг», — дейди ва йигитни лол қолдирмоқчи бўлади. Лекин йигит ўз навбатида:

— Мен юрган овчи бўлиб,
Милтиқлаб отиб олсан,
Ёр, анда на қилгайсан? —

дейди. Бунга жавобац қиз ҳам буш келмайди. У «борди-ю, сен мени овчи бўлиб, отиб олсанг, мен богда анор бўлиб қизариб, пишиб турсам, ёр анда на қилгайсан?», — дейди. Йигит эса ҳозиржавоблик билан қизга узининг бутун самимиятини билдириб, шундай жавоб беради:

— Сен богда анор бўлсанг,
Қизариб пишиб турсан,
Мен юрган боғбон бўлиб,
Битталаб узуб олсан,
Ёр, анда на қилгайсан?

Құшиқда ошиқ-маъшуқларнинг бир-бирига эркалаб, суйиб қилган ёқимли ҳазили, нозик сўз ўйинлари, хушчақчақ ҳиссиятлари кишини ўзига мафтун этади. Қиз билан йигитнинг нафосатли савол-жавобларидан уларнинг нозик таъбларда бир-биридан кам эмаслиги билинади. Севги гулшанида тент-тенги билан яйраган, висол дамларини бирга хушҳол ўтказган тентқур ёшларнинг куч синаши гоят жозибали ва завқли тасвирланган. Уларнинг мулоқотида, рамзий маънодаги фикрларнинг ўзаро мантиқий боланишида икки қалбнинг ўйноқи оханглари зарбини сезиш мумкин.

Чорвадорлар орасида анча кенг тарқалган «Чўпон йигит билан қиз айтишуви»да ҳам инсон ҳаёти ва табиатнинг мураккаб ҳодисаларига ишора қилинади. Қиз йигитни, йигит эса севгилисими ақл-идроқда синамоқчи, унинг инсонни ўраб олган муҳитни, табиат сирларини қанчалик билишини аниқламоқчи. Бу билан улар маънавий дунёси ёришгандай, турмуши зиддиятларини ақл кўзи, зийраклик билан кузатгандай бўлади. Бу айтишувда ҳаёт ҳодисаларининг соддаликдан мураккаблик томон ўсиб бориши кўрсатилади. Қиз «борди-ю мен тариқ бўлиб сочилиб ётсан, нима илож қилас әдинг», деса, йигит бунинг йўли осон, «мен жўжални каклик бўлиб териб оламан», дейди. Бироқ ёвузылик тимсоли бўлган олғир қора қуш, қўрқаламуш, қоплон, заҳарли илон кабилар тимсол келтирилганда, инсон боласи гоҳ мерган, овчи, гоҳ илон ўйнатувчи қиёфасида намоён бўлиб, айтишувда ғолиб чиқади:

Чўпон. Кўрқаламуш сен бўлсанг,
Тарғил пишак мен бўлиб,
Олиб есам қайтасан?

Қиз. Олғир пишак сен бўлиб,
Қорала қўпак мен бўлиб,
Силкиб солсан қайтасан?

Чўпон. Қорала қўнак сен бўлсанг,
Сарала қонлон мен бўлиб,
Силкиб ташласам қайтасан?

Қиз. Сарала қоплон сен бўлиб,
Чайир мерган мен бўлиб,
Отиб олсан қайтасан?

Чўпон. Чайир мерган сен бўлсанг,
Капча илон мен бўлиб,
Чақиб олсан қайтасан?

Қиз. Капча илон сен бўлсанг,
Мурч еган морбоз мен бўлиб,
Авраб олсан қайтасан?

Юқоридаги айтишувда халқ фикр-ўйлари, орзу-умидлари мантиқий далилларда бой, тоят тийран ифодаланади.

Шариат қонунлари, руҳонийлар аёлларни сочи узун, ақли калта деб таҳқирлаган бир замонда меҳнаткаш омма уларни нозик таъблӣ, ўтқир зеҳнли, олижаноб инсон сифатида ардоқлайди — зулматнинг қора пардасини хаёлан

йиртиб, диний тушунча ва эътиқодларни улоқтириб ташлайди, барбод этади. Халқ ижодиётининг қудрати, баркамол образларининг ҳаётийлиги, чуқур оптимистик руҳи ана шундадир.

Муҳаббат қўшиқларида севги билан унга садоқат тушучаси бирга келади. Айниқса уларнинг баёни ҳаётий муболагалар, нозик ўхшатишлар тасвирида берилиши характерлидир:

Ер юрган кўчаларни
Супирай сочим билан.
Чангি чиқса сув сепай
Кўздаги ёшим билан.

Лирик қўшиқларда ижтимоий тенгсизлик кўпинча севили ёрга етиша олмаслик мотивларида ифодаланади, тенгсиз никоҳ қораланади, чиркин урғ-одатларнинг зарарли оқибатлари қон ютган аёлларимизнинг чеккан оҳифонларида, газабли сўзларида, аччиқ-аччиқ кинояларидага ўзининг реалистик бадиий ифодасини топади.

Туйнуқда бир ой кўрдим,
Бир оқ қашқа той кўрдим,
Ўн беш яшар чоғимда
Саксон яшар чол кўрдим.

От бойладим харига,
Харидан ҳам нарига,
Отам мени сотдилар
Ўзларидан қарига.

Қўшиқлarda ёрнинг тасвири ниҳоятда хилма-хил. Қайрилма қош, қалам қош, қарчигай бўй, кўзлари ўтдай (ёнадир) ва ҳоказо. Ёр тоғ кийигига, лочинга ўхшатида, қизнинг жамоли тўлин ойга, офтобга қиёс қилинади, унинг донолиги, одоб билан юриш-туриши, табассуми, ноз-карапмаси тасвirlари ҳам кишига бир олам завқ беради:

Шойидан чорси ясайин,
Бели тасма, ёргинам,
Арчадан қошиқ ясайин,
Лаби писта, ёргинам.

Оҳангдош товушлар — аллитерация ёрдамида ёрнинг руҳий изтироблари, кечинмалари ғоят таъсирли ифодаланади:

Қош қароликдан қарорим қолмади,
Интизорликдан мадорим қолмади.

Бу сатрларда оҳангдош бўлиб келаётган «қ» товуши, «қолмади» сўзи такрорланиб радиғ ўрнида ишлатилиши, тўла қофиялар дили яра, обдон эзилган, заҳматкаш ошиқ ўигитнинг ниҳоятда ачинарли ҳолатидан хабар беради.

Ҳажвий қўшиқларда пичинг, заҳарханда кулги, киноя мухим ўрин тутади. Халқ ҳажвиёти чуқур социал зиддиятларга аниқ, равшан ишора қилиб, ҳукмрон табаца кирдикорлариши аёвсиз фош этади. Масалан, «Омон бўлсин» термасида юрт ҳокимларининг ҳар бирига багишлиланган кинояли характеристика улардаги энг мухим салбий қўришини яққол гавдалантиришга ёрдам берган. Умр бўйи ҳокимлардан қўилча яхшилик кўрмаган жафокаш дехқон зўравонлик, ҳийла-найранг ишлатиб ёлнинг қопини зулукдек сўрган айёр маңсабдорларни танқид қамчиси билан роса савалайди. Термадаги ўхшатишлар фикрни ғоят аниқ ва жопли ифодалашга хизмат қиласди. Қуйидаги биринчи бандда кеккайсан бўлиснинг димоғдорлиги, амалпарастлиги очилса, иккинчи бандда мингбошининг доғулиги, мунофиқона ишлари баён этилади:

Ургимчакдай тур ёйган,
Мих ютгандай ғўдайгай,
Бўлиси «омон бўлсин!»

Қўлида ўрма қамчи,
Сур тулиқидай алдамчи,
Мингбоши «омон бўлсин!»

Элликбоши характеристида юрт зодагонлари олдида хушиомадгўйлик қилиш одати мухим ўрин тутади. Қозининг ҳамма ёмон сифатлари ичида қўзга яққол қўринадиган порахўрлиги култили йўл билан очиб ташланади:

Камбағали талаган,
Бойлар думин ялаган,
Элбоши «омон бўлсин!»

Қорни гўжা қовоқдек,
Оғзи ўйиқ товоқдек,
Қоиси «омон бўлсин!»

Қўшиқчи ўз фикрини қисқа, лўнда, образли ифодалаш билан танқид остига олинган конкрет шахснинг характеристли нуқсонини нишонга олади. Шу тариқа термада ҳоким синфнинг барча вакиллари сатира остига олилади.

Ҳажвий қўшиқларда чиркин урғ-одатларни қоралаш билан даврнинг мухим ижтимоий масалалари, эрк ва тенглик ғоялари кўйланади. Қўшиқларнинг бирида тутқун аёлнинг кундошлик азобидан нолиши зар ва зардобли ҳаёт зиддиятлари тасвирда курсатилади:

Зарга тўлди билагим,
Зардобга тўлди юрагим,
Атлас кўйлак ичида,
Хуноб бўлди юрагим.

Чархим таноб таплайди,
Бир балони бошлайди,
Кундошлиги қурисин,
Кунда уруш бошлайди.

Билакдаги зар, юракдаги зардоб, оловдек товланиб турган атлас қўйлак ва юракда тўлган қон бадий контраст тасвирлардир. Инсон қадрини мол-дунё, шул билан ўлчовчи ҳоким синф ахлоқи ҳам шу қўшиқ мазмунида яширинган, «Бой келин»нинг кўзига бу мол-дунёлар бир бало бўлиб кўрипади. Чунки унинг обрўси, қадри-қиймати шулар эвазига сотилганини яхши билади.

Лирик қўшиқлар кўпчилик ҳолларда биргина тўртликдан, баъзан эса, бир неча тўртликлардан ташкил тоиди. Бир-бiri билан мазмуп жиҳатдан узвий бириккан қўшиқларда ҳар бир тўртликнинг охирги сатридаги маълум сўзлар кейинги тўртликнинг биринчи сатрида тақорланиб, мантиқий изчилликни юзага келтиради.

Қўйидаги бир неча тўртликдан йигитланган қўшиқларда мазмуний изчиллик етакчилик қиласи. Шундай қараганди, бу тўртликларни алоҳида қўшиқлар шаклида ҳам тинглаш мумкин. Аслида эса улар бир бутун қўшиқнинг таркибий қисмларидир. Ошиқ йигитнинг севгилисига бўлган садоқати, вафодорлиги шунчалик рамзий тасвирларда чуқур ички самимият билан бадий ифодаланадики, унда қайси бир нобакорнинг жабридан севимли ёрига интизор юрган йигитнинг дил талпинишини тўлалигича тасаввур этиш мумкин:

Оқ уйингга васса тердим,
Санамадинг жуфтми, тоқ,
Оқ уйингдан бир қиз чиқди,
Коши қора, юзи оқ.

Қопи қора, юзи оқнинг
Мен ёри бўлсан керак,
Кўккина капитар бўлиб,
Кўксida жон берсан керак.

Кўккина капитар эмасман,
Кунда-кунда келгани,
Ойда-йилда бир келарман
Ой юзингни кўргани.

Ой юзингга ойнаман,
Сунбул сочинга мағ тарок,
Хушласанг олдингдаман,
Хушламасанг, кетай йирок.

Халқ қўшиқларида, айниқса, улар маълум қуй билан айтилганда, қўпинча нақарот қўлланади. Нақарот тематик бир-бирига яқин қўшиқларни уюштирадиган мусиқий компонент вазифасини ўтайди, мустақил тўртликларни бирлаштиради, бир неча бандли яхлит асар ҳолига келтиради. Нақаротлар ранг-барангдир: «Қадамингда гуллар очилсип», «Чамалда гул очилди-ё, чакканга тақ, чакканга», «Гулёрахон бўйларингдан, гулёр», «Файро-ғайро дамбадам, оромижоним қайдасан» ва бошқалар.

Юқорида келтирилган қўшиқларда халқнинг нафосат ҳақидаги орзулари, тушунчалари, идеали бадий ифода-

ланган. Таъриф ва тавсифга лойиқ қиз-йигит баркамол, соҳибжамол тарзида гавдаланади, уларнинг ташқи қиёфасида ногиронлик ёки бирон нуқсон кўринмайди, аксинча, қиз ой юзли, қалам қош, қора кўз, истараси иссиқ, ҳандаляк бўйли, исми жисмига монанд, хушрўй бўлса йигит ҳам қадди-қомати келишган, хушбичим, ўқтам, жасоратли, довюрак. Уларнинг ташқи кўриниши маънавий гўзаллиги билан уйгун келади. Ҳар иккаласи ишқ дардида бирга ўртанади. Ҳижрон изтиробларини биргаликда чекиб, муҳаббат нашидасини бирга суради, бир овоздан вафо-садоқатни куйлади, бевафоликни, номардликни тубанлик деб тушунади, қарғайди. Шундай қилиб, лирик қўшиқларда тасвирланган ёр ўзининг сурати ва сийратидаги гўзаллиги билан чуқур инсонийлик фазилатига эга бўлиб гавдаланади.

Ўзбек халқ қўшиқлари жанри давр билан ҳамнафас бўлиб ривожланади, меҳнаткаш омма қалбининг ойнаси, ҳаёт қомуси сифатида авлодларни гоявий-эстетик, ахлоқий-маънавий жиҳатдан тарбиялашда қимматли манба бўлиб келди.

ТЕРМАЛАР

Терма ўзбек фольклорининг мустақил жанри бўлиб, унинг яратилишида бахшиларнинг роли ниҳоятда каттадир, кўпчилик ҳолларда улар достончиларнинг индивидуал ижоди ҳисобланади. Панд-насиҳат, одоб-ахлоқ, соз ва сўз ҳақида яратилган, ижтимоий ҳаётдаги турли ҳодисалар, шахс ва жониворларнинг таърифи ёки танқидига бағишлиланган, бахшилар томонидан куйланадиган 10—12 сатрдан 150—200, баъзап ундан ҳам ортиқ мисраларгача бўлган лирик, лирик-эпик шеърларга терма дейилади. Терма сўзининг маъноси *териб, танлаб тизиши* демакдир, яъни нисбий мустақилликка эга бўлган форма ва мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин бандларни (ҳар бир банд 3, 4, 5, 6 ва ундан ортиқ мисралардан иборат бўлиши мумкин) композицион жиҳатдан яхлитлаширишдир. Бахшиларнинг ўзлари ҳам «Терма шу, териб айтиб борасап» дейдилар. Улар баъзан «Нима айтай?» термасини иккичи бир ном билан «Достон териши» деб юритадиларки, бу ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Термада ижро давомида айрим бандларнинг қўшилиши ёки ўрин алмашиши, баъзи бандларнинг тушиб қолиши мумкин. Достонлардан

олиб айрим ҳолда айтилган парчалар ҳам терма деб юри-тилади.

Термалар яратилиш жиҳатидан анъанавий ва замона-вий, ғоявий-тематик хусусиятларига кўра яна қатор ички турларга бўлинади.

Термаларнинг энг кўп тарқалгани «Нима айтай?» шеъридир. Бу терманинг узун-қисқалиги айтиувчининг достончилик репертуари билан боғлиқ. Шоир достон бошли-масдан олдин аудитория диққатини ўзига тортиш, тингловчиларда достон эшитишга муайян кайфият түғдириш мақсадида терма бошлайди. Шоир терма айтиб туриб ўз репертуарипи баён этади, муайян достон ва унинг қаҳрамони фаолиятининг айрим штрихларини тингловчилар ёдига туширади. Масалан:

Ўн бешида ойдай тўлган,
Олмосини белга соглан,
Гўрўғлига хизмат қилган,
Қирқ йигитни гирдга олган,
Сўраб ўтди Аваз полвон,
Авазхондан айтайнми?

Ёки:

Авазнинг бир ўюли Гулихромон,
Шунга ҳам буюрди Гўрўғли султон,
Қабул қилда ўн олтида Авазхон,
Хиромондан айтайнми, қадрдон?

Термаларнинг каттагина қисмини автобиографик ва биографик асарлар ташкил этади. Автобиографик термаларда («Дўмбирам», «Дуторим», «Кунларим») бахшилар дўмбираси, дутори, батъсан қўбизига мурожаат этиб, уларни бир суҳбатдошдай жонлантириб, ҳаётларининг айрим моментларини, репертуарларининг баъзи бир хусусиятларини баён этадилар. Масалан, Пўлкан шоир шундай кўйлади:

Янги тор тортайин торингни узиб,
Уйдан сўнг сўйларсан суягинг қизиб,
Одамлар кетмасин мажлисини бузиб,
Масков, Нижний, Қозон, Нўгойни кезиб,
Шаҳарни қидириб юрган дўмбирам.

Шоир наздида унинг сози товушига қувват, мажлисга косагул, чопқир бедов, улфатларнинг қўнглини олувчи ёрдамчидир:

104

Уч-тўрт оғиз мақтаб қуяй ман сани,
Қовурғандан қириб солган раидани,
Хониш қилсан ёлғиз қўймайсан мани,
Хонишимиға ёрдам берган дуторим.

Автобиографик термалар юмористик моментларга, ҳазили-мутойибага бойлиги билан ажralиб туради:

Номард-йигит бу мажлисга бўйламас,
Авжи келса Нурман гапни ўйламас,
Ериб ёқсан бирор чойдиш қайнамас,
Сендей ёғоч ўтин бўлган дўмбирам.

Ўзбек фольклорида ҳалик достонлари қаҳрамонларининг тилидан айтилган ёки уларнинг мақтовига бағишланган қатор термалар борки, уларни биографик термалар дейиш мумкин. Бу термаларнинг характерли хусусияти шундаки, бир-бiri билан чамбарчас боғланган мустақил бандларда қаҳрамон эпик биографиясининг асосий нуқталари кўтариини услубда тасвирилаади. Бундай тасвирида ҳалқимиздаги мардлик ғурури, садоқатлилик ифтихори, ҳалол меҳнат билан фахрланиш ҳис-туйғуси алангланиб туради. Шундай асарлардан бири кекса Гўрўғли тилидан айтиладиган «Кунларим» термасидир. Бу термани бахшиларнинг деярли ҳаммаси ўз салоҳиятига яраша куйлаганлар. Аммо унинг энг яхши варианatlари Эргаш шоир ва Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган.

Термада «Гўрўғли» туркумига киравчи ҳар бир достон воқеаларига чиройли бир ишора бўлиб, бунда ҳалқпарвар Гўрўғли ва унинг босиб ўтган ўюли тингловчи кўз унгидага яққол намоён булади. Бахши наздида кексайган Гўрўғли ўз ўтмишига назар ташлар экан, бу ҳаёт ва кураш ўюли қувонч, шодликларга ҳам, ҳасрат, аламларга ҳам тўладир. Бахши «гуркираб-гулдираб ўтган» Гўрўғлининг ҳасрат ва армонларини тасвирилаш орқали ўтмиш жамият иллатларини шоирона кўрсата билган:

Бу гапларни айтди Чамбилининг шойи,
Бепилик ёнарми чирокнинг мойи,
Қариганда бўлиб фарзанд гадойи,
Бебаҳра бўлиб парилар ҳамроии,
Қулоч уриб, қуруқ қолган кунларим.

Бахшилар куйлаб келган «Борми жаҳонда», «Армонинг қолмасин», «Армөним қолмади», «Гўрўғли», «Гўрўғлибек — зўр ботир» каби термалар шу характердаги асар-

105

лардир. Рус революцион демократи Н. Г. Чернишевский-нинг таъкидлапича, шоирлар одамларни ҳаёт ҳақидаги олижаноб тушунча ва ҳисларга бошловчи кишилардир. Уларнинг асарларини ўқир эканмиз, биз ҳар қандай қабиҳ ва разил парсадан нафратланишини, бутун эзгу ва гўзал нарсаларнинг мафтун этувчи кучини тушунишини, барча олижаноб нарсаларни севишни ўрганамиз, уларнинг асарларини ўқир эканмиз, ўзимиз яхшироқ, эзгуроқ, олижаноброқ булиб борамиз.

Шу нуқтаи пазардан ҳалқ шоирлари термаларига назар ташлар эканмиз, чиндан ҳам уларда ўқувчи ва тингловчи мафтункор бир оламга олиб кирилади, чиройли ва эзгу нарсалар ташвиқ қилинади. «Булут чайнаб, музни пурккан» Гўрӯғли ва бошқа ҳалқ қахрамонларининг гўзал сифатлари тасвирланиб, уларни тингловчи ва ўқувчиларга ҳам тақишига, юқтиришга бўлган интилиш, янада «яхшироқ, эзгуроқ, олижаноброқ» бўлишга чақириқ яққол сезилиб туради.

Ўзбек фольклоридаги автобиографик ва биографик термалар совет даврида атоқли ҳалқ шоирлари Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Таржима ҳол», Фозил Йўлдош ўғли, Сайдмурод Паноҳ ўғли, Абдулла шоирларнинг, «Қунларим» номли, Ислом шоирнинг «Бахтиёр авлодларга» каби автобиографик лирик-эпик достонларининг яратилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Демак, терма жанри шу даражада кенг имкониятга эгаки, унга мос мазмун топилса, шу формадан фойдаланиб, ийрик эпик асарлар яратиш мумкин экан. Ўзбек бахшилари ижоди буни тўла тасдиқлайди.

Термаларнинг аксарияти дидактик характерга эга. Дунёning аччиқ-чучуги, паст-баланди, яхши-ёмонини кўрганип ижодкор меҳнаткаш ҳалқ ва унинг бахшилари шу хил ҳолатларнинг мусбат ва манфий томонлари ҳақида қатор асарлар яратганлар. Бу хил термаларда яхшилик, ноадолат, мардлик, чин сўзлик улуғланган, пасткашлик, норакаслик, қўриқлик, қўролмаслик ва фисқу фасод қоралангани.

Шу жиҳатдан қараганда, Эргаш шоир термасидаги яхшилик ва ёмонликни англаш, сўз ва суҳбат қадрига етиш ҳақидаги қуйидаги сатрлар ғоятда ибратлидир:

Ҳар парсадан сухан қиммат, ёронлар,
Яхши сўзни қилинг хурмат, ёронлар.
Вақтигизин қадрин билиб ўтказинг,

Баридан шу дам ғанимат, ёронлар.
Бу дунёда ширин, дўстлар, тириклик,
Ўз тенгингиз билан суҳбат, ёронлар.
Яхшига ёнашиб одам айириш,
Хар нокасга булманг улфат, ёронлар.
Яхшиман ёмонни сўзман билади,
Тилдан чиқар дилда пият, ёронлар.

Дидактик термаларнинг характерли хусусияти шундаки, биринчи мисрада ўртага ташланган фикр сунгти мисраларда давом этирилади. Бундай термаларни ўқир экансиз, ҳаётдаги қандайдир умумий боғланиш кўзга ташланади.

Бахшилар репертуарида бойлар, эшонлар, текинхўрларни аёвсиз савалаган сатирик термалар ҳам тез-тез учраб туради. Жуманбулбул яратга мана бу терма шунга яхши мисол бўлади:

Агар тую бўлганингда жўнг бўларинг,
Отдан кейин, эшакман тенг бўларинг,
Қантар сўмай хариш буб ағнаб ётиб,
Карға билан қуэгунга ем бўларинг.
Агар ўйлчи бўлганда ўтмас эдинг,
Баҳонг қирқ беш, элликка етмас эдинг,
Хар ким олса ўзингни айниб бериб,
Чир айланив овулдан кетмас эдинг.

Ошиқ-маъшуқлар тўғрисида, яхши ва ёмон хотин, соз ва сўз таърифида, турли иш ҳайвонлари ҳақида қатор термалар яратилган. Атоқли туркман шоири Махтумқули асарларининг ижобий таъсирида бир қатор ўзбек бахшилари (Ислом шоир, Умир Сафар ўғли, Хоразм бахшилари ва бошқалар) ўртасида дидактик йўлда термалар яратиш расм бўлди.

Совет даврида бахшилар В. И. Ленин, Коммунистик партия, янги ижтимоий тузум, Улуг Октябрь социалистик революцияси, социалистик қурилиш ҳақида қатор термалар яратдилар. Айниқса, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Ислом шоир Назар ўғли, Абдулла шоир, Умир Сафар ўғли кабиларнинг ижоди баракали бўлди.

Кўриниб турибдики, термалар кундалик воқелик ва инсоният фаолиятининг айрим томонлари билан мустаҳкам боғланган ҳолда юзага келган ҳалқ шоирларининг индивидуал ижодлари бўлиб, оғиздан-оғизга ўтиб кенг тарқалгандир.

Мақоллар

Мақоллар ўзбек халқ оғзаки ижодининг қадимий оммавий жанрларидан биридир. Уларда халқимизнинг дунёни қараси, жамиятга бўлган муносабати ва ахлоқий нормаси ўз ифодасини топган. Мақоллар меҳнаткаш халқ оммасининг маънавий қиёфаси, идеали, орзу-умиди, интилишлари ҳамда табиат ва жамият ҳақида юритган мулоҳазалаганинг синтези, ҳаёт тажрибаларининг умумлашма ифодасидир.

Мақол — майтиқий мушоҳада намунаси, одоб ва ахлоқ қойдаларини жамулжам этган доно гаплар қадимдан халқ донишмандлиги, ақл-идроқи, фикр-ўйларининг ифодаси сифатида яшаб келгандар; синалан, турмуш тасдиқидан ўтгани тушунчаларни ифодалаб, унга қанот баҳиш этганлар. Мақоллар таълим-тарбиявий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. У кишиларпи огоҳлантиради («Бирорга кулма зинҳор, сенга ҳам кулгувчилар бор»), маслаҳат беради («Йўл билмасанг йўл сўрагин юргандан, гап билмасанг гап сўрагин билгандан»), танбеҳ бериб, танқид қиласи («Чолни кўриб бувам дема»), меҳнатни улуглайди («Ишлаганинг оғзи ошга тегар, ишламаганинг боши тошга тегар»), ҳажкий кулги остига олиб, фош этади («Иштонсиз тиззаси ииртиққа кулар») ва бошқалар. Куррамизки, мақолларда чуқур мазмун, меҳнаткаш омманинг дополиги, миллий анъана, узоқ асрлик ҳаёт тажрибалари, табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида фикри, баҳоси, меҳнат якунлари мужассамлашган. Шунинг учун ҳам мақоллар узоқ умрли бўлади. Мақолларда ҳар бир тарихий давр, ижтимоий-сиёсий воқеалар маълум даражада ўз изини қолдиради. Шунингдек, янги-янги мақоллар яратилиб, сўз санъати ҳазипаси бойийверади.

Мақоллар кўп жиҳатдан маталларга ўхшаса ҳам, уларнинг ҳар дайиси узига хос хусусиятга эга. «Темирни қизигида бос», «Ёвни аяган яра ер, калтагини сара ер», «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тузар», «Эр йигитга икки номус — бир ўлим» кабилар том маъноли мақоллар бўлиб,

Орезини бўлшига олиб

уларнинг мазмунида тугал фикр, умумий холоса бор. «Сулаймон ўлди, девлар қутулди», «Тош қаттиқми, бош», «Қўрган билан эшитган бир эмас», «Аёзхон, ҳаддингни бил» кабилар эса маталлар ҳисобланади. Нунки уларнинг мазмунидан умумий холоса, тугал фикр англашилмайди, балки хусусий белгининг ўзигина ифодаланган.

Дарҳақиқат, «Темирни қизигида бос» мақолида фактлар жамлапиб, тугал фикр, умумлашма маъно келиб чиқсан. Насиҳат, ўгит ҳамма ишни ўз вақтида бажаришга қаратилган бўлиб, маъно ниҳоятда кенг. «Сулаймон ўлди, девлар қутулди» маталида эса, тугал, умумлашма маъно ийқ, холоса кўринмайди, фақат хусусий маъно ифодалапган, холос. Шундай қилиб, мақол чуқур ва кенг маъноли, ибраторумуз, тугал фикр аংглатса, матал жузъий белги англатувчи таъсиран путқ безагидир.

Мақоллар халқ тушунчаси, ҳаёт тажрибалари, мулоҳазаларининг умумлашма холосасигина бўлиб қолмай, ҳақиқатнинг образли ифодаси, у ёки бу масала устидан чиқарилган хукм ҳамдир. Мақол ҳажми ихчам, қисқа бўлиб, шухта ишланган, кенг маънони ифодаловчи образли путқ намунасиdir. Бирор жумла, гап шаклида келган мақолда ортиқча сўз бўлмайди. Ҳар бир сўз аниқ, ўз ўрнида ишлатилган ва аҳамиятли бўлиб, ўзига хос ритм, оҳанг, комиозицияга эга.

Ўзбек халқ мақоллари узоқ даврлар давомида яшаб, алоҳида жаир сифатида шаклланди, авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб келмоқда. Утмиш маданий ёдгорликларда мақоллар кўплаб учрайди. XI аср қомуси ҳисобланган Маҳмуд Комғарийнинг «Девону луготит турқ» асарида келтирилган мақолларда ўшқа замон руҳи, дунёқараси, кишиларга, меҳнатга муносабатнинг турли хил шакллари ўз ифодасини топган. Бу мақоллар қадимги турк уруғлари ва қабилалари орасида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг варианtlари бизгача етиб келган. Масалан:

Девонда: Киши оласи ичтин,
Ийлқи оласи тиштин.

Хозир: Одам оласи ичиди,
Мол оласи тишида.

Девонда: Ош тотиғи туз.

Хозир: Ошнинг таъми туз билан.

Мақоллар тарихийлик хусусиятига эга. Улар кўпинча тарихий воқеа ва ҳодисалар таъсирида вужудга келган.

Шунинг учун ҳам мақолларнинг ғоявий мазмунида ҳалқ ҳаётининг турли хил томонлари ўз аксини топган. Маълумки, туркий ҳалқлар қадимдан чорвачилик ва дехқончилик билан шуғулланиб келган. Бинобарин, баъзи бир мақоллар чорвачилик ва дехқончилик билан боғланади. Уларда ҳалқнинг меҳнат тажрибалари умумлаштирилади:

Боқ отингни арпа билан,
Боқар қази қарта билан.

Богни боқсанг, боғ бўлар,
Ботмон-даҳсар ёғ бўлар.
Боқимсиз боғ тог бўлар,
Юрак-багриң дор бўлар.

Мўгуллар истилоси даврида (XIII аср) Чингизхон зулми жуда кўп нақл, мatal, афсоналарнинг яратилишига сабабчи бўлган. Ўша даврда тўқилган мақолларда тарихий фактлар ҳам қўзга ташланади:

Бўжи келди, бўжи келди,
Чингиз билан Жўжи келди.

Маълумки, феодал тузум шароити ҳамда ҳукмрон синф вакиллари меҳнаткаш дехқон, косиблар ҳаётини иқтисодий жиҳатдан отир аҳволга солиб қўйган эди. Бу ҳолат ноchorлик, очлик, камбагаллик ҳақидаги мақолларнинг юзага келишига сабаб бўлди:

Бўзчи белбоқча ёлчимас,
Кулолчи — мўндига.

Камбагалнинг оғзи ошга етганда,
Бурни қонайди.

Чоракор чораклаб олар,
Бой акам — ботмонлаб.

Айни чоқда зулм ва зўрликка қарши очиқдан-очиқ норозилик, исёнкорлик руҳи билан сугорилган мақоллар ҳам яратилди:

Амирнинг ошидан
Фақирнинг мушти яхши.

Бекнинг чашмасидан сув ичма.

Холвани ҳоким ер,
Калтакни етим ер.

Мақоллар зулм, зўравонлик, текинхўрлик каби феодал синфиға хос хусусиятларни фош этади.

Қози ва қозихона қадимдан адолатсизлик, жаҳолат даргоҳи ҳисобланган. Улар шаклан ҳақиқатнинг ҳимоячиси бўлиб кўринсалар-да, аслида феодал синф манфаатларини ҳимоя қилиб келган. Шунинг учун ҳам ҳалқ қозиларни, муллаларни иккюзламачилик, айёр ва золимликда айблайди:

Кийшиқ арава йўл бузар,
Қози, мулла эл бузар.

Даъвогаринг қози бўлса,
Додингга ким етсин.

Бундан ташқари, диний тушунчалар таъсирида юзага келган мақол ва маталлар ҳам мавжуд, чунки ислом дини узоқ асрлар давомида ўз мағқурасини ташвиқ этиб, меҳнаткаш, илмсиз, оддий ҳалқнинг дин пешволари ва ҳукмрон синф олдида итоаткор бўлишини, қулликни таъминлаб келган. Диний мағкура билан йўғрилган мақол ва маталлар ҳукмрон синф қўлида қурол вазифасини утаган. «Хотин әрнинг қули», «Ота рози — худо рози», «Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми» кабилар шундай мақоллар жумласига киради. Бироқ меҳнаткаш ҳалқ антиклерикал мақоллар яратишда давом этади. Уларда дин арбоблари ва уларнинг қалбакилик, риёкорлик, текинхўрлик, мўлтонилик каби ярамас иллатлари ўткир ҳажв ўқига нишон бўлган:

Эшоннинг қорни бешdir,
Бири ҳамиша бўшdir.

2) Халқ донишмандлиги — мақолларда турмуш ҳодисалари билан боғлиқ бўлган ватаннарварлик, мардлик, қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, илм-ҳунар, вафодорлик каби идеал ахлоқ намуналари маъқулланиб, подонлик, қурқоқлик, эгрилик, ёмонлик, умидсизлик, ёлғон гапириш, ялқовлик, очқузлик каби ярамас иллатлар қораланади. Бу нарса ўзбек мақолларининг ғоявий-тематик жиҳатдан бой ва ранг-баранглигини кўрсатади.

3) Узбек ҳалқ мақолларида она-Ватанни севиш ҳамда уни ҳар қандай ички ва ташқи душмандан сақлаш мотиви асосий ўринни эгаллади. Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат, уни қадрлаш ғояси образли тарзда ифода этилади,

Булбул чаманин,
Одам Ватанин севар.

Она-юртинг омон бўлса,
Рангি-рўйинг сомон бўлмас.

Юрт қўрисанг, ўзарсан,
Қўримасанг, тўзарсан.

Дўстларга шафқат, душманга нафрат, ўзаро иттиғоқ
бўлиб яшаш, колектив бўлиб меҳнат қилиш гояси ма-
қолларнинг асосий мағзини ташкил этади:

Бирлашган ўзар,
Бирлашмаган тузар.

Кўнчилик тикилса, тоф қулади.

Коллективга, эл-юртга суюнмай, ўзича кўпчиликдан
ажралиб қолган шахслар қаттиқ танқид қилинади:

Тўдадан ажралган тўрга тушар.

Олтovлан ола бўлса, оғайдагин олдирап.

Мақолларда бирлашиб, бир-бирига кўмаклашиб, кен-
гашиб қилинган меҳнат серунум бўлади деган юксак гоя
илгари сурилади. Инсон меҳнати улугланади:

Барвакт қилинган ҳаракат,
Ҳосилга берар баракат.

Дарё сувини баҳор тоширади,
Одам қадрини меҳнат оширади.

Емғир билан ер кўкарар,
Меҳнат билан эл кўкарар.

Мақолларда инсоннинг ижобий хислатларини улуғлаш
билан бирга эски тузумдан қолган сарқитлар қаттиқ қо-
раланди. Ўша жамиятда туғилган очкўзлик, текинхўр-
лик, таловчилик, аёлларга паст назар билан қарашиб каби
ярамас иллатлар фош қилиниб, айни вақтда уларга қар-
ши кескин курашга даъват этилади:

Оғиз югуриги — ошга,
Тил югуриги — бошга.

Бекордан ҳамма безор.

Бахилнинг боғи кўкармас.

Бетамизнинг бети бўлмас,
Безорининг уяти.

Мақоллар хушёр бўлишга, дўстни душмандан ажра-
тишга, ота-онани, дўстларни қадрлашга, кичикларни из-
зат қилиш, катталарни ҳурмат этишга ўргатади:

Хурмат қиласанг, ҳурмат кўрасан.

Яхши билан юрсанг, етарсан муродга,
Ёмон билан юрсанг, қоларсан уята.

Совет даврида социалистик ҳаётимизнинг сермазмун-
лиги янги-янги мақолларнинг юзага келишига сабабчи
бўлди. Шаҳар саноатининг ўсиши ва қишлоқ хўжалигин-
нинг ривожланиши, янги техника, машиналарнинг жорий
этилиши, маданий ҳаётдаги ўзгаришлар халқ оғзаки ба-
дийи ижодида, айниқса, мақолларда образли ҳолда умум-
лашиб, ўз ифодасини топмоқда.

Совет даврида: «Кохоз — барака дарёси», «Ер ҳосил-
нинг онаси бўлса, отаси — меҳнат», «Пахта териш олтин
териш билан баробар», «Уруш — оғат, тинчлик — роҳат»,
«Элинг тинч, сен тинч»¹ каби мақоллар яратилди. Улар
социалистик онг, тушунча билан мустаҳкам боғлиқдир.

Халқ мақоллари поэтик жиҳатдан пухта ва гўзал
шаклга эга. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин халқ мақолла-
рига юқори баҳо бериб: «Жуда соз, жуда яхши. Ана шу-
лардан ёзувчиларимиз ўргансалар экан, бир жумла билан
чилпарчин қилиб ташлайди-я»¹, — деган эди.

Мақоллар, асосан ўз ва кўчма маъниларни ифодалай-
ди: «Илон чақдан ола арқондан қўрқар», «Бўрининг қу-
логи овда». Бу хилдаги мақол ва маталлар маълум бир
воқеа, ҳодиса билан боғлиқ ҳолда ишлатилади, айтилмоқ-
чи бўлган фикр мажозий маънода, киноя тарзида ифода
этилади.

Мақол шаклан қисқа бўлиб, воқеликни ёйиқ ҳолда
ифода қила олмайди. Бинобарин, мақолларда воқеликни
сиқиқ ва ихчам ифодалайдиган аниқ ва ҳаётий образлар
мавжудки, улар умумий мулоҳазаларнинг якунидан келиб
чиқкан хulosани кўчма маъниларда белгилаш имконини

¹ Литературный современник, 1940, 1-сон, 10-бет.

беради, «Сен бүрини аясанг, бүри сени талайды», «Жұжаны күзда сана». Биринчи мақолда «бүри» орқали қонхұр душман, ёвуз ниятли киши образи гавдаланса, иккінчи мақолда ҳар бир ишда хulosы чиқаришга шошилмаслик керак дейилмоқчи. Баъзан у ёки бу мақол топишмоқ сингари тузилган бўлиб, воқелик қиёс қилиш, солиштириш орқали аниқланади: «Ёз ёмгири лой бўлмас, ўғри асло бой бўлмас».

Мақоллар композицион жиҳатдан ниҳоятда содда ва ихчам. У күпинча содда гапдан иборат бўлади: «Тил — тиғдан ўтқир», «Ипсофсиз — имоисиз». Эта ва кесимданина ташкил топган мазкур мақолларда асосий мазмун лўнда ифодаланган. Уларнинг ҳар бирида ўз ёки кўчма маъноли образлар параллел қўйилади: «Ғамсиз бошим — гавгосиз бошим», «От айланиб қозигини топар, сув айланиб ёригин топар». Биринчи гап иккинчи гап мазмунини тақорорлаб, уни изоҳлайди, ёки аксинча, иккинчи гап биринчи гап мазмунини таъкидлаб изоҳлайди. Мазкур мақолларда келган параллел бўлаклар ўзаро мос тарзда қофиялашган. «Усти ялтироқ — ичи қалтироқ», «Иш ёқмасга ит боқмас» каби мақолларда эса, биринчи бўлакка ургу тушиши билан яхлитланиб образ яратади, иккинчи бўлак эса, биринчи бўлакнинг кесатиқ мазмунли изоҳи бўлиб, образ характерини аниқлайди. Улар маитиқан бир бутун образлиликни ташкил этади.

Синтактика параллелизм, аллитерация, истиора, мубобалаға, қофия кабилар мақол композициясини ташкил этган бўлак ёки гапларнинг бадиий безаги, айни чоқда, ўзига хос шакл яратувчисидир. Синтактика параллелизм икки хил фактни келтириш орқали учинчи бир фикрни тасдиқлайди. «Ўғри қариса, мулла бўлади», «Бирорга ўлим тила-гунча, ўзингга умр тила». Мақолда «ўғри» билан «мулла» параллел қўйилар экан, учинчи умумлашда фикр намоён бўлади, яъни «ўғри ҳам ўғри, мулла ҳам аслида текинхўр, ўгрининг ўзи», деган маъно кўриниб турибди. Демак, у ёки бу белгини аниқлашда синтактика параллелизм усули аҳамиятли бўлиб, биринчидан, оҳангдорликни кучайтиrsa, иккичидан, таъсирчанликни оширади ва мантиқий хулоса чиқаришга имкон беради.

Кетма-кет ёки қатор келган ундошлар тизмаси аллитерацияни юзага келтиради. Бу эса, мақолда бадиий ифодани кучайтиради, оҳангдошликтин таъминлайди, шу йул билан эстетик завқ ўйғотади: «Оқсан ариқ оқмай

қолмас, оқмай қолса, икки кўзинг боқмай қолмас», «Аллоп — аллонинг иши қаллон».

Мақолларда қофияланыш ҳам ўзига хосдир: «Жондан кечмасанг, жонона қайда, Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда», «Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат». Кўрамизки, турли хил шаклга эга бўлган бўлаклар ўзаро қофиядош сўзлар билан боғланди. Ҳар бир мақолда асосий мазмунни ифода этган сўз қарама-қарши ёки ўзига мос тушган сўз билан қофияланади: «Кўча хандон, уй зиндан», «Қўли очиқнинг, йўли очиқ».

Мақолларда вазн, ритм, қофия, оҳангдорликнинг қўйма бирлиги катта роль ўйнайди. Бинобарин, кўпчилик мақоллар шеърий формада келиб, баъзан бир мисра ёки бир байтдан, баъзан эса, турт мисрадан ташкил топади. Мисралардаги такрор сўзлар оҳангдорликни янада оширади:

Яхши отга бир қамчи,
Ёмон отга, минг қамчи.

Яхши топиб сўзлар,
Ёмон қопиб сўзлар.

Мақолларда сифатлаш, ўхшатиш каби бадиий тасвир воситалари ва омоним, антоним сўзлардан фойдаланиш уларнинг бадиийлигини янада оширади, ифодаланган фикрнииг тингловчига тез етиб боришини таъминлайди.

Мақоллар донишмандлик рамзи. Улар ўқувчи ва тингловчиларни фикрни чуқур, ихчам, аниқ ва образли қилиб ифодалашга ўргатади, кишиларни, айниқса, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим восита вазифасини ўтайди.

Топишмоқлар

Халқ орасида топишмоқ, жумбоқ, баъзан матаł, топар чүпчак каби терминлар билан юритилиб келинган топишмоқ жанри узбек фольклорида қадим замонлардан ҳозиргача яшаб келмоқда ва ривожланмоқда. Узоқ ўтмиш даврларда топишмоқ инсонни ўраб олган муҳит ва табиатнинг турли-туман ҳодисалари ҳақидаги тушунчаларининг бадиий ифодаси сифатида майдонга келган. Тоғ ва ўрмонлар, даре ва қўуллар, чўлу биёбон, ер ва осмон, қуёш ва ой, юлдуз ва фасллар, зулмат ва ёруғлик, тошқинлар, чақмоқ ва момақалдироқ, ҳайвонот олами, оила-рӯззор жиҳозлари, дов-дарахт, меҳнат қуроллари ва бошқалар ҳақида коллектив ижоднинг маҳсулни бўлиб тўқилган топишмоқлар авлоддан-авлодга ўтиб, катта ва кичикка ҳаёт, табиат сирлари ҳақида ўйлашни, билишни ўргатиб келганлиги билан юят аҳамиятлидир.

«Топишмоқ» сўзи «топ» буйруқ феълига «иш-моқ» ясовчилари қўшилиши билан чигал, мураккаб, белги-хусусияти яширин берилган бирор номаълум нарсани топиш мазмунини ифодалайдиган ясама отга айланган. Табиат ва жамият ҳодисалари киппилар олдига кўп мураккаб жумбоқлар, муаммолар қўйган. Инсоннинг уша масалаларни топиши, сирли бўлиб кўришган нарсаларнинг туб, ҳақиқий моҳиятини очиши учун ақл-идрок ва ўткир дид талаб қилинган.

Табиатнинг сирли ҳодисалари инсон тақдирини асоссиз, тахминий фаразлар, турли эътиқод воситасида пассив атглаш, фолбинлик, астрология каби оғзаки ижоднинг гайри илмий шаклларини ҳам майдонга келтирган. Топишмоқлар бўлса, халқ оғзаки ижодида эшитувчилардан онгли равишида яширилган, беркитилган нарса, ҳодисаларнинг асосий мазмунини топиш, ечишининг ўзига хос поэтик формасидир. Шунинг учун топишмоқни эшитувчилар уни табиат ёки турмуш -сири деб эмас, яширилган муайян, аниқ бир нарса деб биладилар, шундай тушунадилар.

Топишмоқлар оғзаки ижоднинг оммавий ва маҳсус жаңрларидан бири. Уларнинг услуги метафора (истиора), кучим, киноя, қочириқ йўли билан сўзларни кўчма маънода ишлатиб, яширилган нарса, ҳодисаларнинг белгиларига иккинчи бир нарса, ҳодисаларнинг белгиларини қиёслаш, имо-ишора қилишдан иборатдир. Топишмоқларнинг шу хусусияти ҳақида қадимги юонон философи Аристотелнинг: «Жуда яхши метафора тузиш йўли», дейиши бежиз эмас.

Топишмоқ айтиш қадимги замонлардан бошлаб турли ҳалқларнинг ҳаёти, ижтимоий шарт-шароитлари, дунёқарашлари, урф-одатлари, мифологик тасавурлари билан боғлиқ бўлган. Рус халқи орасида декабрь, январь ойларида, удмуртларда йигим-терим тугаллангач, баҳор бошлангунча, туркманиларда наvrўз байрами оқшомларида топишмоқ айтиш расм бўлган. Узбек халқи ҳам бошқа қардош ҳалқлар каби куз ва қиши кечалари гўза чувиш, чарх йигириш, олача тўқиши каби қўл меҳнати билан баҷариладиган турли-туман ишлар давомида топишмоқ айтишган. Топишмоқ айтиш қайси бир ҳалқда бўлмасин, у ақл-зийраклик мусобақаси, кўнгил очиш, ўйин-кулги воситаси. Топишмоқ айтиш, асосан, ёшларнинг сўз бойлигини ошириш, ҳаёт ва унинг ҳодисалари ҳақидаги билим-тушунчаси, идроки ва мулоҳазаларини кенгайтириш учун зарур тарбия воситаларидан бири бўлгани туфайли улар соддадан мураккабга, осондан қийишга бориш усулида яратилган. Топишмоқлар орасида мактаб ёшигача бўлган болалар осонлик билан топа оладиганлари бўлгани каби катта ёшдаги болалар, ҳатто турмуш тажрибаси кўп кишиларнинг ҳам бошини қотириб, ўйлашга мажбур қиласидиганлари ҳам бор. Масалан, «Отдан баланд, итдан паст», «Қозиқ устида қор турмас» каби эгар, тухум ҳақидаги топишмоқлар халқ орасида кенг тарқалганларидан топишмоқ айтилиб бўлинмай, эшитувчилар унинг жавобини топа олади. Аммо «Узупдан узоқ, ҳавога тузоқ» (тутун) каби топишмоқлар анча ўйлантириб қўяди. Топишмоқни ҳамма — каттадан кичик айтади, уни топишга ҳам қўпчилик иштирок этади. Халқ орасида нисбатан қўп топишмоқ биладиган кишилар топишмоқчи, жумбоқчи ҳам деб юритилади.

Топишмоқларда савол тарзида айтиладиган фикрлар маълум бир бадиий шаклга тушган бўлади. Улар худди мақоллар каби ихчам, қўйма, таъсирчан формада яратилади. Бадиий тафаккур меваси бўлган топишмоқларда фикр

тимсолий йұл билан ифодаланади, унинг савол ва жавобини ички мантиқий қиёслап башқарып туради.

Топишмоқ айтишнинг муайян тартиб-қоидалари мавжуд. Топишмоқнинг жавоби топилиши билан кетма-кет айтила берилади. Агар топишмоқнинг жавобини топа олмаса, ўтмишда «шаҳар» талаб қилинарди. Топишмоқ айтувчи топишмоқ жавобини топа олмаган, «шаҳар берган» кишини маълум вазифани бажарипга мажбур қиласарди. Сўнг «Сен топмасанг, мен топай, унинг ўзи...» деб жавобини айтади. Бунда топишмоқ айтувчи билан топувчи ўртасидаги «сотдим-олдим» типидаги савол-жавоб характеристидир. Топишмоқ жавобини топа олмаган шахсни изза қилишдан иборат «сотдим-олдим» диалогида, худди топишмоқдагидек, предметларнинг бир-бирига маълум томонлари ўхшатилади. «Сотдим-олдим»да кишиларнинг образли фикрлари топишмоқнинг узвий бир қисми бўлиб давом эттирилади:

- Сотдим.
- Олдим.
- Нимани?
- Қулингни.
- Нима қиласан?
- Паншаха қилиб хирмон совураман.

Топишмоқ айтувчи қаноат ҳосил қилгунча шу тариқа савол-жавоб давом этади. Жавоб топа олмаган шахснинг деярли барча тана аъзолари «сотиб олинади». «Сотдим-олдим»да кишининг қўзини — жин чироққа, бурнини — ҳуштакка, бошини — тошга, отзини — ўрага ва бошқа аъзоларини турли-туман нарсаларга ўхшатиб, масхара қилинади. Қўриниб турибдики, топишмоқ айтишиш меҳнат аҳлининг ўзига хос қўнгил очиши, хурсандчилик қилишининг бир йўлидир. Топишмоқ айтиш орқали даврада ажойиб хушчакчақлик, руҳий кўтаринкилик пайдо булади. Топишмоқларни яхши биладиган кексаларнинг гувоҳлик беришибча, топишмоқ айтиш кечалари жуда мароқли ўтган, айниқса ёшларга тарбиявий-таълимий жиҳатдан катта фойда етказган.

Айрим топишмоқлар мақоллик хусусиятига ҳам эга бўлади. Масалан, «Ҳаммага тўн тикаман, ўзим яланғоч» (игна) топишмоғи чукур ижтимоий мазмуни билан ажралиб туради. Ўзгаларнинг, тўғрироги, бой-амалдорларнинг фойдасига кечасию кундузи тинмай меҳнат қилиб,

узи қуруқ қолган, оч-яланғоч, муҳтоҗлиқда яшаган меҳнаткашлар оммасининг оғир, ачинарли аҳволи ғоят образли ифодаланган. Лекин игна ва иш ҳақидаги башқа бир топишмоқни («Кичкина хотин, лачаги узун») бундай деб бўлмайди. Унда аёллар машғулоти кўзда тутилганлигини пайқаш қийин эмас.

Топишмоқларда ҳоким синф табақасига мансуб кишиларнинг номлари ишлатилиши ҳам бежиз эмас. Масалан, «Абдуллахон — беустихон» (бит). «Токчама-токча, Саматжон бойвачча» (сичқон). «Ҳовуз ёнида Султон бойвачча» (қурбақа).

Бундай топишмоқларнинг умумий мазмунида заҳарханда, пичинг бор. Биринчи топишмоқда халқнинг қонини сўриб, золимликда ном чиқарган Бухоро хони Абдуллахоннинг номи нафрат билан тилга олинмоқда. Иккинчи сида текинхурлик, зааркушандалик, тайёрга айёр, учарлик сичқон образи мисолида қайси бир Саматжон деган қаллобга тенгглаштирилади. Султон бойвачча эса, одамларни ишлатиб, фақат ўз жонининг ҳузуруни биладиган, ўзини койитмайдиган бир амалдорга нисбат берилганлиги аниқ.

Диний урф-одатлардан рўзани қаттиқ танқид остига олуви чўйидаги топишмоқда рўза тутишга даъват этишдан қўра, уни масхаралаш устун туради. «Бир палак, ўн икки ҳандалак, ўн бирини еб, ўн иккинчисини еса, ўзи коғир, хотини талоқ». Руҳонийларнинг рўза тутмайдиганларни коғир, хотини талоқ дея қашшоқ халққа диний ақидалар билан дўқ уриб, қўрқитишлари ҳажв қилинади.

Шундай қилиб, топишмоқларда халқ оммасининг турмуш тарзи, ҳукмрон синф вакилларининг уларга нисбатан бўлган муносабатлари пичинг, киноя, истеҳзо, аччиқ култиги воситасида берилгандир.

Топишмоқлар тузилиши жиҳатидан баъзан насрий, кўччилик ҳолларда шеърий шаклда бўлиб, уларда маълум бир мусиқийлик, зарб, туроқ, вазн, қоғия каби шеъриятнинг формал талабларига амал қилинган.

Қоғия, вазн топишмоқнинг силлиқ, ихчам, оҳангдор, эсда қоладиган бўлиб тузилишини таъминлашга хизмат этади. Масалан:

Тўрт оёқли,
Темир туёқли.

(От.)

Топишмоқлар бир савол-жавобли (бир предметли) булиш билан бирга, күп савол-жавобли (күп предметли) ҳам бўлади. Бундай топишмоқлар кўпчилик ҳолларда яхлит шеърий парча тарзида тузилади:

Тоғда талаймонни кўрдим,
Сувда сулаймонни кўрдим,
Тузсиз пишган ошни кўрдим,
Юмалаб ётган тошни кўрдим.
(Бўри, балиқ, сумалак, тошбақа.)

Баъзан топишмоқларнинг бир нечаси назм ипига тизилгандек бўлади ва уларнинг жавоблари ҳам шу тарзда булиши талаб этилади:

Қамиш учи қалтироқ, уни топинг, дилбарим,
Игна учи йилтироқ, уни топинг, дилбарим,
Сассиқ кўлда ит ҳурав, уни топинг, дилбарим.
Тақир-тукир тақравон, уни топинг, дилбарим,
Ичидаги меҳрибон, уни топинг, дилбарим...

Бунинг жавоби шеърий формада қўйидагича бўлиши керак:

Қамиш учи қалтироқ — шамол деган эмасми,
Игна учи ялтироқ — ут дегани эмасми,
Сассиқ кўлда ит ҳурав — сув бақаси эмасми,
Тақир-тукир тақравон — бешик деган эмасми,
Ичидаги меҳрибон — бола деган эмасми...

Кўпчилик топишмоқларда яширилган предметга ўхшатилган, имо-ишора қилинган нарса, ходиса ёки предмет белгиларининг тавсифи содда, самимий, бегараз кулги чиқарадиган ҳазил-мутойиба, масхара, мазах воситаси бўлиб хизмат қиласди:

Тўрти — лоп-лоп, эгри соп-соп,
Икки — дингидинг, бир — шипидинг.
Боради лўк-лўк, келади лўк-лўк,
Ҳамиша лўк-лўк, томоша лўк-лўк.

Туя ҳақидаги бу икки топишмоқда туяниң юриши, бесўнақай, қўйол гавда тузилиши, кичик ва қалта қулоқлари, думи, юришининг таърифи берслиб, асосий предмет — туя яширилган. Бундаги тавсиф ҳазил-мутойиба, кулгига сабаб бўлади.

Топишмоқлар фольклорнинг бошқа жанрлари билан маҳкам боғлиқ. Улар эпик асарларда тез-тез учраб туради. Ҳатто маҳсус топишмоқли ёртаклар ҳам мавжуд. Бундай топишмоқлар эпик асарлар услубига мослашади. Асосан достон ва ёртак қаҳрамонлари орасидаги диалогларда ишлатилади, яъни жумбоқли саволга асарнинг асосий қаҳрамонининг жавоби тарзида қўлланилади. Бундай савол-жавобли топишмоқлар достонларда қаҳрамонларнинг ақл-фаросатини синаш, маълум ўшартларни бажаришда, кобилиятини билишда ишлатилади:

— У нимадир, ҳаводаги дўлаинган?
У нимадир, ер юзини сув олган?
У нимадир, орқасида оғзи бор?
У нимадир, ўртасида мағзи бор?
— Булут бўлар ҳаводаги дўлаинган,
Емғир бўлар ер юзини сув олган,
Тегирмондир орқасида оғзи бор,
Бугдой бўлар ўртасида мағзи бор,
Балиқ бўлар сув ичидаги жони бор.

Бу тип савол-жавобли топишмоқлар «Ошиқ Ойдин», «Ошиқ Алванд», «Хирмон дали», «Ёзи билан Зебо» достонларида, Махтумқули ва Дурди Қилич айтишувларида тез-тез учраб туради. «Алпомиши» достонининг Пўлкан шоир айтган вариантида Барчиннинг жумбогига Алпомишиниң берган чиройли жавоби мавжуд.

Топишмоқлар ёртакларда ҳам қаҳрамонларнинг ақл-фаросатини, серфаҳмлигини, аччик ҳаёт тажрибаларини бощдан кечирганлигини билиш мақсадида ишлатилган. Улар тузилиш жиҳатдан ёртак услубида айтилади. Масалан, «Подшо билан донишманд чол» ёртагида балиқчи чол билан подшонинг ораларидаги сирли савол-жавоб топишмоқ формасида келади:

П одшо: — Ҳа, ота, тўртни учга урмаганмидингиз, қишида балиқ овлаб қолибсан? — деди. Ч ол: — Тўртни учга уришга урдим-а, ўттиз икки қўймади-да, — деб жавоб берибида.

Бу савол-жавобнинг шарҳида бефаҳм вазирга нисбатан меҳнаткаш чолнинг дополиги, ҳоғҷравоблиги, ҳаёт машаққатини тортган, тажрибали киши эканлиги билиниб туради:

— Хурматли вазирим, подшонинг тўртни учга урмабмидингиз, деганий ийлда тўрт фасл бор, шунинг уч фаслида, яъни баҳор, ёз,

кузиди яхшилаб меҳнат қилиб, қишида еб ётсангиз, бўлмасмиди, дегани. Менинг ўттиз икки қўймади, деганим эса, уч фаслда топғанларимни ўттиз икки тиш еб битирди, деганим бўлади. Биз гаплаштаётганда сиз ҳайрон бўлиб қолдингиз. Подшо буни дарров сезди ва сизга ишора қилиб, бир гоз юбораман, патини юла оласизми, деб мендан сўради. Мен айтганингиздан зиёда қилиб юлман, дедим. Ўша гоз сиз эдингиз. Мана менинг олдимга келдингиз ва бу сир эвазига мол-дунёнгизни бердингиз.

Достон ва эртакларда ишлатилган топишмоқлар асарнинг ғоявий мазмунига сингиб кетган бўлади ва воқеаларнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Зоминлик Ёрлақаб бахци Бекназар ўғлидан ёзиб олинган бир кичик эртакда тенгсиз никоҳга кўнмаган оддий меҳнаткаш, ақлли, жасур қизнинг подшо юборган совчиларга қалии талаб қилиб қўйган шартида қизнинг орзу-умиди топишмоқ шаклида ифодаланган, «Қалинимга подшо 20 та шер, 30 та бўри, 40 айғир, 60 та нўхта, 70 та ахта берсин». Бу топишмоқнинг маъноси подшо 20 ёшида шердек эди, 30 га кирганда бўридек кучга тўлган эди, 40 да эса бақувват айғир от каби эди, 60 ёшида эса қариди, энди ўзини нўхталасин — тийиб олсин, 70 га кирган қари чонни бошимга ураманми? — деганидир. Бу топишмоқ ёрдамида зийрак қиз подшога ўзининг муносиб эмаслигини, ўзи сира хоҳламаслигини усталик билан билдирган.

Совет даврида яратилган топишмоқларда саноат ва қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъатнинг ривожланиши, илм-фан, техника соҳасидаги эришилган улкан ютуқлар, мислсиз қашфиётлар ва бошқа кўплаб ўзгаришлар ўзининг бадий аксини топмоқда. Улар, асосан традицион топишмоқларнинг шаклидан фойдаланиб яратилмоқда. Шу билан бирга, айрим ижодкорлар томонидан тўқилган топишмоқлар халқ орасида, хусусан, болалар орасида кенг тарқалиб, оммалашиб бормоқда. Масалан,

Кечаси офтобдек, кундузи контокдек (*лампочка*).

Гапирса Москвадан, эштасиз Қувадан (*радио*).

Товуқ десам пати йўқ,
Оёқ-қўл, қаноти йўқ,
Минг-минглаб очар жўжа,
Буни топинг, Холхўжа (*инкубатор*).

Топишмоқларнинг моҳияти, маърифий-тарбиявий аҳамияти олам сирларидан кишиларни воқиф қилиш, билишига ундаш билан бирга, инсониятнинг табиат ва ҳайвонот

дунёси билан қадимдан узвий боғлиқлигини таъкидлаш, уларни севиш, ардоқлаш туйғуси ҳам яшириганидадир.

Топишмоқлар халқ оғзаки бадий ижодининг қадимги тури сифатида ёзма адабиётга баракали таъсир курсатди. Шарқ адабиёти, жумладан, ўзбек адабиётида чистон, тарих, муаммо, мувашшах каби лирик жанрларнинг пайдо бўлишида топишмоқлар муҳим роль ўйнади. Ўзинавбатида ёзма адабиёт ҳам жуда кўп топишмоқларнинг пайдо бўлиши ва эл орасига кенг тарқалишига сабаб бўлди.

Топишмоқлар меҳнаткаш халқ ақл-заковатининг маҳсулни сифатида ҳозиринг кунда ҳам ўшларимизнинг муҳокама доирасини кенгайтиришда, билим бойлигини оширишда, дид ва зеҳнини ўткирлаштиришда муҳим маърифий-таълимий ва бадий-эстетик аҳамиятга эга.



Эртаклар

Эртаклар халқ оғзаки ижодиётининг энг қадимий, оммавий ва кенг тарқалган жанрларидан биридир. Эртакларда меҳнаткаш халқ оммасининг энг яхши сифатлари—инсонпарварлик, ватанпарварлик, дўстга садоқат, ёрга вафодорлик, шу йўлда қаҳрамонлик, жасорат қўрсатиш каби фазилатлари ҳикоя қилинади, ахлоқ ва одобнинг юксак намуналари улуғланиб, зулм ва зўрлик қораланади. Эртаклар кишиларда хаётга муҳаббат уйғотади, келажакка умид қўзи билан қарашга, энг яхши турмуш, фаровон ҳаёт учун курашишга чақиради, ер юзида адолат ва инсоғнинг тантана қилишига ишонч ҳосил қиласди. Халқ эртакларининг ғоявий йўналишида шу эртакни яратган халқнинг орзу-умидларини ифода қилиш билан умумисоний мавзуларни баён этиш муҳим ўрин тутади. Ўзбек халқ эртаклари халқимизнинг узоқ даврлардаги ҳаёти, ижтимоий муносабатлари, урғодатлари, сиёсий ва ахлоқий тушунчаларини, дунёқарашларини, ўзбек тилининг хусусиятларини, бойлиги ва ранг-баранглигини яққол нағойиш қиласди. Эртакларни ўзбек халқининг бадиий тарихи, жонли санъати дейиш мумкин. Улар ўтмишнинг белгиларини сақлаган ҳолда, кишиларнинг бугунги ҳаёти билан ҳам ҳамоҳанг бўлади; эстетик лаззат бағишлайди. Шу сабабдан ҳам бундай эртаклар ўлмайди, севиб тингланади.

Эртак сюжетларининг ибтидоий даврлардаги бошлангич намуналари содда ва қисқа бўлиб, турмушдаги бирор қизиқроқ воқеани ҳикоя қилиш шаклида ташкил топарди. Эртакларнинг алоҳида жанр сифатида шаклланиши эса синфий жамиятнинг бошлангич даврларига тўғри келади.

Эртак термини Маҳмуд Конғарийнинг XI асрда ёзилган «Девону луготит турк» асарида этук шаклида учрайди ва бирор воқеани оғзаки тарзда ҳикоя қилиш маъносини билдиради. Ҳозир фольклористик термин сифатида эртак сўзи қабул этилгаи бўлса-да, Сурхондарё, Самарқанд,

Фарғона ўзбеклари орасида матал деб юритилади. Бухоро атрофидаги район ва қишлоқларда, шунингдек, бошқа ерлардаги икки тилда (ўзбек ва тожик тилларида) сўзлашувчи аҳоли орасида ушук деб аталади. Хоразмда варсақи, Тошкент шахри ва унинг атрофига чўпчак термини ҳам ишлатилади. Ўзбеклар орасида эртак, матал, чўпчак терминларидан бошқа яна ҳикоя, афсона, утириқ, тутал каби атамалар учрайди. Алишер Навоий асарларида афсона, эртак ва масал маъноларида чўрчак сўзи ишлатилганки, у ҳам чўпчак сўзига тўғри келади. Чўпчак кичик ҳикояларни тўплаш, ҳикоя қилиш, тошиш, излаш маъносида бўлгани учун баъзан тошишмоқ ўрнида ҳам қўлланган.

Эртаклар халқ ижодининг эпик турига киради. Унинг ўзига хос хусусияти — воқеабандлиги; бирор воқеани музкаммал ҳикоя тарзида баён қилишидир. Эртаклар турмуш воқелигини ажойиб ва гаройиб, жозибали қилиб, кишиларда бадиий завқ уйғотадиган ҳолда акс эттиради.

Эртак фольклор асари. Шунинг учун ҳам халқ оғзаки ижодига хос барча сифатлар: колективнинг ижодий маҳсузли бўлиб, кўпчилик томонидан айтилиши, оғзаки йўл билан тарқалиши, анъанавийлик, ижодчисининг номаълумлиги — анонимлик, бир сюжетнинг халқ орасида бир қанча варианларда ижро этилиши — эртакларга ҳам хосdir.

Турли даврларда эртаклар ҳам турлича ўзгаришларга учраб келганлар. Шу сабабдан эртакларнинг ғоявий йўналиши, композицияси, қаҳрамонларининг вазифалари ўзгариб, янгида-янги версиялар юзага келиб туради. Бунинг устига ҳар бир эртак айтилганда ижрочининг ижодий қобилияти, дунёқарashi, турмуш воқелигини акс эттира олиши, эртак анъаналарини қай даражада билиши, тажрибаси, психологик ҳолатларига қараб туриб янгидан туғиладики, натижада бир эртакнинг ўзи бир неча варианларда халқ орасида яшаб юради. Эртакларнинг бадиий формаси ва поэтикаси ўзига хос бўлади.

Эртакларнинг жанр хусусиятларини белгилаганда, улуг пролетар ёзувчиси А. М. Горькийнинг назарий қарашларидан, эртак асосини ташкил этган фантастика ҳақидаги фикридан келиб чиқамиз. «Эртакларда ҳаммадан ҳам «уйдирма» ҳодисаларни олдишдан кура билувчи тафаккуризмнинг ажойиб хусусияти ибратлидир. Эртакчилар хаёлий «учар гиламлар»ни аэропланлар ихтиро қилинmasдан неча асрлар илгари, афсонавий тез ҳаракатларни паровоз,

газ ва электромоторлар бунёдга келмасдан бирмунча вақт илгари билган эди... Фикримча, инсоннинг ажойиб хусусиятларидан бири — ... «фараз»ни ҳам фантазия, «уйдирма» вужудга келтириб тарбиялаган¹.

Фантастика эртак мезони, унинг жони ва қонидир. Эртаклар фантастиканинг тутган ўрни, меъёри ва функциясига қараб икки гурухга бўлинади. Биринчи гурухга фантастика элементлари устун бўлган эртаклар, иккинчисига эса, фантастика элементлари қучсиз, элемент шаклида келадиган ёки умуман бўлмайдиган, ҳаётий уйдирмалар асосида яратилган эртаклар киради. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар билан сеҳрли эртаклар сюжети кўпроқ фантастиқ воқеалар асосига қурилган. Майший ва ҳажвий эртаклар сюжети асосида эса, ҳаётий воқеалар ётади. Биринчи группадаги эртаклар («Ёрилтош», «Чўлоқ бўри», «Олтин сандиқ» ва бошқалар) том маънодаги ибтидоий тушунчалар мазмунини акс эттиради. Иккинчи группадаги эртаклар («Маликаи Ҳуснобод», «Уч оғайни ботирлар», «Уч ёлғонда қирқ ёлғон») эса, асосан ижтимоий мазмунни ифода этади.

Фантастик уйдирмалар ҳаёт ҳақиқати билан алоқадор бўлиб, қадимий тушунча, урф-одат, маросимларнинг изларини ўзида акс эттиради. Бинобарин, ҳар бир уйдирманнинг заминида реал воқелик ётади. В. И. Ленин айтгандек: «Ҳар қандай эртакда ҳам ҳақиқат элементлари бўлади»². Шунинг учун ҳам «Эртаклар хеч вақт бекорчи, эрмак нарсалар эмас, улар ҳамма вақт зур ижтимоий ва тарихий аҳамиятга эгадирлар. Баҳайбат махлуқлар ҳақида ҳикоя этувчи эртак ва афсоналар ҳамда бу бой жанрнинг бошقا турли кўринишларида у ёки бу даврнинг ижтимоий, ҳаётий курашлари, халқ манфаатлари ўзининг бадиий ифодасини топгандир»³.

Эртакларнинг тарбиявий аҳамияти катта. Бу ҳақда М. Горький: «Дунёда ибрат бўлмайдиган ҳеч нарса йўқ, ўзида «дидактика», ибрат воситаларини мужассамлантиргмаган бирорта ҳам эртак топилмайди», — деган эди.

¹ М. Горький. Адабиёт ҳақида, Ўздавнашр, Тошкент, 1962, 319-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 36-том, «Ўзбекистон» нашириёти, 1978, 21-бет.

³ Мухтор Аvezов. Мысли разных лет, Алма-Ата, 1961, стр. 32.

⁴ М. Горький. Адабиёт ҳақида, Ўздавнашр, Тошкент, 1962, 319-бет.

Эртакларда воқеалар асосан мўъжизали тарзда ифодаланади. Бинобарин, мўъжиза ёки фантазия воқеа ва ҳодисаларни ҳаёт билан баглаб, ҳақиқат, озодлик, тўғрилик, одамийлик каби дидактик гояларни ташвиқ этади, сюжет ривожига куч багишлади, тингловчи эътиборини ўзига жалб қилиб, ажойиботлар оламига олиб киради, ширин туйгулар дунёсига гарқ этади.

Эртак ижрочилигининг характерли белгиларидан бири шундаки, ҳикоя қилинаётган воқеа ва ҳодисалар айтиувчи ва тингловчи томонидан «бўлган воқеа» деб эмас, балки «муқаррар бўлмаган ҳодисалар», деб тушунилади. Шунинг учун ҳам эртакларда воқеа ва ҳодисаларнинг бўлиб ўтган ўрни ва замони ноаниқ, умумий тарзда ифодаланади. Бундан ташқари, эртакларнинг замон ва макон эътибори билан юзага келган ўрни ҳам турлича. Уларнинг тили ва стили шакл ва мазмунига кўра ўзаро фарқ қиласи. У ёки бу эртакни ҳайси турга тааллуқли эканини аниқлаш учун унинг асосида бўлган уйдирманинг давр эътибори билан ташкил топган ўрнини аниқлаш, ҳаёт ҳақиқатига бўлган муносабати ва асосий функциясини белгилаш лозим бўлади. Масалан, сеҳрли эртаклар ҳамда ҳайвонлар ҳақиқати эртаклар билан ишқий-саргузашт тишидаги ёки ҳажвий эртакларнинг мустақил жанр сифатида ташкил топиши ҳам турли хил даврларга тўғри келади. Шунинг учун ҳам ҳар хил даврда яратилган ва турли хил жамият қатламлари таъсирини ўзида сақлаган «Кенжা ботир», «Қилич қора», «Қирон ақа», «Маликаи Ҳуснобод», «Булбулигүё», «Ур тўқмоқ», «Чол билан кампир», «Бури билан тулки», «Қўнғиз бикач», «Бахтили кал» каби эртакларнинг сюжет состави, характеристи, образлар системаси, тили ва ҳикоя қилиш услубида ўхшаш ва фарқли томонлар мавжуд. Негаки, эртак ўзининг тараққиёти давомида баъзи бир мотив, образларни йўқотиши, янги-янги белгиларни қабул қилиши мумкин, баъзан эса анъанавий элементлар янгича талқин этилган бўлади. Хуллас, ҳар бир эртакнинг сюжет состави, унинг ғоявий мазмуни, бадиий воситаларнинг ўзига хос томонлари у ёки бу даврни ҳамда у ёки бу турга хос хусусиятни кўрсатиб туради. «Зумрад билан Қиммат» ёки «Олтин тарвуз» кабилар, асосан сеҳрли эртаклардир. Бироқ асосий ҳаҳрамонлар қиёфаси, уларнинг хатти-харакатлари ҳажвий эртакларнинг бош ҳаҳрамонларини эслатади. Лекин бу эртакларда ҳажвий эртакларда бўлганидек, ақл-идрок, тадбиркорлик устун эмас, аксинча,

Фантастик уйдирмалар асар ечимида ҳал қилувчи вазифаларни үтайди. Бу белги уларни ҳажвий эртаклардан ажратиб туради. Демак, сатира ва юморни фақат ҳажвий эртакларга хос белги деб қарамаслик керак. Чунки сатира ва юмор сөхрли ва ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда ҳам мавжуд. Фақат буларнинг у ёки бу эртаклардаги мазмун даражаси, ишлатилиш ўрни, мақсад, вазифаларини эътиборга олиш керак. Шундагина у эртак қайси бир турга хос эканлиги маълум бўлади.

Турли ҳалқлар ижодида ўхшаш сюжетли эртакларни кўп учратиш мумкин. Бундай эртакларнинг тема ва образлар системаси ўзига хос айнанликка эга. Буларни кўпроқ «сайёр сюжетли эртаклар» деб юритилади. Бироқ улар қанчалик ўхшаш бўлмасин, бадиий шакл, образлар талқини, тил воситалари жиҳатидан ўзаро фарқ қиласди. Уларда ҳар бир ҳалққа хос анъана, миллий колорит, фалсафий-эстетик қарашлар намоён бўлади. Бу хилдаги ўхшаш сюжетлар у ёки бу ҳалқнинг бир хилдаги иқтисодий, ижтимоий-тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтганигидан келиб чиқади.

Эртаклар ўзига хос композицияси билан ажралиб туради. Айниқса, қириш қисм, бошлама, тугалламалар алоҳида кўзга ташланади.

Кириш қисми, аввало, эртакчининг маҳоратини кўрсатади, қолаверса, тингловчилар диққатини жамлаб, эртак эшитишга ҳозирлайди.

Бошлама эртакнинг дастлабки қисмини таърифлайди. Эртакларда анъанавий бошлама воқеанинг қайвақт бўлиб ўтганини билдирамайди, ноаниқ, умумий тарзда ифодалайди: «Сизга боғ бўлсин, бизга ҳаёт, замонларнинг замонида, қадимлар айёмида, бир подшоҳи золим бор экан». Баъзан бошлама қисқа бўлади. «Бир бор экан, бир йўқ экан, бир подачи бор экан». Баъзан эса, у воқелик билан қўшилиб кетади. «Ўтган замонда бир подшоҳ якка ўзи овга чиқиб, ов қилиб юриб, узоқда бир нарса кўрибди».

Ҳаётий-маиший эртакларда эса бошлама ниҳоятда ихчам ва содда. Бунда ҳам воқеликинг бўлиб ўтган вақти поаниқ. Бироқ сирлилик сезилмайди, ҳаётийлик ҳукмрон. Воқеа бўлиб ўтган жой ва қаҳрамон номи аниқ ҳамда тўлиқ берилади. Бу сюжет асосини ташкил этган воқеа ва ҳодисаларнинг реаллитини, табиийлигини кўрсатади. «Зомин юртида бир бой бор экан, у бойнинг хизматкори

бўлар экан». «Болтабой акаси Тешабойни очлиқдан ўлдирган золим бойдан уч олиш учун бойнинг ҳовлисига караб тўғри йўл олибди». Кўринадики, бошлама баёнида персонажларнинг ким экани, касб, амал, лақаблари маълум бўлади.

Тугаллама эртакнинг якуний қисмини таърифлайди. Сехрли эртакларда тугаллама доимо воқеликни тўй-томошга тасвири билан якуплади. «Қирқ кечак-ю, қирқ кундуз тўй бериб, ота-оиаси билан топишиб, ошларини ошаб, ёшларини яшаб, мурод-мақсадларига етдилар». Тугалламада оптимистик руҳ устунлик қиласди. Ҳаётий-маиший эртакларда эса у воқеалар синтезидан келиб чиқсан хуласа бўлиб, демократик руҳ ҳамда таълимий мазмунни билдиради. «Шу билан Аёз ўзи подшо бўлиб, ўзининг донолигидан ҳалқни одиллик билан сўраб, мамлакатда адолат ўринатга экан». Баъзан тугаллама турли хил шакл ва мазмунга эга бўлган мақол, матал, афористик иборалардан ташкил тонади. Бу хил тугалламалар эртак фабуласидан ажралган ҳолда келмай, балки ғоявий мазмуннинг умумлашган формаси шаклида намоён бўлади: «У ҳалиги чоннинг бунчалик ўткир ақлига қойил қолибди, қари билганини пари билмас, дебди».

Демак, ҳаёт ҳақиқати билан боғлиқ бўлиб, фантастик ҳамда ҳаётий уйдирмалар асосига қурилган, дидактик ғоя ташувчи оғзаки ҳикоялар эртак деб аталади. Эртаклар образлар талқини, ғоявий мазмуни ва конфликти, сюжет ва композицияси, фантастик уйдирманинг ўрни ва функцияси ҳамда тили ва стилига кўра шартли равишда ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар, сехрли эртаклар, ҳаётий-маиший эртакларга бўлинади.

Ўзбек ҳалқ эртакчилари репертуарида ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар ан-эртаклар чагина ўринни ташкил этади. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар қадим замонларда вужудга келган бўлиб, унда ибтидоий тузум давридаги инсоннинг ҳаёти, меҳнати, дупёқараши, табиат ҳақидаги тушунчалари ифодаланган. Ҳайво билан боғлиқ бўлган ибтидоий тушунча, фикр ва мулоҳазалар, ҳаётий деталлар ҳайвонлар ҳақида юзага келган эртак сюжети ва мотивларининг ташкил тошишида асос бўлиб хизмат қиласган. Ижтимоий ҳаётнинг овчиликдан чорвачилика ўтиш жараёни Йинсон ҳаётда кескин бурилиш ясади. Бу даврдаги инсон ўзини ҳайвондан фарқ қила бошлапи мифологик тушунчалар-

пинг смирилишига сабабчи бўлди. Инсон ўзига ишонди ва ҳайвонлардан кучли эканини сезди. Ана шу жараён ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда янги ғоя, инсон кучига ишонч тушунчасини вужудга келтирди. Тотем сапалиб келинган ҳайвонлар секин-аста салбий персонажга айлан борди, одам учун кўироқ фойда келтирган уй ҳайвонлари ижобий, ёввойи ҳайвонлар эса салбий персонажга айланди. Кейинчалик ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг бир қисми ўз маъносини йўқотиб, кўчма маъно касб этди — мажозий эртакларга дйлаанди, яъни баъзи қўй, бузоқ ва эчки сингари ҳайвонлар орқали тадбиркор кишилар, бури, тулки орқали очкӯз, ёвуз, алдамчи, маккор кишилар образлари берила бошлади.

Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда ибтидоий анимистик, тотемистик тушунчалар билан боғлиқ равишда, от, қўй, ёчки, сигир каби уй ҳайвонлари, йўлбарс, бўри, айқ, тулки сингари ёввойи ҳайвонларнинг характер-хусусияти, уларнинг ўзаро ва одамлар билан бўлган муносабати ҳикоя қилинади. Баъзи ҳайвонларнинг ҳар хил овоз чиқарип букириши, ув тортиб қичқириши ёки ҳужум қилиши, қочиб қутулиши, «ўйин тушиб» сакраши ибтидоий инсон дикқатини ўзига тортмай қолмас эди. Бунинг сабабини излаш, қидириш, ўйлаб фикр қилиш ўша даврдаги одамлар онгиди ҳайвонот оламида инсониятга хос бўлган белги-хусусиятлар мавжуд, деган содда хулоса ва мулоҳазаларни вужудга келтирган. Бипобарин, «Ибтидоий одам ўз атрофини ўраб олган табиатда яшаган қуш ва ҳайвон товушини инсон товуши ва хатти-ҳаракатларига ўхшатди. Ҳайвон ва қушлар ҳам ибтидоий инсон тушунчасига кўра, одамлар каби... психологик кечинмаларни бошидан кечиради. Ҳаёт, ўлим, ироди, фикрлаш қобилияти, туш кўриш каби руҳий моментлар бор, деб ўйлаганлар»¹. Шуни эътиборда тутган немис олими Яков Гримм ибтидоий тушунчалар ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг ташкил топишига сабабчи бўлган, деган мулоҳазани илгари суради. Ҳақиқатан ҳам ҳайвонларга нисбатан анимистик ва тотемистик қарашлар ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг юзага келишига олиб келган. Ибтидоий инсон ҳайвонларнинг аломат хусусиятларини кўриб, ўйлаб, хаёл суригина қолмай, балки улардан фойдаланишга уринган. Табиат кучларини билишга интилиш, бўйсундириш ёки

¹ Э. Тейлор. Первобытная культура, М., 1939, стр 285.

уларга қарши курашиш чораларини излаш, қидириш жараённида тотемистик тушунчалар вужудга келди, яъни ибтидоий одам баъзи сезгир ва зўр кучга эга бўлган ҳайвонларни гўё ўз аждоди деб, муқаддас санаб, унга сигинган, ёвуз куч ва оғатлардан ҳимоя қилиш, сақлашни сўраб илтижо қилган, афсун ўқиган. Шундай қилиб, ҳар қадамда фириб берган, зарар келтирган, зўр куч ва қудратга эга бўлган баъзи ҳайвонлар (бури ва б.) тотем саналган. Шунинг учун ҳам бир туркум эртакларда у ёки бу ҳайвонлар тотем шаклида — оила, уруғ, қабиланинг асосчиси ва ҳомийси сифатида ҳикоя қилинади. Сезгир ё зўр кучга эга бўлган бу ҳайвонларни улуғлаш, мадҳ этиш, уларга сигиниш мазкур туркумдаги эртакларнинг асосий темасини ташкил этади.

Лайлак, айқ, илон, сигир кўльти ва бўри, отни тотем санаш Ўрта Осиё ҳалқлари, жумладан, ўзбеклар орасида жуда кенг тарқалган. Бу тотем, культларга сигиниш «Чўлоқ бўри», «Мехригиё», «Олтин тарвуз», «Нодон бола», «Подачининг қизи», «Кўк қўчкор», «Айқ полвон», «Илон пари», «Илон оға», «Бўри қиз» каби бир қанча эртакларнинг юзага келишига сабабчи бўлган. Масалан, «Чўлоқ бўри» эртагидаги чўлоқ бўри нон бергани учун оғир вазиятга тушган кенжа ўрилнинг мушкулини осон қиласди, сирли от, гўзал маликани олиб келишига ёрдам беради. «Мехригиё» эртагида эса, илонлар мамлакати ва илон шоҳ ҳақида ҳикоя қилинади. Бола илон боласини қутқаради. Шунинг учун илон шоҳ унга ёрдам беради. У Мехригиё қўмагида муваффақият қозонади. Ёки «Нодон бола» эртагида илон кампир берган сут учун олтин ҳади этади. Бироқ бир йула ҳамма олтинга эга бўлишни ният қиласган нодон бола илон инини очиб, уни ўлдирмоқчи бўлади. Тақиқланган ва культ саналган илон уясини бузган бола жазо тортади. «Айқ полвон» эртагида ўрмонда адашган қиз айқ билан ҳаёт кечириб, ярми айқ, ярми одам қиёфасида бир ўғил тугади, «Илон оға» эртагида чолнинг қизи илон билан турмуш қуради ва ҳоказо. Кўрамизки, мазкур туркумдаги эртакларда у ёки бу тотем ҳайвон асосий персонаж, у доимо яхшилик қиласди ва ёрдам кўрсатади, ҳикояда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу хилдаги эртаклар асосида овчи ё чорвадорнинг баъзи ҳайвонларга нисбатан эътиқодини ошириш, уни муқаддас билиб, ўлдирмасликка чақириш, ўз ҳомийсига бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборат дидактик ғоя ётади.

Соғ ҳайвонлар ҳақидаги әртаклар нисбатан кейин, тотемлар үз күчини йүқота бошлаган даврда, у ёки бу ҳайвонни улуглаш, унга сиғишип сусайган пайтларда яратылған. Масалан, «Тулкибой», «Кампир билан шақал», «Үтінчи йигит билан шер», «Овчи билан бүри» сингарилар ана шулар жумласидандыр. Бу туркүмдеги әртаклар сөхрли әртакларға үхшаш фантастик үйдірмалар асосиға қурилған бұлса ҳам үзігі хос хүсусияти билан ажралиб турады. Уларда одампинг ҳайвондан ақпіл жестілігі таъкидланған, ҳайвонлар талқини эса мажозий маңын ола бошлаган. Тотем саналған ҳайвонларда тиілсім мавжуд әмас. Вөкөа одам билан ҳайвон үртасида булып үтади. Бундай әртакларнинг күпчілігі бізгача деярли сақланмаган. Сақланиб қолғанлари эса, қысман үзгаришларға учраган. «Гулкибой» әртагида айёр тулки соддадил кампир билан өзін алдаб кетади, ниҳоят, у табдиркор овчига дуч келади. Түқнашувда тулкибой енгилади. «Овчи билан бүри» әртагида инга кириб құтулған бүри овчининг «үсмаган толдан қирқіб оладиган сүйилини» әшитиб, құрққаныдан ин оғзига тутилған қон ичига тушиб қолади. Еки «Үтінчи йигит билан шер» әртагида йигит: «Кел иккөвимиз күч синаимиз», — деб дүқ билан шерни алдаб, дараҳтга boglайди, кейин савалайди, ниҳоят, шер «әнді одамзодға йұлиқмайман», — деб вәзда беради. Құрамизки, мазкур әртакларда ибтидои одамнинг үз күчига ишончи, у ёки бу ҳайвонни үзігі бүйсундириши, хизмат әттиришга уриниши ҳикоя қилинади.

Ҳайвонлар ҳақидаги әртакларнинг персонажлари — тулки, бүри, шер ва бошқалар қадимий тасаввурнинг унтутила бошлапши билан жамият тараққиётининг кейинги босқычларыда мажозий маңып касб эта бошлади. Мажозий әртаклар ҳайвонлар ҳақидаги әртаклар заминнан вужудға келиб, танқидий вазиғага бүйсундирилди. Бир вақтлар тотем саналған ҳайвонлар ижтимоий-сиёсий мазмуннан акс әттирган күчма маңындағы персонажларға айланади. Бундай әртакларнинг ғоявий мазмұны ва образлар талқиннанда мажоз асосий үрінде турады. «Бүри билан тулки», «Тулкипинг тақсимоти», «Иккі бойқуш», «Чумчуқ», «Илонпинг иши зақар солмоқ», «Қарға билан құзи», «Чивинбой», «Құнғыз бикач», «Хийлагар бедана», «Қымурсақ», «Әчкіннің үч олиши», «Тулки билан хұroz» кабилар мажоз асосида қурилған әртаклар ҳисобланади. Бу әртаклар, асосан феодализм жамиятида шаклланиб, алохидада

туркүмга айланади. Шунинг учун ҳам бу ҳил әртаклардаги образларда вөкөа, ҳодисалар тасвири, ниҳоят, асосий конфликт мазмұннанда синфий мұносадатлар үзининг ифодасини тонган. Улар шакл ва мазмун әထိပ်ပါရီ билан масал жанрига яқын турады. Зотан, сюжет асосида ётган күчма маңын ҳамда аллегорик образлар системаси улар учун муштарақ ҳодисадыр. Шу жиҳатдан «Сусамбиль» әртаги характерли. Үнда тасвирланишича, уй ҳайвонлари яхши, фаровон, тинч ҳаёт кечириш мақсадыда Сусамбильга кетадилар. Іўлда әшак ариларға шундай дейди: «Эй указлар, сизлар ҳам бізларға үхшаб оч қолиб қийналғанға үхшайсизлар. Бизнинг танамизда шира қолғани үйк. Сурғанларинг билан ҳеч нарса чиқмайды. Ширамизни ҳұжайинларимиз сүриб олган. Агар овқат керак бұлса биз билан юраверинглар». Диалогдаги әшак нұтқи ҳукмрон синф табақасында хос зулм, истибдодни ғошт этади. Демак, әртакдаги мажозий образлар меңнаткаш ҳалқ вакилларини ифодалайды. «Чумчуқ» әртагида эса, адолатсиз шоҳ танқид қилинади. Бир парча пахта топиб олган чумчуқ иш үйитириради, мата түқітади, машиначига олиб бориб үзігі чопоң тикириади. Сүнгра подшо елқасынан құниб: «Қимнинг тұни чиройли, менинг тұнным чиройли», — деб мақтаниб турганида, подшо фармони билан жаллодлар келиб чумчуқни болта билан үрсалар, у учеб кетади, подшо иккиге бўлиниб үлади. Қўриниб турибиди, меңнаткаш ҳалқ үзининг эксплуататорларға қарпи бўлган қаҳрғазабини ифодалаш учун мажозий әртаклардан фойдаланган.

Турли ҳалқлар орасида кенг тарқалған «Бүри билан тулки» туркүміга оид әртаклар үзбеклар орасида ҳам оммалашып кетган. Бундай әртакларда асосий вөкөа тулки билан бүри үртасида булып үтади. Тулки — ўта айёр, тұғри келған киши — ҳайвонға фириб бера оладиган мажозий образ. У қонхўр бүри билан түқнашғанда уни гоҳ күлдиради, гоҳ үтакасини ёради, ҳатто думидан ажралиши, пиҳоят үлемига сабабчи үлади. Тулки үзидан күчсиз бўлған ҳайвонлар билан учрашғанда эса золим ва айёр сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у алданади ва қўлга тушади. Демак, у үзидан кучли бўлған ҳайвонлар билан мұносадатда құрқок, фирибгар, айни чоқда ақлли, чаққон, табдиркор, аксинча, хұroz сингарі нисбатан күчсиз бўлған ҳайвон ва нарандалар билан түқпашувда зўравон, айёр, қонхўр, золим, текинхўр. Бу образ

орқали адолат, тўғрилик, хақиқат учун кураш идеали ёлғон гапириш, айёрик, мугамбирликка қарши қўйилади ва феодал синфига хос бўлган ахлоқ нормалари қораланади. Бўри эса, ўта кетган лақма, қалтафаҳм, айни чоқда золим, қонхўр, зўравонлар доирасида туриб ҳаракат қиувчи образ. У доимо алданниб тузоққа илинади.

Бу хилдаги эртаклар, асосан икки-уч эпизоддан иборат бўлади. Улар мантиқан ўзаро зич болгандан бўлиб, қўпинча сюжети асосида ҳажвий мазмун турди. «Бўри билан тулки» эртаги бир хилдаги икки эпизоднинг такрор келишидан ташкил топган. Бироқ иккала эпизод конфликтни якунланган бўлиб, воқеалар давомида бир-бирини тулдиради. Биринчи эпизодда бўри оғзида бир бўлак гўштишлаб келаётган эди. Тулки: «Бўривой, қаердан келянсан?», — деганда, бўри: «Пондан» — деб оғзида гўшти тушириб юбориши билан тулки илиб кетади. Эпизоддаги воқеа тулки, бўри мисолида аллегорик образлар қиёфасини очади ва комизмни вужудга келтиради. Бунда комизм енгилган бўри ҳолатида юз беради. Учрашув эпизоди иккинчи марта такрорланади. Энди тулки гўштишлаб келаётган эди. Бўри: «Тулковой, қаердан келянсан?» — деб сўраганда, «Пондан» дейиш ўрнига, гўшти маҳкам тишлаган ҳолда: «Фижждивондан», — деб жавоб бериб қочади. Такрорий эпизоддаги конфликт айёрик ва ўта лақмалик каби иллатларни қайта аниқлайди ва фоп этади.

Сюжет асосини ташкил этган социал йўналиш, ўткир сатира мажозий эртакларни ҳажвий эртакларга яқинлашибди. Мажозий эртаклар мазмунни содда, айни чоқда лўйнда ифодаланган бўлиб, болалар тушунчасига мослаштирилган. Композицион қурилма мураккаб эмас, ноаниқлик сезилмайди. Қўпинча композицион қурилма марказида бўлган асосий эпизод такрорланувчи бўлади. Масалан, «Қарга билан қўзи» эртагида қарга қўзи билан учрашиб, уни емоқчи бўлганда, қўзи «тумшугингни чайиб кел», деб буюради. Шунда қарга тумшугини чайиб келиш учун сув, кулол, тупроқ, кийик ва бошқалар билан тўқнашишга мажбур бўлади. Ниҳоят, қўзи қарғадан қутулиб қолади. Ана шу тўқнашув такрорланувчи воқеалар тизмасини ташкил этади ва навбатдаги ситуацияларга йўл очади.

Баъзи ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар масалнамо шаклда келади. Бундай эртаклар қўпинча диалог асосига қу-

рилган бўлиб, мазмуни шартли, образлари мажозийдир. Эртак якунида қиссадан ҳисса чиқади:

Бури:— Ота, бир мерган мени қувиб келянти, мени бекитиб қўйинг. Чол:

— Хўп, — дебди ва устига похол ёниб бекитибди. Овчи келиб:

— Ҳой чол, шу ердан бўри ўтдами!, — дебди. Чол:

— Мен ўзим бўридан қўрқаман, ҳеч нарса қўрганим йўқ, — дебди.

Мерган кетиб қолибди. Бўри похол тагидан чиқиб:

— Ота, мени қувиб келаётган мерган кетдими? — деганда чол:

— Ҳа, болам, кетди, — дебди. Шунда Бўри:

— Кетган бўлса, мени қўйиб юборинг, — дебди. Чол қўнибди:

— Хўп, болам, — деб бўрининг устидан похолни олибди. Бўри

бўлса, ҷолга қараб:

— Чол, чол, сени ейман! — дебди.

Демак, эртакларда ҳайвонлар эксплуататор синф ва қашшоқ омма вакилларининг рамзий образларидир. Қонхўр, золим, босқинчи, мугамбир, очкӯз шахслар бўри, арслон, айиқ каби мажозий образларда берилади. Эксплуатация қилинувчилар эса, эчки, қўй, бузоқ образларида ифодаланган. Улар тингловчи қўзи ўнгидаги жисмоний ожиз, бироқ ақдли ва тадбиркор бўлиб гавдаланади.

Мажозий эртакларнинг педагогик аҳамияти катта. Айниқса, уларнинг болаларнинг маънавий ва эстетик талабларига жавоб берадиган томонлари кўп. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин, «Мен болаларнинг гўзал эртакларни яхши кўришларини жуда яхши тушунмани... Агар сиз болаларга, хўроз билан мушукни одам тилида гаплаштируй эртакни айтиб берсангиз, улар бундай эртакка сира қизиқмас эдилар», — деган эди. Бу хилдаги эртакларнинг айтилиш жараёни ҳам ҳаяжонли бўлади. Эртакчи воқеани ҳикоя қилиш давомида ўри келганда турли ҳаракатлар қиласи, турли ҳайвонларнинг овозларига тақлид этади. Бу эса эртакнинг эмоционаллигини оширади, таъсир доирасини кенгайтиради. Эртакдаги шеърий парчаларни эртакчилар куй билан айтадилар. Бу эса, унинг тингловчилар хотирасида узоқ вақт сақланишига ва бадиий жихатдан мароқли чиқишига ёрдам беради. Мажозий эртакларда сюжет тез ривожлана боради, образлар серҳаракат бўлиб, кулгили моментлар кўп учрайди. Бу хусусиятлар

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 36-том, «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1978, 21-бет.

болаларнинг сезги, ҳисларини ўстиради. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар тузилиш жиҳатидан бошқа тур эртаклардан фарқ қиласди. Уларнинг композицион қурилмаси ўзининг соддалиги билан ажralиб туради. Сюжет доирасини ташкил этувчи образ ва воқелар миқдори кам бўлади. Улардаги монолог ва диалоглар воқеалар ҳаракатини кучайтириб, таъсирчанлик хусусиятини оширади.

Мажозий эртакларда салбий хусусиятлар, асосан ҳажвий уйдирмалардан ташкил топган драматик коллизиялар орқали очилади. «Оч бўри», «Қўй билан бўри», «Тулки билан бўри», «Серка бобонинг ҳийласи» каби эртаклар ўтирик сатира асосига қурилган. Сатира салбий персонажлар (бўри ва арслон кабилар) қиёфасида содир бўлиб, қонхўрлик, зулм ва зўрлик, босқинчилик каби иллатлар аччиқ, заҳарханда кулги воситасида фош этилади. «Қумурсқа», «Тулкибой», «Қўнғиз бикач» каби эртаклар асосини эса юмористик кулги ташкил этиади. Ҳар бир эпизод, мавжуд ситуация, персонажлар нутқи орқали соддалик, лақмалик ва ишёқмаслик каби иллатлар фош этилади.

Мажозий эртакларда шеърий парчалар кўплаб учрайди. Ҳар бир қўшиқ персонаж ниятини, орзу-умиди ҳамда руҳий кечинмаларини изоҳлаб таъсирчанликини оширади, тингловчи диққатини бутунлай қамраб олади:

Дупур-дупур отлиқлар-а,
От бошини тортинглар-а,
Қўнғиз бикач ўлди деб-а,
Сичқонбояга айтинглар-а.

Ҳайвонлар ҳақидаги ва мажозий эртаклар тили содда, воқеликни табиий ифодалайди, сифатлашлар ўзининг аниқ ифодаси билан ажralиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар хаёлий-уйдирма воқеалардан ташкил топган бўлади. Бундай эртакларда ҳайвонлар дунёси инсонлар билан бир вақтнинг ўзида тўқнашади, сузлашади. Ҳайвонлар худди одамлардек ҳаракат қиласди. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда бошдан-оёқ бир фикр — зўрлик, жисмоний кучдан, ноҳақликдан, адолатсизликдан ақл куни билан қутулиш мумкин деган хулоса келиб чиқади. Эртаклар мажозий хусусиятга эга бўлади — ҳайвонлар кишиларнинг ҳаракатлари, сўзлари, қилиқларини бажарадилар. Эртак мазмунида ижтимоий маъно ётади.

Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг воқеаси жуда қисқа ва содда, бир-икки эпизоддан иборат бўлиши мумкин, у ҳам кўпинча диалоглардан — савол-жавоблардан ташкил топади. Эртак охирида қиссадан хисса чиқарилади.

Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар ҳозирги пайтда, асосан болаларга айтилади. Бу эртаклар ибраторумуз ғоя ва таълимиy функцияси билан алоҳида аҳамият касб этиади.

Сеҳрли эртаклар Ўзбек халқ эртакчилиги репертуаридан сеҳрли эртаклар катта ўрин эгаллайди. Бу хилдаги эртаклар сеҳрли, фантастик уйдирмалар асосига қурилганлиги билан ажralиб туради. Сеҳрли эртакларнинг юзага келиши қадимиy тарихга эга бўлиб, илдизи бошлангич жамиятга бориб этиади. Маълумки, ибтидоий инсон номаълум бўлиб кўринган табиат ҳодисалари ойдida талвасага тушган. Ҳар қадамда учрайдиган хавф-хатарлар унинг руҳига таъсир этгай. Ана шулар дунё ҳақида юзаки мулоҳаза юритишга ва гайри табиий бўлиб кўринган ҳодисаларни ўзича изоҳлашга мажбур қилган. Ибтидоий дунёқарашиб, дастлабки фикр-мулоҳазалар, кичик-кичик афсона ва эртаклар, фантастик уйдирмаларнинг яратилишига сабаб бўлган.

Сеҳрли эртакларда персонажлар, воқеа ва ҳодисалар одатдан ташқари, гайри табиий ҳолда, тасвирланади. «Буларнинг маъноси қадимги ишчи одамларнинг ўз меҳнатларини осонлаштириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш, тўрт оёқли ва икки оёқли душманларга ҳарши қуролланиш, шунингдек, сўз кучи «қарипш» ва «афсунлар» воситаси билан табиатнинг стихияли ва инсонга, ҳарши ҳодисаларига таъсир қилиш истагидан иборатдир¹. Сеҳрли эртакларнинг ҳар бир эпизоди қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари сеҳр, жоду, мўъжиза, хаёлий образлар билан боғланади. «Девсафид», «Илон оға», «Ялмоғиз», «Хирсиддин полвон», «Семурғ», «Илон пари», «Девбачча», «Кенжа ботир» каби эртаклар заминида ибтидоий дунёқарашиб — табиат кучларини илоҳийлаштириш, ҳайвонларни муқаддас билиб, уларга топишиш асосий ўрин тутади. Жумладан, қуёш, ой, тоғ, тош, сув кабилар талқинида анимистик дунёқарашиб ётади. Бунда жонсиз нарсалар жонлантирилади: ер, сув, тош, тоғлар тилга кириб, қаҳрамонлар билан ўзаро муносабатда бўлади. Инсон тошга айланади, сеҳр ечилигандага эса у ўз аслига қайтади. Айик, бўри, бургут,

¹ М. Горький. Адабиёт ҳақида, Ўздавнашр, Тошкент, 1962, 263-бет.

илон, отда культ, тотемистик, аждар, дев, алвости, жин каби персонажлар мисолида мифологик тушунчаларнинг белгилари сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам эртакда ҳикоя қилинган воқеалар ҳозирги замон тингловчиси ва ўқувчиси томонидан «ёлғон» деб қаралади. Демак, эртакдаги гайри муқаррарий ҳодисалар ибтидоий ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиққап. Бинобарин, улар ҳаётий ўзакка эга бўлган уйдирмалардир. Осмонда учиш орзуси «учар гилам», «ёгоч от»ларни, узоқни кўриш истаги эса «ойнаи жаҳон»ни келтириб чиқарди. «Ибтидоий маданият тарихчилари меҳнат жараёнлари ва қадимги кишилар ижтимоий ҳаётидаги ҳодисалар йигиндиси бетўхтов вужудга келтираётган материалистик тафаккур пишопалари ҳақида лом-мим демаганлар. Бу нишоналар бизга эртаклар ва мифлар шаклида етиб келдик, уларда қадимий кишиларнинг ҳайвонларни ўргатиш, доривор ўсимликларни кашф этиш, меҳнат қуролларини ихтиро қилиш хусусида олиб борган ишлари сезилиб туради¹.

Демак, мавҳум курипган реал воқелик, ибтидоий муносабатлар сеҳрли эртакларда бадиий уйдирмалар шаклида намоён бўлган. Бинобарин, ана шу уйдирмалар ибтидоий тушунчалар мажмуигина бўлиб қолмай, балки ижодкор халқнинг яхши турмуш, эркин меҳнат, ёрқин келажак ҳақидаги орзу-истакларининг рамзий ифодаси ҳамdir.

Сеҳрли эртаклар ичида алоҳида ажralиб турадиган тўркум эртаклар мавжуд. Булар қаҳрамонлик ти-пидаги эртаклар, үгайлик ва камситилган кишилар ҳақидаги эртаклар ва «митти полвонлар» ҳақидаги эртаклар.

Қаҳрамонлик тинидаги эртакларда кўпроқ ибтидоий муносабатлар билан феодал муносабатлар қоришиб келади, уларда, асосан қаҳрамонлик мадҳ этилади. Узоқ улка, ўзга юртдан қайлиқ излаш ёки сеҳрли нарсаларни олиб келиш сюжет чизигини ташкил қиласди. Қаҳрамоннинг ҳар бир ҳаракати синов мотиви билан болганиб кетади. Қаҳрамон аждар, дев, беҳисоб душман қўшини билан тўқнашади. Унинг ечимида эса мардлик ва бекиёс куч аниқлапади ва улугланади. Баъзан уйланиш мавзуи қасоскорлик билан қўшилади. Қайлиқ излаш, уйланиш ёки

¹ М. Го́рький. Адабиёт ҳақида, Ўздавнашр, Тошкент, 1962, 264-бет.

сеҳрли нарсаларни олиб келиш энг қадимий темалардан бири бўлса, қасоскорлик, жанг-жадаллар мавзуи нисбатан кейин кириб келган.

Қаҳрамоннинг туғилишидан тортиб паҳлавон сифатида ғалаба қилишгача, қайлиқ излаб йўлга чиқишдан тортиб уни топишгача, сеҳрли нарсаларни қидиришдан, уни олиб келишгача юз берадиган ҳар бир ҳодиса ва тўқнашувлар фантастик уйдирмалар қобигида берилади. Қаҳрамон сеҳр-жоду ёки тилсум воситаси билан эмас, балки сирли кучи ва қудрати натижасида ғалабага эришади. У чексиз кучга эга: сеҳрланганлиги туғайли ўтда ёнимайди, қилич ўтмайди, сувда чўкмайди («Олмос ботир», «Паҳлавон Рустам» ва бошқалар). Қаҳрамоннинг наҳлавон бўлиши она қорнидаёт маълум булади: «Чол олтмиш ёшга кирибди, камиир эллик ёшга кирибди, лекин болалари бўлмабди. Кунлардан бир кун кампир ҳомиладор бўлиб, ой куни яқинлашиб, ажойиб бир ўғил туғибди. Бу бувакнинг оғирлиги бир ботмон... экан». Қаҳрамоннинг она қорнида пайдо бўлиши ҳам мӯъжизали. Афсонавий қаҳрамон гайри табиий ҳолда ўсиб этилади: «бала соатлаб ўсибди», «туғилган бола ойига эмас, кунига ўса бошлабди». Еш қаҳрамоннинг нотабиий ўсиши унинг тенги йўқ паҳлавон бўлиб этишишидан дарак беради.

Паҳлавон қудратини синаб кўриш қаҳрамонлик эртакларининг асосий белгисидир. Синаш мусобақа шаклида талқин этилади. У, асосан, ақа-укалар ёки қаҳрамон билан рақиблар ўртасида бўлиб ўтади. Синаб куриш мотиви ва унинг илдизи ибтидоий жамият урф-одатлари билан боғланади. Демак, қаҳрамоннинг жасорати синов мусобақалари жараёнида намоён бўлади. Масалан, «Бектемир тўғри майдонга борди-ю, бор кучини тўплаб туриб қирқ қулоқли олтин соққани даст кўтариб, осмонга иргитиб юборди» («Бектемир ботир»). «Лўнда полвон кетаётса, рўпарасида икки қўлига тегирмон тоши кийган бир киши катта тоғни миниб кела берибди. Лўнда полвон:— Қани, икковимиз курашиб қўрайлик-чи? Агар мени йиқитсанг, Лўнда полвонни ҳам йиқитасап,— дебди. Лўнда полвон тоғ минган полвонни чунон кўтариб урибди, бир қарич ерга кириб кетибди» («Лўнда полвон»).

Паҳлавоннинг руҳий кечинмалари мураккаб эмас. У фақат куч ишлатиб ғалаба қилишни билади. Лекин ғалаба қилишнинг бошқача йўли — устомонлик қилиш ҳақида фикр юритмайди, қарши томон майлларини чуқур

мулоҳаза қилмайди. Қаҳрамоннинг бундай соддадиллиги душман учун құл келади, унинг макр-хийласига учеб, тузогига илинади. Бироқ сеҳрланганлиги туфайли уни енгисш мумкин әмас, жоны сирли қилич, узук ва маълум жойларда сақланади. Қаҳрамон шунинг учун ҳам доимо ғалаба қилади. У — идеал қаҳрамон. «Паҳлавон Рустам», «Қилич ботир», «Қилич қора», «Олмос ботир», «Шаҳзода Салмон», «Девбачча», «Хирсиддин полвон», «Лўнда полвон», «Девсафид», «Эркенж», «Бектемир ботир» каби эртакларда ибтидоий ҳалқ оммасининг қудратли куч ҳақидаги идеал орзулари ўз ифодасини топган.

Үгайлик ва камситилган кипилар ҳақидаги эртакларда феодал муносабатларнинг характерли белгилари ифодаланади. Бундай эртакларда подшоҳ, вазир, шаҳзода, малика, жаллод ва сарой аҳлиниң саргузаштлари, бош қаҳрамоннинг тахтга ўтириши, чет әл босқинчиларига қарши жанглар ҳикоя қилинади. Ана шу хил реал воқеалар сирли үйдирмалар, тилсум қобиғида талқин этилади.

Сюжет саргузашт характерида бўлиб, бош қаҳрамон сирли куч ва фантастик персонажлар, тилсум воситасида ғалаба қилади.

Мазкур типдаги эртакларнинг сеҳр-жоду билан боғлиқ бўлган сюжет воқеаларида, асосан насиҳатомуз ғоя илгари сурилади. Чунки унинг асосида қадим даврлардан бўён улуғланиб келинаётган одамийлик, меҳнатсеварлик, қатъийлик, вафдорлик, мардлик каби ажойиб ахлоқ нормалари ётади. Эртак якунида ҳақиқат зулм ва зўрлик устидан ғалаба қилади. Бу ғалаба сеҳрли мўъжиза ҳамда камситилган қиз ёки йигитнинг меҳнатсеварлиги ва дадил ҳаракати билан қўлга киради. Хуллас, сеҳрли эртакларда доим оптимистик руҳ ҳуқмрон. Бундай эртакларда аёллар образи алоҳида ҳурмат билан тасвирланади. Шунинг учун ҳам улар чин севги, садоқат, вафдорлик тимсоли сифатида намоён бўладилар. «Ерлтош», «Очил, очил, қамишлар», «Ақлли қиз», «Гулиқаҳқаҳ», «Зумрад ва Қиммат» сингари эртаклар ҳалқ ҳурматига сазовор бўлган аёллар ҳақидадир.

«Ерлтош» ёки «Олтин бешик» қадимий эртаклардан бири бўлиб, ҳалқ орасида кенг тарқалган. Эртаклар сюжети гайри муқаррарий ҳодисалар замилига қурилган бўлиб, үгайлик ва унинг сарқит оқибатлари ҳақида ҳикоя қилади. Эртак сюжети, драматик эпизодларга бой, таъсирчан шаклда ифодаланган. Сюжет, асосан, уч қисмдан

иборат бўлиб, биринчи қисмда үгайлик, зулм ва зўрлик ёритилади. Үгай ўғил чолнинг гўзал қизини хотинликка олмоқчи бўлади. Иффатли, ор-номусли қиз ўз уйидап қочади. Изма-из қувиб келётган үтай она таъқибидан қутулиш учун пана жой қидиради, тошларга ёлворади. Катта тош ёрилиб, қизни ўз бағрига олади, «қиз ғойиб бўлиб», үгай она ва үгай ака таъқибидан қутулади. Бу қисмда тошни муқаддас билиб унга топиниш каби деталлар орқали анимистик қараашларнинг сақланганини кўриш мумкин. Табиатдаги буюм ва нарсаларни илоҳийлаштириб, «Ерил, ёрил, ёрилтош! Мен сенга йўлдош, йўлдош», — деб харсанг тошга, «Очил, очил, қамишлар», — деб қамишларга ёлвориш, уларда «жон бор», деб тушуниш, муқаддас билиб топиниш, мадад сўрашлар ўша ибтидоий инсон тафаккури билан боғлиқ бўлган дунё-қараашнинг образли ифодасидир. Бу мотив эртак сюжетида фантастик уйдирмани вужудга келтиради. Мазкур уйдирма биринчи қисм сюжетида ҳал қилувчи функцияни адо этиб, саргузашт учун йўл очади, туртки бўлади.

Иккинчи қисмда қизнинг ўз синглиси билан топиниши тасвирланади. Сингилнинг «сирли сув» ичиб кийикка айланиши, қиз ва кийикнинг адолатли шоҳ қўлига тушиб қолиши, унинг никоҳига ўтиши кабилар ҳаяжонли тарзда ҳикоя қилинади. «Сирли сув»ни исча, кийик ё бўри бўлиб қолиш ҳодисаси «муқаддас сув» культи билан боғланади.

Учинчи қисмда эса сарой муҳити, гаразгўйлик, фитначилик тасвирланади. Шоҳнинг катта хотини гўзал қизни кўролмайди, кундошлиқ азоби бошланади. Катта хотин ўзининг ёш кундошидан қутулиш йўлини излайди, жодугар кампир маслаҳати билан уни сувга чўктириб юборади, кийик-қизни сўймоқчи бўладилар. Кийик тилга кириб, ўз опасини чақириб, йиглайди. Ниҳоят, «сирли сув» воситасида жоду ечилади. Кийикни «ҳаёт суви»га чўмилтиргач, ўз суратига қайтади, опаси иккى ёнида иккى олтин бешикда Ҳасан-Ҳусан ўғиллари билан сув тагидан чиқади. Фитна ошкор бўлади. Золим кундош йўқ қилинади.

Биринчи ва учинчи қисмлар оилавий конфликт асосига қурилган бўлиб, биринчисида тош ёрилиши, учинчисида эса сирли сув конфликт ечимини таъминлайди ва бош қаҳрамон учун ғалаба келтиради. Иккинчи қисм конфликт

ти эса мұғызизали ҳодисалар билан қызын тұртасида содир бұлади. Шоқнинг пайдо бүлиши эса ана шу руҳий конфликт ечимига сабаб бұлади. Құрамизки, әртак сюжетида ҳаёт ҳақиқати билан боғлиқ бўлган элементлар айрим әпизодларни ташкил этган. Эртакнинг асосий боп конфликт ижтимоий мазмунга эга. Сюжет асосини ташкил этган сирли уйдирмалар әпизодлар тиэмасини ҳаракатга келтириб, воқеалар ривожини таъминлайди, аниқлик киритади, феодализм иллатларини фош этади, маънавий гўзалликни улуғлаб, ёмонликни қоралайди, ва ниҳоят, конфликт ечимида ҳал құлувчи роль уйпайди. Учала қызын мазмунан ўзаро боғлиқ бўлиб, воқеа ва ҳодисалар, қарама-қарши қўйилган образлар системаси бирбируни тўлдириб, бир бутун композицияни ташкил этади. Ёмонликнинг қораланиши, яхшилик, тўғрилик ваadolatnинг тантанаси, «Ерілтош» әртакининг ғоявий мазмунини ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу хилдаги әртакларни тақдир ва баҳт, ёвузлик ваadolat ҳақидаги фалсафий тушунчаларнинг умумлашмаси, образли ифодаси дейиш мумкин.

Әртакда қаҳрамоннинг аниқ характеристикаси берилмайди. Фақат анъанага айланган белгиларгина кўрсатылади: «Қызын тўрт кунлик ойдек тўлишган». У ниҳоятда гўзал, ҳаёли, иболи, меҳнатсевар, юксак ахлоқ намуналари жам бўлган, идрокли, тадбиркор, оқила қиздир. «Ҳар куни ўтин ёрар, ош пиширар, қозон ювар, уй тозалар экан». Мазкур сифатлар саргузашт давомида яна ҳам ойдинлашади. Қарши томон — ўгай она, ўгай ака, кундош, шум кампир эса зулм ва зўрлик тимсоли сифатида нағоён бўлади. Эртакда мавжуд тилсим ноҳақлик, айёрлик, қонхўрлик каби ярамас иллатларни фош этиб,adolat, меҳнатсеварлик, маънавий гўзалликни маъқуллайди.

Сеҳрли әртаклар орасида митти полвонлар ҳақидаги әртаклар анчагинадир. «Қулоқвой», «Нұхатвой», «Бошмалдоқ», «Хандалак полвон», «Хурмача полвон» кабилар алоҳида туркумни ташкил этади. Бу әртаклар кейинги даврларда яратилган бўлиб, тилсим асосига қурилган. Бундай әртаклардаги социал-сиёсий мазмун, фантастик уйдирмалар бевосита тилсим ёрдамида ечилади. Митти қаҳрамонлар комик характерга эга бўлиб, ҳақиқат учун курашади, эксплуататор синф қонуни ва ахлоқини фош этиб, кулгили аҳволга солади.

Боп қаҳрамон кўз илгамас кичик, шаклан иўхат, бошмалдоқ янглиғ гавдаланса-да, ўзи ақлли, зийрак, қўрқмас, паҳлавон сифат талқин этилган идеал қаҳрамондир. Бинобарин, меҳнатни қадрлаш, зўравонлар, бойлардан уч олиш каби орзу-умидлар хаёлий образлар — «митти полвонлар» орқали нацл этилган. Чолнинг ўғли Хурмача полвон бойнинг бугдойини ўради, хирмонга йигади, янчади, хизмат ҳақи учун хурмачасини бугдойга тўлдириб олиши керак. Лекин қанча бугдой солмасин, барibir хурмача тўлмайди. Бойнинг ҳамма бугдойи хурмачага жойланади. У уйига кўп бугдой келтириб, ота-онасини тўқ ҳаёта олиб чиқади. Шундай қилиб, ҳалқнинг озод ва тўқ яшаш ҳақидаги орзу-истаклари тилсимли «хурмача», «нұхат», «қулоқ», «бошмалдоқ», «ҳандалак» сингари хаёлий персонажлар тимсолида ифодалангандир. Бу ҳол мазкур типдаги әртакларнинг ўзига хос томонини белгилайди. Митти полвон образлари орқали меҳнаткаш ҳалқ оммаси эксплуататор синф вакилларидан уч олиш, уларни йўқ қилиб, қутулиш истакларини тараннум этган. Фантастик уйдирма ва тилсимлар ана шу истак, орзуларни амалга оширувчи бадиий восита сифатида қўлланган.

Сеҳрли әртакларда пари, ялмоғиз, дев, аждар, семурғ каби фантастик ва мифологик образлар системаси мавжуд. Буларнинг күлчилиги салбий хусусиятларга эга. Шулардан пари образи, бир томондан, донишманд ва гўзаликка эга бўлган ижобий персонаж, иккинчи томондан, ёвуз куч, хиёнаткор, жодугарликка эга бўлган салбий персонаж сифатида ифодаланган. Пари ижобий маънода қулланганда, аёлликнинг идеал тимсоли қилиб таърифланади. У латофат ва назокат әгаси, «ой деса оғзи бор, кун деса кўзи бор». Пари ўзининг адолатли ҳаракати, тўғри ва аниқ маслаҳатлари билан қаҳрамон ғалабасига имкон яратади. Сеҳрли хусусиятга эга бўлиб, ўрни келгандада турили хил қиёғага кира олади. Булбулигўёни, сеҳрли дори ва тулпор отларни олиб келишда қаҳрамонга ёрдам беради.

Парилар әртакларда капитар, ўт, илон, кампир, кийик, маймун, одам, балиқ ва бошқа турли қиёғаларда кўрина дилар, афсонавий Эрам боғи, Қўҳи Қоғ тогида яшайдилар. Уларни даҳшатли девлар қўриқлайди. У қаҳрамон билан тўқнашувда синаб кўриш учун қийип шарт, топшириқлар қўяди.

Шартларни бажарса, унинг висолига эришади, бажара олмаса, ўлим жазосига ҳукм этилади. Шунинг учун ҳам әртак қаҳрамони ўзининг бутун ақли, жисмоний ва маънавий қуввати, ҳатто мўъжизавий кучини сафарбар этиб, голиб келиш учун интилади, шартни бажариб унга уйланади. Кўпчилик әртакларда паризод, идеал қаҳрамон томонида туриб ҳаракат қиласиди. Унинг орзу-умидлари, яхши ният, хоҳиш-эътиқодлари учун курашади. Масалан, «Ойпари» әртагида подшо йигитга йўлбарс сутини топиб келтиришни буюради. Йигит Ойпари ёрдамида бу вазифани бажаради. Иккинчи шартга кўра йигит қирқ парини келтиради, ва ниҳоят, охирги шарт баҳонасида подшо ҳамда унинг одамларини қўйдирib юборади. Бу әртакда пари қизнинг ақллилиги, уддабуронлиги, тадбиркорлиги улуғланиб, зўравон, лақма шоҳнинг бузуқ нияти фош этилади, адолат тантана қиласиди. Шунинг учун ҳам ажойиб фазилатга эга бўлган парилар әртакларда чуқур ҳурмат билан тилга олинади.

Ялмогиз ибтидоий инсон тушунчаси билан боғлиқ бўлган мифологик образ. Унинг келиб чиқиши аёллар салтанати (матриархат) билан боғланади. Ўзг аввал муқаддас момо культи таъсирида ташкил топган. Аёллар салтанати емирилиб әрқаклар ҳукмронлиги ўрнатилгач, у салбий персонажга айланган. Шу-шу ялмогиз икки хил мазмунда: гоҳ ижобий, гоҳ салбий образ сифатида намоён бўлади. Жодугар, шум кампир, мастон кабилар ялмогизнинг ҳар хил кўринишдаги варианatlари ҳисобланади. Бироқ уларнинг шакли ҳар хил бўлса ҳам, мазмуни бир хил. Ялмогиз — ёмонлик, ғалокат, мол-дунё учун ҳақиқатга хиёнат қилувчи шахс тимсоли, у тилсим хусусиятига эга, сеҳр-жоду воситасида иш куради. Ҳатто ялмогиз билан боғлиқ жой, муҳит, нарса ва буюмларда ҳам тилсим характеристи мавжуд. Улар тайри табиий ҳолда сақланади. Ҳар бир тилсим ялмогиз ёки жодугарнинг нақадар ёвуз ва даҳшатли куч эканидан далолат беради. Кўпинча уларнинг жимжит ва даҳшатли қўргони тоғ бағри ёки чўл чеккасида. Ялмогиз «бир етанды қирқ қўйнинг гўштипи ер», «ҳар сув ичганда, қирқ меш сув ичар», «нафасига бир жувоз сув айланади», «у икки ямлаб бир ютади», унинг уйига кириш ёки чиқиши ниҳоятда мушкул: «эшиги қисиб, ити қопиб, оти тепиб қолади», итнинг олдида беда, отининг олдида суяқ туради, ўзи эса, доимо осмонда учиб юради.

Ялмогиз ижобий қаҳрамонларга қарши қўйилади. У гўзал қиз, йигит, олма, гул, илонга айланиб, ижобий қаҳрамон пайига тушади, уни таъқиб этади. Лекин ялмогиз кампир ҳар қанча қаршилик қилмасин, барибир ижобий қаҳрамон унинг тилсимларини билади ва оқибатда енгади.

Ибтидоий тушунчалар билан боғлиқ бўлган мифологик образлар — дев, аждар кабилар сеҳрли әртакларда даҳшатли қиёфада, зулм ва зўрлик, қонхўрлик ва ёвузликнинг тимсоли сифатида ҳикоя қилинган. Девлар «зўравон бошлиқларининг раҳбарлигида париларни инсондан қўриклияди. Эртак ва достон қаҳрамонларини маҳв этиш учун якка ёки тўда бўлиб ҳужум қиласиди. Лекин инсон қобилияти қаршисида мағлуб бўлади. Девлар осмонда учувчи ва ерда юрувчи деб иккига ажратилади, баъзилари табиати ҳийлагар, маккор, алдамчи ва газабкор, бошқалари нозик санъаткор, гўзал нарсалар қурувчи уста, забардаст, афсонавий куч эгаси. Девлар тўдасининг бошлиқлари алоҳида ном билан юритилади: Ахриман, Ақвон, Самандар, Оқ дев, Қора дев, Қизил дев, Сариқ дев, Аршақ дев, Афсан дев, Боймоқ дев, Япроқ дев ва бошқалар¹.

Әртакларда девлар баланд бўйли, баданини жун босган, думли, шоҳли, башараси хунук, мўйлови ва киприги узун, оғзи катта, сўйлоқ тишли, тирноқлари узун, баъзан бир неча бошли маҳлук сифатида тасвирланади. Улар әртак ва достонларда, асосан салбий образ бўлиб, ақлий ёки жисмоний куч синовида енгилгач, инсонга бўйсунадилар. Масалан, «Кулол ака» әртагида Кулол ака девларнинг подшосини қуш ҳолида учратади ва унинг ёрдами билан ўз турмушини яхшилади.

Сеҳрли әртаклардаги салбий образлардан яна бири — аждардир. Аждар әртакларда таъриғланишича, катта гавдали илон, оғзидан олов, тутун чиқарадиган маҳлук. У сув ёки ғордан чиққанда ҳамма ёқни шамол, бўрон босади. Ҳамма нарсани домига тортади, бўкиради, тўлғанади. Аждар инсоннинг энг ёвуз душмани. У одам ейди, мамлакатни хароб этади, экинларга, халқ рӯзгорига жуда катта талафот етказади, молларни қиради. Аждар гўзал қизлар, маликалар, париларга уч. Эртакларда аждар подшо қизини ютмоқчи бўлиб турганида, ботир йигит аждарни ўлдириб, қизни қутқаради. Баъзи әртакларда у бутун шаҳар, қишлоқ, ҳатто мамлакатни ютиб юбормоқчи

¹ Узбек совет энциклопедияси, 3- том, Тошкент, 1972.

бўлганда, эртак қаҳрамони етиб келиб, халқи ва юртини оғатдан сақлайди.

Бу хилдаги даҳшатли йиртқичлар қанчалик қўрқинчли тарзда ифодаланса, уларга қарши қўйилган қаҳрамонлар шунчалик қўрқмас, баҳодир сиғатли тасвирланади. Демак, ялмоғиз, дөв, аждар сингари ёвуз махлуқлар қаҳрамон йўлида найдо бўлган асосий тусиқ. Уларни енгизиш учун зарур бўлган беқиёс куч ибтидоий инсон истаги, идеал орзусидан келиб чиққан.

Сехрли эртаклардаги афсонавий қушлардан бири Семургdir. Семург ўзбек мифологияси ва эртакларида қаҳрамоннинг меҳрибон дўсти, ҳимоячиси, сафарда ҳамроҳ, яхшилик эвазига яхшилик қилувчи, ёвузикининг душманни, қаҳрамонни етиб зулмат ичига олиб тушиб, уша зулмат қўйнидан олиб чиқадиган фантастик халоскор қуш. Қаҳрамон Семург болаларини аждар хавфидан қутқарди ва бунинг эвазига Семург йигитнинг ўз мақсадига эришувига кўмаклашади. У афсонавий манзиллар — «қўш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган» чўлда, якка дарахт тепасида яшайди. Семург образи «Қаҳрамон», «Семург», «Ойнаи жаҳоннома», «Рустам», «Кенжаботир» сингари эртакларда кенг тасвирланади.

Сехрли эртаклар поэтикасида тилсим алоҳида ўрин тутади. Тилсим ва тилсимли ҳодисалар таъсирчанликни орттириб, эртакларга хос табиат яратади, воқеа ва ҳодисалар мазмунини очади, қаҳрамон руҳини белгилайди. Тилсим сюжетнинг асосий безаги, эртак поэтикасининг таркибий қисмидир. Сехржоду ва тилсим воситалари эртак сюжетини ҳаракатта келтиради, қаҳрамонлар характерини белгилайди.

Анъанавий учниклар — уч йўл, уч ака-ука, уч от, уч кечакундуз — сюжет ҳаракатининг бир хил қолипда сеқин давом этишини таъминлайди. «Ота васияти» эртагида кенжакундуз уч от (оқ, қора, саман отлар) ёлидан тутатки олади. Уч отнинг навбат билан кўрсатган ёрдами туғайли рабоқда ўтирган маликанинг уч шартини бажаради. «Ур, тўқмоқ»да чол Хизир олдига уч марта боради, уч хил нарса олади ва бу сирли буюмлар билан боғлиқ бўлган уч хил воқеа ҳикоя қилинади. «Булбулигўё» эртагида тасвирланишича, «Уч оға-ини бир манзилга этишибди. Унда уч йўл бор экан. Бири борса келар, иккинчиси борса хатар, учинчиси борса келмас, деган йўл экан. Уч оға-ини маслаҳатлашиб, йўлларни тақсим қилишибди. Улар-

нинг каттаси борса келарга, ўртанчаси борса хатарга, кенжаси эса, борса келмасга жўнаб кетибди». Бундай анъанавий учниклар навбатдаги саргузашт учун йўл очади ва унинг қизиқарли бўлишини таъминлайди.

Учниклардан ташқари тўрт, етти, қирқ сонлари билан боғлиқ анъаналар ҳам мавжуд. Булар дастлаб, халқнинг қадимий урғ-одати, тушунчалари билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик асл моҳиятини йўқотиб, поэтик воситаларга айланган. Демак, сюжет чизигида мавжуд ҳаракатнинг босиқ ва сокин ривожи сеҳрли эртакларга хос хусусиятни белгилайди. Секин ривожланиш саргузашт қисмда мавжуд тўқнашув, қаҳрамон йўлида учраган қийин тусиқлар, оғир, машаққатли, бажарилиши мушкул бўлган шартларни енгигб ўтиш учун ёрдам бериб, руҳий кечинмалар ҳақидаги таъриф ва тавсифларни ойдинлаштиради.

Эртак композицияси мураккаб эмас. Тугун кўпинча фантастик үйдирмалардан ташкил топади, кульминацияда тилсим сирлари ойдинлашади, қаҳрамон жодугар сирини билиб олади ва уни ўзига қаратади. Сюжет чизигини ташкил этган эпизодлар ихчам, аниқ, мазмунан равон ифодаланган. Тугаллама эртакнинг финал қисмини таърифлайди. Финал қисм доимо анъанавий усулда — тўйтомоша тасвири билан якунланади: «Қирқ кечаю қирқ кундуз тўй бериб, ота-онаси билан тошишиб, ошларини ошаб, ёшларини яшаб, мурод-мақсадларига етдилар». Тугаллама кўпроқ яхши етсин муродга, ёмон қолсин уятга каби дидактик мазмунни ифода этади. Тугалламада ҳар доим оптимистик руҳ ҳукмронлик қиласади.

Сехрли эртакларнинг қаҳрамонлари икки хил кучга — бир томондан, афсонавий, сехрли, ёвуз кучларга қарши курашса, иккинчи томондан, турмушдаги адолатсизлик, ноҳақлик, зулм, адоват, фитначиликка қарши курашадилар. Ижобий қаҳрамонлар доимо меҳнат кишиларилинг оддий вакиллари — кенжакундуз ўғиллар, етим қизлар, тухматга учраган келинлар, чўпон, ҳунарманд йигитлардир. Улар олдин кўп қийинчиликларга дуч келадилар, борса келмас йўлларга кетадилар, ўгай оналар тухматига учрайдилар, кейинчалик ҳалоллиги, тўғрилиги, вафодорлиги туғайли сирли ёрдамчиларга эга бўладилар ва ақл кучи, тадбиркорлик, эпчиллик, ҳушёрлик билан афсонавий душманни — девни, ялмоғизни, золим подшоҳ ва маккор вазирни енгигб чиқадилар. Нихоят, қаҳрамоннинг жасорати мукофотланади: подшоҳнинг қизига уйланади,

юрга подшоҳ бўлади, мамлакатда адолат ўрнатади. Тўғри, ҳалол кишилар ўзлари орзу қилган фароғатли турмушга эришадилар. Шундай қилиб, мифологик воқеалар билан бошланган эртак ижтимоий прогрессив гоялар тантаси билан ажойиб якунига эришади.

✓ Сехрли эртаклар минг йиллар маҳсулни, ҳалқ ўз эртагини узоқ замонлар қайта-қайта тинглаган, унга сайдал берган, гўзал санъат асари даражасига кўтарган. Улуғ рус шоири А. С. Пушкин эртаклар ҳақида гапириб: «Эртакларнинг гўзаллигига қаранг! Ҳар бирни бир достон!» — деган эди.

**Ҳаётий-маиший
эртаклар** Үзбек ҳалқ оғзаки ижодида ҳаётий-маиший эртаклар алоҳида ўрин туради. Улар реал, ҳаётий уйдирмалар

асосига қурилган бўлиб, фантастика элементлари ёрдамчи мотивлар шаклида намоён бўлади. «Қулогига тилла ҳалқа осилган, шохига мухр босилган, бўйнига асл тошлар тақилган» афсонавий кийик, қизнинг балиқ қорнидан тирик чиқиши, сўлмас гул, ўлик она кўксидан сут келиши каби фантастик элементлар сюжет чизигига ёрдамчи функцияни бажариб, конфликт ечимида асосий ва ҳал қиувлечи роль ўйнамайди, балки баъзи эпизодларнинг ўзаро мантиқий bogланишини таъминлайди. Саргузашт, ишқий-саргузашт, социал мотивлар, оилавий можаролар асосий мавзу бўлган бундай эртакларда инсон марказий сиймо — асосий қаҳрамон бўлади. Эртак қаҳрамонлари — ҳаётнинг фаол кишилари, улар ажойиб ва ғаройиб ёрдамчиларсиз иш кўрадилар, ақл кучи, тадбирлилик, чидам, жасорат, ирода кучи, дусттага вафодорлик, садоқат, адолатсизликка нисбатан муросасизлик уларнинг асосий сифатлариидир. Ҳаётий-маиший эртакларда воқеалар қаҳрамон яшаган замон ва шу маконда бўлиб ўтади. Ўндаги барча эпизодлар замонпавий — эртак тингловчига таниш бўлади. Эртак сюжетини, асосан социал-маиший мотивлар ташкил қиласиди. Ҳаётий-маиший эртаклар сехрли эртаклар асосидаги апъяналардан келиб чиқсан ва қўн жиҳатлардан уларга ўхшаб кетса-да (масалан, кишиларга яхшилик қилиш, юрга адолат ўрнатиш учун кураш, композицион ўхшашликлар, эртак схемаларида умумийлик, ғоя ўхшашлиги, эпик қоидалар бирлиги ва ҳ. к.), бироқ улардан реал ҳаёт воқеалари асосида қурилганлиги билан ажралиб туради. Бу тур эртакларда бош қаҳрамон — инсон, у ҳаётдаги ҳамма душман тўдаларини — подшоҳлар, бойлар, қозилар,

мулла-эшонлар, жаллодларни ўз кучи билан енгиб чиқади.

Саргузашт, ишқий характердаги эртакларнинг қаҳрамонлари шоҳ қизига уйланар, ҳатто юрга подшоҳ бўлиб, мурод-мақсадларига етар эканлар, буларнинг ҳаммаси меҳнат кишилари ўз кучи ва қудратига ишонч руҳи билан яшаганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Эртак гоясида киши ҳамма нарсага қодир, у золимларни, подшоҳ ва унинг барча сарой аҳли билан, лак-лак қўшини билан ҳокимият устидан улоқтириб ташлай олади, мамлакатда адолат ўрната олади. Бу хил эртакларда кишилар ўз бахтини ўзлари яратишга интилишлари керак, кишиларнинг имконияти жуда ҳам чексиз деган чуқур социал маъно ҳукмрон. Ҳаётий, саргузашт эртаклар, одатда кўп воқеали бўлади. Қаҳрамон кўп юртларни кезади, кўп қийинчиликларни кўради, оғир шартларни бажаради, ниҳоят, тилсимларнинг сирини билиб олиб, жасурлик кўрсатиб, душманни енгади ва мақсадига эришади. Сатира ва юмор элементлари сехрли-фантастик, ҳаётий-маиший эртакларда йўл-йўлакай учраб турадиган, ноўрин ҳодиса, ярамас ахлоқни фош этувчи ёрдамчи восита. Уларнинг сюжети ягона планли, бўрттирилган воқеалар асосига қурилган. Воқеа ва ҳодисалар гайри табиий жой, бօғ ва саройларда эмас, балки реал ёки бўлиши мумкин бўлган шароитда кечади. Ижобий қаҳрамонлар хушмуомала, мулоим, назокатли, айни пайтда, кескин ва шижаотли тарзда талқин этилади. Салбий персонажлар эса, ўта золим ва қаҳрли шахслар сифатида таърифланади.

Ҳаётий-маиший эртакларда кўпроқ социал тенгислик, адолатсизлик, зулм ва зўрлик қораланиб, эзгулик, ҳақиқатнинг ғалабаси улуғланади. «Зиёд ботир», «Болтакай ботир», «Уч оға-ини ботирлар», «Ойгул билан Бахтиёр», «Хуршидой», «Вафодорлик», «Озода чеҳра», «Туҳматга учраган келин», «Тоҳир ва Зухра», «Фарҳод ва Ширин», «Аёз», «Давлат мирза», «Золим подшо», «Давлатли келин», «Гулфараҳ», «Авом фолчи» ва бошқалар шу турдаги эртаклар сирасига киради.

Ҳаётий-маиший эртакларни тематик йўналиши ва гоявий мазмунига кура жанговарлик, ишқий-саргузашт ва топишмоқли эртакларга бўлиш мумкин.

Жанговарлик эртакларида асосий тема элат ва юргудофааси ҳисобланади. Улардан кўпроқ жанг жадаллар билан боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисалар ўрин олади.

Шунинг учун ҳам адолатсиз шоҳлар қораланиб, ҳалқарвар шоҳлар орзу қилинади. Ажойиб ва ғаройиб ҳодисалар, ечилиши қийин бўлган шартларни бажариш, мардлик ва жасорат кўрсатиш ранг-баранг таъсирчан эпизодларда тасвирланади. Воқеа ва ҳодисалар, образлар конкрет кўйилади. Баш қаҳрамон босқинчи, қонхўр, камбагалларни зор қақштаган, қўшни юртларни талон-торож қилган, ҳарамда қирқ хотини, тўрт юз чўриси бўлган поинсоф, золим шоҳга қарши курашда катта мардлик, жасорат намуналарини кўрсатади ва уни енгади, ёвуз кучларни йўқ қиласди. Идеал қаҳрамон ўзининг хатти-ҳаракати билан ҳатто оғир вазиятларда ҳам ғалабага интигувчи ажойиб баҳодир. Бу қаҳрамон фантастик куч ва сеҳрли воситаларга эга эмас, у ўзининг жисмоний кучи, ақл-идрохи ва тадбиркорлиги билан иш куради. Зиёд ботир, Болтакай ботир, Бекмон ботир, Уч оғайнин ботирлар ҳалқ идеали, тинчлик, мустақиллик, мардлик, тўғрилик, меҳрибонлик, дўстлик, адолатпарварликнинг рамзий ифодасидир. Бундай баҳодирлар қаҳрамонлик типидаги эртакларда тасвирланган паҳлавонларнинг тадрижий ривожи бўлиб, демократик гоя, юксак ахлоқ нормалари билан боғлиқ хусусиятлар акс эттирилган. Бу ҳол «Болтакай ботир» эртагида яққол кўринади. Ботир ва унинг хусусиятлари паҳлавонлар сингари таърифланса-да, талқиндаги бўртириш ҳаётий: «Гулжон сулув Boltagay botiriga tegmasdan ilgari kўp iyigitlar bilan olishib, engib chiqdап экан, қилич уришда, от чопиша, ёй отишка унга ёлғиз Boltagay botir bas kela olgan ekан. Shuning учун Гулжон сулув Boltagay botiriga хотин бўлган экан». Демак, қаҳрамоннинг жасорат кўрсатиши ҳаётий анъана билан боғлиқ.

Болтакай сиймосида ватанпарварлик гоялари барқ уриб туради. Душманни қувиб юртдан чиқиб кетаётган ботир она тупроқдан бир сиқим олиб: «Ўлсан кафаним буласан, ўлмасам чононим буласан»,— деб чўнтағига солиб қўяди. Идеал образнинг ана шу шаклда акс этиши жанговарлик типидаги эртакларнинг ўзига хос хусусияти белгилайди.

Подшоҳлик тузумини қоралаш, унинг қонун-қоидали, зулм ва зўрлик сиёсатини фош этиш «Уч оға-ини ботирлар»-эртагида ҳам ўз ифодасини топган. Эртакнинг сюжет чизиги икки нланли бўлиб, улар ўзаро мантиқан боғланган, содда ва таъсирчан. Эртак меҳнаткаш ҳалқ

оммасининг донишмандлик, баҳт ва тинчлик, эркин ва озод меҳнат, жасур қаҳрамонлар ҳақидаги орзу-умидларининг бадиий ифодасидир. «Тажрибакорлар», «Паҳлавон шаҳзода», «Кенжা ботир», «Уч оға-ини шаҳзодалар» мазкур эртакнинг вариантлари бўлиб, улар ўзаро бир-бирига яқинидир. «Қўй гўшти», «қон қўшилган шинни» воқеалаари, «тўти ҳикояси» ва тошишмоқли синов мотивлари бу эртакларда асосий саргузашт қисми ташкил этади.

«Уч оға-ини ботирлар» эртаги ота насиҳати билан бошланади. Ота камбағал, бироқ ҳаёт тажрибаларига бой, турмуш машаққатларида чиниққан киши. У ўғилларига шундай насиҳат қиласди: «Тўғри бўлинг — бехавотир бўлассиз, мақтанчоқ бўлманг — хижолат тортмайсиз, дангаса бўлманг — баҳтсиз бўлмайсиз». Насиҳат ҳалқ мақолларига яқин бўлган афористик иборалардан ташкил топган бўлиб, идеал ахлоқни таърифлайди. Ботирларнинг ҳар бир ҳаракати, мушосабатида ахлоқ ва одобнинг юксак намуналари ўз ифодасини топган. Ана шу ижобий характер-хусусиятлар қаршисида подшоҳлик тузуминиг ярамас иллатлари очилади. Ботирлар образида одоб ва муомаланинг юксак намунаси, одамийлик, меҳнатсеварлик, донишмандлик, жасурлик ва сезигирлик каби сифатлар барқ уриб турса, золим, текинхўр кишилар қиёфасида мол-мулк йўлида ҳар қандай ифлос ишлардан қайтмаслик каби хусусиятлар намоён бўлади.

Эртакда нон тахлаш эпизоди шоҳлик тузумини фош этишга қаратилган ажойиб мисол. Тўнгич ботир: «Шу гўшт қўзининг гўшти экан, бироқ қузи ит эмиб, катта бўлгап экан». Ўртанча ботир: «Тўғри айтасиз, подшо деган итнинг гўштидан ҳам қайтмайди». Жавобдаги «подшо» сўзи ургули бўлиб, умуман подшоҳлар тилга олинади. Ўртанча ботир ўз сўзини тасдиқлаш учун шундай дейди: «Мен ҳам бир нарсага ҳайрон бўлиб турибман, шу шиннидан одамнинг иси келади». Унинг фикрини Кенжা ботир тасдиқлайди: «Тўғри, подшоҳлик — қонхўрлик демакидир. Қон қўшилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас: лекин ёмоннинг қони бўлса-ку, майли, бегуноҳнинг қони қўшилган бўлмасин». Ўз фикрини давом эттириб Кенжা ботир: «Дастурхондаги нонни тахлаган одамнинг отаси нонвой экан»,— дейди. Ҳақиқатан ҳам нонни подшо тахлатган. Демак, шоҳ новвойнинг боласи экан. Бу деталь умуман, шоҳликка нисбатан газаб уйғотади.

Ҳаётий-маиший эртакларнинг бир тури бўлган ишқий-

саргузашт әртакларда, асосан вафодорлик темаси мадх этилади. «Зиёд ботир», «Сұнмас гул ва вафодор хотин», «Маликаи Ҳуснобод», «Озода чехра», «Тұхматта учраган келин», «Вафодорлик» каби бир қанча әртакларда камситилган ва тұхматта учраган аёллар саргузашти орқали вафодорликнинг юксак намунаси ҳикоя қилинади. Бундай әртаклар сюжети саргузашт асосига қурилған бўлиб, қаҳрамонпинг чеккан изтироблари, хилм-хил руҳий кечинмалари таъсирчан эпизодларда тасвирланади. Сюжет чизигида: «Сизга содиқлигимни, муҳаббатимни билдириб турувчи бир гул бераман. Агар мен сизга вафодор бўлсан, шу гул очилиб, ҳеч сўлмасдан сақлапади. Агар мен вафосизлик қиласам, шу гул сўлади, деб бодга ўсиб турган бир қизил гулни узиб йигитга узатиби» сингари самимий сўзлар воқеа ва ҳодисалар ривожи ҳамда таъсирчанликни бўрттириш учун хизмат қиласди. Озод үлка, баҳтиёр ҳаёт, ҳуррият ва эркинлик, севги, вафо ҳақидаги порлоқ орзулар ишқий-саргузашт әртакларнинг асосий гоясини ташкил этади. Аёллар эркисизлиги, уларпинг исёнкорона руҳи билан боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисалар тафсилоти,adolatli vaadolatsiz shox, жаллод ва зиндон ҳақидаги тушунчалар мазкур әртакларнинг феодал тузуми шароитида юзага келганилигидан далолат беради. Бинобарин, бундай әртакларда вафодорлик билан бир қаторда риёкорлик, тұхмат ва мусибатнинг оғир машаққатлари ҳикоя қилинади. Аҳдига содиқ, вафодор қиз Қамархон, Озода чехра, келин, маликалар турли хил тұхмат ва иғволарга учраб, оғир ҳамда қийин аҳволда қоладилар. Бироқ ақл ва идрокли, тадбиркор, пок виждонли, вафоли аёллар нияти бузуқ кишилар устидан ғалаба қиласидилар, ўз ёрига етишадилар. Донишманд аёллар билан боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисалар бир бутун ҳолда асар сюжетини ташкил этган бу хилдаги әртаклар, асосан ҳақиқий муҳаббат, севги-садоқатни улуғлаб, майший бузуқликни фош қиласди.

«Зиёд ботир» әртагидаadolatparvarlik вафодорлик мотивлари билаң уйгунилашиб кетган. Шоҳнинг қизи Қамархонни севиб қолган Зиёд ботир шаҳардан қувғин қилинади. Айрилиқ кайфияти Қамархонни овга олиб чиқади. Малика тасодифан Зиёд ботирга дуч келади. Севишганлар топишиб, ажралмасликка аҳд қилишади. Улар бошқа шаҳарда яшаб туришганида, шайхнинг ўғли Қамархонга ғойибона ошиқ бўлиб, уни йўлдан чиқармоқ-

чи булади, тұхмат топшини отади, ғаламислик қиласди. Бироқ ўз ёрига вафодор қиз уни шоҳ олдида фош этади. Шайх ўғлидан қутулған қиз Ҳусайн Бойқаро тазийқига дуч келади. Шоҳ қизни саройга келтиради. Лекин у ўз севгисига содиқ қолади. Шоҳнинг вазири — Алишер Навоий ошиқ-маъшуқларни шоҳ зулмидан қутқариб, ўз юртига олиб бориб қўйиб келади. Ана шу анъанавий сюжет чизигида Қамархон ва Зиёд ботир образлари вафодорликнинг рамзий ифодаси, Алишер Навоий образи эсаadolatparvarlikнинг ажойиб намунаси янглиғ намоён бўлади.

Ислом дини ва феодал синф вакиллари хотин-қизларни ҳуқуқсиз, эркисиз сақлашга уринган бир пайтда халқ оғзаки ижодида аёллар образининг тұлақонли талқини, айшиқса, идрокли, жасур, исёпкор қурапшчи сифатида таърифланиши катта жасорат эди. «Маликаи Ҳуснобод», «Маликаи Ҳубон», «Маликаи Жаҳон», «Донохон» ва «Етти қиз» каби әртаклар бунинг ёрқин далилидир. Мазкур типдаги әртакларда асосий масала интим тұқнашувдан ижтимоий қарама-қаршиликларга бориб етувчи конфликт заминига қурилған. Бундай әртакларда аёллар фақат оила-вий ҳаётдагина әмас, балки давлат иши, әлат ва юрт тақдидири билан ўз тақдирларини боягайдилар, босқинчиларга қарши қураш ва жангларда қатнашиб маҳорат курсатадилар.

«Тоҳир ва Зуҳра», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Орзижон билан Қамаржон», «Гулшоҳ билан Варқа», «Ёзи билан Зебо», «Баҳром билан Гуландом» каби достон вариантылари мавжуд бўлган әртакларда ишқ-муҳаббат воқеалари лирик йўналишда, ниҳоятда таъсирчан тасвирланади.

Топишимоқли әртакларда ўткир зеҳн ва донишмандликни нақл этиш асосий ўрин тутади. Уларда давомли, саргузашт воқеалар ҳикоя қилинмайди, сюжет қисқа ва содда, топишимоқ асосига қурилған, мазмун лўнда ифодаланиб, ақлий сипов етакчи роль ўйнайди. Эпизодлар, асосан диалоглардан ташкил топади. «Аёз», «Давлат мирза», «Давлатли келин», «Эркисиз фолчи», «Донишманд аёл», «Гулфараҳ» кабилар шундай әртаклар бўлиб, уларда ҳикоя қилинган доно, ақлли, идрокли кишилар халқ орзу-сининг тимсоли сифатида намоён бўладидар. Улар ҳаёт тажрибаларига бой, донишманд, меҳнатда чиникан, ўткир зеҳн-заковатли кишилар бўлиб, инсон ҳолати, хатти-ҳа-

ракатига қараб туриб, фикри, яширин сирларипи айтиб берса оладиган даражадаги донишмандлардир. Биргина «Гулфараҳ» эртагида шоҳнинг қизга берган савол шаклидаги топишмоғи ва бу саволга қизнинг кучма маънода берган түгри жавоби фикримизнинг исботи бўла олади: «Қаттиқдан қаттиқ пима қаттиқ?»; «Шириндан ширин нима ширин?»; «Аччиқдан аччиқ нима аччиқ?»; «Шу ҳўзизни ети ойда икки марта болалатиб бер!».

Қиз бу сипов-топишмоқларни қўйидагича ечади:

«Қаттиқдан қаттиқ — отнинг туёги қаттиқ»; «Шириндан ширин — бола ширин»; «Аччиқдан аччиқ — ўлим аччиқ». Тўртингчи саволни билиш учун келган шоҳ совчилариға: «Дадам ҳаммомга туққани кетган, келсалар жавобини айтаман», — дейди.

«Ақлли бола» эртагининг бош қаҳрамони камбагал бола мақтанчоқ шоҳга қарши қўйилади. «Бизларни нима сўйиб меҳмон қиласан?» — деб савол беради шоҳ. Бола: «Топсам бирни, топмасам иккини сўямиз». Подшо ҳайрон бўлиб зиёфатдан сўнг: «Бола, сен нечта қўй сўйдинг?» — деб сўрайди. Бола: «Бирни топмадик, шунинг учун иккини сўйдик», — дейди. «Бирни топмасанг, иккини қаердан топиб сўясан?» — деб таажжубланиб сўрайди шоҳ. Бола: «Бизнинг бир бўгоз совлигимиз бор эди. Бошқа бир қўй тополмай, шу бўгоз қўйни сўйдик. Ўзини сўйгандан кейин боласи ҳам ўлади. Иккини сўйдик деганинг маъноси ана шу» — дейди. Шоҳ мот бўлади. Эртакнинг асосий темаси зийракликни синаш. Синов мотиви ўзбилармон шоҳни бола олдида шарманда қиласди. Эртакда донолик зийраклик каби меҳнат аҳлига хос хусусиятлар маъқулланади.

«Аёз» эртагида бош қаҳрамон шоҳнинг аниқланиши қийин бўлган шартларни бажарар экан, ҳалқни хижолатдан қутқаради. У нихоятда сезгир ва инсонпарвар, доимо воқелик содир бўлган ўрин-жой, пайтга амал қилиб иш кўради. Шунинг учун ҳам унинг фикр-мулоҳазалари ҳамиша ўринли ва қатъий. Шоҳнинг «Дунёда тўртта нарса ёмон, у нима?» — деб берган жумбогига у ўз ҳаёт тажрибаларига суняниб: «Қушларнинг ичидаги қалхат ёмон, ҳайвонларнинг ичидаги ҳачир ёмон, тўқайзорда тўнғиз ёмон, одамлар орасида лақмаси ёмон», — деб тўғри ва аниқ жавоб беради. Эртак давомида фикр лақма шоҳ мисолида тасдиқланади. Подшо ўз вазирини (Аёзни) синаб қўриш учун:

— Аёз, қалай, бу от ёқадими? — дебди. Аёз.

— Отингиз отжон экан-у, энаси молжон экан-да, — дебди.

— Буни «отжон» деганинг, энаси «молжон» экан, деганинг нимаси? — дебди подшоҳ ва унга шу отни тортиқ қилган кишини чақиртириб, ундан сўрабди. Отнинг эгаси:

— Ростини айтсан, бу отнинг отаси ҳам от, энаси ҳам от. Аммо энаси туққандан кейин, уч-турт кун ўтгаҳ, ўлди. Той энаси ни эмолмай қолди. Шунда сигир сути бериб бокдим, — дебди. Подшо Аёздан сўрабди:

— Сен бу отни сигир сути ичиб катта бўлганини қандай билдинг?

— Сайисингиз отни ариққа олиб бориб суворди. Қараб турсам, тумпугини буриб, кейинги оёғини ариққа қараб силкиди. От боласи бундай қилмас эди-ку, деб тахмин қилдим, — дебди.

Кўрамизки, ҳалқни шоҳ ва амалдорлар зулмидан ҳимоя қилиш Аёзнинг доимий муддаоси. Аёз меҳнат тажрибаларига бой бўлган донишманд киши. У ҳатто мазмуни хаёлий бўлган топишмоқни ечиш чорасини топади.

Бир куни подшо Аёзга «таги ерга тегмайдиган, тепаси осмонга тегмайдиган қилиб иморат соладиган уста топиб кел», — дебди. Аёз ўргатилган жўр тургайнинг боласини олиб келиб, оёғига иш боғлабди-да, қафасдан чиқариб юборибди. Жўр турғай осмонга чиқиб: «Лой, гишт, лой, гишт», — деб сурай берибди.

Аёз подшодав сўрабди:

— Тақсир, бу нима деялти?

— Лой, гишт, лой, гишт, — деялти.

— Лой, гишт деяётган бўлса, сиз айтган уста мана шу. Энди лой билан гишт етказиб берадиган мардикорни топиб берсангиз, сиз айтган иморатни солиб беради, — дебди.

Эртак заминида ўткир ҳажв ётади. Бу ҳажв сарой муҳити ва сарой уламоларининг макр-ҳийлаларини ғош этиб, енгил, айни чоқда заҳарханда кулги яратади. Айниқса, хаёлий ўйдирмадан иборат топишмоқ ҳамда ўргатилган күш детали кулгини бўрттиради.

Топишмоқли эртакларда турли хил шартлар, топишмоқ характеристидаги савол-жавоблар сюжет тугуни ва унинг ечимида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Конфликт социал мазмун асосига қурилади. Эртакда кучма маъноли жумлалар кўплаб қўлланади. Бундай жумлалар, фикр-мулоҳазалар топишмоқ мөҳиятини белгилаб, контраст қўйилган қаҳрамонларнинг характеристини очади.

Ҳаётий-маиший эртакларнинг бош қаҳрамонлари бўлган оддий ҳалқ вакиллари — дехқон, чўпон, доно қиз, камбагал йигит, ҳунарманд, подачилар адолатсизлик, иғво ва фитна каби ярамасликларга қарши шафқатсиз кураш

очадилар. Ҳикоя қилинган воқеа ва ҳодисалар ҳаёлий-фантастик жойлар — ер ости, осмон усти, қоялар, сувости, қаш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган жойларда әмас, балки реал, ҳаёт қайнаган шаҳар ва қишлоқ, боғроғларда бўлиб ўтади. Миғологик образлар — дев, аждар, ялмоғизлар умуман қатпашмайди, баъзи баъзизда учрайдиган шайтон, алвости, баҳт қуши, давлат қуши, шум кампир сингарилар кўпроқ поэтик восита функциясини бажаради.

Хуллас, ҳаётий-маишӣ эртаклар, илм-хунар, меҳнат, дўстлик, қаҳрамонлик, меҳр-муҳаббат, вафодорлик, чин севги, садоқат, донишмандликни тарғиб этади, дўстни душмандан, оқилини подондан, самимийликни сохталиқдан ажратишга даъват этади.

Ҳажвий эртаклар Ҳузек ҳалқ эртакчилигида ҳажвий эртаклар алоҳида ўрин тутади. Улар ҳудди ҳаётий-маишӣ эртаклардек, ижтимоий ҳаётда реал асослари бўлган ҳаётий уйдирмалар заминига қурилган бўлиб, ўткир сатира ва хушчақчақ юмор асосий хусусиятини белгилайди. Сюжет тузилиши ихчам, воқеа ва ҳодисалар лўнда ифодаланади.

Ҳажвий эртакларда сатира ижтимоий ҳаётдаги зиддиятларни, қарама-қаршиликларни очиб ташлайди, фош этади. Шунинг учун ҳам бу хилдаги эртаклар маълум маънода синфий курашлар ифодаси, айни пайтда шу курашнинг маънавий қуроли ҳамдир. Юмор эса ҳаётдаги оиласи, қарама-қаршиликларни, муносабатларни ҳикоя қилувчи эртакларга хосдир. Сатирик эртаклар жамият тараққиётига гов бўлиб турган камчиликларни фош этади. Юмористик эртаклар кишилар орасидаги нуқсонларни енгил кулги йўли билап тузатишга ёрдам беради. Ҳар иккала турдаги эртаклар ҳам турмуш тараққиётидаги катта-кичик камчиликлар, нуқсонлар, қолоқлик, ўтмиш иллатларини фош қилишда, илғор фикрларга йўл очишида, соғлом кучларни ќуپайтиришда санъат асари сифатида хизмат қилади.

Ижтимоий ҳаётда ҳажвийнинг роли катта. У инсон ақлзаковатиши чархлаб турувчи кучли ва забардаст омилдир. Ана шундай ўткир кучга эга бўлган ҳажвий эртаклар ўтмишда эзилган кишилар оммасининг эксплуататор синфи вакилларига қарши курашида маънавий қурол вазифасини ўтаб қелган бўлса, кейинчалик ўз моҳияти эътибори билан тарбиявий аҳамият касб этди.

Ҳажвий эртакларда фантастик уйдирмалар кам учрайди. Улар ёрдамчи деталь, айни пайтда бадиий восита вазифасини бажаради, сатира ва юмор, ҳаракат ва ҳолат, ақл ва идрок эса ҳал қилувчи функцияни адо этади.

Сатирик эртаклар ҳажми қисқа, ихчам бўлиб, мақсадни лўнда ифодаланиши ва эмоционаллиги билан ажралиб туради. Уларда кўпроқ қарама-қарши синф вакилларининг ўзаро тўқпашуви ҳикоя қилинади. Ўткир ва заҳарханда ҳажв эртак сюжетининг асосини ташкил этади. Ҳажвий эртакларда сатира асосий ўринни тутиб, юмор ёрдамчи восита сифатида куринади. Масалан, «Ўгри» эртагининг асосида заҳарханда кулги ётади. Асарда инсон ҳуқуқи, қадр-қиммати, инсоф, одоб, ахлоқ деган фазилатни мутлақо тушунмайдиган қалтафаҳм, салтанат паноҳида ҳайбаракаллачи, хушомадгўйларга суюниб иш қўрувчи тирик мурда — шоҳ ҳалқ ғазаби, сатирасига нишон бўлади. Шу билан бирга, эртакнинг баъзи ўринларида юмор элементлари учраб қолади. Айниқса, ўгрининг томдан ағдарилиб, ўй эгасининг устига тупшиши, подшоҳ томонидан осиш учун судраб келинган бўйи баланд кишига дор калталик қилиб қолиб, ўнинга кўчадан олиб келинган айбезиз, бўйи паст кишининг осилиши ҳолати кабилар юмористик кулги қўзгайди. Шундай бўлса ҳам сатира асосий ва ҳал қилувчи функцияни адо этади.

Сатирик эртакларда домла-эшонлар, подшоҳ ва вазирлар, феодал ҳокимиятининг амалдорлари, бойлар, қозилар, миршаблар жамиятнинг оддий аъзолари булмиш — қизиқчи, кал, доно кишилар томонидан аччиқ кулгига дучор қилинадилар. Эксплуататор синф вакилларининг нуқсонлари кескин инкор қилинади, уларга нисбатан муродасиз ўт очилади. Подшоҳ ва вазир, қози ва бойдаги адолатсизлик, алдамчилик, пораҳўрлик, мулла-эшондаги ахлоқий бузуқлик, тамагирлик, жамиятдаги мавқеини сунистеъмол қилиши сингари айбларини фош қилиш орқали буларнинг жамиятда пима кераги бор, уларга эътиқод қилишнинг мутлақо ҳожати йўқ, деган хулоса чиқарилади. Қўрамизки, салбий муҳит, ҳукмрон синф вакилларини ҳажв қилиш, кулги остига олиш сатирик эртакларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. Сатирик эртакларда салбий образлар билап бирга ижобий қаҳрамонлар ҳам ҳал қилувчи муҳим вазифани ўтайди. Ижобий қаҳрамон маънавий ва синфиий кураш фонида ўзининг жасурлик, чидамлилик, чаққонлик, ақллилик каби ажойиб фазилат-

ларини күрсатади. Буни биз донишманд, хүпчақчақ чол, деҳқон, камбағал йигит, доно ва одобли аёл, кал, афанди ва бошқа қаҳрамонлар нутқи, хатти-ҳаракатларида кўрамиз. Ана шу қарама-қарши образлар тўқнашуви принципиал характерга эга. Бундай тўқнашув маълум маънода икки синф вакилларининг курашувидир.

Сатирик эртакларда конфликт социал-синфий мазмун қасб этади. У мазмунан ҳәётий конфликт булиб, феодал билан деҳқон, бой билан камбағал, амалдор билан косиблар ўртасида юз беради. Сатирик эртаклар ўзига хос композициян қурилмага эга. Асосий тугун тасодифан туғилади: «Болтабой акаси Тешбойни очликдан ўлдириган золим бойдан уч олиш учун бойнинг ҳовлисига қараб йўл олибди». Асар кульминацияси фош этувчи, ечими эса кулгили булиб, дидактик мазмунни ифодалайди: «Мен неча эшонга қўл бериб, ёшагимдан айрилганман, хўжам, деб хуржу нимдан айрилганман, тўрам, деб тўрвамдан айрилганман, қани тулинг,— деб эшонни ҳайдаб юборган экан».

Сатирик эртакларда кулгили ҳолат икки хил йўл билан яратилади.

Биринчиси диалогнинг холосаси шаклида намоён бўлса, иккичиси қарши ҳаракатнинг натижаси сифатида юзага келади. «Қози билан камбағал», «Икки мулла» эртакларида кулгили ҳолат биринчи хил усуlda юз берса, «Туҳматчилар жазоси», «Хасис бой ва унинг ўғиллари», «Новча, бой ва қози», «Алдаркўса», «Хасис бой билан Абдураҳмон ўғри» каби эртакларда иккинчи хил йўл билан пайдо бўлади.

«Икки мулла» эртагида овчи отиб келаётган ғозни муллалар емоқчи бўладилар. Қозонга соладилар. «Ким яхши туш курса ұша ейди»,— деган шарт қўйиб ухлайдилар. Ўйқудан туришгаんだ бир мулла осмонда учиб бораётганини, иккинчиси денгизда сузиб бораётганини айтганда, овчи: «Сен осмонга учиб кетдинг, сен денгизга сузиб кетдинг, икки ўртада ғоз зое бўлар, деб мен еб қўйдим»,— дейди. Бу эртакда овчининг сўнгги жавобидан кейинги вазият, ҳолат кулгили. Бунда кулгили ҳолат ғалаба тантасини тасдиқлаш билан бирга, муллаларининг тамагирлиги ва айёрлигини фош этади.

«Алдаркўса» эртагида «аҳмоқ қилинган бой деворни итарганича қотиб туради». Бир тиллани бера олмаган Абдураҳмон ўғри ўзини ўлика солиб ётади, хасис бой эса уни қайноқ сув билан ювади. Бунда кулгили ҳолат сал-

бий персонажларнинг қарши ҳаракати натижасида юз бермоқда. Бу хил вазиятлар салбий персонажларни тингловчи олдида кулгили ҳолга солиб қўяди.

Юмористик эртакларнинг асосини ташкил қилувчи юмор воситасида маълум ижтимоий доирага мансуб бўлган кишиларнинг камчиликлари танқид қилинади. «Тўрт ялқов», «Қуйган чол», «Етти аҳмоқ», «Уч кўйнори», «Кўйнори хаёл», «Икки ўжар», «Айёр билан содда», «Гаранг», «Эр-хотин ва ўгрилар», «Соци мумсик билан Боқи мумсик», «Икки аҳмоқ» кабилар юмористик характердаги эртаклар ҳисобланади. Уларда дангасалик, фаҳмсизлик, аҳмоқлик, ўжарлик, саводсизлик, гиёвандлик каби ўтминш иллатлари кулги остига олинади. Бу эртакларда инсонга муҳаббат, унинг баҳтсиз ҳолатига ачиниш ғояси ҳукмрон. Уларда сатирик элементлар ҳам мавжуд. Эртаклар заминидаги аччиқ киноя барча иллатларни туғдирган феодал ҳукмронлиги ва унинг муҳитига қаратилгандир. Бироқ уларда ана шу қораланган мухит ҳақида гап йўқ. Буни мантиқий хуносадағина сезиш мумкин.

Юмористик эртаклар сюjetи, композицияси, образларида ҳазиломуз кулгилар кенг кўламни ташкил этади. Эртақда мавжуд эпизодларнинг деярли ҳаммаси кулгили. Образлар портрети ҳам берилмайди. Бироқ уларнинг ҳаракати ва ҳолати тингловчида кулги уйғотади. Масалан, «Икки аҳмоқ» эртагида бемаъни одат кулгили диалогларда ойдинлашади. Диалоглар эртак персонажларининг хусусий камчиликларини инкор этиб, унга юмористик оҳанг беради ва асар таъсирчанлигини янада оширади.

Ўткинчи отлиқ икки кишига салом беради ва ўтиб кетади. Уларнинг бири иккинчисига:

— Нега сен алик олдинг. У саломни менга берди-ку,— деганда, иккинчиси туриб:— Йўқ, у саломни менга берди,— дебди. Улар отлиқни тўхтатиб:

— Сиз саломни кимга бердингиз?— деб сурасибди. Отлиқ:

— Қайси биринг аҳмоқ бўлсанг, ўшнга бердим,— дебди. Бири:

— Мен аҳмоқ,— деса, иккинчиси туриб:— Мен сендан ҳам аҳмоқ,— дебди.

Бироқ ўз аҳмоқлигини исботламоқ учун:

— Мен домла эдим, бир кун болалар хумга қараб аксини куриб: «Тақсир, болалар хумнинг ичига тушиб, ҳаром қилибди»,— деганда, «Қайси бирга хумдан чиқса, ура беринглар»,— деб бошимни хумга суқиб қарасам, ҳеч нарса йўқ. Бошимни кўтаргаңда, болалар уриб кетишиди. Шунда: «Мен домлаларинг бўламан, демаган аҳмоқман»,— дебди. Иккинчиси эса:— Мен парҳезни бузиб,

тухум еб турганда, ҳаким келиб қолди. Тухумни лунжимда олиб турдим. Ҳаким: «Нега бетинг шишиді?»— деб суради. «Тишимнинг оғригига бетим шишиб кетді»,— десам... ёндан наштарини олиб, бетимни кесіб, оқини оқ, саригини сариқ қылғунча, «тухум» демаган аҳмоқман,— дебди.

Тұқнашув фонида берилған бундай күлгили диалоглар воқөлик тасвирини қуюқлаштиради, бүрттиради, қаҳрамонларнинг маънавий қиёфасини тұлық очади.

Юмористик әртакларда хушчақтақ күлгі пайдо қилиши воситалари ҳар хил. Күлгі баъзан пүткісиз, рухий ҳолат баёнида пайдо бўлади. Бу ҳол «Кўкнори хаёл», «Уч кўкнори», «Кўйган чол» каби әртакларда яққол кўрипади.

Уч кўкнори сукутга кетиб хаёл дарёсида сузадилар, хаёлан шундай «иш» қиласиларки, бу уларнинг салбий томонларини очади:

Мадамин кўкнори чала совиган отни миниб, бузуқ кўприка борганда, битта шум одам пўстакни ёниб ётган экан, пўстак билан кўтарилиб чиқиб отни ҳуркитади. От чўчиб кетиб, ёнита ташлаб, қаттиқ иргиди, устидан Мадамин кўкнори етти газ ерга учи тушади. Шунда Ўсар кўкнори ҳам, Мадамин кўкнори ҳам кўрқиб, икки томонга қулоч ёзиб, «Дод, ўлдим!» деб қичқириб юборади. Буларнинг мушти бориб Қўчкор кўкнорининг жағига тушади. Учаласи кўз очиб қараса, ҳаммасида кўкнорининг хаёли экан.

Баъзан юмористик күлгі жисмоний камчиликлар баёнида содир бўлади. «Гарант» әртагининг асосини енгил, айни пайтда ачиниш мазмунли юмор ташкил этади. Бу күлгі эшитмаслик оқибатида юзага келган пүтқ ва ҳаракатлардан вужудга келади. Кўй йўқотган гарант йўлда келётган гарантдан қўйини сўраса, у «Мен ҳў, Ачавотдан келянман»,— деб кўрсатади. «Қўйим ўша томонда экан»,— деб тушуниб, ўша томонга юради ва қўйини топади. Ўша одамга бир чўлоқ қўй ҳадя этса, у гарант ҳадя, деб тушунмай, «қўйингнинг оёгини мен синдирамадим»,— деб дўқ уради. Жанжал чиқади. Орага эчки етаклаган ва эшак минган гарантлар аралашади. Бир-бирини эшитмаслик ва тушунмаслик оқибатида ёқалашадилар. Тўрт гарант бир-бирини судрашиб қози олдига боришади. Қози ҳам гарант бўлади. Гани, жанжални аниқлаб етмаган қози: «Иккиталаринг янги ой кўрган бўлсаларинг керак, иккиталаринг гувоҳликка ўтгани келганга ўхшайсизлар. Бўлмаса, боринглар, карнайчиларга хабар беринглар, бутун арафа»,— дебди.

Мазкур әртакда гарантлик — кулги маңбаи. У қаҳрамонларнинг ўзига хос хусусиятлари — қўрслик ва қўполнлик, жаҳолат ва жоҳиллик каби ярамас одатларнинг кулги бўлишига сабаб бўлади.

Юмористик әртакларда дангасалик, ўжарлик, ялқовлик, эзмалик, иўноқлик, гиёвандлик, калтафаҳмлик, саводсизлик каби ахлоқий нормага зид одатларга кишилардаги бошқа бир, аввалгига қарама-қарши бўлган сифатлар — ишчанлик, оқиллик, меҳнатсеварлик, ҳушёрлик, вағодорлик, садоқат, одоблиликни қарши қўйиш орқали комик ситуация пайдо қилинади.

Ҳажвий әртаклардаги асосий образлардан бири калдир. Қал қадим замонлардан бери жафокаш ҳалқнинг севимли қаҳрамони бўлиб келган. Оддий ҳалқнинг жамиятдаги воқеа ва ҳодисаларга писбатан мунисабати, ўй-фикр, ҳис-туйгулари. Ана шу образ мисолида талқин этилган. Ҳажвий әртакларда қал асосий қаҳрамон лақаби сифатида келиб, асл номи тилга олинмайди. Жисмоний камчилик ифодаси бўлмиси бу лақаб қаҳрамон руҳини туширмайди, балки унинг донишмандлик фазилатини белгилаб, активлигини оширади. Чунки синфи жамиятда «қал» лақаби икки хил мазмунни билдирган: эксплуататор синф вакиллари бу сўзни эгасига писбатан камситиш, таҳқирлаш маъносида қўлласа, меҳнаткаш синф вакиллари ҳозиржавоб, сўзамол, маънавий юксак комик қаҳрамонга писбатан ишлатганлар. Шунинг учун ҳам бу лақаб эгаси ҳажвий әртакларда ҳалқ сатирасининг қўрқмас, жасур қаҳрамонларидан бири сифатида ҳаракат қиласиди. У эксплуататор синф вакиллари — подшо, вазир, эшон, муллалар билан тўқнашувда устун келиб, ҳатто шайтон ва ўлимни ҳам енгилб чиқади. Меҳнаткаш ҳалқ бу содда, лекин жасур киши образи орқали ўз истак-хоҳишлини, ёмонлик, разолат, зулмни енгилб чиқишига бўлган ишончи ни мужассамлаштирган.

Қал иштирок этган әртакларда конфликт кўпроқ шоҳ билан қал, вазир билан қал, бой, эшон, мулла билан қал, шайтон билан қал ўртасида ақлий тортишувларда ҳал этилади. Ана шундай тўқнашувли «Уч ёлғонда қирқ ёлғон» әртагидаги ҳар бир эпизод, күлгі воситалари асосий мақсадни — ҳақиқатни ёлғондан ажратишни ифодалашга қаратилган.

Подшо ўз қизини уч ёлгои ичиди қирқ ёлғон айтган кишига бермоқчи бўлади. Ҳалқ газабининг объекти бўлган

шоҳ эртакда шунчалик калтафаҳм, ҳақ билан ноҳақ фарқига етолмайдиган қилиб тасвирланганки, ҳатто у кал нутқининг мазмунига тушуна олмай, «тўғрими», деб вазирларидан сўраб туради. Кал эртак давомида: «Хўроғни топиб олдим, бир бойникида дехқончилик қилиб юрган экан, кўришиб, омонлашиб, ҳол-аҳвол сўрасам, олти ой ишлаган ҳақи битта жуволдиз бўлибди. Хўжайини билан учрашиб, жанжаллашиб жуволдизни ундириб олдим», — дейди, ёки «Онам биронникида чўрилиқ қилиб юрган экан, уч йилда ишлаган ҳақи уч ойлик ризи ғулбоди» дейди. Монологдаги «ёлғон» пардасига үралган бундай ҳаётий ҳақиқат ифодаси синфлараро ўсиб етилган антагонистик зиддиятнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Шуниг учун ҳам сарой аъёнлари кални тезроқ саройдан қувишга ҳаракат қиласди. Лекин шартидан қайтолмайди, мусобақада голиб чиққан калга подшоҳ қизини беришга мажбур будади. Асарда ёлғон гапириш эпизоди танқидий оҳангии кучайтириб, комик қаҳрамон сиймосишиг турли қирраларини очади. Қаҳрамон путьидаги образли бадиий тасвир воситалари, айниқса, истеҳзо тұла савол-жавоблар социал-сиёсий йўналишни ёрқин бўёқларда ифодалайди.

«Уч ёлғонда қирқ ёлғон», «Маматкал», «Кал», «Кал билан подшоҳ», «Бой билан кал» эртакларida комик қаҳрамон тушунчасида сехр-жодуга нисбатан ишончсизлик сезилиб туради. Бироқ ўрни келгандан упдан маълум мақсадни кўзлаб фойдаланади. Масалан, Маматкал бой авлодидан бўлган ахлоқсиз, ўтай онани жазолашда унинг сехрли кучларга бўлган ишончидан фойдаланиб, таъқиб остига олади. Ўгай онага мозористонга бориб сиғинишни буюради. Хотининг сиғинган «авлиё»си яширинган калнинг ўзи эди. Онасидан олдин товоқни ўзи билан олиб келган кал:

— Ҳа она, көлдингиэм? Ҳазрат бузруквор талабингизни бердими?

- Талабимни берди, хўп авлиё экан.
- Талабингиз қани?
- «Товоқ ўзингдан илгари боради» — деб эди — дебди.
- Кал у ёқ-бу ёққа қараб:
- Э, товоқ келиб қолибди-ку, — дебди. Хотин:
- Зўр авлиё экан.

Фольклор асарларida кал образи пайдо бўлиши билан уларниг тематик йўналиши, гоявий мазмуни ҳам ўзгаради. Кал эртакларда кўринишдан содда ва хароб, лекин уддабуроп, доно, қўрқмас, нотиқ сифатида гавдала-

нади. Унинг характеридаги қўрқмаслик, тадбиркорлик каби асосий белгилар рақиб билан тўқнашувда қўл келади, руҳан тушкунликка туширмай, енгиш йўлини топишга имкон бераб, асар сюжетига комик мазмун багишлиди. Кал — ҳаёт машаққатларида тобланган, жафоли меҳнат ичиди обдон чиниққан киши образидир. Меҳнатсеварлик, гайрат-шижоат, тадбиркорлик унинг учун ғалаба йўлини очади.

Комик қаҳрамон қиёғасида ижобий сифатлар билан бирга, ҳатти-ҳаракати, нутқида алдаш, ҳийлакорлик каби салбий мазмунга эга бўлган белгилар ҳам мавжудлигини кўришимиз мумкин. Алдамчилик, ҳийлакорлик ижобий характер фазилатига ёт бўлса-да, сатирик ва юмористик эртакларда зарурый қураш қуроли вазифасини бажаради. Кўриниб турибдики, калнинг айёрлиги реакцион муҳитга қарши қаратилган бўлиб, тўқнашувда душман мағлубиятга учрайди.

«Уч ёлғонда қирқ ёлғон» эртагида қаҳрамон «ёлғон» ниқобида, аянчли ҳақиқатни очиб ташлайди. Натижада сарой аҳли шундай ноқулай аҳволга тушиб қоладики, ҳатто калнинг «ёлғон» таърифида мавжуд аччиқ киноя, газабни сеза туриб, «кал шартни бузди, ҳақиқатни гапиряпти», деб олмайдилар. Акс ҳолда ўз айбларига иқор бўлган бўлар эдилар. Шуниг учун ҳам «кал шартни бажарди, ёлғон гапирди» дейишга мажбур буладилар. Бу драматик вазиятда юз берган психологик кечинмалар шоҳ, вазир, уламоларнинг иккى юзламачилигини фош этиб, газаб тұла күлгига пишон қиласди.

Кал ҳақидаги кўпчилик эртакларда қаҳрамон ўз манфаатини кўзлаб ҳаракат қиласди. Аниқроғи, баҳт, озод ва тинч ҳаёт учун қураш якка шахс манфаати чегарасидан четга чиқмайди, фақат у ўзининг ҳатти-ҳаракатлари, умумлашма ибора, ифодалари билан умумманфаатга имо-ишора қиласди, холос.

Бироқ ҳамма эртакларда ҳам шундай деб бўлмайди. Баъзи эртаклар борки, унда комик қаҳрамон душман билан қурашда фақат ўз манфаатларинигина эмас, балки етарли бўлмаса-да, меҳнаткапи омма манфаатини кўзлаб ҳаракат қиласди. Айниқса, бу нарса «Носиркал» эртагида аниқ кўзга ташланади. Эртакда кал ўлимга маҳкум этилганларнинг келажагини ўйлаб, иш тутади. Ў маҳорат кўрсатиб ҳеч ким ишлай олмаган жонон пиёлани ясайди. Ундаги меҳнатни севиш, ҳунармандлик, инсонпарварлик,

олижаноблик, хушмуомалалик каби ажойиб сифатлар күпнларни ўлимдан қутқаради.

Демак, асар сюжетини ташкил этувчи воқеа ва ҳодисалар гүё шахсий баҳт учун курашни ифодалагандай түүләди, аслида эса комик қаҳрамон нүтқида юз берган кинояли, исёнкорона рух мөхнаткаш эл ғазабининг инъикоси ўлароқ жаранглайды. Қал иштирок этган эртаклар сюжети күпроқ монолог ва диалоглардан ташкил топган бўлиб, уларда драматизм кучлий. Фош этувчи комик тил турли хил сўз ўйинлари, синоним, омонимлар, қарама-қарши маъноли тушунчаларни бир-бирига боғлаш приёми, баъзи сўз ва жумлаларнинг такрорланиши, ўрин алмасниш, атайлаб сўзни бузиб айтишлар асосига қурилган бўлади.

Ҳажвий эртакларда тасвирланган ижобий қаҳрамонлар — қал, камбаҳал деҳқон, допо қизлар инсон онги, орзу-умид ва туйгуларида камол топган умумлашма образлардир. Шунинг учун ҳам бу хилдаги образлар талқинида портрет тасвири тулиқ ифодалапмай, бир хилликка эга бўлган кичик деталь, штрихларда берилади. Салбий қаҳрамонларга хос умумлашма образларнинг портретлари нисбатан тўлиқ тасвирланади. Эртакчи у ёки бу персонаж портретини унинг ички дунёсига мос ҳолда чизади. Бу эса ўз навбатида шу персонажга хос характерни ифодаловчи белгиларни аниқлашга ёрдам беради. Айпиқса, бой, қози, жодугар кампир, қароқчи портретида эксплуататор синф вакилларига хос ёвуз ният ва хусусиятлар ўз ифодасини топган. «Ўтирганларнинг бурунлари танқайган, кўзлари чақчайган, кўнгиллари қора, юзлари ола, ўлаганлари ёмонлик». Қўриниб турибдик, эртакчи томонидан тузилган бу хилдаги портрет салбий персонажлар қиёфасида ичиқоралик, ёвузлик изларини тўлалигича очади. Ёки жодугар кампирнинг комик портрети: «Лаблари шафтоли қоқидек буришган... қулоқлари супрадай, кўзлари ўйилган ўрадай, бўйи минорадай, оғзи фордай, қорни қанордай, тишлари курақдай, оёқлари моховларнинг шотисидай, панжалари бешлиқдай, этагини турмушлаган, орқасига бир муштлаган кампир ўтирибди».

Бундай портретлар тасвири фольклор асарларига хос сатирии япада кучайтиради.

Ҳажвий эртакларда баён деярли қисқа, баъзан умуман бўлмайди. Диалог, монологлар баён функциясини ҳам баъзаради:

— Бош-қўзингизни ювиб олсангиз бўлмайдими? — деди.

— Қўлим тегмаса қандоқ қиласиз?

— Нима иш қиласиз? — деб сўради.

— Кечқурун атала қиласман, эрта билан атала қиласман. Шу билан қўлим тегмайди.

— Бошқа вақтда нима қиласиз? — деди.

— Бошқа вақтда ўтираман.

Диалог асосан дангасалик, ишёқмаслик каби хусусиятларни ойдинлаштиради ва фош этади. Диалогдан мөхнаткаш халқнинг дангасаларга қарши кесатиғ маъноли пичинги сезилиб туради. «Алдаркўсаннинг туяси» эртагида бойнинг калтафаҳам эканлиги диалогда шундай очилади:

— Бой ака, сизга нима бўлди?

— Қўрмаяпсанми? Буғдойим босишиб кетди. Бу кимнинг туяси? Уриб қовургасини синдираман!

— Бунақа яхши туяни уриб нима қиласиз?

— Туя сенингга үхшайди-а?

— Ха, бизники.

— Лашнати, менга зиёнини тўлайсан, ҳимм...

— Бой ака, аччиқланманг. Мен бориб ҳайдаб юбораман.

— Йўқ, сен уви даладан ҳайдаб чиқаргунча, ҳамма буғдоимни босишиб пайҳон қиласади.

— Нима қиласай, ахир? — дебди Алдаркўса.

— Кўтариб олиб чиқ!

Монолог сатирик фонда берилган.

Эртакларда кўчма маъноли савол-жавоблар, сўз ўйинлари кўп учрайди. Баъзан диалогда ургу бериб айтилган биргина сўз бир қанча маъноли ифодалashi мумкин. Масалан, «Ўпка қишлоқ» эртагида миришаб чолдан Ўпка қишлоғини сўраганда, унинг фикрини бошқа томонга буриб «Сиз ҳозир кекирдакка келдингиз, ўпкага яқин қолди», — деб кесатади. Одам анатомиясига нисбатан жавоб түгри, бироқ жавоб қайтаришган шахсга нисбатан мазах мазмуни ифодаланган. Шунинг учун ҳам миришаб «чопаман» деганда, у янга тўғри мазмунни тескарига бурган ҳолда «чопмасдан секин борсангиз ҳам етасиз», — дейди. Савол-жавобда дошишманд киши атайлаб миришаб мақсадини бошқа томонга буради. Диалогдан кўчма маъноли сўзлар, бир томондан, қаҳрамоннинг мақсадини очса, иккинчи томондан, салбий персонажни кулгили аҳволга солиб қўяди.

Ҳажвий эртакларга хос хусусият эртак сюжетининг ўзгарувчанлиги, эртак конфликтининг қаҳрамон фаолияти билан ечилиши, воқеаларнинг камлиги, ўткир сатирик

ситуация танланиб, кичик бир ҳәёттй детални бўрттира бориши орқали муҳим сиёсий-ижтимоий хулосалар чиқаришдан иборат. Юмористик эртакларда эса антагонистик тоя, бинобарин, контраст образлар мавжуд эмас.

Ўзбек ҳалқ эртакларининг ҳар бири реал воқеликка нисбатан ўзига хос муносабатда бўлиши билан характерланади. Шунинг учун ҳам фантастик уйдирмалар, бўлиши мумкин бўлмаган воқеа-ҳодисалар тасвири ҳәётни акс этиришининг эртакка хос поэтик йўли сифатида намоён бўлган.

Афсона ва ривоятлар

Афсона

Кичик ҳажмли, мазмунан содда баён ва ҳикоялар шаклида ташкил топган афсоналар ўзбек ҳалқ оғзаки ижодининг энг қадимги намуналаридан ҳисобланади. Афсоналар ижтимоий ҳәёт билан бօглиқ бўлган воқеа ва ҳодисаларни хаёлий шаклда ҳикоя қиласиди. Улар инсониятнинг табиат ва жамият ҳақида билиш ва тушунишга бўлган интилиши жараёнида вужудга келган. Шунинг учун ҳам афсоналар ижтимоий ҳәёт ва маданият, дунёқараш ва руҳий кечинмалар, урф-одат ва тарихий ҳодисалардан дарак беради.

Афсона форсча сўз бўлиб, фантастика, сеҳр-жоду ҳамда ҳәёттй уйдирмалар асос бўлган пасрий ҳикоялар демакдир. Бу хилдаги ҳикоялар Маҳмуд Кошгариининг «Девону луготит турк» асарида *саш* сўзи орқали ифодаланган бўлиб, жуда кенг маънени билдиради. Бу сўз девонда ҳикоя ҳамда қиссани «ўтмиш воқеалардан хабар берувчи», деб таърифлайди ва ўз фикрини ривожлантириб: «Ҳикоялarda фақат ўтганлар ҳақида айтилиши шарт эмас», деб уқтиради¹. Ҳақиқатан ҳам ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи оғзаки қиссалар хаёлий уйдирмадан ташкил топган воқеаларни ҳам четлаб ўтмаслиги шубҳасизdir. Ҳикоянинг бу хил формасида сеҳр-жоду, фантастик элемент ҳамда ҳәёттй уйдирмаларнинг бўлиши ўз-ўзидан маълум. Демак, *саш* фактик воқеа ҳам, хаёлан түқилган ҳодисаларни ҳикоя қиласиди. Шундай экан, бу сўз шакл ва мазмун эътибори билан турлича бўлган иккى хил ҳикояни ифодалайди. Биринчиси — узоқ ўтмиш воқеаларини фақат ҳаёттй уйдирмалар асосида талқин этувчи ҳикоялар, иккинчиси — муайян тарихий воқеалар ёки

¹ Маҳмуд Кошгари. Девону луготит турк, З- том, Тошкент, 1963, 168-бет.

хаёлан түқилган ҳодисаларни сөхр-жоду, фантастик уйдирмалар қобигида талқин этувчи ҳикоялар.

Шуни айтиш керакки, биринчи тур ҳикоялар үзининг шакл ва мазмунига кура ривоятларни, иккичиси эса, күпроқ афсоналарни эслатади. Аристотель айтганидек, афсоналар — «ҳақиқатдан хабар берувчи ёлгон ҳикоялар-дир».

Афсоналарни тематик жиҳатдан уч хил турга булиб ўрганиш мақсадга мувефиқ. Биринчиси — хаёлий воқеа ва хаёлий қаҳрамонлар ҳақида ҳикоя қилувчи афсоналар, иккичиси — тарихий воқеа ва тарихий шахслар ҳақида ҳикоя қилувчи афсоналар, учинчиси жапгнома типидаги афсоналар ёки қаҳрамонлик афсоналари.

Хаёлий воқеа ва хаёлий қаҳрамонлар ҳақида ҳикоя қилувчи афсоналар ибтидоий дунёқараш, у ёки бу кучни муқаддас билиб, унга сугиниш, эътиқод қўйиш ҳамда севги-садоқат қаби кечинмалар таъсирида пайдо бўлган «Девқалъя», «Ширип қиз», «Қалта минор», «Илон бузган» сингари тўқима афсоналар мазкур туркумга оиддир. Бу афсоналар Ўрта Осиё ҳалқлари орасида кенг тарқалган. Улар инсонларнинг беқиёс кучи ва гўзаллигини мадҳ этади. Бу афсоналар фантастик уйдирмалар замонида нақл этилган булиб, сюжети кўпроқ хаёлий эпизодлардан ташкил топади ва маълум бир тарихий жойлар, тепаликлар, қалъалар билан боғлиқ равишда ҳикоя қилинади. Қорақум саҳросида «Ёрбакир», «Ширвон», «Шмаха», «Халаф» номи билан машҳур бўлган қалъаларнинг харобалари мавжуд бўлиб, улар «Шоҳсанам ва Ғарип» афсонаси, «Девқалъя» эса, Шарқда машҳур бўлган «Фарҳод ва Ширип» афсонаси билан бөгланади.

«Девқалъя» афсонасида мифологик тасаввурларнинг излари сақлағанлиги унинг жуда қадим замонларда яратилганлигини кўрсатади. Бироқ у бизгача муайян ўзгаришлар билан етиб келган. Шунинг учун ҳам Девқалъяниң қурилиш сабаби соғ севги-муҳаббат, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тушунчалар билан боғлиқ ҳолда вафодорликнинг рамзий ифодаси сифатида ҳикоя қилинган.

Баҳайбат Девқалъяни Фарҳод исмли дев қурган эмиш. Фарҳод Хоразм шоҳининг Ширип номли қизини севиб қолади ва унга совчи қўяди. Бу подшоҳни таҳлика га солади. Қизини девга беришини хоҳламаган подшоҳ рад жавобини беришдан қўрқиб жодугар кампирдан ёрдам сўрайди. Жодугар Фарҳодга бажариб бўлмайдиган вазифани — Қорақум чўлиниңг ўртасига тош қалъа

куришни топширишни маслаҳат беради. Бироқ дев узоқ жанубдаги төглардан елкасида тош ташиб келиб, қалъани қура бошлиди. Қалъа битай деб қолганида, бундан хабардор бўлган подшоҳ жодугарни маслаҳатга чақиради. Жодугар подшоҳга ўзи белгилаган кунин 9000 та янги туғилган бўталоқни, шунча той, бузоқ ва қўзини сўйинни маслаҳат беради. Қолган ишни у ўз зиммасига олади. Белгиланган вақтда жодугар дев қуриб тамомлаётган қалъага келади. Шу пайт Хоразм томондан даҳшатли ҳайқириқ эшигилади. Бу болалари сўйилаётган минглаб она молларнинг овози эди. Фарҳоднинг «Бу қандай йиги?»— деган саволига кампир: «хозиргина малика вафот этган, Ширипга бутун Хоразм аза тутмоқда,— деб жавоб беради. Севгилисининг улими тўррисидаги хабардан гангид қолган дев усиз яшашни истамай, ҳали жойига қўйилмаган сўнгги тошини осмонга улоқтиради. Тош Фарҳоднинг устига қайтиб тушади. Девни севиб қолган Ширип ҳам фожна рўй берган жойга етиб келади ва севгилисининг мурдаси тепасида ўзига пичоқ санчиб ҳалок бўлади¹.

Қўрамизки, афсонани ташкил этган воқеа ва ҳодисалар тизмаси ҳақиқатдан дарак беришга қаратилган. Ҳар бир ҳодиса ҳамда бош қаҳрамон талқинида эпик руҳ ҳукмрон. Бунда фантастик уйдирма сюжет асосини ташкил этиб, воқеалар тизмасини ўзаро боғлаш, ҳаракатлантириш, айни чоқда бадиий безак вазифасини бажаради, асар ечимида эса ҳал қилувчи роль ўйнаб, таъсиричанликни оширади. Ҳалқ Фарҳод сиймосида яхшилик, мислиз куч-қувват ва ижодий меҳнатнинг умумлашма образини яратган. Жодугар эса ибтидоий ялмогизнинг ҳаётий варианти, айни пайтда ёвуз кучнинг хаёлий образидир. Демак, афсона мардлик ва қаҳрамонлик, куч ва қурдат, вафодорликнинг ажойиб ифодасидир.

«Ширип қиз» афсонаси космогоник миф билан боглиқ бўлиб, ҳалқ орасида кенг ёйилган. Бу афсонада Ширип гўзаллик тимсоли сифатида талқин этилган бўлиб, иффатли аёлларга хос ахлоқ намунаси ўз ифодасини топган. Бироқ ана шу маънавий гўзаллик ибтидоий дунёқараш, миф йусинида берилган. У ой ҳақидаги содда тушунчани ҳикоя қиласи.

Ширип деган қиз шундай гўзал қиз эдики, туғилиб балогатга етгандан сўнг ҳуснининг таърифи бутун оламга ёйилган эди. Ўша замонда дунё бўйича ой ўзини чиройли деб санағер юзида юрар экан. Ҳамма гўзалликда тенги йўқ деб ойни мақтар экан. Ширип балогатга етиб, гўзаллиги кундан-кун орта боргач, одамлар ойин мақтамай, Шириппинг ҳуснини тилда достон қўлдилар.

¹ С. П. Толстой. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, Ташкент, 1964, 30-бет.

Бунга ойнинг рашки келибди: «Наҳотки мен турганимда, Ширинни мақтапса, Ширин билан мен ҳуснини ўлчашиб кўрай-чи, сўнгра менинг ким эканимни билиб қўйсинглар»,— дебди. Ширинни ўз қошига чақириб ой: «Сен ким-у, мен ким? Эл оғизда ҳуснингни овозаси оламни босибди. Кел, иккимиз ўзимизни тарозига солиб, тортиб кўрайлик-чи, ким чиройли бўлса, тарозидан мътлум бўллади» дебди. Ширин хижолат чекиб: «Ҳуснда сиз зиёдасиз, қўйинг, мени уялтирган. Мен ҳусн даъвосини қўлмайман»,— дебди. Бунга ойнинг жаҳали чиқиб: «Сен ҳусн даъвосини қўлмасанг, гўё одамлар назарида сен мендан чиройли эмишсан. Бир тарозида тортишиб синашмасак бўлмайди»,— деб Ширинни қўярда-қўймай (ундан илтари ўзи бир катта тарозини қурдириб қўйган экан), Ширинни тарози олдига обориби. Томонага ҳалойиқ йигилган эди. Ой мағрурланиб: «Мана Ширин-у, мана мен, кўрасизлар, ҳозир ҳуснда ким голиб экан?»,— деб ялпайиб тарозининг бир палласига чиқиб олади. Ширин уялиб, ноилож ўнг ёғини «бисмилло» деб тарозининг бўш палласига қўйгани ҳам йўқ эди, ой лайлақ бўлиб осмонга чиқиб кетади. Хизқолатдан ой қайтиб ер юзига тушолмай, осмонда қолган экан.

Кўрамизки, афсона сюжети ҳамда қаҳрамонлар талқинида эртакларга хос ҳусусият мавжуд бўлиб, фантастик уйдирмалар воқеалар тизмасини харакатлантиради, конфликт ечимида ҳал қилувчи роль ўйнаб, мардлик ва гўзаллик, нағислик ва назокатни тасдиқлайди, таъсирчаникни оширади. Афсонада чиқарилган хулоса муайян факт мисолида тасдиқланади. «Нима учун ойда дод бор?», «Нима учун у осмонда?» деган ибтидоий саволларга жавоб берилади.

Ислом дини билан боғлиқ бўлган афсоналар ҳам ана шу гуруҳга мансуб. Бу хил афсоналар динга алоқадор гайри табиий, гайри муқаррарий воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя қиласди. Шунинг учун ҳам унда диний тушунчаларни таргиб қилиш ҳусусияти ва панд-насиҳат асосий ўринни эгаллайди. «Ҳазрат Али», «Қўрқут ота», «Юсуф қиссаси» кабилар шундай афсоналардир.

«Бароқтом», «Шоҳсанам ва Гарип», «Ҳазорасп», «Искандар» ва «Афросиёб» каби афсоналар тарихий жой ва тарихий шахслар номи билан бояланган. Уларда воқелик фантастик йўналишда ҳикоя қилинади. Бу хилдаги афсоналар қўпроқ муайян ҳодиса, қабила ёки элат, географик жой — қалъа, мақbara, қўрғон, сарой, минора, дарё, денгиз, шаҳарлар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг юзага келиши ва вайрон бўлиш сабаблари, у ёки бу номнинг пайдо бўлиши тарихидан хабар беради. Шу жиҳатдан «Ҳазорасп» афсонаси характерлидир.

Ривоятларда айтишларича, бир жойда минг учар отни тутиб олиш учун уларнинг доим келиб сув ичадиган булоғига беҳуш қиласидиган дори солиб қўядилар. Шу ҳийла билан учеб келган отларни тутадилар, қанотларини қирқадилар ва уларни инсон меҳнатига мажбур өтадилар. Шу-шу ўша жойнинг номини Ҳазорасп («Минг от») деб юритганлар.

Баён шаклида етиб келган бу афсона мазкур номнинг юзага келиш сабабидан дарак беради. Ҳар икки афсонада ҳам исботловчи фактлар ишончли маңба эмас, уйдирмадан иборат. Шунинг учун ҳам топонимик характердаги афсоналарга доимо шпониб бўлмайди. Улар фақат масаланинг у ёки бу белгиси, деталининг аниqlаши мумкин. Шунга қарамасдан, «Бароқтом» ва «Ҳазорасп» афсоналари қабила осойишталиги, эркин ва озод ҳаёт ҳақидаги орзуларни ифода этган.

Тарихий жанглар ҳақида ёки унинг таъсирида яратилган «Тўмарис», «Широқ», «Зариадр ва Одатида», «Гулдурсун» каби афсоналар қаҳрамонлик ёки жангнома типидаги афсоналардир.

Қаҳрамонлик афсоналарини фактлар ва тарихий воқеалар асосида юзага келган дейиш мумкин. Лекин улар муайян тарихийликни тўғри ва аниқ акс эттира олмайди. Ҳатто ҳақиқатга зид бўлган ахборотни ҳам талқин этган бўлиши мумкин. Чунки ҳар бир ҳикоя қадимий инсон дунёқараши, содда, ибтидоий тушунча ва билимининг хулосаси сифатида майдонга келган. Шундай экан, уларда реал воқеалар билан боғлиқ бўлган элементларгина сақланган.

«Тўмарис» афсонасида тасвирланган массажетлар қабиласи ва бу қабиланинг Эрон босқинчиларига қарши олиб борган қурашлари тарихий факт. Умуман, ҳар бир афсона ўзи ташкил топган мапбадан қапчалик узоқлашса, ўша воқеликни акс эттириш ҳусусияти шунчалик хирадашади, охир-оқибат тарихийлик изи йўқолиб кетади. Натижада у фақат эстетик функцияни адо этувчи бадиий асарга айлапиб қолади.

Уч хил турдаги афсоналарниг ҳар бири ўзига хос композицион форма, бадиий тасвир воситалари, образлар системасига эга. Улар турли хил тушунча, билим ва эътиқодни тасдиқлаш учун хизмат қиласди. Биринчи ва иккинчи туркум афсоналар ҳикоя қилиш услубига кўра қўпроқ сеҳрли эртакларга яқин туради. Чунки уларда кўшинча

ҳаёлий образлар иштирок этади ва улар эртакларга хос фон яратиб, умумийликни ифодалайди, айни иайтда у ёки бу воқеаларнинг факт эканидан дарак беришга, уни тасдиқлашга ҳаракат қиласди. Жангнома типидаги афсоналар эса, қаҳрамонлик достонларига яқин туради. Бироқ, улар эртак-ва достон сингари шакли қатъий эмас, унда умум-фольклор асарларига хос бадиий тасвир воситалари арапаш ҳолда кела беради.

Ривоят

Ривоят ҳаётий воқеаларни бадиий үйдирмалар воситасида ҳикоя қилувчи,

реалистик характердаги оғзаки ижод турларидан бўлиб, гоявий-тематик жиҳатдан ранг-бараңдир. Ривоятлар тарихий воқеалар ва айрим шахслар билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни, ижтимоий ҳаёт ва турмуш, географик жойлар — саҳро, кўл, чўл, денгиз, шаҳар, қишлоқ, қалъя, сарой ва бошқаларнинг барпо бўлиши ҳамда вайрон қилиниши ҳақида ҳикоя қилиши мумкин. Мазкур ҳикоялар у ёки бу воқелик ҳақида хабар бериш ва уни тасдиқлаш функциясини бажаради. Ривоятларда лутф ва назокат, ақл ва тадбир, ишқ ва вафо, яхшилик ва одамийлик каби илғор гоялар жамиятда учраган зулм ва зўрлик, ҳақсизлик ва адоват сингари иллатларга қарши қўйилади.

Ривоятларни икки туркумга бўлиш мумкин. Бири муайян воқеа ва тарихий шахслар билан боғлиқ бўлган ривоятлар, иккинчиси топонимик ривоятлар. Тарихий ривоятлар бирор шахс фаолияти ва халқ қаҳрамонлари билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни ҳикоя қиласди, ахлоқ ва одобнинг идеал нормаларини ташвиқ этиб, муайян фактлар ҳақида ахборот беради. Алишер Навоий, Улугбек, Ибн Сино, Беруний, Машраб каби олим ва шоирлар, Амир Темур, Султон Маҳмуд сингари тарихий шахслар ҳақида яратилган ривоятлар шулар жумласидандир.

Ривоятлар ихчам, пухта сюжетли, икки-уч эпизоддан ташкил топган бўлади. Аммо узгармас, қатъий композицияга эта эмас. Ҳикоя қилинган воқеалар гўё тугалланмагандек, давоми бордек сезилади. Шунинг учун ҳам ривоят катта асардан узиб олинган бир лавҳа сингари туюлади.

Ривоятларни у ёки бу тарихий шахс ёки тарихий ҳодисалар гувоҳи бўлгапларнинг, кўрган-бильганинг эсдаликлари асосида юзага келган дейиш мумкин. Бундай ҳодиса ривоят жаирининг ўзига хос хусусиятини белгилайди. Баъзи ривоятларда фактик воқеалардан асар ҳам

қолмай, фақат шахс номи ёки унинг бирор белгисигина сақланиб қолиши ҳам мумкин. Баъзан эса тарихий шахс сайёр сюжет қолипида ҳикоя қилинади. Бундай ҳолда ҳаётий уйдирмалар ёки сайёр сюжетлар етакчи ўринни эгаллайди.

Навоий билан боғлиқ бўлган бир ривоятда Ҳусайн Мирзо шипга қараб ётиб, вазирларига «олиб келинг» дебди. Саройда Алишер Навоий шу куни йўқ экан. Вазирлар нимани олиб келишни билмабдилар. Охири улар Алишерни топиб, бўлган воқеани айтадилар. Алишер уларга шоҳ олдига арра, теша билан уста олиб киринглар, дейди. Шунда Ҳусайн устага қараб «мана бу тоқини тузат!», — дебди. Кўрамизки, бу халқ орасида қадимдан машҳур бўлган эртак сюжетидир. «Эркезиз фолчи», «Аёз» номли эртаклар ҳам ана шу сюжет асосига қурилган. Мазкур сюжет вазир Алишер Навоийнинг донишмандлигини, унинг тадбиркорлигини ҳикоя қилиш учун зарурый восита бўлган. Демак, қаҳрамонлар тарихий шахс, уларнинг муносабати фактик ҳодисаларга мос, асар воқеалари эса тўқимадир. Маълум бўладики, эртак ёки латифага хос бўлган анъанавий сюжет ёки мотивлар тарихий фактларга монелик қилмайди, аксинча, уни тўлдириб, бурттириб, муҳим бўлган белгиларни ёрқин чизиш, уларга аниқлик киритиш, ташвиқ қилиш учун хизмат этади. «Олтин узук», «Ибн Сино билан касал йигит», «Мир Алишер билан Султон Ҳусайн», «Навоий билан чўпон» ва бошқа ривоятлар бунга мисол бўла олади.

Беруний, Улугбек, Жомий, Навоий номлари билан боғлиқ ривоятларда мазкур тарихий шахслар халқ орзуидаги, идеалидаги донишманд кишилар образидир. Уларга қарши қўйилган томонлар эсаadolatciz кишилар, золимлар сифатида қораланади. Демак, ҳаётда мавжуд бўлган ўхшаш характер, белги, хусусиятлар ана шу образлар атрофида жамланиб, умумлаштирилган. Бу образлар халқ дилига жо бўлганadolatciz раҳнамони исташ,adolatciz золимни ишқ каби туйгуларни очиб беради.

Тарихий шахс ва тарихий воқеалар билан боғлиқ ривоятлар ёзib олинган даври эътибори билан икки хил типда намоён бўлади. Улар бир-биридан шакл ва мазмuni ҳамда тарихий фактни талқин қилиш хусусияти билан фарқланади. Биринчи тип ривоятларга халқ оғзида пайдо бўлган даврдаёт ёзib олинган ривоятлар киради. Бундай ривоятларда тасвирланган воқеа ва ҳодисалар уша

давр шарт-шароити, руҳига мос келади. Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ», Восифийнинг «Бадоеъул-вақоєъ» асарларида келтирилган ривоятлар мазкур тицдаги ривоятлар тӯдасига киради. Иккинчи тицдаги ривоятларга эса, узоқ замонлар ўтгандан сўнг ёзиб олинган ривоятлар киради. Бу ривоятларда тарихийлик, фактик ҳодисалар хирадашган. Улар ҳаётий уйдирмалар билан қоришиб кетган. Натижада ёртак, латифаларга хос ноаниқлиқ юзага келган, шакл ва мазмун ўзгариб, тарихий факт ўз кучини йўқотган. Бу тицдаги ривоятлар афсоналарга яқинлашиб қолади. Шунга қарамай, ривоятлар воқелик ва ҳодиса ҳақида тушунча ёки маълумот бериш характерига эга бўлади. Эртак тингловчи томонидан тўқима воқеа, уйдирма деб қабул қилинса, ривоят афсона сингари, бўлган ишлар, ҳақиқат деб қабул қилинади.

Топонимик ривоятлар у ёки бу жой номи ёки бирор обьект билан боғланган бўлиб, ҳикоя қилинган воқеалар узоқ ўтган замонда содир бўлади.

Ҳикоя қилинган воқеа аксарият схематик тарзда, бадий тасвири, монолог ва диалоглари кам, шунчаки баён тарзида учрайди. Ривоятларда айтилган номлар ҳар доим тарихан тўғри чиқавермайди. Бу хилдаги ривоятларни тарихий, этнографик ишлар ва бадий очеркларда, саёҳатнома ва қадимги манбаларда учратиш мумкин.

Қорабуграхон деган подшо бўлиб, унинг ўзи Қашқарда тураг экан. Кунларнинг бирида у ов қилиб юриб, сув бўйида қўшиқ айтиб ўтирган гўзал қизни кўриб, севиб колибди. Тўй-томошалар билан унга уйланган куни уруш бошланиб, Қорабуграхон урушга жўнаб кетибди. Бу урушда у ғолиб чиқибди. Аммо оғир ярадор экан, йўлда кела туриб аҳволи оғирлашибди. Шунда хон кун чиқиш, яъни қайлиги бор томонни кўрсатиб: «Анда жон қолди, мени ўша ерга кўминглар»,— деб жон берибди. Вазирлари васиятга кўра, кўрсатган жойга келтириб кўмбидилар. У ер кейинчалик шаҳарга айланиб, «Анда жон» сўзи «Андижон» бўлиб кетган экан.

Ривоятда номнинг келиб чиқиши тарихи бир қарашда тўғридек туюлади. Аслида эса, ундан эмас. «Анду»— қабила номи, «гон» форсча жами, бирга, йигилиш деган маънодаги қўшимча бўлиб, Андигон ўзбекларнинг жами ва йиғилгали демакдир¹. Вақтлар ўтиши билан Андигон талаффузда Андижон бўлиб кетган. Ана шу тицдаги ри-

¹ А. Журовмардиев. Шаҳарларнинг номларидан баҳс, «Ер ва эл» журн., № 4, 1962, 29-бет.

воятлар том маънодаги бадий асар даражасида эмас, балки бирор ном ёки ҳодисанинг ташкил топиш баёни сифатида айтилган хабар шаклидадир. Бунга Хоразм, Қарши сингари географик жой номларининг келиб чиқиши ҳақидаги ривоятлар ҳам мисол була олади.

Топонимик ривоятларда ҳикоя қилишнинг ўзига хос услуби мавжуд. Одатда, унинг якуний қисмида ҳикоядан келиб чиқадиган асосий мақсад таъкидланади ва муайян факт эканлиги изоҳланади. «Тўрабекхоним мақбараси», «Анда жон қолди», «Одинажон», «Қўнгирот» каби ривоятлар шулар жумласидандир.

Топонимик ривоятлар кўпроқ ҳаётий уйдирмалар асосига қурилган бўлиб, асосан ном, воқеа ва ҳодисалар ҳақида ахборот бериши билан муҳим тоявий-бадий қимматга эга. Ривоятлар халқ тарихи, унинг эстетик қарашларини ўрганишда зарур бўлган оғзаки ижод намуналари ҳисобланади.

Латифа ва лофлар

Ўзбек халқ оғзаки ижодида кичик ҳажмдаги насрый асарлар ичида латифа ва лофлар бирлашалик кулги уйғотиши, кишиларга завқ багишлиши билан ажралиб туради. Уларда воқелик мўъжаз шаклда, дафъатан ҳозиржавобли билан акс эттирилади. Латифа ва лофларнинг бундай ўзига хос хусусияти айтувчи — латифагўй ва лофицидан алоҳида маҳорат талаб этади; у сўзларга ургу бериш ёки қочириқ, коса татида ним коса борлигига шама қилиш каби зеҳни ўткирлаштириш учун қўлланадиган барча тасвир воситаларини ишга солади. Латифагўй ва лофицилар талантли, ҳаётий тажрибага бой кишилар бўладилар.

Латифа

Латифа — арабча лутф, латиф сўзларидан олинган бўлиб, нозик, нағис маъноларини англатади. Латифа айтувчиларни латифагўй дейилади. Латифалар халқ орасида кенг тарқалган бўлиб, халқ оғзаки прозасининг воқеабанд, ҳажман кичик, юмористик харakterдаги халқ ҳажвиётини жанрларидан ҳисоблашади. Латифалар жуда қадимий бўлишига қарамай, уларнинг Насриддин номи билан боғланиши нисбатан кейинги даврларга хосdir. XIX асрнинг II ярмида озарбайжон ёки турк тилидан қилинган латифа таржималарининг тарқалиши билан ўзбек латифалари қаҳрамони номини Хўжа Насриддин номи сиқиб чиқарган ва барча латифалар унинг номи билан боғланган. Бу парса латифаларнинг инқилобгача ва Совет ҳокимиятининг дастлабки ўи йилликларидаги нашрлари билан янада мустаҳкамланган. Шундан кейин барча латифалар «Афанди латифалари», «Насриддин Афанди» ёки қисқагина қилиб «Афанди» деб юритила боплаган¹.

¹ Қарағ: Ҳоди Зариф. Ўзбек совет фольклористикаси тарихидан. Ўзбек совет фольклори масалалари, ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар, 1- китоб, Т., 1970, 223—224- бетлар.

Фикрнинг ихчам, лўнда иғодаланиши ва фавқулодда чуқур мазмун билан тугалланиши, баъзан бегараз, баъзида аччиқ кулги уйғотиши латифаларнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Уларда олдин мўъжаз, шингил ҳаётий воқеа баёни қисқа берилади, сўнгра Афанди сухбатдоши (ким бўлмасин) билан савол-жавобли баҳсга киришади. Диалогда воқеа бирдан жонланади, ўртага қўйилган масала Афандининг чуқур маъноли, кулги қўзғовчи яқунловчи сўзи — жавоби билан ҳал этилади.

Латифалар коллектив ижод маҳсулидир. Латифаларнинг ҳикоя қилини ўслуби мураккабликдан холи, ижобий қаҳрамон табиатида меҳнат кишиларининг хулқ-авторига хос соддалик мавжуд. Бу соддалик тагида серфаҳм, ўтқир зеҳни, «садда мугамбир», ҳамиша ақл кўзи билан иш тутадиган, сўзамол кишининг золимларнинг зулмидан, меҳнат аҳлиниң ҳўрликдаги ҳаётпинг барча қабоҳат ва иллатлари устидан заҳарханда кулгиси, ғазаб-нафрati, киноя ва пичинги яширигап айни чоқда бу хушчақчақ, очиқ кўнгил дўстнинг самимий, бегубор ҳангамаси, ичакни узгудек ҳапдон қаҳқахаси, ҳазил-мутойибасидир. Латифаларда мантиқ кучи зур булади.

Латифаларда турли давр ҳаёт ҳодисалари, турли ижтимоий табақа вакилларининг ўзаро муносабатлари Афанди иштироқида кўрсатилади. Афанди эса ҳамма уринда меҳнаткаш ҳалқнинг ўзи каби мард ва тант; тўғри сўз, ҳакиқатчи ва ростгўй; кишининг айбини бетига тортинимай айтувчи, етти ўлчаб бир кесадиган эҳтиёткор, тажрибали; ёлгонни, қаллобликни ёқтирумайдиган, турмушда аччиқ-чучукни обдои тотган киши сифатида гавдаланади.

Афанди — меҳнаткаш ҳалқ қаҳрамони. У, бир томондан, муҳтоҷлиқдан, қашшоқликдан бош қашишга тирноғи ҳам қолмаган, ҳамиша қарздор, бечора ҳол киши; бироқ у шупчалик саботли, иродалики, ўзининг қашшоқлигидан бировга ҳасрат қилмайди, сир бой бермайди; иккинчи томондан, текинхўр золимларни, дин ниқобидаги шариат пешволарини, шарм-ҳаёсиз, иоинсоф кишиларни ўтқир тил билан савалайдиган, рақибларидан боплаб ўчини оладиган, турли ўйл билан уларнинг сир-асорини шафқатсиз очиб ташлайдиган дангалчи-ҳажвичидир.

Латифалар, гарчи әрмак шаклида кўринса ҳам, ҳалқ оммасининг овози сифатида унинг дунёқарашини иғодалаб, синфий жамиятда синфий курапи қуроли вазифасини бажарган. Шунинг учун улар оғиздан-оғизга кўчиб юрган,

шакл ва мазмунда тобора сайқал топган, халқнинг энг севимли асарлари бўлиб келган.

Насридин Афанди образи асқия, халқ оғзаки драма-сидаги ижобий қаҳрамонларга — масхарабоз, қизиқчиларга донолиги, хушчақчақ табиати, кишиларни ҳозиржавоблик билан кулдириши жиҳатидан жуда яқин туради.

Ўзбек халқи орасида яратилган ва бизгача етиб келган Афанди латифаларининг талай қисми ўзбек фольклористлари томонидан, асосан совет даврида тўпланди ва нашр этилди. Тахминий маълумотларга қараганда, халқимиз орасида икки мингдан ортиқ латифалар мавжуд.

Ўзбек классик адабиётида демократик гояларни информалашда латифалардан кенг фойдаланилган. Буни Яқиннинг «Ўқ ва ёй мунозараси», Аҳмадийнинг «Созлар мунозараси», Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр», «Маҳбубул-қулуб» ва бошқа асарларида, кейинчалик Гулханий, Махмур, Фозий, Ҳозиқ, Мунис Хоразмий, Оғаҳий хажвияларида учратиш мумкин. Масалан, Гулханийнинг «Зарбулмасал»ида «Бойқуш нима деди» сарлавҳали латифада Афандининг паррандаларининг тилини биламан, деб маҳтангани айтилади. Буни подшо билиб қолиб, уни ўзи билан бирга овга олиб боргандা бойқушнинг сайраганини эшишиб, Афандидан,— Бойқуш нима деб сайраяпти?— деб сурагандা, «Бойқуш айтдики,— деди Афанди,— агар подшонинг зулми шу хилда бўлаверса, тез кунда шаҳар ҳам менинг маконимга қўшилиб кетади».

Золимларнинг зулмидан, ноҳақлийдан хўрланган омманинг иорозилиги, нафрат ва ғазаб туйгусини реалистик тасвирилаган демократик адабиётда — Муқимий, Фурқат, Завқий ва Аваз Ўтар ижодида латифалардаги заҳарханда, аччиқ кулги, зиқна бойлар, савдогарлар, товламачи диндорларнинг қабиҳ ишларини аёвсиз фош этиш яққол кузга ташланади. Бу халқ оғзаки ижоди билан демократик адабиётнинг гоявий бирлигини, ҳамоҳанглигини курсатади.

Замонларнинг ўтиши билан латифаларнинг тематикаси ўзгариб, бойиб, актуаллашиб борди. Совет даврида яратилган латифаларда, даставвал социалистик инқиlob душмашларига муросасиз кураш гояси етакчилик қилди. Шу билан бирга, ялти латифалар феодал-патриархал урфодатларга қарши курашга, совет кишилигини номуносиб бўлган хулиқ-автор, хусусиятларга қарши, эски жамиятнинг баъзи сарқитлари: майший бузуқлик, ахлоқсизлик,

давлат мулкига хиёнат, ўгрилик, манманлик, қўролмаслик, адоват, кибрланиш, шахсиятпарастлик, уруғ-аймоқчилик, хушомадгўйлик, тўралиқ, бироқратик муносабатларга нисбатан шафқатсиз ўтишига ўргатди.

Замонавий латифаларда енгил, ёқимли ҳазил-мутойиба етакчилик қилади. «Феълларининг тусланиши», «Афанди ўқитувчи», «Топилмас бошлиқ», «Мажлисбоз», «Ўй босиб қолди» каби қатор латифаларда ҳаётимизда учраб турадиган айрим камчиликлар танқид этилади. «Ниманинг териси қалин» деган латифада тимсоҳ, фил, туюнинг терисидан ҳам чайқовчи, ҳалол меҳнатдан қочган дангаса ва хушомадгўйларнинг териси қалинлиги айтилади ва уларнинг қилмишларига ишора қилинади.

Латифаларни шартли равишда икки группага бўлиш мумкин: антагонистик синфлар мавжуд жамиятда ҳукмрон табақа вакиллариши турли ўйллар билан ҳажв қилувчи ҳамда майший ҳаётдаги нуқсон ва камчиликларни танқид қилувчи латифалар. Гарчи ҳам иккала турдаги латифаларда Афанди образи ижобий қаҳрамон сифатида гавдаланиб, уларда сатира ва юмор ўрнига қараб қўлланса-да, биринчи группадаги латифаларда ҳажв ўткир синфийлиги билан характерланади; иккинчи хил латифаларда дўстона ҳазил, лақмалик, гўллик, маҳмадоналиқ, шилқимлиқ, бетамизлик, танбаллик сингари иллат устидан фоп қилувчи култи мотиви етакчилик қилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам Афандининг бетарафлиги (купинча шундай куринса ҳам), лоқайдлиги эмас, балки тасвирланаётган ҳар бир ҳаётий лавҳага зимдан актив, бошқарувчи муносабати яққол сезилиб туради; шунинг учун ҳам латифада кутарилган масала ҳамма вақт умумхалқ манфаати нуқтати пазаридан узил-кесил ҳал бўлади. Томчидаги қуёш акс этганидек, кичик бир латифада ҳам ҳаёт ҳодисаларининг бир қатрасини кўриш мумкин. Бироқ Афандининг муткаммал образи ана шу латифалар жамида гавдаланади. Шундай бўлса ҳам, мазмунан бир-бирига яқин, бир мавзудаги латифаларда меҳнаткаш омма айтмоқчи бўлган тўгри фикр тасдиqlанади.

Синфий жамиятдаги социал зиддиятлар — ижтимоий тенгизлик, ҳақизлик, адолатизлик, зуравонлик, меҳнаткаш инсон шарафишини қадрсизлигига қарши кураш латифаларда кўпроқ ҳазил-мутойиба, аччиқ тил, баъзан билиб туриб ўзини билмасликка солиш, баъзида эса шама қилиб жавоб бериш каби ўзига хос йўлда акс эттирилади.

Афанди халқ вакили сифатида амалдорлар билан яккама-якка түқнапшади, баҳслашади. У хон, подшо, бек, вазир, қози, муфти, эшон, домла, имом, савдогар, бой, амалдор ва бошиңа ҳоким синф вакиллари билан маълум масалаларда тұғридан-тұғри, юзма-юз туриб мунозара қиласы.

Ағапди халқ қаҳрамони сифатида ақлли, зийрак, ҳар қандай ноқулай ҳолатдан осонлик билан қутула оладиган тадбиркор киши. У дағъатан берилган саволга ҳамма вақт ҳозиржавоб. У турли латифаларда турлича — гоҳ мулозим, гоҳ хизматкор, гоҳ оддий косиб, гоҳ меҳнаткаш деңқон бўлиб қўринимасин, ҳамиша камтарин, меҳнат кишиси сифатида талқин этилади.

Афанди латифаларини халқ юморининг гўзал намунаси дейиш мумкин. У ҳажвчи, уста қизиқчи, энг яқин дўст, хуштаъб ҳазилкаш бўлиб, сарой амалдорларидан, қози, уламолардан сира тап тортмайди, баъзан, киноя, суз ўйини, қочириқ, кесатиқ, баъзан асқия ва ҳазил қилиб ўз рақибларини узиб олади, дўстларини хурсанд қиласи. Халқнинг афандига меҳри шундан. У амалдорларининг жоҳиyllигини қулиб туриб, очиб ташлайди. Масалан, бир латифада шаҳарнинг ҳокими Афандига баҳайбат, қоиничит ит топиб келинг, деб буюради. Афанди бир хушёқмас, ювонитни келтириб беради. Шаҳар ҳокими буит ювонш-ку деганида Афанди, «Тақсир, хотиржам бўлинг, бу ит сиз жанобларининг олдида беш-олти кун турса, сиздан таълим олиб, қутуриб, занжирини узадиган бўлиб қолади»,— деб жавоб қиласи.

Афанди билан подшонинг ўзаро сұхbatлари тасвиранган латифаларда подшо Афандипи атайлаб камситиб, унинг устидан күлмоқчи булади. Ағапди эса бундай аламли ҳолдан сўзамоллик билан қутулиб, подшонинг ўзини шарманда қиласи. Бир куни подшо Афандидан аҳвол сўрабди, Афанди унга «отдек», деб жавоб бериди. Подшо Афандини мазах қилиб, «итдек детин» дейди. Афанди подшонинг бу гапини дарҳол тасдиқлайди ва: «сизнинг сояи давлатингиздан баҳраманд бўлмасдан бурун отдек эдик. Сизнинг сояи давлатингизга ўтгач, итдек бўлган бўлсак ҳам ажаб әмас»,— деб жавоб қиласи.

Афанди латифаларида кулги асосий ўринни әгаллайди. Ижтимоий ҳаётда рўй берган турли воқеалар мисолида бу кулги ёрқиц, мажозий, конкрет тус олади:

Афанди эшагини йўқотиб қўйган экан, бир ошнасидан сураганда, у ҳазилланиб айтиби.— Афандим, эшагингиз фалон шаҳарга қози бўлибди.

— Бекор гап,— деб жавоб бериби Афанди. Менинг эшагим жуда содда эди, одам алдаш ва порахўрлик қилишга уқуви йўқ әди.

Бу латифада Афанди ўртогининг эшагингиз фалон шаҳарда қози бўлибди, деб ҳазил қилишида халқнинг қозиллар муносабати, қарашини билиш қийин әмас. Афандининг ўз ўртогига берган жавобида гўё унинг сўзини инкор қилгандай бўлиб туриб, қозиларнинг бутун фаолияти халқни алдаш, талашдан, адолатсизликдан иборат эканлигини тасдиқлайди.

Латифаларда Афанди образи орқали эксплуататорлар зулмидан талаған, хонавайрон бўлган, бор-йўги шилиб олингац, мухтожлиқда ишаган халқнинг аҳволи реалистик тасвиранади.

Баъзан латифаларда Афанди қози, муфти, сўфи ва бошиңа руҳонийлар қиёфасида ҳам қўринади. Бу хилдаги латифаларда у, асосан ҳоким синф вакилларининг кирдикорларини уларнинг ўз тўли билан очиб ташлайди. Шундай қилиб, руҳонийларнинг халқ қопини зулукдек сўришлари, бу йулда ишлатган маккорлиги, ҳийла-найранглари, алдоқчилиги ҳаётий фактлар асосида ишонарли курсатилади.

Афанди муфтилик қилганида, кишилар ундан камбагалининг сигири қисининг сигирини сузуб ўлдириб қўйса, шариат нима буюради?— деб сўрашибди. Афанди уларга:— Сигирнинг шулини ўддирис олиш керак,— деб жавоб қилибди.— Борд-ю, қозилорнинг сигири косибнинг сигирини сузуб ўлдирган бўлса-чи?— деб сўрашибди улар яна. Шунда Афанди китобни узоқ варақлаб:— Бунақа даъво китобда йўқ,— деб жавоб бериди.

Афанди — муфтилинг маҳкамада катта салла билан савлат тўкиб ўтиришини, кўзойшакни тақиб олиб, қалин китобни варақлаётib жавоб берганини тасаввур этиши мумкин. Муфтилинг охирги жавоби тингловчини таажжубга солади, чунки жавобда ҳақиқатнинг эшиги меҳнат кишиси учун ҳамон берклиги барада айтиб қўйилади. Шу сабабдан ҳам меҳнат аҳли учун эпди ҳар қандай азиз ва мўътабар ҳисобланган шариат пешволосарининг ҳам, улар ўқиган қалин шариат — қонун китобларининг ҳам сарриқ чақачалик қадри қолмайди. Қози-муфтиларнинг қу-

руқ савлат, хат-саводсиз, маънавий тубан, алдамчи, разил кишилар эканликлари ҳақида қўп латифалар яратилган.

Латифаларда ҳалқ оммасининг феодализм даврининг ҳукмрон синф вакилларига нисбатан муносабати енгил юмор ёки ачиқ сатира орқали ихчам ва образли тарзда ифодаланади. Латифалар баъзан тасодифий ҳолат ва во-кеаларга, ақл бовар қимайтидан ишларга тўла бўлади. Афандининг ҳазиломуз қилинлари, тингловчини ғоят қизиқтирадиган фаолияти замирида унинг асл мақсадлари яширингандир. У сиртдан ҳараганда, кишининг пазарига плинмайдиган бўлиб кўринади. Шу жиҳатдан «Кўр қози» латифаси характерли.

Қассоблик қилиб, бозори касод бўлган Афанди ўтмай қолган гўштларини бозорда сангид юрган итларга улашиб бериб, улардан биттаси билан гаплашади ва уни «Кўр қози» деб атайди. Бироқ шу шаҳар қозисини ҳам «Кўр қози» дейишар экан. Афандининг ит билан муомаласида шу қозига шама қилингани апиқ сезилиб туради.

— «Кўр қози»,— дейман,— оч кўринасиз-а, ёнингиздагилар шерикларингиз бўлса керак, турган ўн, киссангида пул ҳам йўқдир,— дейди Афанди ва гўштларни птларга улашиб беради. Учтўрт кун утгач, Афанди ҳалиги итни қувлаб, «ҳай, кўр қози, пулларимни бермайсанми?», деб бир дарвозага кириб қолса, иттифоқо шу уйда шаҳар қозиси пинхона ишрат қилиб ўтирад эди. Афанди ўзи билмаган ҳолда қозини жиноят устида кўлга туширади. Шошиб қолган қози қанча пул эди, деб ёнида бор-йўқ - шулини Афандига бериб қутулади.

Латифаларда баъзан қози-уламоларни сатира қамчиси остига олип Афандининг суҳбатдошига юрагидаги бор муддаони шартта, очиқдан-очиқ айтиш ўйли билан амалга оширилади. Бундай латифаларда масалага рамз, тимсол ёки шама қилип эмас, балки ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқиб, ёндашилади.

Афанди хасталанган шаҳар қозисининг аҳволини ўрлидан сўраса, у «Кўнглингиздагидай», деб жавоб беради. Афанди дафъатан «Агар кўнглимдагидай бўлса, уйдан пега йиги овози чиқмайди?!»— деб жавоб қайтаради.

«Сўфи яхшими, эшак яхшими» деган бошқа бир латифада эса, хопақоҳларда тарки дунёлик ўйлига ўтиб, тоат-ибодатдан бошқани билмайдиган, тамагирлик билан кун кўрувчи тскинхўрларга нисбатан кишиларда нафрат уйготади.

Афанди образини тиپиклаптириша унинг тили ғоят муҳим роль ўйнайди. Афанди жавобларида ҳалқ тилининг қуч-қуввати, жозибадорлиги, маънодорлиги, гўзаллиги равшан кўринади:

Афандидаи сўрашган:— Табиб билан қассоб ўртасида қандай фарқ бор? Афанди:— Қассоб аввал ўлдириб, кейин терисини шилади. Табиб эса, аввал терисини шилиб, кейин ўлдиради,— деб жавоб қайтарган.

Афанди латифаларида, ахлоқ-одоб, тарбия масалалари ҳам катта ўрин берилган бўлиб, мазкур латифалар кишиларни соғ дил, самимий, садоқатли дўст, инсоншарвар қилиб тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Баъзи латифаларда Афанди қози, шаҳар ҳокими, вазир вазифасида тасвириланади. Бундай ҳолларда у ғоят одилона иш тутади. Тингловчида бордю-ю Афанди қози бўлиб қолса, ҳақиқат юзага чиқар экан, деган ишонч ҳосил қиласи. Бу ҳам латифаларда ҳаёт ҳақиқатини кўрсатишнинг бир ўйли. Бунда кишилар ўз куч ва иродаларига қараб иш тутишлари керак, ҳоким, қозиларни алмаштириш мумкин, уларнинг ўрнига меҳнаткаш вакили — Афандини қўйини ҳам мумкин, шу ўйл билан зулм ва инсоғизликни тугатиш мумкин, деган фикр дадил илгари суриласи. Ўз даврида бундай фикрларнинг аҳамияти катта эди.

Афанди — қози қайнанасини ўлдирган бир кишини ғазаб билан сўроқ қилаётir:

— Нега одам ўлдиридинг, ноинсоф?

— Кизини мендан чиқариб олиб, бир бойваччага бермоқчи бўлди. Шунча ялиниб-ёлвордим, элликбоши, оқсоқларга арз қилдим, патижা чиқмади. Ночор ўлдиридим, қандай жазо берилса розиман!— дебди у.

Афанди дехқоннинг жавобини дипқат билан тинглаб туриб, дехқонга:

— Улминг олдидан яна бир мардлик қимайсанми? Менинг қайнанамни ҳам бира тўла ўлдириб келмайсанми?!— дебди.

Бу эпизодда ўтмиш замонда ҳалининг додига етадиган бирон маҳкамама ёки амалдор йўқлигидан зорланиш, тузумдан норозилик тасвириланади. Турган гап «қайнана» номи заминида бошқа маъни ётибди. Аслида — бой, судхўр, қози, ҳоким, мингбоши, ниҳоят уларнинг бошлиги миришаблари билан золим подшо тушунилади.

Афанди латифаларида ҳалқ қаҳқаҳаси минг турли ранг билан товланади. У қадрдоплари билан дўстона ҳа-

зил қылганида ҳам, рақибларини мот қылганида ҳам, иозик таъб, юксак ахлоқли, виждонли, одамшаванда, ҳамдард, олижаноб инсон бўлиб гавдаланади. Латифагўйлик бўлган давраларда ўтиришга ўзгача бир хуррамлиқ, файз киради, тингловчиларда руҳий кўтаринкилиқ, бардамлик сезилади.

Афанди латифалари ҳозир ҳам яратилмоқда. Улар турмушдаги, кишилар ахлоқидаги айрим камчиликларни, ишёқмаслик, дағасалик, хушомадгўйлик, иккюзламачилик, ичкликтозлиқ, машшатараастлик сингари эскилик сарқитларини аямасдан танқид қиласди.

Латифалар бадиий таъсиранлиги билан кишиларимизда эстетик завқ уйғотади, яхши кайфият багишлади.

Лоф — ҳалқ оғзаки ижодининг ҳажвий ва юмористик жапрларидан. Ўзбек ҳалқ оғзаки ижодиётида лоф ва лоғчилик алоҳида ўрин тутади. Ҳалқ оммаси ўтмишда ҳар қандай оғир ахволда, зулм ва истибодд остида яшаган бўлмасин, бариниб унинг хушчақчақ, шоирона табиатидаги ҳазил-мутойибага мойиллик уступлик қиласди. Ана шу подир фазилат лофларда акс этган бўлиб, ўта муболаға, у ёки бу белгини ниҳоятда ошириб курсатиш асосий тасвир усулидир.

Лоғчилик, лоф уриш, лоф айтиш, лоғбозлиқ характер эътибори билан ҳалқ санъатининг асия, қизиқчилик, масхаробозлиқ турларига жуда яқин туради. Лофларда ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ўта оширма муқояса йўли билан акс эттирилади. Лоф айтишаётган икки киши тарафкашлик қилиб, бир-бирини ҳозиржавоблиқ ва чечанликда синар экан, ҳар қандай қийин масалали фавқулодда осойишталик билан, ҳеч қандай ваҳима, дабдабасиз, оддий гап тарзида, босиқ оҳангда айтади-қўяди. Иккичи томон ҳам гўё ҳеч гап бўлмагандек, шундай боплаб жавоб берадики, бу томошабниларда ёқумли, хушчақчақ қулги кўтарилишига сабаб бўлади, рақиби эса, доғда қиласди.

Лоф қўпинча достонларда, оғзаки драмада, эртакларда, латифаларда учрайди. «Уч ёлғонда қирқ ёлғон» эртагида лоғининг ажойиб намуналаридан фойдаланилган. Гайри табиийдек тўюлган лофдаги фикрлар аслида ҳаётий лавҳаларни бўрттириб тасвирлашдан иборатдир. Масалан:

Бир лоғчи Афандига:

— Хабарлигиз борми, биз томонда лайлак қор чунопам ёғяп-

тики, асти қўяверинг, ҳатто у ҳозир осмонга тегай-тегай деб қолди.

— Хўш, шунга нима бўлибди?— деди Афанди.— Биз томонда ёққани осмонга тегди. Ҳозир товуқлар қор устига чиқиб юлдузларни чуқиб юрибди.

Бу лоффларнинг бошқа вариантида жавоб берувчи киши рақибини ҳайратда қолдириш учун «бундай қорни биз томонларда қиров деб айтадилар»,— деб жавоб беради.

Лоф кишиларнинг ўзаро сұхбатида тез-тез ишлатилади. Масалан, баъзи совчилар қелин билан күёвнинг маңтовини шундай келтиришади, эшитганлар бундай муболағали тасвирдан таажжубланмайдилар, балки роҳатланиб куладилар — күёвнинг паҳлавонлигига ишонадилар, қизнинг баркамол ҳусн-жамолини кургандай севинадилар:

— Эраликон тушмагур, бу ўйл балиқ ўили бўлса, ропша-роса ўн тўққизга киради. Тўйга атаб битта жун қонда ўн тўққиз шуд бугдойни ўзи кўтариб кирди...

Раисимиз: «Қўй, белинга шикаст етади», деса ҳам «Бе» дептида, лиммо-лим ўғит ортилган грузовойни ботқоқдан орқалаб, томп йўлга чиқариб қўйибди.

— Шафоатойни айтинг, ким тикилса кириғи қайрилиб кетади. Оғзи билан бели борми, йўқми, биз ҳалигача билмаймиз... Чумчукча овқат ейди, сув ичса томоғидан, сабзи еса биқинидан кўринади... Шунақаям пазандаки, йўқ ердан бунёд қиласди. Сувдан ҳолвайтар, тарик, ёрмадан палов пиширади, барака тонтур.

«Калта гап», «Икки дўст», «Ёпқичга ямоқлик», «Мен ушлаган қушнинг боласи», «Дошқозон ва қизилча» каби лоффларни шоир Рафур Ғулом қайта ишлаб тайёрлади. Эл орасида кейн тарқалган бундай лоффлар ҳалқимизнинг сўз хазинаси нечогли бой, жозибадор, маъно жиҳатдан кўп қиррали эканини тасдиқлади.

Лоффда гап тагини гап очади, дейилганидек, баҳслашувчи томонларнинг ўта муболағали сўзига ҳайратомуз фикр туқнаш келади. Мусобақада бир томон, албатта, голиб келади. Лоффларда диалог жуда қисқа бўлса, айримлари эпик мазмунида бўлиб, латифа япглиғ тортишув давом этади. Бунда лоффнинг композициясида шипгил воқеаларнинг ўзаро боғланишида мантиқ кучи етакчилик қиласди. Буни «Дошқозон ва қизилча» лофи мисолида куриш мумкин. Лоф икки дўстнинг одатдагидек куришиб қолиб, ҳол-ахвол сурасидан бошланади.

Халилча ҳалол деган наманганлик бир лоғчи билан оҳангарионлик Сандонқул танга топган деган довонда учрашиб қолишибди. Ҳол-ахвол сурашгандан кейин:

— Хўш, Оҳангаронларда нима янгилик бор? — деб сурабди Халилча ҳалол.

— Хе, нима бўларди, олам ҳодис, яъни биз яшаб турган олам ҳодислардан иборат деганларидек, бизнинг Оҳангарон чилангарлари бир мингу уч юз қирқ қулоқли битта дошизор ясашашти. Бир қулогида туриб ўп қадоқли болға билан эрталаб ургандан чиққан овозни иккинчи қулоқдаги чилангар тушдан кейин эшигади.

Иккинчи лофчи бамайлихотир:

— Баракалла, бу киройи декча бўлибди.

«Киройи декча» деган жавоби ўзича кам бўлгандай, рақибини мот қилиб ташлаш ниятида, Халилча ҳалол сўз бошлияди:

— Наманган дехқонларининг қўли гуллиги бу томони Чин-Мочин, бу томони Қайсари Румгача маълум. Фирвор дехқонлари бу йил лавлаги — қизилча эмсан эдилар. Айниқса, Шоди сутакнинг лавлагиси бўлиб берди. Юқори даштда бир тул лавлаги ўедик, баріларининг соясида ўп минг отлиқ аскар салқинласа бўлади.

Лофчиларнинг тортишуви бу билан тугамайди. Сандон-қул бу гапни эштиб, дўстини тутуриқсизликда айбламоқчи бўлади. Лекин Халилча ҳалол бўш келмайди.

— Мен аҳмоқми, сенми? Сен айтган ҳалиги қозончада ўша лавлаги қайнамаса, нима қайнайди?

Лофларнинг бундай мантиқан тугалланиши композицион жиҳатдан пухта ишланганлиги белгисидир.

Шундай қилиб, лоф ва лофчилик санъати совет даврида ҳам изчил ривожланмоқда, янгидан-янги лофлар яратилмоқда. «Трактор ютган бола», «Қоғоз ва қалам», «Тепки еган бочкалар», «Гигант тухумлар» шулар жумласидандир.

Достонлар

Достонлар

Достон ўзбек фольклорининг қенг тарқалган ва ѹирик жанрларидан биридир. Унинг яратилиши ҳалқимизниг маънавий-маишӣ қиёфаси, ижтимоий-сиёсий курашлари, ахлоқий-эстетик қурашлари, адолат ва ҳаққоният, озодлик ва тентлик, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ҳақидаги идеаллари билан чамбарчас боғлиқдир. Асрий курашлар ва идеаллар унинг тематикаси, гоявий мазмуни, образлар системаси, сюжет ва композицияси моҳиятини белгилайди. Достонлардаги улуғвор поэтик умумлашмалар ва ўксак бадиий образлар уларни дунё фольклорининг тенгсиз намуналари — рус билиналари, украин думалари, карело-фин руслари, ёқут олонхоси, қозоқ ботирлар жири, бурят улигерлари, қирғиз «Манаси», қорақалпоқ «Қирқ қизи», ҳинд «Махабхарата»си — қисқаси, Гарб ва Шарқнинг улкан эпослари қаторига қўйди. Бу эса унинг қонуний вориси — совет кишиси қалбида чексиз миллий ифтихор ва ўксак интернационализм туйғуларини янада жўш урдиради.

«Достон» сўзи қисса, ҳикоя, шону шуҳрат, саргузашт, таъриф ва мақтов маъноларида ишлатилади. Адабий термин сифатида бу ном ҳалқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётдаги ѹирик ҳажмли эпик асарларни англатади. Бироқ улар ҳаётни тасвирлаш воситалари ва усуслари жиҳатидан бир-бирларидан жиддий фарқ қиласиди. Ҳалқ оғзаки ижодида достон ўтмиш замонлар тўғрисида қаҳрамонлик идеализацияси кўламидаги ҳикоялар, ривоятларидир¹. В. М. Жирмунскийнинг янада конкретроқ ифодасига кўра «Эпос — бу ҳалқнинг қаҳрамонлик идеализацияси кўламидаги жонли ўтмишидир. Унинг илмий-тарихий киммати, айни пайтда жуда катта ижтимоий, маданийтарбиявий аҳамияти ҳам шундадири»². М. Сайдовнинг

¹ В. М. Жирмунский, Х. Т. Зарифов. Узбекский народный героический эпос. М., ГИХЛ. 1947, стр. 303.

² В. М. Жирмунский. Народный героический эпос. Л., ГИХЛ, 1962, стр. 195.

таъкидлашича, достон мураккаб санъат асари бўлиб, унинг достон булиши учун адабий текст, музика бўлиши, куйловчи ҳофизлик санъатини пухта эгаллаган ва соз черта билиши зарур¹.

Бу таърифларда қарама-қаршилик йўқ, балки бири иккинчисини тўлдиради. Бирида достоннинг эпик воқеелика муносабати назарда тутилса, иккинчисида фольклорнинг спецификаси, достонларнинг синкетик характеристига эътибор берилади.

Достонларда тарихий воқеелик халқ фантазияси асосида умумлашган образларда ўз ифодасини топади. Унда умумлаштиришнинг ўзига хос формаси — эпик умумлаштириш ҳукмонлик қиласи. Бундай умумлаштириш халқнинг ижтимоий адолат ҳақидаги идеаллари ва орзу-умидлари билан йўргилган. Демак, достонга эпиклик, монументаллик хос бўлиб, композицион ва сюжет қурилиши жиҳатидан мураккаб воқеа-ҳодисаларни қамраб олади. Бундай воқеа ва ҳодисалар мазмунан қаҳрамонлик характеристига эга бўлиб, улар якка шахс — халқ идеалидаги баҳодир атрофига бирлаштирилади. Фавқулодда куч-қудратга эга бўлган бундай якка шахсларда бутун бир халқнинг орзу-умидлари, имконият ва интилишлари музжассамлашган. Халқ достонларининг бундай тематик ҳамда жанр хусусиятлари унинг специфик услуби ва формасини ҳам юзага келтирди.

Ўзбек халқ достонлари жуда узоқ тарихий тараққиёт босқичини босиб ўтди. Унинг қадимги намуналари сақланмаган. Совет давридагина ёзиб олиш имконияти мумкин бўлган достонлар кўп даврлар оша халқ бахшиларининг ҳофизасида оғзаки равишда муайян ўзгаришлар билан бизгача етиб келган. Шунинг учун ҳам уларни халқ бахшиларидан ажратиб ўрганиш мумкин эмас.

Бахшилар. Халқ оғзаки бадий ижодининг юксак профессионал санъат тури — достон ва достончиликнинг пайдо бўлиши, тараққиёти бахшилар номи билан боғлиқдир. Халқ оммаси маданий-сиёсий ҳаётида улкан ўрин тутган бахшилар меҳнаткаш халқ ўртасида жуда катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлганлар.

Атоқли олим X. Т. Зарифовнинг ёзишича, бахши мӯгулча ва бурятча бахша, багша сўзларидан олинган бў-

¹ М. Сайдов. Ўзбек халқ достончилигидаги бадий маҳорат, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1969, 21-бет.

либ, устод, маърифатчи деган маъноларни беради. Ўзбекларда бахши — кенг маънода халқ достончиси, достонларни куйловчи, ёдда сақловчи ва наслдан-наслга ўтказувчи санъаткордир. Халқ орасида бахши сўзи икки маънода, яъни турли характердаги икки вазифани бажарувчи шахсга нисбатан қўлланган. Кўпчилик ерларда профессионал достончи, айрим жойларда афсунгарлик, фолбинлик, шаманик қилувчи шахсга нисбатан ишлатилган. Узоқ ўтмишда бу икки вазифани бир шахс бажарган. Кейинчалик эса, касбда муайян дифференциация юзага келган, лекин атама айрим жойларда бир хил қўлаверган. Кўпчилик ерларда эса, иккинчи вазифани бажарувчи шахс қушноч, дуохон, кинначи, касал боқувчи каби турли туман сўзлар билан ифодаланади. Балъзи туркий халқларда бундай дифференциацияни янада яққолроқ кўрамиз². Масалан, бахши — туркманларда профессионал достончи, козоқ ва қирғизларда афсунгар, дуохон, фолбин. Аммо бизга маълум ўзбек бахшилари ва уларнинг устозлари бахшилик санъатини ҳеч маҳал турли найранглар ёрдамида касал боқувчилик вазифаси билан қўшиб олиб бормаганлар, яъни бу сўз Ўзбекистоннинг кўп ерларида, асосан бир маънода — халқ достончиси, профессионал санъаткорга нисбатан кенг қўлланилади, у ўзбек фольклоршунослигига асосий термин сифатида мустаҳкам ўзлашиб кетган. Бироқ бахшилик санъатини касал боқувчилик, дуохонлик билаи қўшиб олиб борувчилар ҳақида айрим маълумотлар борки, узок ўтмишда бошқа кўпчилик халқлар ижодкорлари қаби ўзбек достончилари ҳам бу икки вазифани баробар бажарган бўлишилари керак. Эпик поэзиянинг қадимий синкетик босқичи шуни тақозо этар эди. Бир қатор бахшиларнинг ҳозир ҳам ўз санъатларини сир тутиб, уни «илоҳийлаштиришлари», бахшилик санъати ҳақида халқ орасида мавжуд турли туман афсоналар буни янада тасдиқлайди.

Шунингдек, мӯғуллар истилоси даврида будда динидаги қаландарларни, мӯғулларда жарроҳларни, турли ҳужжат ва хатларни уйгур ёзувида кўчирувчи туркий халқлардан бўлган котибларни (маҳкама, канцелярия ходимларини), Чигатой улуси, Олтин Ўрда, Қозон ва Қрим хонлигидаги котибларни, бобирийлар давлатидаги ҳарбий қисмларнинг ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи ва уларга маош тўловчи иирик амалдорларни, Бухоро хонлигига давлат бинолари қуришда маблағ ҳисобини олиб

борувчи кишиларни, туркманларда уруг оқсоқолларини ҳам бахшى деб аташган.

Эпик асарларини куйловчиши — халқ достопчисини Ўзбекистоннинг айрим ерларида бахши сўзидан бошқа япа турлича номларда юритадилар. Масалан, Сурхондарё ва Қашқадарёning айрим жойларида юзбоси, Жанубий Тожикистон узбеклари орасида соқи, Сурхондарё ва Жанубий Тожикистоннинг айрим жойларида созапда, Фарғона водийсида сашновчи, айрим районларда жиров, жирчи, оқин, охун ва ҳоказо.

Ўзбекларда халқ достопчисини шоир деб аташ ҳам кенг тарқалган. Шоир арабча сўз бўлиб, поэтик асарлар ижодкори бўлган ёзма ва оғзаки адабиёт вакилларига нисбатан қулланилади. Оғзаки нутқда бу сўз баъзан қўчма маънода ҳозиржавоб, ширинахан шахсга нисбатан ҳам ишлатилади. Халқ ижодида бадиҳагүй ижодкорлар, эпик традиция доирасида ўзларининг янги-янги вариантларини, ҳатто янги достопчини ҳам яратса оладиган достончилар шоир деб аталади. Масалан, Эргани шоир, Фозил шоир, Ислом шоир, Пулкан шоир ва бошиқалар.

Бахшилар халқ достопчарини бирор созда, кўп ерларда дўмбира, айрим жойларда кўбиз ёки дуторда куйлайдилар. Хоразм бахшилари эса, достопчарни, асосан дуторда ижро этадилар, уларга фижжак ва баломонда созчилар жўр бўлади. 30-йилларда Хоразм бахшилари достонларни тор ва рубобда кўйлай бошладилар. Шу муносабат билан айрим бахшилар ансамблида фижжак ўрнига скрипкадан фойдаланиш, ансамблга допрачи, ҳатто ўйинчи олиб кириш ҳоллари бўлди. Бола бахши ва унинг ансамбли булага мисол бўлади. Хоразмда баъзан эпик асарлар ёки уларини парчаларини гармонда ижро этиш ҳоллари ҳам мавжуд. Бундай ҳолларда уларни бахши эмас, балки созчи, деб юритилган. Масалан, Йўрбои созчи, Қодир созчи ва бошқалар. Созчилар эпик асарларни тула ижро этишдан кўра, ундан парчалар, термалар ва ўзларц яратган асарларни куйлашга алоҳида ётибор берганлар.

Демак, эпик асарларни элга етказишда Ўзбекистоннинг деярли барча ерларида якка ижрочилик ҳукмрон бўлса, Хоразмда, асосан коллектив ижрочилик етакчилик қиласиди. Ижро давомида достонларнинг шеърий қисмлари куйланса, прозаик ўринлари бахшиларнинг ўзларига хос ифодали тилда баён этилади.

Хоразмда эпик асарларни, улардан олинган парчалар ва айрим термаларни куйловчи ижодкорларнинг яна бир турини *халфалар* деб юритилади. Халфачилик, асосан аёллар орасида кенг тарқалган.

Халфачилик санъати икки хил: а) ансамбли халфалар; б) якка халфалар. Ансамблли халфалар уч кишидан иборат, яъни устоз халфа (айни вақтда гармон чалади ва ашула айтади), доирачи (ашулага жўр бўлади, баъзан рақсга тушади) ва ўйипчилар (рақста тушади, қайроқ билан ўйнайди, яни ва лапар айтади, баъзан доира чалади) бирлашиб, ансамблни ташкил этадилар. Бу тип халфалар халқ достопчарини, улардан олинган парчаларни, тўй қўшиқларини лашар ва яллаларни, ўзлари яратган ёки бошқа ижодкорлар асарларини гармон ва доира жўрлигига куйлайдилар. Биби шоира, Хонимжон халфа, Оқииза, Онажон Сафарова, Пазира Собирова кабилар шундай халфалардандир.

Якка халфалар достон ва қўшиқларни созсиз ижро этадилар. Улар достопчларни ёддан ёки қўл ёзма ва китобдан ёқимли оҳангда ўқиши, «Ёр-ёр», «Келин салом», «Муборак» каби тўй қўшиқларини ижро этиш билан шуҳрат қозонгандар. Розия Матниёз қизи, Саодат Худойберганова, Пошшо Саидмамат қизи, Амбаржон Рўзиметова, Апоржон Раззоқова кабилар якка ҳолда халфачилик қиласидар.

Халфалар кўпроқ «Ошиқ Ғаріб ва Шоҳсанам», «Ошиқ Ойдин», «Асиљхон», «Ҳурлиқо ва Ҳамро», «Қумри», «Қиссаи Зебо», «Тулумбий», «Завриё», «Дурашиб», «Бозиргон», «Хирмон дали» каби достонларни, Махтумкули шеърларини, турли маросим қўшиқларини ва ўзлари яратган асарларни ижро этадилар. Улар маҳаллий халқнинг барча тўй-ҳашамларида, турли маросимларда, аёллар йиғиплари ва байрамларда қатнашадилар, тўй ва маросимларни бошқарадилар. Халфачилик жозибали ва павқирон аёллар санъати сифатида Хоразм воҳасидга шу купларда ҳам кенг давом этмоқда.

Ўтмишда эпик асарларни халқка етказувчилар қаторида қиссаҳонлар ҳам бўлган. Қиссаҳонлар халқ достонларининг қайта ишланган нусхаларини, қизиқарли таржима ҳикояларни, классик адабиёт намуналарида «фольклорлаштирилган» вариантларни, турли хил жангномаларни чойхоналарда, турли йиғинларда, халқ тўплланган жойларда ёдаки ёки қўл ёзма ва босма текст асосида ўзларига

хос охангда ўқиганлар. Бунда асарнинг прозаик қисмини айтишда алохида оҳанг, интонация бўлса, шеърий үринларини ижро этишда ҳам ўзига хос оҳанг, интонация бўлган. Бироқ улар ижросида, асосан, бир хиллик ҳукмрон.

Қиссаҳонлар «Рустами Достон», «Тоҳир ва Зуҳра», «Ҳикояти Гўрӯғли султон», «Баҳром ва Гулаидом» каби дунёвий қиссаларни ижро этиш билан бирга, кўпроқ диний мазмундаги асарларни ҳам ўқиб юрганлар. Айрим ҳолларда энг қобилиятли қиссаҳонларнинг ўзлари қисса тузишгача, баъзан янги асарлар яратишгача кўтарилигандар, айтаётган асарларига ижодий ёндашганлар. Ўтмишда қиссаҳонлик шаҳар жойларида кенг ривожланган бўлиб, кейинги вақтларда, умуман учрамайди. Бу нарса кўплаб китоб босиб чиқарилиши, жумладан, илгари айтилиб юрилган қиссаларнинг ҳам нашр этилиши, халқимизнинг ёппасига саводхон бўлиши билан bogлиқdir.

Эпик асарларни кенг меҳнаткашлар оммаси орасида куйлашда ва уни авлоддан-авлодга етказиша ҳар доим бахшилар стакчи бўлгацлар. Ҳоди Зариф, Буюк Каримов, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Жуманиёз Қобулниёзов, Муҳаммадподир Саидов сизгари олимларнинг тадқиқотлари шуни курсатдики, XIX аср ва XX аср бошларида ўзбек бахшилари репертуарида юздан ортиқ достон бўлган. Фольклоршуносаримиз улардан саксонга яқинини (вариантлари билан уч юздан ортиқ) ёзиб олдилар. Совет даврида икки юздан ортиқроқ достончи аниқланди ва руйхатга олинди. Улардан Жуманбулбул, Жоссоқ, Бўрон шоир, Жолмон бахши, Султон кампир, Тилла кампир, Хонимжон ҳалфа, Биби шоира, Суяр бахши, Амин бахши, Йўлдошбулбул, Султонмурод, Қурбонбек, Хидир шоир, Йўлдош шоир, Суяр шоир, Шерна юзбоши, Ҳайбат соқилар ҳалқ орасида шуҳрат қозонган. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Ислом Назар ўғли, Умир шоир, Абдулла шоир, Холёр Абдукарим ўғли каби етук шоирлар Совет ҳокимияти даврида бахшичилидаги жуда бой анъаналар асосида давримизнинг муҳим воқеаларини тасвирловчи йигирмадан ортиқ янги достонлар яратдилар.

Бахши ўзлаштирган ва ижодий тарзда куйлаб келган барча асарлар унинг репертуарини ташкил этади. Ўзбек ҳалқ бахшилари репертуари жанр эътибори билан ниҳоятда чекланган. Улар фольклорнинг фақат икки жанридаги асарларни, яъни термалар ва достонларни куйлаб кел-

ганлар. Бахшилар терма ва достондан бошқа асарлар (эртак, қўшиқ, латифа ва шу қабилар)ни билсалар ҳам, уларни айтмаганлар. Мабодо бирор достоннинг мазмунини ҳикоя қилиб берсалар, уни «эртак қилиб айтиш» деб ҳисоблаганлар. Бироқ бундай айтиш профессионал достончи учун одатдаги ҳол эмас. Шуни ҳам айтиш керакки, айрим достонлар бизга фақат мазмунлари орқалигина етиб келган. Масалан, «Ойсулув» достони шундай асарлардандир.

Бахшилар репертуарининг ҳажми ҳам бир хил эмас. Одатда, оддий бахшилар беш-ўнта достон билганлар. Шунда ҳам бир-икки достонни яхши куйлаганлар. Энг қобилиятли, талантли, юксак ҳофиза қувватига эга бўлган ижодкорлар репертуарида ўттиз-қирқ ва ҳатто ундан ортиқ достон бўлган. Эргаш шоир, Фозил шоир, Ислом шоирлар шундай достончилардан эди. Улар қатор эпик асарларни маҳорат билап куйлаганилиги учун бундай достонларнинг кўпчилиги уларнинг номи билан абадий боғланиб қолди. Масалан, «Алпомиш» деганда, беихтиёр кўз ўнгимизда Фозил Йўлдош ўғли, «Равшан» деганда, Эргаш Жуманбулбул ўғли, «Орзигул» деганда, Ислом шоир намоён бўлади. Фавқулодда хотира қудратига эга бўлган Пўлкан шоир етмишдан ортиқ достонни ёд билар эди. Ҳар бир достон икки-уч минг сатрдан тортиб, ўн-ўн беш, ҳатто йигирма минг мисрагача шеърни, қарийб шунча прозаик қисмини ҳам ўз ичига олишини ҳисобга олинса, ҳалқ бахшиларининг салоҳияти, ҳайратомуз ёдлари ва эсда сақлаш қобилияти, ижод қилиш қудрати ўз-ўзидан аён бўлади. Ҳоди Зарифов ҳалқ бахшиларининг эсда сақлаш ва ижод қилиш қобилиятини кўрсатиш учун шундай бир мисолни келтиради: Атоқли ҳалқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғли 1922 йилда Тошкентда босилиб чиккан қозоқча «Қиз-Жибек» достонини икки марта ўқиб чиққач, бир ойдан кейин унга ўзиининг ижодий унсурларини кўшган ҳолда қайтадан ўзбек тилида деярли айнап айтиб ва ёзиб беради. Бахшиларнилг эсда сақлаши учун бир асарни бир-икки ўқиб беришининг ўзи кифоя эди¹.

Талантли бахшилар эпик репертуарнинг бойиб бориши учун доимо кураш олиб борганилар. Шунинг учун ҳам бир-биридан гўзал достонлар ўзиининг бутун салобати ва ма-лоҳати билан близгача етиб келган.

¹ В. М. Жирмунский, Х. Т. Зарифов. Узбекский народный героический эпос, М., 1947, стр. 23—58.

Ўзбек достончилигидан анъапавий
достон куйлаш тартиби бор.

Одатда, достончилик кеч куздал эрта баҳоргача кечқурунлари уюштирилган. Бахши таклиф қилинган меҳмонхонага барча эшитувчилар унинг деворлари бўйлаб қатор қўр ташлаб ўтиришган. Бахшини энг тўрда ўтқизганлар. Достон куйлаш кичик бир зиёфатдан кейин бошланган. Бахши дастлаб бир ёки бир печа терма куйлаган. Хоразм бахшилари эса, терма сифатида достонлардан бўлаклар, Махтумқули шеърларидан, панднасиҳатлар билан боғлиқ турли парчаларни ижро қилгандар. Хоразмдан бўлак жойларда эса, кўп ҳолларда «Нима айтай?» («Достон териш») термаси билан аудиторияга мурожаат этилган. Бунда бахши ўзида ва эшитувчиларда жиҳдий темалардаги поэтик асарларни куйлаш ва тинглаш учун кайфият ҳосил қиласди. Сўнг тингловчиларнинг хоҳиши ёки бахшининг ташлашига кура бирор достон ижро этилади. Одатда, достончилик ўтиришлири тонгга уланади. Ўзбек халқ достопларининг кўпчилиги бир неча кун куйлашга мўлжалланган. «Алномиш»-дек момументал асарлар икки ва ундан ортиқ кечалар ижро этилган.

Бахши ижро давомида достондаги ҳар бир тасвирга мос сўз ва куй топиб авжга чиңа боради, ўзларининг таъбири билан айтганда, «қайнайди». Ўрни-урни билан эшитувчиларга мурожаат этиб, улар диққатини ўзида сақлаб туради. Авж нуқталарга етганда, бахшининг гавда ҳаракатлари, бошини сарак-сарак қилиши, дўмбиралининг бир мувозанатда бориб-келиши куй ва сўзга қўшилиб яхлит ритмик ҳолат юзага келтиради, ҳар бир мисра гүё отилиб чиққандай булади. Бундай пайтларда тўрдаги бахши пойгакка, томошабин эса, тўрга чиқиб қолгашлигини ҳеч ким пайқамай қолади. Шу тариқа қўр ташлаб ўтирганлар даврани бир неча марта айланиб чиқишилари мумкин. Бахши қизиб ва терлаб кетганда, устидаги яктакларини бирин-кетин еча боради. Бахшининг шогирди ёки даврдаги бирор киши вақт-вақти билан унга қайнатилган ва бир оз совитилган сув тутиб туради. Бахши сувдан бир ҳўплаб, ижрони тўхтовсиз давом эттира беради.

Достонни куйлаш жуда ҳам қизиқарли ўринга, авж пардаларга етганда, ярим тунда дам олиш учун танаффус қилинади. Буни бахшилар «дўмбира тўнтармоқ» деб айтадилар. Бунда бахши эшитувчиларга ёки ўз дўмбира-

сига мурожаат тарзида бир неча қистирма мисралар тў-
киб, ижрони тўхтатади:

Сени уйдан олиб чиқдим бўкташиб,
Сен юрибсан улфатингни ахтариб,
Мен қўйини сени энди тўнташиб,
Ярим кечади бўлди, жонивор.

Ингриб опсан үлфатингнинг жамини,
Эганг олспи-да бир оз дамини.
Дамин олиб айтиб берар камини,
Рўмол ёзар вақти бўлди, жонивор.

Келайин мен бир далага чигиб,
Улфатинг берсин-да пулини жийиб,
Эринмаса қўйисин рўмолга туйиб,
«Алномиш» кетмасин ўртада куйиб,
Шу ерларда тура бергич, жонивор.

Шундан кейин бахши чопонини, белбоғини ва дўмбирали тўнкарилган ҳолда қолдириб, ташқарига чиқади. Бу пайт даврадагилардан бири бахши белбоғини ўртага ёяди. Ҳар ким ўз имкониятига яраша пул ёки бирор нарса ташлайди. Бахши қайтиб хонага киргунча, йигилган пул ва нарсалар тугиб қўйилади. Сўнг достоннинг қолган қисмини куйлаш давом этирилади. Хоразм бахшилари эса, достон ижроси тугаши билан «Тўйингда қайтсан» куйини чалиб туради. Давра ёки тўй оқсоқоллари бу пайт меҳмон ва меҳбонлар ўз хоҳиши билан берган пул ёки буюмларни йигиб, бахшига беради. Бахши таклиф қилинган қишлоқ ёки хонадонда достончилик кечалари баъзан бир неча кун давом этади. Бахши кетар пайтда уни таклиф қилган соҳиби хонадон унга яна қўшимча совғалар (тўн, сарпо, қўй, от ва ҳоказо) ҳам бериши мумкин. Шуни айтиш керакки, бахшига бериладиган совғалар ҳеч маҳал мажбурий ва олдиндан келишилган ҳолда бўлмайди. Бу тўла ихтиёрий бўлиб, бахшилар ҳеч маҳал ўз санъатларига даромад майбаси сифатида қарамаганлар.

Махсус достончилик кечаларидан ташқари тўй-ҳашамларда, оила тантапаларида, байрамларда бахшиларнинг иштирок этиши одатдаги ҳол эди. Бундай тўйлар тасвири достонларимизда ҳам (масалан, «Қундуз билан Юлдуз» да) тез-тез учраб туради. XX аср бошларида бошлаб шаҳарларда бахшилар хизматидан фойдаланиш йўқолди, уларнинг ўрнини ҳофизлар ва ашулачилар олди. Лекин XIX аср охирларигача энг йирик шаҳар ҳисобланган Тош-

кентда ҳам бахшилар яшаганликлари ҳақида маълумотлар бор. Қишлоқларда эса, достончиликнинг жонли анъаналиари ҳозир ҳам, гарчи анча сўна бошлаган бўлса-да, давом этмоқда.

Совет даврида достон куйлаш шароитлари бирмунча ўзгарди. Бахшилар колхоз-совхоз театрларига (масалан, Абдулла шоир, Бола бахши, Болта бахши каби) актив иштирок эта бошладилар. Умумхалқ ҳашарларида (масалан, Каттақўргон сув омбори, Катта Фаргона канали қурилиши), ижтимоий-сиёсий маросимларда (масалан, сайлов олди учрашувлари), қолхозчиларнинг йигилишларида достон ва ундан парчалар куйлаш одатга айланиб қолди. Бахшиларнинг ишчилар, колхозчилар, қурувчилар, чўпонлар, ўқувчи ёшлар билан учрашувлари, турли олимпиада ва кўрикларда чиқишлари ташкил этилмоқда.

Бахши тайёрлаш ўзининг қатъий анъанавий тартибларига эга бўлған. Бахшилар қишлоқма-қишлоқ достончилик қилиб юрган пайтларида меҳнаткашлар орасидаги талантли, қобилиятли, шеъриятга қизиқувчи ёшларни танлаганлар, сафар давомида уларни сиаб борганлар, истиқболи борларини ўз ёпларига тортганлар.

Шогирд тайёрлашда барча ўқитиши, ўргатиши ишлари, дўмбира машқи ҳам оғзаки равиша амалга оширилган, чунки ўтмишда устоз ўқиши-ёзишини билмаганидек, шогирд ҳам саводсиз бўлган. Аҳён-аҳёнда учраб турадиган бахшиларнинг саводлилиги ҳам буцга монелик қила олмаган. Негаки, халқ достонларини эшитиш ва куйлаш орқали оғзаки ўрганиш профессионал таълимнинг энг биринчи ва асосий шарти бўлган. Дастреб достонлардаги анъанавий мисралар («Хазон урмай боғда гуллар сўлдими, Сўлган гулга булбул келиб қўндими» каби), умумий ўринлар, яъни баъзи бир жузъий ўзгаришлар билан қўпчилик достонларда тақорлападиган парчалар (қаҳрамонга насиҳат, уни кузатув, отни эгарлаш ва от таърифи, отда сафар ва жанг тасвири каби) ёдлатилган. Сунг айрим олинган бир достон, кейинроқ эса, устоз репертуаридаги асарлар ўргатилган. Устоз шогирднинг импровизация қобилиятини, яъни ўрганилган анъанавий мисралар, парчалар асосида ялгиларипи дўмбира билан тезда тўқий олиш қурдатини устиришга алоҳида эътибор берган.

Ўргатишининг кейинги йилларида устоз шогирдни ўзи билан бирга достончилик йигинларига, тўй-ҳашамларга олиб юради. Бундай пайтларда шогирд қўпчилик олдида

термалар, достонлардан парчалар куйлади. Шогирд анча пишиб қолгач, устоз аудиториянинг рухсати билан ўзи куйлаётган достоннинг давомини унга айттиради.

Шогирд устоз репертуаридаги достонларнинг муайян қисмини ва бахшилик йўлларини тўла ўрганиб бўлгач, устоз уни эл олдида синовдан ўтказиш учун зиёфат ташкил этади. Зиёфатга халқ ижодининг билармонлари, достон шинавандалари таклиф қилинади. Шогирд улар олдида бирон достонни мустақил ижро этиб беради. Шогирд синовдан мувваффақиятли ўтгач, устоз унга бош-оёқ сарпо ва тўн қилиб, баъзан янги дўмбира ёки дутор ҳадя этиб, қўпчилик олдида оқ йўл тилайди. Шогирд бахши номини олиб, мустақил достончи бўлса-да, ўз репертуарини янада кенгайтириш мақсадида устози ва бошқа йирик халқ шоирларидан ўрганишда давом этади. Шу тариқа устоз-шогирд алоҳалари ҳеч маҳал узилмайди. Ёш бахши қайси жойга бориб достон ёки термалар айтмасин, ундан ўша ерлик бахшилар: «Кимнинг шогирдисан, устозинг ким, ўғлим?» деб сўрашади ва унинг жавобидан кейин устози репертуаридаги энг машҳур, халққа манзур бўлган достонидан парчалар куйлаб беришни илтимос қиласидилар. Шу йўл билан ёш бахшининг қобилиятига баҳо берадилар.

Демак, бир маҳаллар шогирд бўлиб, устоз бахшилардан бир неча йиллар давомида таълим олган, ўрганган достонларни бадиий силлиқлаб, юксакликка кўтара олган достончилар ўз навбатида яна шогирдлар етиштиради. Шу тариқа халқ бадиий ижодида давомийлик юзага келган бўлиб, қачонлардир яратилган эпик асарлар устоздан шогирдга; отадан ўғилга, авлоддан-авлодга ўтиб оғзаки равиша бизгача этиб келган.

Достончилик
мактаблари

Эпик поэзиянинг яратувчилари ва
ижрочилари ўзларининг синфий ман-
субликлари, репертуарларининг гоя-
вий йўналишлари жиҳатидан профессор Ҳоди Зариғов
текширишларига кура, икки гуруҳга булинадилар. Бунга
сабаб ўтмишда ҳар бир синф мағфаатларига хизмат қи-
лувчи бахшилар ва уларнинг ўзларига хос репертуари
бўлган.

Биринчи гуруҳга сарой шоирлари, қаландар, дарвеш-
сифат бахшилар киради. Чингизхон ҳузурида Улуг жир-
чи, Тўхтамишхон саройида Камолзода ва Жаҳон Мирза,
Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II ҳузурида Риза бахши,

Бухоро амири Насрулла саройида Эрназар каби бахшилар бўлганлиги маълум. Худди шундай сарой бахшилари томонидан хону бекларни мақтовчи асарлар яратилган. Ҳоким-синѓга мансуб дарвешсиғат ҳаёт кечирган бахшилар репертуарида эса диний характердаги асарлар асосий ўринни әгаллади. Ўтмишдаги Жўма достончилик мактаби вакиллари шундай бахшилардандир. Улар ҳалқ достонларини ислом мистикаси руҳида қайта ишлаб чиқсанлар. Бироқ уларнинг версия ва варианatlари ҳалқ ўртасида кенг тарқала олмади, феодал аристократияси манфаатларига мўлжаллангалиги учун тор доирада қолди. Ўтмишда яна шундай бахшилар бўлганки, улар эпик асарлар ижро этиш билан бирга парихоилик, дуохонлик ҳам қиласланлар. Бу — достончиликнинг нисбатан қадимий синкремтик босқичининг қолдигидир. Бундай бахшилар ўзгарувчан бўлиб, эксплуататорлар таъсирига тез бериладилар. Бу гурӯҳ бахшилар юқори синѓларнинг қўллаб-қувватлашига қарамай, ҳалқ ўртасида ётибор қозона олмаганилар.

Иккинчи гурӯҳ бахшилар бевосита меҳнаткаш омма орасидан етишиб чиқсан, унинг манфаатларини ҳимоя қиласлан ҳалқ қуйчилари бўлиб, ҳалқ яратган оғзаки бадиий ижоднинг ёнг яхши намуналарини сақлаган ва демократик гояларни олдинга сурган достончилардир¹. Бундай бахшиларни умумий гоявий йўналиш, синѓий мансублик, кенг маънодаги репертуар бирлиги, асрий достончилик анъаналари бирлаштириб туради.

Муайян достон варианти коллектив ва индивидуал ижод бирлиги жараёпида юзага келган алоҳида-бир ижодий акт экан, унда қуйловчининг ижрочилик ва ижодкорлик фаолияти асрлар давомида шаклланган оғзаки эпик анъаналар доирасида намоён бўлади. Бу ҳол барча бахшилар учун умумий томонларни, муайян достончилик қолипларини юзага келтиради. Шу билан бирга, ҳар бир достопчи ёки достончилар гуруҳи ўзига хос поэтик йули, услуги билан бир-бирларидан фарқ қиласди. Бошқача қилиб айтганда, ғулуммлашган пухта эпик анъана доирасида маълум бахши ёки бахшилар гуруҳига хос индивидуал ижодий хусусиятлар, йўллар, услугилар ўзгачалиги мавжуд. Фольклоршуносликда буни шартли равишда достон-

¹ Қаранг: Ҳоди Зариф, Фозил шоир — машҳур достончи. «Фозил шоир», Ўзбек ҳалқ ижоди бўйича тадқиқотлар, 3- китоб. Тошкент, 1973, 8—9-бетлар.

чилик (бахшилик) мактаблари деб юритилади. Ҳозирги кунда ўзбек фольклоршунослигига Булунғур, Қўргон, Шаҳрисабз, Қамай, Шеробод, Жанубий Тожикистан, Хоразм каби поэтик достончилик мактаблари — бахшилик санъатининг ажойиб марказлари аниқланган.

Булунғур достончилик мактаби қаҳрамонлик достонларини ижро этиш билан машҳур бўлган. Содда, юксак, ўта анъанавий, нисбатан архаик бўлган қаҳрамонлик эпоси услуги билан достончиларнинг поэтик йули ҳисобланган. Булунғур достончилик мактабининг сўнгги талантли вакили Фозил Йўлдош (1872—1955) ҳисобланади, ундан «Алломиш», «Ёдгор», «Юсуф билан Аҳмад», «Маликаи айёр», «Машриқ», «Зулғизар», «Балогардон», «Интизор», «Нурали», «Жаҳонгир», «Муродхон», «Рустам», «Ширип билан Шакар», «Раъно билан Суҳангул», «Зевархон» каби ажойиб достонлар ёзиб олинган.

Фозил Йўлдош ўғли XIX асрда Йўлдош, Қўлдош, Суяр шоир номи билан машҳур бўлган уч ака-уканинг каттаси Йўлдош Мулла Мурод ўгининг шогирдидир. Йўлдош шоир машҳур Йўлдош булбулнинг шогирди бўлган. Ўз навбатида XVIII асрнинг II ярмида яшаган Муҳаммад шоир Йўлдош булбулга устозлиқ қиласган. Бу мактаб Амин бахши, Чини шоир, Товбузар шоир, Қўрбонбек шоир, Султонмурод, Йўлдош булбул, Йўлдош, Қўлдош, Суяр, Раҳим булбул, Жўра, Фозил шоир, Ёрлақаб каби ўнлаб достончиларни бирлаштирган. Бу мактаб вакиллари Фарғона водийсидаги ўзбек достончиларига ҳам ижобий таъсири кўрсатганлар. Шунинг учун ҳам бу водийдаги билармон бахшилар, жумладан, Янгиқўрғон районидаги Кўлбуқон достончилари ўз устозларини Булунғур достончилик мактаби билан боғлайдилар.

Эпик санъатининг иккинчи бир муҳим маркази Қўргон достончилик мактаби бўлиб, унинг ёнг сўнгги талантли



ФОЗИЛ ЙУЛДОШ ўҒЛИ
(1872—1955)



**ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ
ҮГЛИ (1868—1937)**

халқ шоирлари Қўргон достончилик мактабига мансубдир. Бу баҳшиларнинг деярли кўпчилиги Қўргон қишлоғида тарбия топган ва ҳақли равишда ўз устозларини бу ажойиб шоирлар қишлоғи билан боғлайдилар. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ота-боболари асос солганилиги тахмин қилинган бу мактаб Ёдгор, Лафас, Мулла Тош, Мулла Холмурод, Султон кампир, Тилла кампир, Жолмон баҳши, Бўрон баҳши, Бўрон шоир, Жуманбулбул, Ёрлақаб, Жоссоқ баҳши, Қулсамад баҳши, Эргаш шоир, Пўлкан шоир, Бўта баҳши, Этамберди баҳши, Марди баҳши, Раҳматулла каби ўнлаб достончиларни бирлаштиради. Бу баҳшилар ишқий-романик достонларга кўпроқ эътибор берганлар. Ўзига хос чуқур лиризм, чиройли тасвиirlар, шеърий беҳзаклар, тафсилотларни атрофлича ишлаш, нозиклик ва жимжимадорлик Қўргон достончилик мактаби услубининг асосий белгиларидир. Бу ҳол унинг маълум маънода ёзма адабиёт таъсирига учраганлигини кўрсатади.

XIX асрда мавжуд бўлган яна бир эпик марказ Шаҳрисабз достончилик мактабидир. Бу мактабнинг сунгига намояндаси Абдулла Иурали ўғли (1874—1957) XIX асрнинг ийрик достончиси Ражаб шоирнинг шогирдидир. Бу баҳшилар достонларни шўх, қувноқ, кўтаринки руҳда

вакиллари Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868—1937) ва Пўлкан шоирлар (1874—1941) ҳисобланади. Бу талантли санъаткорлардан «Алномиши», «Якка Аҳмад», «Ойсулув», «Қунтуғмиш», «Қиронхон», «Гурӯғлиниг туғилиши», «Юнус пари», «Мисқол пари», «Гулнор пари», «Хушкелди», «Ҳасанхон», «Чамбил қамали», «Далли», «Равшан», «Авазхон», «Қундуз билан Юлдуз», «Холдорхон», «Ҳиломон», «Бердиёр отлиқ», «Замонбек», «Хидирали әлбеги» каби достонлар ёзил олинган.

Манғиштовдан Нуротага қадар чўзилган силсила тоғларнинг, айниқса, Оқтоворининг шимолий ва жапубий этакларида яшаган ва шу ерларда етишган

айтишлари, куйларининг ёқимилиги билан ажралиб турадилар.

Атоқли халқ шоири Ислом Назар ўғли (1874—1953) бир томондан, Шаҳрисабз, иккинчи томондан, Қўргон достончилик мактаби билан боғлиқ бўлган. Унинг ижро усули ва ундан ёзил олинган «Орзигул», «Соҳибқирон», «Эрали ва Шерали», «Зулғизар билан Авазхон», «Гулихиромон», «Қунтуғмиш» каби достонларга назар ташлар эканмиз, уларда ҳар икки мактаб хусусиятлари яққол куринади. Унинг репертуарида, бир томондац, халқ достонларининг демократик асослари янада кенгайтирилганлиги, иккинчидан, эпос модернизацияси кўзга ташланади.

Ўзбекистоннинг жапубида яшовчи кўпгина баҳшилар Шеробод достончилик мактаби билан боғлиқдир. XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида яшаган бу мактабнинг машҳур вакили Шерназар Бекназар ўғли бир қанча шогирдлар етиштирган. Мардонакул Авлиёқул ўғли, Умир Сафар ўғли, Нормурод баҳши, Аҳмад баҳши, Нурали Боймат ўғли, Мамадрайим баҳши, Бўрибой Аҳмад ўғли, Юсуф Утаган ўғли каби ўнлаб достончилар шу мактабга бирлашади ва улардан бир қанча достонлар ёзил олинган. Бу баҳшилар репертуарига назар ташлар эканмиз, достончиликнинг нисбатан қўйи босқичларига, бадиий тафаккурнинг унча ри-



**МУҲАММАДҚУЛ
ЖОНМУРОД ҮГЛИ ПЎЛКАН
(1874—1941)**



**ИСЛОМ НАЗАР ҮГЛИ
(1874—1953)**

вожланмаган формаларига дуч келамиз. Сурхондарё, Қашқадарё, баъзан Жанубий Тожикистон бахшилари ўзаро доимий алоқада бўлган ва уларнинг кўпчилиги Шеробод билан боғланади. Бу мактаб вакиллари репертуаридаги айрим достонлар (масалан, «Олтин қовоқ», «Малла савдогар», «Оллоназар Олчинбек» ва бошқалар) бошқа жойлардаги бахшилар репертуаридаги учрамайди.

Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақай бахшилари ҳам репертуари, бадиий тасвир воситалари жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга. Бу бахшилар Дангара районининг Жорубқўл қишлоғи билан боғлиқ. Бу ерда XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида Ҳайбат Шомол ўғли, Қундуз соқи деган машҳур достончилар ўтган. Ҳозир ҳам уларнинг давомчилари бор. Ўзбек-лақай бахшилари репертуарининг асосий қисмини «Гўрўғли» достонлари туркуми ташкил этади. Бу достонлар ўзларининг ниҳоятда мўъжазлиги билан ажralиб туради.

Хоразмдаги ўзбек достончиллик санъати бошқа мактабларга мансуб бахшилар услубидан принципиал фарқ қиласди. Бу ерда сўз импровизациси асосий роль ўйнамайди, текст том маънода вариант бермайди, балки музыка етакчилик қиласди. Кўпчилик ҳолларда ёзма манбага эга бўлган Хоразм достонларининг баъзан айтувчи қўлида қўл ёзма тексти ҳам бўлади. Хоразмда эпик асарни бахшининг бир ўзи индивидуал ижро этици билан бирга, коллектив ижрочилик ҳам кенг тарқалган. Бунда уч-беш кишидан иборат устоз бахши раҳбарлигига ижрочилар колективи тузилади. Достонни устоз дуторда бошлайди, қолганлари унга гижжак ва баломон билан жўр бўлади. «Нақаротни ҳаммаси биргаликда ижро этади. Фақат текстни пухта ёдлаб олгандагина бунга эришиш мумкин.

Хоразм бахшиларининг қуйлари қуи ва хилма-хилдир. Достоннинг ҳар бир қўшиғи муайян қўйда ижро этилади. Достончилар буларни бахши ўйлари ёки бахши наъмалари деб юритадилар.

Хоразм достончиллиги репертуар состави жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, бу ерда қаҳрамонлик достони «Алломиши» учрамайди, аксинча, Хоразм бахшилари репертуаридаги ишқий-романик достонларнинг аксарияти республикамизнинг бошқа ерларида мавжуд эмас.

Юқорида айрим хусусиятлари кўриб ўтилган бахшилик мактаблари қанчалик ўзига хослик касб этмасин,

уларда умумдостончиллик анъаналари етакчилик қиласди. Барча ўзига хосликлар, индивидуал услуб белгилари, локал хусусиятлар умумдостончиллик анъаналари доирасида ҳаётий ва яшашга қобилдир.

Достонлар классификацияси Ўзбек халқ достонлари ниҳоятда кўп тисодий шароитларда қуйланиб келди. Бу ҳол уларни муайян турларга бўлиб ўрганишни тақозо этади. Достонлар, дастлаб В. М. Жирмунский ва Ҳ. Т. Зарифов, кейинроқ М. Саидов томонидан классификация қилинди. Ўзбек халқ достонлари қаҳрамонлик, жангнома, тарихий, романник, китобий достонларга бўлинади.

Қаҳрамонлик достонлари. Ўзбек халқ достончиллиги тараққиётида қўпгина қатламлар бўлса-да, айниқса, икки қатлам, давомий икки босқич — қаҳрамонлик ва романник достонлар босқичи алоҳида ажralиб туради. Ўзларининг яратилиш даври ва юзага келган муҳити билан ҳам, тематикаси, гоявий мазмуни, ижтимоий воқеликни тасвирлаш усуслари билан ҳам бу достонлар бир-бирларидан жиддий фарқ қиласди. Бироқ улар бир неча асрлар давомида бахшилар томонидан баравар қуйлаб келинган, шунинг учун ҳам бу хил достонлар орасида доимий ижодий алоқа мавжуд бўлган. Демак, бирининг хусусияти иккинчисида зоҳир бўлиши соф қаҳрамонлик достонларига хос белгиларнинг кейинги планга сурила бориши, қаҳрамонлик достонларидан романник мотивлар ва эпизодларнинг ўрин олиши табиий эди. «Қаҳрамонлик» термини ўзбек фольклоршунослигига икки маънода қўлланилади. Бири — кенг маънода, умуман ўзбек эносига нисбатан, иккинчиси — тор маънода, унинг бир турига нисбатан ишлатилади.

Қаҳрамонлик достонлари патриархал-уруғчилик муносабатлари, кўчмапчилик ва ярим кўчмапчилик ҳаёт билан маҳкам боғлиқдир. Бундай достонлар худди шу турмуш тарзининг ифодаси сифатида патриархал-уруғчилик жамиятида ёки илк феодализм даврида турли уруғлар ўртасида низолар давом этаётган ва улар муайян терриорияларга жойлашаётган ҳамда ягона халқ сифатида уюша бошлаган замонларда яратилган. Бир қатор уруғ ва қабилаларнинг муайян ҳалқ сифатида ташкил топа бориши, илк давлатчилик куртакларининг пайдо бўлиши ва шу муносабат билан халқлар ва элатларнинг ўз мустақиллик-

лари учун чет эл босқинчиларига қарши мардонавор курашлари қаҳрамонлик достонлари учун бой материал бўлди. Мана шу курашлар ва таркиб топишлар, бирлашишлар ва жойлашишлар жараёнида ўз-ўзини англашнинг буюк ифодаси сифатида қаҳрамонлик эпоси юзага келди.

«Қаҳрамонлик эпосининг маҳобатли реализми реал ижтимоий воқеликни қаҳрамонлик идеализацияси формаларидан тасвирлайди. Шу билан бирга, қаҳрамонлар образи ва улар амалга оширган жасоратлар табиийлик чегарасидан бирмунча юқори бўлади. Шу маънода улар ажойиб-ғаройиб, қизиқарли, аммо ғайри табиий эмас, куйчининг субъектив уйдирмаси ва ижодий фантазиясига асосланган романтик фантастика бўлмайди. Қадимий қаҳрамонлик эпосида ажойиб-ғаройиблек мифологиянинг, халқ ишонч-эътиқодининг реал элементи сифатида намоён бўлади...»¹

Қаҳрамонлик достонлари бизгача соғ ҳолида «Алиномиши» мисолида етиб келган.

Жангнома-достонлар. Жанггу жадаллар, тарихий ёки афсонавий урушлар ва бундай жанг эпизодларида қўшип ва якка шахсларнинг жасоратларими тасвирловчи достонлар жангнома-достонлар деб юритилади. Жангномалар қаҳрамонлик достонлари таъсирида феодализм даврида шаклланган. Агар бош қаҳрамон фаолияти қаҳрамонлик достонларида яккама-якка олишувларда, баҳодирлик шартларини бажаришда намоён бўлса, жангномаларда турли туман характердаги уруш эпизодларида кўрсатилади.

Хўкмрон табақа ислом динини ҳарбий куч билан ёйган шахсларни халқ орасида тарғиб қилиш мақсадида жангнома формасидан фойдаланган. Натижада «Жангномаи Або Муслим», «Жангномаи Сайд Баттол Фозий», «Жангномаи Амир Ҳамза» каби ислом динини зўрлик билан тарғиб этган шахсларнинг номи билан bogланган жангномалар юзага келган. Ўрта Осиёда кенг тарқалган жангномаларнинг қадимги намуналарида Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини ва «Жангномаи Жамшид», «Қаҳрамони Қотил», «Хўшанг», «Тўмарис» кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбек бахшилари репертуарида жангномалар ишоятда озвиликни ташкил этади. Уруғ, қабила ёки халқнинг мустақиллиги учун олиб борилган жангларни тасвирловчи

¹ В. М. Жирмунский, Х. Т. Зарифов. Узбекский народный героический эпос, М., ГИХЛ, 1947, стр. 378.

қадимги жангномалар («Тўмарис» каби) замонлар ўтиши билан турли сабабларга қура, эпик репертуардан тушиб қолган бўлиши мумкин. Бунинг ўрнига идеологик тазиик туфайли жанглар бирор халқнинг диний эътиқодларини ғайри диплардан ҳимоя қилиш, ўз динини ўтказиш тарзida талқин этила бошлаган. Бироқ бахшилар репертуаридаги жангномаларда «муғаддас урушлар» умумий бир фондир, холос. Аслида эса, душманга қарши курашда мардлик ва жасорат кўрсатиш, она-еर даҳлсизлиги учун кураш, эл-юртлар бирлиги, ватанпарварлик ва дўстлик каби олижаноб ғоялар куйланади. «Юсуф билан Аҳмад» ва унинг давоми бўлган «Алибек билан Болибек» достонлари бунинг ёрқин мисолидир. Ҳар иккала достон ватанпарварлик туйгулари, она-юрт соғинчи билан йўғрилган. Масалан, Юсуфнинг Гузалшоҳ ҳузурида ўз юртини мақтапши, асиридалигига турналар орқали диёрига салом йўллаши, Алибекнинг ўзга мамлакатларда бўлганида, Урганч элини қўмсанши эпизодлари ғоятда таъсирилди, уларни тулдинланмай ўқиш ва эшитиш мумкин эмас.

Тарихий достонлар. Тарихда бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар, айрим тарихий шахслар фаолияти асосида яратилган тарихий достонлар бахшилар репертуарида бошқа достонларга нисбатан жуда кам ўрин эгаллайди, тарқалиш доиралари ҳам ишоятда чегараланган. Уларда тарихий ҳақиқат билан афсона, факт билан бадий тўқима чатишиб кетган бўлади, яъни бундай асарларда конкрет тарихий воқеликка фольклорга хос равишда янги маъно берилади ва баҳоланади. Шу билан бирга, уларнинг темаси, образлари, ташиган ғоялари конкрет тарихий шароитдаги курашлар билан боғлиқдир.

Тарихий достонлар тарихдаги конкрет воқеалар ва фактларни тасвирлаш характеристи, ҳужжатийликнинг дарражаси жиҳатидан бир-бирларидан жиддий фарқ қиласидилар. Уларни шу хусусиятига қараб: а) тарихий-қаҳрамонлик; б) тарихий-фантастик; в) тарихий-конкрет ёки янги достонлар; г) автобиографик достонлар каби ички турларга бўлиши мумкин. Тарихий-қаҳрамонлик достонларининг энг яхши намуналаридан бири «Ойсулув» достонидир.

Тарихий-фантастик достонларга «Тулумбий», «Шайбонийхон» кабиларни киритиш мумкин. «Шайбонийхон» достонида эпик воқелик ярим тарихий, ярим афсонавий характеристерга эга бўлса, «Тулумбий»да айрим тарихий шахс-

лар номидан бўлак ҳеч нарса қолмаган, яъни унда сюжет тарихий воқелик асосида эмас, балки ишқий-саргузашт планда ривожланади. Бундай достонларда қачонлардир бўлиб ўтган тарихий воқеалар ва тарихий шахслар эпик баён учун умумий фон вазифасини ўтайди, холос. Халқ орасида эртак ва афсоналар ҳолида жуда кенг тарқалган «Хуршидой» қиссасининг иккинчи қисм сифатида «Шайбонийхон» достонига киритилиши ва Шайбонийхоннинг ҳукмдорлик даври билан bogланиши ҳам шу билан изоҳланади.

Тарихий-конкрет ёки янги достонларга XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошлари, хусусан, совет даврида бахшилар томонидан яратилган асарлар киради. Бундай достонлар ўзларининг мустаҳкам тарихий асосларига, қаҳрамонларининг прототипларига эга. «Тўлғоной», «Намоз», «Маматкарим полвон», «Жиззах қўзғолони», «Мардикор», «Амир қочди», «Очилдов», «Ҳасан батрак» кабилар янги достонларнинг энг яхши намуналари ҳисобланади. Аниқ фактлар ва ҳужжатларга асосланиш бундай достонларнинг бош хусусиятидир.

Етакчи бахшилар репертуарида автобиографик асарлар ҳам муҳим ўрин тутади. Бундай достонлар лирик-эпик характерга эга бўлиб, бахшилар ўзларининг ҳаёт ва ижод йўли асосида даврнинг муҳим воқеа-ҳодисаларини тасвирлади. Эргаш Жўманбулбул ўғлининг «Таржимаи ҳол», Фозил Йўлдош ўғлининг «Кунларим», Ислом Назар ўғлининг «Бахтиёр авлодлар», Абдулла Нурали ўғлининг «Кунларим» каби достонлари бунинг ёрқин намуналаридир.

Романик достонлар. Ўзбек халқ бахшилари репертуаридаги достонларнинг энг катта тури романик достонлардир. «Халқ романі», «романик» терминлари туркологияда шартли равишда қабул қилинган бўлиб, оғзаки яратилган ва оғзаки ижро әтилган достонлар гуруҳини билдиради. Бундай достонларда севги романтикаси ва фантастик саргузаштлар халқ қаҳрамонини идеаллаптиришнинг янги методи сифатида намоён бўлганки, уларни Европадаги «халқ китоблари» билан аралаштиրмаслик керак бўлади.

Ўзбек достончилигининг қаҳрамонлик эпоси ва жангномалардан кейинги янги тараққиёт босқичи — романик достонлар феодализм даврининг ижтимоий-сиёсий муносабатлари билан bogлиқ бўлиб, уларнинг моҳиятини севги

можаролари, қўрқинчли саргузаштлар, эртакка хос фантастик воқеалар, шу билан бирга, ҳаётий ҳодисалар тасвири белгилайди. Кўтарикинки ишқ туйгулари ва бу йўлдаги жасорат идеали бу тип достонларнинг асосини ташкил қиласди. Уларда улуғвор севги романтикаси билан унга эришиш йўлидаги фантастик саргузаштлар қаҳрамонлиги бирлашиб, чатишиб кетган.

Романик достонларнинг сюжет схемалари ниҳоятда бир-бирига ўхшаш бўлиб, одатда қаҳрамон ғойибона ошиқ бўлган гўзални излаб сафарга отланади, ажойиб-ғаройиб ҳодисаларни, машаққатли саргузаштларни бошидан кечиради, ғайри табиий кучлар билан тўқнашади, барча қийинчиликларни енгib, ўз мақсадига эришади. Достон воқеалари ҳашаматли саройларда, шовқинли бозорларда, сеҳрли боғларда, тилсимли қўргонларда, ваҳимали ғорларда, қўрқинчли ер ва сув ости йўлларида кечади. Бироқ бу достонларнинг ҳар бири композицион қурилиши, образлари, мотивларининг ишланиши, характеристери ва мазмуни жиҳатидан мустақилдир. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос специфик хусусияти бор.

Фантастик воқеалар, саргузаштлар гирдобида мураккаб ижтимоий воқеликни унинг барча реал тафсилотлари, икир-чикирлари ва қарама-қаршиликлари билан тасвирлап романик достонларга хос содда реализмни тутдиради. Ҳаётий-маиший характеристдаги бундай реалистик тематика халқ юмори ва дидактикаси хусусиятлари билан маҳкам боғлиқдир¹.

Лирик ўналишнинг биринчи планга чиқиши, тасвирпинг интим тус олиши, ёзма адабиёт таъсирининг сезилмас даражада уларнинг ички тараққиёти билан органик бирлашиб кетганлиги романик достонлар услубини белгилайди, яъни романик достонларда тасвирланган ижтимоий воқелик, янги темалар, янги формаларни ҳам келтириб чиқарган.

Романик достонларнинг состави ниҳоятда мураккаб. Қаҳрамонлик достонларида романик элементлар бўлганидек, романик достонлардан қаҳрамонлик элементлари, жангномалар хусусиятлари ҳам мустаҳкам ўрин олган. Ҳатто бир достонда бир неча тема баравар ишланган булиши мумкин. Шуларни ҳисобга олиб, бу тип достонлар

¹ В. М. Жирмунский, Х. Т. Зарифов. Узбекский народный героический эпос, М., ГИХЛ, 1947, стр. 379.

ни: а) қаҳрамонлик-романик; б) ишқий-романик; в) майший-романик достонлар каби ички турларга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Қаҳрамонлик-романик достонларда («Рустамхон», «Янка Аҳмад», «Гўрӯғли» туркумига кирувчи бир қанча асарлар) қаҳрамонлик йұналиши устун турса, ишқий-романик достонларда («Кунтуғмиш», «Гўрӯғли» туркумининг сўнгги ҳалқалари) севги можаролари, саргузаштили воқеалар тасвирига алоҳида эътибор берилади¹. Майший-романик ёки ижтимоий-майший достонларда («Соҳибқирон», «Орзигул», «Эрали билан Шерали» ва бошқалар) реалистик моментлар, мавжуд тузумдан ижтимоий норозилик кайфиятлари, майший турмуш билан боғлиқ турли-туман тағсилотларни батағсил тасвирлаш етакчиллик қиласди. Бундай достонлар сюжети феодализм шароитида ўзининг реал заминига эга. Бу хил достонларда ҳалқимиз ва баҳшиларнинг демократик қарашлари янада ёрқинроқ акс этган.

Китобий достонлар. Ўзбек баҳшилари репертуаридан мустаҳкам ўрин олган эпик асарларнинг маҳсус бир турини — классик поэзия намуналарининг баҳшилар томонидан фольклорга хос равишда қайта ишланиши натижасида юзага келган ёки яратилиши жиҳатидан ёзма адабий маңбага эга бўлган, шунингдек, бевосита ёзма адабиёт таъсирида яратилган асарлар — китобий достонлар деб юритилади. Китобий достонлар унга асос бўлган маңбанинг характеристига қараб, романник ёки қаҳрамонлик достонлари хусусиятларини ўзида кам ёки кўп сақлаган бўлиши мумкин. Уларда соғ фольклор достонлари учун характеристли бўлган қаҳрамонона жасорат, жанг жадаллардаги жанговарлик ниҳоятда суст берилган, асосий ўринни ижтимоий ва оиласи ҳаётнинг талқи шарт-шароитлари билангина келиша олмаган завқли, кўтаринки муҳаббат темасининг турли-туман кўринишлари эгаллади.

Китобий достонларнинг бир гуруҳи классик адабиёт намуналарининг баҳшилар томонидан қайта ишланиши натижасида юзага келган. Масалан, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Баҳром ва Гуландом» Алишер Назаров.

¹ Бу парса «Малика айёр» ва «Равшан» достонлари мисолида М. Сайдов томонидан яхши кўрсатилган. Қаранг: М. Сайдов, Ўзбек достончилигида бадиий маҳорат, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1969, 48—51-бетлар.

войи достонлари, «Юсуф ва Зулайҳо» шу сюжетдаги форсий ва туркий асарлар, «Рустами Достон», «Шоҳнома», «Варқа билан Гулпюҳ», «Вомиқ билан Узро» форсчадан озарбайжончага қилинган таржималар асосида яратилган. Китобий достонлар орасида яна шундай намуналар борки, уларнинг яратилишида асос бўлган маңбани топиш қийин. Аммо асарнинг темаси, услуби, тасвир моҳияти китобий маңбага асосланганлиги ва ёзма адабиётга яқин турғанлигипи аниқ кўрсатади. «Санобар», «Зевархон» каби достонлар шундай асарлардан ҳисобланади.

Хоразм достончилигида, шунингдек, «Маликаи Диломор», «Тоҳир ва Зухра» каби бир қанча достонларда оғзаки ва ёзма адабиётнинг жуда мураккаб формаларига, турли-туман адабий традицияларнинг ўзига хос равища чатишиб кетганлигига дуч келамиз.

Китобий достопларда қаҳрамонларнинг севги кечинмаларига алоҳида эътибор берилади. Қаҳрамон ёр учун ажойиб-гаройиб саргузаштларни бошидан кечиради, ўз ахволидан фифон чекади, узун монологларда ҳижрон азобидан зорланади, ғайри табиий кучларга ёлворади, яъни қаҳрамон кечинмалари баъзан диний, баъзан ўта сентиментал моҳият касб этади.

Китобий достонлар апа шу хусусиятлари билан ишқи-муҳаббат темаси асосий ўрин олган соғ фольклор достонларидан («Равшан», «Кунтуғмиш» каби) ажралиб туради.

Халқ достонлари, унинг жанр хусусиятлари ва турлари ҳақидаги бу умумий фикрлар ўзбек эпоси жуда ҳам бой ва ранг-баранг эканлигини кўрсатиб турибди.

«Алпомиш» ДОСТОНИ

«Алпомиш» достони қадимий қаҳрамоилик эпосининг ёрқин намуналариданadir. Эпик мазмунининг қаҳрамонлик характеристига эга бўлиши унинг бош хусусияти ҳисобланади. Чунки достоннинг бутун моҳияти ва асосий йўналишини ана шу хусусият белгилайди. В. Г. Белинскийнинг таъкидлашича: «халқнинг гўдаклик замонларида унинг ҳаёти кўпроқ ботирликда, қаҳрамонликда ифодалапади». Шунинг учун ҳам қадимий қаҳрамонлик эпоси «халқнинг фақат гўдаклик даврларида...», унинг куч-қуд-

рати ва тоза фаолияти фақат қаҳрамонлик ғалабаларида кўринган замонлардагина пайдо бўлиши мумкин»¹.

Кўчманчилик ҳаёти ва патриархал-уруғчилик муносабатлари бир даража сақланиб келаётган замонларда яратилган, жамият ва инсон ҳаёти масалаларини ўзига хос реалликда — қаҳрамонлик ва гўзаллик ҳақидаги халқ идеаллари доирасида куйлаган «Алпомиш» достони ҳам туркӣ халқлар патриархал ҳаётидаги «эпик босқич»нинг поэтик кўзгусидир. Достон бир қапча туркӣ ва улар билан яқин яшаган айрим туркӣ бўлмаган халқлар орасида жуда кенг тарқалгац. Унинг ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ версиялари достон ҳолида, тоҷик, олтой, татар, бошқирд, Ўрта Осиё араблари версиялари эртак ва ривоятлар тарзида машҳурдир. Ўрта аср ўғиз эпосининг муҳим ёдгорлиги «Китоби Дада Қўрқут» таркибидағи «Бамси Байрак» асари ўзининг сюжети ва композицион қурилиши жиҳатидан «Алпомиш» достонига жуда ҳам яқин туради.

Текширишлар шуни кўрсатдики, «Алпомиш» достони ўзбек халқи орасида иккি версия ва қўплад вариянтларда жуда кенг тарқалгац. Совет даврида унинг вариянтлари йигирма сakkiz халқ баҳшисидан ўттиз уч марта (тула тексти, парча, мазмуни) ёзиб олинди. «Алпомиш» достонининг тўла вариянтлари ёзиб олинган баҳшилар орасида Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан, Берди баҳши, Бўри Содик ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Марданақул Авалиёқул ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Сайдмурод Паноҳ ўғли, Умир Сафар ўғли каби етакчи достончилар бор. Достоннинг ёзиб олинган қўл ёзмаларининг асл нусхалари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг фольклор архивида сақланади. Бу вариянтлар орасида энг мукаммали, бадиий жиҳатдан энг юксаги атоқли халқ шоири Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган пусха ҳисобланади. Унда шоирнинг юксак достончилик маҳорати тўла намоён бўлган. Фозил Йўлдош ўғли «Алпомиш» достонни бутун умр бўйи куйлаб келган. Атоқли шоир Ҳамид Олимжоннинг образли ибораси билан айтганда, бу достон унинг шоирлик бешиги бўлган.

Достон яратилган давр ва унинг гоявий мазмуни. Халқ оғзаки ижоди асарларининг яратилиш тарихини белгилаш

¹ В. Г. Белинский Танланган асарлар, Ўздавнашр, Тошкент, 1955, 167—173- бетлар.

ниҳоятда қийин. Чунки улар оғзаки ижро ва ижод давомида бизгача муайян ўзгаришлар билан етиб келган. Шунинг учун ҳам фольклор асарларининг яратилиш даврици белгилаганда, уларда тасвиirlантан асосий масаладан иккинчи даражалиларини фарқлаш, кейинги даврларда кириб қолган гоя ва мотивларни ҳисобга олиш керак бўлади.

«Алпомиш» достонининг сюжет состави ва асосий мотивларига диққат қилсақ, унда патриархал-уруғчилик муносабатлари ва шу ҳаёт тарзини тасвиirlаш асосий ўрин тутади. Иккинчидан, унда айрим уруғ оқсоқолларининг ҳукмронликка интилишидан иборат ривожланмаган феодал муносабатлар тасвири ҳам мавжуд. Достонда акс этган буидай ижтимоий ҳаёт элементлари унинг яратилиш тарихини белгилаш учун муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, патриархал-уруғчилик муносабатларининг емирила бориши ва феодализмнинг туғилиш жараёни ҳамма ерда бир вақтда ва бир хилда содир бўлган эмас. Бу ўтиш жараёни айрим ерларда ҳатто урта асрларгача ҳам давом этди. Достонда тасвиirlантан буидай ижтимоий ҳаёт тарзи ва ундаги бир қатор мотивлар таҳлили орқали X. Т. Зарифов «Алпомиш» достони кўчманчи-чорвадор қўнгирот қабиласи орасида патриархал-уруғчилик муносабатлари емирила бошлаган даврда, мўғуллар истилосидан аввал, Сирдарёнинг қуий оқимлари ва Орол денгизи атрофларида юзага келган, деган холосага келди. Чиндан ҳам достон кўчманчи-чорвадор қўнгирот қабиласининг уруғ эпоси сифатида X—XI асрларда яратилди, дейиш мумкин. Қўнгирот қабиласининг турли территорияларга силжиши билан достон бошқа уруғ ва элатларга ҳам ўтиб, ҳар бир уруғ ва элатнинг эпик традициялари асосида қайта ишлана бориб, жуда кенг тарқалди, унинг яратилишида ота-боболари иштирок этган ҳар бир халқининг «ўз» эпосига айланди. Қўнгирот уруги бир қанча туркӣ халқлар, жумладан, ўзбеклар, қорақалпоқлар, қозоқларнинг этногенетик жараёнида муҳим ўрин тутганлигини ҳисобга олсан, бу масала янада ойдинлашади. Достоннинг ўзбек версияси XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида оғзаки эпик анъанада «янгиланиш» жараёнини ўз бошидан кечирди ва тула шакллашиди. Бироқ унинг асоси, ундаги бир қатор мотив ва тушунчалар ниҳоятда қадимийdir.

«Алпомиш» достони қаҳрамонлик, мардлик, ватанпар-

варлик, турли элатлар ва халқларнинг биродарлиги, севги ва садоқат, оила мустаҳкамлита ва уруг бирлигини кўйловчи улкан эпосидир. Достон қўнгирот уруги бошлиқлари — ака-ука Бойбўри ва Бойсариларнинг фарзандсизлиги тасвири билан бошланади. Унда бўлажак қаҳрамонлар — Алпомиш ва Барчинларнинг ажойиб-гаройиб ҳолатларда туғилиши, Алпомишининг баҳодирона ёшлиги ва биринчи бор паҳлавонлик кўрсатиши, Бойсарининг Бойбўридан аразлаб қалмоқ элига кўчиши, қаҳрамоннинг ёрини олиб келиш учун ўзга мамлакатга сафари ва Қоражон билан дўст тутиниши, рақиблари — қалмоқ алплари билан ёнмаён туриб, Барчиннинг шартларини бажариши ва ёрини олиб ўз элига қайтиши, қайнатаси Бойсарини қутқариш учун иккинчи марта сафар қылганда, етли йил тутқинда қолиши, асирикдан оти Бойчибор ёрдамида қутулиб, ўз элига хотини Барчиннинг зўравон Ултонтоz билан булаётган тўйи устига келиши ҳамда рақибини енгиг, ўз ҳокимиятини ўрнатиши воқеалари тасвиrlанади.

Севимли ёр, оила ва шу билап bogлиқ равишда янги типдаги уруг бирлиги учун кураш ҳамда бунга түсқинлик қилувчи барча қора кучларни енгис «Алпомиш» достонининг асосий ғоявий мазмунини ташкил этади. Чунки достонда қўнгирот қабиласида патриархал-уругчилик муносабатлари емирила бошлаган бир давр ижтимоий воқелиги тасвиrlанади. Жамият тараққиётининг бу босқичида ишлаб чиқарини кучларнинг ривожланиши патриархал оиласининг емирилиши ва моногам оиласининг ташкил топишига олиб келади. Моногам оиласининг вужудга келиши прогрессив ҳодиса бўлиб, патриархал-уругчилик жамиятия асосларини бўшаштиради. Ана шу прогрессив ҳолат «Алпомиш» достонининг ғоявий йупалишини белгилайди. Достонда тасвиrlанган даврда ҳали ижтимоий гурухлар бир-бирларид и кескин ажralиб чиқмаган, синфий зиддиятлар кучаймаган эди. Бу даврда жамиятнинг ижтимоий муносабатларида синфлар ва улар ўртасидаги кураш марказий ҳамда етакчи масала бўлмай, балки қабила оқсоқоллари, уруг бошлиқлари ва уларнинг қабила ҳаётида ўйнаган роли муҳим эди. Шунинг учун ҳам эпос қаҳрамонлари умумқабила мағбаатлари учун курашадилар ва шу манфаатлар билан яшайдилар. Эпос қабила оқсоқоллари, уруг бошлиқлари, шу жумладан, Бойбўри, Бойсари ва бошқаларга эксплуататор синф вакиллари сифатида қарамайди, уларга шу хилда баҳо бермайди.

«Алпомиш» достонида халқимизнинг қаҳрамонлик ҳақидаги идеаллари, мардлик туйғуси ёрқин тасвиrlанади. Достонда ёрга эришиш учун мард бўлиш ва душманга қарши курашиш керак, деган гоя бўртиб туради:

Оқ кировка, олтин совут кияман,
Бор кучимни билагимга жияман,
Олмос олсан, қирмизи қон қияман,
Ғанимларнинг танасини уяман,
Қарчигайман, душман бошин қияман.
Эсим олса, бутадайин бўзлайман,
Душман кўрсан, кесиб багрин тузлайман,
Аслим шерман, ўзим йўлбарс излайман.

Достонда қаҳрамонлик, жасурликни улуғлаш, мардлик туйғулари ватанпарварлик идеяси билан узвий боғланган ҳолда тасвиrlанади. Достон қаҳрамонлари ўн олти уруг Қўнгирот эли. Бойсин-Қўнгирот диёри билан маҳкам боғлангандир. Улар қаерда бўлмасинлар, шу эл, шу диёрнинг ғам-аламига шерик бўладилар, шу эл, шу диёр соғинчи билан яшайдилар. Достон қаҳрамонларининг ўз қабиласи, халқи ва юртига бўлған ватанпарварлик ҳислари, хусусан, достоннинг иккинчи қисмидаги ўқувчиини тўлқинлантиратли даражада тасвиrlанган. Бу ҳиссийт қаҳрамоннинг тутқинлик даврида ғоз орқали ватанига салом йўллашида, Барчин, Қалдирғоч, Ёдғорларнинг ҳижрон алами тасвирида, қаҳрамоннинг йўлдаги учрашувлари эпизодларида янада ёрқин акс этган. Умр бўйи туғилиб ўстган юртини, халқини севган Алпомишдаги бу ҳиссийт етти йиллик асирикдан кейин она тупроққа қадам қўйганда янада юқори нуқтага кўтарилади, ватани, эли ҳақида турли хаёлларга боради:

Асқар тоги туманмикан,
Мен билмайман бу йўлларда,
Ота-энам омопмикан,
Қўрганим йўқ. Қўнгирот эли,
Қадимгидай замонмикан?..
Тоқقا чиқуб шундай қараб туриди,
Ёйлаб ётган Бойсин юртин кўриди.
Эплатини курниб кўнгли бузилди,
Қўздан ёши муичоқ-мунҷоқ тизилди.

Достонда элу юртга муҳаббат мотивлари уруг бирлиги ғояси билан бирлашиб кетади. Ажralиш қабила аъзолари бошига оғир қулғатлар келтиради. Барчин, Қалдирғоч, ҳатто Бойсарининг ўзи ҳам ўзга мамлакатда хор-зор бў-

лишларини такрор-такрор айтадилар. Достоннинг ҳар иккала қисмида ҳам Алпомишинг Барчинга уйланиши қўнғирот ургининг янгидан бирлашишига олиб келади. Ҷемак, Алпомишинг никоҳ учун, оила учун — «ўз уйи» учун кураши қонуний равишда қўнғирот ургининг янада мустахкамлапиши, ялғи типда қайтадан бирлашиши учун кураши ҳамдир. Достонда бу кураш қаҳрамонлик ва мардлик, инсонпарварлик ва ҳурлиқ, ватанга ва ҳалққа муҳаббат, турли әлатлар ҳамда қабилаларнинг инсоний ҳуқуқ учун курашда дўстлиги ва ҳамкорлиги ғоялари билан узвий боғлиқ равишда тасвирланади.

Достоннинг асосий образлари. «Алпомиш» достонининг бош қаҳрамони саҳрои баҳодир, қўнғирот ургининг умиди ва ишончи Ҳакимбек — Алпомишdir. У меҳнаткаш ҳалқнинг қаҳрамонлик кучларини ўзида мужассамлаштирган, ёвуэлик ва ёмонликнинг ашаддий душмани, элюрт фаровонлиги йўлида мардликлар кўрсата олган баҳодир, ҳалқ әспосининг қўйма образидир.

Қадимги даврлар ва ўрта асрларда инсон беқиёс кучкудрат эгаси ҳисобланган, чунки ўша шароитда одамларнинг ижтимоий ҳаёти ва табиат стихияларига қарши курашларида жисмоний куч ҳал қилувчи роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам барча ҳалқларнинг қаҳрамонлик поэзияларида ҳар ишга қодир паҳлавонлар, яккама-якка олишувларда ғолиб чиққан баҳодирлар, ваҳимали аждар ва девларни маҳв эта оладиган ботирлар, тиш-тирногигача қуролланган, лак-лак душман қўшинини ёлғиз ўзи енгтан алплар образлари яратилган. Алпомиш ҳам худди шундай жисмоний жиҳатдан бақувват, маънавий етук идеал қаҳрамондир.

Достонда Алпомишининг куч-қудрати, баҳодирлик салоҳиятини тасвирлашга алоҳида эътибор берилган. У етти ёшида бобоси Алпинбийдан қолган ўн тўрт ботмонлик сари ёйдан отиб, Асқар тогининг чўққисини учирив юборганилиги учун ҳам алп аталади. Яккама-якка олишувда Қултой ва Қоражондан ғолиб чиқади. Алпомишинг куч-қудрати Барчин шартларини ғолибона бажаришда, унга талабгор қалмоқ алплари билан олишувларида, айниқса, яққол намоён бўлади. Достонда қалмоқ алплари гротеск приёми ёрдамида ўта муболагали тасвирланган. Гротеск приёми — образнинг ташқи қиёфасини кучли муболагалар билан ўта хунук, гайри табиий, култили қилиб кўрсатиш — қаҳрамон қаршисида турган ёвуз кучни бўрт-

тириб, ваҳимали важоҳатда гавдалантириш имконини берган. Масалан, уларнинг ташқи қиёфаси қўйидагича ёритилади:

Шомурти ёқалаб ҳар ёққа кетган,
Ичиди сичқонлар болалаб ётган,
Издан тушган пишак олтойда етган.

Одам тушмас унинг айтган тилига,
Беш юз қулоч арқон етмас белига.

Бу қалмоқдир қалмоқларнинг равиши,
Оҳ урса оламни бузар товуши,
Тўқсон молнинг терисидан ковуши.

Қаҳрланса тошни ёрат қаҳари,
Тўқсон норининг тўшти бўлмас наҳори,
Ҳар изига кетар анча баҳори.

Олтмиши қари олачадан қалпоғи,
Тўқсон қўйининг терисидан телнаги.

Турт юз тўқсон қулоч қўлда ҳассаси,
Сарховуздан катта эди косаси,
Шуни билан ўн сакиизта нашаси,
Тўқсон қари бўздан бўлган киссаси.

Достонда Алпомиш ва Қоражон ана шундай важоҳатдаги кишиларга қарши курашади. Достончи алпларнинг бесунақай, айни ҳолда забардаст қиёфаларини тасвирлаш орқали, бир томондан, уларнинг Барчинга лойиқ әмасликларини таъкидласа, иккинчидан, Алпомиш ва Қоражоннинг жисмоний куч-қудратини яққол кўрсатади.

Алпомиш кимга қарши ва нима мақсадда курашаетганлигини жуда аниқ билган, гуноҳсиздан гуноҳкорни фарқ қила оладиган қаҳрамондир. Ўнинг олижаноблиги ҳам шундадир. Бу нарса ўз юртига тинч кўчиб кетаётган қўнғиротликларнинг устига қалмоқ шоҳи Тойчахон лашкар тортиб келганда, унинг Қоражонга айтган сўзлари тасвирида яққол кўзга ташланади:

Хаблингга бошқа гаплар келмасин,
Бу сўзим шаънингта номард бўлмасин,
Қасд қилма, бек дустим, қалмоқ ўлмасин...
Булар әмас бизга келиб гуноҳкор,
Қалмоқшоҳ амрини тутган куп аскар.

Шундай олижаноб, садоқатли, зукко, мард ва баҳодир йигит, ўта забардаст тўқсон алпнинг қаршилигини син-

дира олган паҳлавон куч-құдратда үзидан жуда паст, маънавий тубан Сурхайил мастоннинг найранги билан етти йиллик тутқунликда қолиб кетади. Бунда Алпомиши характерининг яна бир қирраси намоён бўлади. У — гурурли, боладек содда, ўта ишонувчан ва соғкўнгил йигит.

Достоннинг иккинчи қисми майший ҳаёт деталларига бойлиги, реал эпизодларни кенг қамраб олганлиги билан ажralиб туради. Достончи етти йиллик тутқунликдан кейин Алпомишининг ўз юритига қайтишида уни қариндошлиари, чўпонлар, йилқичилар, карвонлар, турли тоифадаги қишилар билан учраштириш орқали юртидаги аҳвол билан таништиради, одамларнинг қаҳрамонга ва унинг рақиби Ултонтозга муносабатини яққол гавдалаптиради. Бу эпизодлар Алпомишини идеал қаҳрамон ва «табиий инсон» сифатида ҳар жихатдан характерлаб беради. Йўлдаги учрашувларда Ултонтознинг зўрлик билан Барчинни олиш учун тўй қилаётганлигини билган Алпомиши тарбиячиси Қултой қиёфасида тўйхонада бўлади. Золим рақиб томонидан камситилган ва ўғли ҳажрида алам тортаётган отонасига ҳамдардлик қиласи, хўрланган, ўлим билан қўрқитилган ўғли Ёдгорнинг бошини силайди, Ултонтозга хушомадгўй баковул ва ошпазларнинг таъзирини беради, ўлан айтишади ва ўзининг куч-құдратини, Барчинга ҳамда оиласига содиқлигини яна бир бор намойиш қиласи.

Алпомишининг тутқунликдан кейинги хатти-харакатларидан шу нарса маълум бўладики, унинг Ултонтозга қарши кураши қаҳрамоннинг узоқ муддатли тутқунлик даврида ўз ватанида ҳокимиютини зўрлик билан тортиб олиб, хотини Барчинни олмоқчи бўлган зўравон — узурпатор шоҳга қарши ўз ҳокимиюти, ўз оиласи учун олиб борган қаҳрамонлик курашидир.

Алпомишининг ёри Барчин, синглиси Қалдирғоч, дўсти Қоражон, ота-онаси ва қайнатасига нисбатан илиқ муносабатларида, машҳур йилқичи, қадропи ва тарбиячиси Қултой билан ота-бала, чўпон Қайқубод билан дўст тутиниши тасвирида унинг чин инсоний сифатлари яққол намоён бўлган. Шундай қилиб, бу яхлит ва монументал образда идеалдаги забардаст наҳлавон билан узоқ кечмишдаги ишон эпосга хос уйғунлашиб, унда ҳалқимизнинг мардлик туйгуси, ижтимоий адолат ҳақидаги әзгу ниятлари мужассамлашган.

Достоннинг етакчи образларидан яна бири Барчинндири. Барчин ўзбек эпосида ҳар томонлама мукаммал ишланган аёл образи ҳисобланади. Ватан ва оилани севиш, ҳалиқда ва қариндошлирига ҳурмат, мустақиллик ва жасорат бу образнинг ички мазмунини ташкил қиласи. У оқила, тадбирли аёл сифатида ижтимоий ҳаётда эркак билан аёлни тенг деб билади. Шунинг учун ҳам қалмоқ элига кўчишга аҳд қиласи отаси Бойсарига насиҳат қилмаганилиги учун онасидан ўпкалайди:

Хўжа келса чиқар мурид назари,
Хотин бўлмасмикан эрнинг вазири?!
Эр деганинг ақлин олмас бўлурми,
Алдаб-сулдаб ўйлга солмас бўлурми?!
Бой отамман бий бобомга не бўлди?!

Душманларнинг «қирқ мингини бир деб санаб қиришига» тайёр турган жасур Барчин образида қаҳрамонлик эпосларига хос ботир қиз («алп қиз») ҳақидаги традицион тушунча ҳам ўз ифодасини топган. Ундаги жасурлиқ, мардлик ва дов юраклик, ўз куч-құдратига ишониш Тойчахон аллари зўрлик билан олиб кетмоқчи бўлган эпизодларда яққол гавдаланади. «Мунглук дема, мен кесарман бошингни» тезиси бутун эпик биографиясини белгилаган Барчиннинг қуийидаги сўзларини тўлқинланмасдан эшитиш мумкин эмас:

Хабар етса эр Алпомиш келмасми,
Қалмоқларга қиёмат кун солмасми,
Армон билан сендай алнлар ўлмасми,
Холинг билиб тўғри юрсанг бўлмасми?
Сўз айтувчи сенга мендай муштипар,
Билсанг мен ҳам, қалмоқ, сенга баробар.

Бу мисраларда Барчиннинг ўз кучига нақадар ишонганилиги ёрқин ифодаланган. Унинг жисмоний салоҳияти қалмоқ паҳлавони Қўкамаш билан яккана-якка олишув лавҳасида маҳорат билан қуилапади.

Барчин фақат жасур ва дов юрак бўлиб қолмай, қўлини тутмоқчи бўлган йигитдан ҳам салоҳият ва баҳодирликини талаб қиласи. Бу жихатдан унинг Алпомиш ва түқсон алп олдига тўрт шарт (ёй тортишиш, минг қадамдан тангя пулни уриш, пойга, курашда тўқсон алпни йиқиш) қуийиши характерлидир. Қаҳрамонлик ва мардликни тарринум этувчи Барчин шартлари достонда ниҳоятда ба-

дий гүзәл тасвириланган. Унда шоирнинг традициоя мисралар («От чоңса гүмбүрлар төгнинг дараси, Ботирни ингратар найза яраси»), доимий эпитетларни («қирағай, нор билакли») ўз ўрнида қўллаши, турли-туман қоғиялар системасидан (дараси, яраси, тұраси, ораси; тиэдирса, сүздирса, ўздирса; билганга, келганга; солганга, қолганга, полвонга; урганга, мерганга; чиққанга, йиққанга ва ҳоказо) моҳирлик билан фойдаланиши, катта поэтик босим билан таъмиланган мисралар («Зор ҳам бұлса құна берсін гулшанга») түқий билиши, соддалик ва лаконизмга интилиш достоннинг тингловчи ва үқувчига таъсир кучини оширган.

Фозил шоир халқнинг бой бадиий тажрибасини, турмушдаги әнг майды икир-чикирларни ҳам жуда яхши билади, ҳар бир детални чуқур мушоҳада қиласи ҳамда ўз ўрнида қўллади. Шунинг учун ҳам Барчин шартлари шунчаки тавсифлаб қўйилмайди, балки у поэтик образларда кўрсатилади.

Бу шартларнинг бажарилишида Барчин бевосита бўлмаса-да, билвосита иштирок этади. У курашда Кўкалдошлини йиқитишга қийналган Алномишни мардликларга ундиши. Унинг қур, ҳайт деб қичқиришини эшитган Алномишнинг оти Бойчибор пойгада ўзиб, биринчи бўлиб мэррага этиб келади.

Илиқ лиризм, чуқур ички ҳаяжон, Алномишга ва унинг жанговар йўлдоши Бойчиборга самимият билан тўлиб-тошган Барчин монологи достонда юксак бадиий куч билан жарапглайди.

Барчин образи узоқ кечмиш ижтимоий ҳаётида ўзининг реал илдизларига эга. Патриархал-уругчилик жамиятида, чорвадор-кўчманчилик ҳаётида хотин-қизларнинг оила ва турмушда нисбатан мустақил аҳволда бўлишлари, уларнинг дастлаб эркаклар билан баробар, кейинроқ айрим ҳолларда урушлар ва жангу жадалларда иштирок этишлари баҳодир қиз эпик образи яратилишининг реал шарт-шароитлари ҳисобланади. Бунда «Алномиш» достонидаги Барчиннинг жанговарлиги тасвириланган лавҳалари, баҳодирлик тортишувлари (Барчин шартлари) шу асар яратилган ва куйланиб келган даврларда ҳам реал никоҳ урф-одатлари, турмуш ҳодисаси экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Бу — узоқ кечмишда ўзининг реал илдизларига, тарихий заминига эга бўлган, кейинчалик традицияга айланган эпосдаги поэтик мотив бўлиб,

халқ қаҳрамонини идеаллаштириш ва унинг жисмоний куч-қудратини синаш воситаси сифатида хизмат қиласи.

Шундай қилиб, Барчин жанговар, баҳодир, алп қиз, «мактаб жўраси» Алномишга садоқатли ёр, оила ва уруғ номуси учун актив курашувчи она образидир. Бу образда меҳнаткаш халқнинг хотин-қизларга нисбатан самимий муносабати, жуда катта эъзоз ва ҳурмати мужассамлашган, аёллар юксак инсоний қудрат ва шон-шарафга эга эканлиги барада куйланган.

Достонда Барчин образини янада тўлдириб келувчи образлардан бири Қалдирғочdir. Қалдирғоч Бойбўри яшириб қўйган Барчиннинг хатини топиб, акасига маълум қилиш эпизоди билан достонга кириб келади. Шу эпизоддаётк узоқ сафарга отланишга унча бўйни ёр бермаган Алномишни қаҳрамонликларга уидаган Қалдирғоч образида унинг Барчинга нисбатан ҳурмати, чуқур маънавий дунёси, оқ кўнгил ва соф диллиги, акасига, қариндош-уругларига меҳру шафқати ёрқин ифодаланган. Достонда қалмоқларнинг қўлида талашда қолган Барчинни қутқазиш учун сафарга отланган Алномишта насиҳат ҳам Қалдирғоч тилидан берилishi бежиз эмас:

Бир нечук номардга кўнгил бермагин,
Нодон кўнглиниг ҳар хаёлга бўлмагин,
Куп яшагин, кўп яилгача ўлмагин,
Йулда номардларни ҳамроҳ қилмагин.

Қалдирғочнинг ички олами, унинг янгаси Барчин, жияни Ёдгор, акаси Алномишга меҳрибончилиги достонидаги иккинчи қисмидаги янада ёрқин жаранглайди. Ултониз томонидай түябоқар қилиб қўйилган Қалдирғоч тутқулилдаги акасини катта умид билан кутади, ҳақсизликка, ўз уруғдошларининг камситилишига қарши кескин норозилик билдиради. Унинг алами, камситилиши тасвирида ўтмис замондан, фалакдан шикоят оҳанглари жарапглайди:

«Хала» дейман, манглайимдан кун ўтди,
Мени тақдир шундай кулфатга элтди,
Бадбаҳт қуллар мени чўлда хор этди,
«Хала» дейман, товонимдан ер ўтди,
Фалак жабри менинг бағримни йиртди.

Барчин ва Қалдирғоч образлари «Алномиш» достонидаги ҳар жиҳатдан мукаммал ишланган. Бу нарса атоқли совет

олими С. П. Толстовнинг хотин-қизлар ўзбек халқ эпосида асосий ўрин тутади, деган фикрини яна бир бор тасдиқлайди.

Достонда ўзбек Алпомиш билан қалмоқ Қоражоннинг дўстлигини тасвирлаш муҳим ўрин тутади. Бу дўстлик қаҳрамонона дўстлик даражасига кўтарилиган. Алпомиш қалмоқ ерида пайдо бўлар экан, Қоражон билан биринчи марта учрашувида улар ўртасида аччиқ айтишувлар — хийла қадими, шу билан бирга чорвадор-кўчманчилик ҳаёти учун бағоят характерли бўлган, халқ поэзиясида ижобий маънода кўп қўлланадиган кўчма маънодаги символик топишмоқли иборалар ишлатилган савол-жавоблар бўлиб ўтади. Бу диалогларда паҳлавоплар учрашувига хос бўлган дўқ-пўписа, бир-бирига даҳшат солиш, бир-бирини қўрқитишга уриниш каби ҳолатлар ёрқин тасвирланган:

— Кукқамиш кўлидан суксур учирдим,
Суксурни излаган лочин бўламан,
Боғларим зумратдан, чангалим нўлат,
Бойсиндан қўйилган шупкор бўламан.
Бойлигидан бедов отни бойлаган,
Тангта тайлаб Олатогни ёйлаган,
Камбағали қирқ минг гала хайдаган,
Шул галада бизнинг бир моя келган,
Моянинг йўқчиси, иори бўламан.
— Учирган суксуринг Ойқул қунибди,
Түқсон ғажир ўртага олиб турибди.
Еш ўғлонсан, бекор ҳалак буласан,
Ғажирлар иложин қандай қиласан?!
Лоф уриб сен ҳам менга қарадинг,
Моячам деб сунгра мендан сурадинг,
Сўрадинг, моянгдан дарак берайин,
Минг беш юз тиллали овсар бошида,
Кўрдим тўқсон алпнинг той-тaloшида...

Халқимизнинг жуда қадими тушунчаларига бориб тақаладиган бундай кўчма маънодаги иборалар ишлатилиши достончининг ўзи яшаб турган муҳитни атрофлича очишига имкон берган. Бу поэтик образлар бевосита ҳаётдан, кўчманчи-чорвадор халқнинг турмуш шароитидан олинган. Зотан, қаҳрамонлик эпосида баҳодирни норга, лочинга; баҳодир қизни суксур, мояга; қаҳрамон рақибини эса ғажирга ўхшатиш характерли бир ҳол бўлиб, муҳим поэтик атрибути сифатида хизмат қиласи.

Алпомиш ва Қоражон дўстлиги бутун достон давомида чуқурлашиб, кенгайиб боради. Достондаги турли-туман

ёрқин ва тақоррланмас эпизодларда Қоражон образи ҳар томонлама очилади. Алпомишдаги чинакам инсоний фазилатлар, зулм ва разолатга қарши кураш Қоражонни тобора унга яқинлантиради. У адолатсиз ва золим Тойчахонга хизмат қилишдан воз кечади, қалмоқ наҳлавонлари билан бўлган курашда Алпомиш томонида турди, Барчинни олмоқчи бўлган алпларга, жумладан, ўз акаларига қарши курашади. Қоражон ҳар қандай бало ва оғатларга қарамай, қўнгиротликларни, баҳодир дўсти Алпомишни ҳимоя қиласи. Адолат ва ҳақиқат, озодлик ва тенглик, инсон ҳуқуқи ва иомуси учун курашади.

Зулм ва адолатсизликка қарши кураш Алпомиш ва Қоражон дўстлигини янада мустаҳкамлайди. Эпик анъана бўйича Қоражон қўнгиротликлар билан бирга қаҳрамоннинг юртига келади. У ерда қизиги ва самимий кутиб олинади. Алпомишининг ота-опаси Қоражонни ўглим, дея меҳру шафқат билан қаршилайди:

Фарзандини хон Бойбўри қўрибди,
Болам деб икковин бирдай билибди...
Барчинни онкелган элнинг тўраси,
Келиб қолди оқ сут берган энаси.
Қоражон икковин бирдай сўради.

Этнографик адабиётлардан шу нарса маълумки, қадимги замонларда ака-ука, дўст тутиниш ўша оиласа аъзо бўлишни билдирав ва оила орқали уруққа қабул қилинар эди. Достонда Алпомиш ва Қоражон дўстлиги орқали узоқ кечмишдаги аиа шу турмуш ҳақиқатининг поэтиклишган ҳолатини қўрамиз. Чиндан ҳам достонда Алпомиш билан Қоражон ўртасидаги дўстлик ҳаққоний ва ҳаяжонли эпизодларда санъаткорона куч билан тасвирланган, катта инсоний дўстлик даражасига кўтарилиган. Шундай қилиб, Қоражон образида турли эл-элатлар орасидаги дўстлик ва қардошлиқ куйланган, олижапоб инсоний фазилатлар — дўстга садоқат, ваъдага вафо ва қатъийлик улуғланган.

Алпомишининг содиқ ёрдамчилари ва маслаҳатгўйлари Қултой, Кайқубодлар достопда муҳим ўрин тутган. Бу образлар орқали достоннинг демократик ва реалистик асослари янада кенгайтирилган.

Қултой Бойбўри хонадонипинг тенг ҳуқуқли аъзоси, машҳур отбоқар, Алпомишининг тарбиячиси ва қадрдопи-

дир. Шунинг учун ҳам Алпомиш унга «бобо», «ота» деб мурожаат этади:

Кетсин мендан оҳувойим,
Обод бўлсин манзилжойим,
Дуо қилигин, қиблагойим,
Отам Қултой, хуш қол эанди.

Алпомиш етти йиллик тутқунликдан кейин «фарзандимдан айрилдим» деб йиглаб турган Қултойга дуч келади ва үзини тапитмай, йиғлагани сабабини сўраганда, Қултой шундай жавоб беради: «Менинг йиғлаганим — ўглим эмас эди, Бойбўрининг ўғли эди. Икковимиз қадрдои эдик, билмаганлар Алпомиш Қултойнинг ўғли дер эди, билганлар Қултой Алпомишининг қули дер эди... Шу эсимга тушиб йиғлаб туриб эдим». Достонда бутун қўнғирот уруғи кутаётган хушхабар — Алпомишининг элига қайтиш хурсандчилиги худди шу Қултой тилидан баён этилади:

Бу кун қадр кечалари,
Боғдачилар ғуначалари,
Қўнғирот элнинг баччалари,
Чувулла, Алпомиш келди...

Буларнинг барчаси Қултойнинг Бойбўри хонадонида катта мавқега эга бўлган оқсоқол, доно маслаҳатгўй, қийин пайтларда қаҳрамоннинг муносиб ёрдамчиси эканлигини кўрсатади.

Ўзбек халқ эртаклари ва достонларида қаҳрамоннинг мусоғирликда камбағал қиши билан дўстлашуви муҳим ўрин тутади. У қийин пайтларда қаҳрамонга ёрдамга келади ва қаҳрамон асирикдан қутулгач, золим хон ўрнига уни подшоҳ қилиб кутаради. «Алпомиш» достонида чўпон Қайқубод худди шундай хусусиятларга эга бўлган образиди.

Қайқубод қаҳрамоннинг оқ кўнгил, содда, шу билан бирга, қўлидан ҳар иш кела оладиган, ўта топқир ёрдамчисидир. Барчин учун қалмоқ юртига бораётган Алпомиш биринчи марта у билан учрашади. Чўпон Қайқубод үзини Бойсари оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси ва унинг энг яқин кишиси, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам Алпомишии «езнам» деб яхши кутиб олади. Достонда Қайқубод билан боғлиқ эпизодлар ҳаётий, комик, самимий юмор билан суғорилган. Қайқубод Тойчахон қизи Товканинг

«қалини» сифатида ўзи боқиб юрган қўйлардан Алпомишга ташлаб туради, чунки қаҳрамон зиндандан чиққач, шоҳ қизини олиб боришига вайда қиласди. Бу эпизодлар шу даражада комик ситуацияларда кўрсатиладики, бунда Қайқубод устидан қулиш эмас, балки унинг соддалиги, олижаноблиги, вижданлилиги хайриҳоҳлик билан таъкидланади. Бу жиҳатдан Қайқубодниш ўғриликка бориш эпизоди характерлидир. Бунда, бир томондан, умрида ҳеч маҳал ўғрилик қилмаган соғдил Қайқубодга самимият, унинг ҳолига ачинини туйғулари ифодаланса, иккинчидан, ҳар хил авлиё, пирларга қарши порозилик сезилади:

Қўзидан тўқтириб селоб нурини,
Уқасини ўпқай Жалтанг пирини!
Оҳ урганда хаста қўнглини хуплади,
Ғапимга дуч бўлмай, сирим фошлади,
Жалтанг дедим, бу қудуққа ташлади.
Мундан булақ ўғирлини келмайман,
Жалтанг пирни сира пирим демайман.

Қайқубод қийин пайтда Алпомишга ёрдамга келиб, унинг асирикдан қутулишида муҳим роль ўйнайди. Ўз навбатида Алпомиш зиндандан чиққач, золим ва адолатсиз Тойчахон ҳамда унинг қўшинини тор-мор келтириб, дўстлиг чўпон Қайқубодни қалмоқ юртига хон кўтаради, илгари севгани — Тойчахонининг қизи Товкага уйлантиради. Қайқубод образида халқимизнинг адолатли шоҳ ҳақидаги орзулари, демократик ва гуманистик ўй-фикрлари мужассамлашганди.

«Алпомиш» достонида Алпомиш, Барчин, Қалдирғоч, Коражон, Қултой, Қайқубод, Бойбўри, Бойсари ва бошқа ижобий кучлар Тойчахон, Сурхайил, Ултонтоz, Қукалдош, тўқсон али каби ёмонлик оламини ўзида мужассамлаштирган салбий кучларга қарши қураш олиб борадилар.

Тойчахон — қалмоқ шоҳи, ўтакетган золим ва зўравон, шу билан бирга, Сурхайил ва тўқсон али қўлида қўғирчоқ. У тўқсон алига Барчинни тортиб олиш учун изн беради, очиқ майдондаги тенг қурашда енгилгач, тинчлик билан ўз юртларига қайтиб кетаётган қўнғиротликлар устига лашкар тортади. Унинг айби билан иккى марта қонли уруш бўлади ва ҳар гал Алпомишидан енгилади. Тойчиҳоннинг маҳв этилиши ёмонлик оламиниг маҳв этилишидир. Шунинг учун ҳам достонда унинг хатти-ҳаракати кескин қораланади.

Достондаги салбий типлардан яна бири Сурхайилдир. У — тинчлик ва осойишталикин бузувчи, кишиларга доим ёмонлик истовчи шахс. Қалмоқлар билан қунғиротликлар ўртасидаги қонли урушларга шу кампир сабабчидир. Унинг ҳийласи билан асир тушган Алпомишнинг қирқ бир йигити ўлиб кетади, Алпомиш эса етти йиллик тутқунлик азобини тортади. Сурхайл образида ҳукмрон табақанинг манфаати учун хизмат қилувчи айёр, ҳийлагар, ярамас хулқли кишилар фош этилади.

«Алпомиш» достонида муҳим ўринни золим Ултонтоз ва унга қаҳрамоннинг муносабати әгаллайди. Ултонтоз Алпомишнинг ўгай укаси, Бойбўрининг Бодом чўридан бўлган ўғлидир. Шу нуқтаи назардан у Бойбўри мол-мулкида муайян ҳуқуқларга ҳам эга. Шунинг учун ҳам Алпомиш Қўнғиротдалигида уни таҳқирламаган, Бойбўри оиласининг аъзоси сифатида ҳурмат қилган. Қаҳрамон зиндоналигида Ултонтозни Бойсинни идора қилишга, уруғ бошлиғи булишга ҳақли, деб ўйлади. Шунинг учун ҳам Алпомиш ғоз орқали Ултонтозга ҳам салом ўйлайди, Кашалга излаб борган Қоражондан у ҳақда сўрайди. Аммо Ултонтоз қаҳрамон ўйлаганча бўлиб чиқмайди. У узурпатор бўлиб, қонуний ҳукмдор — Алпомишнинг ҳокимиютини тортиб оловчи, ўзини ўзи бий сайлаган золим ва зўравон. Алпомиш йўқлигига Бойсин-Қўнғиротга ўзини хон эълон қилиб, ифлос ишларни амалга оширади, қаҳрамоннинг қариндошларини, уруғни ҳўрлайди, хотини Барчинни тортиб олмоқчи бўлади. Ултонтоз ҳукмронлиги даврида мамлакатнинг қонуний асосларига птур етади, уруғнинг ҳаётий манфаатларига зарар етказилади, кишилар ўртасидаги ахлоқ нормалари бузилади. Шунинг учун ҳам Қултой юритига келаётган Алпомишга алам билан шундай дейди:

Сен ҳам бундан ўз элингга борасан,
Ултонтознинг қилган ишин кўрассан,
Болам, кўрсанг чидаёлмай қоласан.

Достонда патриархал-уругчилик жамияти шароитида уруғ бошлиги кекса Бойбўри ва унинг қариндошларининг Ултонтоз томонидан ҳўрланиши, камситилиши бутун қўнғирот уругига қарши қаратилган ҳақорат, уруғчилик урғ-одатларига хилоғ равишда қилинган зўравонлик тарзида талқин қилинади.

Ултонтоз умум манфаати учун қайғурмайдиган, қунғирот уруғи ҳақида ғамхўрлик қилмайдиган золим шахс. У ҳар қандай ярамас ва ифлос ишларни қилишга тайёр. Шунинг учун ҳам Қалдирғоч ўзини танитмай келган акаси Алпомишга:

Нор ўлган сўнг тўкар кўздан ёшимни,
Ултон кесар зулм билан бошимни,
Йиғлатади қавму қариндошимни,
Кузгуиларга емиш қилар гўшимни,—

дея оҳ чекади. Йилқичилар, чўпонлар, нотаниш киши — Алпомишга Ултонтоз зулмидан безганликларини, элга бекнинг қадри жуда ҳам ўтганлигини алам билан ҳикоя қиладилар. Қўнғиротликларнинг бир қисми турли жойларга кўчиб кетишга мажбур бўладилар, натижада Алпомишнинг ҳаракати билан бирлашган қўнғирот уруғи яна тарқаб кетади.

Достонда Ултонтоз ва унинг атроғидаги кишилар ножӯя ва ярамас ишлари, маънавий тубанликлари учун қаттиқ қораланади. Алпомишнинг баҳодирлик номуси уруғини, қариндошлари, ота-онаси, синглиси, хотини ва ўғлини азоблаган, ҳўрлаган, ҳалқ билан ҳисоблашмаган золимга жазо беришни талаб қилар эди. Ултонтоз шундай жазога маҳкум этилади. У маънавий тубан шахс сифатида ҳалқ нафрата гучор бўлади.

«Алпомиш» достони бәдиий баркамол асар. Унда ўзбек ҳалқи шеърий даҳосининг буюк қудрати юксак даражада намоён бўлган. «Алпомиш» достонида бошқа достонларга нисбатан муболагавий услуг устунлик қиласи. Бу асар характерида, унда куйланган воқеалар кўламидан келиб чиққандир. Достонда Алпомиш тилидан шундай бир чиройли муболага берилади:

Тикилсам қурийди дарёнинг гуми,
Наъра тортсам қулар қўргоннинг тими.

Бундай муболагавий тасвир чанталласа тоғни толқон қила оладиган, куч-қудратда «калласи кападай, танаси тепадай» қалмоқ алпларидан устун турган Алпомишнинг азаматлигини сифатлаб бера олади.

Тоғ тепасида турган Алпомишнинг қуриниши ажойиб ўхшатишлар ёрдамида Қоражон тилидан шундай таърифланади:

Остингда бедовинг ҳаллослар қушдай,
Аччиғинг чиллали музлаган қишидай,
Норкалла келгансан чўйда қушмушдай,
Норкалла полвоним, қайдин бўласан?..
Жамолинг ўхшайди осмонда ойга,
Қошинг ўхшадим эгилган ёйга,
Жасадинг ўхшайди бўз қарчигайга,
Енбашлаб ётишинг минг қўйли бойга,
Бойбачча сифатлим, қайдин бўласан?

Достонда асар руҳига мос, фавқулодда яратилган ажо-
йиб кўчимларни («Куз куюги, э, нар-мода ўлсанг-чи»),
асарга гўзал бир безак бўлиб тушган чиройли параллес-
лизмларни:

(«Кечани мунашвар қилас тўлган ой,
Савашли кун тортилади шарли ёй,
Кашалда талашда қолди Барчиной»),

мисраларни жилвалантирувчи қўйма бадиий фонетика
элементларини («Сувда бўлар сулув ўтнинг суйрги»)
истаганча тониш мумкин. Асарда шеърий сатрлар бадиий
жиҳатдан шу даражада мукаммал ишланганки, уларнинг
кўплари асрлар тажрибасини ўзида мужассамлаштирган
афоризмлар даражасига кўтарилган. Мисоллар:

1. Давлат қунса бир чивиннинг бошига,
Семург күшлар салом берар қошига.
2. Ушбу дамнинг дамларини дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема.
3. Хўжа келса чиқар мурид назири,
Хотин бўлмасмикан эрнинг вазири?!
4. Золим билан ҳаргиз бўлманглар йўлдош.
5. От чопса гумбурлар торнинг дараси,
Урушда билинار марднинг сараси.
6. Созандалар созин чертар қўл билан,
Ёмон одам куйдиради тил билан.
7. Гул кетар бўлса, гулистон эмранар,
Шахар вайрон бўлса султон тебранар,
Мол борида ҳамма одам дўст эди,
Бошдан давлат қайтса, туқсан эмранар.

«Алломиши» «озод, эркин, магрур ва гўзал одамлар
ҳақида тўқилган, шуларни мақтаб кўкларга кўтарган, шу

билан одамларнинг юрагига яқинлашган» (Ҳамид Олим-
жон) достондир. У ӯзбек ҳалқининг кўп асрлик бадиий
ёдгорлиги сифатида жаҳон маданияти тарихида муҳим
урин тутади.

«Гўрўғли» ТУРКУМИ ДОСТОНЛАРИ

«Гўрўғли» достонлари ҳалқ достончилигига ҳар бири
мустақил яшаган ва айрим-айрим номга эга бўлган асар-
лар силсиласи, муайян омиллар билан бир-бирига бир-
лашган каттакон туркум бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқда
жуда кенг тарқалган¹. Бу туркум ӯзбек, тоҷик, қозоқ,
қорақалпоқ, татарларда Гўрўғли; туркманларда Гўрўғли,
Қўрўғли, Карўғли; озарбайжон, грузин, турк ва бошқа-
ларда Кўрўғли номи билан шуҳрат қозонган. Озарбайжон
«Кўрўғли»сини биринчи марта тўплаб, нашр этган (1842)
дипломат Ходзъко: «Осиёда бирор бурчак йўқки, у ерда
Кўргуленинг номи айтилмасин. Ҳатто Бессарабия ва Мол-
давияда унинг отини эшитасиз. Агар адилларнинг шуҳра-
ти ва машҳурлиги уларнинг ўқувчиларининг сони билан
ҳисобланса, унда Фирдавсий Кўрўғлидан бир оз ортиқ бў-
лади»,— деб ёзган эди.

Ҳалқ шоирлари Гўрўғлини буюк самимият ва ифтихор
билан ардоқлаб, унинг ҳалқа бўлган меҳр-садоқати, душ-
манларга чексиз газаб-нафроти, мамлакат мудофаасида
ёвуз босқинчиларга қарши аёвсиз қурашлари, эл-юрт фа-
ровонлиги учун ғамхўрлигини завқ билан қўйлайдилар.
Туркумга кирувчи барча достонлар маълум бир нисбий
мустақилликка эга бўлиб, жонли оғзаки анъанада якка-
якка ижро этилсалар-да, улар эник Чамбил юрти, Гўрўғли
тини, унинг жанговар сафар йўлдоши Ғирот, бир қатор
аңъанавий образлар (қирқ йигит, Аҳмад Сардор, Соқи-
булбул, парилар ва бошқалар) каби қатор воситалар билан ўзаро бирлашади.

¹ Қаранг: В. М. Жирмунский, Х. Т. Зарифов, Узбекский народный героический эпос, М., ГИХЛ, 1947, стр. 165—279; Б. А. Каррыев, Эпические сказания о Кёроглы у тюркоязычных народов, М., «Наука», 1968; М. Саидов. Ӯзбек достончилигига бадиий маҳо-
рат, Тошкент, ӮзССР «Фан» нашриёти, 1969, 70—144, 179—259-бет-
лар; М. Мурадов, Жанровые и идеально-художественные особенности
дастанов «Гороглы», автореферат докторской диссертации, Таш-
кент, 1975.

«Гўрўғли» туркуми достонлари каттакон икки тармоқ-ка бўлинади. Фанда бири Закавказье ва Яқин Шарқ версиялари (озарбайжон, арман, грузин, турк ва бошқалар) деб юритилса, иккинчиси Ўрта Осиё версиялари (ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, туркман, тоҷик ва бошқалар) деб аталади. Бу икки тармоқ узаро муайян умумийликка эга бўлса-да, достонларда қамраб олинган воқелик, эпик анъана ва бош қаҳрамонга берилган баҳо, уларнинг ҳажми, состави, куйланиш ва тарқалиш хусусиятлари жиҳатидан бир-биридан принципиал равишда фарқ қиласди.

Закавказье ва Яқин Шарқ версияларига хос бўлган умумий хусусиятлар озарбайжон вариантиларида ўз ифодасини топган. Унда тасвирланишича, Кўрўғли қирқ йигитга бош бўлиб, феодал тузумига қарши исёнкорлик ҳаракатлари олиб боради. Кутимаганда савдогарлар карвонини талайди, ўзига душман қўшни подшоликларни енгади, бундай жангларда ажойиб жасорат ва қаҳрамонликлар кўрсатади, чупон, отбоқар, дарбадар бахши, дуохон, фолбин қиёфаларида душман ичига кириб, жуда уста тадбиркорлик билан асир тушган йигитларига ёрдам беради, ўзига ва йигитларига маълум бўлган гўзалларни олиб қочади. Кўрўғлипинг жасорати ва мардликлари ҳақидаги бундай ҳикоялар ярим тарихий, ярим афсонавий характерга эга. Бу ҳикоялар мағзизда халқ оғзаки ижоди бўёқларидаги реал тарих ётибди. Туркия султони ёки Эрон шоҳларига тобе бўлган ярим мустақил подшоликлардаги турли хил сарой интригалари, феодал ҳукмдорлари яшаган гавжум савдо ва ҳунармандлик шаҳарларидаги ҳаёт, катта карвон йўлларидаги жанглар озарбайжон версиясининг тарихий асослари ҳисобланади ва шунга кўра, Кўрўғли Эрон шоҳи Аббос I нинг (1585—1628) замондоши қилиб кўрсатилади. Чиндан ҳам арман тарихчиси Аракел Тавризийнинг (вафоти 1670 йил) кўрсатишicha, шоҳ Аббос ва Туркия султонига қарши қўзголов кўтагранларнинг бошлиқларидан бири Кўрўғли бўлган. «Бу — ҳозир ошиқлар куйлаётган жуда кўп қўшиқларни тўқиган Кўрўғлиниңг худди ўзи», — дея янада аниқлик киритади арман тарихчиси¹.

Демак, озарбайжон версиясида конкрет шахс ва давр билан боғлиқ воқеалар тенгсиз куч-қудрат ва шижаат,

¹ В. М. Жирмунский, Х. Т. Зарифов. Узбекский народный героический эпос. М., ГИХЛ, 1947, стр. 180.

олижаноб инсоний фазилатлар идеали нуқтаи назаридан куйланади. Аммо бунда умумлаштириш ва идеаллаштириш муайян давр ва тарихий воқеаларни инкор этиш дарражасида эмас, балки у (халқ идеали) конкрет биографик деталлар ва ҳаётий лавҳалар билап чамбарчас боғланиб кетган.

Ўрта Осиё версиялари, хусусан, ўзбек вариантиларида эса умумлаштириш ва идеаллаштиришнинг жуда юқори даражасини кўрамиз. Бунда қаҳрамонона ўтмини конкрет тарихий воқеалар аспектида эмас, балки мислив романтик лавҳаларда, халқнинг беқиёс идеаллари кўламида тасвирланади. Ҳамма нарса — ҳаёт ҳам, халқ турмуши ҳам, тарихий воқелик ҳам, мавжуд замон етиштирган қаҳрамонлар ҳам кўтаришик романтик бўёқларда, бепоён бадиий идеал тасаввурларда, чексиз образлар гирдобида гавдаланади. Ана шу бепоён идеаллик ва чексиз романтика бу достонларни янада реал, ҳаётӣ, халққа яқин ва давримизга ҳамоҳанг қиласди.

Ўзбек достонларида Гўрўғли туркман ва ўзбекларнинг беги, қонуний ҳукмдор, ўз халқи, ватани учун қайғурувчи ва уни турли душманлар босқинидан ҳимоя қилувчи доно мураббий, кўплаб халқ ботирларини тарбиялаб етиштирган енгилмас баҳодир сифатида тасвирланади. Бош қаҳрамонга берилган мана шу баҳодан келиб чиқиб, Чамбил юртипинг афсонавий ҳуимдори Гўрўғлипинг баҳодир қирқ йигити билан биргаликда она ерининг ҳавфсизлиги ве озодлигига таҳдид солувчи қўшни подшоликларга қарши олиб борсан кураши бутун халқ ҳаракати, чамбил эли, қабила озодлиги уруши тарзида намоён бўладики, бу ўзбек эпосидаги асосий масаладир.

Ўзбек халқи Гўрўғли ва унинг йигитлари ҳақида «Кунларим», «Гўрўғли», «Гўрўғлибек — зўр ботир», «Армонинг қолмасин», «Борми жаҳонда», «Армоним қолмади» каби термалар билан бир қаторда, ҳар бири бир ярим-иккичи минг сатрдан тортиб, уп-үн иккичи минг мисрали (қариб шунгча пасрий қисм ҳам мавжуд) кўплаб достонлар яратган. Бу материалларни қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, «Гўрўғли» туркуми достонлари ўзбеклар орасида бир-биридан принципиал равишда фарқ қилувчи иккичи версияда тарқалган.

Бу версияларнинг бири Хоразм «Гўрўғли» достонлари бўлиб, улар туркман версиясига жуда ўхшаш, озарбайжон «Кўрўғли»сига анча яқин туради. Туркумга бирлаш-

ган Хоразм достонлари ўн уч-ун тўртта бўлиб, сюжети, ижодий услуби ва куйланиши жиҳатидан жиддий тафоутларга эга, уларнинг ҳажми нисбатан қисқа. «Гўруғлининг дўрайиши», «Араб тангтан», «Аваз келтирган», «Аваз уйлантирган», «Авазнинг озод этилиши», «Қирқ минглар», «Бозиргон», «Кампир», «Хирмон дали», «Гулруҳ пари» ва бошқа достонлар Хоразм «Гўруғли» туркумини ташкил этади.

Ўзбекистоннинг Хоразмдан булак ерларида тарқалган «Гўруғли» достонлари ҳам алоҳида мустақил бир версияни ташкил этиб, ҳажмининг катталиги, «монументаллиги» билан ажralиб туради. Ҳар икки версияда бош қаҳрамоннинг умумий фаолиятида ва бир қанча мотивларда ўхшашлик кўзга ташланади. Аммо алоҳида олинган достонларда ўхшашлик деярли йўқ, яъни бирида бўлган достон (масалан, «Хирмон дали») иккинчисида, иккинчида (масалан, «Равшан») биринчисида мавжуд эмас. Версиялар орасида бу даражада принципиал айрмаларнинг мавжудлиги туркумга бирлашган достонларнинг муайян қисми икки жойда, икки хил ижтимоий-иқтисодий шароитда яратилганлиги ва мустақил ривожланишда давом этганлигини курсатади.

Хоразмдан бошқа жойларда ўзбеклар орасида тарқалган «Гўруғли» достонлари қирқдан зиёддир. Совет даврида ҳалқ бахшилари оғзидан юздан ортиқ «Гўруғли» достонлари варианtlари билан ёзиб олинди. Туркумга қуидаги достонлар киради: «Гўруғлининг тугилиши ва болалиги», «Зайдиной», «Юнус пари», «Мисқол пари», «Гулнор пари», «Райхон араб», «Бектош араб», «Шоҳдорхон», «Холдорхон», «Замонбек», «Хидирали элбеги», «Бердиёр оталиқ», «Ҳиломон», «Шодмонбек», «Дониёрхўжа», «Ойдиной», «Холдор бувиш», «Ҳасанхон», «Чамбил қамали», «Далли», «Авазхон», «Балогардон», «Интизор», «Гулихиромон», «Бўтакўз», «Қундуз билан Юлдуз», «Зулғизар билан Аваз», «Аваз билан Ойзайнаб», «Машриқ», «Малика айёр», «Гирдоб», «Синсулув пари», «Хонимой», «Олтиқ қовоқ», «Авазнинг арази», «Хушкелди», «Авазнинг ўлимга ҳукм этилиши», «Балхивон», «Нурали», «Малла савдогар», «Нуралининг ёшлиги», «Равшан», «Жаҳонгир», «Эрўғли» ва бошқалар.

Достончилар маълумотига қараганда, «Эрўғли» туркумнинг охирги достони бўлиб, унда Гўруғлининг кексайган даври ва гойиб бўлиши тасвириланади. Эпик тра-

дицияга кўра, Гўруғлига узоқ умр — 120 ёш берилган бўлса-да, у ўлмайди, балки афсонавий Сулдузи тоғида гойиб бўлади. Ривоятларга қараганда, севимли ёрлари Юнус ва Мисқол парилар Гўруғлига, кексайганингда сенинг номингни ўчирмаймиз, достонингни айттирамиз, деб вавъда берган эмиш. Парилар эса ўлмайди, улар баҳшиларга қўниб юриб, Гўруғли сўзларини уларнинг ичита жойлар эмиш, шу туфайли баҳшилар ҳам Гўруғлининг ўғиллари эмиш. Мана шундай эътиқодлар туфайли ирим қилиб, «Эрўғли» достонини яхши билсалар ҳам, бошқа асарлардай кенг кўйлаб юриш баҳшилар ўртасида расм бўлмаган. Шунинг учун ҳам унинг мукаммал вариантини ёзиб олишга муваффақ бўлинмаган. Унинг айрим тугалланмаган вариантлари Сурхондарё ва Жанубий Тожикистанда яшовчи ўзбек баҳшиларида ёзиб олинган. Ҳозирча нисбатан тўла деб ҳисобланган шерободлик Юсуф Ўтаган ўғлидан 1945 йилда М. Афзалов ёзиб олган «Шаҳиднома» достони ҳам баҳшилар репертуаридаги «Эрўғли» достоннинг барча ҳусусиятларини ўзида мукаммал сақлай олмаган.

«Гўруғли» достонлари муайян бир туркумни ташкил этса-да, улар қаҳрамоннинг бир-бирига узвий боғланган мунтазам биографияси эмас, балки турли баҳшилар ва достончилик мактаблари томонидан унинг айрим жасорат ва мардликларини тасвировчи турли даврларда яратилган асарларнинг кейинчадик наслий, биографик ва географик туркумлик доирасида ўзаро бирлаштирилишидир. Шунинг учун ҳам бу достонлар бир даврда бир-икки киши томонидан яратилган эмас, балки улар узоқ даврларда кўплаб талаптли достончилар ва достончилик мактаблари кучи билан бунёд этилган. Уларнинг баъзилари узоқ тарихда, Ўрта Осиёда ислом дини тарқалишидан бурунги даврларда майдонга келган. Баъзилари бундан уч-тўрт аср илгари яратилган ва замонамизга қадар жуда кўп ҳалқ шоирлари томонидан ҳар қайсисининг ўз замони талабларига кўра қайта-қайта ишланиб, кўп вариантларда бизгача етиб келган¹.

Ҳалқ баҳодирининг ажойиб-гаройиб ҳолда тугилиши ва қаҳрамонона ёшлигини тасвировчи «Гўруғлининг ту-

¹ Қаранг: Ҳоди Зариф. «Равшан» достони ҳақида. «Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни», тадқиқотлар, 2-китоб, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1971, 60—61-бетлар.

тилиши ва болалиги» достони билан «Гүрүғли» достонлари туркуми бошланади. Достоннинг Пўлкан шоир вариантида тасвирланишича, Гўрўглиниң бобоси Тўлибий синчи Мари юртининг беги Қовиштихоннинг ўғли бўлиб, ёшлигида Ёвмит подшоси Одилхонга асир тушади. Тўлибий синчи хизматларидан қўнгли тўлган Одилхон қизи Ойшани унга никоҳлаб беради. Булардан бўлғуси қаҳрамоннинг отаси Равшан туғилади. Така-Ёвмит юртининг доимий душмани Шоҳдорхоннинг навбатдаги босқинларидан бирида Равшан, шунингдек, Така-Туркман беги Жигалихоннинг фарзандлари Гаждумбек ва Биби Ҳилоллар Зангар юртига асир тушиб кетади. Зангарда Равшан билан Биби Ҳилол тасодифан учрашиб қолиб, бир-бирларини севадилар ва турмуш қурадилар. Бу орада Равшаннинг синчилиги хабари Шоҳдорхонга етиб келади. Шоҳдорхон уни саройга чақириб, отларини кўрсатади. Равшан булар ичида тулпор йўқлигини айтиб, ҳолвачининг отини мақтайди. Аччиқланган хон Равшаннинг кўзларини ўйиб олади. Равшан кўр кўзининг хушига ҳолвачининг отини тилаб олиб, шу от ёрдамида қайнакаси Гаждумбек билан Ёвмитга қочади. Зангарда қолган Биби Ҳилол қорнидаги олти ойлик гумонаси билан вафот этади. Гўрда ўлик онадан бўлажак қаҳрамон туғилади. Чўпон Рустам уюридаги бир байтал уни эмизади ва кейинчалик Рустам ёрдамида шу байталда Ёвмитга қочиб келади. Қўринадики, эпос анъанаисига кўра, Гўрўглиниң келиб чиқиши юқори табақа билан боғланса-да, у аввало, камбағал бир отбоқар синчининг ўғли; чўпон Рустам тарбиясида вояга этади, ҳалқ қаҳрамонларига хос ғайри табиий йўсичида туғилади ва баҳодирлик камолотига эришади. Бу билан, бир томондан, Гўрўглиниң ёшлигиданоқ хонларга, феодалларга, сарой аристократиясига қарши тарбияланганлиги кўрсатилса, иккинчидан, унинг эпик Чамбил юртининг қонуний ҳукмдори эканлиги ҳар жиҳатдан асосланади.

«Гўрўглиниң туғилиши ва болалиги» достони кўпланили асар бўлиб, унда Фирот биографиясига оид ҳам ажойиб маълумотлар бор. Бу маълумотларга кўра, қаҳрамонни эмизган байтал билан Хурносон кулидан чиқиб келган айғирдан («сув оти»дан) ургочи қулун туғилади. Бу қулун уч яшар бўлғач, Гўрўгли Райхон арабнинг донги чиқкан тулпоридан насл олишга ҳаракат қиласи. Натижада учинчи от — Фиркўк туғилади. Фиркўк етти кунлик

бўлганда онаси үлади. Гўрўгли унга турли ҳайвонларнинг сутини бериб тарбия қиласи. Гўрўгли билан Фирот орасида жуда кўп ўхшашликлар бор: достонда ҳар иккаласи ҳам учинчи наслгача тилга олинади (Тўлибий — Равшан — Гўрўгли; қаҳрамонни эмизган байтал — «сув от» — Фиркўк); иккаласи ҳам етим; иккаласи ширхўра ва ҳоказо. Бу билан қаҳрамон ва унинг жанговар оти ўртасида эпостга хос ажойиб бир алоқа юзага келтирилади, бу бутун туркум бўйлаб изчил давом этади. Достонда ёш қаҳрамоннинг чилтонлар билан учрашуви, келажак йўлининг олдиндан белгиланиши, эпик Чамбил юртининг бунёд этилиши, Ёвмит әлига хон қилиб кўтарилиши каби воқеалар жуда қизиқарли тасвирланади. Шоҳдорхон ва Равшан, Равшан ва Урайхон, Райхон ва Гўрўгли тўқнашувларида бутун туркумга хос бўлган ижобий ва салбий сифатлар намоён бўлади. Туркумнинг ушбу биринчи достонида ёқ ўзбек «Гўрўгли»сига хос бўлган чексиз фантазия, кўз илгамас географик ва этнографик кенгликлар тўла намоён бўлади. Бу ҳол, айниқса, «Юнус пари», «Мисқол пари», «Гулнор пари» достонларида япада ёрқин қўринади. Бу асарлар Гўрўглиниң уйланиши ва шу билан боғлиқ қаҳрамонликларига багишланган.

Эпик анъанага кўра, Гўрўглиниң икки хотипи — Юнус ва Мисқол парилар (Пўлкан варианти бўйича учинчи — Гулнор) бор. Улар Кўхи Қоғда Эрам боғида яшайди, уларни жуда катта ғайри табиий кучлар — девлар қўриқлайди. Парилар Гўрўглига илгаридан «белгиланган» булса-да, уларни қўлга киритиш учун юксак жисмоний куч билан бир қаторда ақл, фаросат, уста тадбиркорлик ҳам керак эди. Гўрўгли буни қойил қилиб бажаради.

Достонларда парилар подшолиги, ундаги сарой ва оилавий ҳаёт инсон турмушининг идеал қўрилиши сифатида кенг, ҳаётий лавҳаларда жуда реал тасвирланади. Бахши инсон турмushi билан боғлиқ ҳаётий, тарихий ва этнографик тафсилотларни муҳаббат билан баён этади. Китобхон ва тингловчи шундай бир баённи фантастик оламга олиб кирилади, ақл бовар қилмас бу юксак оламдан инсон турмushi, тафаккури, кураплари, ҳасрати ва хурсандлиги равшан қўринади. Реал ҳаёт билан мустаҳкам боғлиқ бундай чиройли фантазия намуналарини «Гўрўгли» достонларидан истаганча топса бўлади. («Балогардон», «Малика айёр», «Машриқ») ва бошқа достонларни эсланг).

Туркумда Гүрүғли ва Чамбил юртинг доимий ташки душманлари сифатида Райхон араб, Бектош араб, Хунхороҳ ва бошқалар тилга олинади. Ширвон хони Райхон арабнинг Гүрүглиниң янгаси (Аҳмад Сардорниң хотини) Холжувонни олиб қочиб кетипи ва ўз павбатида ёш Гүрүглиниң Райхон араб қизи Зайдиной тоғасига келтириб бериши («Зайдиной» достони) улар уртасидаги қатор душманлик ҳаракатларининг юзага келишига сабаб бўлади. Бундай душманлик ҳаракатлари кўпчилик асарларда эпизодик тарзда тилга олинса, айrim достонларда («Райхон араб», «Чамбил қамали», «Бектош араб» ва бошқалар) бу нарса икки халқ уртасидаги ҳақиқий жанг тарзида кенгайтирилади. Лекин босқинчлилук урушини ҳар гал араб ҳукмдорлари бошлайди ва ҳар гал улар Гүрүглидан енгилади.

«Гүрүғли» туркуми достонларида қаҳрамоннинг ота жиҳатдан тоғаси (отаси Равшанинг тогаси) Аҳмад Сардор билан, Аҳмад Сардорниң қирқ йигити, Ҳасан, Авазлар билан муносабатлари ҳам муҳим ўрин тутади. Аҳмад Сардорниң оиласи ва сиёсий интригалари, унинг Гүрүғли ва йигитларига нисбатан ғарази айrim асарларда («Хушкелди», «Авазнинг арази», «Интизор», «Холдорхон», «Хидирили әлбеги», «Малика айёр» ва бошқалар) умумий тарзда қўйилса, бир қатор достонларда («Аҳмад Сардор ва Ҳасаншоҳ», «Аҳмад Сардор ва Аваз», «Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши») бундай ҳаракатлар асар сюжетининг асосини ташкил этади.

Туркумда Гүрүглиниң баҳодир қирқ йигитига алоҳида ўрин берилади. Булар Гүрүглиниң баҳодирликларини тан олиб, унинг атрофига ихтиёрий равишда ушган турли уруғ ва қабилаларниң беклари ҳисобланади. Масалан: Замонбек тақа ургидаи, Шодмонбек ўзбекнинг мўйтани ургидаи, Хидирили әлбеги қорақалпоқ, Тўлак ботир тоҷик ва бошқалар. Айримларини эса (Холдорхон, Юсуф сulton, Ашурбек) Гүрүглибек турли мамлакатлардан олиб келади. Феодал ўтмишда, турли уруғ ва қабилалар уртасида келишмовчилик ва низолар булиб турган бир пайтада, Гүрүғли ҳукмдорлигининг бундай интернационал тус олиши принципиал аҳамиятга эга. Бу санъаткор баҳшиларимиз дунёқарашиби жиҳимоий-сиёсий утопиянинг ажойиб маҳсулидирки, халқлар, әл-әлатлар дўстлиги ва биродарлигини ҳамиша ардоқлаб ва куйлаб келган хал-

қимиз табиатига, унинг булоқдек тиниқ, қайнаб турган бадий ижоди моҳиятига мосдир.

Гүрүглиниң қирқ йигити қаердан ва қайси уругдан бўлмасин, афсонавий озод ўлка — Чамбилниң озодлиги, ҳалқининг фаровонлиги учун тинмай кураш олиб боради. Шунинг учун ҳам улар баҳшиларимиз томонидан буюк самимият ва ҳурмат билан улуғланади. Гүрүглиниң доимий йўлдоши бўлган бу жасур йигитларнинг бир қапчаси фаолиятига алоҳида-алоҳида достонлар («Холдорхон», «Замонбек», «Хидирили әлбеги», «Бердиёр оталиқ», «Ҳиломон», «Шодмонбек», «Дониёрхўжа» ва бошқалар) бағишиланган.

Туркумдаги анчагипа достонлар Гүрүглиниң асрани фарзандлари — Ҳасан, Аваз; неваралари — Нурали, Равшан ва эвараси Жаҳонгирларниң қаҳрамонона саргузаштларига багишиланган булиб, булар ҳам ўзаро муайян туркумларни ташкил этади.

Бу ички туркумлар асрани фарзандларни олиб келинишини тасвирловчи достонлар («Ҳасанхон», «Авазхон») билан бошланади. Ҳасан ва Авазнинг ўз биографияси бор, уларниң ҳар бири туркумда муайян ўрин тутади. Ҳасанхон туркумда фақат бир достон («Далли») нинг бош қаҳрамони сифатида иштирок этади. Авазхон эса бутун бир достонлар («Балогардон», «Интизор», «Бутакўз», «Қундуз билан Юлдуз», «Зулфизар билан Аваз», «Гулихиромон», «Малика айёр», «Машриқ» ва бошқалар) туркумининг бош қаҳрамонидир. Бу достонларнинг əсосини Авазхоннинг турли афсонавий мамлакатлар гўззаларини олиб келиш учун кўрсатган баҳодирликлари ташкил этади. Ҳасан ва Аваз кичик туркумлари Гүрүғли, Фирот, қирқ йигит, доимий традицион образлар (Аҳмад Сардор, Соқибулбул, Ҳасан Қўлбар ва бошқалар), Чамбил юрти орқали Гүрүғли туркумига бирлашади.

Наслий туркумлик доирасида юзага келган павбатдаги достонлар Гүрүглиниң певаралари — Нурали ва Равшанларниң никоҳ сафарини тасвирловчи асарларdir («Нурали», «Равшан»). Бу ёш қаҳрамонлар фақат бир достон доирасида ҳаракат қиласидилар. Айрим жойлардагина (Сурхондарё ва Қашқадарё обlastida) Нурагига бир неча достон багишиланган, яъни бу жойларда Нурали анча оммалашган.

Наслий туркумланишда сўнгги босқични Гүрүглиниң эвараси (Нурагининг ўғли) Жаҳонгир ҳақидаги эпик ри-

воят ташкил этади. Наслий туркумлилик принциплари асосида юзага келган Гүрүглиниң ўғиллари, неваралари ва эвараси ҳақидаги достонлар унинг «фарзандсизлигини» кейинги планга суради. Аңъапага кўра, «фарзандсиз» ҳисобланган «Гүрүгли» оқибатда уч авлод қаҳрамонларининг сардори ва мураббийси сифатида майдонга чиқади. Агар бу силсила достонлар бир ерга тўпланса, ярим миллионга яқин шеърий ва насрый сатрлардан иборат бўладики, бу беқиёс эпик ижодиёт халқимизнинг юксак ижодий даҳосидан далолат беради.

«Гүрүгли» туркуми достонлари халқ ҳаёти, турмуши ва маишатини, орзу-умидлари ва идеалларини, ахлоқий-эстетик ва ижтимоий қарашларини кенг планда тасвирловчи эпопеядир.

**Достонларда анъана-
вий услуг ва ноэтик
формалар**

Асрлар бўйи ишланган ва нухталанган халқ бадиий традицияси ва куйловчи ижодий фаолияти бирлигига вужудга келган достонларда анъанавий услуг элемептлари ва поэтик формалар асосий ўрин тутади. Достончининг индивидуал маҳорати, ижодчи ва ижрочилик фақат мустаҳкам бадиий традиция доирасида кенг намоён бўлади.

Достонларнинг композицион тузилишини умумий анъанавий андаза — ўрни билан ўзаро алмашиниб турадиган назм ва насрый текстлар ташкил қиласди. Бундай умумий қолип бир қатор туркий халқлар эпослари учун ҳам хосдир. Достонлардаги шеърлар, асосан, 7, 8 ва 11 ҳижоли бармоқ вазнида бўлиб, туроқларниш ўзгариб туриши, банд тузилиши ва қофиялланиш системасига кўра ўзига хос хусусиятга эга. 7, 8 ҳижоли вази воқеаларнинг жадал ривожланиши тасвирида қўйланилади, улар тезликни билдиради. Қаҳрамонларнинг отда сафари, жанг манзаралари, қизларнинг сайрибог юришлари, хабар ва чақириқлар, базм ва ўтиришлар тасвири қисқа шеърларда берилади. Мисоллар:

Қулон юрмас ерлардан
Қувиб ўтиб боради.
Булон юрмас ерлардан
Бувиб ўтиб боради.
Қарсоқ юрмас ерлардан
Қалқиб ўтиб боради.
Бўри юрмас ерлардан
Бузлаб кетиб боради.
Полвон Ҳасан довушин

Созлаб кетиб боради.
Бек Равшанин тинмасдан
Излаб кетиб боради.

Ёки:

Бедовга заррин айиллар,
Бу ишга душман қойиллар,
Шабгам милтиқ, жазойиллар
Тўп буаар майдон ичинда.
От чопади алвон-алвон,
Бандам десия қодир мавлон,
Шундай қилиб, бек Ҳакимхон
Қон тўкар майдон ичинда.

Агар бу тасвирларнинг дўмбира билан куйланишини тинглаганда, отларнинг туёғидан чиқаётган дўпир-дўпир, жанг сурони эшистилиб туради.

Узун вазнли (11 ҳижоли) шеърлар ҳаракатнинг тинч, оҳисталигини билдиради. Қаҳрамонларнинг монолог, диалоглари, таъриф-тавсифлар шу вазнда берилади:

— Мен зулғимни тоблаб-тоблаб ўргали,
Иложим етмайди жоним бергали,
Зиндоннинг ичиди тўрам бормисан,
Бахти қора ёринг келди кўргали.
— Тор зиндоңда ётиб доим ҳув дедим,
Ким ўтса бошимдан оп ҳам сув дедим,
Омонат ёр, йулай кўрма қошима,
Ажалнинг отини миндим, чу дедим.

Халқ достонларида қисқа шеърларга нисбатан узун шеърлар қўпчиликни ташкил этади ва асосий ўрин тутади. Бу нарса вазний ўзгаришлар достонларнинг мазмуни билан, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати ва ҳолати билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Достонларнинг наср қисми ҳам ўзига хос. Улар вазнли, сажъланган:

Равшанхон бу боғ деворларига қараса, тик пахсасини ишлаган, деворини тагипи гиштлаган, жуда маҳкам қилиб ташлаган, деворларни ганичлаган; тўғрига кетган расталар, деворларда гулдасталар, жуда ўҳшатиби усталар. Кўрган хаста, кўрмаган ҳавасда, гул экилган баланд-настда, гулни десанг даста-даста, тевараги ёнгоқ, писта, қилган ҳам жуда уста.

Достонларда назм ва наср бадиий функцияси жиҳатидан деярли тенг ҳуқуқка эга. Уларнинг ҳар бирининг ўз

үрни, ўз вазифаси бор. Бироқ тасвирийлик ва ҳажм нуқтаси назаридан назм насрдан устунлик қиласади.

Достонларнинг темаси, сюжети, кўпчилик мотивлари традицион ва доимий бўлиш билан бирга, кўпгина сюжет ситуациалари, текстдаги бир қанча парчалар ҳам умумий ва барқарордир. Достондан достонга айнан ёки айрим ўзгаришлар билан «кўчиб юрадиган» бундай текстларни (парчаларни) умумий типик ўринлар ёки эпик клишелар деб юритилади. Достонларнинг муқаддимаси (зачини) ва тугалламаси, қаҳрамонга насиҳат, от таърифи ва отни эгарлаш, отда сафар, жанг тасвири, мастон, кўса, Оққиз сингари традицион образларнинг портретлари ва бошқалари эпик клишелар ҳисобланади. Эпик клишеларни тўғри ва ўз ўрнида қўллаш достончининг маҳорати ва иқтидорига боғлиқ.

Достонларда зачин уч муҳим компонентни ўз ичига олади, яъни бошлама асарда тасвир этиладиган воқеанинг узоқ ўтмишга оид эканлигини («Бурунги ўтган замонда...»), воқелик ўрнини («...ён олти уруг Қўнғирот элида...»; «...Чамбилнинг белинда, Така-Ёвмитнинг элинда...»), қаҳрамон авлоди шажараси ёки уларнинг оталарини кўрсатади:

Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруг Қўнғирот элида Добонбай деган ўтди. Добонбайдан Алпинбай деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбайдан тагин икки ўғил пайдо бўлди: каттасининг отини Бойбўри, кичкинасининг отини Бойсари қўйди («Алломиши»).

Бурунги ўтган замонда, Урганч элдан тўманда, ўзи қибла томонда, Чамбилнинг белинда, Така-Ёвмитнинг элинда Гўруғлибек гурлаб, бек бўлиб, овоза қўтариб ўтди («Далли»).

Достонларнинг тугалланмаси оптимистик характерга эга бўлиб, қаҳрамонлар фаолиятининг якуни сифатида тўй тасвири, адашгандарнинг топишиб, мурод-мақсадга етганлигини кўрсатиш билан тамомланади. Тугалланма зачиндан фарқли ўлароқ ҳам наср, ҳам назмда берилиши мумкин. Айрим ҳолларда бахшилар тугалламада қаҳрамонларнинг мурод-мақсадларига етганликларини кўрсатиш билан бирга, ўзлари ҳақида галирадилар, тингловчи ва ўқувчиларга яхши истаклар билдирадилар. Мисоллар:

Гўруғлибек Така-Ёвмитнинг элига одам қўйиб, Зулхумор ойимга тўй бошлаб, қирқ кун тўй қилиб, қанча ўйин қилиб, тўйни тарқатди. Қўн инъом-эҳсонлар билан тўйни тамом қилиб, мурод-мақсадларига етди («Равшан»).

Шуйтиб ўз юртини шунқор кўрибди,
Омон-эсон бунда элга келибди,
Гуноҳкорлар Ҳакимбекдан ўлибди.
Шундай қилиб, кўрди ўсган шаҳрини,
Ўзи қайтиб олган Барчин ёрини,
Шуйтиб топган мурод-мақсадларини,
Фозил шоир айттар билгандарини.
Бу сўзларнинг бири ёпон, бири чин,
Вақти хушлик билан ўтсин кўрган кун,
Эблаб-себлаб айтган сўзим бўлди шул.
Хой десаңг келади сўзниң маъкули,
Шоир бўлар, билинг, одам фақири,
Шуйтиб адо бўлди гапнинг охири.

(«Алломиши».)

Достонлардаги эпик клишеларни яққолроқ тасаввур қилиш учун «Алломиши» ва «Равшан» достонларида мавжуд отни эгарлаш тасвиридан айрим мисоллар келтириш билан чекланамиз. Ахлоқий насиҳатлар билан тўлган от эгарлаш картинасида мардлик ва жасурлик улуғланади, от абзаллари сифатланади. Бу эпик клишени қўллаш достончилар ўртасидаги анъанани кўрсатса, ундан моҳирлик билан фойдалана билиш уларнинг санъаткорлик кучини намойиш қиласади. Масалан:

Оша элга оғсан тортар хўрликни,
Бек Алломиши қиласар бу кун эрликни,
Бисмилло деб солди отнинг устига,
Кимхоби майиндан бўлган терликни.

Мард бўлганлар қарар экан дурбини,
Усталар ишлатар шұлат қирғини,
Шул замонда солди отнинг устига
Зарлигу зарбобдан бўлган чиргини.

Чиргининг устидан қўйди белликни,
Боз устидан солди жаҳалдирикни.:

(«Алломиши».)

Олис юртдан оғсан тортар хўрликни,
Бедов мингак йигит қиласар эрликни,
От белига қўя берди бек Равшан
Тоза ипак, майин, қалин терликни.

Узоқ юртдан беклар кўрасар дурбини,
Усталар ишлатар теша, қирғини,
От устига қўя берди бек Равшан
Уймалаб ташлаган бахмал чиргини.

Бек Равшанинг шу ишлари кўллиди,
Бир тарафи эрка ўсан — ўрликиди,
Энди кўринг Равшанхондай полвонни,
Чиргининг устидан қўйди белликиди,

Чамбильда бек Равшан кунгли тирикди
Энди кўринг бол Аваздан жирикди,
Томоша қинг бек Равшандай тўрата,
Суяб қўйди қундуз жаҳаздирикди...

(«Равшан».)

Шу тариқа эгар, узанги, давур, айил, пуштан, қуюшқон, ўмулдирик, юган каби от абзаллари тасвири берилади. Ҳар икки достондан олинган мисралар деярли ўхшаш. Фарқи эса баъзи абзалларнинг эпитетлари ва айрим мисраларда кўринади. Демак, эпик клишелар барча достонларда айрим ўзгаришлар билан гина қўлланила берилади. От абзаллари тасвиридаги биринчи икки мисра гўё достон мазмунига алоқаси бўлмай, қофия талаби билан келтирилгандаи кўринади. Аммо биринчи икки мисра отнинг у ёки бу абзалига қофиядош қилиб келтирилиб (масалан, забарни-табарни-эгарни), қофияда ўзаро чамбарчас боғланиш билан бирга, умумий руҳи жиҳатдан достон мазмунига ҳамоҳангдир. Мардлик ва қаҳрамонликни улугловчи, ўз даврининг ахлоқ кодекси сифатида жарангловчи насиҳатномуз бу мисраларни достон мундарижасидан сира ҳам ажратиш мумкин эмас. Ҳатто айрим мисралар бевосита у ёки бу достонда акс этган воқелик заминидан ўсип чиққандир. Масалан, «Алломиши» достонидаги ушбу бандга диққат қилинг:

Эл кўчириб Олатоғдан оширди,
Сирин айтмай душманлардан яширди,
Иккви ҳам тилладандир узанги,
Ярқиллатиб икки ёқса туширди.

Достонларда эпик клишелар билан бир қаторда анъанавий услугуб элементларидан яна бири — достондан достонга қўчиб юрувчи, тайёр, қолип ҳолига келиб қолган мисралар, иккиликлар, ифодалар — доимий стилистик формулалар ҳам муҳим ўрин тутади. Мисралар: «Хазон бўлмай боғда гуллар сўлдими, сўлган гулга булбул келиб қўндими», «Қийғир деган қуш ўлтирас қияда», «От чопса гумбурлар тогнинг дараси, ботирни ингратар найза яраси», «Учқур эдинг қанотингдан қайрилдинг, юргут бўлсанг туёғингдан тойрилдинг», «Ошиқнинг фаҳмидир қо-

ронги кеч», «Ёмғир ёғса, ҳалқоб ерлар лойлансин», «Баҳорда очилган боғнинг гулисан», «Қизил гул очилар ғунчадан ғунча».

Достон мазмуни билан у ёки бу даражада боғланган, айрим ҳолларда афоризмлилик хусусиятига эга бўлган бундай мисралар банднинг бошида, баъзан ўртасида келиб, айтувчининг тўхтовсиз импровизация қилишига имкон беради, қўйилиб келаётган фикр оқимини моҳирлик билан тезроқ баён қилишга ёнгиллик тудиради. Банддаги бошқа мисралар билан қофияда маҳкам боғланган бундай қайтариқлар достончининг сўз топишига бир оз фурсат яратиб, кейинги мисраларни тезлик билан ижод қилишга шароит ҳозирлайди.

Достонларда доимий стилистик формуласалар қофия, вазн талабига, қўллапиш ўрни ва вазиятига кўра айрим ўзгаришлар билан ишлатилади. Масалан, «Алломиши» достонида «Хазон бўлмай боғда гуллар сўлдими» сатридаги «бўлмай» сўзи «бўлиб», «бўлса» шаклида; «сўлдими» сўзи «сўлгандир», «сўлганда», «сўлганди», «сўлибди», «сўлади», «сўлмади», «сўлсин-да», «сўлганми», «сўларми», «сўл маса», «сўлмасин», «сўлмасми», «сўлармикан», «сўлар дейман» формаларида қўлланилган.

Юқоридагилардан ташқари, доимий эпитетлар, ўхшатишлар ҳам анъанавий услугуб элементларидан ҳисобланади. Анъанавий услугуб ва бахшилар ижодий бадиҳасининг диалектик бирлиги, ўзаро алоқаси фольклорнинг асосий хусусиятларидан бўлиб, оғзаки поэзиянинг гоявий-эстетик моҳиятини белгилайди. Кўп авлодлар томонидан шаклланган ва бизгача давом этиб келган анъаналар, анъанавий поэтик услугуб ҳалқ оғзаки ижодининг, фольклор жараёнининг асосий белгиларидан саналади. Чунки фольклор умумлашган, барқарор традициялар доирасида юзага келади, яшайди, ривожланади, ўзгаради ва сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам ҳалқ достонларида традицион услугуб ва поэтик формалар стакчилик қиласи.

Ўзбек ҳалқ достонларининг тарихий-маданий аҳамияти тенгсиздир. У ҳалқимизнинг ўзига хос бадиий тарихидир. Унда ҳалқимизнинг асрлар бўйи қилган оразу-умидлари, порлоқ келажак ҳақидаги ўй-фикрлари мужассамлашган. Достонлар жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу ўринда ҳалқ бахшиси Бекмурод Жўрабой ўғлиниң «Авазнинг арази» достонининг охиридаги бир қайдини келтириш жоиздир:

Биз айтамиз неча турли достонди,
Бу достонлар бизга бөгү бүстөнді (р),
Эшиттанлар күнглип ботир қилмоқда
Мақтамиз Алномиши, Гүруғли арслонди.

Мақсадимиз улар отиң билмоқдир,
Мақсадимиз завқу сафо, қулмоқдир,
Айтиб бурунги ботирлар исмини,
Совет гражданин ботир қилмоқдир.

Демак, достон ва достопчиликдан мақсад мөхраткаш омманинг кайфияти ва рухиятини күйлаш, шу рұқ ва кайфиятга мос идеалдаги «бурунгилар» сабоги орқали баҳши билан юзма-юз турган тингловчилар доирасининг «күнглини ботир қилиш», уларни янада әзгулик ва олижанобликка йүллашдир. Халқ достонлари миллий ифтихор ва үз-үзини англаш, ватанпарварлық ва интернационализм түйгүларини тарбиялашда муҳим гоявий-эстетик вазифа үтайды.

Халқ достонлари профессионал санъат тараққиетіда, үзбек халқи маданияти ривожида катта роль үйнади. Халқ достонлари мотивлари асосида «Алномиши», «Равшан ва Зулхумор», «Орзигул», «Тоҳир ва Зухра» драмалари ҳамда «Тоҳир ва Зухра» кинофильми яратилди. Достонлар ёзувчилар, шоирлар, кинематографлар, рассомлар, ҳайкалтарошлар, фан ва маданият арблари учун бит-мас-туганмас ижод чашмасидир.

Оғзаки драма

Масхарабоз, қизиқчи ва құғирчоқбозлар томонидан яратылған, улар ижросида анъанавий халқ театри спектаклари сифатида авлоддан-авлодға оғзаки равишда үтиб келганд драматик асарлар оғзаки бадий ижоднинг маҳсус турини ташкил этади. Фояйи-тематик жиҳатдан сатирик ва юмористик йұналишда булиши, тузилиши томонидан диалог ва монологлардан иборатлилiği, сақнада үйнап учун мүлжакланғанлиги оғзаки драманинг асосий хусусиятларидир. Оғзаки драмалар анъанавий халқ театрининг асосий репертуари ҳисобланади, қизиқчи ва масхарабозлар эса, бу театрнинг ижрочи ва ижодкор актёrlаридир.

**Қизиқчи ва масхара-
бозлар театри** Оғзаки драмалар қизиқчи ва масхарабозлар томонидан анъанавий халқ театrlарida ижро этилади. Халқ театри синкеттик характерга әга бұлиб, бадий сұз, қиёфа ҳамда ҳаракат ёрдамида конкрет сақнавий характерлар ва шу характерлар түқнашувида спектакль яратипши билан ажрапи туради. Халқ театрининг актёrlари — қизиқчи ва масхарабозларнинг аксарияти турмуш шароити тақозоси билан санъатнинг бир неча туридан яхшигина хабардор бұлғанлар. Чунончи, наирантбознинг дор устида үйнаши, дорбознинг карнай, сурнай чалиши, сурнайчининг құғирчоқ үйнаши, құғирчоқбознинг ёғочоёқда юриши кабилар табиий бир ҳол бұлған. Шунингдек, яхши масхарабоз ва қизиқчи ҳажвий сақналарни ижро этиш билан бир қаторда соз чалар, үйнап, ҳофизлик қилас, ҳикоя айтар, асқияга құшилар, күз bogловчи бұлар, үмбалоқ ошар, құғирчоқ үйнатар әди. Аммо бу универсаллікка қарамасдан ҳар бир санъаткорнинг үзи танлаган, севган ва ихтисослашған, натижада уин халққа манзур қилған санъати бұлған. Ҳар бир санъаткор мана шу үзи танлаган соғага яқин санъатларнегина яхши билғап. Масалан, дорбознинг мақомчи ҳофиз, мақомчи машшоқнинг

масхарабоз булиши қийин әди. Демак, халқ санъатипинг чегарасини белгилаш ва турларини аниқлашда унинг предмети ва спецификасидан келиб чиқилади. Машхур Юсуфжон ака Шакаржонов (1869—1959) доира чалиб, қўшиқ айтиши, асқия пайровларига иштирок этишига қарамай, қизиқчилик, масхарабозлик, латифагўйликда шуҳрат қозонган ва «қизиқчи» касби лақабига айланиб қолган әди.

Узоқ замонлардан бери халқ театрининг қизиқчи ва масхарабозлар ҳамда қўғирчоқбозлар театри каби икки тури мавжуд бўлган. Тутун, воқеа ривожи, зиддият, кульминация нуқта, ечим каби элементлар мавжуд бўлган оғзаки пьеса асосида икки ва ундан ортиқ актёр томонидан костюм, грим, жонли декорация ёрдамида ижро этиладиган халқ томошалари масхарабоз ва қизиқчилар театрининг асосий формасидир.

Халқ орасида яшаб келаётган бир группа қулгили ҳикоялар борки, улар ўз характери ва қурилиши билан оддий оғзаки драмадан учча фарқ қўлмайди. Унда драмага хос бутун қонуниятлар мавжуд бўлиб, диалог ва монолог асосий ўринни эгаллади. Бу хил ҳикояларининг халқ драмасидан биргина фарқи шуки, унда онда-сонда ҳикоячи аралашиб турари ва қўшища костюмсиз, гримсиз қурсатилади. Бу кулги ҳикоялар қизиқчи ёки масхарабозларнинг юксак маҳорати туфайли театр даражасига кутарила олган. Масхарабоз ҳолатга кириб образ яратади, ҳикоя қиласи, тақлид бажаради¹.

Халқ театрида бош ижодкор масхарабоз, қизиқчи ва қўғирчоқбозdir. Улар ҳам яратувчилик, ҳам ижрочилик, ҳам ташкилотчилик вазифаларини бажаради. «Қизиқчи», «Масхарабоз» терминлари ҳар жойда ҳар хил маънода қўлланади. Бу икки термин орасида бир-бирига яқинлик бўлса-да, ўзига хос маънолари бор. Нутқи, ҳажвий хатти-ҳаракатлари билан одамларни кулдириб юрувчи, оддий, шұх ва хазилкаш кишилар қушинча қизиқчи деб юритилган. Одамларни кулдиришни ўзларига хунар қилиб олган ва маҳсус кийиниб, юзларини буяб, сайил, туйбазм, байрамларда томошা қўрсатиб юрувчи кишилар, асосан, масхарабоз деб аталган. Баъзи жойларда ҳар иккаласи бир мазмунда ишлатилган.

¹ Қаранг: М. Қодиров. Ўзбек халқ оғзаки драмаси, Тошкент, 1963.

Масхарабозлик, қизиқчилик тушунчаларига халқ театридан ташқари санъатнинг рақс, цирк, латифагўйлик каби турларига тааллуқли бўлган ҳамда хажвий, тақлидий шаклда ижро қилинадиган асарлар ҳам киради. Худди шундай масхарабоз ёки қизиқчи деганда спектакль яратиш билан бир қаторда ўйнаб, тақлид қилиб, тус ўзгаририб, ашула айтиб, найранг қўрсатиб одамларни кулдирадиган талантли кишилар назарда тутилади. Бу санъаткорлар меҳнаткаш халқ вакиллари дилар.

Масхарабоз ва қизиқчилар орасида ўз санъатини пухта эгаллаган ва уни халққа манзур қилган машхур профессионал усталар билан бир қаторда, бу ишга онда-сонда аралашадиган ҳаваскорлар ҳам бўлган. Шуниси характерлики, уларнинг ҳар иккиси ҳам, асосан дехқон, чўпон ва бошқа касб-хунар эгалари орасидан этишиб чиқкан кишилардир. Профессионал қизиқчи, масхарабозларнинг аксарияти сайдиллар, тўй ва бошқа тантанали маросимлар камайган вақтларда ўз касб-хунарлари билан шугулланганлар. Қўқон қизиқчиларидан Зокир эшон — заргар, Мўмин қишлоқи — дехқон, Абулҳасан — түқувчи, Усмон қизиқ — этикдўз, Саъди маҳсум — дўқондор, Баҳром новча — қассоб бўлган. Қашқадарё водийсининг машхур масхарабозларидан Мизроб ва унинг шогирди Бердиёр Диёров — чўпонлик, Очил маст — новвойлик, Ҳалим тайёр — атторлик. Хўжа пучук — тарозибонлик қилган. Бухороатрофида ном чиқарган өта-бола Тўла масхара ва Гадой масхара дехқончилик билан машгул бўлганлар. Меҳнат қилиш, доимо меҳнаткашлар орасида бўлиш масхарабоз ва қизиқчиларга халқ ҳаёти, ҳис-туйгуси, орзу-интилишлари, хурсандчилиги ва қайғу-аламларни яхши билиш имконини берган.

Революциягача қизиқчи, масхарабозларнинг уюшмалари бўлган. Қишлоқ қизиқчи, масхарабозлари эса, машшоқ, ҳофиз, ўйинчилари билан бирга бир групша («даста», «тўда», «тўп» дейилларди) булиб юрганлар. Уларнинг ташкилотчилари «корфармон» деб аталган. Корфармон халқ театрида режиссрлик вазифасини ҳам бажарган.

Ўзбек халқи орасида алъянавий хотин-қизлар театри ва унинг ўзига хос драматургияси ҳам бўлган. Самарқанддаги хотин-қизлар театрида «Жоду олиш», «Она ва қизнинг тўйга бориши», «Замбур», Тошкентда «Пиёнистанинг тўйи», «Буғдой сотувчи савдогарлар», «Қурт бо-

қувчи хотинлар», «Чолнинг уйланиши», «Ота үлими», Фарғона водийсида «Қайнана ва келин», «Кундошлар», «Матқосим болам» каби комедиялар маҳорат билан ижро этилган.

Хотин-қизлар театри қурилиши, бадиий восита ва усуллари билан эрлар театртига яқин туради. Лекин бу театрларни бир-биридан ажратиб турувчи жиддий фарқлар ҳам бор. Хотин-қизлар театрида ижрочилар ҳам, ижодчилар ҳам хотин-қизлардир. Хотин-қизлар театрида эркаклар ролида хотинларнинг чиқиши, эрлар театрида хотин-қизлар ролида эркакларнинг чиқиши одат бўлиб қолган эди. Халқ театрининг кескин равишда иккига бўлинниб қолиши феодал тузуми ҳамда унга хизмат қилувчи ҳукмрон мағкура бўлган ислом дини эрлар билан хотинларнинг бирга томоша кўрсатишлари, кунгил очишлари, ўйин-кулги қилишлари у ёқда турсин, ҳатто бир уйда юзма-юз ўтиришларини ҳам қаттиқ таъқиқлар эди.

Хотин-қизлар орасида оғзаки драма соҳасида малака ҳосил қилган қизиқчи, масхарабозлар билан бирга, уларга эргашувчи ҳаваскорлар ҳам кўп эди. Хотин-қизлар бўш вақтларида, сайил, маърака-мажлис, саёҳат ва тўйлардагина қизиқчилик санъатини намойиш қилганлар. Улар таклиф қилинган жойларга уч-тўрт киши бўлиб боргандар. Кўп персонажли драмалар ўйналганда, айrim ролларни ижро қилишга томошабинлар жалб қилинган. Аммо бош роллар малакали аёллар томонидан бажарилган. Тайёргарлик ишлари ва томошани ташкилотчи ҳамда режиссер вазифаларини бажарувчи тўп (тўда)нинг бошлиғи бошқарган.

Томошалар кўпинча уй ичида, эркаклар кузидан панароқ боғ, сайилгоҳ ва бошқа жойларда кўрсатилган. Қўшиқ, ялла ва рақс алмашиниб турган. Ҳар томошадан сарқарда раҳбарлигига алоҳида хона ёки пана жойда қиссашаш машҳ (репетиция) ўтказилган. Ўйинга мос кийим-кечак (костюм), грин қилинган.

Хотин-қиз қизиқчи, масхарабозларнинг репертуари ранг-бараңг ва бой. Уни лирик, ҳажвий, меҳнат ва маросим қўшиқлари, ўйинлари, кулгили ҳикоя ва латифалар, тақлидлар ташкил қиласди.

Оғзаки драмаларда ижтимоий ва ахлоқий масалалар акс эттирилади. Золим ва ўзбошимча амалдорлар, кўзбўямачи ва муноғиқ руҳонийлар фош қилинади, эрлар зулми, ичкари ҳаёти, кундошлик балоси қораланади. Соғ

муҳаббат ва бегараз дўстлик, ёруғ дунё, шифобахш табиат, эркинлик улуғланади.

Импровизация — хотин-қизлар оғзаки драмаси учун ҳам характерли усул. Чунки ижрочиларда тайёр текст бўлмаган, улар оғзаки сюжет, фабулага суюниб иш кўрган. Импровизация ижрочиларга кенг ижодий имкониятлар ва катта саҳна эркинлиги яратиб берган.

Халқ театри билан бир қаторда, хон, бекларга, уларнинг маҳрамларига хизмат қилувчи сарой театр труппалари ҳам бўлган. Эксплуататорлар халқ театри актёрлари (қизиқчи, масхарабозлари)дан ўз манфаатлари йулида фойдаланишга, улар орқали ҳалқка таъсир қўрсатишга уринганлар. Қизиқчи, масхарабозлар саройларга зўрлаб келтирилган, ҳукмдорларга хизмат қилмаганлари таъқибга учраган, қаттиқ жазолангандар. Аммо саройга мажбуран келтирилганлари ҳам эксплуататорларнинг иллатнуксоналарини аччиқ кулги билан фош этишдан ҳайиқмаганлар.

Қизиқчи ва масхарабозларнинг репертуари жанр эътибори билан ҳам, тур нуқтаи назаридан ҳам хилма-хил бўлишига қарамай, оғзаки драматургия асосий ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган.

Оғзаки драматургия Халқ театрлари оғзаки драматургиясида драматик ҳаракат, саҳнавий уйин текст билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг бирини иккинчисисиз тасаввур қилиш қийин. Халқ пьесаларининг «ўйин» деб аталиши ҳам унинг мана шу спецификасидан келиб чиқсан. Оғзакилик, умуман, халқ ижодининг, жумладан, масхарабозлар драмасининг етакчи хусусиятларидан биридир. Маълум мавзулар, сюжетлар, образлар давр талаби ва ҳар қайси ижрочининг ижодий принциплари ва услубларига мос ҳолда ўзгариб, таомиллашиб боради. Давр руҳига мос келмай, томошабинлар эътиборидан четда қолган айrim тема, образ, мотивлар унутилади ва, аксипча, қундалик ҳаёт тақозо қилган актуал темаларда янги-янги драмалар юзага келади. Ҳар бир масхарабоз, қизиқчи традицион сюжет, образларни талқин этишда ўз дунёқарashi, тажрибаси, эстетик диди ва маҳоратини ишга солиб, индивидуал ижод қиласди.

Халқ театрида қишлоқ кўчаси, шаҳар бозори, ҳовли юзаси, гулхан атрофи, уй ичи «саҳна» бўлса, табиат манзараси: дала, дарахтзор, саҳро, ой ва юлдузлар бу «саҳна»

нинг безаклари вазифасини бажарган. Халқ драмасининг мана шу «саҳна»да, тўрт томондан қур солиб турган томошабин даврасида ўйналиши ижрочилардан маълум услуб ва тасвирий воситалар, бадиий маҳорат талаб қиласди. Бунда ҳамма нарса — диалог, ишора, ҳаракат, костюм (кийим-кечак), грим (нардоз), бутофория (асбоб), декорация аниқ ва ёрқин бўлмоғи керак. Умуман, халқ театрида ҳамма саҳнавий тасвирий воситалар, ўзига хос саҳналаштириш ва ижрочилик услублари драма ғоясини тұла ва ёрқин очишга қаратилган бўлади. Чунончи, қаҳрамоннинг костюми (кийим-кечаги) ва грими орқали юзага келган ташқи қиёфаси (портрети) унинг ижтимоий чиқишини, феъл-авторини бўрттириб қурсатиши керак. Пъесаларнинг саҳнадаги талқини уларни ижод қилиш ва ижро этиш жараёни билан узвий боғлиқдир. Ҳар қандай оғзаки драманинг сюжет чизиги, фабуласигина маълум бўлиб, ижрочилар томоша жараёнида уни диалог, қиёфа ва ҳаракат билан тўлдирадилар ҳамда тұла гавдалантирадилар. Масхарабозлар театри томошаларининг спецификаси яна шундаки, унда ижрочи томошабин билан мустаҳкам алоқада бўлади. Бирорта ҳам халқ спектакли бўлмаганки, унда бир неча томошабин ижрочи сифатида қатнашмаган бўлсин. Томошабинлар «жонли декорация» (тўғон, мозор, тол, тандир, дўкон ва шу кабилар) бўлиб турганлар, эпизодик ролларда ўйнаганлар, қаҳрамонлар билан баҳслашгаплар ва ҳоказо. Бундан ташқари, томошабинлар «саҳна»даги гац, ҳаракат ва имо-ишорани зўр ҳаяжон билан ўта таъсирланиб қабул қилган ҳамда уз ҳис-ҳаяжонларини томоша пайтидаёт очидан-очиқ изҳор этганлар.

Ўзбек халқ оғзаки драмаси объектив ҳаётий воқеликнинг айрим томонларини сатирик ва юмористик формада акс эттиради. Ундаги асарлар ҳажми турлича бўлган комедиялардир. Улар, асосан прозаик — наср шаклига эга. Бироқ шеърий формада яратилганлари ҳам бўлган. 1922 йилда Гулом Зафарий ёзиг олган «Эр ва хотин» пъесаси шеърий оғзаки комедияларга яққол мисол бўла олади:

Хотин. Менинг бир ёрим бор жонидан тўйган,
Жонидан тўйибон жабронга қўйган,
Жабронга қўйибон олдизга келган.
Кози. Қани, қани?..
Хотин. Мана, ўзи.

| | |
|--------|---|
| Қози. | Қўйдингми, аҳмоқ? |
| Эр. | Қўймас эдим, сочлари пахмоқ. |
| Хотин. | Қатиқ келтирмади, тақсир, ювмадим, Тароқ келтирмади, тарай олмадим. |
| Эр. | Қатиқ олиб берсам, ялаб қўйибдири, Тароқ олиб берсам, қалаб қўйибдири. |
| Хотин. | Тақсир, тумов эдим, ялаб қўювдим, Хўрдам қайнамовда, қалаб қўювдим. |
| Эр. | Тақсир, олиб келдим бир боғ янтоқни, Худой олсин бундай сочи пахмоқни. |
| Хотин. | Мен ҳам чиқмас эдим соқоли пахмоқ, Қатиқ келтирмаган ўзлари аҳмоқ. |
| Кози. | Бор, кет, сени қўйди, эриш олмайдир. Бу хил эру хотинчилик бўлмайдир. |

Оилавий тотувсизлик темасида яратилган бу комедияда иқтисодий ҳукмронлик асосига курилган оила мустаҳкам эмаслиги, шу туфайли келиб чиқсан можаро ажралишга олиб келганлиги кулги остига олинган.

Халқ оғзаки комедиялари тематикаси, гоя ва воситалар жиҳатидан бениҳоя турли-тумандир. Бирида золим, мунофиқ, амалдор фош қилинса, бирида ҳунарманднинг мақтандоқлиги устидан кулинади, яна бирида жоҳил ва мутаассиб руҳоний масхара қилинса, бошқасида урғ-одат, маросимларнинг ёмон, беҳуда томонлари очиб берилади. Комедияларнинг бири конкрет шахс ва унинг характер, ахлоқидаги нуқсонларни масхара қилувчи оддий тақлид бўлса, иккинчиси муҳим ижтимоий конфликтни ёритувчи муқаммал драмадир. Шўнга кўра, оғзаки пъесалар ғоявий мазмуни ва характерига қараб, сатирик ва юмористик комедиялар групласига киради.

Ижтимоий-сиёсий воқеалар, синфлар ўртасидаги антагонистик зиддиятларни очиб ташлаб, ҳукмрон табақаларга оид типлар устидан куловчи барча асарлар сатирик комедияларга мансуб. Халқ турмушида, маросим ва урғ-одатларида учрайдиган ҳар хил камчилик ва нуқсолларни ҳажв қилувчи асарлар юмористик комедиялар групласига киради.

Жамиятнинг илғор фикрлари, идеалларига тўғри келмаган ва зид бўлган ҳамма нарса, ҳодисалар халқ учун ҳажв бўла олади. Ҳажвий кулги — тапқиднинг эмоционал формасидир. Кулги қаңчалик асосли ва кучли жарангласа, танқид шунча зўр ва ўтқир бўлади. Халқ сатираси илғор сиёсий, эстетик ва ахлоқий идеаллар ва нормаларга тўғри келмайдиган, уларни амалга оширишда ёғов бўладиган

ҳамма нарсани фош этади. Юмор у ёки бу воқеа-ҳодисаларни кўпроқ тузатиш ва яхшилашга, йўқотишга хизмат қилади. У дўстона, хайриҳоҳ қулгидир.

Оғзаки сатирик комедияларда амалдорлар, бойлар, судхўрлар, руҳонийлар, ўғрилар, қиморбоз ва безориларни фош этиш марказий ўринда туради. Халқ сатирасининг ўткир тиги, аввало, феодал давлатининг таянчи бўлган амалдорларга қарши қаратилишгандир. «Раис», «Хирмон қўтариш», «Мироб», «Қозибозлиқ», «Амалдорларнинг тўйига бориши» каби бир қатор драмаларда қози калондан тортиб то раста оқсоқолигача бўлган маъмурий ва диний амалдорлар галереяси сатирик воситалар билан аёвсиз фош этилади.

«Раис» комедиясида хонлик, амирлик ва ислом динининг ишончли қаноти бўлган катта амалдорлар, дин ва шариат ҳомийлари масхара қилинади. Драмада раиснинг бир кунлик «фаолияти» акс эттирилган. Унинг мазмуни шундай: Раис мулозимлари кузатувида катта бозорга кириб келади. Раствама-раст аюриб сотувчиларнинг тош-тарози ва ўлчовларини текширади. Кейин бир-икки кишини тутиб олиб, қуръон ва шариатдан саволлар беради. Пора берганларни кечиради, қолганларини эса, дарра билан уради.

«Раис» сатирик комедиядир. Унда 20 га яқин персонаж иштирок этади. Булар ичиди раис мулозимларидан ташқари савдогарлар, баққоллар, косиб ва деҳқонлар бор. Бироқ асосий сатирик қаҳрамон раис билан унинг ёнидаги икки мулозим ҳисобланади. Масхаробозлар раиснинг бақириқ-чақириқлари, сиёсати ва ҳукмлари, ҳаракати ва қиёфаси орқали унинг золимлиги, порахўрлиги, риёкорлиги ва калондимоғлигини яқол кўрсатади. Энг аввал шу нарса характерлики, раис «бозор»га (томушга қўйиладиган жой, «саҳна» вазифасини ўтайдиган ерга) икки жиловдор етаклаган «отга» (бу ролда ҳам асосан одам ўйнайди) тескари мингтан ҳолда, бошини саватдай, қорини сомонтиқилган қопдай қилиб, кириб келади. Раиснинг мана шу ташқи қиёфасининг ўзиёқ томошабиннинг ичагини узади ва унга эстетикроҳат бағишлияди. Халқ актёрлари бу билан раиснинг бошдаги салласи ҳам, унга савлат бериб тургап семиз қорни ҳам, тагидаги «жийрон оти» ҳам қалбаки, ундан қўрқманглар, демоқчи буладилар. Раис бозорга кириши биланоқ, «бир пиёла қайноқ сув» сўрайди. Мулозимларидан бири қўлидаги ўпкани «от»нинг орқа-

сига уриб, унинг оғзига тутганда, у «алҳамдулилло, худоға шукур» деб ичган бўлади. Томошабин яна қаҳ-қаҳ уриб кулади. Чунки ҳамма нарсаси қалбаки бўлган бу амалдорнинг обруйи ҳам қалбаки, ақл-фаросати йўқ, уни ҳатто ўз мулозимлари ҳам ҳурмат қилишмайди. Мана шундай одамнинг қўлига савдо-сотиқни юритиши ва кишиларнинг тақдиди бериб қўйилган.

Сотувчи ва харидорларга муносабатида раис характерининг янги-янги томонлари очила боради. Бозор оқсоқолларининг ўз олдига қўрқиб, титраб-қақшаб келган баққол, косиб ва деҳқонларга муомаласи «ҳа, падарингта лаънат»дан иборат бўлади. Бу беодоблик, золимлик кишиларнинг томошадан ҳосил бўлган қулгисини нафрат туйғуси билан алмаштириб юборади. Томошабиннинг нафрат-ғазаби ва ҳаяжони раиснинг пора берганларга индамай, порага қурби етмаган камбагалларни жазолашида яна кескинлашади. Раис айланиб юриб, даладан тутган беданасини ва ўзи тўқиган тўрқовоқларни сотаётган беданабозни ушлаб келтиради. Уни «савдогар ва порахўрнинг энг каттаси мана шу»,— деб хўп қалтаклатади. Раиснинг хизматкорлари — мулозимлар ўзларининг бутун хатти-ҳаракатлари билан хўжайнларига ўхшаш ҳаракат қиласилар. Шунинг учун улар раста аҳлларига нисбатан дагал ва тақаббур, хўжайинига нисбатан лаганбардор, ийқилиб ер ўпадиган.

Ўтмишда деҳқонларнинг оғир аҳволини тасвирловчи ва бир гуруҳ амалдорларни фош этувчи «Хирмон қўтариш» комедияси ҳам характерлидир. Унда тасвирланишича, икки деҳқон бир йил тер тўқиб топган буғдой ҳосилини хирмонга уяди. Дарга хирмонларни мухрлайди. Амалдорлар келиб қолса, хирмоннинг баракаси учеб қолишини яхши билган биринчи деҳқон ўз хирмонидан бир қоп галлани яширади. Қайтиб келган дарға мухрингини бузилганини қўриб ғазаблапади, аммо икки қоп галлани олиб шаштидан қайтади. Иккиси деҳқон ҳам буғдойининг бир қисмини яширади. Лекин у мухр бузилганини пайқаган даргага ҳеч нима бермайди. Амалдор бошчилигида амин, оқсоқол, домла, эшон, баққол ва бошқалар кириб келади. Тақсимот бошланади: Ҳукумат хирожига ажратилади, амалдорлар кафсан оладилар, деҳқонларни қарздор қилиб қўйган баққол, сартароп ҳам ҳақ олади. Гадо ҳам қуруқ қолмайди. Оқибатда биринчи деҳқоннинг хирмонида озгина дон қолади, даргани «хафа» қилган ик-

жинчи дәхқоннинг хирмонида эса ҳеч нарса қолмайды, унинг әшигидә бир йил ишлаган мардикор ҳам қуруқ қолади. У дәхқондан ўз ҳақини талаб қилиб жанжал күтариғы.

Комедияга танланган тема ва ҳаёт материали уз характери ва моҳияти билан замонаси учун типикдир. Драманинг аҳамиятли томони шундаки, унда феодал тузумидаги икки ижтимоий гурұх одамлари бир-бирига қараша-қарши қўйилади. Бир томонда эксплуататор синф вакиллари — дарға, амин, оқсоқол, домла, эшон, баққол ва амалдорлар турса, иккинчи томонда әзилувчи синф вакиллари—новча (мардикор), мулозим, хизматкор ва дәхқонлар туради. Асар конфликтин мана шу антагонистик синф вакилларининг тұқнашувидан келиб чиққан.

Халқ оғзаки ижодида бойлар, судхұрлар ва савдогарларни ҳам қаттық ҳажв остига олувлы қатор комедиялар яратылған. «Судхұр акам жон беради», «Судхұрнинг ўлими», «Хундибозлик», «Бой ва косиб» каби асарлар шулар жумласига киради.

«Судхұр акам жон беради» асарининг мазмуни шундай: Судхұрнинг умри тугаб, ўлімі яқинлашиб қолади. У мол-дунёға ичи ачиб, ўлім билан олишиб құради. Ўғли келиб отасининг жон бераётганидан зорланади ва унинг васиитини олиб қолышга уринади. Судхұр ўғлига омборхонанинг калитини чиқарып береб җон беради. Катта мерес хұжайини бўлиб олган ўғил хурсандчилигидан сакраб-сакраб ўйнайди. Комедия судхұр характеристерини очадиган қўйидаги байтни даврадаги беш-олти киши қушық қилиб айтп билинг жон беради:

Судхұр акам жон беради,
Жонини қандоқ беради?

«Судхұрнинг ўлими» деган бошқа бир комедияда судхұрнинг икки ўғли бўлади. У ўлім тұшагида ётганда, ўғилларини чақириб, улардан ота меросини нима қишилларини сўрайди, ўғилларидан-бири: «Мол-дунёғизни ичаман, жувонбозлик қиласман, қимор ўйнайман», — дейди. Иккинчиси: «Бирингизни ўн қиласман, одамларнинг қўзи-ни ўйман», — деб жавоб беради. Судхұр иккинчи ўғлининг жавобидан хурсанд бўлиб, калитни унга беради. Ота ўлғач, ака-ука калит учун уришиб қоладилар. Безори ўғил калитни олиб қочади.

«Бой ва косиб» масхарабозлиги ҳам судхұрликни фош этишга қаратылған. Вөкеа жуда содда ва сермазмун.

Косиб уч-тұртта қадропнлари билан чилдирма чалиб қўнгил очиб ўтирганда, бой кириб келади:

Бой. Абдуқодир, ҳо, Абдуқодир!

Косиб. Ҳо, ҳо... (бой киради). Келдингизми?

Бой. Ҳа, келдим.

Косиб. Жуда яхши келибсиз. Пулингизга келгандирсиз-да?

Бой. Ҳа-да, Абдуқодирбой.

Косиб. Жуда яхши, хуллас, сизнинг келишингиз күп-у, бизнинг берипшимиз күп. Келавериб, олавериб, бору йұғымни шилавериб, ҳеч нимаим қўймадингиз. Мана, энді бисотимдан қолгани мана шу шалтоқи әшак тұқими. Мана буниям олиб, ювибтараң-да, ўзингиз сотиб пул қилиб ола қолинг! (Бойга қараб тұқимни иргитади).

Бу драмадаги диалог судхұр бойнинг қиёғасини очиш воситаси. У косиб-хұнармандлар терисини шилувчи золим, очкұз судхұр сифатида гавдаланади.

Масхарабоз ва қизиқчилар репертуарида руҳонийларни фош этувчи «Кар ҳожининг намоз ўқиши», «Замбур», «Домла», «Құхистонлик домла», «Чұлдаги намоз» каби сатирик комедиялар апчагинадир. Булар ичиде «Құхистонлик домла» комедиясы характерерли.

Бир қишлоқи дәхқоннинг ўғли бўлиб, кўрпа-тұшак қилиб ётиб олади. Отанинг «баҳти кулиб» қишлоққа бир домла кириб келади. Домла беморни кўриб, уни жинлар үраб олғанини, жинларни ҳайдаш учун чиллаёсин ўқитиши кераклигини айтади. «Дами зўр» домланинг чиллаёсинаидал дәхқоннинг ўғли яхши булиш ўрнига жон беради. Бу курғиликдан даргазаб бўлган ота домлани калтаклади.

Комедия уша даврда рўй бераётган кундалик вөкеалар заминида майдонга келган. Унда мактабдор домла — нағс овораси, хийлагар, дайди, муноғиқ, айёр, ёлғончи, одамларни лақиллатувчи, фирибгар, жоҳил сифатида талқин этилади.

«Мактаб» комедиясида эски мактабдаги ўқиши-ўқитишишлари қораланади: Бир киши «гүшти сизники, устихони меники» деб ўғлини домлага топширади. Кейин дарс жарайни кўрсатилиб, домланинг муллабаччаларга нисбатан қўйоллиги, ахлоқи бузуқлиги, золимлиги очиб ташланади.

«Эски мактаб турмушидан» деб аталувчи бошқа бир комедияда тасвирланишича, мақтанчоқ домла олдига бир киши ўзининг эрка шўх ўғлини етаклаб келади. Бола «бесоқолбоз», «бузоқ ўғриси» бўлган бу домланинг қўлида

ўқимайман, деб отасини хуноб қиласди. Ота алдаб-сулдаб уни кўндиради. Домла болани ўқита бошлайди. Бироқ шум бола домлани масхара қиласди. Бунда домла боланинг шўхликлари ва бебошлиги ҳамда ўзининг мақтанчоқлиги орқали фош қилинади.

Ўгрилик, қиморбозлик, гиёвандлик (кўкнорилик, бангилик), безорилик каби разилликлар машъум ўтмишнинг жирканч иллатларидандир. Жамият нуқсонларини аёвсиз фош этувчи масхарабозлар сатирасидан бундай ярамас иллатлар ҳам четда қолмаган. Улар ҳақида қатор сатирик комедиялар майдонга келган.

«Ҳўқиз ўгриси» комедиясида икки ўрининг омборга ўғирликка тушиши кўрсатилади. Ўгрилар қонларни кўтара олмасдан молхонага ўтишади. У ердаги ҳўқизни «сўйиб», терисини «шилиб», энди қутариб кетмоқчи бўлганларида, миршаб довул қошиб қолади. Ўгрилар қўрқувдан юраклари ёрилгудай булиб қочадилар. Комедияда диалог оз, купчилик воқеа ҳаракат, имо-ишора билан билдирилади. Томошабин ўгриларнинг доимо ваҳима ва саросимага тушишидан, ташвишли ҳолатидан қулади.

«Хум ўгриси», «Мозордаги ўгрилар» комедиялари ҳам уз хусусиятлари ва тоявий мазмуни билан «Ҳўқиз ўгриси» пьесасига яқиндир. Уларда ҳам ўгриларнинг ҳамиша қўрқинч ичиди яшапи тасвирланади. Финалда ўгрилар миршабнинг довулидан қўрқиб, ўлжаларини ҳам унугиб қочиб қоладилар. Бу пьесаларда қизиқчи, масхарабозлар ўгрилар ишининг зааракунандалик эканлигини билдириш учун улар ўғирланган нарсаларни арзимас ва кўлгили қилиб кўрсатадилар. Айни вақтда, кўлги тагида зили ҳам бор: камбагалцинг уйидан нимани ўғирлаш мумкин, деган тоя ётади. Бир комедияда ўгрилар тилла гумон қилиб, бир хум тўла мушук ва кучук болаларини қутариб чиқиши кўрсатилса, иккинчисида беш ўгри бир кишининг уйини тешиб, пақир, қозон қопқори, эски тўқим сингари арзимаган нарсаларни ўғирлаб, қўлга тушиши ифодаланади.

«Тўн ўгриси» комедиясида тасвирланишича, бозор оқсоқоли мақтаниб турганда, сўфи келиб, ундан ўғирланган тўнини топиб беришини сўрайди. Оқсоқол 30 сўмлик тўнни топиб бериш хизматига 40 сўм олиш шарти билан сўфига розилик беради.

Ўгри мақтаниб кириб келади. Оқсоқол уни гап билан авраб туриб, секингина белидан аргамчи билан боғлаб олади. Сўфи билан биргаликда уни дўппослашади. Хов-

лиққанича кириб келган ўғрининг отаси бўлмиш мударрис ўғлини қутқармоқчи бўлганида, мадрасадан ўғирлаб чиққан бир жуфт кавуш қўлтиридан тушиб кетади. Пировардида улар бир-бирлари билан жанжаллашиб чиқиб кетадилар. Бунида оқсоқолнинг: «Отаси ҳам ўгри, боласи ҳам ўгри» деган гапига мударрис «Мен ўгри» бўлсан, сен порахўрсан», деб жавоб бериши жуда характерлидир.

Ўзбек халқ оғзаки драмасида сатира эски урф-одатлар устидан кулишгагина эмас, балки адолатсиз феодализм жамиятидаги эксплуататор синф вакилларини фош этишга ҳам қаратилгандир. Уларда барча катта-кичик амалдорлар, бойлар, судхўрлар, руҳонийлар, қисқаси феодал салтанатининг устунлари сатира кулгиси билан масхара қилинади. Масхарабозлар сатираси моҳият эътибори билан сиёсий мазмун қасб ётади. Чунки унинг ўткир дами ҳоким синф вакилларига қаратилган. Аммо қизиқчи, масхарабозлар дунёқараши тарихий шароитлар билан боғлиқ ҳолда анча чекланган эди. Лекин шуниси дикқатга сазоворки, мавжуд ижтимоий тартибдан норозилик, уни инкор этувчи масхарабозлар сатирасининг замирида халқнинг ёркин ва озод ҳаёт тўғрисидаги реалистик орзулади ётади.

Оғзаки драматургиянинг каттагина қисмини юмористик комедиялар ташкил ётади. Уларда меҳнат аҳлиниң нуқсонлар устидан бўладиган кулгиси, ўйинни севиши, дилкашлик ва улфатчиликни қадрлаши, ҳаётсеварлиги, меҳнат қилинисининг вижданан поклиги ва инсонпарварлиги тараннум ётилади. Масхарабозлар репертуарида ҳунармандчилик, чорвачилик ва овчилик темаларини, маиший турмуш ва оиласвий муносабатларни ёритувчи, халқ томошалари, маросим ва урф-одатларини тақлидий акс эттирувчи юмористик комедиялар мавжуд.

Юмористик комедияларнинг бир гуруҳида ҳунармандкосибларнинг ишлаб чиқариш билан bogлиқ характеристи, меҳнат жараёни ва баъзан уларнинг хўжайнларга бўлган муносабати тасвир ётилади. Халқ ҳунарни севган, ҳунармандни қадрлаган. Ўз қасбининг устаси бўлган ҳунарманд доим улуғлангац, ҳурмат билан тилга олинган. Аммо халқ ўз ҳунарини мукаммал әгалашга интилмаган, ялқов ва беуқув ҳунармандлар устидан кулган. Юмористик комедияда мана шундай айрим косиб-ҳунармандлар, уларнинг феъл-атворидаги шуқсонлар ҳам танқид қилинади. Бу жиҳатдан «Буз дўкони», «Олача тўқиши», «Бўзчилик» комедиялари характерлидир.

«Олача тўқиши»да уста олача тўқиладиган бир бўш дўконга халфа излайди. Унинг олдига бир киши ўзини халфа кўрсатиб келади ва устакор билан байлашиб, қатор кулгили шартлар қўяди. Шундан кейин халфа дўконнинг ҳар томонини текшириб, бушаган поналарини қоқиб, на-мунага олача тўқиб кўрсатиш учун ишга тушади. Қувноқлик, журъатлилик, мустақиллик халфа характеристерининг асосий хусусиятларидан бири. Жўмладан, устакорга шартларини баён қилганда ўзини ялқов, овсар ва тайёрга айёр суратида кўрсатмоқчи бўлади.

Халфа. Мен эрта билан уйқудан туришимда бирдан «халфа» деб уйғотмайсиз.

Устакор. Ҳа, нима қиласман булмаса?

Халфа. Мана (гапни ҳаракат билан кўрсатади), эрта билан келиб аста оёғимни уқалаб, елкамгача чиқасиз, елкамдан уқалаб оёғимгача тушасиз, секингина «устажон» дейсиз. Кейин мен урнимдан тураман. То мен ювениб келгунча бир дона қирмизи гулли чойнакда пўпаклик аччиқ чой дамлаб келасиз. Чойни ичиб бўлганимдан кейин астагина менинг ёнимга бир лула, бир такя келтириб қўясиз. Кейин менинг озигина қуш ўйқум бор. Мен қуш ўйқумни ухлаб тургунимча бир коса чойи қаймоқни тайёrlаб олиб келасиз. Мен ширчойни ичиб ишга тушаман. Ишни тамом қўлгунимча бир товоқ чучвара ҳозирлайсиз. Энг кичиги дехоннинг ковушидай бўлсин. Ана шунга рози бўлсангиз, халфа бўлман.

Кўриниб турибдики, халфа серфаҳм, гапдон. Олача тўқиши, унга пардоз бериш пайтларида унинг жуда чаққон ишбилармонлиги очилади. Халфанинг характеристери, монологи, дўконга пона қоқиши, созандалар жўрлигидаги пантомима воситалари билан тўқув жараёнини кўрсатиши, дўкон бўлиб турган икки актёргиң бетига қоракуя суртиб газламага «пардоз» бериши ва бошқалар томошабинда самимий кулги уйғотади.

Жувозкашларнинг оғир меҳнати «Жувоз» комедиясида тасвирланса, «Сартарош» комедиясида ўз касбига ҳурматлизик билан қараган устанинг тиш, соч олиш, бола хатна қилиш ишлари кулги йўли билан ҳажв қилинади.

Халқ оғзаки ижодида чорвачилик, овчилик темалари ҳам кенг ўрин олган. Бу темада «Ёғоч полвон», «Подачи», «Чўпон», «Туя», «Чўпон бола», «Майрамхон» сингари юмористик комедиялар яратилган. Масхарабозлар бу асарларнинг бир қисмини қўғирчоқлар («Шингилмурод», «Туя», «Чўпон бола», «Майрамхон» кабилар) воситасида кўрсатишган.

«Чўпон» комедиясидаги воқеа жуда содда: Бир холис одам ўз ошнаси — чўпонни бой олдига бошлаб келади. Чўпон шартлашиб, бойнинг қўйларини боқишига киришади. Кўп ўтмай бешта қўйши қашқир олади. Бой бундан хабар топиб, чўпоннинг ошпасига даъво қиласди. Ошнаси бўлса, чўпонга осилади. Иккалasi бир-бири билан ёқалашиб кетади. Охири чўпон ошнасини ерга кўтариб уради. Бу комедиядаги кулги чўпон устидан әмас, бойнинг хасис, муттаҳамлигидан туғилади.

Овчилик барча халилар, жумладан, ўзбеклар ҳаётида ҳам қадимдан катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Шунинг учун халқ оғзаки драмаси ва бир қатор комедияларида меҳнатнинг энг қадимги тури — овчилик билан боялиқ бўлган ҳодисалар ҳам акс этган. «Мерган», «Кийик ўйини», «Бедана ови» каби комедиялар шулар жумласидандир.

Баъзи юмористик комедиялар оммавий халқ томошлари ва маросимларга тақлид сифатида майдонга келган. Ана шундай асарлардан «Дорбоз», «Улоқ чопин», «Айиқ», «Ўйланиш», «Оташхўр» комедияларини кўрсатиш мумкин.

Масхарабозларнинг бу пьесаларида фақат урғ-одат, маросимларгиша тақиқ қилинмайди, балки меҳнат кишиларини толиқтирадиган ортиқча, бемаъни чиқимлар, бир-бирини кўрмай, билмай ўйланиш, тенгсиз, муҳаббатсиз никоҳ ва хотин-қизларга буюм сифатида қараш сингари ўтмиш иллатлари аёвсиз фош этилади. «Ўйланиш» комедиясида барча юмор воситалари («от»нинг кўриниши, келин-куёвларнинг ташқи қиёфаси, қудаларнинг ҳажвий ўлан, ёр-ёр айтиб бир-бирларини масхара қилишлари, келиннинг қилиқлари) мана шу муҳаббатсиз оила қуриш масаласини тақиқ қилишга қаратилган. Хусусап, ёр-ёрлар юмористик кулги яратиш учун пиҳоятда қўл келган:

Қиз томон: Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Улоқдадир, ёр-ёр.
Куёв поччам сўрасанг,
Гулахдадир, ёр-ёр.
Куёв томон: Ҳай-ҳай ўлаа, жон ўлан,
Ирри келин, ёр-ёр.
Бўгчасида ҳеч гап йўқ,
Сирри келин, ёр-ёр.

Шундай қилиб, оғзаки юмористик комедиялар ижтимоий ва маший ҳаётнинг қолоқ томонларини тақиқ қилиши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Құғирчоқ театри

Құғирчоқбозлык әңг қадимги даврдан бошлаб халқ орасыга кенг тарқалған драматик шакл бўлиб, унда турли образлардаги ёғоч үйинчоқлар, уни үйнатувчи ва үргатувчи, үйин бошловчи корфармонлар иштироқ этади. Құғирчоқ үйини гарчи малакали құғирчоқбозлар томонидан ижро этилса ҳам, асосан у болалар, ёшлар орасыда шамойиш қилипсадиган үйинкулги воситаларидаидир. Бу санъат Октябрь революциясигача сайил-томопа, тўй-тўкин, бозори шаб ва бошқа ҳар турли йиғинларда ижро қилинар эди.

Ҳозирги қунгача ўтмишда яратилган құғирчоқбозлик репертуаридан турли манбалар орқали бизгача етиб келгани текстлар «Качал полвон», «Саркардалар», «Тегирмончининг үйланиши» кабилардир. Бу томошалар ҳозирги кунда деярли үйналмайди. Улар ўрнини кундалик совет воқелигининг актуал масалалари темасида яратилган «Аричи ва асаларилар», «Ошиқ ва маъшуқа», «Құғирчоқлар концерти», «Эр ва хотин», «Дугоналар», «Зарбдор кампир», «Бригадир ва дапгаса» каби оғзаки драмалар эгалаган.

«Офтобхон ва Моҳтобхон» комедиясида кўп замонлардан бери ҳалқни алдаб келган доухон ва «авлиё»лар ўткир сатирик кулги билан масхара қилишади. Икки дугона уйнаб турганда, бири тасодифан касал бўлиб қолади. Иккинчиси худди доухон эшопдай «Бу менйнг қўлим эмас, авлиёларнинг қўли», — деб дугонасининг бопини әза бошлайди. «Авлиёнг ким?» — деб сўраганларида «Иуркура каррак» (баъзи вариантыларида «узуп қулоқ азизлар») деб жавоб беради. Кейин икки дугона үйинта тушшиб кетади. Бунда ҳаяк кимга қаратилганлигини бининг қийин эмас.

Кекса құғирчоқбозларнинг айтишича, құғирчоқ үйиниппи ташкил этиш жуда оғир ва чидамли меҳнат талаб қиласади. Бунда ҳам тайёр текст булмайди. Қўрсатиладиган томоша темаларини томошабинларнинг диди, завқита қараб белгилаш, образ характеристига монанд құғирчоқ ташлаш лозим. Бу вазифалар, асосан, корфармон, құғирчоқ үйнатувчи кишилар томонидан бажарилади. Томошанинг мувваффақиятли чиқиши ҳам ана шу кишиларнинг билими ва бадиий маҳоратига боғлиқ.

Құғирчоқбозлар ҳам ўз ижроси жараённанда кенг тарқалған традицион томошалар қаторида замон руҳига мослаб янги-янги драмалар ижод қиласидилар. Улар репертуа-

рида ҳалиқ орасида машҳур бўлган баъзи эртак, ҳажвий ҳикоя, латифалар сюjetи ҳам тез-тез учраб туради. «Тегирмончининг үйлапиши» томошасида тегирмончи, совчи, етим қиз ва ушинг дугоналари образидаги құғирчоқлар қатпашади. Олтмиш ёшлардан ошгап кекса, кал тегирмончи ота-онасиз етим қолган бир қизга үйланмоқчи бўлиб, совчи юборади. Совчи кампир тегирмончининг давлати, қасрдек ҳовли-жойини ошириб мақтаб, қизни кўндиради. Қуёвни қўргани дугоналари билан келган қиз тегирмончининг каллигини кўриб айниб қолади. Тегирмончини совчи кампир яна мақтаб, қизнинг бош-кўзини айлантиради ва «чол бўлса, у тезроқ үлади, пул халтаси сенга қолади», деб алдайди. Охири тўй бошлапиб, айтилган ёрёра куёв ҳажв қилинади. Қуёв келини кутариб олишга келганда, қиз дугоналарининг маслаҳати билан қочиб кетади, тегирмончи совчи кампирни кутариб олиши билан үйин тугайди. Асар воқеасининг бундай қурилиши комедиянинг кулги воситасини янада кучайтирган, ҳимоясиз етим қизни кучли иродада эгаси қилиб қўрсатиш имконини берган.

Хуллас, қўғирчоқбозлик үйинларида ҳаёт ҳодисалари, кишиларнинг ўзаро муносабатлари ёғоч қўғирчоқлар образида қўғирчоқбоз, корфармонлар ташаббуси билан акс этади.

Оғзаки комедияларнинг гоявий-бадиий юксаклиги, таъсирчаллиги, образларининг индивидуаллаштирилиши ва типиклаштирилиши, қизиқчи, масхараబоз, қўғирчоқбозларнинг ўзбек тилининг беҳисоб бойликларидан тўла фойдаланишига ҳам боғлиқдир. Улар бисотидаги асосий кулги чиқариш воситаси — сўз үйинлариdir. Образнинг ижобий ёки салбий хусусиятларини очишида лутф-қочирим йўллари билан бирга, бирдан ортиқ маъно ифодалайдиган сўз ва гапларни танлаб ишлатиш ҳам муҳим ўрин тутади. Масалан:

Деҳқон. Тақсир, бу беодобнинг эти спизники, суяги бизнеки, үқитиб бир мулла қилиб берсангиз?

Бола. Дада, мени домлага олиб келдингизми ёки сомсапазгами?

Деҳқон. Жим, эшитса хафа бўлиб, тўқимини қорнига олиб олади, домлага олиб келдим, тейтак.

Бола. Нима учун бўлмаса гўштимни унга тоширасиз? Ахир у зира-шиёз қилиб, гўштимдан варақи сомса ясаб, топганини қорнига уриб кетаверади-да!..

Келтирилган диалогда деҳқоннинг соддалиги, боланинг зийраклигидан ташқари, «Тўқимини қорнига олиб олади», «Топганини қорнига уриб кетаверади-да» сингари гаплари, мактаб домласининг эшакка ўхшатилиши саводсиз, тамагир, жоҳиллигига қилинган қочиримдир.

Шундай қилиб, ўзбек халқ оғзаки драмаси тоявий-тематик жиҳатдан хилма-хил, бадий пишиқ асарлардир. Унинг илгор анъаналари ёзма драматургиянинг юзага келиши учун муҳим бир фактор сифатида хизмат қилди.

Аския

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўзига хос жанрларидан бири — аския тўйларда, сайилларда, йигинларда бадиий сўз баҳси шаклида ижро этилади. Одатда, йиғинда иккичу аскиячи сўз ўйини билан аския қилишади. Томошабинлар аскиячи (аскиябозлар) санъатига қойил қолиб, завъланиб куладилар. Мусобақадошининг саволига сермаъно, мавзуга мос сўз билан жавоб бериб, қойил қилган аскиячи голиб келади. Кузатувчилар уни кулги, қийқириқ ва қарсак чалиш билан тақдирлайдилар. Аскиялар сўзининг гўзаллиги, донолиги, мантиқ кучи билан халққа ёқиб, манзур бўлиб келади. Ўзбек халқ аскиялари узоқ тарихга эга. Тарихий маңбалар аскиябоаликнинг XV асрдан ҳам олдин бўлганлигидан хабар беради.

«Аския» аслида арабча «азкиё» сўзининг талаффузда узгарган шакли. Унинг бирлиги «закий» бўлиб, закитабъ, зуко, заковат сўзлари билан ўзакдош.

Аския сўз ва жумладарнинг маъноларини (ўз ва кўчма маъноларини) нозик фаҳм, тез ва ўтқир зеҳн, фаросат, ақл-идрок, зийраклик билан фаҳмлаш, идрок этиш, саволларга муносиб, ўринли жавоб бериш, қочирим, сўз ўйинларини билиш санъатидир.

Аския — зеҳнлар синови, демак, ҳозиржавоблик — унинг асосий белгиси. Аския айтишда лутф ва бадиҳагўйлик муҳим роль ўйнайди. Аскиянинг шу хусусиятлари ижроидан мавзуга бевосита ва алоқадор бўлган хилмахил, чуқур ва кенг маъни берадиган сўзларни топа билиш қобилиятига эга бўлишни талаб этади. Бунинг учун аския мусобақасида қатнашадиган кишининг ҳаёт тажрибаси бой, зеҳни ўтқир, инсон фаолиятининг турли хил томонларини, табиат ва ижтимоий ҳаёт сирларини, айни вақтда ўзбек тили бойлигини пухта билган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам профессионал аскиячилар катта сўз эгаси, моҳир санъаткор ҳисобланадилар.

Аския ҳажв асосига қурилган бўлиб, сатира ва юмор унинг белгиловчи мезони ҳисобланади. Аскияда (айниқса

пайровларда) икки хил мазмунга эга бўлган кулги ётади. Биринчи хил кулги асқиянинг туб мақсади — унинг кўчма маъносидан келиб чиқадиган кулги. Бунда у ёки бу пайровда «рақиб»га айланган киши орқали салбий хусусиятлар фош этилади, ҳажв сатирик мазмун касб этади. Иккинчиси — ҳажв қилинган асқиячи, унинг ҳолати, путтики ва хатти-ҳаракатидан келиб чиқадиган бегубор кулги. Бу кулги юмористик мазмун касб этади. Қувноқ, бегубор қаҳқаҳа ёки аччиқ заҳарханда кулги ҳазил-мутойиба, киноя, қочириқ, рамз, шама қилиш, ӯҳшатиш, мажоз, айрим сўзларга алоҳида ургу бериш, бўлиб-бўлиб, пауза билан талафғуз этиш каби ҳажв санъатининг турли воситалари орқали намоён бўлади.

Асқиянинг хозиргача маълум бўлган эллиқдан ортиқ тури бор. Пайров унинг эпик мазмунга эга бўлган энг характерли, куни қўлланадиган ва мураккаб туридир. «Бўласизми?», «Ўхшатдим», «Гулмисиз,райхонмисиз, жамбилимисиз?», «Қоғия», «Радиғ» кабилар асқиянинг ихчам, савол-жавоб асосига қурилган писбатап қадимиш шаклларидир. Унинг «Тутал», «Сағсата», «Баҳри байт», «Афсонса», «Раббия» каби турлари ҳам бор. «Чандиш», «Ҳўқиз сўйди», «Бугдой ўйини», «Гули-гули» каби шакллари эса болалар ўйин-кулгисида ҳам учрайди.

Пайров — изчил фикрлар кураши бўлиб, асқиянинг мукаммалашган усули, юксак савиядаги, алоҳида олинган бадиий асардир. Бунда асқиячилар ташлаб олинган тема доирасидан четга чиқмасликлари лозим. Тарафкашлар бир-бирларига жавоб қайтараётгандаридан фикр ривожи, яъни асқия темаси сюжетининг тараққий этиши сезилиб туриши керак. Пайровда тема ҳар жиҳатдан очилиши, чала-чулпа бўлиб қолмаслиги зарур. Фикрлар хulosаси — теманинг ечими, пайровнинг якунидир.

Пайровларда ишлатиладиган луқма, сўз ва жумлалар бирдан ортиқ маъно билдиришлари талаб қилинади. Унда классик сўз ўйинлари, тасвирий ифода воситалари ва усулларидан тажнис, тазод, тадриж, таносиб, муболага, ӯҳшатиш, сифатлаш, метафора ва бошқалар катта роль ўйпайди. Шуниси ҳам борки, асқия-пайровларда иштирок этувчи тарафкашларнинг портрети, характер белгиларига қараб, уларга хос қўйилган лақаблар ҳам бўлади. Асқида ишлатилаётган сўз, бирикма, баъзан гаплар пайров маъноларидан ташқари тажнис, лутф йўли билан тарафкаш — ҳарифнинг лақабига тегиб, уни «қитиқлаб» ҳам

утиши керак. Ўз навбатида у ҳам шунга муносиб жавоб қайтаради.

Анъанага айланган пайровлардан мева, пилла, узум, паррандачилик, дехқончилик, чорвачилик, иморат қуриш, турли фасллар, ашула, мақол, китоб, бадиий асарлар билан боглиқ бўлганилари кўп ижро этилади. Асқиянинг қадимиш текстлари бизгача етиб келмаган. Уларнинг умумий қолипи қолиб, ҳар бир даврда янги мазмун билан бойиб бораверган. У ҳар бир ижрода шароитта қараб муайян ўзгаришларга учрайди. Қуйида келтирилган ашула пайровида ҳам шуларни қўриш мумкин.

Маҳмуджон. Дадажон, отарчилигинги ҳеч қолмади-да! Харидор тошилмаса, «Остонангга почор ўлдим-да келдим», деб ёпишиб оласиз. Е «Гадолардан бирим» мисиз?

Дадажон. Сизнинг ҳам ўйинчилигинги ҳеч қолмади-да! «Ноз этма» деса бўлди — ўргалаб кеста берасиз. Ҳар нарса эви билан-да, «Кам-кам» бўлсин.

Маҳмуджон. Сиздақа бекорчи «Эшвой»лардан ўргилдим, яна отигизни «Абдураҳмонбеги» қўйвопсиз-а!

Дадажон. Сизга бирор «Ассалом» деса бўлди, тўйга бориб «Тонг отгуича» ялла қиласиз.

Маҳмуджон. Келинг энди, Дадажон, қачонгача «Даромади ушшоқ» қилиб юрасиз. Тегишли ташкилотлар ҳам бизга «Назорга қиласар.

Дадажон. «Кошки» эди. Бизга ҳам ғамхўрлик қиладиганлар «Бормикин»?!

Маҳмуджон. «Бу оқшом» филармонияга келинг, таплашдим, «Яхши, яхши» дейишди.

Дадажон. Ана энди биз ҳам «Обод ўлкам»даги «Меҳнат аҳли»нинг «Роҳатлини» кўрар эканмиз-да.

Маҳмуджон. Энди бундан кейин «Ойдин кўчалар»да «Қичқир хўрозим»ни айтишини бас қиласиз?

Дадажон. Сиз ҳам бундан кейин «Шарманда бўлдим найлайн» деб юрмассиз!

Пайровда қўлланган ашула номлари ҳажвий белгилар билан уйгунлашади ва асосий мақсад — саёғ созандаларни фош этишга хизмат қиласиди.

Пайров ихчам сюжетга эга бўлган бадиий асар. Унинг композицияси ўзига хос, танқидга пишон бўлган деталь — муайян камчилик эса асар тугуни, унинг ургу туштан ўрни кульминациоп нуқта ва кўчма маънодаги қочирим тутдирган кулги эса, унинг ечими хисобланади. Пайровларда икки ва ундан ортиқ асқиячилар иштирок этади. Пайровларнинг кириш қисми кўпинча кулгили бўлмайди. Чунки ҳали кулгига обьект йўқ, фақат тема аниқланади.

Пайров бошланиши билан тарафкашлар маълум бўла бошлайди ва улар тараф-тараф бўлиб, асия давом этади. Тарафкаш асиячилар одатда бир пайров юзасидан тортишганда ундан четга чиқмайдилар. Четга чиқин, уни бузиш ҳисобланади. Парнографик, қўпол сўзлар ишлатилса, оқизлик, кучензлик белгиси бўлади, асия дарҳол тўхтатилади.

Пайров асиянинг юксак даражада таркиб топган тури ҳисобланади. У шу жиҳатлари ва персонажлар шутқида диалог, монолог, реаликаларнинг асосий ўрин тутиши билан халқ оғзаки драмаларига яқинлашади. Бироқ оғзаки драма қизиқчи ва масхарабозлар репертуарига мансуб бўлиб, халқ театрига хос шартлилилк асосий ўрин тутиди. Оғзаки драмани қизиқчи, масхарабоз ва қўғирчоқбозлар муайян костюм, грим ва бошига воситалар ёрдамида турли тақлидий ҳаракатлар билан ижро қиласалар, асия — асиячиларнинг фаҳм-фаросатда, гапда чечанлиги билан амалга оширилади.

Асиянинг «Бўласизми?», «Ўхшатдим», «Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбilmисиз?» каби қатор шакллари савол-жавоб формасида бўлиб, тортишувда муайян тема ёки яхлит сюжет мавжуд эмас. Балки ҳар бир савол-жавобда биттадан ихчам темачалар юзага келади. Унда пишонга олинган «рақиб» салбий образ ёки бирор парсага қиёсланади. Қулгига обьект бўлган «рақиб» ҳам ўз навбатида ўз рақибии шу тахлитда кулги қиласади. Томонлар асияси ана шундай бир хил формада давом эта беради. Қиёс қилинган шахс ёки белги доимо савол шаклида якунланади:

Насриддин ака. Махсум ака, ҳо, Махсум ака!
Махсум ака. Лаббай, ака.

Насриддин ака. Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбilmисиз?
Махсум ака. Айтганингизман.

Насриддин ака. Дала бoggасида ишлаганингиздан теримчиларнинг болаларига қарамасдан бригадирнинг ўғлини кутарип юргалимисиз?!

Бунда хушомадгўй тарбиячи орқали айрим жойларда мавжуд камчиликлар ҳажв остига олинмоқда. Асосий ва ҳал қилувчи сатирик кулги салбий хусусиятни инкор этса, асиячи устига тушган юмористик кулги эса, хуш чақчақликни таъминлади.

Асиянинг «Ўхшатдим» шаклига бир мисол:

Насриддин. Сизни ухшатдим.

Одилхўжа. Кимга?

Насриддин. Мусобақа комиссияларига кўринмай, чап бериб юрган бригадирга.

Одилхўжа. Нима қилардим?

Насриддин. Ёзга парвариши айни қизиган чоғларда шашарда қовун тушириб юардингиз.

Одилхўжа. Мен ҳам сизни ўхшатдим.

Насриддин. Кимга?

Одилхўжа. Мажлисда қўлини кўкрагига уриб, оғзини қўпиртиргап звено бошлигимизга.

Насриддин. Нима қилардим?

Одилхўжа. Ваъда қоп-қоп-у, мени соя-салқиндан тоғ, деб юардингиз...

Асия асиябозларнинг иктидорига қараб давом эта бериши мумкин. Қуринадики, ҳар бир савол-жавоб, ҳар бир ўхшатилганлик муайян мустақилликка эга. Унда маълум бир камчилик танид остига олипади.

«Тутал», «Раббия», «Афсонা» кабилар кўп жиҳатдан юқоридаги турларга ўхшаб кетади. Бироқ улар аксарият ҳолларда шеърий формада бўлади. Тутал усулида айтилган асия ўзига хос қофия, радиф ва бандларга эга. Асиянинг бу турида юмористик кулги ҳукмрон бўлиб, шеърхонликдаги баҳри байтини эслатади:

— Мана шунаقا гапларни айтиб менни дод қолдирасиз.

— Мўйловни оласиз-у, қулоқни соғ қолдирасиз.

— Пулини бермай юраверинг, бир куни боғ қолдирасиз.

— Ош еганда гўштини тамомлаб, товоқ тагида бизга ёғ қолдирасиз.

— Баҳона билан каклик еб бизга зор қолдирасиз...

Асия фольклорнинг бошқа жанрлари каби синфий характерга эга. Инқилобдан илгари халқ орасидан етишиб чиққан асиячилар пайров орқали эксплуататор синфи вакилларига нисбатан меҳнаткаш эл муносабатини, унинг ижтимоий ҳаётга қарашини ифодалаганлар. Қўпгина асия пайровларида ҳукмрон синиф вакиллари — хонлар, беклар, бойлар, руҳонийларнинг кирдикорлари, ярамасликлари фош этиларди. Тошкентлик Шомансур ота Шоюнусов Саидаҳмад асиянинг бойлар билан бўлган бир айтишувини эсларкан, унинг ўтирик асиячи сифатида ҳеч кимдан тап тортмай, ҳалиқ бошига тушган оғир кулфатни фош этганини хотирлайди:

Тўданинг бошида Тошкентнинг машҳур бойларидан Сандкаримбой бораради... Кишилар рўпарасидан катта бир ит югуриб

кетди. Бой Саидақмад асқиячидан кулиш учун итга имо қилиб:

— Эшон, құрғапсанми, нариги маҳаллада ош тортиляптыми дейман, югурғиб қолди! — деди.

— Ық, тұрам, ош ахтариб әмас, вексели касод бұлған бұлса керак, пул ахтариб кетяпти, — деб жавоб қайтарди у.

Үтмишда асқия халқыннің күнглидаги ғам зангины юниш, ҳасрат-аламларини еңгіллатып, дұзах азоби ҳи-собланған меңнат машаққатини бир нағасға унущишиңг чорасигина бұлиб қолмай, униш исёпкор рұхига мадад берган. Совет даврида яратылған пайровларда әса, ҳәти-мизда учраб турадыған камчиликтер, эсқилик сарқитлари, диний урғ-одатлар, айрим кишилар онғыда мавжуд қо-лоқник, такаббурлық, ғаразғүйлик каби иллатлар танқид қилинади, күлгі остига олиниб, фош этилади.

Кейинги йилларда халқ орасидаги бир қанча талантли асқиячилар апиқланды. Улардан Юсуғжоп қызық Шакаржопов, Дәхқон юзбоши Шерназаров, Эрка қори Каримов, Мамаюсуф Тиллабоев, Маматхолиқ Масодиқов, Турсун бува Аминов (Ижроқұм бува), Абдулхай махсум Қозоқов, Жұрахон Султонов, Ганижон Тошматов, уста Ақбар Усмонов, Усмон қори Раҳимбеков, Шоқосим ва Шоолим Шожалиловлар, Раҳмонқұл ва Абдуллағон Яшаровлар, Мамажон Мадаминов ва бошқалар катта шұхрат қозонғашлар. Бу асқиячилар бир қанча шогирдлар ҳам етиштирганлар. Устоз асқиячиларнинг замонавий темада айтған пай-ровларыда давримизнинг баҳтиёрлиги, совет кишиларининг хушчақтақ рұхи, фаровоп ҳаёт қаҳқаҳалари акс этади. Ләйни тоқда кишилар онғыда күпдан сақланиб келаётған эсқилик сарқитлари, айрим заарарлы одатлар, текинхүрлик, бироннинг ҳақига хиёнат, шилқимлиқ, мәнмәнлиқ, лаган-бардорлик, мансабнарастлик, уруғ-аймоқчылық, тұнглик, вадыбазолық фош этилади, оғирништеги устидан, енгилнинг остидаи үтиб юрадыған учарлар, юлғычлар, майший бузук-лар үткір асқия қамчиси билан саваланади.

Асқия тил хусусиятлари жиҳатидан ниҳоятда харак-терли. Үнда ҳар бир сүз бир неча маңында үткір поэтик күч билан жаранглайды:

Тұрсып бува. Пахта теріш нормандын нега бажара ол-майсиз десам, эски вавағ экансиз-да!

Қодирジョン ақа. Үзлари қора таҳтани құноққа айланти-риб олибидилар-ку, яна бізға туллаклық қиласылар.

Тұрсын бува. Терғавлары паллага келмайды-ю, яна биз билан пашшалашадылар-а.

Диалогларнинг биринчисида құлланған «вавағ» сүзи-нинг үз маңынды бедана бўлиб, бу ерда күчма маңында келган. У шеңбұмас, дангаса, гапда бор-у ишда йүқ шахс-лар образига қиёс қилинған. Иккимисидаги «туллак»нинг үз маңынды ҳам бедана. Бу ўринда әса, күчма маңын — айёрликни билдириб келмоқда. Учинчисидаги «иашшала-шадилар» дүқ урадилар деган маңында құлланған.

Асқиячилар омоним, синоним, антоним сүзларпен құл-лаш, мажозий сүзларға әтъибор берип, айрим ҳолларда товушларнинг ўрцини алмаштириш ёки атайлаб бузиб талаффуз қилиш орқали үзбек тилини турли бүёкларда жонлантирадилар.

Демак, асқия инсоннинг меңнат фәолияти, қайфияти, турмуши, мұносабатлары, ҳис-түйғулары, ижодий ғикр-лашы билан узвий болғапған. У кишиларни позик таъблы, хушчақтақ табиатлы, серзавқ, ниҳоятда дидли, зийрак, серфаҳм, сүзға катта әтъибор берувчи, гүзәлмекпен чуқур ҳис әтүвчи инсон сифатыда тарбиялашда улкан аҳамиятта әга. Үзбек халқы хушчақтақ асқияпни севади. Асқиячилар санъети совет даврида социалистик мазмун билан бойи-ған ҳолда коммунистик ахлоқ ва тарбия маңсадлары учун баракали хизмат қиласылар.

Болалар фольклори

Болалар томонидан ёки болалар учун кattалар томонидан яратилган оғзаки ижод намуналари болалар фольклорига киради. Болалар фольклорининг доираси ниҳоятда кенг бўлиб, унипг шамуналари халқ оғзаки ижодининг деярли барча жанрларида мавжуд. Булар алла қўшиқлари, эртаклар, тез айтишчар, топишмоқлар, ўйин қўшиқлари, ўйинлар, эрмаклар ва бошқалар. Катталар болани бешикка солиш, ўтқизиш, юргизиш, сакратиш, ўйнатиш ва овутишларда кўпгина эркалатадиган сўзлар айтадилар.

Болалар ўйинлари ва ўйин билан айтиладиган қўшиқларининг кўплари йил фасллари билан болжанган. «Бойчек», «Офтоб чиқди оламга», «Читтигул», «Лайлак келди, ёз бўлди», «Қурбақа», «Қалдирғоч» сингари қўшиқларни болалар том бошларида, далаларда, қишлоқ кўчаларида, девор — томлар тагида айтишади. Улар баҳор келиши, қуёшининг оламии иситиши, қушларининг учиб келиши, сувларда қурбақаларнинг пайдо бўлиши билан болжанган. «Ёмғир ёғалоқ» қўшиғи эса деҳқон болаларини қувонтиргаш, деҳқончиликда мул ҳосил ваъда қилган баҳор ёмтирининг ёғиними тасвирлайди, албатта. Кун қўшиқлар ота-оналарнинг меҳнат жараёни билан болжанган. Улар болаларнинг «Тепдим сандиқ очилди» сингари қўшиқларига ўхшаб тўқилган:

Оқ шоли, кўк шоли,
Оқ шолини оқлайлик,
Кўк шолини кўклайлик,
Ниёзбекка сақлайлик...

Болалар ёшлидан меҳнатда қатнашадилар. Улар катталарнинг ишида ўз улушини қўшадилар, экинларни бегона утдан тозалайдилар, буғдойзорларни, бояларни қушлардан қўрийдилар:

Жўхорилар бўлди оқ,
Кўнма шум қораялоқ,
Агар қўнсанг, урайин,
Бўлар оёғинг чулоқ,
Ха-ю, ҳувв!

Болалар ўйиннинг ҳамма фаслида ҳам ўйин билан шуғулланадилар, овунадилар. Бу ўйинларнинг кўпчилиги катталарнинг меҳнат жараёнига тақлидан ўйлаб топилиган. Ўйин ҳам, қўшиқлар ҳам болаларни ҳам ақлий, ҳам жисмоний камолотга етишига ёрдам беради, эстетик завқ ўйготади. Давримизнинг улуғ адаби Максим Горький болалар ўйиннинг бола тақдиридаги ўрнита катта баҳо берган эди: «Ўйин болаларнинг ўзлари яшаётган ва ўзлари ўзгартиришлари лозим бўлган дунёни билишларига олиб борадиган йўлдир». Болалар фольклори ёш авлоднинг жуда кичик чогиданоқ иштазомли, жасур, катъиятли, қийинчиликларни ёнгизиш, ўртоқларига ёрдам беришга тайёр бўлиш сингари ёнг яхши сифатларга эга бўлиб ўсишларида ёрдам беради, уларни чипакам интернационалистлар қилиб ўстиради.

Халқ оғзаки ижодида шундай қўшиқлар борки, уларнинг айримлари қадимги даврларда муайян маросим ва урғ-одатлар билан боялиқ бўлган. Кейинчалик улар катталар репертуаридан чиқиб, бутунлай болалар фольклорига ўтган. Шундайлардан бири «Бойчек» қўшиғидир:

Бойчечагим боласи,
Қулоғида допаси.
Донасини олай десам,
Чиқиб қолди онаси.
Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчек,
Юмшок ердан юмалаб чиққан бойчек.
Бойчечагим бойланди,
Қозон тұла айронди.
Айроннингдан бермасанг,
Қозонларипг вайропди...

Бойчек ернинг қори эриб тугаллапиши билан ер бетига чиқиб амал киргатини билдирадиган ўсимлиқидир. Унинг пайдо бўлиши халқимиз орасида қадимти замондап бери ўтказилиб келаётган наврӯз байрамига тўгри келади. Бу байрам кунлари ҳар бир хонадонда қоқи мевалардан шарбатлар тайёрланган, бўза, қимиз, айронлар ҳозирланган. Янги чиққан ўсимликлардан кўк сомса, чучваралар пиширилган, маҳаллаларда сумалак, кўк оши

базмлари бошланган. Худди шу фаслда болалар түп-түп бўлиб бойчечак ўсимлигини дала-қирлардаш қидириб то-пишиб, сўлиб қолмаслиги учун илдизидаги лойи билан латталарга ўраб, кўчама-кўча, ҳовлима-ҳовли юриб қўшиқ айтгацлар. Ҳар бир хонадондагилар болаларни шарбат, айрон, қимиз, кўк сомса, сумалак, чучвара, бўгирсоқ каби байрам таомлари билан зинёфат қўплганлар, танга, чақалар бергаплар. Бойчечак мадҳи айтилган юқоридаги парчалар ала шу хушчақацлик кайфиятини акс эттирган. «Бойчечак» қўшигининг тўртликларини ёлғиз бола айтса, пашаротини биргалашиб кўйлашган.

«Офтоб чиқди оламга» қўшиғида болаларниш ўзига хос арази, порозилиги ифодаланган:

Офтоб чиқди оламга,
Юғуриб бордим холамга.
— Ана дала, ер, деди,
Холам ўтиң тер, деди.
Ўтиң тердим бир қучоқ,
Кулча ёпди бир учоқ.
Ўғлига берди анча,
Менга бир куюқ кулча.

Баҳор — кўклам қўёши болаларни шод этади. Улар қиши совуғи, ёқимсиз лойгарчиликдан қутулиб, қиши чопонларини ташлаб, енгил-елли кийимлар билан ҳар томонга чопқилиллашиб ўйнайдилар:

Шамол, хотининг ўлди,
Кетмон олиб югур!
Шамол, багринг камол,
Чўлоқ кетмоннинг олиб бор!—

деб шамолга хитоб қилиниб, томларда, ялангликларда варрак учирадилар.

Наврӯз даракчилари бўлиб, қўши-қўши, қарнидош уруғларини кишига чопадилар:

Лайлак келди, ёз бўлди,
Ҷаноти қозоз бўлди.
Ўйинимизни бермаган,
Наврӯзкон бўгоз бўлди.

Бу ерда эслатилаётган «Наврӯзкон» киши исми бўлиш билан бир қаторда наврӯз фаслининг эркалатиб айтилшидилар. Кўпинча лайлак келиб, ерлар кўм-кўк майсалар билан қопланган, ўриклар гуллаган чоқларда ҳам тасоди-

фий ёғадиган «сарық корлар» бўлади. Бу ҳодиса ҳалиқ орасида «қиши болалади» деб қўйилади. Бундай вақтларда болаларнинг эшдигина бошланган баҳорги ўйин-кулгилари уч-тўрт кун тўхтаб қолади. Шу билан бирга, ўйинга қўшилмаган Наврӯзжонни эрмаклаш ҳам бор. Юқоридаги мисолда ўша кечинма ифодаланган:

Баҳорги ёғигарчиликдан ҳам болалар ўйин-кулги, ҳазил сифатида фойдаланадилар:

Ёмғир ёғалоқ,
Эчки согалоқ,
Бойнинг ўғлининг
Қорни думалоқ.

Бу мисолда ўтмишда бой болаларига хос портрет чизиклари («қорни думалоқ»), характер белгилари кулги воситасига айланган. Бу ҳолат Феодал жамиятидаги ижтимоний табақалар — сийфлар орасида бўлган фарқини болаларга хос соддалик билан сеза билиш, идрок этиш тушиунчасидан ҳосил бўлгандир.

Ўғил ва қиз болалар орасида яқин кунларгача «Тўп», «Тўп тош», «Читтигул» каби ўйинлар бўларди. Бу ўйинларнинг ҳар бирининг ўзига хос қўшиқлари бўлиб, улар ўйин жараёнида бир бола ёки кўпчилик томонидан ижро қилишган. Масалан:

Ла-ла-ла-лай, ла-ла-ла-лай,
Олти пулга чой олай.
Чойлагимнинг сопи йўқ,
Кеслин аям тоби йўқ.
Томга сепдим седана,

Териб есин бедана.
Тақири-туқири обжувоз,
Менинг акам қуртоқбоз,
Кўрчоқбознинг хотини,
Қанд уралган оқ қозоз.

Бу кичик ёшдаги болалар қўшиғидир. Болалар ўз даврасида уни айтиш орқали қўшиқчилиги билан мактаниб, ака ва келин аяларини тасвирлагалар.

Қиз болаларнинг тўп (конток) ўйинларида қўйидаги қўшиқ ижро қилишган:

Бирим — билан,
Икким — илон,
Учим — учак,
Тўртим — тушак.
Бешим — бешов,

Олтим — олтов,
Еттим — етov.
Саккизим — сақлаш,
Тўқдизим — тўқлан,
Ўшим — бужмак.

Бу қўшиқ контокнинг ер ёки деворга урилишига ҳамоҳанг бўлиб, у орқали ютуқлар сони ҳисобланади. Ҳаракат

ва овозининг ритмик бирлиги ўзига хос мусиқийлик яратиб, боланинг ўйин ҳолатидаги қайфиятини ифодалайди.

Тўп ўйинида ютган қиз ўз шоддигини қўйидаги мисраларда билдиради:

Чархим чархчиди кетди,
Йигим йигчиди кетди,
Ўн беш тилла, марварид
Тилла сандиқ очилди,
Тагига бодом сочилди,
У бодомни тергунча,
Қанотларим қайрилди.
Қанот беринг, учайлик,
Шўр дарёни кечайлик.

Шўр дарёда нима бор?
Ҳасан-Хусан ўғил бор.
Ҳасан-Хусан уришиди,
Қизил қонга бўяшди.
Қизил қонни ким ювди,
Фотима, Зуҳра қиз ювди.
Зуҳрасига зар дўппи,
Фотимасига пар дўппи,
Қизга қизил паранжи,
Бизга баҳмал паранжи...

«Тўп тош» ўйини кичик ва ўрта ёшдаги болаларга хос бўлиб, унда мэррага яқинлашаётган ёки ўйиндаги ҳарифи ни ютган қиз шундай қўйлади:

Хожи Муҳаммад-о,
Кўргони баланд-о.
Кўргонидан ошайлик,
Зар гиламни тўшайлик,
Зар гиламнинг устида,
Қизил ишак эшайлик.
Қизил ишак чигалчак,
Холжон ойим келинчак.

Холжон ойим туғиби,
Йўргагини ювиби,
Дор ёғочга ёйиби,
Бойниг ўғли кўриби,
Олма билан отиби,
Беҳи билан қоқиби.
Марра бизники,
Уза қолиш сизники.

Бу қўшикда ўйинда ютган қизнинг ўзига хос соддача магрурлиги, шу билан атроф-муҳитдаги ҳодисаларга муносабати ҳам акс этган. Демак, ҳаёт ва унга муносабат болалар қўшиқларининг ҳам асосий ғоявий мазмунини ташкил қиласди.

Болаларнинг ўзига яқин кишилардан норозилиги ҳам баъзи қўшиқларда турли-туман ҳодисалар тавсифига қўшиб ифодаланади. Бу жиҳатдан қўйидаги қўшиқ характеристидир:

Апишдию-апишди,
Янгамнинг оши пишди,
Акамга қўйган ошни
Ҳақка чўқилаб қочди.
Ҳаками қува-қува,
Йўлдан бир ойнак тондим.
Ойнакни сувга бердим,
Сув менга балиқ берди.

Балиқни баққолга бердим,
Баққом менга тариқ берди.
Тариқни товуқга бердим,
Товуқ менга тухум берди.
Тухумни ўтга кўмдим.
Пақ этди-ю, шақ этди,
Ёрилди, кетди.

Саргузаштли бу қўшиқда оши пишуви, уни ҳакка чўқиб қочиши, топилган ойнакнинг турли предметларга айирбошлиши ва, ниҳоят, тухум пишиш вактида ёрилиб кетиб ҳамма умидлар пучга чиқсанлиги тасвирланади.

Қўшиқларда маълум тарихий давр яққол кўриниб турди. Болаларнинг кишиларга муносабати, баъзан аяччили ахволи — ўғай опага қарамлаги соддалик билан ифода қилинади. Аммо ўйиншиг охири оптимистик руҳ, енгил оҳангдаги шўх сўзлар билан яқупланаверади. «Чучвара қайнайди» ўйинида иккى қизча қўлларини бир-бирларининг бўйнидан ўтказиб, бири ўнгга, иккичиси чапга айланганлари ҳолда шундай қўшиқ айтадилар:

Чучвара қайнайди-я,
Онам менга бермайди-я.
Бермаса бермасин-а,
Оқ ўйимга кирмасин-а.
Оқ ўйимда оқ танга,
Кўк ўйимда кўк танга.

Жоним Зулайхо-я,
Зулаҳҳонинг богида
Бир туш олича-я,
Оличанинг устида
Тилла жиниқарча-я,
Жиниқарчани учирдим,
Ўртоғимни қочирдим.

Юқорида келтирилган мисоллардан ташқари яна болаларнинг «Думсиз тулки», «Жўжалি товуқ ва қалхат», «Оқ теракми, кўк терак», «Оташиб келдинг», «Урди-минди», «Лафчармак-латабурамак» каби қатор ўйинлари ва уларнинг қўшиқлари бўлган. Бу ўйинлар республиканизмнинг турли жойларида ҳар хил номлар билан учраса ҳам, мазмунни, асосан бир хил. Улар болаларнинг хурсандчилик қайфияти, шўхлиги, ўйин-култи, шунингдек, турли кечинмаларипи ифодалайди.

Одатда болалар, кечқурунлари тўпланиб, ойдин кечаларда узоқ вақтгача гаплашиб ўтирадилар, топишмоқлар айтишади, эртак тинглапади, турли хил ўйиплар ўйнайдилар. Ўйиндан кейин ўй-ўйига тарқалишади. Бу жараён бошдан-охир қоида шаклида «ишлаб чиқилган». Масалан, болаларни ўйинга чиқаришда:

— Томда товуқ қотарми,
Лайронидан тотарми?
Ўйин ёқмас болалар,
Номозшомдан қотарми?
Кел-ҳо!!! Кел-ҳо!!!

Ўйинни бошлап учун кўнинча чек ташланади ёки саноқдан фойдаланилади. Она боши болаларни санайди:

Бир, иккى, ўп олти,
Ўп олти деб ким айтди?
Ўп олти деб мен айтдим,
Ишонмасанг санаң бок!

«Боқ» сўзи кимга тушса, шу чиқади, охириги қолгап бола павбатчи бўлади. Саноқлар — ўйин термалари ўзбек болалар ўйинларининг таркибий қисми, дебочаси, тўғрироги «ўйин боши» дирлар. Саноқлар киши динқатилини жалб қиласидиган даражада қувноқ оҳангга эга, чиройли шеърий безаклардаш таркиб топади.

Болалар ўйинлари ичida фольклор элементлари кўп учрайди. Булар воқеабанд шеърий парчалар, диалоглар, савол-жавоблар, тошишмоқ жумлалардан иборат бўлиши мумкин. Ўйинлар, одатда, болаларнинг уларга хос енгил ҳаракатлари, шўхлик, қийқириқ, ҳаяжонлари асосида тузишган бўлиб, шеърий парчаларининг оҳангни шу ҳаракатларга мослашган бўлади. Масала, қувлашмачақда қочувчи бола иккинчи боланинг орқасига «дарра»ни қўйиб кетаркан дейди: «Рўмолчамни ташлаб кетдим, бир ўртогим олсин-да!». Шу сўзларнинг ўзиёқ ўйин динамикасини белгилаб турибди.

Болалар фольклорида болаларнинг кундалик фаолиятида ишлатиладиган шундай тизмалар борки, улар қувноқ юмор билан йўғрилгандир. Уларда болаларнинг бир-бира гига ҳазили, бир-бирини әрмак қилиши, айрим болалардаги нуғсоналардан кулиш, атроф-муҳит ва ҳаётга муносабати ифодаланган. Жумладан, кичик ёшдаги шўх, чечан болалар баъзи ишёқмас, дарега ақли етмаган болаларни ташқид қилиб тубандагича әрмаклаганлар:

Анаву болани-я,
Кўзи олани-я.
Хом ошқовоқ,
Елшиш товоқ.

Булардан ташқари, «Гули-гули», «Мана гул, ниманинг гули», «Бўласизми?», «Ўхшатдим» ва тарафкашлар бир-бирини турли предметларга қиёс қиласидиган бола танқидлари ҳам мавжуд. Булар катталар орасидаги чандишларга ўхшаб, асқия жарипининг ибтидоий қўринишларидан ҳисобланади. Бундай сўз ўйинларида икки ёки бир қанча бола бир-бира гига тарафкаш сифатида иштирок этади. Ўйиндаги болалар бир-бирларининг қиёфаси, феъл-атвори,

оилавий аҳволини (баъзан ота-оналарни ҳам қушгаплари ҳолда) ўзларига хос ибтидоий сўз ўйинлари, қочириқ, киноя билан турли-туман нарса ва ҳодисаларга ўхшатиб әрмак қиласидилар. Шу усулда қизгин фикр, ақл мусобақаси давом этади. Бундай тортишувларда сўз ва ибораларнинг кўп маънолигига эътибор берилади. Бу хил тортишувларда қайси томон ва кимнинг турмуш ҳамда турмуш ҳодисалари, нарса ва предметлар ҳақида тасаввuri қўпроқ, билими, тушунчаси, сўз бойлиги ортиқроқ бўлса, уша ютади:

| | |
|---------|--|
| Эшмат. | Осмондан тушдим кўрпа-тӯшагим билан, Тагимда йўрга эшагим билан. |
| Тошмат | Осмондан тушдим чигитдек бўлиб. Сен билан чандишманан йигитдек бўлиб. |
| Эшмат. | Ҳайрагоч, чандиша олмасанг, йўқол, қоч! Тут, жавоб берга олмасанг, дамингни ют! |
| Эшмат. | Отағиз аллоҳими, оғизигизни қоидек лаб уриб қўйибди. |
| Тошмат. | Отағиз қассобими, терингизни тилиб-тилиб сотмоқчи бўлиб юрибди. |
| Эшмат. | Онангиз ун элаганмиди, бошингизга гарди ёпишиб қолибди. |
| Тошмат. | Онангиз қиём пиширганмиди, бурнингиздан чиқ- қунча ялаб олибсид. |

Ўзбек халқининг феодал ўтмишида бўлган умумий қолоқлик, саводсизлик, болаларга одоб, таълим-тарбия бериш ишларига етарли эътибор бермаслик натижасида ёшлилар ҳазили, ўйин-кулгисига чандишлар, қарғишилар, лақаб қўйиш, ҳақорат сўзлар аралашиб кетган ҳоллар ҳам мавжуд. Лекин бу хил упсурлар болалар қўшиқлари ва ўйинларининг умумий руҳига таъсир эта олмаган. Кўплаб қувноқ, хушчақақ, ранг-баранг қўшиқлар болалар эстетик тарбиясининг муҳим воситаси сифатида ҳамон ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Топишмоқлар ҳам болалар ўйинининг бир тури ҳисобланади. Топишмоқлар бола тақдирда муҳим ўрин тутган, унинг интеллектуал ўсишида фаол иштирок этган, ҳалиқ педагогикасининг қўшиқлар, ортаклар сингари, ўз хусусиятлари билан улардан фарқ қиласидиган поэтиқ, ақлий машгулотларидан бириди. Болалар топишмоқларни топишда қатишаар экан, ўзини қуршаб турган оламни кузатишига, табиат ҳодисаларини билиб олишга, уларга бўлган ўз муносабатини билдиришга ўрганадилар. Топишмоқни топиш боладан апчагина билим, кузатувчалик,

фикр қила билишни талаб қиласы. У буни күпчилик билан, тошишмоқпинг жавобини топиш жараёнида ҳосил қиласы. Тошишмоқлар шаклан ихчам, мазмунан теран, поэтик жи-хатдан гүзәл бўлади.

Топишишмоқчилик репертуари кун сайин кенгайиб боради, мазмуни бойийверади, бадиий формаси турмуш талабига мослашган ҳолда, болаларпинг эстетик тарбиясига хизмат қиласы.

Болалар тез айтишлари бола талаффузидаги айрим путқ товушларининг кўп қайтарилиши ёки товушларнинг сўз ва иборалар таркибида мураккаб жойлашишига асосланади. Халқ орасида булар «тутал», «чалғитув», «чалиш» деб юритилади. Лекин фольклористик термини сифатида «тез айтиш» умумлашди.

Тез айтишда маълум фонемалар (купинча жарангли ундошлар) такрорланади. Жумладан, болалар «ш», «р» ундошларини айта олмай «с», «л», «й» шаклида талаффуз қиласидилар ва сигил култига сабаб бўладилар. Масалан, «Бир туп тут, бир туп тутниш тагида турп. Тутниш томирини тури турибдими ёки турпнинг томирини турибдими?».

Бу гапларда «т» товуши иштирок этган сўзларнинг кўп ишлатилишидан тез айтиш (тутал — сўзлардан бирортасини айтишда тутилиб қолиш ёки бошқача талаффуз этиши) ҳосил бўлади. Бу гап кўп қайтарилиши, машқ қилиниши билан унга кўпикма ҳосил бўлади.

Ёки: «Ўш папиаси пис папиша» содда гапидаги вази-доп ва оҳангдош сўзларнинг ёнма-ён келтирилиши ҳам тез талаффуз этгапда янгилиши, сўз шаклини бузишга олиб келади.

Юқорида келтирилгаплар содда тез айтишлардир. Шу билан бирга, анча мураккаб тез айтишлар ҳам борки, улар маълум бир ижтимоий ҳодисадан туғилган эрмакни ҳам ифодалайдилар. Масалан, «Наманганде уста Мусо пуч пистафуруш бор экан. Ушиш олтмиш уч қоп пуч пистаси бор экан. Олтмиш уч қоп пуч пистаси бўлса ҳам ўша уста Мусо пуч пистафуруш, олтмиш уч қоп пуч пистаси бўлмаса ҳам ўша уста Мусо пуч пистафуруш».

Бу мисолда мураккаб тутал пайдо бўлишидан ташқари, уста Мусо пуч пистафурушпинг алдамчилиги (пуч писта сотиши)дан туғилган юмористик култига ҳам мавжуд.

Демак, тез айтишлар болалар талаффузидаги пуксон-

ларни йуқотишга қаратилганинига ташқари, ёшлар орасида ақл ва сузамонлик, чечанлик мусобақаси сифатида ўйин-култига, кўнгил очиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қиласы.

Совет даврида юзага келган тез айтишлар мавзуининг кенглиги, янги замон белгиларининг акс эттирилиши билан ажралиб туради.

Тез айтишлар кичик ва мактаб ёшидаги болалар нутқидаги айрим товушларни бузиб талаффуз этиш ҳолларини тузатишга, тўғри сўзлайдиган болаларда эса, адабий талаффуз нормаларини мустаҳкамлашга, ниҳоят, болаларни жумлалардаги мантиқий ургуни топиб сўзлашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам уларниш таълим-тарбиявий аҳамияти пиҳоятда каттадир.

Болалар фольклори Улуг Октябрь социалистик революциясигача болаларни бадиий-эстетик тарбиялашпинг бирдан-бир воситаси эди. Унинг айрим памупалари шу кунларда ҳам яшамоқда, бир қанча фольклор асарлари эса, мактаб дарслеклари ва ўқиши китобларига киритилиб, уларга янгила ҳаёт бағишлианди. Болалар фольклори ўзбек болалар адабиётининг шаклланиши ва тараққиётида катта роль уйнади ва ўйнамоқда.

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИ

ХІХ асрнинг II ярмидан бошлаб Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи ҳәётида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар рўй берди. Бу даврда Ўрта Осиё ерлари Россияга қўшиб олиниди. Бухоро амири ва Хива хонлигининг илгариги мавқеи йўқолиб — Россияга қарам бўлиб қолдилар. Қўқон хонлиги тутатилди. Оқибатда мавжуд феодал тарқоқлик ва хонларнинг ўзаро урушлари, бехуда қон тўкишларга барҳам берилди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши мазлум Шарққа нисбатан прогрессив ҳодиса эди. Фридрих Энгельс бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Россия Шарққа нисбатан прогрессив роль ўйнайди... Россиянинг ҳукмронлиги Қора денгиз ва Каспий денгизлари ҳамда Марказий Осиё учун, бошқирд ва татарлар учун маданийлаштирувчилик ролини ўйнайди¹». Ҳақиқатан ҳам Россияга қўшиб олиниши кўп замонлар феодал муносабатлар шароитида иқтисодий заиф, сиёсий, маданий жиҳатдан орқада қолиб кетган шарқ халқларини асрий уйқудан уйготди. Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Фарғона, Ҳужанд каби шаҳарларда кичик-кичик саноат корхоналари пайдо бўлди, капиталистик муносабатлар юзага кела бошлади. Қиплоқ аҳолиси табақаларга бўлинди, ерсизлар шаҳарга келиб заводларга кирди. Маҳаллий аҳоли ичидан оз бўлса-да, ишчилар синфининг дастлабки вакиллари етишиб чиқди ва улар рус

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения. Издание второе. Том 27, стр. 241.

ишчилари билан биргаликда, ёнма-ён туриб ишлай бошлади. Энг муҳими — рус революцион пролетариати билан маҳаллий меҳнаткашлар аста-секин ягона бир маслакда озодлик ҳаракатига бирлашдилар, чоризм зулмига қарши, сиёсий ва иқтисодий эркинликлар, пролетариат диктатураси ғалабаси учун курашга киришдилар. Революцион рус ишчилар синфи бу ишда раҳнамолик қылди.

Ўзбекистонда ҳам марксизм-ленинизм ғоялари аста-секин тарқала бошлади. Лайрим йирик шаҳарларда марксистик тўгараклар юзага келди. Янги усулда мактаблар ташкил этилди, рус тили ва рус халқининг илгор маданиятини ўрганиш иштиёқи маҳаллий аҳолисининг прогресив кайфиятдаги вакиллари орасида тобора оша борди; бунда аниқ фанлар, дунёвий илмларга қўпроқ эътибор берилди. Илм-маданият, маориф, санъат ва адабиёт соҳасида муйяян ўзгаришлар рўй берди. Темир йўл қурилиши, почта, телеграф ишчилигинг йўлга қўйилиши, театр, музей, рус-тузем мактаблари ва гимназияларнинг ташкил тониши, рус ва ўзбек тилида газета, журнал ва турли оммабон китобларнинг нашр этилиши, XIX асрнинг охирларидан бошлаб рус классик адабиётининг йирик вакиллари И. А. Крилов, А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, А. Н. Некрасов, Л. Н. Толстой, А. П. Чехов, К. Д. Ушинский асарларидан айрим кичик памупаларнинг ўзбек тилига таржима этилиши ва ўкув китобларига киритилиши ўша давр ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳәётига жуда катта ижобий таъсир қўрсатди. Ўлкапинг экономикаси, табиити, тарихи, географияси ва этнографиясини ўрганиш учун ҳар хил илмий муассасалар очилди. Маҳаллий халқ вакиллари орасида демократик руҳдаги шоирлар, ёзувчилар, маърифатпарвар олимлар етишиб чиқди. Шу билан бирга, чоризмнинг мустамлакачилик зулми ҳаддан ошди, маҳаллий аҳолиси аёвсиз эксплуатация қилиши тобора кучайди: меҳнаткаш ҳалқ икки томоплама — маҳаллий феодаллар ва чор мустамлакачилирининг талови остида қолгаг эдилар. Ҳалқнинг моддий ва маънавий аҳволи жуда ҳам оғирлашди. Чор Россиясишнинг талончилик сиёсати, маҳаллий амалдорларнинг жабр-зулми, ўта қашшоқлик, ҳақсизлик меҳнаткаш ҳалқнинг кучли норозилигига сабаб бўлди. Бутун Россиянда бўлгани сингари Ўрта Осиёда ҳам синфий кураш кескин тус олди, сабр косаси тўлиб-тошган халқлар ва элатлар жой-жойларда норозилик намойишлари қиласар, иш ташлар, ер эгалари, фабрика-завод ҳўжайин-

ларига қарши дадил бош күтариб чиқар әдилар. Революцион кайфиятдаги ишчиларга рус марксистлари бошчилик қилар, уларни жанговар ишчилар синфи атрофига, унинг илғор отряди Коммунистик партия теварагига жипслаштирадар әдилар. Мамлакатда рўй берган бундай ижтимоий-сиёсий воқеалар, маданий ҳаётдаги ўзгаришлар илғор маърифатшарварлик ва демократик йўналишдаги адабийт вакиллари ижодида ва халқ оғзаки бадиий ижоди асарларида ўзининг реалистик ифодасини тонди.

Бу даврда яратилган фольклор асарлари ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига яқин турар, жамиятдаги синфи зиддиятларни, ижтимоий тенгизликтин кўрсатишга мойил бўлиб, меҳнат аҳлиниң қонилин зулук бўлиб сўргап ҳуқмрон синфи вакиллари — ер эгаси бўлган бойлар, амалдорлар, фабрика-завод хўжайинларини, меҳнаткаш манфаатларига хиёнат қилувчи риёкор руҳонийларининг кирдикорларини аёвсиз очиб ташлар, айни чоқда зулм ва жаҳолат исказижасида қолган халқ оммасининг эркин ҳаётга, озодликка бўлган ташвалигини, асрий орзу-умидини равшанроқ бадиий ифодалар эди. Ган шундаки, узоқ даврлар дехқон ва чўпонлар орасида яратилиб, ривожланиб келган ўзбек халқ оғзаки ижоди халқ ҳаётидаги ўзгаришлар билан янги даврга келиб сифат ўзгаришларига учради, сиёсий-ижтимоий ҳаётда содир бўлган конкрет воқеаларни акс эттирган асарлар ҳам пайдо бўла бошлади. Бу даврда традицион достонлар, эртаклар, қўшиқлар, дорбозлик, масхарабозлик, латифагўйлик, халқ қизиқчилиги репертуарида гуманистик руҳдаги гоялар билан бирга, ҳамма жанрлардаги халқ ижоди намуналарида аччиқ истеҳзали кулаги тобора актуаллашиб, улардаги социал моҳият кескин, ёрқин тус ола бошлади.

Шу билан бирга, халқ шеъриятида, бахшилар ижодида реалистик элементлар кўпайди. Бунда халқ ижодининг ҳозиржавоблик хусусияти қўл келди. Омма ўз бошидан кечирган турли-туман воқеаларни, алам-изтиробларини, нафратини бадиҳагўй шоир тили билан қўшиқ қилиб куйлади. Шу тариқа бу давр халқ оғзаки ижодида реалистик йўналиш, илғор демократик гоялар билан сугорилган ҳолда, ёзма адабийт билан ёнма-ён, баъзан ундан устуноқ ривожлана борди. Халқ ижодининг фош қилувчилик, ташвиқотчилик роли ёрқин қўзга ташланада бошлади. Бу даврда мавсум-маросим қўшиқлари унча ўзгаришга учрамаса ҳам, ҳар ҳолда ҳали айтиларди. Айни пайтда, унинг ўр-

нини мунгли қушиқлар, «йиғи»лар эгаллай бошлади. Етим болалари билан қаровсиз қолган, ёш қизини ҳам хонлар олиб кетган, эрлари иоҳақ зинданга ташланган оналарнинг оғир ахволини тасвирлаган ҳалқ қўшиқлари, ашула-ларини деярли ҳар бир даврада эшитиш мумкин эди:

Кўприқдан кўрниар отининг боши,
Емғирдек ёғади кўзимнинг ёши.
Элу ҳалқнинг кулфат доим йўлдоши,
Улар бўлдик бу хонларнинг дастидан.

Боққа кирдим, боғ қалитин тоғмадим,
Олдимга шафтотли қўйди, тотмадим,
Ёрим зинданда ётади бегуноҳ
Ўзим қурбон қилиб сувда оқмадим.

Үрта Осиёда феодализм муносабатлари тугаб, капиталистик муносабатлар бошланган даврда энг оммавий жанр ҳисобланган ҳалқ эртаклари ҳам эволюция даврини ўтади. Синфи зиддиятлар кескинлашиб, бойлар, ер эгалари, савдогарлар, завод хўжайинлари меҳнаткашнинг билак кучидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш йўлига тушиб, эксплуатация, ҳақсизлик, зулм ҳаддад ошиб кетди. Эндиғи ишчипинг, меҳнат кишисининг сиёсий дунёқараши ҳам ўсан, бўлаётган зулмга қарши бош кўтариш дараҷасига етган эди. Ишчи ва ерсиз қашшоқ дехқоннинг ички кечималарини ифода қилишга эртаклар мос эди. Шу сабабдан ҳалқ оғзида сюжет қисқа, конфликтни ўтири, кўпроқ персонажлар диалогидан иборат сатирик эртаклар, кўплаб сиёсий латифалар пайдо бўлди.

Олдиғи эртакларда камбагал йигит муҳтоҷлиқдан, қашпоқликдан баҳт қидириб, ўлга чиқар, қийинчиликларни епгиб, душманни йўқотиб, баҳтга әришарди. Бироқ бу курашда у ёлгиз эди. Кейинги давр эртакларига хос хусусият — камбагал йигит (эртак қаҳрамони) — ёлгиз эмас, кўнчилик бўлиб, ўз помидан эмас — ҳалқ оммаси номидан, муроса билан эмас, кескин сиёсий-ижтимоий талабларни ўтага қўйиб ҳаракат қиласидиган бўлди. Ҳозирги душман — чор ҳукумати, унинг маҳаллий малайлари — капиталист, миршаб, мингбоши, бой ва муллаларни камбагал йигит — эртак қаҳрамони рўй-рост савалайди. Тингловчилар эса эртак мазмунидан хурсанд буладилар, эксплататорлар сиғини масхара қиласидилар.

Даврнинг маъзол ва маталларида ҳам сиёсий рух куриниб турди: «Бой-бойга боқар, сув сойга оқар», «Ўроқда

йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир», «Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ», «Мўлтони мулла эл талайди», «Бели оғримаганнинг нон ейипини кўр», «Камбағал ишлар, бойтишлар» каби мақоллар шулар жумласидан. Айни чоқда келажакка умид, камбагалга ҳам толе ёр бўлишини ифодалайдиган мақоллар ҳам пайдо бўлди: «Ойнинг ўн беши қоронги бўлса, ўн беши — ёруг», «Сабр таги — олтин», «Ҳақ эгилади, синмайди» ва ҳоказо. Бундай мақолларда эксплуататорлар устидан кескин ҳукм чиқарилади.

Россиянинг ҳамма ўлкаларида, жумладан ўзбек ҳалқи орасида инқилобий руҳдаги ҳалқ оғзаки ижоди асарлари пайдо бўлиб, даврнинг асосий хусусиятларини ифода қиласди. Чиндан ҳам минг йиллик ҳалқ санъати ўзининг янги даврини, тараққиётипинг янги этапини бошлаган эди.

XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида ўзбек фольклорининг қадимий оғзаки анъанаси, туғилиб келаётган янгилик билан аралашиб, қўшилиб бораётган эди, унинг барча жанрларида даврнинг муҳим воқеаларини тасвирловчи асарлар пайдо бўла бошлади. Афсуски бундай асарлар ёзуб олинмади, қўплари бизгача етиб келмади. Шундай бўлса ҳам ҳалқ шоирларининг ижоди ва ҳалқ қўшиқлари нисбатан сақланганни учун ўша давр ҳалқ ижоди намуналари сифатида ўрганиш имконини беради.

Ҳалқ шоирларининг ижоди Бахшилар анъанавий ҳалқ достонлари ва термаларни куйлаб келишлари билан бирга, даврнинг муҳим воқеаларини ифодаловчи янги термалар, ҳатто эпик асарлар ҳам яратдилар. Бу даврда майдонга келган достонлар конкрет тарихий шароитда ижтимоий юксалиш ва озодлик учун курашнинг синфий моҳиятини меҳнаткаш ҳалқ оммаси мағфаати нуқтаи назаридан куйлаганилиги билан ўтмишдаги тарихий достон яратиш традициясидан фарқ қилиб туради. Янги давр достонларида Улуг Октябрь социалистик революцияси арафасидаги Ўрта Осиё ҳалқлари, жумладан, ўзбек ҳалқи олиб борган миллӣ озодлик ҳракати акс этгандир.

Фозил Йўлдош ўғли «Қаҳатчилик» ва «Чигиртка» термаларида мустамлака зулми остида эзилган ҳалқнинг нақадар қашшоқлиқда, муҳтоҷлиқда яшашини акс эттиради. Меҳнаткаш оммага оғат бўлиб тушган очарчилик дехқон ҳосилига тоғат катта зарар етказди. Шоир чуқур алам билан бундай оғатлардан қутулишга қурби етмаган почор меҳнаткашнинг аҳволига қаттиқ ачинади. Бу тер-

малардаги лирик қаҳрамон — бахши баёни бахти қоралидан, шум тақдиридан, адолатсиз замонадан зорланиш, бечора дехқон аҳволига бефарқ бўлган ҳокимлардан норозилик кайфияти билан тўлган:

Талоп солди элнинг дунё молига,
Тулки, шақал йиглар дехқон ҳолига,
Олди оралади Миёнқолига,
Самарқандни зор йиглатди чигиртка.

Эл бошига тушган қаҳатчилик, моддий қийинчиликдан бойлар, савдогарлар, қаллоб кишилар ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар: бозорда ғалланинг нархи жуда баланд кўтарилиди, улар бирни ўнга сотдилар, юртда очарчилик бошланди, меҳнаткашлар хонавайрон бўлдилар.

Ҳалқ оғзаки бадиий ижодида ҳам демократик адабиётдагидек прототиплар ёрдамида социал типлар яратиш приёми кенг қўлланилди. Бахшиларнинг эшонлар, сўфиляр, турли мансабдаги амалдорлар ҳақидаги термалари бунга яққол мисол бўла олади. Уларнинг яратилишига конкрет шахснинг салбий хатти-ҳаракатлари асос бўлган. Масалан, Жўманбулбулнинг «Милтиқбой» ҳажвиясида Нурова бозорида амирлик ҳақини ундирувчи амалдор сатира остига олинади. Милтиқбойнинг юзизлиқ қилиб тириклик учун келган дехқонлардан бозор ҳақини ўз билганича ошириб олиши ва шу ҳисобга бойиб кетганлиги сатиранинг яратилишига сабаб бўлган. Автор Милтиқбой прототипи орқали қишлоқлардаги маҳаллий амалдорларга хос бўлган текинхўрлик, ўта инсоғизлиқ, талончилик қаби энг ярамас хусусиятларни жамлаб кўрсатишга эришади. Бундай ҳажвий образлар Ислом шоир Назар ўғлининг «Мингбоши», «Сўфилар», «Оллоёрбой» термаларида ҳам кўринади. Шоир «Оллоёрбой» термасида қўшни қишлоқда яшаган Оллоёрбойнинг қаҳри қаттиқ, зиқна, ўлгудай баҳил, хасис одам эканлигини, унинг инсоғиз ва виждансизлигини танқид этса, «Сўфилар» термасида ҳаромхўр, хушомадгўй, текинхўр, жоҳил кишилар сирини аёвсиз фони қиласди. «Мингбоши» термасида эса, шоир ўзи билан мингбоши ўртасида бўлиб ўтган кичик бир эпизод орқали даврдаги ижтимоий тегисизлик, золимларнинг зўравонлиги, маҳаллий амалдорларнинг ўзбошимчалиги, меҳнаткаш омманинг ҳақсиз, ҳуқуқсиз аҳволини тасвирлайди.

Ҳалқ шоирлари ижодий фаолиятида ижтимоий ҳаёт ҳодисалари билан узвий боғланган кўтарикилик руҳи

күзга яққол ташлапади. Бу даврда яратилган «Тұлғоной», «Намоз», «Маматкарим полвон», «Жиззах құзғолони», «Мардикор» каби достонлар шу жиҳатдаи характерлидир.

Бахшилар даврнинг ижтимоий-сиёсий воқеаларига, хусусан 1916 йилдаги умумхалқ ҳаракатида актив иштирок этдилар, меҳнаткаш омманинг исёнкорлик чиқишлиарининг жонли гувоҳи бўлдилар.

XX аср бошларида бошланган, халқнинг мавжуд тузумга нисбатан норозилик кайфиятларини ифодаловчи асарлардан бири Нурман Абдувой ўғлининг «Намоз» достонидир.

Мард Намоз чор ҳукуматининг чиновникларига, маҳаллий бой-амалдорларга қарши йигитларни түнлаб, исён күттаради ва унга ўзи боғчилик қиласи. Нурман Абдувой ўғли мана шу жасоратли йигит — Намоз ҳақида достон яратиб, уни эл орасида куйлаб юрди.

Намозни шоир афсонавий халқ қаҳрамони Гүруғли, Алпомишлар сингари қўрқмас, дов юрак, оташқалб, душманларининг додини берган ўткир сўзли баҳодир сифатида тасвирлади.

Эркпарвар бахши Намозни камбағал дехқонларга қашишадиган, золим мулкдорларнинг бирдан-бир душмани қилиб гавдалантириди. Асарда Намоз йигитлари билан бойларнинг қўраларига тўсатдан бостириб киради, молмушкини олиб, муҳтоҷларга бўлиб беради. Бу ўринда ҳаёттый ҳақиқат — Намоз ҳаракатининг бутун мураккаб, зиддиятли ва сиёсий мақсадларидаги чекланган томонлари тўлалигича акс эттирилмайди, балки бахши ўзи кўрган Намоз фаолиятига боғлиқ бўлган воқеаларни мазлум дехқон нуқтаи пазаридац, ўз савиаси даражасида ёритади.

Нурман шоир бу асарида Намознинг қаҳрамонлик билан қилган ишларини мақтайди. Шоирнишг бутун симпатияси бойларга, чор амалдорларига, унинг аскарларига қақшатқич зарба берган, камбағал меҳнаткашларнинг манфаатини кўзлаган халқ қаҳрамони, ботир Намоз томонидадир. Достонда золим подшо Николай ва унинг қўл остидаги амалдорларга қарши дехқонлар оммасини курашга чақириш гояси равshan сезилиб туради:

Намозбек дейдилар асли отини,
Даҳбит деган усган вилоятини,
Бир фасл қиласай таърифотини;
Газет билан эшишиб эди Николай,
Зор йиглади ўрдадаги хотини.

Бургутдайин қобогини уйгандир,
Бор кучини билагига жийгашидир.
Намоз деса, ётган бойлар уйгонди,
Тўрт ҳокимга танҳо ўзи тийгандир,
Намоздай валломат утди жаҳонда.

Нурман Абдувой ўғли «Намоз» достони билан XX аср бошларидағи ўзбек халқ оғзаки ижодига даврнинг энг муҳим воқеаларини киритишга ҳаракат қиласи, эркпарварлик гояларини куйлаб, ўзбек халқи фольклорини ижтимоий мазмун билан бойитди.

«Намоз» асарида кўтарилиган масала маълум маънода Фозил Йўлдош ўғлининг «Маматкарим полвон» достонида давом эттирилади. 1914—1915 йилларда яратилган бу достонда дехқонлар оммасининг стихияли норозилиги, якка шахснинг исёнкорлик ҳаракатлари тасвирлапади. Достонда меҳнаткаш халқ вакили золимлар тўдасига қарама-қарши қўйилади. Унинг марказий образи Маматкарим полвон — камбағаллар манфаати учун қайгурувчи халқ қаҳрамонидир. Бойлар Маматкарим полвонни пул, молдунё билан алдаб, уни ўз қўлларига олмоқчи, ўз манфаатлари учун хизмат эттироқчи бўладилар. Бироқ зийрак, ҳушёр Маматкарим бойлик ва шуҳратга алданмайди, ёвларнинг ҳийлаларига учмайди. У камбағалларни ҳимоя этишда содик туради. Чунки Маматкарим бойларнинг меҳнаткашларга ҳеч қачон дўст бўлмаслигини, аксинча, қишлоқ аҳолисининг муҳтоҷликда, қашшоқ яшашига мана шу золим бойлар, амалдорлар сабабчи эканлигини яхши билади. Шунинг учун ҳам Маматкарим қишлоқ бойларидан бирига заҳархандалик билан шундай дейди:

— Бойликка мағрур бўллаб, қорништаги эгарининг бошини босиб, отинг билан тўнингни мақтагани келдингми?!

Камбағаллар бунда ғаму кулфатда,
Улар бизнинг билан бирга улфатда,
Сенинг эшигингда қанча хизматкор,
Сен бойсан-да бу арқони давлатда!
У қўлингда жафо чеккан камбағал,
Ишлатиб, ҳақига мунир, баччағар.

Энди сен сўйласанг изза қиласман,
Отингдан ағдариб, ерга ураман.
Ўзинг ўйла, майдада-майдада қиласман!

Маматкарим бойларнинг зулм, зўрлик орқали бойлик йиғиб, камбағал меҳнат аҳли ҳисобига давру даврон су-

раётганлиги чуқур ҳис этади. Бироқ ундан қутулиш йўлипи билмайди. Мехнаткашларни зулмдан қутқаришда — қишлоқ йигитига хос йўлларни қидиради. Бу унинг сиёсий онги ўсиб етилмагани билан, қишлоқнинг шаҳар ишчилар синфи билан ҳали боғланиб улгурмаганини билдиради.

Достонга прототип сифатида олинган — Мұхаммадқарим Абдураҳим ўғли Самарқанд облатипинг Жомбай районидаги ўтган тарихий шахс. У ўзининг стихияли исёпкорлик ҳаракатлари билан, ёлғиз ҳолда, қўлидан келганича камбагалларга ёрдам берган, уларни бой, амалдорларнинг зўрлик ва тазиикларидан ҳимоя қилган. Достонда Маматкарим полвон ёлғиз эмас, ўзбек, тоҷик дўстлари билан бирга, рус ишчи оғайнилари упга гоявий етакчилик қиласидилар. Полвон улар билан мазлум меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб иш тутади.

Фозил шоирнинг инқилобий руҳдаги рус кишиларининг ёрдамини эслатиб ўтишининг ўзи ўша даврда жуда катта аҳамиятга эга эди. Бу факт Фозил шоирнинг Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасида демократик позицияда турганлигини кўрсатади.

Ўрта Осиё ҳалқарининг 1916 йилги миллий озодлик қўзғолони ҳалқ бахшилари ижодида чуқур из қолдириди. Тарихий фактлардан маълумки, демократик позициядаги бахшилар бу умумхалқ ҳаракатига актив иштирок этгаплар, айримлари (масалан, Раҳимбулбул) қўзғолончилар олдида байроқ қўтариб борганлар. Бу ҳаракатга багишланниб қатор қўшиқлар билан бир қаторда, икки йирик асар — Фозил Йўлдош ўғлиниң «Жиззах қўзғолони» ва Пўлканнинг «Мардикор» достонлари яратилди.

1916 йилги Жиззах қўзғолонига багишлаб ижод этилган асарлар орасида Фозил шоирнинг Жиззах ва унинг атрофидаги қишлоқларда кенг меҳнаткаш ҳалқ оммасининг чор ҳукуматининг маҳаллий аҳолидан мардикор олиш фармонига қарши исён кўтарганлиги воқеасини тасвирловчи «Жиззах қўзғолони» достони муҳим ўрин тутади. Шоир Жиззах ва унинг атрофларида достон айтиб юрган вақтларида қўзғолонга оид кўп воқеаларни эшитган. Бу фактлар Жиззах қўзғолонига оид достоннинг юзага келишида асосий материал бўлди.

Достон Октябрь социалистик революцияси арафасида яратилган бўлса-да, у шоирдан инқилобдан сўнг ёзиб олинган. Фозил шоирнинг «Жиззах қўзғолони» достонида

қишлоқларда амалдорларнинг қўзғолончи оломон томонидан үлдирилиши, чор губернаторлари юборган жазо отрядларишиг қелиши, уй-жойларга ўт қўйилиши, қишлоқ ёнғин ичидаги қолиб, қўзғолончиларнинг кўплари қамоққа олингани, калтаклангани, үлдирилгани, саросимага тушгани, бола-чақа, чол-кампир — аҳолининг Жиззахдан чўлга ҳайдаб юборилганлиги баён қилинади. Лекин достонда ўша замондаги синфий қурашнинг моҳияти тўла очилмага. Негаки, шоир ўша пайтда эзувчи ва эзилувчи сиифлар ўртасидаги аёвсиз қурашнинг асл моҳиятини тушуниб етмас эди. Ҳалқни озодликка чиқариш, баҳтли ҳаётга эришиш учун эксплуататорлар ҳокимиятини бутунлай агдариш ва ўрнига ишчи-дэҳқонлар ҳокимиятини ўрнатиш кераклигига англаб етмаган эди, албатта. Шунга қарамай, шоир ҳали ва мардикорлар орасидаги порозилик кайфиятларипи мумкин қадар очишига ҳаракат қиласиди, уларнинг илғор фикрлари, инқилобий туйғуларини ўз савияси даражасида баланд руҳ билан куйлади:

Золимнинг додини бермай,
Бу тахтидан жудо қиласиди,
Сира қайтмам Туркистонга...

Достон чоризмнинг тугатилиши, мардикорларнинг ўз юртларига омон-эсон қайтишлари билан тугалланади. Синфий қурашлар гоят кескинлашган бир даврда ўзбек ҳалқининг озодлик учун олиб борган қурашини мардонга қуилаб келишпинг ўзи шоирнинг жасорати ва унинг ўзбек фольклори ривожига қўшган муҳим ҳиссасидир.

1916 йилги мардикор олиш воқеаларининг бевосита қатнашчиси Пўлкан шоирни ўз қишлоғи Қатагондаги ер эгаси Бўрибой ёллаб, фронт орқасидаги ишларни бажариш учун Россияга юборади. Шоир ўз бошидан кечирган воқеалар асосида «Мардикор» достонини ижод қиласиди, асарнинг айрим нарчаларини Россияда, мардикорлар орасида куйлаб юради.

Миңбоши, юзбопи, элликбопиларнинг ҳали устида қамчи ўйнатиб: «ҳар беш уйдан бир одам тайёрла!»— деган сўзлари ҳалқни газабга солди. Ҳалқ ўз фарзандларини урушга юборувчи золимларга қарши исён кўтарди. Достонда мана шу манзаралар, айпиқса, Жиззах уездидаги рўй берган қўзғолонни бостириш учун подшолик томонидан юборилган жазо отрядларининг вахшийликлари ҳикоя қилинади:

Гулдиратиб катта түпларни отти,
Жиззах шаҳри одамларин бўзлатди.

Достонда халқнинг чеккан оғир қулфатлари, ўз фарзанди ва туғишганларини бегона, узоқ жойларга йиглаб кузатгапликлари ва ота-оналарининг юракларида аlamли ҳасратлари ҳақида шундай мисралар яратади:

Вой болам, деб йиглаб чиқди уйидан,
Вой болам, деб исчовларнинг отаси.
Куйганидан гапни гапга улади,
Вой болам, деб исчовларнинг опаси.
Вой болам, деб майблардай йиглайди,
Сира йўқдир айрилганинг давоси,
Билмаганин мардикорни билдири,
Қамчиниман баданларин тилдири.

Шўлкан ўзбек совет фольклорида биринчи бўлиб Коммунистик партиянинг асосчиси, Октябрь революциясининг доҳийси улуг Ленинни буюк ҳурмат билан мадҳ этди. «Мардикор» достонининг фазилиатларидан бири Ѣзуки, шоир, гарчи умумий тарзда бўлса ҳам, В. И. Ленинни ўша вақтда, 1917 йил Февраль революцияси кунларидаёқ Россияда рўй берган инқилобий воқеаларнинг бошчиси деб тушуниди ва шундай куйлайди:

Хизматчи, солдатнинг вақтин хушлади,
Золимларнинг кўкрагига муштлади,
Николайни судраб олиб таҳтидан,
Губернаторларни чопиб ташлади.
Халқ эшитди Ленин ўртоқ тилини,
Хурсанд этди Россиянинг элини.

Улуг Октябрь социалистик революцияси арафасида яратилган бу янги достонлар Ўзбекистон халқлари тарихида ўтган муҳим ижтимоий-сийёсий воқеаларни ифодалаганлиги билан тоятда қимматли бўлиб, ўзбек достончилигига янги давр бошлаб берди.

Қўшиқлар Мустамлака даврининг кескин зиддиятли ижтимоий воқеалари, мазлум халқ оммасининг ҳаёти, руҳий қайфиятлари уларнинг ўзлари томонидан яратилиб, кенг тарқалган реалистик қўшиқларда бадиий ифодаланган. Қўшиқларнинг мавзу донраси бу даврда янада кенгайди, ҳаёт ҳодисалари изчил, тўлароқ акс этди; уларда бахтсиз турмушдан, ҳуқуқсизлик, эрксизликдан шикоят, меҳнат мешақати, мух-

тоҗлиқ, тенгсиз никоҳга, чиркин бой-феодал урф-одатларига, диний бидъатларга нисбатан кескин норозилик, зулм ва зўрликни қоралаш, лаънатлаш, ўтли нафрат мотивлари кенг ўрин олди ва етакчи ғоя бўлиб қолди. Қадимдан куйланиб келган айрим халқ қўшиқларида ғамгин руҳ, ноҷорлик, мунг, ташвиш, баъзан умидсизлик аломатлари эшитилса-да, уларпинг замирида мавжуд ҳолат билан келиша олмаслик, ундан қутулиш нияти ётади.

Ўзбеклар элида синфий курашнинг кескинлашуви ва аста-секин авж олиши, хон амалдорларининг, чоризм чиновникларининг элга ўтказган беҳад зулми фольклор асарларида ўзининг ёрқин ифодасини тонди. Халқ қўшиқларида сабр косаси тўлган, меҳнаткаш омманинг тобора кучайиб борган норозилик қайфиятлари яққолроқ тасвирланди. Уларда камбагалларнинг терисини шилган хасис, золим бойлар қаттиқ саваланади; қўшиқнинг ҳар бир сатрида алам чеккан, таҳқирланган деҳқоннинг истеҳзоси, пичинги берилади:

Опиқовоқни қайнатиб, Меҳнаткашни ишлатиб,
Еғини олган хўжайин, Жонини олган хўжайин.

Қўйидаги қўшиқда эса халқнинг ситамкор хон, беклардан, уларнинг машъум замонасидан қаттиқ безганлиги моддий ва маънавий жиҳатдан ғоят эзилганлиги билан қиёсан тасвирланади:

Асфандиёр хон бўлди —
Багримиз қора қон бўлди,
Еганимиз чигит нон бўлди,
Улар бўлдик бу хонларнинг дастидан!

Мустамлака даврида эксплуатациянинг энг қабиҳ формалари амалга оширилди, қул бозорлари XX аср бошларида ҳам Бухоро амирлиги ва Хоразм хонлигига бор эди. Бегуноҳ кишиларни ўлдириш, осиш, чиройли қизларни зўрлаб ҳарамга келтириш, бўйсупмаганларни мисоралардан тириклийин ташлаш, йигитларнинг умрини зиндорларда чиритиш, қувғин қилиш ва бошқа энг оғир жазо чоралари ғоят авжга минди. Зулм ва зўрлик остида эзилган меҳнаткашлар оммасининг оғир аҳволи «Хон зулми», «Бевафо золим» қўшиқларида ғоят таъсирили тасвирланди. Ҳаётдан, яшашдан умидини узган, умри армон билан, чидаб бўлмас даражада хўрликда ўтган меҳнат аҳлининг нола-ғифонларига, дод-фарёдларига ғазаб-нафрат руҳи сингиб кетгандир. Бу қўшиқларда ҳаёт лаззатидан бебаҳ-

ра, баҳтсизликка маҳкум этилган ноchor қишининг дард тўла ноласини, адолатсизликдан ҳақоратланган қалбини, шикаста қиёфасини тўла тасаввур этиш мумкин:

Умрим ўтди қонлар ютиб, Дунёда иззат кўрмадим,
Қовургам ерларга ботиб, Завқу сафо ҳеч сурмадим,
Ўлмадим оёқ узатиб, Гуноҳим надир билмадим,
Найлайнин, армонли кетдим. Найлайнин, армонли кетдим.

Инсон қадри бир пул бўлган, одамгарчилик оёқ ости қилинган бу даврда, айниқса, хотин-қизларнинг аҳволи ниҳоятда оғир эди.

Тутқунларнинг тутқуни бўлган мазлума аёллар мол қаторида сотилди. Номус ва виждонлари топталди. Инсонлик қадр-қуммати туироқ билан тенг қилинди. Масалан, Хоразмда кенг тарқалган қўшиқларнинг бирида шундай кўйланади:

Золим Исфандиёр¹, золимлигинг билдиридинг,
Гулсанамни оғочингга² илдиридинг,
Қирқ қора куз қизни йиглатиб олиб,
Бир мусофири Ойхонимни улдиридинг.

Асфандиёр золим бўлиб хонимиз,
Оғизимидан оқди қизил қонимиз,
Золим фалак золимларга йўл берди,
Қайгу-ҳасрат билан чиқар жонимиз.

1916 йилги миллий озодлик халқ қўзғолонлари муносабати билан яратилган қўшиқларнинг энг муҳим хусусияти уларнинг революцион руҳ билан сугорилганлигидadir. Айниқса, мардикорликка олинганлар ва уларнинг ота-оналари томонидан яратилган қўшиқларда золимларга қарши юзма-юз туриб этилган ғазабли фикрлар баён этилгандир. Бу қўшиқларда оқ подшога, унинг маҳаллий амалдорларида қарши курашга чақириқ мотиви кучли янграйди. Фазаб-нафрат туйғусининг конкрет тус олиши Николай подшо, Саидаҳмад, Мавлонбек каби золимларнинг номларини тилга олиш билан яққол куринади. Бу золимларга қақшатқич зарба беришга отланган курашчиларнинг жанговар руҳи, жасорати, ҳар қандай душмандан қўрқмаслиги каби хусусиятлар революцион руҳдаги бундай қўшиқларнинг характерли белгиси ҳисобланади. «Николай қон жаллоб», «Минг лаънат» каби қўшиқларда замонанинг исёнкор кишилари овози барала эши билади, бугун-эрта кучли бўрон бошланажаги ҳақида хабар бериб тургандай бўлади.

¹ Исафандиёрхон.

² Оғоч — дор.

Саидаҳмад ва Мавлонбеклар номи билан боғланган қўшиқларда эса маҳаллий меҳнаткашларни зўрлаб фронт орқасидаги оғир ишларни бажаришга юборган, чоризм малайларига — миллий буржуазияга лаънатлар ўқилади:

Саидаҳмад томинг баланд Йигитларга қўл қўйган,
Томингдан номинг баланд, Падарингга минг лаънат!

Россия ичкарисидаги оғир моддий шароит бевосита мардикорликнинг азоб-үқубатларини ўз бошидан кечирган кишилар тилидан айтилгани сабабли ҳар бир ҳолат жонли, реалистик деталь вазифасини ўтайди:

Унда бордим, бунда бордим, Оёқларимдан совуқ ўтди,
Пенза деган шахрига, Тўхтамас кўзнинг ёши,
Эй ёронлар, ким чидайди Шулни олиб, чунтакка солиб,
Замбаракнинг зарбига. Хурсандмисиз, эллик боши?!

Мардикорликка ёлланиб кетган камбағал йигит ала-мини ичига ютиб, пичинг билан элликбошини эслайди.

Мардикор қўшиқларида соғ реализмни юзага чиқараётган омиллардан бири уларда типик шароит, вазиятнинг яққол тасаввур этилиши, образнинг конкретлиги — прототипнинг аниқлигидир. Иккинчи томондан, синфиий зиддиятлар ишора ёки рамзий йўл билан эмас, балки бутун кескинлиги билан очиқдан-очиқ кўрсатилади. Демак, бу давр халқ қўшиқларида реализм синфиий кураш билан боғлиқ бўлган ижтимоий онгнинг тугилишида рўёбга чиқади.

Инқилобий руҳ билан сугорилган қўйидаги жанговар қўшиқда Россия үрмонзорларида қаҳратон қишида меҳнат қилган ўзбек мардикорларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, даврнинг энг илғор тоялари тўла, реалистик ифодаланган дейиш мумкин:

Сўк ошини ечмайман, Хеч ҳақимдан кечмайман!
Этигимни ечмайман. Мардикорга олган Николайни
Қорда қарагай кессанман, Тахтдан ийқитмай қўймайман!

Хулоса қилганда, Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасида яратилган фольклор асарлари ҳаётни реалистик тасвирилашнинг юқори шуқтасига кўтарилиди. Уларда меҳнаткаш халқ оммасининг исёнкорлик фаолияти, руҳи ва иродаси ёлқинли, тояг кескин сатрларда акс эттирилди. Бу — ижтимоий тенгизлилк хукм сурган шароитда асрлар бўйи етилиб келган ўзбек халқ оғзаки ижодининг тадрижий такомили натижаси эди. Айни чоқда, чуқур гуманизм ва эркпарварлик руҳи билан сугорилган ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари совет даври ўзбек фольклорининг шаклланишида муҳим роль ўйнади.

СОВЕТ ДАВРИ ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ПОЭТИК ИЖОДИ

Улуг Октябрь социалистик революцияси кишилик жамияти тарихида янги даврни бошлаб берди. Революция галабаси туфайли меҳнат аҳлиниң капиталистик эксплуатация ва зулмдан қутулғанлиги, Россиядаги барча халқлар ва миллатлар әркинликка чиқиб, тенг ҳуқуққа эга бўлиши, мамлакатнинг моддий ва маънавий бойликлари меҳнаткашлар ихтиёрига ўтганлиги халқ оммасининг асрлардан бери қилиб келаётган орзу-умидларини рӯёбга чиқарди. Тарихий галабаларимиз илҳомчиси ва ташкилотчisi Коммунистик партия ва Владимир Ильич Лениннинг доно раҳбарлиги туфайли халқимиз тарихан жуда қисқа давр ичida катта галабаларни қўлга киритди. Мамлакат экономикаси кўтарилди, эксплуататор синфлар тугатилди. Ер ислоҳоти, қишлоқ ҳўжалигини колективлаштирип, саноатни тиклашга киришилди. Идеология соҳасида жуда улкан социал ўзгаришлар юз берди. Коммунистлар партияси ва ишчи-дехқонлар ҳукумати, улуг рус халқининг ёрдами ва мадади туфайли барча ўлкаларда мактаблар, билим ва маданият ўзоқлари очилди. Ўтмишда ёппасига саводсиз бўлиб келган халқимиз инқиlobий руҳ билан саводсизликни тугатишга кириши. Миллионларча кишилар маданий революция жараёнида маданият ва фан ютуқларидан баҳраманд бўлдилар. Натижада янги ишчи-дехқон инженерлари, конструкторлари, фабрика-завод мутахассислари, раҳбарлари етишиб чиқди.

Улуг Октябрь революциясининг меҳнаткашларга берган сиёсий әркинликлари, иқтисодий ва маънавий ҳуқуқ-

ларининг кўп асрлар давомида феодал зулми билан бўғилиб ётган мазлум шарқ халқлари учун, айниқса, аҳамияти буюк эди. Мустамлака ўлкаси ҳисобланган кўҳна Туркистон халқлари уйғонди. Ўзбек халқи ҳам улуғ Советлар мамлакати халқлари билан баравар, қўлни қўлга бериб, янги дунё — социалистик жамият қуриш ишига актив кириши. Коммунистик партия ва Совет давлатининг доно миллий сиёсати, унинг меҳнаткаш ишчи ва дехқонларга ҳар томонлама берган ёрдами туфайли ўзбек меҳнаткашлари ҳам ижтимоий ва сиёсий ҳаётга қадам қўйди, ишчилар синфи сафлари ўси, хотин-қизлар наранжи балосидан қутулди ва илм-маърифатга тортилди, қулоқлар, бойлар, руҳонийлар синф сифатида абадий тугатилди.

Маданий революциянинг амалга ошишида янги очилган совет мактаблари, матбуот, театр, илмий-маданий ташкилотларнинг, партия, комсомол, касаба союзи жамоатчилигининг ташкилотчилик ва ташвиғотчилик роли беқиёс катта бўлди.

Жамият тарихидаги муҳим сиёсий воқеалар, революция галабаси, совет давлатининг меҳнаткашларга қилаётган ғамхўрликлари халқларнинг маданияти ва дунёқарашида, моддий, маънавий ҳаётдида чуқур из қолдира бошлади. Меҳнат кишисининг ҳаётдаги ҳал қилувчи роли илк бор ўзини кўрсатди. Булар совет халқи яратган поэтик ижод намуналарида ўз бадиий ифодасини топди. «СССР халқларининг ижоди буюк ва хилма-хилдир. Илмда, техникада, санъатда — ҳамма соҳада шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият мислсиз даражада гуллаб кетди. СССР халқларининг ижодиёти айниқса, халқ қўшиқларининг яратилишида ифодаланади»¹.

Ўзбек халқининг бой ва ранг-барагн оғзаки ижодиёти тарихида ҳам янги давр бошланди — халқ ижодчилиги Совет ҳокимиёти даврида ҳеч бир замонда кўрилмаган даражада гуллаб-яшнади. Янги давр, янгича шароит, халқимизнинг баҳтли турмуш қуриш ўйлидаги курашларини ифодалаган қўплаб поэтик асарлар юзага келди. Революция шароғати билан, унинг халқи берган маънавий бойликларининг самараси сифатида ўзбек фольклоршунослиги фани майдонга келди. Ўзбек халқининг бой ижодий хазипаси ўрганила бошлади, халқ шоир-баҳшилари топилди, халқ ижоди намуналари ёзиб олипа бошлади.

¹ М. И. Калинин. Адабиёт ҳақида, Ўздавнашр, Тошкент, 1949, 199- бет.

Совет даврида ўзбек фольклори репертуар жиҳатидан энг бой булди. Илмий ижодий жамоатчиликнинг халқ оғзаки ижодини тўплаш юзасидан олиб борилган экспедициялари янгидан-янги достончи, қўшиқчи, эртакчиларнинг номларини топар, илк ёзиб олинган материаллар маҳаллий матбуотда, радиода эълон қилинар, баҳшиларнинг меҳнаткашлар билан учрашувлари ўтказилар эди. Ўзбекистон ҳукумати халқ шоирларига ҳар томонлама моддий-маънавий ёрдам уюштириди — ижод қилиш учун зарур шароит яратилди. Бунинг натижаси жуда самарали бўлди: «Алпомиш», «Гўруғли» цикли достонлари, «Орзигул», «Ширин билан Шакар», «Рустамхон» сингари неча ўнлаб достонлар, қўшиқлар, мақоллар, эртаклар илмий жамоатчилик томонидан ёзиб олинди. Халқнинг бебаҳо маънавий хазинасини сақлаб қолиш юзасидан катта ишлар қилинди. Иккинчи томондан, революция ғалабаларидан, социализмнинг зафарли қадамларидан руҳланган халқ талантлари совет воқелигига атаб янги-янги қўшиқлар, термалар, ҳатто достоплар яратдилар. Халқ орасида замонавий мақоллар туғила бошлади. Топишмоқлар, урғ-одат, мавсум-маросим қўшиқлари, «ёр-ёр»лар айтиш, ўлан, лирик тўй қўшиқлари ҳануз қишлоқларда ижро қилинар, нисбатан ўзгаришларга ҳам учрар эди. Натижада янги — гоявий мазмун жиҳатидан ҳозирги замонга мос, сифат жиҳатидан анъанавий халқ ижодидан фарқ қилган, бироқ классик фольклорнинг энг яхпи томонларидан — композицияси, бадиий приёмлари, адабий формаларидан фойдаланилган ҳолда яратилган совет даври ўзбек халқ оғзаки ижодиёти юзага келди. Унинг энг етакчи мотиви совет замонини мадҳ этиш, улинг қадрига этишга чақириқ, ёш Советлар давлатини ташқи ва ички душмаплардан сақлаш бўлди, буни бир сўз билан совет ватаппарварлигини, В. И. Ленинни, Коммунистик партияни, совет халқларини куйлаган фольклор асарлари дейиш тўғри бўлади.

Октябрь революциясигача ижод этилган асарлар оғзаки равишда, якка ижрочилик йўли билан тарқаларди. Меҳнаткаш халқ ижодчиларининг саводсизлиги туфайли фольклор асарлари оғиздан-огизга ўтиб тарқалар ва натижада кўп вариантилийк вужудга келарди. Халқ ижодчилари — достончи, эртакчилар халқ орасида, кўпчилик тўпланган жойларда юзма-юз ўтириб ижро қиласиди. Шу сабабдан тингловчилар — аудиториянинг диди ва талабидан келиб чиқсан ҳолда эртак ёки достон эпизодларини,

қўшиқнинг сатрларини ўзгаририар — кўпчиликка мослашибтиради. Совет даврида бу традиция революциянинг дастлабки ўи йилларида бирмунча давом этса ҳам, кейинги даврда анча ўзгаришларга учради. Фольклор ижрочилири кўпайди, масалан, қўшиқларни тўйларда, клублар, маданият уйлари, театр саҳналарида энди коллектив бўлиб ижро этиладиган бўлди. Колхозларда, завод-фабрика маданият саройлари қосида этнографик ҳаваскорлар труппалари тузилиши, уларнинг халқ ижоди репертуарини ҳар жиҳатдан — бадиий сўз, музика, рақслар, интермедиалар, қизиқчилик, асқиябозлик билан бойитган ҳолда ижро этиб чиқишилари даврга хос хусусият булиб қолди. Совет ҳокимияти йилларида фан ва техниканинг тараққиёти халқ ижодининг ёйилишига ижобий таъсир кўрсатмоқда: энди халқ ижоди телевизорларда кўрсатилади, радиода эшиттирилади, газета, журналлар ва китоб орқали кўп миллионли тиражларда оммалаштирилади. Класик фольклорнинг тарқалишидаги кўп вариантилийк янги шароитда тобора камайиб бормоқда.

Янги давр фольклори бошдан кечираётган ўзгаришлар фольклор жанрларига сифат ўзгаришилари киритмоқда: янги достонлар, эртаклар яратиш тобора камайиб, ниҳоят сўниб бормоқда. Халқнинг эпик асарларга бўлган эҳтиёжини энди матбуот, китоблар орқали ёзув адабиёти қондира бошлади. Халқ ичидан чиқсан талантли ёзувчилар достонлар, эртаклар, қўшиқлар ёзмоқдалар. Қўшиқлар эса жуда яшовчан булиб чиқди: анъанавий тўртлик, олтилик сатрларида яратилган янги мазмундаги қувноқ қўшиқлар тўйларда, кўпчилик томошабинлар орасида ҳануз завқ билан тингланади. Халқ мақоллари ўзининг донишмандлиги билан ҳамон маънавий озиқ берид, таълим-тарбиявий хизмат ўтамоқда. Халқ мақоллари арсенали тобора янги-янги замонавий мақоллар билан тўлиб бормоқда. Халқ асқиячилиги шу вақтгача қўрилмаган даражада обру қозонди. Халқ асқияси энди кишиларнинг шахсий, жисмоний нуқсонлари устидан кулиш эмас, балки ўтмишдан сарқит булиб қолган жамиятдаги иллатларни кулги йули билан ювиб ташлаш қуроли булиб хизмат қилмоқда. Ҳозирги асқияларда дангасалик, ишёқмаслик, ваъдабозлик, иш билмаслик, нўноқлик сингари қатор камчиликлар аёвсиз ҳажв остига олинади.

Меҳнаткашларнинг оммавий-бадиий ҳаваскорлиги бизнинг кунларимизда кўпчиликнинг ташаббуси билан юк-

сак маданиятнинг юзага келишига олиб келдики, бу социализмнинг маданий революцияни амалга оширишдаги зўр ғалабаси бўлди. Бизнинг кунларимизда халқ бадий ижодчилиги халқлар муваффақиятини намойиш қиласидан, совет халқларининг интернационал дўстлигини мустаҳкамлайдиган омиллардан бири бўлиб қолди. Мехнат ғалабалари байрамлари, колективларининг ижодий ҳисоботлари, интернационал дўстлик ҳафталиклари, миллий республикалар декадалари бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбек классик адабиёти ва халқ оғзаки бадий ижодининг бой ижодий тажрибаси, илғор анъаналари совет адабиётининг вужудга келишида пухта замир бўлди. Түғрироги, янги типдаги ва гоявий йўналишдаги адабиёт ва санъят ўтмиш адабиёт ва санъатининг қонуний давоми бўлиб туғилди, равнақ топди. Ўзбек фольклорида гуманистик ва демократик йўналиш, унда куйлалиб келган ижтимоий тенглик, адолат, озодлик, дўстлик гоялари, баҳтиёр замон ҳақидаги орзулар ўзбек совет адабиётida ва халқ оғзаки ижодида изчил ривожлантирилди. Совет даври ўзбек халқ оғзаки бадий ижодида озод инсон образи бош қаҳрамон бўлиб гавдаланади. Синфий душманларга қақшатқич зарба бериш, ижтимоий тенглик ва адолат тантасини куйлаш, саодат ва садоқат тароналари, дўстлик, бирлик, коллектив меҳнат завқи, янги ҳаёт учун кураш ва жасорат, ватаппарварлик совет даври ўзбек фольклорининг ҳам етакчи мавзуи бўлди.

Бу давр фольклорининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, унда индивидуал ижод билан коллектив ижод мутаносиблигида муайян ўзгаришлар содир бўлди. Коллектив ижод доирасида индивидуал ижодпинг салмоғи кўпая бошлади.

Йигирманчи йиллардан бошлаб, Улуг Ватап уруши ва ундан кейинги даврларда коллектив апъаналари доирасида индивидуал ижоднинг маҳсулни тобора орта борди. Халқ шоирларининг япги-янги достонлари — «Ўртоқ Ленин», «Ҳасан батрак» лар, кўплаб термалар яратилди. Мехнаткаш халқнинг бадий ижодга нисбатап бундай оммавий муносабати, шунингдек, халқ қўшиқлари қаторида бахшиларининг термалари, халқ шеърларининг матбуот орқали ва китоб ҳолида кенг тарқалиши рўй бердики, бу нарса ўтмишда асло кўрилмаган эди.

Совет халқларининг қардошлик оиласига бирлашган ўзбек халқининг социалистик маданияти, адабиёти, санъ-

ати ва халқ оғзаки бадий ижодиётининг юксак халқ-чилиник ва партиявийлик руҳи билан сугорилганлиги, уларнинг гоявий-тематик умумийлиги, бирлигидан келиб чиққандир. Ўзбек халқ оғзаки бадий ижодининг совет адабиёти сингари халқ ҳаёти билан алоқасининг яқинлиги бадий асарларнинг реалистик кучини ошириди. Совет даври халқ оғзаки ижоди гоявий-эстетик принципнинг аниқлиги, ҳаётпинг коммунистик дунёқараш асосида ёритилиши, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига онгли муносабат ва бошқа сифатлари билан ўтмиш замон фольклоридан принципиал фарқ қиласиди.

Кейинги йилларда ўзбек совет поэзияси билан халқ шеъриятининг ўзаро таъсири ва яқинлиги ҳодисаси яна-да кучайди, фольклор тобора ёзма адабиётга яқинлашмоқда. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг халқ қўшиқлари ва куйлари асосида яратилган инқилобий ашулалари эл орасида ғоят кенг тарқалди.

Шундай қилиб, совет даврида ўзбек халқ оғзаки ижоди ўзига хос хусусиятларни сақлаган ҳолда халқ санъатининг бир тури сифатида социалистик воқеаликни реалистик акс эттириди. Унда ўтмиш фольклорининг энг яхши илғор анъаналари, тажрибалари давом эттирилди ва ривожлантирилди.

УЛУГ ОКТАБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ, ГРАЖДАНЛАР УРУШИ, ХАЛҚ ҲУЖАЛИГИНИ ТИКЛАШ ВА СОЦИАЛИСТИК ИНДУСТРИАЛИЗАЦИЯДАВРИ ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ БАДИЙ ИЖОДИ (1917—1929 ЙИЛЛАР)

Улуг Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси патижасида меҳнаткаш халқнинг ижодий қобилияти ҳамма соҳада мислсиз ривож топди. Совет давлатининг асосчиси, улуғ доҳий В. И. Ленин етакчилигига, шонли КПСС нинг доно раҳбарлигига ҳокимиятни ўз қўлига олиб, золимларга қарши кескин синфий курашларда чиниқсан совет халқининг, жумладац, ўзбек халқининг оғзаки бадип ижодида ўша даврнинг энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалари акс этди. Тарихда биринчи мартаба барпо бўлган социалистик давлат тақдиди билан узвий боғлиқ бўлган ҳаёт ҳодисалари: гражданлар урушида жонбозлик кўрсатиш, капиталистик давлатлар интервенцияси ва босмачилик ҳаракатини тор-мор этиш, муштумзўрларнинг

қаршилигини синдириш, ўлкада ер-сув ислоҳоти, хотин-қизлар озодлиги учун кураш каби революцион тадбирлар адабиёт ва санъатнинг, халқ оғзаки ижодининг асосий темаси бўлди. Бунинг сабаби шундаки, ҳақиқий халқ баҳшилари шу жанговар кураш йилларининг бевосита иштирокчиси ва қуйчиси бўлиб майдонга чиқдилар. Халқ баҳшилари — Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан — Мұхаммадқул Жонмурод ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир Назар ўғли, Нурман Абдувой ўғли, Умир шоир Сафаров сингари халқ шоирлари, эртакчилар, қўшиқчилар, Юсуф қизиқ Шакаржонов каби халқ санъатининг илгор вакиллари янги юзага келаётган социалистик маданиятининг пойдеворини қуришда биринчилардан бўлиб актив қатнашдилар.

Совет даврида ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди билан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Садриддин Айнийлар байроқдор бўлган ёзма адабиётнинг шаклланиши, ривожланиши бир-бирига ўзаро таъсир этган, тўлдирган ҳолда рўй берди. Сўз санъатининг бу икки турининг халқ манфаатларига хизмат этиши, тематик ва ғоявий-эстетик йўналиш бирлиги, илгор адабий традицияларни давом эттириш ва янги замон кишилари — ишчи-дехқонлар, ботир қизил аскарлар образини яратишдаги умумийлик, яқинлик, совет ҳалқини коммунистик руҳда тарбиялашдек улуғ мақсадга қаратилганилиги уларни тобора бир-бирига яқинлаштириди.

Совет даври ўзбек фольклори ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига кириб борди, даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларини акс эттириди. У тематик жиҳатдан ниҳоятда кенг ва ранг-бараңгидир. Фольклорнинг деярли барча жаңрларида, хусусан қўшиқ жаңрида янги даврни тасвирловчи асарлар юзага келди.

Улуғ Октябрь революцияси ва В. И. Ленини улутгланиши

соҳибидан

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли галабаси таъминланиши билан оқ ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодида янги советлар замонини, узоқ замонлар орзу қилиб, эндиғина аёвсиз курашларда қўлга киритилган галабани, эркин ҳаётни, озодликни, ижтимоий тенгликни, ҳурриятни қутлап мотиви етакчи ўрин тутди.

Улуғ Октябрь революцияси, В. И. Ленин ва Коммунистик партия ҳақидаги фольклор асарларида улар яхлит бирлиқда тасвирланади. Халқ оммаси улуғ доҳий ва Ком-

мунистик партия деганда, мазлум меҳнаткашларни асрий қулликдан қутқарган, камбағалпарвар халоскорларни кўради:

| | |
|-----------------------|----------------------------|
| Эсон бўлсин Шуролар, | «Бирлаш, ишчи-дехқон» деб, |
| Ишчи-дехқон отаси, | Ленин отам ўргатди. |
| Меҳнаткашга йўл очган | Зулмат чилшарчин бўлиб |
| Коммунистлар фирмаси. | Мамлакатда тонг отди. |

Уроқ-болга қўлга олган,
Меҳнаткашга оқ йўл берган
Эсон бўлсин ҳукумат.

Янги социалистик озод замона қўшиқларда оқ йўл, кундуз, тонг, уроқ-болга каби образлар орқали тасвирланди. Бу рамзий образлар қоронгилик ва зулматга қарама-қарши қўйилган бўлиб, икки олам, халқнинг иккиси хил тақдиди, яшашини кескин, фарқли ифодалашга хизмат этади.

Ўтмишда икки томонлама — ҳам феодаллар томонидан, ҳам тўрт девор ичида эрлари зулмидан эзилган мазлум хотин-қизлар Октябрь революцияси шарофати билан қўллик кишанларидан озод бўлдилар, жамиятнинг ҳамма аъзолари билан тенг ҳуқуққа эга бўлдилар. Шу сабабдан уларнинг революциядан, коммунистлар партиясидан миннатдорлиги чексиз эди:

| | |
|-----------------------|-------------------------|
| Оқ шоҳидан рўмолим, | Ленин йўли йўл экан, |
| Түқитанлар улмасин. | Юрдик, қизил гул экан, |
| Юртимизни сураган | Эркин, қувноқ яшашга |
| Коммунистлар улмасин. | Энг тўғри йўл шул экан. |

1924 йили совет ҳалқининг бошига мислсиз оғир мусабит тушди — доҳиймиз В. И. Ленин вафот этди. Шу муносабат билан яратилган кўплаб халқ мотам қўшиқларида Лениннинг ўлмас таълимотининг ҳаётий кучи, абадийлиги уқтирилади. Бунда ҳалқимизнинг Ленин ғоялигига чексиз садоқати, фидокорлиги билиниб туради:

| | |
|-------------------------|------------------------|
| Яшаб турган йўлимиш | Ленин йўли порлоқ йўл, |
| Нурсиз бўлди демонглар. | Ленин ўлди демонглар. |

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ўн йиллиги мамлакатимизда тантана билан нишонланди. Шу муносабат билан халқ шоирлари Улуғ Октябрь, доҳий Ленин, Коммунистик партия ҳақида талай асарлар яратди. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Октябрь», «Шўро», «Охунбобоев», «Қизил»; Пўлкан шоирнинг «Узоқ яшасин»;

Қурбон созчи Исмоиловнинг «Ленин», «Яшасин батрак»; Фозил шоирнинг «Октябрни қутлайман» каби термалари яратилди. Бу термаларда Совет ҳукуматининг Улуг Октябрь инқилобининг мохияти тушунтирилади, Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва меҳнаткаш ҳалқнинг монолит бирлиги юксак пафос билан қўйланади:

Игвогар бойларга бўлди қиёмат,
Камбагал дехқонга бўлди муруват,
Меҳнаткашма бўлди Шўро ҳукумат,
Шўро ҳукумати узоқ яшасин!

Улуг Октябрь социалистик революцияси ғалабаларини мустаҳкамлаш, В. И. Ленин ва Коммунистик партияни улуғловчи эпик пландаги асарлар ҳам яратилди. Бундай асарларни биринчи бўлиб етакчи ҳалқ шоирлари яратдилар. Холёр Абдукарим үглининг «Амир қочди» достони шулар жумласидандир. Унда амирликнинг емирилиши, Бухорода инқилобнинг ғалаба қилиши (1920 йил) тасвирланади ва ҳурриятни сақлаб қолишга чақириқ тояси асосий ўринни эгаллади.

Бу темада яратилган энг кўркам асарлардан бири Эргаш Жуманбулбул ўғлиниң «Ўртоқ Ленин» достони ҳисобланади.

«Ўртоқ Ленин»
достони

«Ўртоқ Ленин» достонини Эргаш
Жуманбулбул ўғли 1927 йилда ярат-
ган ва эл орасида айтиб юрган; достон
1928 йилда фольклоршунос Ҳоди Зариф томонидан
ёзил олинган.

Достонда ҳикоячи-шоир образи тасвирланган воқеаларни бошқарувчи, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, ўтмиш замонанинг бутуни қабоҳатини курган, тажрибали, зукко киши сифатида гавдаланади. Бу жафокаш ота факат Совет ҳокимиюти давридагина тўйиб эркин нафас олди, кўкрагига шамол тегди.

Достонда озод ва ҳур яшашнинг қадрини чуқур тушунадиган кишининг юрак сўзларини тинглайсиз. Шунинг учун ҳам бахшининг мураккаб психологиясида, хотирасида ўтмишнинг аламли, оғир қора куилари бир-бир эсга келади, асарда ҳақсизликдан норозилик, нафрат туйғулари яраланганд қалбнинг дарди сингари ҳикоя қилинади. Улуг Октябрнинг мунаvvар тонги отиши билан букилган қаддини ростлаб, дилида ўзгача хушнудлик барқ урган шоирнинг миннатдорлик севинчлари инсоният олами

учун энг табаррук, мўътабар ва қутлуғ Ленин номини тилга олиш билан тўлиб-тошади, юрагини шодлик ҳаяжони қўплайди. Бу тасодифий эмас. Чунки совет қишиларининг ижтимоий адолат, тенглик, озодлик, эрк учун олиб борган курашлари тарихи, кенг ва бепоён Россия ўлкасида революцион рус пролетариатининг қўлга киритган тарихий галабалари, қишиликнинг асрий орзу-умидлари Ленин номи билан узвий болганган. Қадрдонлар даврасида шундай улуғ устоз ҳақида бир ҳикоят айтиш отахон шоирга ажаб бир қувонч багишлайди, дили яйрайди, фарх ва ғурур тўла қўтаринки рӯҳ билан достон айтади:

— Ленин десам, кўнглим равшан бўлади,
Достон айтиб кўпнинг кўиглин хушлайнин.

Бахши бобо набира, фарзандларига яқин ўтмишдан ҳикоя — эртак бошлайди. Унинг сўзларидан Николай замонида меҳнаткашларнинг оғир турмуш кечиргани, «хорузор, беватан» бўлгани англашилади. У замонларда замона зўрники, мулқдорники бўлиб, ҳақсизлик авжига чиққан эди:

Йўқ-юқа, камбагал билан иши йўқ,
Элни вайрон қилиб хоқонлар ўтди.

Юртни сураган беклар, қозилар, подшолар, мингбошлилар, элликбошилардан на бир яхши ном, на бир хайрли иш қолди. Шоирнинг ҳалқ тилидан айтган ҳукмнамо хуносали фикрида жамики хонлар, бойлар, золимларга тақилган тавқи лаънат тамғаси босилгандай бўлади:

Оқ ит билан қора ит — бари бир ит,
Ўз кайфини суриб сultonлар ўтди.

Достонда улуг доҳий образи у тузган нурағшон давр, ишчи-дехқонлар социалистик давлати ҳалқнинг қоронги ўтмишига, зўравон юрт корчалонларига қарама-қарши қўйилади. Ижтимоий ҳаётдаги бундай синфий зиддиятлар достон конфликтини ташкил этади. Сув келтирган хор-зор, қуза синдирган азиз бўлган ўтмиш замонларда меҳнаткаш ҳалқнинг оғир, машаққатли турмушини тасвирлаш учун ҳалқ шоири қиёслаш ириёмини қўллади. Шу йўл билан икки хил яшаш тарзини «кайфу сафо» билан «жабру жафо» сўзларида кўрсатади. Бахшининг бутун симпатияси меҳнат аҳли билан ҳамдардликда акс этади:

Майшатман қайғу сафо бир ёқда,
Меҳнат билан жабру жафо бир ёқда,
Хеч сони йўқ мунглиларнинг азасин,
Базму ишрат, созу наво бир ёқда.

Достончи ҳаёт ҳақиқатини очишда бундай умумий баён билан киғояланмайди, балки уни давр зиддиятларини келтириб чиқараётган характерли эпизодларда кўрсатади. Бунинг билан асар конфликтининг ички динамикасини кучайтиришга эришади, ҳақсизлик ва зулмнинг социал илдизларини очади.

Шоир ҳикоясидаги кичик-кичик ҳаётий эпизодлар ҳам ўзига хос умумлашмалик моҳиятига эга. Шу жиҳатдан чўпон ва бой, дехқон ва судхўр ҳикоялари характерлидир. Достонда судхўр билан ундан юз сўм қарз олган қашшоқ дехқоннинг жанжални берилади. Дехқон судхўрга икки йил ичиди юз сўмини минг сўм қилиб берса ҳамки, барibir қутула олмайди. Бунинг устига судхўр унга дўқ қиласди, қўрқитади; исп қозига ўтади. Дехқон ҳақиқат юзага чиқар, қарздан қутуларман, мушкулим осон бўлар деб умид қиласди:

Олиб борар бечорани қозига,
Қози ўйнап бойнинг чалган созига;
Камбағал шўр бўзлаб-бўзлаб йиглайди,
Бой қарамас унинг кўпу озига.

Из сўм қарз ўн минг сўмга етибди; «бойнинг пулини бермаса, обориб қамагип!»— деб ҳукм чиқаради қози.

Эргаш шоир достонда пораҳўрлик, зулм ва зўрликка асосланган ўтмиш замоннинг иллатларини, феодализм жамияти туғдирган қашшоқлик, эрксизлик ва жабр-жони шундай лавҳаларда фош этади.

Эргаш Жуманбулбул ўғли Самарқанднинг Нурота қишлоғида яшаган бир дехқон шоир дунёқарапи доирасида В. И. Лениннинг революцион фаолиятини, эзилган меҳнаткамшлар оммасини озодликка олиб чиқишдан иборат буюк хизматини чуқур миннатдорчилик билан баён этади. Ота нутқида кексаларга хос салобат, чуқур маъноя яққол сезилиб туради. У, миллионлар қатори биринчи дафъа инсоний ҳуқуқни, одамларча эркин яшашни, ҳаётнинг қадрини В. И. Ленин туфайли англаб этади. Ленин ўгули — озодлик ва ҷароғон баҳт ўғли, тенглик ва дўстлик ўғли булиб қолганини достопчи шоир дехқон тилидан содда ва гоят самимий баён этади, ҳаётбахш ленинизм тояларининг меҳнаткаш ҳалқ учун нақадар қимматли

эканини тараннум қиласди. Чиндан ҳам «ўртоқ Ленинпинг ҳар сузини бир достон» қилиш, айтган сўзларини раҳбар билиб, она-юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун курашиб бирдал-бир муддаомиз, бурчимиз деган фикр достоннинг гоявий мундарижасини белтилади.

«Ўртоқ Ленин» достони ўзбек совет адабиёти тараққиёти тарихига муҳим воқеа бўлиб кирди. Эргаш шоирнинг бу асарида ўзбек классик достончилиги бой тажрибалиридан фарқли ўлароқ насрый баён учрамайди. Асада гарчи шоир етакчи образ — воқеаларни баён этувчи шахс бўлиб кўринса-да, ўтмишнинг типик ҳодисаларини улуг доҳий ҳаёти ва фаолияти билан боғлашда анъанавий достон йўлларини қўллади. Достонда ҳалқ жонли нутқидан баракали фойдаланилган, бадий тасвир воситалари, умуман, сўзларни ишлатишда шоир меҳнаткаш дехқонпинг фикрларни тарзига суннади, кенг оммага тушуниладиган, манзур бўладиган бадий тилда ҳикоя қиласди. Шоир сухбатдошларига улуг инсон ҳақидаги ҳаётий ҳақиқатни босик оҳангда, жозибали қилиб сўзлайди. Ленин сиймоси эл тилида улугворлиги, донолиги, айни вақтда камтарин, соддалиги билан ҳамиша барҳаёт:

Текис, кенгдан бир ўйл соглантир Ленин,
Бойнинг ҳушин бошда олгантир Ленин,
Шу ўйл билан донг чиқариб дувёга,
Эзилганга раҳбар бўлгантир Ленин.

«Ўртоқ Ленин» достони ҳалқчил руҳи, умумхалқпинг ўз йўлбошчисига бўлган сўнмас меҳр-муҳаббатини, чуқур ҳурмат ва садоқатини, чексиз миннатдорчилигини терсан, жозибадор иғодалashi билан ўлмас асар бўлиб қолди.

Эргаш Жуманбулбул ўғли бошлаб берган ўзбек ҳалқ оғзаки ижодидаги лениннома кейинчалик кўплаб шоирлар ижодида давом эттирилди. Раззоқ баҳши Қозоқбой ўғли, Алим шоир Ҳаққулов, Раҳматулла Юсуф ўғли, Чори шоир Ҳўжамберди ўғли устоз баҳшига эргашиб, улуг Ленин образини яратишга ҳаракат қилдилар, қўлда сози билан ҳануз ҳалқ орасида доҳий мадҳими куйлаб келадилар.

Совет ҳокимияти душманиларига қарши кураш темаси Туркистонда гражданлар уруши ўл-када феодал ва буржюа ҳокимиятини қайта тикилашини мақсад қилиб, капиталистик давлатларнинг ҳарбий қуроллари ва мадади билан уюштирилган контрреволюцион ҳаракат — босмачиликка қарши қураш гоят кескин вазиятда ўтди. Меҳнаткаш омманинг босмачилик ҳаракатига қанчалик ўтли нафрат билан қараганлиги ва унга

қарши курашганилиги ўша йилларда ёк түқилган халқ құшиқларида, бахшиларнинг термалари ва достонларида ўзининг тұла ифодасини тоған. Бир қатор құшиқларда босмачи шайкаларининг ёвузлик ва йиртқичлигидан бешисоб азоб чеккан халқнинг алами ва норозилик кайфиятлари ҳаққоний ифодаланади:

Хатирчининг йұлда
Қышлоги бор Тасмачи,

Юртни вайрон айлади
Үйинг күйгур босмачи.

Ёндрилган қишлоқлар, бир кечада хонавайрон бұлған бинолар, чавоқланиб ташланған болалар, чолу кампирлар, олиб қочилған қызлар, фарзандидан жудо бұлған ота-оналарнинг дод-фарёди... Булар босмачилар көлтирган фожиалар бұлиб құшиқларда алам билан тасвириланади:

Ариқ боши ўйилди,
Бұзғига пікоқ құйилди.

Босмачилар құлда
Бегунохлар сүйилди.

Құшиқларда қаҳрамон қизил аскарларнинг жасорати ва халоскорлық фаолиятини улуғлаш алоқида ўрин туатади. Қуйидаги сатрларда Қизил Армия ҳақиқиқи халқ армияси, совет халқи баҳт-саодатининг бирдан-бир ҳимоячиси, посбони әкәнлиги үқтирилади. Халқ тушунчасида ва поэтик ижодида қизил аскарлар колектив ижобий образ сиғатида талқын этилади:

Дупир-дүпир от чопар —
Қизил аскар келиби;

Рангимизга қон кирди,
Душман бағрин тилиби.

Құшиқларда традицион образлар, психологик параллелизмлар, тасвирий воситалар, халқ изборалари босмачилликта қарши кураш темасини ёрқын акс эттиришга хизмат қиласы. Масалан, шафтолининг синдирилған шохлары босмачининг зулми туғайли олиб қочилған қызниң хүрланиши, зор йиғлаган онанинг изтиробли кечинмаларига монандыр. Еки:

Бемаҳал турған шамол
Богда гулни сұлдирди,—

сатрларидаги салбий маңынни англатувчи фикр ундан кейинги:

Үйинг күйгур босмачи
Йигитларни үлдірди,—

мисраларидаги фикрнинг әмоционал таъсирчанлитини ошириш учун ёрдам беради. Мана шу йўл билан халқ

құшиқларида ҳаёт ҳодисаларининг бадий картинаси реалистик йүсінде чизилади.

Халқ құшиқларида «большевик», «қизил аскар» сұзларининг ишлатилиши билан үзгача бир ҳаяжон, руҳий күттаринкилик пайдо бўлади. Қишлоқлардаги деҳқонлар оммаси большевикларга, қизил аскарларга ўзларининг маддакори, суюнган тоги, халоскорлари деб қарайдилар:

Большевиклар отамиз,
Соясида ётамиз,

Бизга қарши душманни
Шартта-шартта отамиз.

Ўзбекистонда комсомол ҳаракатининг асосчиларидан бири, босмачиликка қарши курашнинг ўлмас қаҳрамони, жасоратли йигит Абдулла Набиевнинг шон-шуҳрати ўша йилларидәк кенг ёйилған әди. Абдулла Набиев Сурхондарёнинг Бойсун районидаги Бўритахти деган даштда босмачи шайкалари құлда фожиали ҳалок бўлған. Халқ құшиқларида бу машъум воқеага меҳнаткашларнинг кескин муносабати билинади:

Тахта құпрық битдими,
Салом калта үтдими?
Набиевни үлдіриб,
Муродига етдими?!

Салом калта, йўл бўлсин,
Адрес тўнинг ҳўл бўлсин!
Набиевни үлдирдинг,
Икки кўзинг кўр бўлсин!

Хоразмда босмачиликни тутатишда катта мардлик күрсатган Шайдаков бошчилигидаги ўт юрак қизил гвардия-чиларнинг қаҳрамонликлари ҳам құшиқларда қўйланди. Бундай құшиқларда ўша давр тарихий ҳақиқати шунчалик аниқ акс эттириладики, уларда жанговар йиллар садоси, эркесвар мардларнинг ҳужумкор табиати ва фаолиятини ёрқин тасаввур қилиш мүмкин. Шу жиҳатдан халқ шеъриятини тарихнинг ўзига хос йўлдоши, халқ оммаси кураши ва дунёқарашининг ойнаси деб билса бўлади. Жумладан, Хоразмда яратилған «Шайдаков келади», «Қизил аскар» каби асарларда ўша давр картинаси тұла гавдаланади:

Матчонбекнинг дарвозаси илинди,
Кўзимизга қизил аскар кўринди,
Юлдуз таққан қизил аскарлар билан
Шайдаковнинг келтәнлиги билинди.

Синфий душманлар билан қонли курашларда мардонвор ҳалок бўлған Абдулла Набиев, Убайдулла Азизов, Турсуной, Маллахон. Пұлатжон ва бошқалар ҳақида түқилған марсияларда мотамсаро юракларнинг куйиниши акс этади. Улар чуқур умумлашмалик мөхиятига эга бўлар.

либ, рўй берган фожиали воқеалар баён этилса-да, бутун мазмунидан революцион руҳ анқиб туради, яъни озодлик ёвларига қарши омонсиз курашга чақириқ янграйди.

Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида «Келинӣ» номи билан юритиладиган жуда кўп қўшиқлар мавжуд. Уларнинг баъзи намуналарини оддий кишилардан тортиб профессионал халқ шоирларигача биладилар. Асосан тўртликлардан ташкил топган ошиқона қўшиқлар босмачиларнинг тажовузкорлик ҳаракатига бевосита боғланган воқеаларнинг тасвири билан қўшилиб кетади. «Келинӣ» қўшиқларида қизнинг номи баъзан Иzzатой, Улугой, Эркаой деб юритилади.

«Келинӣ» қўшиқларини кўпроқ куйлаб келган дехонободлик Умир шоир Сафар ўғли уларнинг конкрет тарихий воқеалар заминида яратилганлигини қайд этади. Асарни айтувчилар кўпинча Келинӣнинг мақтоворидан бошлайдилар:

Келинӣ, Келинӣ дейишади,
Зулғини шамол эшади;
Ироқилардан жияги
Ковуши бетига тушади...

Эшик олди бўғотти,
Иргитиб келди кўп отти,
Оромда ётган Келинӣ,
Зўрлик билан уйғотти.

Бундан тубан Исропул,
От сағрида ишак жул,
Келинӣдай гўзални
Олиб қочди Жабборқул.

Асарда босмачилар отда олиб қочиб кетишаётгапда кўп азоблар чеккан Келинӣнинг сўзлари ҳам берилган. Унинг сўзларида босмачиларга қаттиқ нафрат ҳисси ифодалапади. Келинӣ нутқи орқали босмачиларнинг йиртикачилик, талончилик жиноятлари аёвсиз фош этилади. Достонда Келинӣдан ажralган ошиқ йигитнинг куйиниб айтган талай қўшиқлари берилади. Уларни Келинӣни олиб қочган босмачиларни йўқ қилиб ташлашга қаратилган чақириқ деб тушуниш мумкин:

Күпнинг ёмони қарға,
Отнинг яхшиси йўрга,

Келинӣни опқочган
Босмачини ос дорга!

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, термаларда Келинӣ образи озодлик душманлари — босмачилар қулида хўрланган, ҳақоратланган, аёвсиз курашнинг қурбони бўлган ўзбек аёлларининг умумлашма образидир. Асар гражданлар уруши даврининг адабий ёдгорлиги бўлиши билан фоят қимматлидир.

«Очилов» достони

Иигирманчи йиллар ўзбек совет адабиёти ва халқ оғзаки бадиий ижодида Фозил Йўлдош ўглининг 1924 йилда яратган «Очилов» достони муҳим ўрин тутади. Достонни фольклоршунос олим Ҳоди Зариф биринчи марта 1928 йилда, иккинчи марта 1936 йилда шоир оғзидан ёзиб олган. Достон конкрет тарихий воқеалар заминида юзага келган. Унда шоир узи кўрган, баъзан ўзи қатнашган воқеаларни баён этади. Достонда тилга олинган Очил бошлиқ босмачилар тудаси тарихий шахслардир. Шоир босмачиларнинг тинч қишлоқларни талаб, халқ бошига беҳад фалокатлар келтирганликларини кескин танқид қилиш орқали босмачилик ҳаракатининг ёвуз мақсадларини, контрреволюцион мөҳиятини фош этади.

Достонда Очилнинг Самарқанд воҳасида феодал бойлар давлатини ўрнатишга қасд қилганлиги, бунинг учун Анвар иошша каби чет эл агентлари билан зимдан алоқа боғлаганлиги, рус оқ гвардиячилари билан тил биритирганлиги, қишлоқларда ёт упсурлар, бойлар, руҳонийлар, савдогарлар, Комил қори каби жадидларга суюнган ҳолда ўзининг қора ниятларини амалга ошироқчи бўлганлиги баён қилинади. Айниқса, Очилнинг талончилик қилмислари Самарқанд атрофларидағи қўпгина қишлоқларга қилган юришлари тасвирига катта ўрин берилади. Айни чоқда, қизил аскарларнинг қаҳрамонона ҳужумларига дош беролмай, қочгани жой топа олмаган босмачиларнинг ниҳоятда танг аҳволи ишонарли тарзда ифодаланади. Босмачилар орасида иккиланишлар рўй бергани тўғри курсатилади.

«Очилов» достонида шоирнинг юксак ижодчилик маҳорати намоён бўлади. У асарни импровизация ўюли билан яратар экан, традицион классик достопларни куйлашдаги бой тажрибасидан унумли фойдалапди. Хусусан, жанг тасвирини, талончи Очил шайқасининг додини берган ботир қизил аскарларнинг шижаати, мардлиги, душманларни қийратиши картинасини моҳирлик билан чизади:

Арқираган эрдай буб,
Ҳар қайсиси шердай буб,
Бешшотарни бушатди,
Ўнтаси ҳам бирдай буб...
Аччиқланса қовогини уяди,
Бор қучини билагига жияди,
Қиличлашса, қирмиз қонни қуяди...

«Очилдов» достони гражданлар уруши темасида яратылган йирик асардир. Унда халқимизнинг босмачиликка қарши олиб борган мардана кураши, жанговар руҳи бадий ифодасини топган. Асарда мифик образлар, нореал, ўта муболагали тасвирлар учрамайди, балки ҳаёт ҳодисалари жонли эпизодлар, шоирнинг ҳаёттй таассуротлари орқали акс эттирилади.

«Қорақум» ва
«Дастагул»
достонлари

Деҳқонободлик Умир шоир Сафаров томонидан яратылган кичик ҳажмадаги бу достонларда Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларида босмачилик-

ка қарши олиб борилган курашлар тасвирлапади. Умир шоир ҳам 1922—1926 йилларда Деҳқонобод, Шеробод, Жарқўргон, Термиз, Бойсун томонларидан босмачиларга қарши курашларда бевосита иштирок этди. Мазкур достонлар бахшининг ана шу курашлардаги таассуротлари асосида юзага келгандир. Уларда Сайдилбек ва Ўтамбекларнинг босмачи шайкаларини тутатишда рус командирлари, Бўзотлиқ, Тўриотлиқ қизил аскарларнинг кўрсатган қаҳрамонликлари мадҳ этилади.

«Қорақум» достони босмачиларнинг кечаси Уста Ҳазратқўлнинг уйига бостириб кириб, зўрлаб отини олиб кетиши воқеаси билан бошланади. Достоннинг сюжет чизиги жуда содда бўлиб, воқеалар бир-бири билан узвий боғланган. Уста Ҳазратқўлнинг милиция бошлиги хузурига бориб арз қилиши, босмачилар келгани ҳақидаги хабарнинг Термизга етказилиши ва қизил аскарларнинг Қорақумда босмачилар билан жанг қилишлари, ниҳоят, уларни тор-мор келтириши билан тугалланади.

Шоир рус командирларининг баҳодирлигини бутун қалби билан қувониб таърифлайди:

Тоғларнинг боши тумандир, Шашка тұлғаб боради
Мингани малла самандир, Кўк шашкали командир.

Умир шоирнинг «Дастагул» достони 1925 йили Туркманистоннинг Чоржўй область Қерки район Чолғанча қишлоғида яшаган Мулла Мақсад деган деҳқоннинг Дастагул исмли қизини босмачилар олиб қочтани ва уни қизил аскарларининг қутқариши воқеалари тасвирига бағланган. Қишлоқлардаги хушрўй қизларни олиб қочиш, уларни хўрлаш босмачиларнинг одатдаги иши эди. Шоир мана шу тииник ҳодисани асос қилиб олган асарида Дастагул образини етакчи қилиб қўяди. Воқеа Дастагулни олиб қочишдан бошланади. Қиз ўз бошига тушган оғир

фалокатни чукур ҳис этганида унинг кўнглида талончиларга нисбатан чексиз қаҳр-газаб туғён уради, бу баҳтсизликдан уни ботир қизил аскарлар озод қилишига ишонади. Достонни тинглаб туриб, партия ва ҳукуматимизга чексиз ишонч, эътиқод изҳор этилганини кўрамиз. Бу йўлда жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳар қанча жасоратга тайёр, унинг янги тузум учун фидоийлиги яққол кўриниб туради:

Мунча қамчи урасан,
Қайга олиб борасан?
Эрта билан тонг отса,
Барibir кулингни кўрасан...

дейди душманга тик қараб оддий деҳқон қизи.

Достоннинг охирида Дастангунинг отаси Мақсад бобонинг қизил аскарларга билдириган миннатдорчилиги берилади. Унинг сўзларида халоскор қизил аскарларнинг умумхалқ номидан олқишиланиши, беҳад меҳр-муҳаббати ифодаланган.

Хотин-қизлар озод-
лиги ва маданий ин-
қиlob темаси

Мамлакат халқ хўжалигини тиклаш ийларида шарқ хотин-қизларини чинакам озод этиш, уларни ўқитиб саводхон қилиш, эркаклар қатори жамоат ишларига, давлат идораларида ишлашга — япни дунё, баҳти турмуш қуриш ишига жалб қилиш асосий масалалардан бири бўлиб қолди. Бу иш ер-сув ислоҳоти, бой, қулоқ, мулла-эшонларни синѓ сифатида тутатиш катта ва муҳим масалалар билан бир вақтда олиб борилди. Владимир Ильич Ленин: «Хотин-қизларни озод қилмай туриб, ишчиларни капитал зулмидан қутқазмай туриб, меҳнаткаш деҳқонни капиталист, помешчик, саводгар зулмидан қутқармай туриб, ҳақиқий «эркинликнинг» бўлиши мумкин эмас, ҳақиқий «эркинлик» йўқ ва бўлмайди», — деган эди. Улуғ доҳийининг таълимоти партия, комсомол, касаба союз ташкилотларига, барча совет кишиларига ҳаракат учун қўлланма бўлди. Хотин-қизларни озод қилиш учун синѓий душманларга, эскилиқ хурофтларига қарши чинакам ҳужум бошланди. Москва ва Ленинграддан илгор рус зиёли хотин-қизлари қелиб маҳаллий ташкилотларга ёрдам бердилар, ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Хотин-қизларни мактаб-маорифга, илм-фанга, фабрикаларга тортиш, уларнинг баҳти келаҗагини таъминлаш йўлида бошланган катта ҳаракатга В. И. Лениннинг энг яқин сафдошлари М. И. Калинин, А. В. Луначарский, Н. К. Крунскайлар, маҳаллий партия

ва совет ташкилотлари бошчилик қилдилар. Ўтмишда феодал зулмидан ээилиб ётган ўлка хотин-қизлари партиямиз чақиригини жон-дилдан қабул қилдилар. Хотин-қизлар орасида катта ташвиқот ва тарғибот ишлари олиб борилди. Минглаб хотин-қизлар паранжини ташлаб мактабларга, артелларга бордилар. Тарихда биринчи марта ўзбек хотин-қизларининг пешанасига озод турмуш офтоби нури тушди. Бироқ ҳали синф сифатида тутагатимаган қулоқлар, руҳонийлар, жоҳил кишилар қўлда пичоги, қамчиси билан хотин-қизларнинг эрк йўлини тўсишта ҳаракат қилдилар. Янги давр кишилари билан эски замон қора қучлари ўртасида оғир, аёвсиз кураш давом этди. Ана шундай муҳим тарихий жангларни халқ овзаки ижодиёти ҳаёт ойнаси бўлиб ёритиб турди. Ўша қунларда ҳар бир воқеа кенг жамоатчилика тарқалар, матбуотларда ёзиларди. Шоирлар, бахшилар, комсомол активлари халқ овози бўлиб янгарган қўшиқларни кўпчилик орасида, митинг ва мажлисларда барала уқиб, айтиб, кўйлаб юрадилар. Ўзбек хотин-қизлари совет ҳукумати берадиган эркинлик, тенг ҳукуқлар учун улуғ Лениндан миннатдор эдилар. Шу сабабдан озодликка чиққан ўзбек аёллари ўзларини ҳақли суратда Лениннинг қизиман деб барала айтишида ва фахрланишида чуқур маъно бор:

Паранжи узун экан,
Жияги қизил экан;

Паранжи ташлаганлар
Лениннинг қизи экан.

Бу темадаги қўшиқларнинг паранжи балосидан қутулган, озодликка чиққан хотин-қизлар томонидан яратилганини гоят муҳимдир. Уларда аёлларни асрлар давомида реакцион дин таълимоти билан заҳарлаб, қоронгилик, жаҳолат исказни сақлаб келган шариат пешволарига нисбатан аччиқ, пичингли ибораларнинг ишлатилиши бежиз әмас:

Паранжининг кулини
Сурма қисин эшонлар.

Аллақачон йўқолган
Оёқдаги кишанлар.

Хотин-қизлар озодлиги йўлида олиб борилган қонли курашлар, беришган қурбонлар, фожиалар айниқса, ҳаяжонли тасвирланди. Лирик қаҳрамон нутқида озодлик қурбонларига умумхалқ қайғуси, айни чоқда, барча ёвузиликлар учун омманинг курашга астойдил отланганлиги, унинг мустаҳкам иродаси яққол ифодаланган:

Конхўрларнинг қорнига
Қора қозиқ қоқилсин!

Озодлик душманлари
Тўрга қўйиб отилсан!

Иигирманчи йилларнинг бошларида Фарғона водийсида «Ваннайча» номи билан тарқалган қўшиқ эл орасида машҳур бўлиб кетади. Ваннайча — саҳнада ўйнаганлиги учун жоҳил эри томонидан ваҳшийларча ўлдирилган озодлик қурбонининг лақаби. Ёзувчи Гулом Зафарий Ваннайча ҳақидаги ўзи ёзиб олган қўшиқларни келтиради:

Уаун-узув аргамчи
Ерда ётса майлими?
Эсизгина Ваннайча
Гўрда ётса майлими?

Дарё бўйи ҳул бўлди,
Куни битган тойилди.
Суқсур бўйли Ваннайча
Эсиз, қўйдай сўйилди.

Эркин ҳаёт қўйнида ўз тақдирини ўзи яратишга интилган, социалистик тузумдан ҳимоя тоғган ва унга суянган ўзбек аёллари янги йўлдан — озодлик ва тенглик йўлидан асло қайтмаслиги қўшиқ оҳангидаги қатъийликда, тилининг бурролигида, фикрнинг очиқдан очиқ айтилишида яққол кўринади:

Юзимдаги чимматни
Ташлаганим-ташлаган!
Шўроларнинг даврида
Яшнаганим-яшнаган!

Бундай қўшиқларда янги ҳаётга дадил кириб келаётган жўшқин табиатли, эркталаб озод ўзбек хотин-қизларининг янгроқ овози эштилади. «Хужум» темасидаги қўшиқларда халқимизнинг озодликка эришиши, баҳр-дилнинг очилиши туфайли юзага келган олам-олам севинчлари жонажон Совет ҳукумати ва Коммунистик партиянига чуқур миннатдорлик ва садоқат ҳислари билан узвий бирниб кетган:

Оличани гуллатган
Баҳорингдан айланай,
Хотин-қизни яшнатган
Ҳукуматдан ўргилай.

Иигирманчи йилларнинг охирларида ўзбек аёллари озод меҳнат завқини куйлаб, ажойиб қўшиқлар яратдилар. Бунда халқимизнинг янгича ижтимоий муносабатлари, коллектив меҳнатга, ҳаётга муҳаббати билан қўшилиб кетади:

Гидир суви бойлансин,
Машиналар айлансин,
Ўзбек хотин-қизлари
Фабрикага жойлансин.

Фарғонада ой ботар,
Марғилонда тоғ отар,
Фабриканинг қизларин
Первой гудок ўйгатар.

Бундай құшиқларнинг енгил оҳангида күтарики рух, озод мәхнат таронаси, жұшқын ҳаёт құчогида яйраб-яшнаган баҳтиёр аёлларимизнинг бой ички маънавияти, она-Ватанини яшнатиши иштиеки равшан сезилади.

Ер-сув ислоҳоти
темаси Йигирманчи йилларда Советлар Рос-
сиясининг ҳамма жойларида, жумла-

берди: ер-сув ислоҳоти ұтказилди. Бу даврдаги халқ ижодкорларининг асарларида құқрагига шамол теккан, ер-сувли бұлған деҳқоннинг жонли умумлашма образи гавдаланади.

Совет ҳукуматига умумхалқ ташаккурини ифодаlagан неча үнлаб халқ құшиқлари қишлоқларда барада айтиларди:

Ошасину ошасин,
Тагига бахмал тұшасин,

Ер обберган ҳукumat
Хеч ұлмайин яшасин!

Шу құшиқнинг бошқа бир вариантида кейинги иккى сатр:

Батракка ер обберган
Шуро ҳукumatи яшасин,—
дейілтап.

«Ҳасан батрак»
достони Ер-сув ислоҳоти ва хотин-қызлар озодлігини акс эттирган халқ оғзаки ижоди асарлари ичида Пұлкан шо-ирнинг «Ҳасан батрак» ва «Комсомолка Ойтүти» достонлари алоҳида үрин тутади. «Ҳасан батрак» достонини 1927 йилда шоирдан Ҳоди Зариф ёзіб олиб, нашр эттирган. Асарнинг яратилишида Үзбекистон Совет Социалистик республикасининг бириңчи президенти, ажайиб партия ва давлат арбоби Йўлдош Охунбобоевнинг хизмати бор. Йўлдош ота достонда тасвирланған воқеанинг айнан үзини 1926 йили Самарқанд обlastининг Хатирчи районига борганида қишлоқ мәхнаткашларидан әшитади ва ұша ердаёқ Пұлкан бахшига бұлған воқеани: Ҳасан батракнинг Айвазбай қўлида ишлаб юрганини, бойнинг қизи Ойқизни севиб қолгани, бундан қизнинг ота-онаси қаттиқ норози бўлиб қизини зўрлаб Жонали чўнтоқ номли бойга катта қалин ҳисобига узатмоқчи бўлгани, Ҳасан батрак эса қизни районга олиб қочиб келиб женотделга учрашганини айтиб, асар ёзипни маслаҳат беради. Пұлкан шоир үзи яхши таниган ва дўст тутинган Ҳасан батрак билан bogлиқ воқеани достон қиласи.

«Ҳасан батрак» достони 1926—27 йилларда Үзбекистон қишлоқларида рўй берган сиёсий воқеаларни, ер ислоҳоти ва хотин-қызлар озодліги каби муҳим масалаларни ёритган тарихий эпик достондир. Асарнинг ижобий қаҳрамонлари қишлоқ мәхнаткашлари — Ҳасан батрак, Мамарайим фирмә, Қобил фирмә, батрак Эшбойлардир. Улар синфий кураш жараёнида чиниқадилар, ўз атрофларига қишлоқ камбағал деҳқонларини бирластирадилар, кооператив тузадилар. Синфий душманлар чекинишга мажбур бўладилар, уларнинг ҳийла-найранглари фош этилади.

Достон сюжети Ҳасан батракнинг Ойқизга муҳаббати асосига қурилган. Қишлоқ бойи — Айвазбайнинг Ҳасан қайқи деган қароли бўлади. Ҳасаннинг ота-оналари ҳам шу бойнинг қўлида қарол, подачи бўлиб ишлаган, бири икки бўлмай ўлиб кетишган. Ҳасан қайқи ҳам бой эшигига ишлайди, лекин қорни ошга, усти тўнга ёлчимайди. Ҳасаннинг баҳтига инқилоб бўлади, Шуро ҳукumatи тузилади. Ҳасан ва дўстларининг қўзи очилади, улар янги турмуш учун курашга бел боғлайдилар:

Ишонгин менинг сўзимга, Совет бизнинг ҳукumat,
Бойлар душмандир изимга, Раҳбар бўлгандир ўзимга.

Ҳасан бойнинг қизи Ойқизни жон-дилидан севади. Кунлардан бирида унга муҳаббат изҳор этади. Бироқ, эмоққа ери, ётмоққа уйи йўқ «шум етим менга лойиқми?» дедея Ойқиз Ҳасанни ўкситади. Қизнинг бу жавоби Ҳасанини ёқтиргмаганлигидан әмас, балки Ҳасаннинг камбағаллигидан әди. Янги замонда ижтимоий муносабатларнинг тубдан ўзгарғанлигини англаб етган Ҳасан Ойқизга қатраб «Шуро ҳукumat ота-энам» дейди. Ҳасаннинг кўнглини ёриштирган мана шу улуғ тоға унга куч-ғайрат бағишлайди, орзу-умидларини амалга оширишга ундаиди:

Энди батрак қўярми,
Бойни сийлаб туарми,
Бизни эзган бойларга
Ҳукumat омон берарми?

Ҳасан ижтимоий ҳаётдаги мавжуд катта ўзгаришларни севгилисига жоп-дили билан баён қиласи. Шоир қаҳрамоннинг нутқи орқали унинг социалистик тузумга бўлған чексиз ишончини, сиёсий савиғаси ошганлигини кўрсатади: «Ҳозир ишчи, мәхнаткаш деҳқон ҳукumatни қўлга олган, элу халқни тўғри йўлга солган, ҳукumat эркак билан аёлни тенг қилган, барига ҳуқуқ берган. Ҳозир бойнинг сўзи ўтмайди, кучи ҳеч ерга етмайди, ҳийлакорлик билан иши битмайди».

Достонда бир-бирига қарама-қарши кучларнинг түқнапшуви замирида икки дунё ўртасидаги муросасиз қурашва бу қурашнинг Мамарайим фирмә, женотдел, райком ва Ҳасан батраклар талабаси билан тугаши кўрсатилади. Муҳими шундаки, Ҳасан батрак ва Ойқиз муҳаббати бевосита синфий қураш масалалари билан боғланисб, чуқур ижтимоий мазмун касб этади. Қизини узатиш билан беҳисоб мол-дунё ортиришни кўзлаган Айвазбой күёви бўлмиш катта бой Жонали чўнтоқ билан тил биринтириб, ҳийла-пайранглар ишлатишади, Ҳасан батракларнинг тагига сув қўймоқчи бўлишади. Бироқ Ҳасан батракнинг дов юраклиги, пўлатдек мустаҳкам иродаси, танлаган йўлдан қайтмаслик ҳисси синфий душман устидан ғолиб чиқишга мадад беради.

Душман ҳийласига алданмаслик, ҳушёрлик билан иш юритиш, дўст-рақибни билиб муносабатда бўлиш, инқилюбий сезигрлик ва қатъиятлик, мардлик ва ватанпарварлик каби хислатлар Ҳасан батрак қиёфасини безайди. Давр руҳи билан узвий боғланган бу ажойиб хислатлар ғолиб ва ҳужумкор синф манфаатларидан келиб чиққанлиги достонда равшан ифода этилади. Ҳасан батрак ва ижтимоий муҳит таъсирида қайта тарбияланган Ойқиз маънавиятини бойитган янги тушунча ва фикрлар уларни бирга турмуш қуришга олиб келади. Ойқиз йигитга қаратса шундай дейди:

Ҳасан, нега ўйланасан бу дамда,
Мен биламай сенинг кўнглинг ўзимда,
Аввал вақти қўрқсан эдим отамдан,
Ҳасанжон, ихтиёр энди ўзингда.

Ҳасан билан Ойқиз қўйл ушлашиб тўғри женотделга борадилар ва никоҳдан ўтадилар.

Талантли халқ бахшиси Пўлкан шоир достонда воқеанинг боришига қараб қадим достонлардаги бадиий приёмларни қўллайди. Ҳасан батракнинг сўзларида юқори пафос, давр нафаси, кечагина камбағал батрак бўлганларнинг ҳис-ҳаяжони сезилиб туради:

Бўйни қисиқ камбағаллар,
Кел-ҳа, йигил, кел-ҳа, йигил!
Ер тошмаган сап батраклар,
Кел-ҳа, йигил, кел-ҳа, йигил!

Боғлардан терган бодомлар,
Юраги ғам билан доғлар,
Бари меҳнаткаш дехқонлар
Кел-ҳа, йигил, кел-ҳа, йигил!

Бойларнинг турткисин еган,
Ўлгидай буб хизмат қилган,
Текширмакка одам келган,
Кел-ҳа, йигил, кел-ҳа, йигил!

Меҳнатда унин ўғсанлар,
Бойларнинг зулмини курганлар,
Душманнинг ишини билғанлар,
Кел-ҳа, йигил, кел-ҳа, йигил!

Мажлисда ҳийлакор Айвазбойга қараб Ҳасан батрак шу сўзларни айтади:

Айвазбой, эшитгин Ҳасан сўзини,
Ҳийлакорнинг ўйя икки кўзини...
Ҳукуматнинг кўрас кўзи бўламан,
Сап батрак дехқоннинг ўзи бўламан...
Ҳукуматнинг айтганини қишлоқ советининг
Бойлар билан чўртта тараф бўлганмиз.

Шу тариқа достонда ватанпарвар дехқон йигит образи ижтимоий зиддиятлар қуршовида, синфий қуашлар жараённида тасвирланади. Асар камбағал дехқонларга бойлар ерларининг бўлиб берилиши, муштумзўрларнинг қаттиқ жазоланиши, ниҳоят Ҳасан полвоннинг батраклар артелига боз бўлиши, Мамарайим фирмәнинг қишлоқ советининг раиси ва Қобил фирмә, Суяр комсомол, Гулнорларнинг ер ислоҳотига боз бўлиши билан тугалланади.

Пўлкан шоир «Комсомолка Ойтути» достонида Коммунистик партия, Ленин комсомоли ва Совет ҳукуматининг хотин-қизлар озодлиги йўлида олиб борган сиёсатини бадиий образлар орқали пропаганда қиласиди. Асарда Ойтути билан озодлик душмани, қулоқларга сотилган, жоҳил Эрмат ўртасидаги синфий қарама-қаршилик ёритилади. Ойтути комсомол сафига киради, мактабга бориб ўқиш ва ёзишни ўрганади. Комсомолка Ойтути янги замонга, баҳтли турмушга, порлоқ келажакка ишонган озод шарқ қизи образидир. Достон Ойтутининг золим эри — Эрмат қўлида фожиали вафоти билан тугаса ҳам, асар ўша давр жанговар қуашлари ҳақидаги ёднома, оптимистик трагедия сифатида аҳамиятлидир. Ўша йилларда янги ҳаёт қурбонлари бўлиб турди. Улар ҳақида «Турсуной марсияси», «Ойпошта қўшиғи» сингари ўнлаб қўшиқлар юзага келган эди.

Йигирманчи йиллар ўзбек фольклори халқ санъатининг бошқа турлари билан биргаликда халқимизнинг адабий-маданий ҳаётида муҳим роль ўйнади. Ўзбек халқ оғзаки ижоди социалистик воқелик билан бирга ўси, мустаҳкамланди, даврниг поэтик акс садоси бўлди.

УЛУФ ВАТАН УРУШИГАЧА БЎЛГАН БЕШ ЙИЛЛИКЛАР ДАВРИ УЗБЕК ФОЛЬКЛОРИ

Мамлакатимизда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлигига биринчи беш йиллик планлари мувоффақиятли бажарилди, қишлоқларда ёппасига колектив-

лаштириш, қулоқларни синф сифатида тугатиш учун кескин кураш олиб борилди, саноатни индустралаштириш, республикамизда нахта мустақиллiği учун кураш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Ўзбек халқининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти, санъати ва адабиётининг ривожланиши, ўзбек совет адабиётида социалистик реализм ижодий методини эгаллаш борасида қўлга киритилган жиддий ютуқлар, Партия ва Ҳукуматимизнинг адабиёт, санъат ва маданиятни ривожлантириш ҳақидаги қатор қарорлари, 1934 йили Совет ёзувчиларининг I Бутуниттироқ съезди, унда М. Горькийнинг фольклор асарларини йиғиш, ўрганиш юзасидан берган қимматли маслаҳатлари ўзбек халқ ижоди ривожида ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Буюк пролетар ёзувчиси совет адабиётини кепг қўламда ривожлантиришда фольклорнинг ўрни ва беқиёс аҳамиятини алоҳида таъкидлади, ғоят муҳим бу масалага ҳар бир ёзувчининг дикқат-эътиборини тортиш зарур деб билди.

Халқ ижодчиларини тарбиялаш, уларнинг ғоявий-сиёсий савиясини күтариш, рағбатлантириш, фольклорни ривожлантириш борасида Ўзбекистонда бирмунча ишлар қилинди. Ёзувчилар союзи йигилишларида фольклор масалалари маҳсус муҳокама қилинди, илмий ташкилотлар уни янада изчилирганга бошладилар, халқ ижодкорларининг Республика олимпиадалари ўтказилди, бир қанча ижодкорларга «Ўзбекистон ССР халқ достончиси» фахрий унвони берилди. Бу борада Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг 1940 йил 14 декабрда халқ ижодкорлари тўғрисида қабул қилган маҳсус қарори, айниқса, катта аҳамиятга эга бўлди. Натижада традицион фольклор асарлари билан бирга, янги даврни тасвириловчи қатор оригинал асарлар хам яратилди.

Мөхнат темаси бу давр халқ оғзаки ижодининг етакчи мавзуига айланди. Халқимиз колхоз далаларида, канал трассаларида, шахталарда, ГЭС ларда қаҳрамонона мөхнат қилиб, социализмнинг муҳташам биносини буюқ иродаси, билак кучи, ақл-заковати билан қурди. Шунинг учун ҳам замонавий халқ шеъриятида мөхнатнинг баҳт, роҳат манбай, шон-шараф, қаҳрамонлик иши сифатида улуғланышида катта ҳәёттй ҳақиқат бор. Бу ҳақиқат халқимизнинг совет тузумида мөхнатга янгича коммунистик муносабати шаклланганлигининг белгисидир. Халқ шоирларининг термаларида, достонларида, халқ қўшиқлари ва

ашулаларида замонамизнинг бунёдкор кишилари ва улар-нинг меҳнат фаолияти, шу жараёнда шаклланган психологияси, фикр-ўйлари бадиий ифодаланади.

Кўшиклиардаги лирик қаҳрамон янги замон меҳнат кишиси бўлиб, у ўзининг ҳалол меҳнати, кўпчилик меҳнатиги қўшган ҳиссаси билан қонуний фахрланади, негаки шу меҳнат қучогида яйраб-яшнади, унинг меҳнати самараларидан эл-юрт мамнун бўлди:

Хаводаги уч урдақ,
Учаласи хам бирдек,
Фабриканинг қизлари
Очилган қызил гулдек.

Бундай руҳий күтарикиликтің коллектив мәжнан ҳақидағы жұшқын тароналар халқының яратып иштиёқи ваяжасорати туғайлы туғилған.

Меҳнатсварлик — лирик қаҳрамоннинг энг яхши фазилати. Меҳнатда илғорлик эса унинг одати. «Элнинг курар күзи» булиб, ҳалоллик ва жонкуярлик билан ишлаб, эл-юртнинг таҳсинига сазовор бўла олган ўзбек қизининг ғурурида чуқур ижтимоий мазмун борлигини билиш қийин эмас. Қўшиқларда халқ қаҳрамонлиги меҳнаткаш қизнинг умумлашма образи орқали гавдалаптирилади:

Элнинг кўрар қўзиман,
Ишда ёруғ юзиман,

Йигит билап қызның қуидағи савол-жавобларыдағы
файзы мәхнати билан гулгун яшнаган озод, баҳтпёр ёш-
лар овози барала янграйді. Қүшиқда аңъанавий гул, бул-
бул образлари янги мазмун билан бойитилған ҳолда бе-
рилди:

— Сүйланг, қизил анор юз,
Қайси боғнинг гулисиз,
Саҳарларда сарайраган
Қайси боғ булгулисиз?

— Ёнбагирда очилган
Анор гул лоласиман,
Эркин меҳнатда ўсган
Колхозни боласиман.

Мехнат темаси ўзбек фольклорининг деярли барча жанрларида ёритилди. Ерни хазина, сувни гавҳар деб билган халқимиз Коммунистик партия раҳбарлигига республикамизни СССР нинг асосий пахта базасига айлантириш мақсадида Марказий Фарғона, Мирзачўл дашт-биёбонларида мисли кўрилмаган катта ирригация иншоатларини қуриш ишини бошлаб юборди. Ҳозирги Усмон Юсуповномли 270 км узунликдаги Катта Фарғона каналининг 45 кун ичидаги битказилиб ишга туширилганлиги совет даврида умумхалқ қаҳрамонлигининг буюк намунаси булиб тарих саҳифаларига ёзилди. Қанал трассаларида ишлаган

минглаб меҳнаткашлар орасида шоир, бахши, асқиячи, ашулачидан тортиб халқ санъатининг ҳамма хил вакиллари бор эдилар. Бу ерда тўқилган ва эл орасида кенг тарқалган халқ қўшиқларида колектив меҳнатининг хосияти, шарофати улуғланди:

Норин дарё бўйимиз,
Канал қазиш тўйимиз,
Норин билаи Сирларни
Йўлга солиш ўйимиз.

Юринг, дарё борайлик,
Каналга сув олайлик,
Езёвон чўлларини
Сувга сероб қиласлик.

Ислом шоир Назар ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Фозил Йўлдош ва бошқа ижодчилар дўмбиралари билан канал қазувчилар орасида халқимизнинг севимли достонларини, термаларини куйладилар. Жумладан, Бўри бахши Содиков ўзининг «Канал ичинда» термасида меҳнат жараёнини акс эттиради. Бахши халқ достонларидаги «мард қолур майдон ичинда» анъанавий мисраидан ижодий фойдаланиб, жонкуярлик билан ҳормай-толмай канал қазибтган меҳнаткашларнинг бардам руҳини таъсирили ифодалайди.

Колхозчилар туман-туман, Тепасига тикиб чодир,
Мард йигитлар бўлсин омон, Кетмои чопиб қанча ботир,
Қанча азамат қаҳрамони, Метин беллар патир-путур,
Ишлайди канал ичинда. Ишлайди канал ичинда.

Утмиш анъанавий фольклоримизда мардлик, ботирлик деганда йигитларнинг жангда душман билан ор-номус учун талашганда кўрсатган баҳодирлиги тушуниларди. Ёки тўй деганда, фақат никоҳ, хатна тўйлари кузда тутиларди. Ўттизинчи йилларда бу тушунчалар янги мазмун билан кенгайтирилди. Масалан, колхозларнинг пахтадан олинган биринчи ҳосилни қизил карвон қилиб пахта пункларига топшириши ҳам деҳқончилик тўйи бўлиб қолди. Энди қўксига Олтин юлдуз таққан қаҳрамон, фидокорона меҳнати билан эл-юртга довруқ солган, халқнинг ҳурмат ва олқишига сазовор бўлган кечаги оддий деҳқон бугун жамиятнинг энг обрули аъзоси бўлиб қолди:

Чаманзору чаманзор,
Чаманзора сув келди,
Қизил карвон тизилиб,
Пахтазорга тўй келди.

Колхозимда бир қиз бор,
Лабида қирмизи бор,
Қаҳрамон экан ёри,
Олтиндан юлдузи бор.

Қўшиқларда халқимизнинг янгича урф-одатлари, маданий савиёси ўстанлигини яққол кўриш мумкин. Дарвоче, ўтмишда пешанасининг шўрлигидан нолиган бечора қиз маъюслик билан:

Бедана бўлиб учдим,
Бедапояга тушдим,

Пешанам қуриб кетсин,
Кундошлиқ ерга тушдим,—

деган бўлса, ўттизинчи йилларда колхозчи қиз тилидан тўқилган қўшиқда эркин никоҳ туфайли мусаффо осмонда эркин қушлардек чарх уриб парвоз қилган қизнинг севинчлари севги баҳти билан тўлиб-тошади:

Бедана бўлиб учдим,
Бедапояга тушдим,
Толеимдан айланай,
Деҳқон болага тушдим.

Бу тасвир социалистик тузумнинг демократик асослари билан боғланиб, чуқур ижтимоий мазмун касб этади. Ўмуман, бу давр халқ шеъриятида меҳнат ва баҳт, меҳнат ва муҳаббат темаси бир-бири билан чатишиб кетган.

Устоз халқ шоирлари ҳаётга актив аралашиб кўрган билганилари ҳақида дўмбира билан термалар куйладилар. Эргаш Жуманбулбул ўғли «Тошкент таърифида», «Келдим»; Фозил Йўлдош ўғли «Сельмаш», «Текстилькомбинат», «Нишондор Жамбулга», Ислом шоир Назар ўғли «Мехрибонлар, ҳормангиз», Қурбон созчи Исмоилов ва бошқалар талай шеърлар яратдилар.

Фозил Йўлдош ўғли Тошкентдаги қишлоқ ҳўжалик машиналари ишлаб чиқарадиган заводни бориб куради. Шу асосда яратган «Сельмаш» термасида ишчиларнинг меҳнатсеварлик, фидоийлигининг сабабларини кўрсатишга интилади. Терма халқ достонларидаги «Кумушандир қарчигайнинг чегаси» сатри билан бошланиб, салобатли завод биноси ва ундаги зарборд ишчиларни, янги замон асбобсоzlарини улуғлаган ажойиб асар бўлиб чиқкан:

Кумушандир қарчигайнинг чегаси,
Азаматдир Сельмаш завод биноси,
Рабочийлар зури бунда йигилган,
Ударниклар ҳар машинанинг эгаси.

Фозил шоир «Текстилькомбинат» термасини ҳам Тошкент тўқимачилик комбинациини бориб кўргандан кейин (1936) ижод қилган. Худди шундай 1940 йили Ислом шоир «Канал донгдорларига», «Бўл омон», «Ворошилов», «Мехрибонлар, ҳормангиз» каби кўпгина шеърларни яратди ва уларни эл орасида куйлаб келди. «Мехрибонлар, ҳормангиз» шеърида совет кишиларининг яратувчи меҳнатини куйлади, уларни меҳнатда илгор бўлишга, гайрат ва жасорат кўрсатишга чақирди:

Поладай очилган әркүн далангиз,
Меңнатман чарчамас ўғыл-болангиз,
Азamatлар, ишлаб ортда қолмангиз...
Халол меңнат кайғын суреб үйнангиз,
Иштәмасни орангизга құймангиз.

Талантли халқ шоири Эргаш Жұманбулбул үғли совет даврида озод әл билан бирга севинчларга тұлғанлыгини:

Районим Нурота — төглар ораси,
Отим Эргаш, Жұманбулбул боласи,
Каридимми десам күнгілім қоласи,
Тобора ортади ёшлик ҳаваси,—

дея ифодалаган бұлса, Ислом шоир юқоридаги шеърида «турар жойим Норпой, боғлар ораси, ёшлар каби ўсар күнгілім ҳаваси», — деб үз шодлигини тараппум этади.

Ислом шоир Улуг Ватан уруши арағасида яратған «Бизнинг совет» шеърида СССР даги қардош халқларнинг дүстлигини катта құдрат деб баён этса, «Севар албат үз Ватанин ботир аскарим» шеърида ёшларимизнинг жонажон юртга бұлған мұхаббати унинг мустақиллигини құзақиғидек сақлаш ғояси билан чатишиб кетған:

Поёни іүқ бу Ватанин сақламоқ учун,
Душманларим қарға бұлса, аскарим лочин.

Ислом шоирнинг «Борми жаҳонда» шеърида иккі давр халқ ҳаёті мұқояса қилинади. Шу тариқа баҳтиерлік ва баҳтсизликнинг ижтимоий сабабларини очишига интилади. Асарда социалистик замоннинг қадрига етиш, шу замонға муносиб кишилар бўлиб етишишга чақириқ ғояси илгари суриласди.

Озодликнинг мөхиятини чуқур тушунған кекса шоирнинг янги, баҳтли ҳаётга бұлған чексиз мұхаббати бандларнинг охиридаги «Шундай қувноқ замон борми жаҳонда!» мисраида, айниқса, таъсирчанлик касб этган:

Бизлармиз дунёнинг олтидан бири,
Ювиди юракнинг занг билан кири,
Партиямиз бұлды халқнинг раҳбари,
Бундай яхли раҳбар борми жаҳонда!..

Замонамизнинг ақли, идроки, шарафи ва виждони бұлған шонли Коммунистик партиямыз ва унинг асосчиси В. И. Ленин мадді 30-йиллар халқ шеъриятида мұхим үрин тутади. Ленин ва партия номи тилга олинған құшиқларда диққатни жалб этадиган нарса шуки, улуг дохијининг табаррук номи ва партия нур сұзи билан ёнма-ён келади. Бу ҳаёт ҳақиқатига түрги келади. Кин-

шилик тарихида инсон қалбига кирган ҳақиқий нур — озодлик нури мана шу улуғ ва камтарин В. И. Ленин номи билан боғланғандыр.

Ленин жаҳонда биринчи марта адолатли советлар замонасими қурған, чинакам халқпарвар инсон. Совет халқи Ленин йўлидан бориб, унинг ўлмас гояларига соудиқ бўлғанлиги учун мамлакатимизда социализм галабасига эришилди. Үзбек халқ қўшиқларида энг тўғри йўл, хаёт ва кураш йўли, озодлик ва баҳт йўли шу йўл эканлигининг таъкидланиши ғоят характерлидир:

Ленин йўли йўл экан,
Бу йўл тұла нур экан,
Эркин, қувноқ яшашга
Энг тўғри йўл шул экан.

В. И. Ленин бошлиқ Совет ҳукумати халқимизни кенг, ёргу йўлга етакловчи, халқпарвар, ҳақиқатгүй, әл манфаатининг чинакам қўриқчиси эканлиги қўшиқларда мана шундай қуйлапади:

Яшаш йўлни очган,
Элга нурини сочган,
Илм эшигин очган,
Яша, Совет ҳукумат!

Ижтимоий ҳаётимизда шундай мұхим воқеалар борки, уларнинг ҳаммаси халқ қўшиқларида улуг доҳий номи билан боғлиқдир:

Бизга йўлни кенг қилди,
Хотин-қизни тенг қилди,
Лениннинг ҳар бир сўзи
Ишпазни ўнг қилди.

Халқ қўшиқларига хос бұлған мұхим бир хусусият шуки, характерли бир кичик деталь орқали ижтимоий воқеликдеги маълум ҳодисаларнинг чуқур мөхияти очилади. Тўртлик қўшиқларда фикр жуда қисқа, лўнда, тугалланған бўлади:

Шелкоматал ишчиси
Бири-бираидан ёпидир,
Меңнаткашта йўл очган
Партиямиз қуёшдир.

Ҳақиқий халқ қўшиқлари тұла маънода халқнинг овози, зеҳни, фикри бўлғанлиги учун ҳам ўлмасдир. Уларда жонажон Коммунистик партияяга халқимизнинг сұймас мұхаббати ҳурмат билан тилга олинади:

Москванинг йўлида
Хилнилласин кўйлагим,
Далада үзим бўлсан,
Кремляда юрагим.

Бир қанча құшиқларда лирик қаҳрамоннинг меҳнатда илғорлиги, Ленин ордени олғанлығы, Москвага бориб үқиётгани, Ленин номли колхозда ишлаб үрнак құрса-таётгани, күкрагига Олтин юлдуз таққаны тасвирланади; уларда халқ оммасининг тинчлик, тенглик, ижодий меҳнатаг ва баҳт-саодатга эришгани, илмли, маданиятли бўлганлиги — хаммаси В. И. Ленин бошлиқ Коммунистик партия туфайли эканлығи куйланади. Халқ поэзиясида Москва дейилганда бепоён социалистик Ватанинг улуғорлиги, гўзаллиги, салобати кўз ўнгимизда гавдаланади.

Урушдан аввалги беш йилликлар — мамлакатимизда социализм қурилган, янги турмуш ҳамма жабҳаларда ғалаба қилган даврда, ўзбек фольклорининг деярли ҳамма жанрларида замонни акс эттирган янгидан-янги асарлар яратилди.

30-йилларда халқ шоирларининг эпик асарлар яратиши давом этди. Айниқса, Пўлкан шоир ижоди баракали бўлди. У янги давр кишилари образини «Ҳасан батрак», «Комсомолка Ойтўти» достонларида яратган бўлса, ундан кейин социалистик Ватан мудофааси темасида «Ҳасан қўл» достонини ижод қилди.

«Ҳасан қўл» достони гуллаётган Совет мамлакатимизнинг бепоён чегараларини сергаклик билан қўриқлаётган шонли Қизил Армияга багишланади. Достон Қизил аскарларининг оммавий қаҳрамонлиғи, баҳодирлиги, ҳушёрлиги, аҳилилиги, эшчилигини ҳикоя қилади. Асарда япон самурайларининг СССР чегарасини бузуб ўтиши тасвирланади. Совет чегарачилари баҳодирлик билан жангга кирадилар. Бу воқеа традицион халқ достонлари йўли билан ифода қилинади:

Қизил аскар титроқ солди душманга,
От ўйнатди тушиб катта майдонга.
Урра — дея қизил аскар туруллаб,
Тикка борди золим душман устига.
Патир-путур пулемётлар отилди,
Қизил аскар мардлик билан яшайди,
Командир ва қизил аскар қўлида
Ёв юраги қалтирайди, қақшайди.

Пўлкан шоир қизил аскарларининг ватанпарварлик, қардошларча дўстлик, интернационализм туйгулари руҳида тарбияланганини, унинг куч-қудрати Коммунистик партияга садоқатида, совет халқи билан бирлигига экан-

лигини зўр пафос билан куйлади. Достон совет кишиларида Ватанимизнинг баҳодир посбонлари билан фахрланиш туйгусини уйғотади, душманларга нисбатан нафрат ва газаб қўзғайди, хусусан совет ёшларини мамлакатимиз мудофаасига ҳар доим тайёр туришга тарғиб қиласи.

Хулдса қилиб айтсан, урушгача бўлган беш йилликлар даври ўзбек халқ бадиий ижоди тараққиёти тарихида янги бир босқични ташкил этди. Бу давр фольклори тематик ранг-бааранглиги, халқ ҳаётига, унинг меҳнат фаолияти ва руҳига яқинлиги, замон билан ҳамнағаслиги, замонамиз кишиларининг маънавий қиёфасини гавдалантириши, ижтимоий воқееликдаги буюк ўзгаришларни реалистик акс эттириши билан белгиланади. Она-Ватанин куйлаш, у билан фахрланиш туйгуси ўттизипчи йилларда янги мавзу билан — она-Ватан дахлсизлигипи мустаҳкамлаш тоялари билан яна ҳам бойиди.

Ўттизинчи йиллар ўзбек фольклорида меҳнат кишисининг руҳий олами, фаолияти, ижтимоий муносабатлари, интилиши йигирманчи йилларга нисбатан жозибалироқ, ёрқинроқ, чуқурроқ акс этди. Бу даврда достончилик ва эртакчилик анъаналари изчил давом этди. Бахшилар бу анъаналар ва бой тажрибага ижодий муносабатда бўлиб, замонавий темада янги достонлар яратишиди. Айни чоқда, ўтмиш давр достонлари, эртак ва қўшиқлари кўплаб ёзиб олинди. Халқ орасида «Ғайра-гайра», «Рўмолим», «Вошгинам оғрийди» каби шўх, дилрабо лирик қўшиқлар куйлашди, классик маҳомлар, катта ашула, куйлар ижро этилди. Шу билан бирга, бу йиллари Ҳамза қўшиқлари, Собир Абдулланинг «Ёшлигим, ёшлигим», «Ўзбекистон», «Найлайн», «Ўш тоги лирикаси» каби ғазаллари, Фафур Фулом, Миртемир, Уйгун, Ҳабибий шеърлари билан айтилган қўшиқлар кенг тарқалди. Халқ шеърияти билан ёзма поэзиянинг ўзаро таъсири ва бойиш жараёни қўзга ташланиб турди.

УЛУФ ВАТАН УРУШИ ДАВРИ ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИ

1941 йил 22 июнда социалистик Ватанимизга фашистлар Германияси хиёнаткорона ҳужум қилди. Коммунистик партия чақириғи билан барча совет кишилари мамлакат мудофаасига отланди. Бепоён Советлар юрти — фронт ва мамлакат ичкариси ягона бир жанговар лагерга

айланди. «Ҳамма нарса фронт учун!», «Ҳамма нарса гала-ба учун!» деган шиор билан совет халқи барча мөддий ва маънавий ресурсларни мудофаа мақсадларига сафарбар этди.

Бошқа қардош республикалар қатори Ўзбекистон ҳам фронтнинг таянч манбаларидан бирин бўлди. Москва, Ленинград, Киев, Минскдан Тошкентга инженерлар, конструкторлар, машҳур олимлар кўчиб келишиди. Улар халқимиз тарихи, экономикаси, санъат ва адабиёт ёдгорликларини ўрганишда катта хизмат қилдилар. Талантли ўзбек шоири Ҳамид Олимжон бошчилигига Ўзбекистон совет ёзувчилари союзида муҳим адабий-ижтимоий ишлар амалга оширилди. Таникли фольклорист олимлар В. М. Жирмунский ва Ҳ. Т. Зарифовлар халқ ижодкорларига алоҳида эътибор бердилар, маҳаллий олимларни ўз атрофларига уюштириб, ўзбек фольклоршунослигининг назарий проблемалари устида катта ишлар олиб бордилар. Ўзбекистондан фронтнинг турли участкаларига маҳсус Ҳукумат делегациялари, санъат бригадалари, озиқ-овқат ортган эшепонлар юборилди. Ўзбекистондан борган санъаткорлар ҳаракатдаги армия қисмларида кўплаб концерт бердилар. Султон Жўра, Адҳам Раҳмат, Назир Сафаров, Мирзакалон Исмоилий каби ўзбек ёзувчилари қаторида адабиётшунос Олим Шарафиддинов, фольклоршунос Мансур Ағзаловлар жанг майдонларида ёвга қарши курашдилар. Уларнинг кўплари ҳарбий мухбир бўлдилар, фронт газеталарида актив қатнашдилар.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки йиллари ғоят таҳликали, оғир бўлишига қарамай, рёспубликамизда маданий-адабий ҳаёт жўшқин, жанговар руҳда бўлди. Шу даврда «Насриддин Бухорода» сингари қатор фильмлар яратилди. Фильм қаҳрамонлари ўзларининг ҳаётий саргузаштлари билан томошибинларни завқлантирад, уларда ҳақ ишнинг ғалабасига мустаҳкам ишонч уйғотарди.

Уруш йилларида халқимизнинг достончилик анъаналяри изчил давом этди. Халқ достонларини напр этиш, тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ топилди. Тасодифий эмаски, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи бу йилларда Йслом шоир Назар ўғли ва Фозил Йўлдош ўғли билан доимий ишлаш учун маҳсус секретарлар тайинлади. Ўзбек бахшилари шаҳар ва қишлоқларда уюштирилган адабий кечаларда актив қатнашиб, қадимий қаҳрамонлик достонлари ёрдамида оммани мардлик, ватанпарварлик руҳида тарбия-

лашда, Ватан мудофаасига сафарбар этишда катта ҳисса қушдилар.

Ўзбек фольклорида жуда қадимдан анъана булиб келган ватанпарварлик ва қаҳрамонлик мотивларининг бу даврда янада барала янграшида, мардлик ва баҳодирликни куйловчи достон парчаларининг кичик китобчалар ҳолида кўп нусхада напр этилишида, ёзувчиларимизнинг фольклор сюжетларига тез-тез мурожаат этишида, достонлардан олинган парчалар асосида тузилган «Мард қолур майдон ичинда» қўшифининг машҳур санъаткор Муҳиддин Қори Ёқубов томонидан куйланишида чуқур маъно бор эди. Ўзбек халқининг кўп асрлар давомида куйлаган, улуглаган идеал ботирларнинг фантастик жасорати Улуғ Ватан уруши йилларида совет кишиларининг жанговарлик фаолиятида тұла намоён бўлди. Буни Ҳамид Олимжон «Қушиқ» сарлавҳали мақоласида образли қилиб шундай ифодалаган эди: «Қадим замонларда ўзбеклар ажойиб бир баҳодир ҳақида хаёл қилгандар. Бу баҳодир душманларни ёмон қўради. Ўз ватанини, ўз халқини севади. «Душман кўрсан кесиб бағрин тузлайман, аслим шерман, ўзим ўйларс излайман», — дейди. У дарёга ташласа чўкмайди, ўтга солса қўймайди, душман ўқи баданига ботмайди, қилич кесмайди. Замонларнинг хаёли бўлган шундай баҳодирни совет халқи яратди. Бу баҳодир ишчи-дехқон Қизил Армияси»¹.

Жанг майдонида қаҳрамонлик курсатишга унданған халқ мақоллари жанговар чақириқ булиб янгради. Мардлик, ватанпарварлик руҳидаги мақоллар республика газеталарида қўзга ташланадиган үринларда берилиб борарди. «Иигит кишининг уялгани — ўлгани», «Эр кишига икки помус — бир ўлим», «Тортишган эр, тортишмаган қора ер», «Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар; от бошига иш тушса, сувлиқ билан сув ичар» сингари мақоллар шу куннинг талабига тұла жавоб берарди. Бу йилларда мақолларнинг формаси қисман ўзгартирилиб, маъноси қуюқлаштирилган ҳолда қўлланилди. Масалан, «Мард майдонда синалади» мақоли «Мард кишини майдонда кўр», «Мард иигитни майдонда кўр», «Иигитнинг ботирлиги майдонда синалади», «Мардни майдонда синайсан», «Ботир майдонда синалади», «Эр кишини майдонда кўр» каби шаклларда ҳам ишлатилди.

¹ «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 2 сентябрь, 1941 й.

Жангчи солдатлар, сержант ва офицерлар ут ичиде ўз кўзи билан кўрган ва бошидан кечирганларини, фронтдаги ҳаяжонли таассуротларини ифодалаш учун шеър ёзиш зарурияти туғилганлигини ўз хатларида ёзганлар. Бу асарлар бизга таниш бўлган ҳалқ қўшиқлари формасига яқин бўлиб, ёзма поэзиямиз таъсирида яратилар эди. Атоқли шоиримиз Ҳамид Олимжон қўшиқнинг кучи ҳақида шундай деган эди: «Қўшиқ айтган жангчи жасур, қўшиқ айтиб ҳужумга кирган ботир зўр бўлади. Қўшиқ одамнинг руҳини баланд кўтаради, жангчини жангга чақиради. Қўшиқ айтган ботирларни кўрган душманнинг юраги орқага тортади»¹.

Смоленск шаҳрини озод қилишда қатнашган, фаргоналлик ўзбек жангчиси Тиллабой Сиддиқов яратган қўшиқда ботир совет жангисининг образи гавдаланади:

Совет эли ишониб
Автоматни топширди,
Автоматчи йигитлар
Фашистларни шоширди.
Автоматим қўлимда,
Йўлдошимдир йўлимда,

Атакага борсам мен,
Фашист зоти ўлимда.
Россиянинг ўрмони —
Тошкентимнинг Дўрмови,
Автоматдан отганда,
Мардлигимни кўр мани.

Жангчи Ўринбой Собиров 1943 йилда узи ашула қилиб айтиб юрган «Ватан учун» шеърини «Ул париваш» куйида яратди. Бу ашулада ошиқона хаёллар, лирик кечинмалар эмас, балки она юртга чексиз муҳаббат ва садоқат, жангда марди майдон бўлиш, оташин ватаннарварлик тоялари жараганглайди:

Мард юрагим ҳаргиз тинмас,
Улуз жангта бормагунча,
Ҳаҳрамонлик ҳеч биливмас,
Ев юрагин ёрмагунча.

Ватан бўлсин мендан ризо,
Жоним бўлсин сенга фидо,
Мен эмасман одам асло,
Сени сақлаб қолмагунча.

Ўз севикли ёрини озодлик урушига йўллаган ватаннарвар аёлнинг ички ҳис-ҳаяжони акс этган қўшиқларда унинг ўз ёрига садоқати она юрт муҳаббати билан узвий бирлашиб кетади; қўшиқда вафодор маъшуқанинг жудо-лик, айрилиқ туфайли ҳижрон кўз ёшлари, гамгин кечинмаси эмас, балки унинг руҳан тетик, бардам қиёфасини курасиз, ёв устидан ғалаба қилишимизга комил ишонч, кишига далда берувчи таъсирили сўзини эшитасиз:

¹ «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 2 сентябрь, 1941 й.

Гул барги танга-танга,
Ёрим йўлладим жангга,
Қай жангчидан қолишай,
Жоним фидо Ватанга!

Япа бир қўшиқда эса, совет ҳалқининг енгилмас иродаси, революцион оптимизми, босқинчи ёвларни янчидан ташлашга отланганлиги баён этилган. Қўшиқнинг ҳар бир сатридан душманга ўтли нафрат ҳисси равшан сезилиб туради:

Қўлимдаги кетмоним
Ёвга қарши қиличдир,
Бизнинг юртимиз кучи
Енгилмайдиган кучдир.

Бошиқа бир қўшиқда фронтдан узоқда туриб, фронтдагилар билан ўзини бирга ҳис этган ўзбек ҳалқининг фикрүйлари, мақсади шундай ифодаланади:

Сув келар гулдуру-гулдуру,
Дўст бўлсанг қўнглим тўлдир,
Душманимни қақшатгив,
Менинг мақсадим шулдир,
Менинг мақсадим шулдир!

Қиз нутқида қатъиятлик, ирова, ўз кучига ва ишига ишонч, ўч, қалб қаъридан отилиб чиқкан газаб-нафрят туйгулари ниҳоятда таъсиричан акс этирилган.

Ҳалқ қўшиқларининг ажойиб бир фазилати шундаки, уларда ҳаёт билан шеърият чатишиб кетган бўлади. Шунинг учун ҳам ҳалқ қўшиқларида фавқулодда ҳаққонийлик ўз-ўзидан равшаш сезилиб туради. Бинобарин, қуидаги қўшиқлар ҳозир ҳам уруш йилларининг акс садоси бўлиб эштилиади:

| | |
|--|---|
| Сой келар, сомон келар, Сояси равон келар, Урушга кетган аскарлар Енгади, омон келар. | Менинг акам баҳодир, Ўн йигитнинг кучи бор, Қуриб кеткур фашистда Ҳамманинг ҳам учи бор. |
| Эй дўстлар, ёрлар, Енгади, омон келар! | Ҳон уртоқ, жон уртоқ, Ҳамманинг ҳам учи бор! |

Ўзбек қизи ўзининг аёллигини камситадиган кўҳна замонлар аллақачон ўтиб кетганини яхши тушунади. У энди миллионларнинг бири бўлиб жанг майдонларига жўнашга тайёр. Бу унинг олижаноблиги, мардлиги, ўзининг кимлигини, ҳурмат-иззатини, қадр-қимматини чуқур биланлигининг белгисидир:

Ариқ бўйини ўйай,
Гулзорларга сув қўяй,
Қизсан деманг, аяжон,
Аскарликка қўл қўяй,
Аскарликка қўл қўяй!

Қўшиқдаги лирик қаҳрамоннинг тили қиличдек қайралган, найзадек ўтикли, бу унинг характеридаги ҳужумкорлик, маккор ёвга асло омон бермаслик белгиси бўлиб куринади:

Ой чиқса, ойдин бўлар,
Кун чиқса, кундуз бўлар,
Қизил аскар найзаси
Кечалар юлдуз бўлар.

Бу даврда халқимизга хос бўлган айрим миллий урфодатларнинг ҳам қўшиқларда акс этганини қўрамиз. Масалан, баҳтли ҳётда синашган келип-куёвларнинг бирбирига совға-саломлар юбориш одати қўшиқларда тасвирлангани характеридир. Ҳаракатдаги армиядан жангчи Зойир Раҳимов 1943 йилнинг апрель ойида «Қизил Ўзбекистон» газетасига қўйидаги шеърини йўллади:

Хизмат билан мақтлови
Колхозимда севгаш ёр,
Жон киссамда сақловли
Ёрим берган оқ рўмол.

Ёрим, сўзинг ёзилган,
Жондек эсда сақлайман,
Фашистларга гўр қазигин —
Қасамларни оқлайман.

Урушдан аввалги йилларда яратилган халқ қўшиқлари жанг майдонларида ҳам ижро этилди. Ўзбек санъат бригадаларининг фронтнинг турли участкаларида берган концертларида халқ қўшиқлари куйланди. Ойбекнинг 1942 йил 7 январда фронтдан ёзган «Санъатчилар фронтда» мақоласида шундай дейилади: «Ёш Тамара Назарова усталик билан куйлаган «Қизил аскар» қўшиғи тўппаттўғи юракка уради; сурон ва қийқириққа бақувват этикларнинг дукури қўшилади:

Осмондаги ойларга
Йигитлар қарашади,
Бўйгинанигдан ўргилай,
Бешотар ярашади.

Мен сенинг ёринг бўлай,
Ҳам вафодоринг бўлай,
Сен ёвга қарши отлаш,
Мен жиловдоринг бўлай.

Қўшиқда озодлик ва қаҳрамонлик гояси душманга қақшатқич зарба бериш тушунчаси билан боғлиқдир:

Бу тоғлар баланд тоғлар,
Душман йўлини боғлар,
Қаҳрамон қизил аскар
Душман қўксини доғлар.

Халқимизнинг босқинчи фашистларга бўлган бениҳоя зўр нафрati ҳажвий қўшиқларда яққол акс этган:

Тўпни отдим узоққа,
Гитлер тушди тузоққа,
Куриб кеттур ўхшайди
Худди ўлган бузоққа.

Улуғ Ватан уруши йиллари Хоразм воҳасида яратилган қўшиқларда ҳам ғазабкор халқ қалбининг түғени ифодаланган. Халқимиз табиатидаги революцион оптимизм, душманга оловли нафрат қўшиқ сатрларида реалистик тарзда берилади. Бандларнинг ҳаммасида аввалги ички сатрнинг бир хилда такрорланиши душманга муроносизликни, ботирларнинг ёвни йўқ қилиб ташлаш ҳақида ичган қасамини тўла ифодалашга хизмат этган. Қўшиқдаги ҳар бир сатр чиндан ҳам ғазабкор қалбларнинг гулдороси, ҳайқириғидек туюлади:

Хой, ҳой отамиз,
Тошини кесар болтамиз!
Гитлер деган абллаҳнинг
Барини қийратамиз!

Хой, ҳой отамиз,
Тошини кесар болтамиз!
Фашистларнинг тилини
Кесиб итга отамиз!

Сатирик халқ қўшиқларида халқнинг лаънатига, инсониятнинг қарғишига учраган шум ниятили фашист босқинчиларнинг ёвузиликлари оғзи қон бўри тасвирида кўрсатилиади:

Гитлер деган бир бўри,
Йиртқиҷнинг дили эгри,
Қон ялаган бўриининг
Қора ер бўлур гўри.

Бутун совет халқининг тақдири ва инсониятнинг келажаги жангларда ҳал қилинаётганлигини яхши тушунган халқ достончилари урушнинг биринчи қунидан бошлаб душманга қарши курашда дўмбирани куролга айлантиридилар. Машҳур қозоқ оқини Жамбул, туркман бахшиси Ота Солиҳлар билан бир қаторда ўзбек халқ шоирлари Ислом шоир Назар ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Абдулла шоир Нуралиев, Бекмурод Жўрабой ўғли, Қурбон ота Исмоилов ва бошқалар ўзларини дўмбираларини қўлда ушлаб, фронтнинг олдинги линиясида деб ҳис қиалдилар.

Бахшиларимизнинг ижтимоий ҳаётга актив аралашиб, ижодда ўтмиш бадиий тажрибани кенг қўллаши, достончиллик анъанаисини изчил давом эттиришлари, улар тўқиган қўшиқларнинг чуқур халқчиллитини таъмицлади.

Фозил Йўлдош ўғли «Элат ботир» шеърида тражданлар уруши йилларидаги курашчан ота образини яратади:

Босмачи жаллодлар кучайга чоқда,
Партизап отрядига туздим қашлоқда,
Ев билан курашдим қирма-қир, тогда,
Душманлар жасади қолга турпроқда,
Зоғлар кетиб, булбул сайради боғда,
Ажойиб ишларни кўрган отангман,
Энди шодлик билан тўлган отангман.

Ботир ота образининг фольклорлик хусусияти фақат унинг тилида, халқ донолигини ифодаловчи ҳикматли ибораларнинг қўлланишида эмас, балки қаҳрамонлик достонларидаги афсонавий алплар сиймоси, иродаси ота характеристига сингдирилганлигидадир. Шу тариқа шеърда Ватан мудофааси чақириги мотивлари янада мазмунлироқ жаранглайди:

Бўрон бўлса зўр денгизлар чайқалар,
Яхши хизмат йигит отин чиқарар.
Давриш гуллаб, кулган сенинг ҳаётинг,
Иш кўрсатсан қолар дувёда отинг.

Шоирнинг «Ота насиҳати», «Жаҳон тинглагай» шеърларида ҳам жангчиларимизни қаҳрамонликка чақириқ «Мард ўглисан, номардларча иш тутма!» каби эл-юрт талаби бўлиб туюлган ҳикматли сатрларда ифодаланди.

Ислом шоирнинг «Ўғлимга», «Бобоқулжон», «Вақтим чор» каби шеърларида ҳам эл-юрт муҳаббати билан нағас олган отанинг юрақ садолари эшитилади. Шахс ва жамият манфаатларининг бирлиги халқ достонларida кўп учрайдиган гуманистик ғоялардан илҳомланган ҳолда самимийлик билан ифодаланади:

Кўзимпинг равшани, дилда қувватим,
Насиҳатим сенга шудир, фарзандим;
Биллип, болам, Ватан менинг давлатим,
Қариганда йигитдай шер савлатим,
Чапаевдай ғайрат қил, Бобоқулжон.

Шеърда фарзандини қонли жангларга отлантираётган меҳрибон ота «шер йигитсан, қайтмагин лағзингдан»,— деб қаҳрамонликка ундағина қўя қолмай, ўз ватанпарлик ҳис-туйғусини ҳам ифодалаган. У «Даркор бўлса мен бораман изингдан», деб ўғлининг ғайратига ғайрат кўшади. Халқ ижодида мардлик, номардлик, ботирлик ва кўрқоқлик тушунчаси халқ шоирларининг уруши йилларидаги асарларида эпосдагига қараганда яна ҳам чуқурроқ

мазмуда, яъни бутун советлар юртининг тақдири учун, жаҳондаги әркпарвар халқларнинг озодлиги учун кураш мазмуни билан бевосита боғланади. Фозил шоир «Эр йигитлар, майдонга» шеърида:

Ватан учун отдана бер майдонга,
Совет халқи бўйинсунмас душманга!—

дека ишонч ва зўр қатъиятлик билан барада ҳайқиради:

Эрлик билан бу майдонга
Кирмаганлар номард бўлсин!
Қилич силтаб, бедов қистаб,
Турмаганлар номард бўлсин!

Душман билан юзма-юз келтанди рўй берган қаҳрамоннинг бу жиддий ҳолати, хитобли кескин сўзлари совет кишисидаги ана шундай вазиятни акс этиришда хизмат қилган. Лекин лирик қаҳрамон характеристидаги юксак коммунистик онглилик етакчи томонин ташкил этиши билан эпосдаги идеал ижобий образдан ажralиб туради:

...Душманларнинг жазосини
Бермагани номард дерлар!
Ватан учун ширин жондан
Кечмаганлар номард бўлсин,
Қасам шудир, оғайнилар,
Иймаганлар номард бўлсин!

Бадий шакл билан мазмуннинг бундай уйғунлашуви орқали уруш йилларидаги совет кишиларининг ички кечинмаларини, юксак ватанпарварлик ҳис-туйғуларини жонли ифодалаш Ислом шоир ижоди учун ҳам характеристидир. Унинг «Ватан, сенга жоним фидо!», «Бор бўлсин бизнинг Ватан», «Шундай гўзал Ватан борми жаҳонда?» каби кўпгина шеърлари бунга мисол бўла олади.

Шоирнинг «Ленинград қаҳрамонларига салом» шеъридаги «Халқа бўлиб ёвуз илон үралди» образли тасвирида шаҳарнинг қамалда эканлигини сезиш мумкин. Шеърда ўзбек халқининг рус халқи билан ҳамдард, ҳамнағас эканлиги меҳр-муҳабbat тўла ҳароратли мисраларда ифодаланади:

Ленинград, Ўзбекистон сен билан,
Дўсти содик, фидойи жон сен билан,
Ботир фарзанд ва қадрдан сен билан,
Жондан ширин фарзандларга кўн салом...

Қаҳрамон шаҳар Ленинград мудофааси темасидаги ҳамма шеърларда фашист талончиларига бўйсунмаган мард ленинградликлар қиёфасида совет кишиларининг пў-

латдек мустаҳкам иродаси акс этди. Халқ шоири шеърда «Биродарлар, зое кетмас ишингиз; қийинчилик — бахтдан нишондир мудом» сатрларида уларга тасалли беради ва қийинчиликларни ешишга чакиради. Ниҳоят, «ленинградлик шер ботирлар»нинг «фашист деган шум, ҳароми»лар устидан албатта ғалаба қозонишига зўр ишонч билдиради. Шеърда СССР ҳалқларининг метиндек мустаҳкам дўстлиги куйланади. Бу ишоқлик, қадрдонлик ғалаба гарови эканлиги реалистик акс эттирилади:

Қўлни-қўлга бериб ишчи меҳнаткаш,
Ёв устига ёғдирамиз ўт-оташ,
Оёқ ости бўлур тезда фашист-гаш,
Зарб қўрсатган ботирларга кўп салом!

Халқ шоирлари совет жангчилари образини, асосан, ҳаётдаги прототиплари асосида яратдилар. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Қўчқор Турдиев, Аҳмаджон Шукров, тўпчи Муҳаммад Иброҳимов каби жангчиларимизнинг баҳодирлик шаънига тўқилган бадиий асарлар бунга мисол бўла олади.

Ислом отанинг «Аҳмад ботир», Фозил Йўлдош ўғлининг «Аҳмад Алиевга» шеърларида ўзбек ҳалқининг қаҳрамонлик руҳи, чавандозлик, улоқ чопиш одати ёрқин акс этган. Энди бу сифатлар бепоён социалистик Ватанимиз учун бўлгаш даҳшатли жангларда қўл келди. Фозил Йўлдош ўғли Аҳмадалиевдаги совет жангчисига хос жасорат, дов юракликини «душманни кўрганда ўтдай тулашиб» сатрида тасвиirlаса, унинг ички руҳий ҳолатини, душманга нафрати ва жўшқин гайратини:

Нордайин чирпиниб, қоворип уйиб,
Ҳарпа бор кучини биланка йигиб,—

дэя халқ эпоси бадиий тажрибаларидан ижодий фойдаланиш орқали ифодалайди.

Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосидан Муҳаммадқул Жонмуорд ўғли Пўлканинг «Чамбил қамали» каби чет эл босқипчиларига қарши кураш мотивидаги айрим достонлар, жаиг әпизодлари халқ орасида ижро қилинди, китоб қилиб нашр этилди.

Улуғ Ватан уруши даври ўзбек фольклори жанговарлик хусусиятларига эга булиб, унда уруш йиллари ниҳоятда авж олган совет ҳалқининг оммавий ватанпарварлик, қаҳрамонлик ҳаракати үзининг реалистик ифодасини топди. Фронтда, мамлакат ичкарисида жасурлик билан душ-

манга қарши курашга жангчилар ва меҳнаткашлар халқ бадиий ижодининг оригинал, тўзал намуналарини яратдилар. Шу билан бирга, традицион фольклор асарларида меҳнаткаш омманинг ўтмиш овози уруш даври садоси билан қўшилиб, япада кучлироқ янгради. Адабий ёдгорликларли коммунистик тарбия вазифаларига бўйсундириши ва улардан упумли фойдалапиши достончи баҳшилар ижодий фаолияти мисолида жуда яхши натижалар берди. Бу давр оммавий ижодкорлик ниҳоятда ривожланганлиги билан совет даври ўзбек халқ поэтик ижоди тарихида янги саҳифа очди.

УРУШДАИ КЕЙИНГИ ДАВР ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИ

Улуғ Ватан уруши совет ҳалқининг, унинг шонли Қуролли Кучларининг оламшумул-тариҳий ғалабаси билан тугади. Қаҳрамон совет ҳалқи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигидан уруш жароҳатларини тугатиши, мамлакат экономикасини қайта тиклаш ишини жадал суръатлар билан бошлаб юборди.

Урушдан кейинги йиллар ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодининг тематик доираси мамлакат ва ҳалқ олдидағи вазифалар билан яна ҳам кенгайди. Совет адабиёти учун характерли хусусиятлар, актуал темалар, замонавийлик масалалари ҳалқ ижоди учун ҳам муҳим бўлиб қолди. Доҳий В. И. Лепинини, жонажон Коммунистик партияни улуғлаш, СССР ҳалқлари дўстлиги ва ҳамкорлигини куйлаш, дунёда барқарор тиҷоратик, демократия учун кураш, совет қишисининг яратувчи меҳнати, ижодкорлик фаолияти, меҳнатга оғли муносабат, юксак инсоний фазилатларини, коммунистик ахлоқ ва ватанпарварликни тасвиirlаш бу давр фольклорининг мазмунини белгилайди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам достончилик, эртакчилик традицияси маълум дараҷада давом этиб келди. Баҳшилар турлї давраларда, тўй-игишиларда, колхоз клубларида ўз асарларини куйладилар, боғлар, сайилгоҳлар, клубларда асқия кечалари, ҳаваскорлар кўриклари ўтказиш одат тусига кириб қолди. Дўстлик ҳафталари, олимпиадалар, интернационал ёшлар клублари, декадалар ҳалқимиз турмушига кириб келди. Бу давр шаҳар-қишлоқларнинг электрлаштирилганлиги, хонадоиларимизнинг

радиолаштирилганлиги, телевидениенинг кенг тарқалганлиги, қўплаб оммабоп китоб, журнал ва газеталар нашр этилиши, бадиий ҳаваскорлик тұғараклари ишининг яхши йўлга қўйилганлиги билан характерланади. Халқимизнинг интернационал характердаги байрамлари, оммавий сайиллар, спорт ўйинлари, мусобақалари ва маданий дам олишнинг бошқа хилма-хил тадбирлари анъанага айланди. Агар достончилик, әртакчилик традицияси йигирмапчи, ўттисипчи ва, айниқса, уруш йиллари бирмунча изчил давом этган бўлса, урушдан сўнгти даврга келиб бу жараён нисбатан сусайиб бормоқда. Бу ҳол қонуний эди, албатта. Негаки, фан-техниканинг бугунги даражаси ҳар қандай «Учар гилам», «Ур тўқмоқ»ларни йўлда қолдирган эди. Халқнинг тобора ўсаётган дунёқараси, диди, завқи бугун кечагига ўхшамас эди.

Халиқ қўшиқлари
ва ҳаёт

Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда ўзбек халқ бадиий ижодида қўшиқ жанри илгариги даврларга нисбатан анча кенг ривожланди. Ижтимоий ҳаётимиздаги барча муҳим воқеалар қўшиқларда ўз аксини топмоқда. Халиқ талантлари томонидан яратилган қўшиқлар газета ва журналларда, турли тўпламларда босилиб турди, радио орқали куйланди. Ўтмиш халиқ қўшиқларининг ижодий тажрибаси заминида юзага келган бундай қўшиқларда давримизнинг улугворлиги, совет кишиларининг яратувчи меҳнати тасвирланди, пахта усталари, механизаторлар, донгдор ишчилар мадҳ этилди.

Қўшиқлarda халқ тушунчаси ортиқча дабдабали тасвирларсиз, содда, самимий акс этади. Масалан, «Партиям бор» қўшиқида колхозда меҳнат қилиб чарчамаган, ўз баҳтидан маминун колхозчи қизнинг фикр-ўйлари унинг бегубор қўшигига кўрилади:

Ипагимдан жужунча
Кийсам, эскирмас шунча,
Ясантирган давлатим
Турсин дунё тургунча.

Ўз баҳтини коллектив ҳаётида кўрган қиз учун колхоз қадрдон, ўзининг ясаниб юришидан қувопишини ижодий меҳнати шарофати, социалистик тузум шарофати деб билади, тушунади:

Колхоз қадрдоним бор,
Омбор тұла доним бор,
Мен ясансан арзийди,
Партиям бор—шоним бор.

«Тўқувчи қиз» қўшиғига ота-боболаримизнинг меҳнат-севарлик фазилати, «меҳнат — роҳат» деган халқ мақоли фақат бизнинг давримиздагина замонанинг, кишиларимизнинг табиатига, руҳи ва тушунчасига жуда мос тушгаплиги оригинал параллелизм ёрдамида ўринли тасвирланади:

Қўлимдаги қўш узукнинг
Юлдуз янглиғ қузи бор,
Меҳнатнинг таги роҳат
Деган халқим сўзи бор.

Шу хилдаги замонавий қўшиқларда ўз баҳтли тақдири ва замонадан бир умрга мамнун, ўз меҳнатидан ғоят шод бўлган кишининг хушнудлиги яққол сезилади.

Яна бир қўшиқда лирик қаҳрамон кўксига Олтин юлдуз таққан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, донгдор пахтакор. Меҳнатда қаҳрамонлик, баҳт ва садоқат тушунчалари унинг ички дунёсини очиб берган:

Олтин юлдуз қўксимда,
Завққа тулиб ишлайман,
Баҳт берган партиямни
Юракдан олқишилайман.

Бундай қўшиқларда лирик қаҳрамон — совет кишиси ҳар бир ишни бутун жамият учун қилаётганлигини яхши тушунади. Бинобарин, у бажараётган ижодий меҳнат ижтимоий моҳият касб этади. Оромбахш меҳнат унга куч-қудрат, шодлик багишлайди. Шундан унинг юрти обод, халқи тўқ-фаровон ва баҳтиёрdir.

Севги-муҳаббат темасида яратилган лирик қўшиқларда меҳнат темаси кенг ёритилиши характерлидир. Бундай қўшиқларнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, уларда шахсий ва ижтимоий муносабатлар ўртасидаги узвий мантиқий боғланиш, бирлик олдинги ўринга кўтарилади; бунинг замирида қиз билан йигитпинг муҳаббатини ватан-парварлик фазилати безаб туради:

Қўлимдаги узукнинг
Марвариддан қузи бор.
Жондап севган ёримнинг
Қўш Олтин юлзузи бор.

Озод меҳнат нашъаси дилларга ҳамиша олам-олам севинч бағишилайди:

Гул Ватанда сурамиз
Озод меҳнат нашъасин,
Бошимизни силаган
Партиямиз яшасин.

Бу каби самимий миннатдорлик ҳисси билан якунланган қўшиқлар мусиқийлиги, равонлиги, фикрнинг табиий равишда қўйилиб келаётгани учун ҳам зўр жозиба кучига эга.

Эллигинчи йилларда ғидокорона меҳнати билан мамлакатимиз бўйлаб шуҳрат козонган донгдор механизатор Турсуной Охунованинг жасорати тилларда достон бўлди. Машҳур механизатор қўшиқларда давримиз қаҳрамони даражасига кутарилид:

Нусха олдим каштамга
Кремль юлдузидан,
Ватан миннатдор бўлди
Турсунойдек қизидан.

Нур сочганда тўлин ой,
Жилваланаар дала, сой,
Ўзбекистоша чирой
Мелиқұзи, Турсуной.

Урушдан кейинги йилларда ўзбек халқ поэтик ижодида В. И. Лепин, Коммунистик партияга бағишинган бадиий асарларда Ленин сўнмас қуёшга, советлар замонаси яшнаб ётган баҳор фаслига үхшатилади. Уларни иззатхўрмат қилиб, улуғ падар, устоз, меҳрибон, барча халқлар, миллатлар отаси, суннитигимиз, иш бошимиз, соябон, гамхўр, раҳбар, бобо каби самимий сўзлар билан аталишида ленинча Коммунистик партия халқимизни галабалар сари бошлиб бораётганилиги мазмуни англашилади. Москва ва Кремль ҳақида яратилган қўшиқлар орқали халқимизнинг Коммунистик партия теварагига янада маҳкамроқ жиспешганлиги акс эттирилади.

Халқ шоирлари ижоди. Халқ достонларида ажойиботлар шаклида тасвирланган ер остидаги гўзал мамлакат, хилма-хил мевалар пишиб ётган гўзал боғ-роглар, вақшинкор қасрлар, саройлар, обод жойлар — халқимизнинг яхши замон, обод ўлка, фаровон турмуш ҳақидаги асрий орзулари бизнинг давримизда совет кишиларининг меҳнатда кўрсатган қаҳрамонлиги туфайли ҳақиқатга айланди. Биргина Мирзачўлнинг ўзида кейинги ўн йил ичидаги барпо бўлган социалистик шаҳар қишлоқ ва посёлкалар бунинг яхши мисоли бўла олади. Шунинг учун ҳам Абдулла Нурали ўғли «Салом сизга, янги ерни очганлар» шеърида шундай дейди:

Биёбонда кўшк-саройлар солган,
Саҳролари қишлоқлардай бўб қолган,
Баъзи жойлар шаҳар тусини олган,
Салом сизга, янги ерлар очганлар.

Зоминлик Ерлақаб шоир Бекназаровнинг «Совет элига атаб», «Бекобод», «Ленин десам», Мамадрайим бахши

Содиқовнинг «Сурхон», «Обрўй топамиз пахтадан» каби шеърлари ҳам юқоридаги фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. «Совет элига атаб» шеърида Газли ва Томпкент ўртасида қурилган Бухоро газининг моҳияти таърифланади. Ерлақаб ота кичик бир бадиий деталь ёрдамида: «Дўстликка яна бир томир бу бойлик» сатридаги «томир» сўзи орқали газ туфайли ўзбек халқи билан рус ва бошқа қардош халқларнинг дўстона муносабатлари янада кенгаяётганини равшан тасаввур этиш мумкин. Ерлақаб шоир «Бекобод» шеърида традицион эпик бадиий приёмдан жуда усталик билан фойдаланади. Бунда бандлардаги биринчи ёки биринчи ва иккинчи сатр кўпинча достонлардан олинган бўлади ва улар шоир тўқиган кейинги сатрларга мазмунан ҳамоҳанг бўлиб келади. Ағсанавий Шириннинг кокилларига үхшатилган янги каналлар халқ оммасининг сувга сероб бўлиш, ободлик, фаровонлик тўғрисидаги асрий орзуларининг рӯёбга чиққани бўлиб туюлади:

Айта берсам кўндири гапнинг маъқули,
Ўн саккизда тўлар қизининг ақилӣ,
Сирдарёдан бу олишган каналлар
Ширин қизининг яратиқли кокили.

Халқ шоирни атайлаб Ширин номини тилга олади. Унинг номи билан халқимизнинг чўлларга сув чиқариш ҳақидаги тилакларини ифодаловчи ривоятлар тўқилгани маълум. Кўринадики, шоир шеърда мазмуннинг теранлигига алоҳида эътибор беради. Фарҳод ГЭС, металлургия комбинати, равон оқаётган зилол каналларнинг маъноси — ҳаммаси нур сўзига жамланган. Бу нур «рўшнолик берар чечан дилига», шу орқали «йилдан-йилга обод бўлар қиро сой».

Мамадрайим бахшининг Сурхондарёга бағишиланган термасида ҳам сув мўл-қўлчилик рамзи бўлиб тасвирланади. Неча замонлардан бери меҳнаткаш элга қайрилиб боқмаган Сурхон эндилиқда Советлар замонасида «чўлу биёбонга ҳаёт бергап, дардларга даво» бўлиб, элнинг шодлигига шодлик, баҳтига баҳт қўшаётир; чаккага тақиши ибораси ва унга қўшиқ бағишилаш ана шу олам-олам севинчнинг бир символик белгисидир:

Дарёлар ичида сенсан гўзали,
Кумкўреон тақдирни бирдир азали;
Шаъннингга беҳисоб элим ғазали,
Чаккамга қизил гул тақасан, Сурхон.

Урушдан кейинги йилларда Фозил Йўлдош ўгли, Ислом Назар ўғлидек етакчи достончилар билан бирга, Қаландар Қурбоний, Кенжә Худойберганов, Раҳматулла Юсуф ўгли, Ёдгор бахши, Алим Ҳаққулов каби ижодкорлар ҳам баракали ижод этди.

Автобиографик асарлар. Етакчи ҳалқ достончилари тажрибасида ҳаётнинг муайян босқичидан ўтиб, соз ва сўзда машҳурлик касб этгач, ўзларининг ҳаёт ва замонга, босиб ўтган турмуш ўйларига муносабатларини билдирувчи автобиографик асарлар яратиши тенденцияси мавжуд. 1927 йилда атоқли ҳалқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўгли «Таржимаи ҳол» достонини, 1938 йилда Сайдмурод Паноҳ ўгли «Қунларим» асарини яратган эдилар. Урушдан кейинги йилларда бу тенденция янада кучайди. Фозил Йўлдош ўгли, Абдулла Нурали ўгли, Ислом шоир Назар ўғли шундай асарлар яратдилар.

Фозил Йўлдош ўғли ўз умр ва ижод ўюли ҳақида асар яратишга 20-йилларнинг охирларида киришган эди. Ундан айрим парчаларни Ҳоди Зариф ёзиб ҳам олган эди. Лекин шоир «Қунларим» достонини яхлит асар сифатида урушдан кейин яратди, уни 1949 йилда фольклорист Музайяна Алавия ёзиб олиб, 1950 йилда нашр эттириди. Шоир достонда ўзининг ҳаёт йўлини тасвирилар орқали XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошлари ва совет даврининг ёрқин картинасини чизди. Устозлари достончи бўлиб етиспили тўғрисидаги мулоҳазалари орқали ўзининг эстетик қарашларини баён этди. Ўзига ва созига ҳақиқий эркинлик, озодлик бахш этган совет замонасини тўлиб-тошиб кўйлади.

Абдулла шоирнинг «Қунларим» достонида ҳам ўтмиш ва совет давридаги ҳалқ ҳаёти қиёсий тарзда тасвириланади. Икки хил давр, икки хил ижтимоий тузумнинг ўзига хос характеристикаси достонда гоҳ умумий, гоҳ шоирнинг лирик кечинмалари шаклида тасвириланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам воқелик шоирнинг фикр-ўйлари, эмоционал туйғулари, эҳтирослари тасвири фонида намоён булади. Достонда асосий бош ижобий қаҳрамон шоирнинг ўзидир. Унинг қараши, муносабати, кузатишлари, кечинмаси замираша ҳалқ ҳаёти аж этади.

Абдулла шоир ўз она қишлогини жондан севади, унинг зилол сувларининг шарқираб оқиши дўмбира кўйларига ҳамоҳанг бўлиб кетади:

Қайнаб чиқишлиари кумуш қўнғироқ,
Куйимга бир умр согандир қулоқ,
Туғилган ҳам ўсан ери шоирнинг
Сувлари шакардай шу Қайнарбулоқ.

Абдулла шоир советлар замонасида ўтказган бахтиёр турмуши, колектив иши, қураши ҳақида қувона-қувона ҳикоя қиласи әкан, ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчisi Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини чин юракдап улуглайди. Эндиликда қўшиқ ҳам, қўшиқчи ҳам озод, ҳур. Шоир чорвадор колхознинг равнақи мисолида социалистик ҳаётнинг гуллаб-яшнашини кўрсатишга интилади. Чўпоннинг қўшиқ айтиб қўй боқишида ўзгача гашт бор; унинг нияти колхозини бадавлат қилиш, мол туёғини қўпайтиришдир.

Ислом шоирниң 1951 йили яратган «Бахтиёр авлодларга» номли достони болаларни мард, гайратли, юксак ахлоқли, замонамизга муносиб ёшлар бўлиб ўсишга қириши билан дикқатга сазовор.

Асар автобиографик лавҳалардан иборат. Асарда автор тили жозибали, равон ва бўёқдор. Ҳалқ шоири ўз бошидан ўтган воқеаларни, кўрган-билганларини бирма-бир баён қиласкан, улардан олган таассуротларини, руҳий кечинмаларини ҳам ўқувчи билан ҳамдамлашади.

Поэмада икки хил ёшлик мисоли орқали янги социалистик тузумнинг — бахтиёр ёшликтининг порлоқ истиқболи бадиий гавдалантирилади. Асарда лирик қаҳрамон — шоирнинг ўзи. Унинг ёшлиги бахтсизликда ўтган:

Бойлардан қўп едим қалтак,
Туар жойим мисли катак,
Мехрибонлик кўрмай гарттак,
Ёшлик ўтди, ўғлонларим.

Қўйидаги мисраларда шоирнинг совет давридаги тўқ, маданий, қувноқ ҳаёти қутаринки руҳ билан барала кўйланади:

Туар жойим район Нарпай,
Самарқандда энг обод жой,
Ҳалқи яшар маданий, бой,
Бу замонда, фарзандларим.

Бундай сатрлар ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, Улуг Ватан урушидан кейинги йилларда ўзбек фольклори янгидан-япги формаларда рикож-

ланишда давом этмоқда. Бу ҳолат мамлакатимизда, халқимиз тақдирида юз берган жуда катта тарихий воқеалар фонида амалга ошди. Мамлакатимизда социализм тұла ва узил-кесіл галаба қозонди, коммунизм жамиятининг моддий-техника базаси вужудга келтирилмоқда. Давримиз космосға парвоз қилишлар, атом энергиясыдан халқ хұжалигидә фойдаланиш, саноат ва қишлоқ хұжалигини юксак даражага күтариш, ялписига автоматлашган бошқариш системасини (АСУ) жорий қилиш, қисқаси совет халқининг оммавий қаҳрамонлиги даври бұлыб қолди. Шаҳар билан қишлоқ үртасидаги тафовут деярли йүқөлиб бормоқда, қишлоқтарға электр, автоматика, құдратли техника қуроллари аллақақочон кириб борди. Шундай шароитда меңнаткашларнинг этик ва эстетик талаблари үсіши табиий. Халқимизнинг урғ-одати, түй маросимлари көчагы күнга мұтлақо үшшамай қолди.

Халқимизнинг маънавий әхтиёжларини қондиришда санъатнинг ҳамма турлари, янги шароитлардан көлиб чиқып хизмат қылмоқда. Ўзбек халқ оғзаки ижодиёті ҳам бу шарағли ишдан четда әмас: халқ достонлари, әртаклар, латифалар, құшиқлар, халқ мақоллари ва ҳикматли сұзлар оммавий тиражларда нашр қилинмоқда. Фольклор асарлари яратилишида күп замонлардан бери индивидуал ижодчилик, якка ижроқилич қарастерли бўлса, бизнинг давримизда оммавий ижодкорлик ва бадий ҳаваскорлик кучаймоқда. Құшиқчи шоирларимиз билан бастакорлар яратган юзлаб құшиқлар халқимизнинг маданий қазинасини бойитмоқда.

Халқ баҳшиларининг кейинги авлоди ижодий фаолиятида фольклор традициялари билан бир қаторда, ёзма адабиётнинг кучли таъсири сезилмоқда. Ҳар иккала поэзияда янгича ёр-ёр, алла ва бошқа хил құшиқлар яратылдыки, уларнинг бадиилиги, мазмуни, қарастерли халқ шеърияты шаклидадир.

Бизнинг кунимизда ўзбек халқ поэтикасының ижоди меңнаткашларни коммунистик рухда тарбиялашда кучли идеологик қурол бұлыб хизмат қылмоқда.

АДАБИЁТ ВА ФОЛЬКЛОР

Ўзбек адабиёти ва халқ оғзаки ижодишининг бир-бираға ўзаро таъсири ва муносабати тарихи узоқ үтмиш даврларга бориб тақалади. А. М. Горькийнинг сұз санъатининг бошланиши фольклордадир, деган чуқур фикрида ҳар бир халқ адабиётининг шақланиши ва ривожланишида меңнаткаш омма тарихининг солномаси ҳисобланған халқ оғзаки ижоди асарларининг битмас-тұганмас хазина бўлғанлиги англашилади.

Адабиёт ва фольклор идеология формаларидан бири бўлғанлиги учун синфильтр уларнинг ўзаро алоқаси масаласига ҳам хосдир. Диний-мистик адабий оқим (Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний асарлари, диний қиссалар, ҳикоятлар, құшиқлар) вакиллари ўзларининг шариат қонун-қоидаларига сұзсиз амал қилиш, тарқидунёчилик каби реакцион ғояларни тарғиб қилишда оммага тез сингадиган йўлларни, ёдлашта қулай шаклларни излаб топишида фольклорга мурожаат қилди. Фольклор материалларини, жонли тиленинг бой имкониятларини ўз мақсадларига бўйсундиришга уринди. Феодал-клерикал ва диний-мистик адабиётта қарама-қарши ғоявий йўналишда вужудга келган дидактик, дүнёвий адабиёт, кейинчалик гуманистик ва демократик ўзбек классик адабиёти меңнат аҳлиниң кенг қатлами манфаатларини бадий ифодалашда, улмас асарлар яратышда фольклорнинг илғор ғоялари ва мотивларидан ўринли фойдаланди.

Халқ афсоналари, ахлоқий-дидактик ҳикоятлар, ибратомуз масаллар, ривоятлар, халқ достон ва әртаклари,

мәхнаткаш халқ донолиги бўлиб келган мақоллар, маталлар, ҳикматли сўзлар, халқ тилининг образли ифодаларга бой воситалари ўзбек адабиётининг равнақига мислсиз ижобий таъсир кўрсатди. Ўзбек фольклорининг халқчил анъаналарини ва гуманистик мазмунини ижодий ўзлаштира бориб адабиётимиз мәхнаткаш халқ оммасининг бадиий тафаккури ривожида, унинг ижтимоий савиясини оширишда Нуҳим омиллардан бирига айланди. Айни чоқда, фольклор ҳам адабиётдан кўп нарса олди. Фольклорда бир қатор янги темалар, образлар, стилистик хусусиятлар пайдо бўлдиди, улар бевосита ёзма адабиёт таъсирида юзага келган. Шундай қилиб, сўз санъатининг бу икки тури асрлар давомида бир-бирига таъсир этиб, бир-бирини бўйтиб келди.

Агар Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг», Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарига назар тацласак, уларда, бир томондан, Шарқда давом этиб келётган панд-насиҳат, ахлоқ-одоб, таълим-тарбияга оид бир неча асрлик ёзма адабий-бадиий традицияга асосланилганлигини, иккинчи томондан, ўша вақтларда туркӣ халқлар орасида кенг тарқалган ахлоқий-дидактик гояларни, халқ донолигини ифодаловчи ҳикматли сўзлар, мақоллар, маталлар, масаллар, ривоятлар ва ҳикоятлардан ўринли фойдаланилганлигини кўришимиз мумкин.

Фольклордан таъсиrlаниш, ўша пайтда туркӣ халқлар орасида маълум бўлган илм-одоб ҳақидаги ҳикматлардан озиқлапиш ҳар икки асарнинг номланишида, образларида (масалан, Кунтуғди, Ойтұғди), турли атамаларда яққол кўзга ташланади. Дидактик асарларда қўлланилган халқ оғзаки ижоди намуналари ундаги ахлоқий-дидактик фикрларни тарғиб қилишга хизмат этади. Гарчи адиблар феодал сиғф манфаатларини кўзлаб фикр юритса-да, давлатни бошқаришда тўғрилик,adolat, саховат кўрсатиш, инсоф билан иш тутиш, эл-юргатга ҳамиятли бўлиш каби дунёвий масалаларни ҳам атрофлича ёритади. Мазкур асарлардаги баҳиллик ва сахийлик, жаҳолат ва маърифат, яхшиликнинг фойдаси, ёмонликнинг зарари тўғрисидаги ўғит-насиҳатлар халқ оммасининг ҳаётий тажрибалари асосида яратилган мақолларга тамомила мосдир. Шунинг учун ҳам ўша асарлардаги инсон ахлоқи ва тарбиясига оид фикр-мулоҳазалар неча замонлардан бери кишиларнинг дилларига йўл топиб келмоқда.

Синфий жамиятда подшо, хон, сultonларниadolatga

чақириш ёкиadolatli, инсофли ҳукмдорларни орзу қилиш урта асрнинг илғор гояси бўлиб келди. Бу гоя фольклор асарларида ҳам муҳим ўрин тутади. Шу гояни асослаш учун ёзма адабиёт асарларида халқ ҳикоя ва эртакларидан намуналар келтирилади, улардан фойдаланилади.

Жумладан, «Қиссаи Рабғузий», «Гулзор», «Мифтоҳул-адл» каби асарларда халқ ҳикоя ва эртаклари кўплаб қўлланилди, муайян мақсадларда қайта ишланди. Ҳатто шуларга асосланиб ҳам ўша давр фольклори ҳақида умумий хуносалар чиқарса бўлади.

«Қиссаи Рабғузий» асарида берилган ҳикоялар диний рух билан суғорилган бўлса ҳам, уларнинг асоси халқчил эканини, феодализм жамияти ижтимоий муносабатларини фоп этувчи адабий ҳужжат эканлигини пайқаш қийин эмас. Ҳикоялар халқ эртакларига жуда яқин бўлиб, инсоннинг улуғлиги, унинг яхшилик сифатлари тўғрисида баҳс этади. Масалан, «Қалдирғоч» ҳикоясида тасвирланишича, Нуҳ пайғамбар тушган кеманинг тагини сичқон тешади, кемадагиларнинг ҳаёти хавғ остида қолади. Одамларни бу ҳалокатдан қутултиришга илон ваъда беради ва хизмати өвазига дунёдаги энг тотли гўшти топиб келишларини шарт қилиб қўяди. Илон сувга шўнғиб, кеманинг сичқон тешган тешигини қидириб толади ва кулча бўлиб тешикни беркитади. Энг тотли гўшти топиб келиш учун юборилган ари одам гўшти ширин экан, деб қалдирғочта айтади. Қалдирғоч унинг тилини тишлаб, соқов қилиб қўяди ва ўзи илонга энг тотли гўшти қурбақанинг гўшти, деб етказади. Шундай қилиб, қалдирғоч инсон боласини илонга ем бўлишдан сақлаб қолибди.

Бу эртак «Қалдирғоч билан Зингловуқ» номида ҳозир ҳам Ҳоразмда кенг тарқалган.

«Қиссаи Рабғузий» даги аксарият ҳикоятларда одамларни яхшилик ишлар қилишга, бир-бирларига ёмонлик қиласликка чақириқ, инсоннинг вижданли, соғдил, тўғри сўзли, инсофли, меҳрибон, ҳамиятли бўлиши ҳақида сўзланади. Бошқа бир ҳикоятда тасвирланишича, Нуҳмон Ҳакимнинг ҳўжаси бир гал ширин гўшти келтиргин, иккинчи гал аччиқ гўшти келтиргин деганда, ҳар икки сафар ҳам қўйнинг тили билан юрагини пишириб келтиради. Ҳўжаси ундан бу қилган ишининг сабабини сўраганда Нуҳмон шундай жавоб беради: «Қўй этини яхшиси ҳам тил тақи юрак тўур, ёмони ҳам тил тақи юрак турур». Нуҳмон Ҳакимнинг доволик билан айтган бу сўзларида

инсоннинг яхшиликка эришуви ва ёмонликка дучор бўлиши уларнинг ўзларига — қалбининг поклиги ва тилининг ростлигига, тўғрилигига боғлиқлиги таъкидланади.

Ўзбек адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Хоразмий, Сайфи Саройи, Қутб, Аҳмадий, Атоий, Саккокий, Лутфий ва башқалар ижодида ҳам фольклорнинг руҳи билиниб туради. Адабиётимизда эпик жанрларнинг ривожланишида, туюқ, рубоий жанрларининг юзага келишида фольклорнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Фольклордан фойдаланиш ва унга таъсир этишда ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоий ижоди характерлидир.

Алишер Навоий ва фольклор фаолиятида меҳнаткаш халқ манфаатларини кўзлаган буюк мутафаккир

шоир Алишер Навоий Шарқ халқлари фольклори материалидидан яхшигина озиқланди. Фольклор материалилари Алишер Навоий асарларида янгича рух, янги мазмун билан бойиган ҳолда, муҳим эстетик вазифани бажариб, ўша асар мазмунининг ажралмас таркибий қисмига айланади.

Профессор Е. Э. Бертельс Навоий замонидаги фольклор ҳақида сўзлаб, қўйидагиларни баён этган эди: «Халик ижоди жуда бой эди ва ўша даврда достонлар, урф-одат, лирик ва танқидий қўшиқлар, эртаклар жуда кенг тарқалган эди. Деконларнинг нутқлари сон-саноқсиз мақол ва маталлар билан безатилар эди. Афсуски, бу бойликларнинг ҳаммаси ёзib олинмаган эди; биз уларнинг ҳозиргача етиб келган баъзилари ҳақида фикр юрита оламиз»¹.

Улуг мутафаккир Алишер Навоийнинг халқ ижодига, санъати ва санъаткорларга қанчалик илиқ муносабатда бўлгани, ўзи ҳам кўплаб халқ ижоди намуналарини яхши билганлиги ҳақидаги қимматли материалиларни замондошлиари — тарихчилар, адилар ёзib қолдирганлар. Бунга шоирнинг ўзи яратган ўлмас асарлар ҳам гувоҳdir.

Алишер Навоийнинг «Хамса»сига кирган достонларида Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун ҳақидаги Шарқда қадимдан эл орасида кенг тарқалган, ёзма адабиётда маълум анъанага айланган афсоналардан тортиб, кичик ҳақимдаги ҳикоятларгача кўплаб мисоллар келтирилади.

¹ Е. Э. Бертельс. Избранные труды, Навои и Джами, М., 1965, стр. 28.

Барча ўринда ҳам буюк шоир бир хил ижодий принципга амал қўилганлигини курамиз. Яъни халқ оғзида кўчиб юрган фольклорнинг турли ранг, мазмундаги материаллари шоир илгари сурган гоявий мақсадни бадиий либосда рўёбга чиқаришга хизмат қиласиди. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи «Лайли ва Мажнун» достонида аниқ, равшан сўзлайди:

Езмоқта бу ишқи жовидона,
Мақсадим эмас эди фасона.
Мазмунига булди руҳ майли,
Афсона эди аниң туфайли,
Лекин чу раҳамга келди мазмун,
Афсона анга либоси мавзун.

Тўгрироги, Навоий учун афсона бир баҳонадирки, бу орқали меҳнаткаш омма нуқтаи назаридан замонанинг шахс эркинлиги, ижтимоий тенглик, вафо ва садоқат каби муҳим проблемаларини ўртага қўяди.

Навоий «Хамса»сигининг халқчиллик хусусияти ҳақида сўз боргандা, аввало, ҳамма ишда инсоф, одамгарчилик, ҳақиқат ва адолатнинг барқарорлиги масаласи дикқат марказида туради. Бунда меҳнат кишисининг, инсон деган улуғ зотнинг қадр-қиммати, унинг манбаатлари мезон қилиб олинади.

Навоий «Хамса»сига кирган достонларда сultonнинг инсофли, ҳақгўй, ҳамиятли, халқпарвар, адолатли бўлишини энг муҳим масала деб қарайди. Шоир тушупчасида мамлакатдаги зулм ва зўрликни, муҳтоҷлик ва хўрликан сultonнинг адолатли сиёсати билан бартараф этиш мумкин. Навоий халқ ҳикоятлари, афсона, масал, мақолларини ишлатганда ҳамиша шу масалани кўзда тутади.

«Садди Искандарий» достонида «Баҳром Гўр» афсонаси берилади. Шоир бу афсона орқали ўзининг «одил шоҳ» гоясини илгари суради. Ёки кишиларнинг тенглиги ҳақидаги идеали «Искандар билан ул гадолик ихтиёр этган подшо ҳикоятикум» афсонасида ўртага қўйилади. Шунинг учун ҳам атоқли олим Е. Э. Бертельс: «Афсона ва нақллар тумани орасида... Искандарни идеал ҳукмдор сифатида тасвирилаш одатга айланниб кетди»¹, — деб ёзган эди.

Адолатли шоҳ гояси классик адабиёт ва фольклорда анча қадимдан ишланиб келган. Феодализмнинг ривож-

¹ Е. Э. Бертельс. Изб. труды. Навои и Джами, М., 1965, стр. 283.

ланган даврида марказлашган феодал давлати учун кураш давом этайтган бир вақтда, гарчи идеалистик тарзда бўлса ҳам, адолатли шоҳ тоясининг шу тарзда етакчи масала қилиб қўйилиши ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, Навоий асарлари ва эпосларда меҳнат аҳли учун қайишадиган, меҳр-шафқатли, ҳалқнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этувчи адолатли шоҳ образининг яратилиши ва улар орқали мамлакат ҳукмдорларини юртни обод, ҳалқни тўқ ва тинч яшанини таъминлашга, инсоф ва адл билан иш кўришга чақириш мотиви прогрессив ғоя эди.

Алишер Навоий асарларида адабиёт ва санъат, жумладан, ҳалқижоди ва унинг айрим жанрлари ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Шоир булар ҳақида маҳсус асар ёзмаган бўлса ҳам, турли мунносабатлар билан масхаробозлар, қўғирчоқбозлар, латифагўйлар, ёр-ёр, навогўйлар ҳақида, ӯлан каби фольклор жанрлари тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Бугина эмас, улардан ўз асарларида ўринли фойдаланади. Масалан, «Фарҳод ва Ширип» достонида Шириннинг Фарҳодга ёзган мактубида ҳалқ қушиқларини ўзлаштириб келтиради:

Кўруб хору ҳас ўрнида ниҳоний,
Сочим бирла супурсам эрди они.
Чу билсан, гарддин қўнглингда қайгу,
Ер узра ашқидин сенсан эди сув.

Севимли ёр садоқатининг, ҳамдардлигининг бундай ғоят нозик ва самимий ифодалапишни одатда, ҳалқ қушиқларидагина учратиш мумкин бўларди:

Ера юрган кўчаларни сунурай сочим билан,
Чангчи ҷиҳса сув сепайин қуздаги ёшим билан.

Ёки: Алишер Навоий ўзбек ҳалқ достонларида кўп тақрорланадиган:

Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Бошинг эсон, давлатинги кам дема

каби тайёр сатрларни ғазаллар орасига сингдириб, оригинал мисралар яратади:

Эй Навоий, дам бу дамдир, тут ганимат, бода ич,
Ўзга бир дамга етар-етмаска чун воқиф эсанг.

Буюк шоир ўзининг илмий-ижодий асарларида ҳалқ дошишмандлигини ифодаловчи ҳикматли сўзлар, мақол-

ларни ўзлаштирган ҳолда ишлатадики, улар ҳалқ орасига, сўзлашув нутқига кириб мустаҳкам ўрин олган. Одамийлик, одоб, ота-опага иззат-ҳурмат, дўстларга меҳршашфқат, ор-номусли бўлиш, ростгўйлик, вафо ва садоқатни улувлаш, шунингдек, пасткашлик, худбинлик, вижидонсизлик, хушомадгўйликни қоралашга қаратилган афоризмлар катта таълимий-маърифий қимматга эга. Шу туғайли улар асрлар оша яшаб, оғиздан-оғизга ўтиб келмоқда, авлодларни олижаноб фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Улуг шоир ғазалиётида мақоллар, кўпинча, байтнинг иккинчи мисрасида берилади. Бу билан биринчи сатрда айтилган фикрни ҳалқ мақоли билан тасдиқлайди, натижада мақол сўзнинг таъсир кучини оширади. Ҳалқ мақоллари ва маталлари баъзан тўғридан-тўғри, кўп ҳолларда эса «дейдилар», «бу масал машҳур эрур», «бу мансалдур», «сўзи бор», «рост андоқким», «чин эмишким», «дерлар», «дер эмиш», «айтурким», «демуштурларки», «рост андоқким» деган сўзлардан кейин бошланади.

Ишқинг ўтинки ёшурдим, эл аро ёйди рақиб,
Ким иситмани ниҳон тутса, қилур марг аёни.
Хублар тифи етишмасдин бу зор ўлар,
Чун эмишким, бўлса кўп қассоб, қўй мурдор ўлур.
Дунёу уқба иккиси жамъ ўлмас, эй рафиқ,
Кимки икки кема учини тутар, бўлур ғарқ.
Ердин деса қозиб чиқарай; ер эрур қотиқ,
Кўк конидин десаки олай: кўк йироқ эрур.

Алишер Навоий ҳалқ мақолларидан ижодий озиқланиб, ўзи ҳам ҳикматли сўзлар ва кўп маъноли иборалар яратганилиги диққатга сазовордир. Ҳалқ мақоллари ва ҳикматлари шоирнинг «Маҳбубул-қулуб» асарида, айниқса, кўп учрайди:

Қозонга яқин юрсанг, қароси юқар,
Ёмонга яқин юрсанг, балоси юқар—
мақоли Навоий қалами остида қуйидагича жилоланади:

Юқар ёмонлиғ ангаким, кирав ёмон эл аро
Кумур аро плик ўргон қилур илгини қаро.

«Маҳбубул-қулуб»да ишлатилган мақол ва ҳикматли сўзлар ҳалқ ҳаётига чуқур кириб борди ва кенг қўлланилади.

Мисоллар:

Тилга ихтиёрсиз — элга этибурсиз.
Бафосизда ҳаёйүк, ҳаёсизда вафо йүк.
Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва донишdir.
Душман гуруридин ғам ема ва маддоҳ хушомадин чип дема.
Хуб йиртиқ түв била ҳам хуб, гул ямоғлиқ чопони била
маҳбуб.
Билмаганин сұраб үрганған олим ва орланиб сұрамағон үзига
золим.
Оз-оз үрганиб доно булур, қатра-қатра ығыспіб дарё булур.
Сихат тиласанғ күп ема, иззат тиласанғ күп дема.
Яхши лиbos танға оройиш, яхши йұлдош жонға осойиш.
Күнгіл маҳзанининг құлғи тил ва ул маҳзанининг калидин
сұз бил.

Алишер Навоий ижоди үз навбатида фольклорға ҳам
катта таъсир қилди. Фарход ва Шириң, Лайли ва Мажнун,
Баҳром Гүр ҳақидаги ағсона ва ривоятлар халқ үр-
тасида илгаридан мавжуд бұлса-да, шу сюжетларнинг
халқ баҳшилари репертуарига кириши ҳамда «Фарход ва
Шириң», «Лайли ва Мажнун», «Баҳром ва Гуландом»
достонларининг халқ вариантыларнинг яратилиши бевоси-
та Навоий ижоди туфайлидір. Бугина әмас, Алишер На-
воийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳали у ҳаётлігідағы «фоль-
клорлаша бошлаган» әди. Натижада узбек, туркман, то-
жик халқлари Навоий ҳақида күплаб ағсона ва оғзаки
хикоялар яратдилар.

Гулханий
ва фольклор

Фольклордан фойдалапиш Алишер
Навоийдан кейин ҳам изчил давом
этди. Бобир, Хожа, Восифий ижодла-
рида ағсона ва ривоятларға мурожаат этиш бириңчи
үринде туради. Турди, Сайдо, Ҳозиқ, Махмур ва башқа
шоирлар асарларыда фольклорнинг умумий рухидан
фойдаланиш етакчилик қилади. Мажлисий, Сайёдий,
Сайқалий, Хиромий, Ризоий, Андальиб каби шоирлар бево-
сита фольклор сюжети асосида асарлар яратдилар. Ҳусу-
сан XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг Іярмида яшаган
Гулханий фольклордан фойдаланишнинг яхши намунаси-
ни күрсатыб берди. Унинг «Зарбулмасал» асарыда фольк-
лор материаллари даврнинг турли хил ижтимоий гурух-
лари үртасидаги муносабатларни күрсатыпша, замоннинг
ярамас иллатларини фош этишда асосий восита бўлди.
Бир қанча фольклор жанрлари намуналаридан саралаб
олинган материаллар «Зарбулмасал» композициясида ях-
лит бир нуқтага бирлашади. Хилма-хил мазмунни ифода-

ловчи мақоллар, маталлар, ҳикматли сўзлар, масаллар,
халқ ҳикоялари, латифалар, әртаклар, ағсоналардан на-
муналар «Зарбулмасал»нинг мураккаб сюжетига шундай
сингдириб юборилганки, уларнинг ҳар бири асарнинг бош
гоясими очища муносиб ўрин тутади.

«Зарбулмасал»даги мақоллар фикрни чуқур, образли,
пичинг, истеҳзо, шама, имо-ишоралар билан ифодалашга
қаратылған. Гулханий мақолларни умумий тарзда әмас,
балки конкрет фикрни ғоят үткір, аниқ ифодалап учун
келтиради. У мақолларга башқа ёзувчилардан фарқли
үлароқ жуда чуқур маънно юқлады. Мақолларнинг айрим
очилмаган маънно қирраларини очади. Шулар орқали
ўзининг халқчил гояларини маҳорат билан ифодалайди.
Масалан: Кўрқуш мақтандық, гердайгац, димогдор, бош-
қаларни назар-писанд қымлайдиган Япалоққушнинг ким-
лигини фош қилиб: «Ўзини мақтаган — ўлимнинг қорову-
ли», «Ойни этак билан яшурса бўлурму», «Чумчуқ семир-
са, ботмон бўлурму», «Олакузон ола бўлса ҳам, арслон
бўлмас», «Олатуғаноқ олғир бўлса ҳам, аҳволи маълум»
каби мақолларни ишлатади. Бу мақоллар билан бой-амал-
дорларнинг маънавий тубаплигига, улар бойлиги билан
қанча мақтанса ҳам, бари бир яхши одам бўла олмаслик-
ларига ишора қилинади. Шунингдек, Кўрқушпинг аччиқ
тил билан айтган «Қалб қозони қайнамас, қайнаса ҳам,
қуйилмас», «Ҳаромзоданинг қўйруғи бир тутам» каби үт-
кир киноявий маънони англатувчи мақолларда бой-амал-
дорлар учун жуда характерли бўлган қаллоблик қорала-
нади, алдамчи табиатли кишилар лаънатлапади.

Шоир асарда келтирилған мақолларнинг ахлоқий қим-
матидан кўра ижтимоий моҳиятига алоҳида ургу беради,
уларни атайин бўрттиради. Айни тоқда: «Үйда чакса уни
йўқ, том бошида қўш тандир», «Сичқон сигмас инига,
ғалвир боғлар думига» каби мақоллар мақтандық Япалоқ-
қушга қаратылған. Асарда Бойўғли: «Ёмоннинг кучи япа-
лоққа етар», «Англамай сўзлагай, огримай улар», «Чай-
намай еганлар кавшамай кетарлар» дейди. Киноя, пичинг
маъноларини ифодаловчи бу мақоллар золимлик, зўрлик,
текинхўрлик билан кун кўрувчи амалдорларга халқ номи-
дан берилган баҳодир.

Асарда Қуйкунак тилидан келтирилған: «Яхшилар
топиб сўзлар, ёмонлар қопиб сўзлар», «Кичкина деманг
бизни, қутариб урамиз сизни», «Ўзингни эр билсанг, би-
ровни шер бил» каби мақолларда меҳнат аҳлининг рост-

гүйліги, ҳеч кимдан кам әмаслиги, ўз ҳуқуқини ҳимоя әттанлиги, құч-қувватта әга бұліб, ўз қадр-қимматини камситувчиларға шафқатсизлиги иғодаланади.

Гулханий мақолларнинг умумий ва хусусий, түгри ва мажозий маъноларидан ўринли фойдаланади.

«Зарбулмасал»да әл орасида кенг тарқалган «Түя билан Бўталоқ», «Тошибақ билан Чай», «Маймун билан Нажжор», «Бозанда ва Навозанда» масалларини келтириш билан бирга, адид думини қидириб қулогидан айрилган әшак, ўз башарасининг бадбурушигини күриб ойнадан ўпкалаган Ашур қассоб, лойга йиқилиб қолған тева билан тулки ҳақидаги кичик юмористик латифаларни ҳам беради. Улар асарнинг умумий гоявий мәзмунига сингиб кетгандир.

«Зарбулмасал»нинг халқ оғзаки бадий ижодига ҳам мазмун, ҳам форма жиҳатдан яқинлиги, боғлиқлиги автор қўзлаган мақсадларни муваффақиятли равишда амалга оширишда муҳим роль ўйнаган.

Гулханийнинг халқ оғзаки ижоди асарларидан ижодий фойдаланиши ўзбек адабиёти ва фольклори тарихида муҳим аҳамиятта әга бўлди. Бу апъана Гулханийдан кейин демократ шоирлардан Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар ўғли, кейинчалик Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва бошқаларнинг ижодий фаолиятида давом әттирилди ва ривожлантирилди.

Ўзбек совет адабиётида фольклор анъаналари. Ўзбек совет адабиётининг туғилиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнаган факторлардан бири ўзбек фольклориининг илгор традициялари бўлди. Замонамизнинг улуг санъаткори А. М. Горький ёзувчиларни халқ ижодидан ўрганишга қайта-қайта даъват этди, меҳнаткаш омма бадий ижодининг ўзига хос хусусияти, нафосати, фазилати, ўлмас образларини ҳамиша улуглади: «Оғзаки ижоднинг ёзма адабиётга таъсири алоҳида аҳамиятга әга ва бу шубҳасизdir. Қадим замонлардан бўён барча давр ва барча мамлакат ёзувчилари эртак мавзуларидан фойдаланиб келдилар... Бадий адабиётнинг халқ оғзаки ижодига формал, маънавий ва дидактик тобелиги мутлақо шубҳасиз ва жуда ибратлидир»¹.

Ёзувчининг фольклор анъаналаридан фойдаланиши

масаласи унинг новаторлиги ва дунёқараши, маҳорати масалалари билан бевосита болганди. В. И. Ленин Демьян Бедний билан бўлган сұхбатда кепг оммада ҳаёт ҳодисаларига янгича тушунча ва муносабатларни тарбиялайдиган асарлар яратишида ўтмиш халқ қўшиқлари формасида фойдаланиш мумкинлиги ва ҳатто зарурлигини айтган эди².

Ўзбек совет адабиётининг чинакам халқчиллиги, жанговарлиги ва юксак гоявийлиги учун курашган, унинг пойдеворини қуришда жоябозлик кўрсатган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий халқ оғзаки ижоди материалларини ҳамда музика фольклорини ижодий қайта ишлашда ибрат бўларли иш қилди, фольклордан фойдаланишида ўзига хос мактаб яратди. У замонавий, халқчил асарлар яратишида халқ ижоди памуналаридан, хусусан, қўшиқлардан жуда ўринли фойдаланди, даврнинг акс садоси була олган революцион маршилари халқ қўшиқлари мотивида яратилганини сабабли улар әл орасида кенг тарқалди, партиявий пропаганданинг муҳим бадий воситаларидан бири бўлди, оғиздан-оғизга ўтди. Фольклор таъсири Ҳамза асарлари стили, образлар руҳи, характеристи ва тилида, ранго-ранг бадий бўёқларида қўрипади. Шоир ўзбек халқ оғзаки ижодининг деярли барча тур, жанр намуналаридан унумли фойдалапади. Аския, қизиқчиликлардан тортиб достон, эртаккача — ҳаммаси унинг асарларига жило бериб туради. Ёзувчининг ўзбек адабиётида социалистик реализм пойдеворини қуришида, бадий асар орқали социалистик гояларни таргив қилишида фольклор анъаналари жуда қўл келди.

Ҳамзанинг «Майсаранинг иши», «Тухматчилар жазоси» драматик асарлари бевосита ўзбек халқ эртаклари асосида ёзилгандир. Гарчи драмадаги воқеалар эртаклардаги тасвиirlарга жуда ўхшаб кетса-да, драматург бир томондан, салбий образлар: қози, аълам ва Ҳидоятхоннинг психологияк кечипмаларини, ички сирларини гоят нозик пинҳоний ҳаракатда, драматик ҳолатда кўрсатади, иккинчи томондан, ижобий куч — Майсаранинг фаолиятини ишончли, пухта ўйланган амалий иш жараёнида тасвиirlайди. Майсаранинг режалари эртаклардаги тадбирли аёлнинг ишига ўхшаса ҳам, унга қараганда анча пухтароқ, мураккаброқ. Майсара образида халқ эртакларида

¹ М. Горький. Адабиёт ҳақида, Ўздавнашр, Тошкент, 1962, 321-бет.

ги донишманд ва чиниққан аёллар тиши тасвирланганлигиги, асарнинг Ўзбекистонда хотин-қизлар озодлиги учун қизэгин кураш йилларида ёзилганлити муҳим тарихий-ижтимоий аҳамият касб этади.

Ўттизинчи йиллар адабиёт ва фольклор муносабатида алоҳида бир боскични ташкил этади. Совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ Биринчи съездидаги адабиётда халқ ижодиётининг энг яхши традицияларини ижодий ўзлаштириш ва изчил давом эттириш масаласи конкрет равишда ишлаб чиқилди. Съездда А. М. Горькийнинг доклади ва якуниловчи нутқида фольклорнинг материалистик концепцияси, совет адабиётининг фольклорга муносабати принциплари белгиланди. Жўмладан, фольклорга муносабат хусусида олдинга сурнглган муҳим назарий, практик масалалар совет ёзувчиларининг, хусусан, ўзбек ёзувчиларининг бой фольклор материалларидан янада баракалироқ сабоқ олишида ҳал қиливчи аҳамиятга эга бўлди. Съезд фольклордан фойдаланиш соҳасида эришилган адабий тажрибаларга якун ясади, умумлаштириди ва халқ ижодининг энг яхши анъаналарини чуқур ўзлаштириш ва бу ишин давом эттириш йўлларини белгилаб берди.

Ўзбек ёзувчилари фольклор сюjetи ва мотивлари асосида қатор асарлар яратдилар. Жўмладан, Ҳамид Олимжон эртаклар сюjetидан ижодий озиқланиб, «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ»;Faфур Гулом «Шум бола», «Тирилган мурда»; Султон Жўра «Ҳаво ранг гилам», «Қалдирғоч»; Зафар Диёр «Бургут», «Янги эртак» асарларини ижод қилдилар. Фольклор темаси, сюjetи ва образларини бир бутун ҳолда ижодий ўзлаштириш йули билан саҳна асарлари яратиш традицияси Собир Абдулла, Комил Яшин ижодида яхши натижалар берди. С. Абдуллашинг «Тоҳир ва Зуҳра» драмаси бу соҳадаги ижодий тажрибаларни бойитди. Шу номдаги халқ эртак ва достонларидаги инсонпарварлик, эркталаб гояларни, вафова садоқат, чин севгини улуғловчи мотивларни драматург асарда марказий масала қилиб қўйди, вафодор ошиқ-маъшукларнинг ўлмас образини яратди. Комил Яшиннинг «Равшан ва Зулхумор» асарида фольклордаги ижтимоий мазмунни чуқурлаштиришга мойиллик кўпроқ сезилади. Собир Абдуллашинг «Тоҳир ва Зуҳра» музикали драмасида эса, лиризмнинг чуқур психологик ҳолатлар билан қўшилган ҳолда кўринишни характерли. Агар Собир Абдуллашинг замонавий серзавқ лирик қўшиқлар ижод

қилишини ҳам инобатга олсан, мазкур драмада лирик йўналишнинг биринчи планга ўтиш сабаби ўз-ўзидан маълум бўлиб қолади. Тасодифий эмаски, «Тоҳир ва Зуҳра» драмасидаги кўпгина ариялар халқ қўшиқларига айланиб кетган.

Санъаткорларнинг фольклорга муносабати турличадир. Бунда авторнинг билими, дунёқараси, шахсий тажрибаси ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлади. Корней Чуковский айтганидек, тадқиқотчи учун ёзувчи асарида учраган фольклор элементларининг қаердан олинганини ёки уларнинг дастлабки манбаларини аниқлашдан кўра, санъаткорнинг мазкур фольклор намуналарини ижодий ишлап методини таҳлил қилиш, қандай қилиб фольклор материаллари автор қалами остида унинг ўз ғояси ва ҳисларини ифодалашга хизмат қилиб турганини аниқлаш муҳимроқдир¹.

Ўзбек шоири Ҳамид Олимжонпинг «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» достонлари «батамом халқ ижодиёти таъсири остида, халқ достонларининг шакли, тили, услуби ҳатто мундарижа ўхшашлиги билан мўл-кўл суғорилган» (*Faфур Гулом*). Ҳамид Олимжон ёшлиқдан машҳур халқ шоири Фозил Йулдош билан таниш бўлгани, бир неча вақт шоир билан бирга ишлаб, халқ эпоси «Алпомиш»ни нашрга тайёрлагани — ҳаммаси унинг юқоридаги достонларининг яратилишида муҳим фактор бўлди.

Ойбекнинг «Бахтигул ва Соғиндиқ» поэмасидаги фольклор сюjetи ва образларининг қайта ишланиши Ҳамид Олимжоннинг бу соҳадаги ижодий принципидан фарқ қиласди. Ойбек фольклордан сюjet ва образларни олганида халқ оғзаки ижодининг умумий руҳидан кўпроқ озиқланади. Faфур Гулом эса, тадқиқотчи сифатида фольклорнинг темаси, мазмупи, мотиви, сюjetи, образи, услуби, шакл ва тилидан фойдаланишини кенг тарғиб қилгани ҳолда, фольклор таъсири доирасида ўралашиб қолишни, унга тобе бўлишини ёқтирамайди.

Халқ оғзаки ижодининг бой хазинасидан озиқланишида замон талаблари билан қаттиқ боғланиш, айниқса, Улуг Ватан уруши даври ўзбек адабиётида яратилган асарларда кўзга ташланади. Уруши даврида халқимизнинг ватанпарварлик ва қаҳрамонлик анъаналарини акс эттир-

¹ Корней Чуковский. Мастерство Некрасова, изд. второе, М., 1955, стр. 418.

ган қадимий афсоналар, әртаклар, достонларга мурожаат этилди. Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» драмасида, Ойбекнинг «Махмуд Торобий» опера либреттосида халқ достонларида тасвирланган ажойиб образлардан фойдаланилди. Шу билан бирга, айрим ёзувчиларнинг асарларида ўзбек жангчиларининг замонавий образини яратиш ўрнига мифик ва халқ қаҳрамонлик достонларидағи тайёр поэтик образларни механик равишда ҳозирги замон қаҳрамони тасвирига күчириш ҳоллари ҳам рўй берди.

Кейинги йилларда ўзбек совет адабиётида халқ оғзаки ижоди намуналарига мурожаат этиш, унинг сюжети, образлари, мотивидан ижодий фойдаланиб, оригинал, гоявий-бадиий пухта асарлар яратиш тенденцияси анча кенг қанот ёзи ва бу ижодий тажриба яхши натижалар бермоқда. Бу борада машҳур ёзувчи Шароф Рашидовнинг «Қашмир қўшиғи» достони алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Асар асосида ҳинд афсонаси ётади. Талантли ўзбек адаби традицион лирик услубда халқ поэзияси гўзалликларини эслатадиган ажойиб муҳаббат достони яратди. Иzzат Султоннинг «Номаълум киши» драмасида фольклор традицияси унинг мотивларидан фойдаланишида, оптимистик ва исёнкорлик руҳида кўринади. Атоқли драматург Яшиннинг «Равшан ва Зулхумор» драмаси ҳам шу традицияни давом эттириш натижасида юзага келди. Қадимги афсоналар асосида М. Осимнинг «Тўмарис», «Широқ» номли ҳикоялари, Мирмуҳсиннинг «Широқ» поэмаси яратилди.

Ўзбек поэзиясида кейинги йилларда қўшиқ жанри ҳам яхши ривожланди. Уйғун, Миртемир, Зулфия, Собир Абдулла, Ҳабибий, Туроб Тўла, Саида Зуннунова, Акмал Пўлат, Эркин Воҳидов, Зоҳиджон Обидов, Пўлат Мўмин ва бошқа қўпгина шоирлар композиторлар билан ҳамкорликда давримизга ҳамоҳанг қўшиқлар яратиши.

Шоирларимиз халқ қўшиқлари услугуб ва йўлларидан озиқланиб, оригинал қўшиқлар, яллалар, ашуналар ижод қўйдиларки, бу ажойиб ижодий традицияни давом эттириш жуда фойдалидир.

Ўзбек совет адабиётининг кўп йиллик тажрибаси халқ ижодининг тиниқ булоқларидан баҳраманд бўлиш, унинг бойликларидан ижодий ўрганиш ёзма адабиёт учун энг тўлақонли, типик образлар яратишида, композицион мукаммал асарлар ёзища, достон, әртак, мақолларнинг бой тил воситаларидан ўрганиш — ўлмас асарларнинг юзага келишига сабаб бўлганини кўрсатади.

БИБЛИОГРАФИЯ

Маркс К. ва Энгельс Ф. Санъат тўғрисида, икки томлик, 1—2- томлар, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1975, 1977.

Ленин В. И. Маданият ва санъат тўғрисида, Тошкент, Ўздавнашр, 1962.

Горький М. Адабиёт ҳақида, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1962.

Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи, иккичи китоб, Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1964.

Адабиёт назарияси, икки томлик, 1—2- томлар, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1978—1979.

Азадовский М. Н. История русской фольклористики, т. 1—2, М., Учпедгиз, 1958, 1963.

Алавия М. Гражданлар уруши, халқ ҳўжалигини тиклап ва социалистик индустрисла даври ўзбек халқ поэтик ижоди, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1955.

Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1959.

Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1974.

Алимов С. Ўзбек фольклори эстетикаси, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1974.

Ағзалов М. Пўлкан шоир, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1955.

Ағзалов М. Ўзбек халқ әртаклари ҳақида, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1964.

Аҳмедов А. Халқ оғзаки ижодида материалистик мушоҳада ва диалектика элементлари, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1977.

Ашуроев Т. Ўзбек халқ достонларида сатира ва юмор, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1974.

Богатырев П. Г. Вопросы теории народного искусства, М., изд-во «Искусство», 1971.

Боқиев О. Уйғур халқ лирик шеърпяти, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1978.

Булбул тароналари, Эргаш Жуманбулбул ўғлиниң достон ва термалари, беш томлик, 1—5-томлар, Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1971—1973.

Вопросы изучения эпоса народов СССР, М., изд-во АН СССР, 1958.

Гусев В. Е. Проблемы фольклора в истории эстетики, М., изд-во АН СССР, 1963.
 Гусев В. Е. Эстетика фольклора, Л., «Наука», 1967.
 Жалолов Ф. Ҳамза поэзияси ва ҳалқ оғзаки ижоди, Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1975.
 Жалолов Ф. Ўзбек ҳалқ әртаклари поэтикаси, Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1976.
 Жалолов Ф. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат, Тошкент, УзССР «Фая» нашриёти, 1979.
 Жаҳонгиров Ф. Ўзбек болалар фольклори, Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1975.
 Жирмунский В. М. Турецкий героический эпос, Л., «Наука», 1974.
 Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос, М., ГИХЛ, 1947.
 Жураев Е. Ўзбек ҳалқ ижодида динга қарши мотивлар, Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1965.
 Жураев Е. Ўзбек совет фольклорида В. И. Ленин мавзуси, Тошкент, УзССР «Фая» нашриёти, 1979.
 Зарифов Х. Лугат ҳам термин тупловчиларга қўлланма, Тошкент, Ўздавнашр, 1934.
 Зарифов Х. Фозилилар фазилати, Тошкент, Ф. Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969.
 Имомов К. Ўзбек ҳалқ сатирик әртаклари, Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1974.
 Ислом Назар ўғли. Таиланган асарлар, Тошкент, Ўздавнашр, 1953.
 Йулдошева Ф. Ўзбек ҳалқ латифаларида Насридин Афанди образи, Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1979.
 Каримов Ф. К. Ўзбек адабиёти тарихи, учинчи китоб, Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1975.
 Каримова З. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Тошкент, УзССР «ФА» нашриёти, 1954.
 Кароматов Ф. Узбекская домбровая музыка, Ташкент, ГИХЛ УзССР, 1962.
 Кароматов Ф. Ўзбек музикаси совет даврида, Тошкент, УзКП МК Бирлалтган нашриёти, 1967.
 Кароматов Ф. Узбекская инструментальная музыка (наследие), Ташкент, изд-во лит-ры и искусства им. Г. Гуляма, 1972.
 Книга моего деда Коркута, М.—Л., изд-во АН СССР, 1962.
 Кравцов Н. И., Лазутин С. Г. Русское устное народное творчество, М., «Высшая школа», 1977.
 Кравцов Н. И. Письменные народные сказки, М., «Высшая школа», 1970.
 Ленинские наследие и изучение фольклора, Л., «Наука», 1970.
 Маллаев И. Алишер Навоий ва ҳалқ ижодиёти, Тошкент, Маллаев И. Алишер Навоий ва ҳалқ ижодиёти, 1974.
 Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
 Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи, биринчи китоб, Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1976.
 Мирзасев Т. Ходи Зариф, адабий портрет, Тошкент, Ф. Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967.
 Мирзасев Т. «Алпомиши» достонининг ўзбек вариантлари, Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1968.
 Мирзасев Т. Ҳалқ баҳшилари эпик репертуарининг асосий хусусиятлари, Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1979.

Миртурсунов З. Ўзбек ҳалқ педагогикаси, Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1973.
 Музикальная фольклористика в Узбекистане. Август Эйхгорн, Музикально-этнографические материалы, Ташкент, изд-во АН УзССР, 1963.
 Муродов М. Ижод дурдонларини излаб, Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1967.
 Мұхаммадиев Р. Асқия, Тошкент, Ўззадабийнашр, 1962.
 Мұмінов А. Ҳалқ оғзаки ижодида аёллар образи, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1969.
 Об эпосе «Алпамыш», Ташкент, изд-во АН УзССР, 1959.
 Обидов Т. Юсуфхон қизиқ, Тошкент, Ўззадабийнашр, 1960.
 Олимбекова К., Ахмедов М. Ўзбекистон ҳалқ созандлари, Тошкент, Ўззадабийнашр, 1959.
 Переопись на Л. А. Узбекский народный кукольный театр, Ташкент, ГИХЛ УзССР, 1959.
 Песни Бульбуля, т. 1—3, Ташкент, изд-во лит-ры и искусства им. Г. Гуляма, 1974, 1977.
 Пропп В. Я. Фольклор и действительность, М., «Наука», 1976.
 Путилов Б. И. Методология сравнительно-исторического изучения фольклора, Л., «Наука», 1976.
 Раззаков Х. Ўзбек ҳалқ оғзаки ижодида В. И. Ленин образи, Тошкент, «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриёти, 1957.
 Раззаков Х. Ўзбек ҳалқ оғзаки ижодида сатира ва юмор, Тошкент, УзССР «Фая» нашриёти, 1965.
 Романовская Е. Е. Статьи и доклады. Записи музыкального фольклора, Ташкент, ГИХЛ УзССР, 1957.
 Русское народное поэтическое творчество, под. ред. проф. Н. И. Кравцова, М., «Просвещение», 1971.
 Русское народное поэтическое творчество, под ред. А. М. Новиковской, М., «Высшая школа», 1978.
 Рустамхон, составитель, автор исследования и комментарпов Н. В. Кидайш-Покровская, М., «Наука», 1972.
 Сайдов М. «Маликан айёр» достони, Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1964.
 Сайдов М. Ўзбек достончилигида бадиий маҳорат, Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1969.
 Сайдов М. Ҳалқ севган достончи, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1972.
 Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ, Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1978.
 Собиров О. Ислом Назар ўғли, Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1967.
 Собиров О. Саодат ва садоқат тароналари, Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1967.
 Собиров О. Ўзбек совет фольклори очерки, Тошкент, УзССР «Фая» нашриёти, 1971.
 Собиров О. Яшин ва ҳалқ ижоди, Тошкент, УзССР «Фан» нашриёти, 1972.
 Собиров О. Бахшилар сардори, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1976.

Гусев В. Е.
 изд-во АН СССР, 1979.
 Гусев В. Е.
 Жалолов Ф.
 Ташкент, УзССР «Фан»
 Жалолов Ф.
 УзССР «Фан» наприёти, 1974.
 Жалолов Ф.
 Ташкент, УзССР
 Жахонгир
 «Ўзбекистон» наприёти, 1974.
 Жирмунский
 «Наука», 1974.
 Жирмунский
 геройический
 Журин Е.
 Ташкент, УзССР
 Журин Е.
 Ташкент, УзССР
 Зарифов
 Ташкент, УзССР
 Зарифов
 Ташкент, УзССР
 Имомов
 УзССР «Фан»
 Ислом Н.
 наприёти, 1953.
 Йулдош
 ди образи, Тошкент, УзССР
 Каримо
 Ташкент, УзССР
 Каримо
 ФА наприёти
 Карома
 ГИХЛ УзССР
 Карома
 УзКП МК Б
 Карома
 следие), Та
 Каигам
 Кравц
 творчество.
 Ленинск
 Малла
 Г. Фулом
 Малла
 Тошкент,
 Мирз
 лом номиди
 Мир
 Тошкент,
 Мир
 хусусият

- Собиров О. Реалистик проза ва фольклор, Тошкент, УзССР «Фан» наприёти, 1979.
 Специфика фольклорных жанров, М., «Наука», 1973.
 Текстологическое изучение эпоса, М., «Наука», 1971.
 Типологические исследования по фольклору, М., «Наука», 1971.
 Турдиев Т. Ёш авлодни тарбиялашда халқ оғзаки ижоди, Тошкент, «Ўзбекистон» наприёти, 1974.
 Турсунов Т. Карим қизиқ Зарифов, Тошкент, Узбадабаш, 1960.
 Фазил Йулдош ўғли. Танланган асарлар, Тошкент, Узбадабаш, 1949.
 Фольклор. Издание эпоса, М., «Наука», 1977.
 Фольклор. Поэтическая система, М., «Наука», 1977.
 Хоразм халқ қушиклари, Тошкент, УзССР «Фан» наприёти, 1965.
 Чичеров В. Вопросы теории и истории народного творчества, М., «Советский писатель», 1959.
 Шоюсупова Ф. Узбек халқ оғзаки ижодида ижтимои сийёйт гөллар, Тошкент, «Ўзбекистон» наприёти, 1965.
 Узбек адабиёт тарихи, беш томлик, 1—5-томлар, Тошкент, УзССР «Фан» наприёти, 1977, 1980.
 Узбек халқ достонлари, 1—2-томлар, Тошкент, УзССР «Фан» наприёти, 1956—1957.
 «Узбек халқ ижоди бўйича тадиқотлар» сериясида (УзССР «Фан» наприёти) нашр этилган китоблар:
 Узбек халқ ижоди, Тошкент, 1967.
 Узбек совет фольклоры масалалари, Тошкент, 1970.
 Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни, Тошкент, 1971.
 Фазил шоир, Тошкент, 1973.
 Пўлқап шоир, Тошкент, 1976.
 Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни, Тошкент, 1978.
 «Узбек халқ ижоди» кўп томлиги сериясида (Г. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наприёти) нашр этилган жайлар:
 Алномиц, достон, Тошкент, 1979.
 Аския, Тошкент, 1970.
 Гулёр, Фарғона халқ қўшиклари, Тошкент, 1967.
 Гулихиромон, достонлар, Тошкент, 1965.
 Гулниор пари, достонлар, Тошкент, 1967.
 Гуллари, Намаиган эртаклари, Тошкент, 1967.
 Гулшаббог, достонлар, Тошкент, 1969.
 Гурӯлибинг туғилиши, достонлар, Тошкент, 1967.
 Дастангул, янги достонлар, Тошкент, 1965.
 Интизор. Нурали, достонлар, Тошкент, 1964.
 Латифалар, Тошкент, 1965.
 Муродхон, достонлар, Тошкент, 1965.
 Ойжамол, эртаклар, Тошкент, 1969.
 Олтин олма, эртаклар, Тошкент, 1966.
 Орзигул, достонлар, Тошкент, 1975.
 Оқ олма, қизиқ олма, қўшиклар, Тошкент, 1972.
 Сув қизи, эртаклар, Тошкент, 1966.
 Тоҳир ва Зуҳра, достонлар, Тошкент, 1974.
 Эргаш Жумабулбул ўғли, достонлар, 1-жилд, Тошкент, 1971.

- Шумабулбул ўғли, достонлар, 2-жилд, Тошкент, 1972.
 Шумабулбул ўғли, достонлар, Тошкент, 1976.
 Шумабулбул ўғли, маҳаллари, Тошкент, УзССР «Фан» наприёти, 1978.
 Шумабулбул ўғли, топшимиоқлари, Тошкент, Узбадабийнапри. 1961.
 ША дарорети, 1959.
 ША маданий органлари, 1—2-томлар, Тошкент, Узбадабийнапри, 1960.
 Шубунийбов Ж. Совет даридаги узбек халқ поэтик ижоди, Тошкент, УзССР «Фан» наприёти, 1959.
 Шубунийбов Ж. Узбек совет фольклорианинг ривожлашуда, Тошкент, УзССР «Фан» наприёти, 1969.
 Шодиров М. Узбек халқ оғзаки драмаси, Тошкент, УзССР «Фан» наприёти, 1963.
 Шодиров М. Алишер Навоий ва санъат, Тошкент, УзКП МК «Фан» Бирлигиган наприёти, 1968.
 Шодиров М. Юсуфжон қизиқ ижоди, Тошкент, УзКП МК «Фан» Бирлигиган наприёти, 1969.
 Шодиров М. Узбек халқ театри, Тошкент, УзКП МК наприёти, 1970.
 Шодиров М. Масхабабоз ва қизиқчилар санъати, Тошкент, УзССР «Фан» наприёти, 1971.
 Шодиров М. Халқ қўтиричоқ театр, Тошкент, Г. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наприёти, 1972.
 Шодиров М. Узбек театрни айланалари, Тошкент, Г. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наприёти, 1976.
 Шодиров Н. Халқ тили ва реалистик проза, Тошкент, УзССР «Фан» наприёти, 1973.
 Шодирова М. Музайяна Алавия, адабий портрет, Тошкент, Г. Фулом номидаги Адабиёт наприёти, 1968.
 Косимов С. Ленин. Партия. Адабиёт, Тошкент, «Ёш гвардия», 1972.
 Кошимов М. Чечанликда сўзга сувдай оқиб, Тошкент, УзССР «Фан» наприёти, 1978.
 Гулом номидаги Адабиёт ва санъат наприёти, 1968.
 Гозибоев Т. Фазил Йулдош ўғли, Тошкент, УзССР «Фан» наприёти, 1968.
 Хайдаров С. Узбек халқ оғзаки бадий ижодида В. И. Ленин образи, Тошкент, УзКП МК наприёти, 1968.
 Халимов М. Ізувчи ва халқ тили, Тошкент, УзССР «Фан» наприёти, 1971.
 Хусанова З. Узбек топшимиоқлари, Тошкент, УзССР «Фан» наприёти, 1966.

салчуг

Х

МУНДАРИЖА

| | |
|---|--|
| Авторлардан | |
| Кириш | |
| Фольклоршунослик | |
| Қадимги давр фольклори | |
| Феодализм даври ўзбек фольклори | |
| Фольклор жаңарлари | |
| Құшиқдар | |
| Мехнат құшиқлари | |
| Мавсум-маросим ва урф-одат құшиқлари | |
| Лирик құшиқлар | |
| Термалар | |
| Мақоллар | |
| Тошибмоқлар | |
| Әртаклар | |
| Ағсона ва ривоятлар | |
| Латифа ва лоғлар | |
| Достонлар | |
| «Алпомин» достони | |
| «Гүрүгли» туркуми достонлари | |
| Оғзаки драма | |
| Асия | |
| Болалар фольклори | |
| XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида ўзбек фольклори | |
| Совет даври ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди | |
| Улуг Октябрь социалистик революцияси, гражданлар уруши, халқ хұжалигини тиклаш ва социалистик индустриялық даври ўзбек халқ оғзаки бадийи ижоди (1917—1929 ийлар) | |
| Улуг Ватан урушигача бўлган беш ийлликлар даври ўзбек фольклори | |
| Улуг Ватан уруши даври ўзбек фольклори | |
| Урушдан кейинги давр ўзбек фольклори | |
| Адабиёт ва фольклор | |
| Библиография | |

